



# MOLIYAVIY TEXNOLOGIYALAR

№4

ILMIY ELEKTRON JURNALI



*ISSN: 2181-3965*  
**VOLUME 4**  
**TOSHKENT 2025**

## **“MOLIYAVIY TEXNOLOGIYALAR” ILMIY ELEKTRON JURNALI TAHRIRIYAT KENGASHI RAISI**

**To‘lqin Zakirovich Teshabayev** – tahririyat kengashi raisi. Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

### **TAHRIRIYAT KENGASHI**

**Mehmonov Sultonali Umaraliyevich** – Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, O‘quv ishlari bo‘yicha birinchi prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Abdurahmanova Gulnora Qalandarovna** - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo‘yicha prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Karimova Komila Daniyarovna** - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Yoshlar masalalari va ma‘naviy-marifiy ishlar bo‘yicha birinchi prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

**Xudoyqulov Sadirdin Karimovich** - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Hududiy ta‘lim masalalari va markazlar bo‘yicha prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Sindarov Sherzod Egamberdiyevich** – Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Infratuzilmalarni rivojlantirish va iqtisod ishlari bo‘yicha prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

**Saparov Aktam Jo‘rayevich** – bosh muharrir, filologiya fanlari doktori

**Islamkulov Alimnazar Xudjamuratovich** – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Pardayev Abdunabi Xoliqovich** – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Kuziyev Islomjon Ne‘matovich** – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Baymuratov Tursunbay Maxkambayevich** – iqtisodiyot fanlari nomzodi, professor

**Omonov Akrom Abdinazarovich** – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Sharipov Qongratbay Avezimbetovich** – texnika fanlari doktori, professor, O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vaziri

**Jumayev Nodir Xosiyatovich** – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashi deputati

**Haydarov Nizomiddin Hamroyevich** – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Raviprakash G. Dani** – Xalqaro ta‘lim konsultanti, professor (AQSH)

**Bagautdinova Nailya Gumerovna** – Qozon federal universiteti Boshqaruv, iqtisodiyot va moliya instituti direktori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Rossiya Federatsiyasi)

**Sharifzoda Mu‘min Mashokir** – Tojik davlat huquq, biznes va siyosat instituti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Tojikiston Respublikasi)

**Maley Elena Borisovna** – Polotsk davlat universiteti rektori, iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent (Belarus Respublikasi)





**Asif Mahbub Karim** – Malayziya Menejment va tadbirkorlik universiteti professori (Malayziya qirolligi)

**Piter Xayk** – Yevropa amaliy fanlar va menejment instituti ilmiy ishlar bo‘yicha prorektori (Chexiya Respublikasi)

**Yavuz Demirel** – Kastamonu universiteti professori (Turkiya Respublikasi)

**Jo‘rayev Abdug‘affor Safarovich** – Termez agrotexnologiyalar va Innovatsion rivojlanish instituti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Ismanov Ibroxim Nabiyevich** – Farg‘ona politexnika instituti kafedra mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Xayriddinov Azamat Botirovich** – Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti prorektori iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent

**Tashnazarov Samiddin Nizamovich** – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti kafedra mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Saidova Feruza Baxtiyarovna** – Pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), professor

**Yakubova Nargiz Tursunbayevna** – iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

#### **JURNAL TAHRIRIYATI**

**Saparov Aktam Jo‘rayevich** – bosh muharrir, filologiya fanlari doktori, dotsent

**Avlokulov Anvar Ziyadullayevich** – ilmiy muharrir, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Aliqulov Mehmonali Salohiddin o‘g‘li** – mas‘ul muharrir, iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), dotsent

**Buxorova Moxira Samandarovna** – muharrir

*O‘zbekiston Respublikasi OAK Rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 364-son qarori bilan “Moliyaviy texnologiyalar” jurnali iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) va fan doktori (DSc) ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiyalari yuzasidan assosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan.*





| <b>MUNDARIJA</b>               |   |   |     |
|--------------------------------|---|---|-----|
| <b>СОЛИҚ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ</b> |   |   |     |
| 1.                             | Ташмурадова Бувсара Эгамовна                        | Трансферт нархлар шаклланишида солиқ назорати ва таққослама бозор нархларини аниқлаш усуллари   | 6   |
| 2.                             | Сафаров Ғиёсиддин Абдуллаевич                       | Табий ресурс ва моль-мулкларга солиқ солиш тамойиллари  | 14  |
| 3.                             | Mirpo`latov Jahongir Muzapparovich                  | Soliq qarzdorligi dinamikasi va unga ta'sir etuvchi omillar tahlili   | 21  |
| <b>ИНВЕСТИЦИЯЛАР</b>           |   |   |     |
| 4.                             | Zohidova Ruxsora Komiljon qizi                      | Iqtisodiy rivojlanishda xorijiy investitsiyalarning o'rnini va ularni kafolatli himoyalash uchun yaratilgan shart-sharoitlar                                    | 27  |
| 5.                             | Жўраев Камолиддин Тошболтаевич                      | Ипотека кредитлаш тизимини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш  | 35  |
| 6.                             | Mamatkulova Nodira Makkamovna                       | Milliy iqtisodiyotga to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish bilan bog'liq muammolar   | 41  |
| 7.                             | Yusupov Askar Abdusalim o'g'li                      | Asosiy kapitalga investitsiyalarni moliyalashtirishning amaldagi holati tahlili   | 47  |
| 8.                             | Нурдуллаев Алишер Ниятилла ўғли                     | Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишининг замонавий ҳолати  | 53  |
| 9.                             | Мавлянов Зафар Саҳибович                            | Махсус иқтисодий зоналарда инвестиция муҳити жозибadorлигига таъсир этувчи омиллар  | 57  |
| <b>ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ</b>          |   |   |     |
| 10.                            | Маннапова Раъно Аброровна                           | Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини автоматлаштириш афзалликлари   | 63  |
| 11.                            | Нормуродов Шерзод Саъдулла ўғли                     | Бюджет тизими ресурсларидан фойдаланишда давлат молиявий назорати   | 68  |
| 12.                            | Касимова Гуляра Ахматовна Маллаев Зокир Сафарбоевич | Ғазначилик хизмати тизими: амалиёт ва ахборот технологиялари  | 75  |
| 13.                            | Tilabov Nasrulla Tashmuratovich                     | Davlat qarz siyosatini isloh qilishning huquqiy va institutsional asoslarini takomillashtirish yo'nalishlari  | 83  |
| 14.                            | Majitov Temur Bahodir o'g'li                        | O'zbekiston respublikasida davlat budjeti daromadlarini diversifikatsiya qilishning iqtisodiy tahlili va takomillashtirish yo'nalishlari                        | 90  |
| <b>КАПИТАЛ БОЗОРИ</b>          |   |   |     |
| 15.                            | Иброҳимов Ёрқинжон Тўлқин ўғли                      | Ўзбекистон пул бозорида репо операцияларини ривожлантириш ва ликвидликни бошқаришни такомиллаштириш йўналишлари   | 96  |
| 16.                            | Valiyeva Muxlisa Saydullayevna                      | Kapital bozorini rivojlantirish orqali aksiyadorlik jamiyatlariga moliyaviy resurlarni jalb etish yunalishlari  | 108 |
| 17.                            | Xolov Sherali Axrorboyevich                         | Global kapital bozorlarining rivojlanishi va institutsional transformatsiyasi sharoitida investitsiyalarni jalb qilishda fond bozorlarining iqtisodiy ahamiyati | 118 |
| <b>ТУРИЗМ ВА ИҚТИСОДИЁТ</b>    |   |   |     |
| 18.                            | Fayzullayev Nodirbek Baxtiyor o'g'li                | Integrating sustainability into marketing strategies for eco-tourism in Uzbekistan  | 127 |
| 19.                            | Umbarov Doston Murodjon o'g'li                      | Turizmدا klaster modellarini baholash mezonlari asosida ularning moslik xususiyatlarini aniqlash  | 134 |
| <b>ИҚТИСОДИЁТ</b>              |   |   |     |
| 20.                            | Yangiboyev Dilshod G'ulomovich                      | O'zbekiston Respublikasining tashqi savdo aylanmasida eksport hajmini oshirishining asosiy yo'nalishlari  | 140 |





| <b>МОЛИЯ</b>                 |                                       |  |     |
|------------------------------|---------------------------------------|--|-----|
| 21.                          | Toshpulatov Murodulla Sobirjon o'g'li | Aksiyadorlik jamiyatlari biznes moliyasini takomillashtirish yo'llari  | 145 |
| 22.                          | Islamova Nargiza Mirzaxidovna         | Moliyaviy ichki nazorat tizimini takomillashtirish masalalari  | 154 |
| <b>ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР</b>     |                                       |  |     |
| 23.                          | Раҳмонқулов Илҳомжон Ўқтамқул ўғли    | Халқаро қимматли қоғозлар бозорида акциядорлик жамиятлари иштироки таҳлили   | 164 |
| 24.                          | Alikulov Azamat Tuynunovich           | Aksiyadorlik jamiyatlari uchun dividend siyosatining ahamiyati   | 172 |
| <b>БУХГАЛТЕРИЯ ВА АУДИТ</b>  |                                       |  |     |
| 25.                          | Хасанова Нодира Марифжоновна          | Даромад ва ҳаражат ҳисобларини такомиллаштириш   | 177 |
| 26.                          | Разиқов Джалил Джалалович             | Особенности учета тары сельскохозяйственной продукции  | 186 |
| <b>БАНК ИШИ</b>              |                                       |  |     |
| 27.                          | Бўриев Жамшид Парда ўғли              | Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги иштирокида акциялар эмиссияси таҳлили                            | 193 |
| 28.                          | Юсуфхўжаев Фазлиддин Мансур ўғли      | Ахборот технологиялари орқали масофавий банк хизматларини ривожлантириш бўйича хориж тажрибаси                     | 201 |
| 29.                          | Рўзиев Насим Ибрагимович              | Тижорат банклари инвестиция фаолиятининг долзарб масалалари  | 208 |
| 30.                          | Dagarov Bekzod Muzaffar o'g'li        | Tijorat banklarining investitsiya faoliyatiga strategik ta'sir etuvchi omillar                                     | 215 |
| <b>СУҒУРТА ВА ПЕНСИЯ ИШИ</b> |                                       |  |     |
| 31.                          | Abdullayev Erkinjon A'zamovich        | Sug'urta bozorini tartibga solish tizimi rivojlanish bosqichlari: rivojlangan mamlakatlar va O'zbekiston tajribasi | 222 |
| 32.                          | Хайдаров Асқарбек                     | Ривожланган давлатлар пенсия таъминоти тизимларининг шаклланиш тенденциялари                                       | 228 |
| 33.                          | Gadayev Jaxongir Muhammadi o'g'li     | O'zbekistonda takaful sug'urtasini joriy etish imkoniyatlari   | 235 |
| <b>ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ</b> |                                       |  |     |
| 34.                          | Мамбетсапаев Курбанияз Айниязович     | Развитие социальной инфраструктуры Узбекистана: цифровизация, региональные различия и общественное участие         | 241 |
| 35.                          | Umirov Akramjon Tursunpulotovich      | Kichik biznes va tadbirkorlik faoliyatida investitsiyalar samaradorligini oshirish                                 | 248 |
| 36.                          | Raxmatullayev Jamshid Murodillayevich | Oliy ta'lim muassasalarini davlat budjeti mablag'lari hisobidan moliyaviy ta'minlash amaliyoti tahlili             | 254 |
| 37.                          | Xayrullayev Javohir Sheraliyevich     | Raqamli texnologiyalarning sanoat samaradorligini oshirishdagi roli  | 262 |





## ТРАНСФЕРТ НАРХЛАР ШАКЛЛАНИШИДА СОЛИҚ НАЗОРАТИ ВА ТАҚҚОСЛАМА БОЗОР НАРХЛАРИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ



**Ташмурадова Бувсара Эгамовна**

*иқтисодиёт фанлари доктори  
корпоратив молия ва қимматли  
қозғалар кафедраси профессори  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети*

*E-mail: [buvsara.egamovna@gmail.com](mailto:buvsara.egamovna@gmail.com)*

*ORCID: 0000-0002-2240-8897*

**Аннотация.** Мақолада солиқдан қочиш мақсадларида ўзаро алоқадор шахслар ўртасида трансферт нархлар шаклланиши устидан солиқ назоратини олиб боришда таққосланадиган бозор нархларини аниқлаш усуллари ва улардан самарали фойдаланиш масалалари тадқиқ этилиб, тегишли тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** солиқлар, солиқ тизими, солиққа назорати, солиқ ҳуқуқи, трансферт нархлар, молиявий натижалар, нарх, харажат, фойда, солиқлардан бўйин товлаш, солиқ қонунчилиги, солиқ ҳуқуқбузарликлари.

## НАЛОГОВЫЙ КОНТРОЛЬ В ТРАНСФЕРТНОМ ЦЕНООБРАЗОВАНИИ И МЕТОДЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ СОПОСТАВИМЫХ РЫНОЧНЫХ ЦЕН

**Ташмурадова Бувсара Эгамовна**

*доктор экономических наук  
профессор кафедры корпоративных  
финансов и ценных бумаг  
Ташкентский государственный  
экономический университет*

*E-mail: [buvsara.egamovna@gmail.com](mailto:buvsara.egamovna@gmail.com)*

*ORCID: 0000-0002-2240-8897*

**Аннотация.** В статье излагаются методы налогового контроля над образованием трансфертного ценообразования между аффилированными лицами. Изучены методы определения рыночных цен для сопоставления с трансфертными ценами и вопросы эффективного использования их в налоговом контроле, сформулированы соответствующие предложения.

**Ключевые слова:** налоги, налоговая система, налоговый контроль, трансфертные цены, налоговое право, налоговые отчеты, финансовые результаты, себестоимость, прибыль, уклонение от налогов, налоговые правонарушения, налоговое законодательство.

## TAX CONTROL IN TRANSFER PRICING AND METHODS OF DETERMINING COMPARABLE MARKET PRICES

**Tashmuradova Buvsara Egamovna**

*Doctor of Economics Sciences  
Professor of the Department  
Corporate Finance and Securities  
Tashkent State the University of Economics*

*E-mail: [buvsara.egamovna@gmail.com](mailto:buvsara.egamovna@gmail.com)*

*ORCID: 0000-0002-2240-8897*





**Abstract.** The article presents methods of tax control over the formation of transfer pricing between affiliated persons. The methods of determining market prices for comparison with transfer prices and issues of their effective use in tax control are studied. The corresponding proposals have been formulated.

**Keywords:** taxes, tax system, tax control, transfer prices, tax law, tax reports, financial results, cost price, profit, tax evasion, tax offenses, tax legislation.

### **Кириш**

Иқтисодиётда доим солиқдан қочиш мақсадида даромадларни яшириш йўллари, имкониятлари қидирилган. Шундай йўллардан бири трансферт нархлардан фойдаланишдир. Ўзаро алоқадор тарафлар ёки мустақил шахслар ўртасидаги битимларда шаклланадиган таққосланадиган иқтисодий шароитларда қўлланилиши мумкин бўлган ҳолис тарзда шаклланадиган нархдан, бошқача айтганда бозор нархидан фарқ қиладиган нарх трансферт нарх деб қаралади. Албатта, бунда шу нарх орқали даромадни яшириш имкони мавжуд бўлади. Бундай ҳолатда нархнинг барча солиқлар камайишига таъсири ўрганилади.

Солиқ ҳуқуқига кўра, солиқ тўловчига жаримасиз солиқ хатоларини тузатиш имконияти берилган. Бу жараён аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи орқали ва солиқ ҳисоботи даврида амалга оширилади. Бунда пеня ҳисобланмайди.

Солиқ кодекси 2020 йилдан кучга кирганлигига қарамай, трансферт нархларни назорат қилиш ва битимларнинг бозор нархларидан келиб чиқиб, даромадларни ва уларга солиқ миқдорини аниқлашни қўлланилиши 2025 йилдан бошлаб амалга оширилмоқда. Аммо муаммо шундаки, солиқ тўловчи ва солиқ органи ўртасида битимлар нархлари ва унинг бозор нархларига мувофиқлиги ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлади ва бу кўп норозиликларга, коррупцияга ва бюджет даромадлари камайишига ёки тадбиркорлик фаолияти зарарига таъсир этиши мумкин. Бундай шароитда қандай ечим топиш мумкин, деган савол туғилади. Албатта, солиқларнинг адолатли ундирилиши бунда энг муҳим нуқтадир. Шу туфайли битимларда нархларнинг ва таққослама нархлар орқали бозор нархининг ҳисоблаш механизмини аниқ ўрганиш ва таъминлаш солиқларнинг тўғри ундирилишида муҳим аҳамият касб этади.

### **Адабиётлар шарҳи**

Трасферт нархларда солиқ назоратини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида атрофлича баён этилган. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, бу механизм тартиблари ниҳоятда мураккаб, солиқ тўловчи ва тадбиркорларга ўта тушунарсиз ҳолда баён этилган. Шу туфайли кўплаб ноаниқликлар, турлича талқин этишлар ёки нотўғри фойдаланишлар келиб чиқади. Бунда иқтисодиётимизда солиқ билан боғлиқ вазиятлар, ўзгаришлар, тадбиркорлик ва инвестицион муҳит, монополия ва рақобат, коррупция ва яширин иқтисодиёт ҳолати, халқаро даражадаги вазиятлар, халқаро молия институтларининг аралашувини ҳам инобатга олиш заруратидан келиб чиққан ҳолда баҳо бериш ва такомиллаштириш тақозо этилади.

Масалан "Агар айрим турдаги битимларга нисбатан нархга доир энг кўп ва (ёки) энг кам устамалар ёки нархлардан чегирмалар белгилаш воситасида ёхуд рентабелликка ёки фойдага доир чекловлар воситасида нархларни тартибга солиш назарда тутилган бўлса, кўрсатилган турдаги битимлардаги нархлар солиқ солиш мақсадида ушбу модданинг саккизинчи қисмида белгиланган ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда бозор нархлари деб топилади." (Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси , 179 модда) [2]. Бундай

жумлада ифода этилган мантиқни англаш учун катта мутахассис, тажрибали амалиётчи ва қонунчиликни ишлаб чиқишда қатнашган шахс бўлиш керак. Солиқ Кодексида бундай мисоллар жуда кўп. Бу эса тадбиркорлар, бухгалтерлар, иқтисодчилар





ва солиқ органи ходимларининг солиқ қонунчилиги ва солиқ ҳуқуқи борасидаги билимларининг саёзлашишига, муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Тадқиқотчи Б. Исмоиловнинг фикрига кўра: “Аксарият жаҳон давлатларида солиқ тўловчилар фаолиятини баҳолаш контрагентларни баҳолаш тарзида олиб борилиб, сегментлаш, солиқ хавфини аниқлаш тарзида амалга оширилмоқда. Бугунги кунда дунёда солиқ тўловчилар фаолиятини назорат қилишда лозим даражада эҳтиёткорлик тамойилларига амал қилиш устуворлик касб этмоқда” [6]. Тўғри, контрагентлар орқали солиқ тўловчилар фаолиятини текшириш усули ривожланмоқда. Бунда аввало трансферт нархлар назорат қилинади. Аммо бунда контрагентлар хатоси ёки ҳуқуқбузарликларининг жавобгарлиги солиқ тўловчи зиммасига юкланиши бир қанча муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

### **Тадқиқот методологияси**

Мақолада ўзаро боғлиқ шахслар ўртасида трансферт нархларни назорат қилишда бозор нахларини аниқлаш усулларини ўрганишда таққослама таҳлил, статистик таҳлил, қиёслаш, илмий абстракциялаш, анализ, синтез каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Ўзаро алоқадор шахслар ўртасидаги битимлар қуйидагилардан бирига мос бўлса, яъни:

- 1) календарь йилдаги битимлар нархларининг суммаси беш миллиард сўмдан ошса;
- 2) битимнинг битта тарафи махсус солиқ режимини қўлласа ёки махсус иқтисодий зона иштирокчиси бўлса ва даромадларнинг тегишли календарь йилдаги суммаси беш юз миллион сўмдан ортиқ бўлса;
- 3) битимнинг бир тарафи фойда солиғини тўлашдан озод этилган бўлса, пасайтирилган солиқ ставкасини ёки бошқа солиқ имтиёзларини қўлласа, бошқа тарафлари орасида бундай имтиёзга эга бўлмаса;
- 4) тарафлардан бири томонидан қазиб олинган фойдали қазилма битим предмети бўлса ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг адвалор солиқ ставкаси назарда тутилган бўлса ва даромадларнинг тегишли календарь йилдаги суммаси беш юз миллион сўмдан ортиқ бўлса, улар назорат қилинадиган битимлардир.

Биринчи сотувчи ва охириги истеъмолчи ўзаро алоқадор бўлса ва орада бошқа шахслар, битимлар кетма кетлиги бўлса бу битимлар ҳам назорат қилинади. Бунда учинчи шахслар:

- 1) битимларнинг ушбу кетма-кетлигида ёки мажмуида ҳеч қандай қўшимча вазифаларни бажармаслиги;
- 2) ўз зиммасига ҳеч қандай таваккалчиликларни қабул қилмаслиги ва реализация қилишда ҳеч қандай активлардан фойдаланмаслиги эътиборга олинади.

Бозор нархини белгилашда қонунчиликда энг юқори ва энг қуйи чегаралар белгиланади. Битимларнинг бозор нархларни аниқлашда уларнинг тижорат ва молиявий шартларини таққослаш тартиби мавжуд бўлганда уларни таҳлил этиш лозим бўлади. Таҳлилда қуйидаги, яни:

- 1) бозорларнинг географик жойлашган ҳудуди ва уларнинг ўлчами;
- 2) бозорларда рақобатнинг мавжудлиги ҳамда бозордаги сотувчилар ва харидорларнинг нисбий рақобатбардошлилиги;
- 3) бозорда бир турдаги товарларнинг (хизматларнинг) мавжудлиги;
- 4) бозордаги таклиф ва талаб, истеъмолчиларнинг харид қобиляти;
- 5) ишлаб чиқариш ва транспорт инфратузилмасининг ривожланиш даражаси;
- 6) бозорнинг битим нархига таъсир этувчи тавсиялар каби бошқа омиллар ҳисобга олиниши лозим.





Битимларнинг тарафлари томонидан бажариладиган вазифаларни таҳлил қилишда уларнинг тасарруфидаги моддий ва номоддий активлар миқдори ҳам ҳисобга олинади. Чунки бу рентабеллик даражасига бевосита таъсир кўрсатади.

Битимлардаги рисклар ҳам ҳисобга олиниши лозим. Тарафларнинг тижорат стратегиялари, маҳсулотни янгилашга ва такомиллаштиришга, маҳсулот сотиладиган янги бозорларга чиқишга қаратилган ёндашувлар ҳам ҳисобга олиниши лозим. Чунки булар нархга таъсир кўрсатиб, рентабеллик даражасини белгилайди.

Таҳлил қилинаётганда кредитлар ёки заёмлар шартларини таққослаш талаб этиладиган бўлса, битимлар тарафларининг кредит тарихи ва тўлов қобилияти, бундай кредитлар ёки заёмлар берилаётган муддатлар, уларнинг валютаси ҳамда фоиз ставкаси ўлчамига таъсир кўрсатувчи бошқа шартлар ҳисобга олинади.

Трансферт нархни бўйича солиқ назоратини ўтказишда бозор нархларининг оралиғини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси қуйидаги, яъни:

1) Ўзбекистон Республикаси биржаларининг ва чет эл биржаларининг нархлар ҳамда котировкалар тўғрисидаги маълумотларидан;

2) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан эълон қилинадиган ёки сўровга кўра тақдим этиладиган Ўзбекистон Республикаси ташқи савдосининг божхона статистикасидан;

3) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатли давлат бошқаруви органларининг расмий ахборот манбаларидаги, чет давлатларнинг ёки халқаро ташкилотларнинг расмий ахборот манбаларидаги, бошқа эълон қилинган ва ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ахборот манбаларидаги ҳамда ахборот тизимларидаги нархлар (нархларнинг ўзгариш чегаралари) ва биржа котировкалари тўғрисидаги маълумотлардан;

4) ахборот-нарх агентликлари маълумотларидан;

5) солиқ тўловчи томонидан тузилган битимлар тўғрисидаги ахборотдан.

6) юридик шахсларнинг молиявий ва статистика ҳисоботидан олинган маълумотлардан, шунингдек расмий сайтларидаги маълумотлардан;

7) баҳолаш фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ёки чет давлатлар қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланган бозор қиймати тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланади.

Қуйидаги жадвалда ўзаро алақадор шахслар ўртасида келишилган, яъни трансферт нархлар орқали содир этилган ҳуқуқбузарликлар қиймати тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

1-жадвал.

**Ўзаро алақадор шахслар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар  
ва улар юзасидан кўрилган молиявий жавобгарлик  
чоралари таҳлили (млн. сўм)\***

| Йиллар       | Қўлланилган жарималар | Ундирилган жарималар | Иш юритиш тугатилган (МЖК 271-модда) | Огоҳлантирилган (МЖК 21-модда) сон |
|--------------|-----------------------|----------------------|--------------------------------------|------------------------------------|
| 2021         | 7544,8                | 7 158,1              | 35 332                               | 1 649                              |
| 2022         | 153 888,9             | 34 339,9             | 35 922                               | 2 282                              |
| 2023         | 196743,8              | 28162,9              | 17 204                               | 754                                |
| <b>Jami:</b> | <b>358 177,5</b>      | <b>69 660,9</b>      | <b>88 458</b>                        | <b>4 685</b>                       |

\*Муаллиф томонидан Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.





Маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, битимлар бўйича келишув нархлари туфайли бюджет даромадларига салмоқли зарарлар етказилмоқда.

Трансферт нархнинг солиқ назоратида қуйидаги, яъни:

- 1) таққосланадиган бозор нархларининг усули;
- 2) кейинги реализация қилиш нархи усули;
- 3) харажат усули;
- 4) таққосланадиган рентабеллик усули;
- 5) фойдани тақсимлаш усули кабилардан фойдаланиш мумкин.

Солиқ назоратини амалга оширишда аввало молиявий кўрсаткичлар ва рентабеллик оралиғини аниқлаш муҳимдир. Чунки нархлар даражаси аввало шу кўрсаткичларга боғлиқ. Бунда қуйидаги, яъни:

- 1) ялпи фойданинг соф тушумга нисбати сифатида аниқланадиган ялпи рентабеллик;
- 2) ялпи фойданинг таннархига нисбати сифатида аниқланадиган харажатларнинг ялпи рентабеллиги;
- 3) асосий фаолиятдан олинган фойданинг товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумга нисбати сифатида аниқланадиган сотиш рентабеллиги;
- 4) асосий фаолиятдан олинган фойданинг таннарх, реализация қилиш билан боғлиқ маъмурий харажатларнинг суммасига нисбати сифатида аниқланадиган харажатлар рентабеллиги;
- 5) ялпи фойданинг реализация харажатларга ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлган маъмурий харажатларга нисбати сифатида аниқланадиган реализация қилиш бўйича харажатларнинг ва маъмурий харажатларнинг рентабеллиги;
- 6) асосий фаолиятдан олинган фойданинг таҳлил қилинадиган битимда бевосита ёки билвосита фойдаланиладиган активларнинг (муомалада бўлмаган ва муомалада бўлган) жорий бозор қийматига нисбати сифатида аниқланадиган активлар рентабеллиги кўрсаткичларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Активларнинг жорий бозор қиймати тўғрисидаги ахборот мавжуд бўлмаганда, активлар рентабеллиги молиявий ҳисоботнинг маълумотлари асосида аниқланиши мумкин.

Рентабеллик оралиғини аниқлашда таққосланишни таъминлаш мақсадида рентабеллик кўрсаткичлари молиявий ҳисоботларидаги маълумотларга асосланган ҳолда мавжуд фарқларга тузатиш киритиш мақсадида ўзгариши мумкин. Бундай тузатишлар, хусусан, дебиторлик ва кредиторлик қарзи кўрсаткичларида, солиқ тўловчининг ва молиявий ҳисобот маълумотларидан рентабеллик оралиғини аниқлаш учун фойдаланиладиган юридик шахсларнинг молиявий ҳисоботи маълумотлари бўйича товар-моддий захираларнинг кўрсаткичларида амалга оширилади.

**Таққосланадиган бозор нархлари усули** энг кўп қўлланиладиган усул бўлиб, назорат қилинадиган битимдаги товарлар нархларининг бозор нархларига мувофиқлигини бозор нархлари оралиғи билан таққослаш асосида аниқлашни назарда тутди. Бунда бир неча шу соҳадаги корхоналар нархлари инобатга олинади.

Фақат битта таққосланадиган битим ҳақидаги ахборот мавжуд бўлса, назорат қилинадиган ҳамда таққосланадиган битимларнинг молиявий шартлари тўлиқ мос бўлса, бир вақтнинг ўзида бозор нархлари оралиғининг энг кам ва энг кўп кўрсаткичлари деб эътироф этилиши мумкин. Аммо таққосланадиган битимдаги товарлар бозорида монополия бўлса, бу тартиб қўлланилмаслиги керак.

Бир хил товарлар бўйича бир нечта таққосланадиган битим тўғрисида ахборот мавжуд бўлганда, бозор нархлари оралиғи қуйидаги тартибда аниқланади. Дастлаб таққосланадиган нархлар мажмуи ўсиб бориш тарзида тартибга солинади ва нархнинг энг кам миқдоридан бошлаб тартиб рақами берилади. Бунда назорат қилинадиган битимнинг нархи ҳисобга олинмайди. Мустақил шахслар билан амалга оширилган таққосланадиган





битимлар сони етарли бўлганда, бошқа битимлар бўйича ахборот ҳисобга олинмаслиги мумкин. Сўнгра олинган танлама асосида рентабеллик оралиғини аниқлаш учун бозор нархларининг оралиғи топилади.

Биржа котировкалари тўғрисида эълон қилинган ёки сўров бўйича олинган ахборотдан фойдаланилганда бозор нархларининг оралиғи тегишли биржада рўйхатдан ўтказилган айнан ўхшаш товарлар билан амалга оширилган битимларнинг нархлари асосида аниқланади. Бундай ҳолда энг кам ва энг кўп нархи ўртасидаги оралиқ бозор нархлари оралиғи деб эътироф этилади.

Ахборот-нарх агентликларининг маълумотлардан фойдаланилганда эса, эълон қилинган нархларининг энг кам ва энг кўп кўрсаткичларига мувофиқ бўлган оралиқ бозор нархларининг оралиғи деб эътироф этилиши мумкин.

Битим нархи аниқланган бозор нархлари оралиғи чегарасида бўлса, солиқ солиш мақсадларида ушбу нарх бозор нархларига мувофиқ бўлган деб эътироф этилади. Бозор нархлари энг кам миқдоридан кам бўлса ёки унинг энг кўп миқдоридан кўп бўлса, ушбу нарх бозор нархларига мувофиқ бўлмаган нарх деб эътироф этилади ва ўртача қийматига тенг бўлган нархдан келиб чиқиб солиқ олинади.

**Кейинги реализация қилиш нархи усули** олинган товарни кейинги реализация қилишда (қайта сотишда) олинган ялпи рентабелликни таққослаш асосида бозор нархларига мувофиқлигини аниқлашни назарда тутди.

Қайта сотишни амалга ошираётган шахс унинг ялпи рентабеллиги даражасига сезиларли таъсир кўрсатадиган номоддий активлар объектларига эгалик қилмаса, мазкур усулдан фойдаланилади.

Товарни мустақил шахсларга кейинги реализация қилиш турли нархларда амалга оширилса, рентабеллик оралиғини аниқлашда битимлар бўйича ушбу товарнинг ўртача нархидан фойдаланилади.

Қайта сотишда ялпи рентабеллик аниқланган рентабеллик оралиғи чегарасида бўлса, товар сотиб олинган нарх бозор нархларига мувофиқ деб эътироф этилади.

**Харажат усули** таққосланадиган битимлардаги харажатлар ялпи рентабеллигини аниқланган бозор оралиғи билан таққослашга асосланади.

Харажат усули қуйидаги ҳолларда, яъни:

- 1) сотувчи билан ўзаро боғланган шахслар томонидан хизматлар кўрсатилганда;
- 2) пул маблағларини бошқаришга доир хизматлар кўрсатилганда, жумладан қимматли қоғозлар бозорида, валюта бозорида савдо операцияларини амалга оширишда;
- 3) якка ижро этувчи органи вазифаларни бажариш бўйича хизматлар кўрсатилганда;
- 4) сотувчи билан ўзаро боғлиқ шахсларга хом ашё ёки ярим тайёр маҳсулотлар сотилганда;

5) ўзаро боғлиқ шахслар ўртасида узоқ муддатли шартномалар бўйича товарлар (хизматлар) реализация қилинганда қўлланилиши мумкин.

Харажатларнинг ялпи рентабеллиги рентабеллик оралиғининг энг кам миқдоридан кам ёки унинг энг кўп миқдоридан кўп бўлса битимнинг нархи солиқ солиш мақсадида рентабеллик оралиғининг ўртача қийматига мувофиқ келадиган харажатларнинг ялпи рентабеллигидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Харажат усулида ахборот-нарх агентликларининг нархлар тўғрисидаги маълумотларидан фойдаланиш мумкин. Бу солиқ суммасининг камайишига ёки солиқ тўловчининг зарари суммаси ошишига олиб келмаслиги керак.

**Таққосланадиган рентабеллик усули** битим эгасида юзага келган операцион рентабелликни таққосланадиган битимлардаги операцион рентабеллик бўйича аниқланган бозор оралиғи билан таққослашни назарда тутди.

Таққосланадиган рентабеллик усулидан ахборот мавжуд бўлмаганда ёки етарли бўлмаганда фойдаланилади ва бунда операцион рентабелликнинг қуйидаги кўрсаткичларидан, яни:





- 1) сотиш рентабеллиги;
- 2) харажатлар рентабеллиги;
- 3) тижорат ва бошқарув харажатлари рентабеллиги;
- 4) активлар рентабеллигидан фойдаланиш мумкин.

Бу усулдан фойдаланилганда:

1) бир тарафнинг айна бир товар билан кетма-кет бажарилган битимлар бўйича олинган фойдага қўшган ҳиссаси бошқа тараф қўшган ҳиссага нисбатан кам бўлган вазифаларни амалга ошириши;

2) битимнинг тарафи бошқа тарафига нисбатан кам иқтисодий рискни қабул қилганлиги;

3) назорат қилинадиган битимнинг тарафи рентабеллик даражасига сезиларли таъсир кўрсатадиган номоддий активлар объектларига эгалик қилмаганлиги каби битимнинг шубҳали томонларига эътибор қаратилади.

Рентабеллик ўртача рентабеллик оралиғи доирасида бўлса, солиқ солиш мақсадларида битимнинг нархи бозор нархларига мувофиқ деб тан олинади.

**Фойдани тақсимлаш усули** назорат қилинадиган битим эгасининг олинган жами фойдасининг тақсимланишини таққосладиган битимлар тарафлари ўртасида тақсимлаш билан таққослашни назарда тутди.

Юридик шахслар бухгалтерия ҳисобига қўйиладиган турли талаблар асосида бухгалтерия ҳисобини юритса, фойдани тақсимлаш усулини қўллаш мақсадида бундай молиявий ҳисобот ягона ҳисобга олиш талабларига мослаштирилиши керак бўлади.

Тарафлар ўртасида сезиларли ўзаро боғлиқлиги, шунингдек мулкида рентабеллик даражасига сезиларли таъсир кўрсатувчи номоддий активлар мавжуд бўлганда ушбу усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Назорат қилинадиган битимнинг тарафлари ўртасида фойдани тақсимлашда, жами фойдага тарафлар қўшган ҳиссани баҳолашда:

1) тарафлар томонидан амалга ошириладиган функциялар, қўшган активлари, қабул қилинадиган рискларига;

2) киритилган сармоядан олинган даромадни тарафлар ўртасида мутаносиб равишда тақсимлашга эътибор қаратилади.

Операцион фойда суммаси таҳлил қилинаётган битим барча тарафларининг жами фойдаси деб эътироф этилади.

Назорат қилинадиган битим тарафининг ҳақиқий фойдаси фойдани тақсимлаш усули билан ҳисоб-китоб қилинган фойдадан кам бўлса, солиққа тортиладиган фойда яширилган ҳисобланади. Зарар амалда кўпроқ ёзилган бўлса, солиққа тортиш мақсадида унинг учун бундай усул билан ҳисоб-китоб қилинган зараригина қабул қилинади.

### **Хулоса**

Иқтисодиётни рақамлаштириш ривожланаётган пайтда ўзаро алақадор солиқ тўловчи шахслар ўртасидаги муносабатларни назорат қилиш ва солиқдан қочиш ҳолатларини аниқлаш бир мунча қулай бўлганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Трансферт нархлар солиқ назорати мақсадида даромадларни (фойдани, тушумни) аниқлаш чоғида фойдаланиладиган усулни танлашда дастлабки маълумотларнинг тўлиқлиги ва тўғрилиги, шунингдек таққосладиган битимларни назорат қилинадиган битим билан таққослашни таъминлаш мақсадида асосланганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Таҳлиллар асосида хулоса қилиш мумкинки, трансферт нархлар орқали солиқдан қочишлар нархларни пасайтириб кўрсатиш, фойда ва харажатларни бошқариш орқали амалга оширилади.

Шунингдек, фойдани битим тарафлари ўртасида тақсимлашда қуйидаги, яъни:

- номоддий активларни яратишга сарфланган харажатлар миқдорини;
- банд бўлган ходимларнинг тавсифлари, шу жумладан уларнинг сони ва малакасини





(меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларни);

- битим тарафининг фойдаланишида бўлган активлар бозор қийматини;  
- амалга оширилаётган вазифалар, фойдаланилаётган активлар ва қабул қилинаётган иқтисодий рисклари ҳамда назорат қилинадиган битим бўйича сотишлардан амалда олинган фойда (зарар) миқдори ўртасидаги ўзаро боғлиқликни акс эттирувчи бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олиниши солиқ назоратида самара беради, деб хулоса қилиш мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги “Бюджетнома 2025-2027”. [https://api.mf.uz/media/2024-2026\\_compressed.pdf](https://api.mf.uz/media/2024-2026_compressed.pdf)
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (янги таҳрири) 2020 йил.
3. “2025 йил учун Ўзбекистон Республика Давлат Бюджети тўғрисида”ги Қонун. 2024 йил 18 декабр.
4. Christian P., Tax strategy control: The case of transfer pricing tax risk management, Management Accounting Research, Volume 24, Issue 2, Pages 175- 194
5. Tashmuradova B., Hamdamov O., Elmurodov S. Evaluation of the determinants of shadow economy in selected central Asian countries //Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry. – 2021. – Т. 12. – №. 7.
6. Исмоилов Б. Солиқ тўловчилар фаолиятини таҳлил қилишда контрагентларни текшириш амалиётини такомиллаштириш. Иқт. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дис. автореферати. 2024 йил.





## ТАБИЙ РЕСУРС ВА МОЛ-МУЛКЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ



**Сафаров Гиёсиддин Абдуллаевич**

*“Солиқ ва солиққа тортиш”  
кафедраси профессори, ДСс.*

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

*э-маил: g\_safarov@tsue.uz*

*ORCID: 0000-0002-3324-1519*

**Аннотация.** Илмий мақолада табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқлар ва тўловларнинг зарурати, мақсади, бу борадаги қарашлар, муаммолар ҳамда бартараф этишининг айрим масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** табиий ресурслар, табиий ресурс ва мол-мулклардан самарали ва оқилона фойдаланиш, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

## ПРИНЦИПЫ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ ПРИРОДНЫХ РЕСУРСОВ И ИМУЩЕСТВА

**Сафаров Гиёсиддин Абдуллаевич**

*Профессор кафедры*

*“Налог и налогообложение”, DSc.*

*Ташкентский государственный  
экономический университет*

*e-mail: g\_safarov@tsue.uz*

*ORCID: 0000-0002-3324-1519*

**Аннотация.** В данной статье освещаются налоги и платежи за пользование природными ресурсами, их необходимость и цели, теории в этой области, проблемы и некоторые аспекты их решения.

**Ключевые слова:** природные ресурсы, эффективное и рациональное пользование природными ресурсами, земельный налог, налоги и специальные платежи за пользование недрами, налог за пользование водными ресурсами.

## PRINCIPLES OF TAXATION OF NATURAL RESOURCES AND PROPERTY

**Safarov Giyosiddin Abdullaevich**

*DSc, professor of “Tax and taxation” department,*

*Tashkent State University of Economics*

*e-mail: g\_safarov@tsue.uz*

*ORCID: 0000-0002-3324-1519*

**Abstract** In the article are deliberated taxes and payments for using natural resources, their necessity and purposes, theories about them, related problems and some aspects of dealing with them.

**Key words:** natural resources, effective and rational use of natural resources, land tax, taxes and special payments for using underground resources, tax for using water resources.

### Кириш

Жаҳонда табиий ресурс ва мол-мулклардан самарали фойдаланишни солиқлар воситасида тартибга солиш, чекланган ресурслардан янада унумли фойдаланишда солиқларнинг таъсирчанлигини кенг қўллашга эътибор қаратилмоқда. Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда «2020 йилда кўчмас мулк солиғи ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 2,3





фоизини ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 0,1 фоиз бандга ошган ва ушбу мамлакатлар жами солиқ тушумларида кўчмас мулк солиғининг салмоғи 5,7 фоизни ташкил этган» [8]. Сув ресурслари танқислиги кузатилаётган мамлакатларда улардан тежамкорлик билан фойдаланиш, сувнинг ифлосланишини камайтириш учун иқтисодий воситалар орқали рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, чекланган табиий ресурслардан самарали фойдаланишда солиқларнинг таъсирчанлигини ошириш ва кўчмас мулкларни солиққа тортиш тизимининг такомиллаштирилишини тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда табиий ресурс ва мол-мулкларни солиққа тортишда устуворлик бюджет тизимининг даромадларини молиявий маблағлар билан мунтазам равишда таъминлашга, чекланган ресурслардан самарали фойдаланишни рағбатлантирувчи механизмнинг таъсирчанлигини оширишга эътибор қаратилмоқда. Республикада «Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илғор технологияларни жорий этиш, ... экологик хавфсизлик, сув ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш» [1], шунингдек, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва солиқ тўловчиларнинг табиий ресурслардан самарали фойдаланишини таъминлашда «...солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш йўлини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва рағбатлантиришнинг тегишли чораларини кенгайтириш» [2] вазибалари белгиланган. Мазкур вазибалар ижросини таъминлашда илғор технологияларни кенг қўллаш орқали юридик ва жисмоний шахслар томонидан фойдаланилаётган табиий ресурс ва мол-мулклар ҳисобини тўлиқ юритиш, улар қийматини аниқлаш ва ресурслардан тежамкорлик асосида фойдаланишда солиқларнинг таъсирчанлигини ошириш заруратини тақозо этади.

#### **Тадқиқот методологияси.**

Табиий ресурс ва мол-мулкларга солиқ солиш тамойиллари бўйича дунё олимлари томонидан олиб борилаётган тадқиқодларни таҳлил қилиш, мавзу юзасидан барча маълумотларни тўплаш, солиштириш, мантикий фикрлаш каби иқтисодий тадқиқот усулларида фойдаланилди.

#### **Адабиётлар шарҳи.**

Мавзуга оид адабиётларни таҳлил этиш жараёнида мамлакатимизда инновацияларни молиялаштиришнинг амалдаги ҳолати таҳлили бўйича дунёнинг бир қанча етакчи иқтисодчи олим ва мутахассислар томонидан илмий изланишлар олиб борилган бўлиб. Жумладан, А.А.Рахимов ўз мақолаларида табиий ресурслардан солиқ олишнинг иқтисодий ва экологик самарадорлик тамойилларини таҳлил қилади. Унинг фикрича, солиқ сиёсати ресурсларни оқилона ва самарали тақсимлашни рағбатлантириши, шу билан бирга давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш лозим. Рахимов солиқ ставкаларининг экологик стандартларга мувофиқлиги ва ресурсдан оқилона фойдаланишни таъминлаш муҳим эканини таъкидлайди[11].

Б.Т. Ахмедов мол-мулкка солиқ солишда прогрессив ва регрессив усулларни таҳлил қилиб, солиқ базасини аниқлашда иқтисодий адолатни асосий мезон сифатида белгилайди. Унинг тадқиқотларида солиқнинг мол-мулк эгаларининг ижтимоий фаоллигига таъсири ва барқарор ижтимоий тараққиётга қўшган ҳиссаси ўрганилган[12].

Ш.М.Ёлдошев табиий ресурслардан олинадиган солиқ даромадларини давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш механизми сифатида ўрганади. Унинг илмий ишларида солиқ ставкалари ва уларнинг ҳудудий фарқлари, ҳамда табиий ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича механизмлар таҳлил қилинган[13].

Н.Г. Кодиров мол-мулк ва табиий ресурсларга солиқ солишнинг институтлараро интеграция ва мониторинг механизмларини тадқиқ қилади. У ўз мақолаларида солиқ сиёсати ва иқтисодий барқарорликни уйғунлаштириш, шунингдек ҳудудлар орасидаги солиқ юкининг адолатли тақсимланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратган[14].





Richard Musgrave ўз илмий ишларида солиқ солишнинг асосий тамойиллари – адолат, самарадорлик ва маълумотлиликни таҳлил қилади. У табиий ресурслардан олинадиган солиқларни иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан баҳолаб, уларнинг давлат бюджети ва ижтимоий барқарорликка ҳиссасига урғу қаратган.

Joseph Stiglitz мол-мулк ва ресурсларга солиқ солишда иқтисодий тенгликни таъминлаш ва бозор самарадорлигини оширишни асосий тамойил сифатида кўради. Унинг тадқиқотларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва солиқ сиёсати ижтимоий барқарорликка қандай таъсир қилади деган саволларга жавоб берилган[16].

С.Ю.Глазев табиий ресурслардан олинадиган солиқларни макроиқтисодий барқарорлик ва давлат бюджети балансини таъминлаш механизми сифатида тадқиқ қилади. У ўз илмий ишларида ресурс солиқлари орқали иқтисодий ривожланиш ва инвестиция фаоллигини рағбатлантириш масалаларини кўрсатади[17].

### **Таҳлил**

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун давлат томонидан ундириладиган мажбурий тўловлар, жумладан солиқларнинг мазмун-моҳиятини ёритишда уларга даврлар нуқтаи-назаридан баҳо бериш лозим. Чунки, солиқ тизимида табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқлар кишилик жамияти тараққиёти давомида муҳим ўрин эгаллаб келган бўлсада, уларнинг назарий масалалари етарлича тадқиқ этилмаган.

Табиий ресурслар инсоният тараққиётининг барча даврларида ҳаёт бойлигининг моддий асоси сифатида муҳим ўрин эгаллаб келган. Чекланган табиий ресурсларни қайта ишлаб чиқариш ва сифатини яхшилаш учун улардан самарали фойдаланишни рағбатлантириш ва тартибга солиш заруриятини талаб этади. Солиқларга доир кўплаб муаммолар ва масалалар иқтисодий ғояларнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида тадқиқ этилган бўлса-да, солиқларга оид бўлган иқтисодий фикрларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида<sup>1</sup>, ҳаттоки классик ва неоклассик иқтисодий мактаб вакиллари иқтисодий ғояларида ҳам табиий ресурслардан тежамкорлик билан, оқилона фойдаланишни рағбатлантириш ва тартибга солиш борасидаги фикрлар учрамайди. Бироқ, қадимги даврлардан эътиборан ер ва ер ости бойликлари ҳамда табиий ресурсларнинг бошқа турларидан фойдаланганлик учун солиқ олинган ва солиқлар воситасида тартибга солиш тизими муайян даражада мавжуд бўлган [9].

Дарҳақиқат, давлатчилик муносабатлари ривожланишининг дастлабки даврларидан тортиб, ҳозирги пайтга қадар ҳам бирон-бир давлат йўқки, солиқларсиз мавжуд бўлса. Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг ўз вазифаларини амалга оширишида солиқларнинг аҳамияти янада муҳим ҳисобланади. Солиқлар ҳамма даврларда ҳам давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг асосий ва муҳим манбаи бўлиб хизмат қилган.

Солиқлар турли даврларда шакллари, усуллари, кўринишлари бўйича бир-биридан фарқли тарзда ундириб келинмоқда. Шу билан биргаликда солиқларга доир муаммолар ҳам ҳар доим мунозарали ҳисобланиб, бу борада доимий равишда баҳслашувлар мавжуд. Шунга қарамасдан, табиий ресурсларга бой айрим давлатларда солиқ, йиғим, божлар унчалик юқори аҳамият касб этмаётгандек кўринади. Солиқларга нисбатан бундай ёндашувнинг мавжудлиги, ушбу давлатлар бюджетлари харажатларини табиий ресурсларни экспорт қилиш ҳисобига қоплаш имкониятининг мавжудлиги билан белгиланади.

Табиий ресурслардан самарали фойдаланишни тартибга солиш маъмурий чора-тадбирлар ва бозор механизми усуллари орқали амалга оширилади. Бир вақтнинг ўзида ҳар бир давлат ресурслардан имконият даражасида тежаб-тергаб фойдаланиш учун маъмурий-бошқарув ва иқтисодий чора-тадбирлардан ҳар доим фаол фойдаланса-да,

<sup>1</sup> <https://economy-lib.com/sistema-resursnyh-nalogov-v-neftegazovom-komplekse>





бозор иқтисодиёти талабаларидан келиб чиқиб улардан тежамкорлик билан, самарали фойдаланиш бўйича олиб борилаётган иқтисодий сиёсатда иқтисодий чоралар аҳамиятли ва устувордир.

Маълумки, бозор иқтисодиёти ва муносабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг пировард мақсади ўз фаолиятлари натижаларидан кўпроқ иқтисодий самара (фойда)га эришишдир. Ушбу жараёнда табиий ресурслар у ёки бу шакл (кўриниш)да истеъмол қилинади.


Собиқ Иттифок даврида барча табиий ресурслар, ер участкалари, корхоналар мол-мулклари ва бошқалар давлат мулки сифатида қаралган ва улар тўлиқ давлат томонидан бошқарилган. Табиий ресурслардан фойдаланиш маъмурий-бошқарув усуллари орқали тартибга солинган.

Мустақиллик йилларида бозор иқтисодиётининг асосий шarti ҳисобланган хусусий мулкни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилди. Дастлабки йилларда иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-бошқарув усуллари устуворлик қилган бўлса-да, аста-секин бозор механизмлари ривожланмоқда.

Бугунги кунда келиб республикада табиат ва табиий ресурслардан фойдаланишни доимий ва мунтазам равишда тартибга солиш механизми ишлаб чиқилиб, улардан доимий фойдаланишнинг иқтисодий механизми амалдаги норматик-ҳуқуқий ҳужжатларда, жумладан, «Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги» [3], «Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунларида»[4], Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига, табиий ресурслардан фойдаланишга доир Президент фармонлари, қарорлари, ҳукумат қарорлари ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Табиий ресурслардан фойдалангалик учун солиқларнинг иқтисодий моҳиятини ёритишда, уларнинг назарий тамойилларини тадқиқ қилиш лозим.

Маълумки, хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятлари давомида бевосита ёки билвосита атроф-муҳитга зарар етказиши мумкин. Шунинг учун улар табиат ва жамиятга етказилган ушбу зарарни қоплашлари лозим. Хўжалик юритувчи субъектларнинг атроф-муҳитга етказган зарарини қоплаш учун давлат томонидан махсус солиқ (Пигу солиғи) жорий этишга қаратилган ғоя инглиз иқтисодчиси А.Пигу томонидан асосланган бўлиб, унинг ғояси асосида хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш ҳажми ўсишига мутаносиб равишда атроф-муҳитга етказадиган зарарининг миқдори ифодаланган. А.Пигу ўз ғоясини қуйидаги расм орқали асослаб берган (1-расм).



**1-расм. Атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун мақбул Пигу солиғи [7]**

1-расмдан кўриш мумкинки, хўжалик юритувчи субъект (турли мулк шаклидаги





корхона)ларнинг ишлаб чиқариш даражаси  $Q_m$  га томон ўсиб боради, чунки улар мана шу нуктага қадар фойда олади. Ўз навбатида, ишлаб чиқаришнинг ўсишига мутаносиб тарзда хўжалик юритувчи субъектларнинг атроф-муҳитга таъсири ҳам ошиб боради, яъни ишлаб чиқаришнинг  $Q_m$  даражасида атроф-муҳит учун етказиладиган зарар даражаси  $Z_m$  га етади. Ифлослантириш шароитида  $Q_s$  даражасидаги ишлаб чиқаришнинг ижтимоий оптимал даражасига эришиш учун давлат томонидан атроф-муҳитни ифлосланиш зарарига тенг миқдордаги солиқ жорий қилиниши керак. Бунда солиқ миқдорининг  $t$  га тенг даражаси соф фойда эгри чизиғи ва экстремал харажатлар эгри чизиқларининг кесишиш нуктаси билан аниқланади. Хўжалик юритувчи субъектлар «ифлослантирадиган» маҳсулотнинг ҳар бир бирлиги учун давлатга  $t$  солиқни тўлаши шарт. Агар корхона ижтимоий оптимал даражадан кўп маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилса ( $Q_s$ ), у ҳолда олинаётган фойда ҳажми  $t$  солиқдан кам бўлади ва ишлаб чиқаришнинг бундай ҳажми корхона учун зарарли ҳисобланади.

Хўжалик субъектларининг фаолият юритиши натижасида атроф-муҳитга зарар етказлангик, унга зарар етказилганлик учун таъсир чораларини қўлланилиши, жорий этилиши, ишлаб чиқариш ҳажмини  $Q_s$  гача камайтиришга ундайди. Ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектларнинг атроф-муҳитни ифлослантиришининг мақбул даражаси ҳисобланган  $Z_s$  даражасига эришилади.

Амалиётда ифлослантиришга оптимал солиқни жорий қилишнинг қатор муаммолари мавжуд. Самарадорлик нуктаи-назаридан А.Пигу томонидан асосланган идеал солиқ ифлослантиришларнинг экстремал харажатларини аниқ акс этириши керак. Амалий жиҳатдан ёндашганда ушбу ғояни амалга ошириш аниқ ҳисоб-китобларнинг олиб бориш имкони йўқлиги боис қатор муаммоларни туғдиради. Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда бу борада тахминий ҳисоб-китоблар асосида қарорлар қабул қилинади.

Айрим иқтисодчилар ҳисоб-китобларига кўра, ифлослантириш учун мамлакатда мавжуд тўловларни Пигу солиғи даражасига етказиш учун улар миқдорини ҳатто юз бараварга ошириш керак. Ифлослантириш учун дунёдаги энг юқори тўловлар Польшада жорий қилинган бўлиб, лекин бу мамлакатда ҳам улар ифлослантиришнинг оптимал солиғи даражасидан анча паст [6].

Миллий иқтисодиётда табиий ресурсларни ишлатиш, улардан фойдаланганлик учун солиқларни жорий қилиш хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади, табиий ресурслардан тежамкорлик асосида фойдаланишни рағбатлантиради. Энг муҳими, табиий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган техника-технологияларга ҳамда илмий-тадқиқот ишларига инвестицияларни рағбатлантиришдаги тўғри экологик мувозанатни таъминлаши лозим.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга хизмат қилувчи иқтисодий механизм элементларининг энг муҳими – бу албатта солиққа тортишдир. Халқаро амалиётда табиий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган солиқлар тартибга солувчи ва молиялаштирувчи солиқлар сифатида эътироф этилиб, биринчиси, бевосита хўжалик юритувчи субъект (турли мулк шаклидаги корхона)ларнинг табиий ресурслардан фойдаланишини тартибга солиш, солиқ миқдори атроф-муҳитга етказилиши натижасида келиб чиқадиган зарар миқдоридан ва хўжалик фаолиятининг иқтисодий рентабеллигидан келиб чиқиб белгиланса, иккинчиси, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва қайта ишлаб чиқариш учун молиявий ресурсларни шакллантиришга хизмат қилади [10].

Табиий ресурслардан фойдаланишни иқтисодий жиҳатдан тартибга солиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиатни, қолаверса, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва қайта ишлаб чиқариш учун молиявий ресурсларни шакллантириш каби мақсадлар назарда тутувчи табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқлар жорий этилган бўлиб, улар ер ва сув ресурслари, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни






муҳофаза қилиш тадбирлари самарасини оширишга, минерал-хом ашё ресурсларини қазиб олиш ва улардан оқилона фойдаланишга қаратилади.

Давлатнинг табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ сиёсати икки йўналишда амалга оширилиб, биринчиси, табиий ресурслардан фойдаланганлик учун махсус солиқларни жорий этишни ва иккинчиси, имтиёзли солиққа тортишни, хусусан, солиқлардан озод қилишни кўзда тутади [10].

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, фойдали қазилмаларни қазиб олганлик учун махсус рента солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, мол-мулк солиғи ва ер солиғи табиий ресурс, мулк объектлари учун солиқлар ҳисобланиб, улар қуйидагилардан иборат [5]:



**2-расм. Табиий ресурс ва мол-мулк солиқлари таркиби [11, 13]**

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқларнинг жорий этилиши фискал аҳамият касб этгани ҳолда улардан самарали ва тежаб-тергаб фойдаланишни таъминловчи иқтисодий механизм сифатида ҳам амалий аҳамиятга эга.

Юқорида келтирилган солиқлар муайян даражада табиий ресурс ва мол-мулклардан самарали ва оқилона фойдаланишга хизмат қилаётган бўлсада, уларнинг фискал аҳамияти юқори. Солиққа тортиш элементларида рағбатлантирувчи ва тартибга солувчи механизмлар етарли эмас. Бу эса, амалдаги табиий ресурс ва мол-мулк солиқларига доир тадқиқотларни кучайтиришни, солиқларнинг таъсирчанлигини ошириш заруратини тақозо этмоқда.

### **Хулоса**

Табиий ресурсларнинг чекланганлиги ва қайта тикланмаслиги шароитида жамиятнинг тўхтовсиз ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш, улардан оқилона фойдаланишни таъминлашда солиққа тортишнинг самарали тизимини яратиш, табиий ресурс ва мол-мулкларни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш асосида улардан унумли фойдаланишга эришиш орқали бюджет даромадларини мустаҳкамлаш масалалари бугунги кунда ҳам долзарблигича қолмоқда.

Бугунги кунда атроф-муҳитни ифлосланганлик даражаси кескин ортиб бораётган шароитда маъмурий воситалар билар бирга, иқтисодий механизмга ҳам устуворлик бериш, айниқса солиққа тортиш тизимида хўжалик субъектларининг атроф-муҳитга таъсирини камайитиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш ҳар қачонгидан ҳам





муҳимлигини намоён қилмоқда.

### Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси, <https://president.uz/uz/lists/view/2221>
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. - Тошкент: «O‘zbekiston» нашриёти, 2021. - Б. 128.
3. «Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни». <https://lex.uz/acts/107115>
4. «Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонуни (янги таҳрири)». <https://lex.uz/acts/77871>
5. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси.-Т.:“Адолат”, 2013. -395 б.
6. Бобылев С.Н., Ходжаев А.Ш. Экономика природопользования. - М.: ТЕИС, 2012. - 272 с.
7. Pigou, A.C. The Economics of Welfare (4th ed.), London, 1932. – 872 p.
8. <https://op.europa.eu/en/publication-detail/-/publication/f85da28f-f5be-11ec-b976-01aa75ed71a1/language-en>
9. <https://economy-lib.com/sistema-resursnyh-nalogov-v-neftegazovom-komplekse>
10. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=28990578>
11. Рахимов А.А. Солиқ сиёсати ва табиий ресурслардан фойдаланиш. – Тошкент: Фан, 2019. – 240 б.
12. Ахмедов Б.Т. Моль-мулк солиғи тизими. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2020. – 210 б.
13. Йўлдошев Ш.М. Табиий ресурслар ва давлат бюджети. – Тошкент: Фан ва технология, 2018. – 230 б.
14. Қодиров Н.Г. Солиқ мониторинги ва иқтисодий барқарорлик. – Тошкент: Иқтисод-Молия, 2021. – 200 б.
15. Musgrave R.A. The Theory of Public Finance. – New York: McGraw-Hill, 1959. – 512 p.
16. Stiglitz J.E. Economics of the Public Sector. – New York: Norton, 2000. – 704 p.
17. Глазев С.Ю. Инвестиционная политика и налог на ресурсы. – Москва: Экономика, 2017. – 320 с.





## SOLIQ QARZDORLIGI DINAMIKASI VA UNGA TA’SIR ETUVCHI OMILLAR TAHLILI

*Mirpo`latov Jahongir Muzapparovich*

*Toshkent shaxar soliq  
boshqarmasi boshlig`i  
e-mail: jahongir707@gmail.com  
ORCID: 0009-2253-8695-7845*

**Annotatsiya:** Ushbu tadqiqotda soliq qarzdorligining 2021–2025 yillardagi dinamikasi hamda unga ta’sir etuvchi asosiy omillar tahlil qilingan. Tahlil jarayonida davlat budjeti daromadlari, bevosita va bilvosita soliqlar tushumlari, resurs soliqlari, mol-mulk soliqlari hamda ayrim asosiy soliq turlari bo’yicha o’zgarish tendensiyalari o’rganildi. Soliq qarzdorligining shakllanishi va o’zgarishiga xo’jalik yurituvchi subyektlarning moliyaviy holati, likvidlik darajasi, soliq yukining tarkibi, iqtisodiy faollik, to’lov intizomi va soliq ma’murchiligi sifati sezilarli ta’sir ko’rsatishi asoslab berildi. Tadqiqot natijalariga ko’ra, soliq tushumlarining o’sishi har doim ham soliq qarzdorligining kamayishini anglatmasligi, aksincha, ayrim holatlarda iqtisodiy va institutsional omillar ta’sirida qarzdorlik xavfi saqlanib qolishi mumkinligi aniqlandi.

**Kalit so’zlar.** soliq qarzdorligi, soliq tushumlari, dinamika, ta’sir etuvchi omillar, soliq ma’murchiligi, to’lov intizomi, davlat budjeti daromadlari, fiskal barqarorlik

## ANALYSIS OF TAX ARREARS DYNAMICS AND THE FACTORS AFFECTING THEM

*Mirplaton Jahongir Muzapparovich*

*Head of the Tashkent  
City Tax Department  
e-mail: jahongir707@gmail.com  
ORCID: 0009-2253-8695-7845*

**Abstract:** This study analyzes the dynamics of tax arrears in 2021–2025 and examines the main factors affecting them. The analysis focuses on changes in state budget revenues, direct and indirect tax revenues, resource taxes, property taxes, and several major tax categories. It is substantiated that the formation and fluctuation of tax arrears are significantly influenced by the financial condition of business entities, liquidity level, tax burden structure, economic activity, payment discipline, and the quality of tax administration. The results show that the growth of tax revenues does not always imply a reduction in tax arrears; on the contrary, in some cases the risk of arrears may persist under the influence of economic and institutional factors.

**Keywords:** tax arrears, tax revenues, dynamics, influencing factors, tax administration, payment discipline, state budget revenues, fiscal stability

## АНАЛИЗ ДИНАМИКИ НАЛОГОВОЙ ЗАДОЛЖЕННОСТИ И ФАКТОРОВ, ВЛИЯЮЩИХ НА НЕЁ

*Мирпулатов Жахонгир Музаппарович*

*Начальник Ташкентского  
городского налогового управления  
e-mail: jahongir707@gmail.com  
ORCID: 0009-2253-8695-7845*

**Аннотация:** В данном исследовании проанализирована динамика налоговой





задолженности за 2021–2025 годы и рассмотрены основные факторы, влияющие на её изменение. В ходе анализа изучены тенденции изменения доходов государственного бюджета, поступлений по прямым и косвенным налогам, ресурсным и имущественным налогам, а также по отдельным основным видам налогов. Обосновано, что на формирование и изменение налоговой задолженности существенное влияние оказывают финансовое состояние хозяйствующих субъектов, уровень ликвидности, структура налоговой нагрузки, экономическая активность, платёжная дисциплина и качество налогового администрирования. Результаты исследования показывают, что рост налоговых поступлений не всегда означает снижение налоговой задолженности; напротив, в отдельных случаях под воздействием экономических и институциональных факторов риск задолженности может сохраняться.

**Ключевые слова.** налоговая задолженность, налоговые поступления, динамика, влияющие факторы, налоговое администрирование, платёжная дисциплина, доходы государственного бюджета, фискальная устойчивость

### **Kirish**

Bugungi kunda soliq qarzdorligi davlat budjeti daromadlarining barqaror shakllanishi, xo‘jalik yurituvchi subyektlar moliyaviy intizomi va fiskal boshqaruv samaradorligi bilan bevosita bog‘liq bo‘lgan dolzarb masalalardan biri hisoblanadi. Soliq majburiyatlarining o‘z vaqtida bajarilmasligi budjet tushumlarining ritmiga salbiy ta‘sir ko‘rsatadi, bu esa davlatning ijtimoiy-iqtisodiy vazifalarini moliyalashtirish imkoniyatlariga ham ta‘sir etadi. Shu sababli soliq qarzdorligini faqat undirilishi lozim bo‘lgan summa sifatida emas, balki fiskal barqarorlik, to‘lov intizomi va soliq ma‘murchiligi sifati bilan chambarchas bog‘liq iqtisodiy hodisa sifatida o‘rganish zarur[1].

So‘nggi yillarda mamlakatda budjet daromadlari hajmi sezilarli darajada oshgan. Xususan, davlat budjeti daromadlari 2021 yildagi 164,8 trln so‘mdan 2025 yil kutilayotgan ijroda 335,6 trln so‘mga yetgan bo‘lsa, bevosita soliqlar tushumi 46,8 trln so‘mdan 112,4 trln so‘mga ko‘paygan[4;5]. Bu holat soliq bazasi kengayayotganini va fiskal salohiyat mustahkamlanayotganini ko‘rsatadi. Biroq soliq tushumlari hajmining ortishi soliq qarzdorligi muammosi o‘z-o‘zidan bartaraf etilganini anglatmaydi. Aksincha, iqtisodiy faollik, to‘lov qobiliyati, likvidlik va hisob-kitob intizomidagi tafovutlar mavjud sharoitda soliq qarzdorligini tahlil qilish yanada muhim ahamiyat kasb etadi.

Mamlakatda olib borilayotgan islohotlar ham ushbu mavzuning dolzarbligini kuchaytirmoqda. Xususan, 2022–2026 yillarga mo‘ljallangan Taraqqiyot strategiyasida tashqi savdo, soliq va moliya siyosatini liberallashtirish, tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlash hamda xususiy mulk daxlsizligini kafolatlash ustuvor yo‘nalishlardan biri sifatida belgilangan. Shuningdek, 2025–2030 yillarda davlat moliyasini boshqarish tizimini takomillashtirish strategiyasida budjet intizomini ta‘minlash mexanizmlarini kuchaytirish alohida vazifa sifatida qayd etilgan [2; 3]. Bu esa soliq qarzdorligini aniqlash, monitoring qilish va kamaytirish masalasini zamonaviy fiskal siyosatning muhim tarkibiy qismi sifatida tadqiq etishni talab qiladi.

### **Adabiyotlar sharhi**

Soliq qarzdorligi masalasini ilmiy jihatdan yoritishda, avvalo, uning huquqiy-iqtisodiy mazmunini belgilab beruvchi rasmiy me‘yoriy manbalarga murojaat qilish zarur. Shu nuqtai nazardan, O‘zbekiston Respublikasining Soliq kodeksi soliq qarzi tushunchasini, uni uzish va undirish tartiblarini, shuningdek kechiktirish, bo‘lib-bo‘lib to‘lash hamda ayrim holatlarda undirilishi umidsiz deb e‘tirof etish mexanizmlarini tartibga soluvchi asosiy normativ-huquqiy manba hisoblanadi. Mazkur yondashuv soliq qarzdorligini faqat budjetga undirilishi lozim bo‘lgan summa sifatida emas, balki soliq majburiyatlarining bajarilish darajasi, fiskal intizom va davlat moliyasini boshqarish samaradorligini aks ettiruvchi muhim iqtisodiy ko‘rsatkich sifatida talqin etish imkonini beradi. Shu bois ushbu mavzuni o‘rganishda rasmiy-huquqiy asoslar





tadqiqotning boshlang‘ich metodologik tayanchi vazifasini bajaradi.

Mavzuning institutsional va makroiqtisodiy mazmunini ochishda mamlakatda olib borilayotgan islohotlarga doir strategik hujjatlar ham alohida ahamiyat kasb etadi. Xususan, 2022–2026 yillarga mo‘ljallangan Taraqqiyot strategiyasida soliq va moliya siyosatini liberallashtirish, tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlash hamda xususiy mulk daxlsizligini mustahkamlash ustuvor yo‘nalishlardan biri sifatida belgilangan. Bu esa soliq qarzdorligini endilikda tor ma‘nodagi fiskal muammo sifatida emas, balki iqtisodiy faollik, tadbirkorlik muhiti va moliyaviy barqarorlik bilan uzviy bog‘liq murakkab hodisa sifatida baholash zarurligini ko‘rsatadi [2]. Demak, mavjud islohotlar sharoitida soliq qarzdorligi dinamikasi va unga ta‘sir etuvchi omillarni tahlil qilish nafaqat nazariy, balki amaliy boshqaruv nuqtai nazaridan ham dolzarb hisoblanadi.

Nazariy manbalar tahlili shuni ko‘rsatadiki, moliya va soliqqa oid darslik hamda o‘quv adabiyotlarida soliqlarning iqtisodiy mohiyati, soliq siyosati, soliq mexanizmi, budjet daromadlarining shakllanishi va moliyaviy nazorat masalalari yetarlicha yoritilgan. Jumladan, A.V. Vahobov va T.S. Malikovning “Moliya” darsligi, shuningdek soliqlar va soliqqa tortishga bag‘ishlangan mahalliy darsliklar soliq munosabatlarining nazariy poydevorini tushuntirishda muhim o‘rin tutadi. Biroq ushbu manbalarda soliq qarzdorligi ko‘proq umumiy soliq tizimining tarkibiy unsuri sifatida tilga olinadi, uning dinamikasi, tarkibiy o‘zgarishlari va omilli bog‘liqligi esa alohida tadqiqot obyekti sifatida yetarli darajada chuqur tahlil qilinmaydi [6; 7; 8; 9].

Mavjud adabiyotlar va rasmiy manbalarni umumlashtirib aytganda, soliq qarzdorligi bo‘yicha ilmiy yondashuvlar asosan uning huquqiy mazmuni, undirish tartibi yoki umumiy fiskal siyosat doirasidagi o‘rni bilan cheklanib qolmoqda. Holbuki, uni budjet daromadlari dinamikasi, soliq tushumlari tarkibi, xo‘jalik yurituvchi subyektlarning moliyaviy holati, to‘lov intizomi va soliq ma‘murchiligi sifati bilan bog‘liq holda kompleks tahlil qilish zarurati mavjud. Aynan shu ilmiy bo‘shliq mazkur tadqiqotning yo‘nalishini belgilaydi va soliq qarzdorligi dinamikasi hamda unga ta‘sir etuvchi omillarni tizimli ravishda o‘rganishning zarurligini asoslaydi.

### **Tadqiqot metodologiyasi**

Tadqiqot metodologiyasi ushbu mavzuning mazmunidan kelib chiqib, soliq qarzdorligi dinamikasi va unga ta‘sir etuvchi omillarni tizimli baholashga qaratilgan ilmiy yondashuvlar majmuasiga asoslanadi. Tadqiqotda tahlil va sintez, induksiya va deduksiya, qiyosiy tahlil, iqtisodiy-statistik tahlil, dinamik qatorlar tahlili hamda guruhlash usullaridan foydalanildi. Shu bilan birga, davlat budjeti daromadlari, bevosita va bilvosita soliqlar tushumlari, resurs soliqlari hamda ayrim asosiy soliq turlari bo‘yicha ko‘rsatkichlar o‘zaro bog‘liqlikda o‘rganildi, soliq qarzdorligiga ta‘sir etuvchi omillar esa fiskal, institutsional va moliyaviy jihatlar kesimida baholandi. Tadqiqotning axborot bazasini O‘zbekiston Respublikasi Soliq kodeksi, Prezident farmon va qarorlari, fiskal strategiyalar, Moliya vazirligi, Soliq qo‘mitasi hamda boshqa rasmiy organlarning statistik va tahliliy ma‘lumotlari tashkil etdi [1; 2; 3; 4; 5]. Mazkur metodologik yondashuv soliq qarzdorligining faqat miqdoriy o‘zgarishini emas, balki uning shakllanishi va kuchayishiga ta‘sir qiluvchi omillarni ham aniqlash, ularning fiskal barqarorlikka ta‘sirini ilmiy asosda baholash imkonini berdi.

### **Tahlil va natijalar**

Tadqiqot doirasida davlat budjeti daromadlari va ularning tarkibiy elementlari dinamikasini tahlil qilishga alohida e‘tibor qaratildi, chunki soliq qarzdorligi masalasini chuqur anglash faqat uning mutlaq miqdorini ko‘rib chiqish bilan cheklanmaydi, balki ushbu qarzdorlik shakllanadigan fiskal muhitni ham baholashni talab etadi. Ochiq rasmiy manbalarda soliq qarzdorligini bevosita ifodalovchi yagona va to‘liq yillik qatorning cheklanganligi sharoitida davlat budjeti daromadlari, bevosita va bilvosita soliqlar, resurs soliqlari, mol-mulk soliqlari hamda ayrim yirik soliq turlari bo‘yicha ko‘rsatkichlarni kompleks tarzda tahlil qilish mazkur muammoning iqtisodiy asoslarini ochib berish imkonini beradi. Shu nuqtai nazardan, quyidagi jadvalda 2021–2025 yillar kesimida davlat budjeti daromadlarining umumiy hajmi, ularning





tarkibiy siljishlari va asosiy soliq tushumlaridagi o'zgarishlar jamlandi. Mazkur ko'rsatkichlar soliq qarzdorligi yuzaga kelishi mumkin bo'lgan fiskal sharoit, soliq yukining tarkibiy o'zgarishi va budjet daromadlari bazasining kengayish tendensiyalarini baholashga xizmat qiladi. Bunda 2025 yilga oid ma'lumotlar yakuniy ijro emas, balki kutilayotgan ijro ko'rsatkichlari ekanini alohida hisobga olish zarur [4; 5], chunki bu holat ularni baholashda ehtiyotkor ilmiy yondashuvni talab qiladi.

**1-jadval**
**2021–2025 yillarda davlat budjeti daromadlari va asosiy soliq tushumlari dinamikasi**

| <u>Ko'rsatkichlar</u>                                   | 2021  | 2022  | 2023  | 2024  | 2025*  |
|---|-------|-------|-------|-------|--------|
| Davlat budjeti daromadlari, jami, trln so'm             | 164.8 | 201.9 | 231.7 | 274.7 | 335.6  |
| Q'sish sur'ati, %                                       | –     | 22.5  | 14.8  | 18.6  | 22.2   |
| Bevosita soliqlar, trln so'm                            | 46.8  | 64.4  | 73.1  | 87.3  | 112.4  |
| Bevosita soliqlar ulushi, %                             | 28.4  | 31.9  | 31.5  | 31.8  | 33.5   |
| Bilvosita soliqlar, trln so'm                           | 62.5  | 71.4  | 83.3  | 101.6 | 103.0  |
| Bilvosita soliqlar ulushi, %                            | 37.9  | 35.4  | 36.0  | 37.0  | 30.7   |
| Resurs soliqlari va mol-mulk solig'i, trln so'm         | 19.4  | 23.9  | 28.1  | 34.9  | 43.9   |
| Resurs soliqlari va mol-mulk solig'i ulushi, %          | 11.8  | 11.8  | 12.1  | 12.7  | 13.1   |
| Boshqa daromadlar va soliqsiz tushumlar, trln so'm      | 18.4  | 42.1  | 47.2  | 50.9  | 75.7   |
| Foyda solig'i, trln so'm                                | 27.8  | 37.7  | 40.8  | 46.0  | 54.1** |
| JShODS, trln so'm                                       | 16.9  | 24.3  | 29.9  | 38.5  | 55.0** |
| QQS, trln so'm  | 47.0  | 52.2  | 57.9  | 70.1  | 69.9** |
| Aksiz solig'i, trln so'm                                | 11.8  | 13.5  | 15.8  | 19.4  | 19.6** |
| Bojxona boji, trln so'm                                 | 3.8   | 5.7   | 9.6   | 12.1  | 13.5** |
| Mol-mulk solig'i, trln so'm                             | 2.5   | 4.0   | 5.1   | 7.3   | 8.1**  |
| Yer solig'i, trln so'm                                  | 2.9   | 5.3   | 6.9   | 7.9   | 9.3**  |
| Yer qa'ridan foydalanganlik uchun soliq, trln so'm      | 13.6  | 13.9  | 15.3  | 18.6  | 24.9** |
| Suv resurslaridan foydalanganlik uchun soliq, trln so'm | 0.4   | 0.7   | 0.8   | 1.1   | 1.6**  |

Manba: 2025–2027 va 2026–2028 yillarga mo'ljallangan Fiskal strategiyalar asosida muallif tomonidan tuzildi.

Jadval ma'lumotlari, eng avvalo, davlat budjeti daromadlarining barqaror yuqori sur'atlarda o'sib borganini ko'rsatadi. Xususan, 2021 yilda 164,8 trln so'mni tashkil etgan budjet daromadlari 2025 yil kutilayotgan ijroda 335,6 trln so'mga yetgan. Demak, besh yilga yaqin davr ichida budjet daromadlari qariyb ikki baravar oshgan. 2022 yilda o'sish sur'ati 22,5 foizni tashkil etgan bo'lsa, 2023 yilda bu ko'rsatkich 14,8 foizgacha sekinlashgan, 2024 yilda 18,6 foizga, 2025 yilda esa 22,2 foizga yetgan. Mazkur holat soliq bazasining kengayib borayotganini, iqtisodiy faollik hamda fiskal tushumlar hajmi izchil o'sayotganini anglatadi. Shu bilan birga, aynan shunday o'sish sharoitida soliq qarzdorligi masalasini o'rganish yanada muhimlashadi, chunki tushumlar hajmining ortishi barcha xo'jalik yurituvchi subyektlarda bir xil darajada to'lov intizomi shakllanganini anglatmaydi.

Tarkibiy tahlil shuni ko'rsatadiki, bevosita soliqlarning budjet daromadlaridagi ulushi 2021 yildagi 28,4 foizdan 2025 yilga kelib 33,5 foizgacha oshgan. Bu o'zgarish, bir tomondan, foyda solig'i va jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'i kabi to'g'ridan-to'g'ri fiskal instrumentlarning roli kuchayganini bildiradi. Xususan, foyda solig'i tushumi 27,8 trln so'mdan





54,1 trln so‘mga, jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig‘i esa 16,9 trln so‘mdan 55,0 trln so‘mga ko‘paygan. Ayniqsa, jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig‘i bo‘yicha o‘shish sur‘ati yuqori bo‘lib, bu ish haqi fondining kengayishi, rasmiy bandlikning oshishi va ma‘murchilikning kuchayishi bilan izohlanishi mumkin. Bevosita soliqlarning ulushi ortib borishi shuni ko‘rsatadiki, fiskal tizimda korxonalar foydasi va aholi daromadlariga tayanuvchi daromadlar bazasi mustahkamlanmoqda.

Bilvosita soliqlar dinamikasi esa biroz boshqacha tendensiyani namoyon etadi. Ularning mutlaq hajmi 62,5 trln so‘mdan 103,0 trln so‘mgacha oshgan bo‘lsa-da, umumiy budjet daromadlaridagi ulushi 37,9 foizdan 30,7 foizgacha kamaygan. Bunda, eng avvalo, QQSning muhim o‘rni saqlanib qolgan: 2021 yilda 47,0 trln so‘m bo‘lgan QQS tushumi 2024 yilda 70,1 trln so‘mga yetgan, 2025 yilda esa 69,9 trln so‘m atrofida prognoz qilingan. Aksiz solig‘i va bojxona boji bo‘yicha esa o‘shish kuzatilgan. Ushbu holat ichki iste‘mol, import operatsiyalari va bilvosita soliqlar ma‘murchiligida musbat siljishlar mavjudligini ko‘rsatadi. Shu bilan birga, bilvosita soliqlar ulushining qisqarishi fiskal yuk tarkibida bevosita soliqlar hissasi tezroq o‘sayotganini anglatadi. Bu holat ayrim xo‘jalik yurituvchi subyektlarning foyda va pul oqimlariga ko‘proq bog‘liq fiskal majburiyatlarga duch kelayotganini bildiradi, bu esa ayrim sharoitlarda soliq qarzdorligi xavfini kuchaytirishi mumkin. Bu yerda xulosa sifatida qarzdorlikning o‘zi emas, balki qarzdorlikni shakllantiruvchi fiskal fon kuchayayotgani aytilmoqda.

Resurs soliqlari va mol-mulk solig‘i bo‘yicha ko‘rsatkichlar ham izchil o‘shishni namoyon etgan. Mazkur guruhning tushumlari 19,4 trln so‘mdan 43,9 trln so‘mgacha ko‘paygan, ulushi esa 11,8 foizdan 13,1 foizgacha oshgan. Ayniqsa, yer qa‘ridan foydalanganlik uchun soliqning 13,6 trln so‘mdan 24,9 trln so‘mgacha o‘shishi hamda mol-mulk solig‘i va yer solig‘i tushumlarining sezilarli ko‘payishi tabiiy resurslar, aktivlar va mulk bazasiga tayanuvchi fiskal instrumentlarning ahamiyati ortayotganini ko‘rsatadi. Bu holat budjet daromadlari tarkibining diversifikatsiyalashayotganidan dalolat beradi. Biroq aynan shu turdagi soliqlar bo‘yicha majburiyatlarning oshishi kapital sig‘imkor, resursga tayanuvchi yoki likvidligi past korxonalarda qarzdorlik ehtimolini ham yuzaga keltirishi mumkin.

Jadvaldagi yana bir muhim jihat — boshqa daromadlar va soliqsiz tushumlarning 18,4 trln so‘mdan 75,7 trln so‘mgacha oshganidir. Bu fiskal tizimda soliqlardan tashqari manbalarning ham kengayib borayotganini anglatadi. Bunday diversifikatsiya budjet barqarorligini mustahkamlovchi omil sifatida baholanishi mumkin. Shu bilan birga, soliqlardan tashqari manbalar ulushining ortishi ayrim yillarda soliq tushumlari va real to‘lov intizomi o‘rtasidagi tafovutni yashirib qo‘ymasligi kerak. Chunki budjet daromadlarining umumiy o‘shishi har doim ham soliq qarzdorligi pasayayotganini anglatmaydi. Aksincha, ayrim holatlarda daromadlarning umumiy o‘shishi fonida alohida tarmoqlar, hududlar yoki to‘lovchilar guruhida qarzdorlik saqlanib qolishi mumkin. Bu jihat mavzuni chuqurroq omilli tahlil qilish zaruratini kuchaytiradi.

Olib borilgan tahlillar asosida bir nechta muhim natijalarga kelish mumkin. Birinchidan, 2021–2025 yillarda O‘zbekistonda fiskal salohiyat sezilarli darajada kengaygan va budjet daromadlari tarkibi murakkablashgan. Ikkinchidan, bevosita soliqlar ulushining ortishi soliq majburiyatlarining korxonalar foydadorligi va aholi daromadlari bilan yanada chambarchas bog‘lanayotganini ko‘rsatadi. Uchinchidan, resurs soliqlari va mol-mulkka oid fiskal yukning oshishi ayrim tarmoqlarda, ayniqsa kapital sig‘imkor va resurs talabchan korxonalarda soliq qarzdorligi xavfini kuchaytiruvchi omil bo‘lishi mumkin. To‘rtinchidan, budjet daromadlarining o‘shishi soliq tizimining imkoniyatlari ortayotganini bildirsa-da, bu holat soliq qarzdorligining avtomatik ravishda kamayishini kafolatlamaydi; qarzdorlikka moliyaviy likvidlik, to‘lov intizomi, ma‘murchilik sifati va iqtisodiy faoliyatdagi nomutanosibliklar ham ta‘sir ko‘rsatadi. Bu xulosa mavjud jadval asosida chiqarilgan ilmiy inferensiya bo‘lib, u bevosita soliq qarzdorligining to‘liq yillik qatori emas, balki qarzdorlik yuzaga keladigan fiskal muhit tahliliga tayanadi[8].





Shunday qilib, keltirilgan jadval va uning tahlili soliq qarzdorligi muammosini budget daromadlari dinamikasi bilan uzviy bog‘liq holda ko‘rib chiqish zarurligini ko‘rsatadi. Fiskal tushumlarning o‘shishi ijobiy holat bo‘lsa-da, ularni shakllantiruvchi soliq turlari va yuk tarkibidagi o‘zgarishlar ayrim to‘lovchilar uchun qo‘shimcha moliyaviy bosimni yuzaga keltirishi mumkin. Shu bois soliq qarzdorligini kamaytirish siyosati faqat undiruv choralariga emas, balki erta diagnostika, differensial ma‘murchilik, likvidlik muammolarini hisobga oluvchi yondashuv va to‘lov intizomini rag‘batlantiruvchi mexanizmlarga tayanishi maqsadga muvofiqdir. Bunday yondashuv fiskal barqarorlikni mustahkamlash bilan bir qatorda, soliq tizimining samaradorligini oshirishga ham xizmat qiladi.

### **Xulosa**

Olib borilgan tahlillar shuni ko‘rsatdiki, so‘nggi yillarda O‘zbekistonda davlat budjeti daromadlari va asosiy soliq tushumlari hajmi izchil o‘shib borgan. Biroq ushbu ijobiy fiskal tendensiya soliq qarzdorligi muammosi o‘z-o‘zidan bartaraf etilganini anglatmaydi. Aksincha, soliq bazasining kengayishi, soliq tushumlari tarkibida bevosita soliqlar ulushining ortishi, resurs soliqlari va mol-mulkka oid majburiyatlarning kuchayishi ayrim xo‘jalik yurituvchi subyektlar zimmasidagi to‘lov yukini ham oshirgan. Shu jihatdan soliq qarzdorligi fiskal tizimdan tashqaridagi alohida hodisa emas, balki budget daromadlari dinamikasi, soliq yukining tarkibi, korxonalarining moliyaviy holati va to‘lov intizomi bilan chambarchas bog‘liq bo‘lgan murakkab iqtisodiy jarayon sifatida namoyon bo‘ladi.

Tahlil natijalari bevosita soliqlar, ayniqsa foyda solig‘i va jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig‘i tushumlarining tez sur‘atlarda oshganini, QQS esa bilvosita soliqlar tizimida yetakchi manba bo‘lib qolayotganini ko‘rsatdi. Shu bilan birga, resurs soliqlari va mol-mulkka oid fiskal majburiyatlarning kengayishi ishlab chiqarish xarajatlari yuqori, likvidligi cheklangan yoki pul oqimlari barqaror bo‘lmagan korxonalarda soliq qarzdorligi xavfini kuchaytirishi mumkin. Demak, soliq qarzdorligining shakllanishi faqat soliq intizomining sustligi bilan emas, balki iqtisodiy faollik darajasi, moliyaviy barqarorlik, aylanma mablag‘lar yetishmovchiligi va ma‘murchilik sifati bilan ham izohlanadi.

Shundan kelib chiqib, soliq qarzdorligini kamaytirish siyosati faqat majburiy undiruv choralariga tayanmasligi lozim. Mazkur jarayonda erta diagnostika, riskga asoslangan monitoring, soliq to‘lovchilarni moliyaviy holatiga qarab differensial yondashuv asosida baholash, to‘lov intizomini rag‘batlantiruvchi mexanizmlarni kuchaytirish hamda soliq ma‘murchiligini yanada takomillashtirish muhim ahamiyat kasb etadi. Natijada soliq qarzdorligini qisqartirish nafaqat budget daromadlarining barqarorligini ta‘minlashga, balki umuman fiskal boshqaruv samaradorligini oshirishga ham xizmat qiladi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. O‘zbekiston Respublikasining Soliq kodeksi. O‘RQ-599-son, 30.12.2019.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022–2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-son Farmoni, 28.01.2022.
3. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “2025–2030-yillarda davlat moliyasini boshqarish tizimini takomillashtirish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 210-son qarori, 08.04.2025.
4. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi. Fiskal strategiya 2025–2027.
5. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi. Fiskal strategiya 2026–2028.
6. Vahobov A.V., Malikov T.S. Moliya: darslik. Toshkent, 2011.
7. Vahobov A.V., Jo‘rayev A.S. Soliqlar va soliqqa tortish: darslik. Toshkent, 2009.
8. Zaynalov J.R., Aliyeva S.S., Axrorov Z.O. va boshq. Soliqlar va soliqqa tortish: darslik. Toshkent: Iqtisod-Moliya, 2021.
9. Berdiyorov B.S., Jumanov X.T., Bababekova G.B., Isayeva N.X. Soliqlar va soliqqa tortish: darslik. Toshkent, 2022.





## IQTISODIY RIVOJLANISHDA XORIJIY INVESTITSİYALARNING O‘RNI VA SHART-SHAROIT TA‘MINLANISHINING KAFOLATLARI



**Zohidova Ruxsora Komiljon qizi**

*magistr*

*Toshkent davlat*

*iqtisodiyot universiteti*

*E-mail: [metro8369@gmail.com](mailto:metro8369@gmail.com)*

**Annotasiya.** Maqolada iqtisodiy rivojlanishda muhim ahamiyatga ega bo‘lgan xorijiy investisiyalarni sug‘urtalash va uning mohiyati, xarakterli belgilari va huquqiy asoslari tadqiq etilgan. Shuningdek, mamlakatimizda sug‘urta sohasidagi qonunchilik me‘yorlari asosida xorijiy investisiyalarni sug‘urtalash uchun yaratilgan shart-sharoitlar tahlil qilingan va xorijiy investisiyalarni sug‘urtalash yechimlari xususida xulosa va takliflar shakllantirilgan.

**Kalit so‘zlar:** xorijiy investisiyalar, investisiya risklari, investisiyalarni sug‘urtalash, recipient, sug‘urta mukofotlari, ekonometrik modellashirish.

## РОЛЬ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ И ГАРАНТИЯ ИНВЕСТИЦИОННЫХ УСЛОВИЙ

**Захидова Рухсора Камилджан кызы**

*магистр*

*Ташкентский государственный*

*экономический университет*

*E-mail: [metro8369@gmail.com](mailto:metro8369@gmail.com)*

**Аннотация.** В статье исследуются вопросы страхования иностранных инвестиций, имеющие важное значение для роста экономики, их природа, особенности и правовая основа. Также проанализированы условия, созданные для страхования иностранных инвестиций в нашей стране на основе правовых норм, делаются выводы и даются соответствующие рекомендации.

**Ключевые слова:** иностранные инвестиции, инвестиционные риски, инвестиционное страхование, получатель, страховая премия, эконометрическое моделирование.

## THE ROLE OF FOREIGN INVESTMENTS IN ECONOMIC DEVELOPMENT AND GUARANTEE OF INVESTMENT CONDITIONS

**Zokhidova Rukhsora Komiljon kizi**

*Master of Tashkent State*

*University of Economics*

*E-mail: [metro8369@gmail.com](mailto:metro8369@gmail.com)*

**Abstract.** The article examines the nature, characteristics, and legal basis of foreign investment insurance, which is of great importance in economic development. It also analyzes the conditions created for foreign investment insurance in our country based on the legal norms in the field of insurance.

**Keywords:** foreign investments, investment risks, investment insurance, recipient, insurance premiums, econometric modeling.

### **Kirish**

Mamlakat iqtisodiyotini o‘shishi, aholi turmush darajasini yaxshilash, har bir sohada





iqtisodiy-ijtimoiy samaraga erishishda va xorijiy investitsiyalarni jalb qilishda mamlakatning yuqori investitsion jozibadorlikka ega bo'lishi muhim omil hisoblanadi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyev tomonidan ta'kidlanganidek: “Investitsiya. – bu iqtisodiyot drayveri, o'zbekcha aytganda, iqtisodiyotning harakatlantiruvchi yuragi desak, mublag'a bo'lmaydi. Investitsiya bilan birga turli soha va tarmoqlarga, hududlarga yangi texnologiyalar, ilg'or tajribalar, yuksak malakali mutaxassislar kirib keladi, tadbirkorlik jadal rivojlanadi” [7]. Zero, samarali va faol olib borilgan investitsiya siyosati natijasida mamlakat investitsion muhiti yaxshilanadi va xorijiy investorlar uchun qulay shart-sharoitlar shakllanadi, bu esa, o'z navbatida, mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy jihatdan rivojlanishiga turtki bo'ladi.

Har qanday investor biron bir loyihaga investitsiya kiritish haqida qaror qabul qilishdan avval bir qancha omillarni alohida e'tiborga olishi ma'lum. Investitsiya kiritilayotgan mamlakatdagi siyosiy holat, investitsion muhit, tadbirkorlarga yaratilgan shart-sharoitlar, sohaga oid huquqiy bazaning takomillashganligi, shular jumlasidandir. Shuningdek, ushbu omillar qatorida mamlakat sug'urta bozorida investitsiyalarni sug'urtalash imkoniyati, ushbu amaliyotning keng yoyilganligi va rivojlanish tendensiyalari investitsiya faoliyatini samarali olib borish, risklarni kamaytirishda katta ahamiyatga ega hisoblanadi.

Shunday ekan, xorijiy investitsiyalarni sug'urtalash masalalarining nazariy-huquqiy asoslarini chuqur o'rganish asosida iqtisodiyot osishini jadallashtirish, xorij tajribalarini o'rganib, ularni milliy sug'urta bozoriga moslashtirilgan holda tadbiq etish, shuningdek, ushbu soha rivojlanishi uchun hukumat tomonidan qulay muhit yaratilishi mamlakat iqtisodiyotini modernizatsiyalash va barqarorligini ta'minlash, hamda taraqqiy etishida muhim asos hisoblanadi.

### **Adabiyotlar sharhi**

Xorijiy mamlakatlar olimlarining, jumladan Felipe Berdou, Shauhin Talesh, Joseph E. Stiglitzlarning sug'urta va sug'urta faoliyatiga oid nazariy qarashlari boshqalardan biroz farq qiladi. Masalan, Felipe Berdou o'z izlanishlarida sug'urta munosabatlari Buyuk Britaniyada XVI asrning oxirlarida paydo bo'lganligiga e'tibor qaratadi [9]. Uning fikricha, sug'urta faoliyatining vujudga kelishiga Londonda 1666 yil ro'y bergan yong'in va Buyuk Britaniyaning jahon dengiz savdosidagi mavqei sabab bo'lgan. Sug'urta faoliyati nazariyasi xususida to'xtalib, Shauhin Talesh sug'urtaning an'anaviy va ustun konsepsiyasi ixtiyoriy shartnoma kelishuviga asoslangan bo'lib, unga ko'ra biznes tuzilmalari o'zlarining risklarini sug'urtalovchiga o'tkazadi, deb hisoblaydi [10].

Sug'urta sohasini tadqiq qilishda ilmiy tizimli yondashuvni qo'llash tarmoq arxitekturasiga, sug'urta jarayonlariga sinchiklab qarash hamda nomuvofiqlik va istiqbolni aniqlash imkoniyatini yaratishligi I.P. Xominich va S.N. Tixomirov qarashlarida o'z aksini topgan [11].

Sug'urta faoliyati risk bilan bog'langan ekan, risk mavjud bo'lmagan joyda sug'urta ham bo'lmaydi. I.L. Kirilyuk va A.P. Sviridovlarnig fikricha, sug'urta risklarni boshqarishning elementi hisoblanadi [12].

Sug'urta va sug'urta faoliyatiga oid ko'plab olimlarning ilmiy nazariy qarashlarini qiyosiy tahlil etishda X.M. Shennaevning sug'urta nazariyasi sohasidagi tadqiqotlarini alohida ahamiyatga ega ekanligini qayd etish muhim. Olim iqtisodiy rivojlangan mamlakatlarning yillar davomida shakllangan sug'urta faoliyati bilan bog'liq nazariy qarashlar va yondashuvlarning qiyosiy tahlilini amalga oshirgan [13].

### **Tadqiqot metodologiyasi**

Tadqiqot jarayonida xorijiy investitsiyalarni sug'urtalash bo'yicha xalqaro amaliyot xususiyatlari, ularning iqtisodiyotdagi o'rni borasida xorijiy va mahalliy olimlarning ishlari o'rganildi va tahlil qilindi. Maqolada nazariy mushohada, tizimli yondashuv, kuzatish, umumlashtirish, tahlil, sintez kabi usullar samarali qo'llanildi, shuningdek xorijiy





investitsiyalarni sugʻurtalash borasidagi muammolar va ularning yechimlari xususida xulosa va takliflar shakllantirilgan.

### **Tahlil va natijalar**

Mamlakat iqtisodiyoti ustuvor tarmoqlarini rivojlantirish uchun xorijiy investitsiyalarni jalb qilish siyosati mavjud mablagʻlardan, vaqtdan va imkoniyatlardan samarali foydalanishga, bir qancha risklarni, mavjud shart-sharoitlarni hisobga olgan holda moddiy va nomoddiy boyliklarni samarali yoʻnaltirishga va shu yoʻl bilan mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishga, uning jahon iqtisodiy tizimida oʻz oʻrniga ega boʻlishiga, xorijiy investitsiyalarning kirib kelishini ragʻbatlantirish yoʻli bilan investitsiyalarni, asosan, iqtisodiyotning ustuvor tarmoqlariga jalb qilishga hamda ulardan samarali foydalanishga qaratilgan. Bugungi kunda xorijiy investitsiyalarni jalb qilishning bir qancha shakllari mavjud:

- belgilangan miqdorda ulush qoʻshib qatnashish orqali qoʻshma korxonalarni tashkil etish;
- 100 % mol-mulk xorijiy investorlarga tegishli boʻlgan xorijiy korxonalarni tashkil etish;
- yirik xorijiy kompaniya va firmalarning shoʻba korxonalari va filiallarini tashkil etish;
- kontsessiya va lizing shartnomalarini tuzish; tenderlarni eʻlon qilish; erkin iqtisodiy hududlarni tashkil etish;
- moliyaviy aktivlarni sotish va sotib olish.

Xorijiy investitsiyalarning oʻziga berilgan taʼriflarga toʻxtaladigan boʻlsak, qonunga koʻra, “chet el investitsiyalari – chet ellik investor tomonidan ijtimoiy soha, tadbirkorlik, ilmiy va boshqa faoliyat turlari obyektlariga kiritiladigan moddiy va nomoddiy boyliklar hamda ularga boʻlgan huquqlar, shu jumladan intellektual mulk obyektlariga boʻlgan huquqlar, shuningdek reinvestitsiyalar”dir [1].

Milliy iqtisodiyotni rivojlantirishda xorijiy investitsiyalarning ahamiyati katta boʻlib, u quyidagilar bilan izohlanadi.

1-rasm.

### **Milliy iqtisodiyotni rivojlantirishda xorijiy investitsiyalarning ahamiyati\***



\*Oʻrganishlar natijasida muallif tomonidan tuzildi.

Hozirgi kunda Oʻzbekiston iqtisodiyotiga xorijiy investitsiyalar oqimining jadal surʼatlarda oʻsishini quyidagi omillar belgilab bermoqda:

- 1) mamlakatdagi investitsiya muhitining barqarorligi;
- 2) valyuta kursini tartibga solishdagi ijobiy oʻzgarishlar;
- 3) mamlakatning soliq mexanizimini takomillashtirishning aniq yoʻnalishlari belgilanganligi;
- 4) soliq qonunchiligida xorijiy investitsiyalarning faoliyatini tartibga soluvchi qaror va qonunlarning ishlab chiqilganligi;
- 5) jahon tovar bozorlaridagi eksportyorlar uchun qulay narx konyukturasi vujudga





kelganligi.

Investision jozibadorlikni oshirish orqali quyidagilarga erishish mumkin:

- iqtisodiyotga milliy va xorijiy investisiyalarning oqimi kengayadi, undan to‘g‘ri foydalanish natijasida real sektorga zamonaviy va resurs tejamkor texnika-texnologiya olib kelinadi, mavjudlari modernizatsiya qilinadi va tannarxi nisbatan past, raqobatbardosh, eksportga va milliy bozorga mo‘ljallangan tovarlar ishlab chiqariladi;


- milliy va xorijiy investisiyalardan foydalangan holda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish, qishloq xo‘jaligi, sanoat va xizmat ko‘rsatish singari tarmoqlarda ishlab chiqarishni rivojlantirish orqali soni o‘sib borayotgan aholini ish joylari bilan ta‘minlanadi;

- mamlakatda yangi tadbirkorlik subyektlarini shakllantirish va shu orqali ichki bozorda raqobat muhitini yaxshilash, aholini sifatli va arzon mahsulotlar bilan ta‘minlash imkoniyati kengayadi.

Investisiya faoliyatini moliyalashtirish bir qancha manbalar hisobidan amalga oshiriladi. Hozirgi kunda respublikamizda investisiya faoliyatini moliyalashtirishning quyidagi manbalari mavjuddir.

2-rasm.

### Investisiya faoliyatini moliyalashtirish manbalari\*



\*O‘rganishlar natijasida muallif tomonidan tuzildi.

Rivojlangan mamlakatlar tajribasidan ma‘lumki, xorij kapitali, xususan, to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investisiyalarni jalb etish investisiyalashda eng samarali vosita hisoblanadi. Aynan xorijiy investisiyalar mamlakatda iqtisodiy va texnologik jarayonini harakatlantiruvchi omil bo‘lib xizmat qiladi. Respublika iqtisodiyotiga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investisiyalarni jalb qilish faoliyati samaradorligini oshirish, xorijiy investorlarni mamlakatimiz imkoniyatlari va salohiyati to‘g‘risida xabardor qilish, xorijiy investisiyalarni jalb etish va o‘zlashtirish sohasida davlat va xo‘jalik boshqaruvi organlari, mahalliy ijro hokimiyati organlari faoliyatini muvofiqlashtirishni yaxshilash maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 29-apreldagi PQ-4300 sonli “Respublika iqtisodiyotiga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investisiyalarni jalb qilish mexanizmlarini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori qabul qilindi [4]. Ushbu qarorga asosan quyidagi yo‘nalishlarda Davlat dasturi belgilab olindi:

- kimyo va neft-gaz sanoati, mashinasozlik sohasidagi xo‘jalik yurituvchi sub‘ektlar, bank-sug‘urta tashkilotlari ustav kapitallaridagi davlat aksiyalar (ulushlar) paketlarini sotish;

- to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investisiyalarni jalb etish uchun tayyor investitsiya takliflarini ishlab chiqish;

- investisiya va biznes forumlar, taqdimotlar va marketing kompaniyalari imkoniyatlaridan keng foydalanish;

- davlat-xususiy sheriklik loyihalarini amalga oshirish bo‘yicha ustuvor yo‘nalishlarni tashkil etish.





Hozirgi kunda mamlakatimiz iqtisodiyotiga xorijiy investitsiyalarni jalb etish uchun qulay shart-sharoitlar yaratish, ularni huquqiy himoya qilishning amaliy mexanizmlarini joriy etish va investision muhitni yanada yaxshilash, ishlab chiqarishni kengaytirish va uning samaradorligini oshirish mamlakat iqtisodiyotini taraqqiy ettirishida eng muhim vazifalardan biri hisoblanadi.

Mamlakatda ichki va tashqi investorlar bilan ishlashda, ayniqsa joylarda, investorlarning tashabbuslari barcha darajadagi hokimliklar tomonidan lozim darajada qo'llab-quvvatlanmasligi, bu borada vazirlik va idoralar faoliyati aniq muvofiqlashtirilmaganligi bilan bog'liq byurokratik to'siq va g'ovlar hali ham mavjudligi qulay investitsiya muhitini shakllantirish bo'yicha davlat siyosatining izchilligiga bo'lgan ishonchning mustahkamlanishiga to'sqinlik qilmoqda ediki, aynan shu masalalarni tartibga solish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 01-avgustda PF-5495-sonli “O'zbekiston Respublikasida investitsiya muhitini tubdan yaxshilash chora-tadbirlari to'g'risida”gi [5] farmoni qabul qilindi.

Xorijiy investitsiyalar milliy iqtisodiyotning rivojlanishida muhim o'rin tutar ekan, xorijiy investitsiyalar oqimini muvofiqlashtirish, tashqi savdo va xalqaro iqtisodiy hamkorlik sohasida yagona davlat siyosatini shakllantirish yuzasidan Investitsiyalar va tashqi savdo vazirligi tashkil etildi [6].

Milliy iqtisodiyotga xorijiy investitsiyalarni jalb qilishda mavjud investitsiya muhitini takomillashtirish, dunyoning yetakchi iqtisodi rivojlangan davlatlarning investitsiya sohasidagi tajribalarini ommalashtirish, mamlakatda investitsiya faoliyati samaradorligini yanada oshirish maqsadida investitsiya sohasidagi xalqaro qonunchilik normalarini chuqur tahlil qilish O'zbekiston Respublikasida investitsiya sohasida yangi tahrirdagi qonun qabul qilish zaruriyatini keltirib chiqardi. Natijada, 2019-yil 25-dekabrda “O'zbekiston Respublikasining Investitsiyalar va investitsiya faoliyati to'g'risida”gi [2] qonuni qabul qilindi. Ushbu qonun, mavjud qonun qabul qilinguncha amalda bo'lgan investitsiya sohasidagi barcha qonunlarni o'zida birlashtirib, yangi bob va moddalar bilan to'ldirildi.

Rivojlangan davlatlar tajribasidan ma'lumki maxsus iqtisodiy zonalarni tashkil etish orqali mamlakatning ayrim hududlariga xorijiy investitsiyalarni muvaffaqiyatli jalb etish amaliyotda o'z isbotini topgan. Erkin iqtisodiy hududlar faoliyat yuritayotgan 123 ta mamlakatlar orasida eng ko'pi AQSHga to'g'ri keladi. Masalan hozirgi kunda AQSHda 230 dan ortiq uch turdagi: tashqi savdo, tadbirkorlik va texnologiyalarni joriy etish hududlarini (texnopark) o'z ichiga olgan erkin iqtisodiy hududlar faoliyat yuritadi. Osiyo mamlakatlari orasida Xitoy davlatini alohida aytib o'tish lozim, bugungi kunda 102 nafardan ortiqroq erkin iqtisodiy hududlar faoliyat yuritmoqda.

Mavjud erkin iqtisodiy hududlar faoliyatini rivojlantirish, xorij tajribasidan kelib chiqib yangi maxsus iqtisodiy zonalarni tashkil etish va ularning faoliyatini tartibga solish maqsadida 2020-yil 17-fevraldagi 604-sonli O'zbekiston Respublikasining “Maxsus iqtisodiy zonalar to'g'risida”gi [3] qonunini qabul qilinishiga olib keldi. Ushbu qonun asosida maxsus iqtisodiy zonalar quyidagi turlarda: erkin iqtisodiy zonalar, maxsus ilmiy-texnologik zonalar, turistik-rekreatsion zonalar, erkin savdo zonalar va maxsus sanoat zonalar shaklida tashkil etilishi mumkinligi belgilandi. Hozirgi kunda mamlakatimizda 21 ta erkin iqtisodiy zona, shundan 7 ta farmatsevtika zonasi, 1 ta turistik zona va 143 ta kichik sanoat zonalar tashkil etilgan.

Jahon amaliyotida rivojlangan mamlakatlardan rivojlanayotgan mamlakatlarga kapital oqimining kuchayishi xorijiy investitsiyalarni kafolatli himoyalash choralari yanada isloh qilish zaruratini paydo qildi. Shuningdek, jahondagi deyarli barcha yirik mamlakatlar o'z iqtisodiyotini rivojlantirishida xorijiy investitsiyalarning roli katta va mana shu kapital oqimining bardavom bo'lishini ta'minlash maqsadida ularni himoya qilishga ham yetarlicha e'tibor qaratadilar.

Bugungi kunda investitsiyalarni samarali himoya qilish bo'yicha mavjud tizim universal xususiyatga ega, ya'ni har qanday mamlakatda foydalanish uchun javob beradi. Bugungi dunyo amaliyotida chet el investitsiyalarini jalb qilishda sug'urta vositasida kafolatli himoyalash tizimi mavjud bo'lib, birinchidan, mamlakatlar milliy qonunchiligini xalqaro qonunchilik normalariga





moslashtirish, ikkinchidan, xorijiy investitsiyalarni sug‘urtalovchi tashkilotlar to‘lov qobiliyatini mustahkamlash, uchinchidan, davlatlar o‘rtasida investitsiyalarni o‘zaro himoya qilish va rag‘batlantirish bo‘yicha ko‘p tomonlama kelishuvlar, to‘rtinchidan kelib chiqadigan investitsiya nizolarini samarali hal qilish mexanizmlarini rivojlantirishda o‘z aksini topmoqda. Investitsiyaviy nizolar o‘z navbatida xalqaro hakamlik sudlarida hal etiladi.

Xorijiy investitsiyalarni sug‘urtalashning jahon tajribasida sug‘urta himoyasini taqdim qiluvchilar sifatida: xususiy sug‘urta kompaniyalari, davlat sug‘urta agentliklari va xalqaro sug‘urta tashkilotlarini misol keltirish mumkin.

1-jadval.

**Investitsiyalar va eksport-kreditlarni sug‘urtalovchi xalqaro kompaniyalar\***

| Mamlakat        | Qisqartma nomi | Tashkilot nomi   |
|-----------------|----------------|--|
| Fransiya        | COFACE         | Compagnie Française d’Assurance pour le Commerce Extérieur       |
| Germaniya       | -              | Euler Hermes   |
| Buyuk Britaniya | ECGD           | Exports Credits Guarantee Department                             |
| Belgiya         | OND            | Office National du Ducroire                                      |
| Daniya          | EKR            | Eksport/Kredit Radet   |
| Ispaniya        | CESCE          | Compañía Española de Seguros de Crédito a la Exportación         |
| Italiya         | SACE           | Sezione special per l’Assicurazione del Credito all’Esportazione |
| Niderlandiya    | NCM            | Nederlandsche Credietverzekering Maatschappij                    |
| Portugaliya     | COSEC          | Compania de Seguros de Creditos                                  |
| Shvetsariya     | GRE            | Garantie centre les Risques a l’exportation                      |
| AQSh            | EXIMBANK       | Export Import Bank of the United States                          |
| Kanada          | EDC            | Export Development Corporation                                   |
| Xitoy           | SINOSURE       | China Export & Credit Corporation                                |
| Yaponiya        | NEXI           | Nippon Export and Investment Insurance                           |
| Braziliya       | SBCE           | Seguradola Brasileira Credito a Exportacao                       |
| Hindiston       | ECGC           | Export Credit Guarantee Corporation of India                     |

\*Bern ittifoqi hisobotlari asosida muallif tomonidan tuzildi.

Yuqorida keltirilgan 1-jadvalda davlat sug‘urta agentliklari sifatida AQSh Eksport-Import Banki Eksimbank (Export-Import Bank of the United States - Eximbank), Italiyaning SACE (Sezione speciale per l’Assicurazione del Credito ail’Esportazione), Fransiyaning COFACE (Compagnie Française d’Assurance pour le Commerce Extérieur), Yaponiyaning NEXI (Nippon Export and Investment Insurance Agency), Buyuk Britaniyaning ECGD (Export Credit Guarantee Department), Belgiyaning OND (Office National de Ducroire) va Xitoyning Eksport kreditlarini sug‘urtalash bo‘yicha korporatsiyasi (SINOSURE)larni sanab o‘tish mumkin.

Zamonaviy sug‘urta bozorining institutsional tuzilishi to‘rtta asosiy sug‘urta, yani milliy davlat sug‘urtasi, ko‘p tomonlama sug‘urta, xususiy sug‘urta va qayta sug‘urtadan iborat. Qayta sug‘urtalash xizmati davlat sug‘urta tashkilotlari, xususiy sug‘urta tashkilotlari hamda ko‘p tomonlama sug‘urta tashkilotlari tomonidan amalga oshiriladi.

Xorijiy investitsiyalarni ko‘p tomonlama himoya qilishda ixtisoslashgan xalqaro tashkilot sifatida MIGA tashkilotini keltirish mumkin. Investorning mamlakati va investitsiya qabul qiluvchi mamlakat MIGAning nizom hujjatlarini imzolagan holdagina risklarni sug‘urta himoyasiga olishi mumkin. MIGA bir mamlakat uchun jami 150 mln. AQSh dollarigacha investitsiya kafolatlarini taqdim etadi, bir risk uchun javobgarlik chegarasi 50 mln. AQSh dollaridan oshmasligi kerak. O‘zbekiston Respublikasi 1992-yildan boshlab ko‘p tomonlama





investitsiya kafolati agentligi a’zosi hisoblanadi.

2020-yilda “O‘zbekinvest” AJ eksport import sug‘urta kompaniyasi investitsiyalar va eksport kreditlarini sug‘urtalash bo‘yicha “Islom korporatsiyasi” (ICIEC) bilan o‘zaro hamkorlik memorandumini imzoladi [8]. Ushbu hamkorlikni kuchaytirish asnosida O‘zbekiston sug‘urta bozorida Islom moliyasini, xususan, islom takoful sug‘urtasini keng rivojlantirishni tavsiya etish mumkin. Bugungi kunda “Apex Insurance” MChJ sug‘urta kompaniyasi tomonidan takoful sug‘urta xizmatlari yo‘lga qo‘yilgan. Ammo, Respublikamizda Islom Taraqqiyot Banking va uning filialining faoliyat ko‘rsatmasligi ushbu sug‘urta turining keng ommalashishiga to‘sqinlik qilmoqda. Islom takoful sug‘urtasi shariat qonun-qoidalariga asoslanganligi sababli, takoful sug‘urtasi bo‘yicha to‘plangan mablag‘larni investitsiya qilish imkoniyatlarida muammolar yuzaga kelmoqda.

### **Xulosa**

Shunday qilib, biz yuqorida xorijiy investitsiyalarni sug‘urtalashning iqtisodiy rivojlanishdagi ahamiyatini chuqur tahlil qilgan holda, mazkur faoliyatlarda ishtirok etadigan ayrim davlat sug‘urta agentliklari va xalqaro sug‘urta tashkilotlari faoliyati bilan qisqacha tanishib o‘tdik. Davlat agentliklari va MIGA uzoq muddatli sug‘urta qoplamasini juda jozibali stavkalar bilan ta‘minlashi mumkin, ammo ular kafolatlaydigan turli sohalaridagi investitsiyalar bo‘yicha ko‘plab cheklovlarga ega.

Xususiylash tashkilotlar investitsiyalarni sug‘urtalashda odatda qisqa muddatli qoplamalarni ta‘minlaydi (maksimal 3-yilgacha). Ularning xizmatlari davlat agentliklariga nisbatan qimmatroq bo‘lib, investitsiya risklarini sug‘urtalashga qabul qilish uchun bugungi kunda ularning zaxiralari yetarli darajada emas.

Bundan tashqari xorijiy investitsiyalarni sug‘urtalash borasida ilg‘or xorij tajribasidan kelib chiqib, Investitsiyalarni kafolatlash bo‘yicha Arab davlatlararo korporatsiyasi hamda Investitsiyalar va eksport kreditlarini sug‘urtalash bo‘yicha Islom korporatsiyasi bilan o‘zaro teng sheriklik va hamkorlik aloqalarini rivojlantirish maqsadga muvofiq. Ushbu hamkorlik aloqalari xorijiy investitsiyalar oqimini kuchaytirishga va xorijiy investitsiyalarni sug‘urtalash imkoniyatlarini oshirishga xizmat qiladi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. O‘zbekiston Respublikasining “Investitsiyalar va investitsiya faoliyati to‘g‘risida”gi Qonuni, 25.12.2019 yildagi O‘RQ-598-son.
2. O‘zbekiston Respublikasining 2019-yil 25-dekabrda O‘RQ-598-son “Investitsiyalar va investitsiya faoliyati to‘g‘risida”gi qonuni. <https://lex.uz/docs/4664142>
3. O‘zbekiston Respublikasining 2020-yil 17-fevralda O‘RQ-604-son “Maxsus iqtisodiy zonalar to‘g‘risida”gi qonuni. <https://lex.uz/docs/4737511>
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, 29.04.2019 yildagi PQ-4300-son
5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 01-avgustda “O‘zbekiston Respublikasida investitsiya muhitini tubdan yaxshilash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-5495-sonli farmoni. <https://lex.uz/docs/3845273>
6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 28-yanvarda PF-5643-son «Investitsiya va tashqi savdo sohasida boshqaruv tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi farmoni. <https://lex.uz/docs/4182345>
7. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. Toshkent. 28-dekabr, 2018-yil. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz).
8. O‘zbekinvest eksport-import sug‘urta kompaniyasi aksiyadorlik jamiyati ma’lumotlari. [www.uzbekinvest.uz](http://www.uzbekinvest.uz)
9. Felipe Berdou. Target Insurance, G06Q40/02; G06Q40/08; (IPC1-7): G06F17/60. 2004. <https://www.freepatentsonline.com/20040010426.pdf>
10. Shauhin A. Talesh. A New Institutional Theory of Insurance. UC Irvine Law Review,





Vol.5, No.3, 2015, – PP.617-650, UC Irvine School of Law Research Paper No. 2015-77.  
[https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract\\_id=2651508](https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract_id=2651508)

11. Хоминич И.П. и Тихомиров С.Н. Методология формирования национальной страховой системы в контексте системного анализа. // Финансы. – №3, 2008. – С. 44.

12. Кирилюк И.Л., Свиридов А.П. Рынок страхования в России: текущее состояние и перспективы. // Вопросы теоретической экономики. – №2. 2019. – URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/rynok-strahovaniya-v-rossii-tekuscheesostoyanie-i-perspektivy>

13. Шеннаев Х.М. Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини ривожлантириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) ... диссертация. – Т.: 2021. – 33 б.





## ИПОТЕКА КРЕДИТЛАШ ТИЗИМИНИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ



**Жўраев Камолиддин Тошболтаевич**

*макроиқтисодиёт кафедраси  
ўқитувчиси*

*Мирзо Улугбек номидаги  
Ўзбекистон миллий университети  
E-mail: [kamoljoraev@gmail.com](mailto:kamoljoraev@gmail.com)  
ORCID: 0009-0000-9576-2785*

**Аннотация.** Ҳозирги кунда рақамли технологиялар барча соҳаларда, хусусан, молиявий хизматлар соҳасида кенг қўлланилмоқда. Ипотека кредитлаш тизими ҳам бундан мустасно эмас. Мақолада ипотека тизимини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш масалаари ўрганилиб, ва бу орқали аҳолига қулай, шаффоф ва тезкор ипотека хизматларини тақдим этиш имкониятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, соҳа мутахассислари, банклар, давлат идоралари ва тадқиқотчилар учун таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** ипотека, кредитлаш, рақамли технологиялар, молиявий хизматлар, ипотека тизими, электрон банк хизматлари, рақамлаштириш, онлайн кредитлаш, автоматлаштирилган тизимлар, финтех, электрон ҳужжат айланмаси.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ ИПОТЕЧНОГО КРЕДИТОВАНИЯ НА ОСНОВЕ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

**Джураев Камолиддин Ташбалтаевич**

*преподаватель кафедры  
макроэкономики*

*Национальный университет  
Узбекистана имени Мирзы Улугбека  
E-mail: [kamoljoraev@gmail.com](mailto:kamoljoraev@gmail.com)  
ORCID: 0009-0000-9576-2785*

**Аннотация.** В настоящее время цифровые технологии широко используются во всех отраслях, в частности в сфере финансовых услуг. Система ипотечного кредитования не является исключением. В статье рассматриваются вопросы совершенствования ипотечной системы на основе цифровых технологий, анализируются возможности предоставления населению удобных, прозрачных и быстрых ипотечных услуг. Также даются предложения и рекомендации для отраслевых специалистов, банков, государственных органов и исследователей.

**Ключевые слова:** ипотека, кредитование, цифровые технологии, финансовые услуги, ипотечная система, электронные банковские услуги, цифровизация, онлайн-кредитование, автоматизированные системы, финтех, электронный документооборот.

## IMPROVING THE MORTGAGE LENDING SYSTEM BASED ON DIGITAL TECHNOLOGIES

**Juraev Kamoliddin Tashbaltaevich**





*Lecturer at the Department  
of Macroeconomics  
National University of  
Uzbekistan named Mirza Ulugbek  
E-mail: [kamoljoraev@gmail.com](mailto:kamoljoraev@gmail.com)  
ORCID: 0009-0000-9576-2785*

**Abstract.** Nowadays digital technologies are widely used in all industries, particularly in the financial services sector. The mortgage lending system is no exception. The article discusses the issues of improving the mortgage system based on digital technologies, analyzes the possibilities of providing the population with convenient, transparent and fast mortgage services. It also provides suggestions and recommendations for industry experts, banks, government agencies and researchers.

**Keywords:** Mortgage lending, digital technologies, financial services, mortgage system, electronic banking services, digitization, online lending, automated systems, fintex, electronic document circulation.

### **Кириш**

Бугунги кунда рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши иқтисодийнинг барча соҳаларида, жумладан, молиявий хизматлар ва ипотека кредитлаш тизимида ҳам туб ўзгаришларни юзага келтирмоқда. Айниқса, аҳолининг уй-жой шароитини яхшилашга хизмат қилувчи ипотека кредитлари хизматини рақамлаштириш, унинг шаффофлиги, тезкорлиги ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда ипотека бозорини либераллаштириш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш ҳамда рақамли инфратузилмани ривожлантириш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилди. Бирок амалдаги ипотека кредитлаш тизимида ҳанузгача бюрократик тўсиқлар, маълумотлар алмашинувининг секинлиги, инсон омили таъсиридаги хато ва суистеъмол ҳолатлари каби муаммолар мавжудлигича қолмоқда.

Мазкур мақолада ипотека кредитлаш тизимини рақамли технологиялар асосида такомиллаштиришнинг долзарб масалалари ўрганилади. Шунингдек, рақамли ечимларни жорий этиш орқали ипотека жараёнларини автоматлаштириш, онлайн ариза қабул қилиш, миқдорлар билан ўзаро муносабатларни яхшилаш ва тизим самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар илгари сурилади.

### **Адабиётлар шарҳи**

Ипотека кредитлаш тизими ва уни рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш масалалари сўнгги йилларда миллий ва халқаро даражада кенг ўрганилмоқда. Мазкур йўналишдаги тадқиқотлар ипотека бозорини самарадорликни ошириш, аҳолига қулай шарт-шароит яратиш, банклар фаолиятини рақамлаштириш ва миқдорлар билан муносабатларни яхшилашга қаратилган.

Ўзбекистонда ипотека кредитлаш соҳасида давлат томонидан олиб борилаётган ислохотларда, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарориди [1], Иқтисодий ва молия вазирлиги [3] ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси материалларида ипотека тизимини модернизация қилиш бўйича яъни:

- ипотека бозорини ривожлантириш;
- ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини уй-жой билан таъминлаш;
- давлат-хусусий шериклик асосида уй-жой қурилиши каби қатор вазифалар, белгиланган.

Шунингдек, миллий тадқиқотчилар М. Абдурасулов [4], Н. Раҳматов [5], Ш. Каримов [6] ва бошқаларнинг илмий ишларида ипотека тизимининг иқтисодий-хукукий





асослари, уни молиялаштириш механизмлари, рақамлаштириш жараёнларининг афзалликлари ёритиб берилган.

Халқаро тажрибага назар ташласак, Дунё банки, Халқаро валюта жамғармаси (IMF) [8], Европа тикланиш ва тараққиёт банки (EBRD) [9] томонидан тайёрланган ҳисоботларда рақамли ипотека тизимларининг самарадорлиги, кредит хавфларини камайтириш, инсон омилини минималлаштириш ва мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратилган ёндашувлар кенг тавсия этилган.

АҚШ, Канада, Жанубий Корея, Сингапур каби мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ипотека жараёнларига электрон идентификация, рақамли имзо, автоматлаштирилган баҳолаш платформалари ва блокчейн технологияларини жорий этиш тизим шаффофлигини кучайтиради ва вақт харажатларини камайтиради.

Шу билан бирга, тадқиқотларда таъкидланишича, рақамли ипотека тизимини жорий этиш жараёнида киберхавфсизлик, ахборот махфийлиги, ҳуқуқий базанинг тайёрлиги каби омиллар ҳам эътиборга олинishi шарт.

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот жараёнида қуйидаги илмий усул ва ёндашувлардан фойдаланилди:

1. Таҳлилий усул. Ипотека кредитлашнинг ҳозирги ҳолати, қонунчилик базаси, банклар амалиёти ва рақамлаштириш даражаси таҳлил қилинди. Ўзбекистон ва ривожланган давлатлар тажрибалари солиштирма таҳлил асосида кўриб чиқилди.

2. Солиштирма таҳлил усули. Миллий ипотека тизимидаги мавжуд механизмлар АҚШ, Корея, Германия ва Сингапур каби мамлакатлар тажрибаси билан таққосланди. Бу орқали самарали рақамли ечимлар аниқланди.

3. Индуктив ва дедуктив ёндашувлар. Аниқ мисол ва ҳолатлар таҳлили орқали умумий хулосалар чиқарилди (индукция), ҳамда умумий назарий қарашлардан амалиётдаги муаммоларга ечим таклифлари ишлаб чиқилди (дедукция).

4. Моделлаш ва тизимли таҳлил. Ипотека кредитлаш жараёнлари рақамлашган ҳолда қандай ташкил этилиши мумкинлиги моделлар орқали тасвирланди. Бунда автоматлаштирилган баҳолаш, онлайн ариза бериш, электрон имзо ва блокчейн технологияларининг жорий этилиши каби ечимлар кўриб чиқилди.

5. Статистик таҳлил усули. Ипотека кредитлари бўйича статистик маълумотлар (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат статистика қўмитаси, тижорат банклари ҳисоботлари) асосида соҳа ривож тенденциялари таҳлил қилинди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ипотека кредитлаш тизими аҳолининг турмуш даражасини ошириш, уй-жой шароитини яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бирок амалиётда ушбу тизимда қатор муаммо ва камчиликлар мавжуд бўлиб, уларни рақамли технологиялар орқали бартараф этиш муҳим масала ҳисобланади.

Ипотека кредитлаш тизимида қуйидаги муаммоларни ечилиши долзарб ҳисобланади.

1. Бюрократик тўсиқлар – кредит олиш жараёнида кўплаб ҳужжатлар талаб қилинади, бу эса вақт ва ресурс йўқотишга сабаб бўлади.

2. Ҳужжатларни қайта-қайта тақдим этиш – ахборот тизимлари интеграция қилинмагани учун фуқаролар бир хил маълумотларни турли ташкилотларга қайта-қайта топширишга мажбур.

3. Субъектив қарорлар – инсон омили юқори бўлган ҳолатларда суистеъмоллар ва адолатсиз қарорлар эҳтимоли ортиши мумкин.


4. Аниқ маълумотлар базасининг етишмаслиги – мулк баҳосини аниқлаш, мижознинг қарзга лаёқатини баҳолашда ишончли маълумот манбалари етарли эмас.





1-чизма.

**Хорижий мамлакатларда ипотека кредитлаш тизимида рақамли технологияларни жорий этилиши**




\*Муаллиф ишланмаси.

Чизмадан кўриниб турибдики, ривожланган мамлакатлар ипотека кредитлаш тизимида рақамли технологиялар жорий этилганлиги банк сервисида катта қўлайликлар яратган.

Ипотека кредитлаш тизимида рақамли технологияларни жорий этиш нафақат жараёнларни соддалаштиради, балки умумий самарадорликни оширади, мижозлар учун қулайлик яратади, коррупциявий омилларни камайтиради ва иқтисодий барқарорликка ҳисса қўшади. Ҳозирги босқичда бу йўналишдаги ислохотларни чуқурлаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

2-чизма.

**Рақамли технологияларни жорий этиш афзаликлари**



\*Муаллиф ишланмаси.

Олиб борилган таҳлил ва тадқиқотлар асосида қуйидаги асосий натижаларга





эришилди:

1. Ипотека кредитлаш тизимидаги мавжуд муаммолар аниқланди, жумладан: қоғозбозлик ва ортиқча бюрократик тўсиқлар; маълумотларнинг тарқоқлиги ва қайта-қайта тақдим этилиши; инсон омили таъсиридаги хато ва суистеъмоллар; кредит бериш жараёнида шаффофлик ва тезкорликнинг етишмаслиги.

2. Рақамли технологияларни жорий этиш орқали ушбу муаммоларни бартараф этиш имкониятлари таҳлил қилинди, жумладан: онлайн ариза бериш ва кўриб чиқиш тизимлари; автоматлаштирилган баҳолаш ва кредит скоринг платформалари; электрон хужжат айланмаси ва рақамли имзо; ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш.

3. Халқаро тажриба асосида самарали рақамли ечимлар танлаб олинди. Жумладан: Сингапур, Жанубий Корея ва АҚШдаги ипотека жараёнларининг рақамлашган модели; бу моделларнинг Ўзбекистон шароитига мос келадиган жиҳатлари ва талаблари аниқланди.

4. Ўзбекистонда рақамли ипотека тизимини жорий этиш учун норматив-ҳуқуқий ва инфратузилмавий асослар мавжудлиги қайд этилди: “Ягона интерактив давлат хизматлари портали”, E-Nijjat, электрон идентификация каби тизимлар жорий қилинган; банклар ва молиявий ташкилотларда рақамлаштириш жараёнлари фаоллашган.

### **Хулоса**

Ипотека жараёнларини тўлиқ рақамлаштиришда ипотека кредитини расмийлаштириш жараёнида онлайн ариза қабул қилиш, электрон хужжат айланмаси ва электрон имзо жорий қилиниши лозим, барча ипотека шартномаларини электрон кўринишда тасдиқлаш ва сақлаш тизимини йўлга қўйиш лозим.

Ягона рақамли ипотека платформасини яратиш учун ипотека билан боғлиқ барча ташкилотлар (банклар, кадастр, солиқ, нотариат, маҳаллий ҳокимиятлар) яхлит, интеграциялашган электрон платформа орқали фаолият юритиши лозим ва бу платформа орқали мижоз кредит учун ариза бериши, мулк тўғрисидаги маълумотларни олиши ва кредит мақулланишини кузатиши мумкин бўлади. Автоматлаштирилган баҳолаш ва кредит скоринг тизимини жорий этишда мижозларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш учун алгоритмик кредит скоринг тизимларини жорий қилиш, кучли ахборот базасига эга автоматлаштирилган мулк баҳолаш платформаларини ишга тушириш керак.

Аҳоли ва мутахассислар учун рақамли саводхонликни ошириш куйидагиларни, яъни:

- электрон ипотека тизимларидан фойдаланиш бўйича ахборот кампаниялари, маърузалар, видео-дастурлар ва семинарлар ташкил этиш;

- банк ходимлари ва аҳоли ўртасида рақамлаштириш бўйича ўқув курсларини доимий равишда ўтказиш кабиларни ўз ичига олади.

Банк ва давлат ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш учун банклар, ФХДЁ, кадастр, солиқ инспекцияси, “ЯИДХП” ва бошқа тузилмаларнинг маълумотлар базаларини ўзаро боғлаш ҳамда мижозлар маълумотларини бир маротаба киритиш орқали кўп босқичли текширувларни автоматлаштириш ва ахборот хавфсизлиги ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилишни кучайтиришда электрон ипотека тизимларида кимликни тасдиқлаш (e-ID), икки омилли аутентификация, шифрланган маълумотлар базаси ва киберхавфсизлик протоколлари жорий этилиши шарт.

Халқаро тажрибани локализация қилиш:

- АҚШ, Сингапур, Корея каби мамлакатларда жорий этилган рақамли ипотека моделларини таҳлил қилиб, Ўзбекистон шароитига мослаштириш;

- халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда пилот лойиҳаларни амалга ошириш.

Хулоса қилиб айтганда, ипотека кредитлаш тизимини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш – бу нафақат замонавий иқтисодий ривожланишнинг талаби, балки аҳолига молиявий хизматларни тезкор, шаффоф ва самарали етказиб беришнинг





муҳим кафолатидир.

Тадқиқот давомида аниқланишича, ипотека тизимидаги мавжуд муаммолар – қоғозбозлик, ортиқча бюрократия, инсон омили таъсиридаги хатолар ва маълумотлар тарқоқлиги – рақамли ечимлар орқали бартараф этилиши мумкин. Онлайн ариза бериш, электрон хужжатлар айланмаси, автоматлаштирилган баҳолаш тизимлари, ягона рақамли платформа каби инновацион ёндашувлар ипотека жараёнларини янада самарали ва фуқаро учун қулай шаклга келтиради.

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, рақамли ипотека тизимини жорий этиш орқали фуқароларнинг уй-жой масаласига доир муаммоларини енгиллаштириш, банклар учун таваккалчиликни камайтириш ва давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга оширишда самарадорликка эришиш мумкин. Ўзбекистонда ҳам бу йўналишда қонунчилик, инфратузилма ва рақамли саводхонликни кучайтириш орқали рақамли ипотека тизимини босқичма-босқич жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ипотека бозорини ривожлантириш ва аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2023 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. “Молиявий барқарорлик ҳисоботи”, 2024 йил.
3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги. “Ипотека дастурлари бўйича шарҳ ва таҳлилий маълумотлар”. – Тошкент, 2024.
4. Абдурасулов М. Банк тизимида рақамли трансформация ва унинг аҳамияти. – Тошкент. ТМИ, 2023.
5. Раҳматов Н. Ипотека кредитлашда рақамли технологияларни жорий этишнинг иқтисодий самараси//Иқтисод ва инновациялар. – №2, 2024.
6. Каримов Ш. Digitalization in the Mortgage Lending Sector of Uzbekistan// Central Asian Review of Economics, 2024.
7. Дунё банки. Global Financial Development Report: Financial Inclusion – Washington DC, 2022.
8. IMF. Digital Financial Services and the Pandemic: Opportunities and Risks for Emerging Economies, 2021.
9. EBRD. Innovations in Mortgage Markets: Digital Transformation Across Emerging Markets. – London, 2023.





**MILLIY IQTISODIYOTGA TO‘G‘RIDAN-TO‘G‘RI XORIJIY  
INVESTITSIYALARNI JALB QILISH BILAN BOG‘LIQ MUAMMOLAR**

**Mamatkulova Nodira Makkamovna**

*menejment kafedrası dotsenti  
Toshkent arxitektura-qurilish  
universiteti*

*E-mail: [2025nodi@gmail.com](mailto:2025nodi@gmail.com)  
ORCID:0000-0003-1401-5142*

**Annotatsiya.** Maqolada milliy iqtisodiyotga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish jarayonida yuzaga keladigan asosiy muammolar tahlil qilingan. Unda investitsion muhitning barqarorligi, huquqiy asoslarning yetarli darajada takomillashmagani, infratuzilma muammolari va mahalliy korxonalar raqobatbardoshligining sustligi kabi omillar ko‘rib chiqilgan. Shuningdek, xorijiy investorlar uchun qulay sharoit yaratish, davlat siyosatini takomillashtirish hamda xalqaro tajribadan foydalanish bo‘yicha tavsiyalar beriladi.

**Kalit so‘zlar:** to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar, milliy iqtisodiyot, investitsion muhit, muammolar, islohotlar, xalqaro tajriba, davlat siyosati, huquqiy asoslar, infratuzilma, iqtisodiy o‘shish, raqobatbardoshlik.

**ВОПРОСЫ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ПРЯМЫХ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В  
НАЦИОНАЛЬНУЮ  
ЭКОНОМИКУ**

**Маматкулова Надира Маккамовна**

*доцент кафедры менеджмента  
Ташкентский архитектурно-  
строительный университет*

*E-mail: [2025nodi@gmail.com](mailto:2025nodi@gmail.com)  
ORCID:0000-0003-1401-5142*

**Аннотация.** В статье исследуются основные проблемы, связанные с привлечением прямых иностранных инвестиций в национальную экономику. Анализируются факторы, препятствующие инвестиционному процессу, такие как нестабильность инвестиционного климата, несовершенство правовой базы, слабое развитие инфраструктуры и низкая конкурентоспособность местных предприятий. Также представлены рекомендации по улучшению условий для иностранных инвесторов, совершенствованию государственной политики и использованию международного опыта.

**Ключевые слова:** прямые иностранные инвестиции, национальная экономика, инвестиционный климат, проблемы, реформы, международный опыт, государственная политика, правовая база, инфраструктура, экономический рост, конкурентоспособность.

**ISSUES OF ATTRACTING FOREIGN DIRECT INVESTMENTS INTO THE  
NATIONAL ECONOMY**

**Mamatkulova Nadira Makkamovna**

*Associate Professor of  
the Department of Management  
Tashkent university of  
architecture and civil engineering  
E-mail: [2025nodi@gmail.com](mailto:2025nodi@gmail.com)*





ORCID:0000-0003-1401-5142

**Abstract.** This article analyzes the key challenges associated with attracting foreign direct investment (FDI) into the national economy. It examines obstacles such as the instability of the investment climate, underdeveloped legal frameworks, infrastructure deficiencies, and the low competitiveness of domestic enterprises. The study also provides recommendations for creating favorable conditions for foreign investors, improving state policies, and applying international best practices.

**Keywords:** foreign direct investment, national economy, investment climate, challenges, reforms, international experience, state policy, legal framework, infrastructure, economic growth, competitiveness.

### **Kirish**

Milliy iqtisodiyotning barqaror rivojlanishi uchun to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar muhim manba hisoblanadi. Ular nafaqat kapital oqimini ta'minlaydi, balki yangi texnologiyalarni olib kirish, raqobat muhitini shakllantirish va yangi ish o'rinlari yaratishga xizmat qiladi. To'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish O'zbekiston Respublikasining iqtisodiy rivojlanishining asosiy omili hisoblansa-da, davlat tomonidan investitsiya muhitini yaxshilash bo'yicha katta sa'y-harakatlarga qaramay, mamlakatga to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar oqimiga to'sqinlik qilayotgan yoki salbiy ta'sir ko'rsatayotgan ayrim muammolar mavjud.

### **Adabiyotlar sharhi**

To'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar iqtisodiy rivojlanishning asosiy omili sifatida keng o'rganilgan. J. Dunningning Ekletik paradigmasi xorijiy investitsiyalarni jalb qilish mexanizmlarini tushuntirishda muhim nazariy asos bo'lib xizmat qiladi [3]. M. Porterning fikricha, xalqaro miqyosda raqobatbardoshlik nazariyasi ham to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar oqimini jalb qilishda muhim mezonlarni belgilaydi [4]. O'zbekiston olimlari tamonidan olib borilgan tadqiqotlarda investitsion muhitni yaxshilash, huquqiy bazani takomillashtirish va soliq imtiyozlari joriy etish to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar jalb qilishda hal qiluvchi ahamiyatga ega ekani ta'kidlangan. Shuningdek, Jahon banki va UNCTAD hisobotlarida O'zbekistonda investitsion islohotlar qator ijobiy natijalar bergani, ammo ba'zi to'siqlar va infratuzilma kamchiliklari hanuz mavjudligi qayd etilgan.

### **Tadqiqot metodologiyasi**

Ushbu maqolani tayyorlash jarayonida qiyosiy, statistik va dinamik tahlil usullari, grafik tahlil, moliyaviy ko'rsatkichlarga asoslangan diagnostika hamda tizimli adabiyotlar sharhi qo'llanildi. Tanlangan metodlar asosan empirik ma'lumotlarning sohalar bo'yicha bir tekisda taqsimlanmaganligi, o'rganilayotgan davrda moliyaviy ko'rsatkichlaridagi dinamikani aniq tahlil etish zarurati va milliy hamda xorijiy manbalarni kompleks tarzda qiyoslash ehtiyoji bilan izohlanadi. Grafik va ko'rsatkichlarga asoslangan yondashuv esa raqamli natijalarni ko'rgazmali shaklda ifodalash imkoniyatini yaratdi.

### **Tahlil va natijalar**

O'zbekistonda to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar jalb qilish borasidagi muammolarni va ularning to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarga bo'ladigan ta'sirini quyidagi yo'nalishlarda ko'rib chiqamiz:

Makroiqtisodiy muammolar. Milliy valyutaning nobarqarorligi, so'mning AQSh dollariga nisbatan kursidagi o'zgarishlar xorijiy investorlarda, ayniqsa, daromadlarni repatriatsiya qilish va valyuta konvertatsiyasi bilan bog'liq risklarni keltirib chiqarishi mumkin. 2024-yilda so'm dollarga nisbatan 4,7 foizga, 2023-yilda 9,7 foizga va 2022-yilda 3,94 foizga qadrsizlangan. So'mning sezilarli darajada qadrsizlanishining oldini olish maqsadida hukumat tomonidan






inflyasiyani pasaytirish, eksportni rag‘batlantirish va valyuta bozorida davlat ishtirokini kuchaytirish kabi yo‘nalishlarda ta’sirchan choralar ko‘rilishi zarur.

Ma’lumotlarga ko‘ra, valyuta kursining 1 foizga qadsizlanishi inflyasiyaga 0,3-0,4 foiz salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin, ya’ni so‘mning 1 foizga qadsizlanishi inflyasiyaning 0,3-0,4 foizli bandga oshishiga olib keladi. Inflyasiyaning yuqori darajada bo‘lishi, uni pasaytirishga qaratilgan sa’y-harakatlarga qaramasdan, investitsiyalashga va investitsiya loyihalarining rentabelligiga salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin. O‘zbekistonning tashqi qarzi nisbatan nazorat qilinadigan darajada bo‘lsa-da, uning yanada o‘sishi investorlarda xavotir uyg‘otishi mumkin. 2020-2024-yillar mobaynida O‘zbekistonning umumiy tashqi qarzi qariyb 1,9 barobarga oshgan va 64,1 mlrd AQSH dollariga yetgan. Umumiy tashqi qarzni YAIM hajmidagi ulushi esa 4,8 foizli bandga o‘tib, 55,7 foizga teng bo‘lgan (1-diagramma).

1-diagramma.

**O‘zbekistonning umumiy tashqi qarzi va uning yalpi ichki mahsulot hajmidagi ulushi\***



\*O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining tegishli yillardagi ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tuzilgan.

1. Huquqiy va tartibga soluvchi masalalar bilan bog‘liq muammolar. Jahon banki ekspertlari Stephen Knack va Philip Keefer fikricha, “Qonun ustuvorligi va mulk huquqi to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar oqimiga ta’sir ko‘rsatishda hal qiluvchi omil bo‘lib, investitsion muhitni shakllantirishda muhim ahamiyat kasb etadi”[5]. Hozirgi kunda investorlar huquqlarining yetarlicha yoki lozim darajada himoya qilinmasligi dolzarb muammodir. Qabul qilingan ko‘plab qonun hujjatlariga qaramasdan, mulk huquqlarini himoya qilish, shartnomalarning bajarilishini ta’minlash va nizolarni hal etish borasida qonunchilikni amaliyotda qo‘llash samaradorligi yetarli darajada emas. Byurokratik jarayonlar, qog‘ozbozlik va korrupsiya hanuzgacha xorijiy investorlar uchun jiddiy to‘siqligicha qolmoqda va bu investitsiya loyihalarini amalga oshirish muddatlari uzayishiga va xarajatlar oshishiga olib keladi. Investitsion faoliyatni tartibga soluvchi huquqiy-normativ hujjatlar va qoida-tartiblarning yetarlicha shaffof emasligi investorlar uchun noaniqlik va risklarni keltirib chiqaradi. “Jahon Bankining “Worldwide Govyernanse Indisators”ning investorlar uchun eng muhim bo‘lgan





ko'rsatkich – qonun ustuvorligi indeksi 5 yil ichida yaxshilanish kuzatilgan bo'lishidan qat'i nazar, hamon 78,3 foiz mamlakatlarga qaraganda qonun ustuvorligi past hisoblanadi" [6].

Xorijiy investorlar uchun yerga mulkdorlik huquqiga bo'lgan cheklovlar qishloq xo'jaligi va ko'chmas mulk kabi ayrim iqtisodiy sohalarida investitsiyalarning o'sishini to'sishi mumkin. Iqtisodiy rivojlanishda muhim tarmoq hisoblangan qishloq xo'jaligiga jalb qilingan to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar hajmida sezilarli o'zgarishlar kuzatilmagan. Bu esa agrar sohada hanuzgacha qulay investitsiya muhitining yaratilmaganligini, xususan raqobat muhiti, xususiy mulk daxlsizligi va yerlardan foydalanish tartibi, moliya bozorlari, ishlab chiqarish infratuzilmasida tizimli muammolarning mavjudligidan dalolat beradi. Shu munosabat bilan to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investorlarga yer uchastkalarini ajratishning shaffof va bozor tamoyillariga asoslangan tartibini yanada takomillashtirish, qishloq xo'jaligi sohasiga to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarni keng jalb qilish orqali paxta va g'alladan qisqartirilayotgan yer maydonlarida yuqori qo'shilgan qiymatga ega va eksportbop qishloq xo'jaligi ekinlari yetishtirishni ko'paytirish, oziq-ovqat xavfsizligi va narxlar barqarorligini ta'minlash bo'yicha islohotlarni izchil davom ettirish maqsadida salohiyatli xorijiy investorlarga yuqori qo'shilgan qiymatga ega bo'lgan va eksportbop qishloq xo'jaligi ekinlari yetishtirishni ko'paytirish maqsadida yer uchastkasidan qirq to'qqiz yil ijara huquqi asosida foydalanish, keyinchalik ijara muddatini qonunchilikka muvofiq uzaytirish maqsadga muvofiqdir.

Bu esa yer uchastkalarini ajratishning bozor tamoyillariga asoslangan tartibini yanada takomillashtirish, qishloq xo'jaligiga to'g'ridan-to'g'ri xususiy xorijiy investitsiyalarni keng ko'lamda jalb qilish orqali paxta va g'alladan qisqartirilayotgan yer maydonlarida yuqori qo'shilgan qiymatga ega va eksportbop qishloq xo'jaligi ekinlari yetishtirishni ko'paytirish, oziq-ovqat xavfsizligi va narxlar barqarorligini ta'minlashga xizmat qiladi.

2. Institusional muammolar. Sud tizimining zaifligi, uning ijro hokimiyatiga bo'lgan bog'liqligi va sudyalarning malakasini oshirish zarurligi xorijiy investorlar ishtirokidagi nizolarni adolatli va xolis hal etishga to'siq bo'lishi mumkin. Davlat boshqaruvining yetarli darajada samarali emasligi, malakali kadrlar yetishmovchiligi va davlat idoralar o'rtasidagi hamkorlikning sustligi investitsiya loyihalarini amalga oshirish sur'atini sekinlashtiradi yoki pasaytiradi. Iqtisodiyotning ayrim sohalarida raqobatning cheklanganligi va monopoliyalarning mavjudligi O'zbekistonning to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investorlar uchun jozibadorligini pasaytiradi.

3. Infratuzilma bilan bog'liq muammolar. Transport, energetika va telekommunikatsiya infratuzilmasining yetarlicha rivojlanmaganligi to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investorlar xarajatlarining oshishiga va ularning moliyaviy imkoniyatlarining cheklanishiga olib kelishi mumkin. Yerdan foydalanish uchun ruxsatnomalar olishdagi qiyinchiliklar va elektr energiyasi, gaz hamda suv kabi resurslardan foydalanish bilan bog'liq muammolar investitsiya loyihalarini amalga oshirish muddatlarini kechiktirishi mumkin.

4. Inson kapitali va mehnat resurslari bilan bog'liq muammolar. Malakali va tajribali kadrlarning yetishmasligi, ayniqsa axborot texnologiyalari, moliya va menejment sohalarida zarur ko'nikma va ish tajribasiga ega malakali kadrlarning yetishmasligi xorijiy investorlar imkoniyatlarini cheklashi mumkin. Mehnat unumdorligining past darajada bo'lishi, ya'ni O'zbekistonda mehnat unumdorligining mintaqadagi boshqa davlatlarga nisbatan past darajada bo'lishi mamlakatning raqobatbardoshligini pasaytiradi.

5. Boshqa muammolar. Xorijiy investorlar orasida O'zbekiston haqidagi ma'lumotlarning cheklanganligi va mamlakatning investitsiya imkoniyatlarini targ'ib qilish bo'yicha samarali marketing strategiyalarining yetishmasligi to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar oqimiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Istiqbolda qo'shni davlatlardagi beqarorlik va xavfsizlikka tahdid soluvchi geosiyosiy risklar xorijiy investorlarni mamlakatdan o'zini olib qochishiga sabab bo'lishi mumkin.


Yuqorida tadqiq qilingan muammolarni quyidagicha tasniflash mumkin (2-chizma).





2-chizma.

**O‘zbekiston iqtisodiyotiga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish mexanizmi bilan bog‘liq muammolar\***



\*Tadqiqot natijalari asosida muallif tomonidan ishlab chiqilgan.

**Xulosa**

O‘zbekiston iqtisodiyotiga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilishda quyidagi muammolarga asosiy e‘tiborni qaratish maqsadga muvofiq:

- birinchidan, huquqiy himoyaning noto‘liqligi va ba‘zi hollarda huquqlarning samarasiz himoyasi investorlarda xavotir uyg‘otadi, sud tizimidagi kechikishlar va korrupsiya muammolari ham kuchli salbiy ta‘irga ega, ish yuritish uchun kerakli ruxsatnomalar olishdagi ma‘muriy murakkabliklar, byurokratik tartib-taomillar investorlar uchun qiyinchilik tug‘diradi;
- ikkinchidan, sust rivojlangan transport, energetika va kommunikatsiya infratuzilmasi, yo‘llar, temir yo‘llar va aeroportlarning cheklangan imkoniyatlari tashqi sarmoyalar oqimini kamaytiradi;
- uchinchidan, moliyaviy bozorlar yetarli darajada rivojlanmaganligi sababli qarz olish imkoniyatlari cheklanadi va kredit foizlari yuqori bo‘ladi, valyuta erkinligi va konvertatsiyada cheklovlar mavjudligi ham asosiy muammolardandir;
- to‘rtinchidan, siyosiy va iqtisodiy barqarorlik, ya‘ni yaxshi darajada bo‘lsa-da, ba‘zi mintaqalarda siyosiy noaniqlik va xavfsizlik muammolari borligi tufayli sarmoyadorlar investitsiyalashga ehtiyotlik bilan yondashmoqda;
- beshinchidan, ishchi kuchining malakasi va mehnat bozori, ya‘ni malaka va kasbiy tayyorgarlik darajasi ko‘pincha investitsiya talablariga javob bermaydi. Bu ishlab chiqarish unumdorligini pasaytiradi;
- oltinchidan, soliq tizimidagi noaniqliklar va o‘zgarishlar investorlar uchun noaniqlik tug‘diradi. Investitsiya uchun qulay yengilliklar va rag‘batlarning yetarli darajada bo‘lmasligi bevosita xorijiy investitsiyalar kirib kelishiga salbiy ta‘sir qiladi;
- yettinchidan, xorijiy sarmoyadorlar uchun kommunikatsiya bo‘yicha qiyinchiliklar ham salbiy ta‘sir doirasiga ega;
- sakkizinchidan, qo‘shni davlatlar bilan raqobatdagi kamchiliklar (masalan, Qozog‘iston, Qirg‘iziston va boshqalarga nisbatan investitsiyalarni jalb qilishdagi farqlar).





Yuqorida qayd etilgan muammolarni bartaraf etish va O‘zbekistonning xorijiy investorlar uchun jozibadorligini yanada yaxshilash uchun quyidagi chora-tadbirlarni amalga oshirish zarur: investitsiya muhitini yaxshilash bo‘yicha islohotlarni izchil davom ettirish (qonunchilikni yanada takomillashtirish, byurokratiya va korrupsiyani kamaytirish, investorlar huquqlari himoya qilinishini kuchaytirish); infratuzilmani rivojlantirishga (transport, energetika va telekommunikatsiya) bevosita xorijiy investitsiyalarni jalb qilish; inson kapitalini rivojlantirish (ta‘lim va kadrlar malakasini oshirishga investitsiyalarni yo‘naltirish); iqtisodiyotni diversifikatsiya qilish (axborot texnologiyalari, turizm va qayta tiklanuvchi energiya manbalari kabi yangi iqtisodiy tarmoqlarni rivojlantirish); mamlakatning xalqaro maydondagi imidjini yanada yaxshilash (O‘zbekistonning investitsiyaviy imkoniyatlarini targ‘ib qilish va xalqaro maydonda uning ijobiy imidjini shakllantirish bo‘yicha samarali marketing kampaniyalarini olib borish). Yuqorida keltirilgan muammolarning ijobiy hal etilishi O‘zbekistonga yanada ko‘proq miqdorda to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilinishiga imkon beradi, bu esa iqtisodiy o‘sishga, yangi ish o‘rinlari yaratilishiga va aholi turmush darajasining oshishiga xizmat qiladi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. O‘zbekiston Respublikasining 2019-yil 25-dekabrda O‘RQ-598-sonli “Investitsiyalar va investitsiya faoliyati to‘g‘risida”gi Qonuni.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-dekabrda PQ-459-son “O‘zbekiston Respublikasining 2023-2025-yillarga mo‘ljallangan investitsiya dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” qarori.
3. John H. Dunning. The Eclectic Paradigm of International Production: A Restatement and Some Possible Extensions//Journal of International Business Studies.Vol. 19, No. 1 (Spring, 1988), pp. 1-31 (31 pages)
4. Porter, Michael E. Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors. New York: Free Press, 1998. View Details.
5. Knack, S., & Keefer, P. (1995). Institutions and economic performance: Cross-country tests using alternative institutional measures. *Economics & Politics*, 7(3). - P. 207-227.
6. Daniel Kaufmann and Aart Kraay (2023). *Worldwide Governance Indicators, 2023 Update* (www.govindicators.org), Accessed on 10/19/2023. (Grey Simple Modern Monthly Report A4 Document).
7. Mustafakulov Sh.I. Investitsion muhit jozibadorligi: nazariya, metodologiya va amaliyot. Monografiya. – T.: Ma’naviyat, 2017. – 328 b.





## ASOSIY KAPITALGA INVESTITSIYALARNI MOLIYALASHTIRISHNING AMALDAGI HOLATI TAHLILI

**Yusupov Askar Abdusalim o'g'li**

*Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti,  
mustaqil izlanuvchisi*

**Annotatsiya.** Maqolada O'zbekiston iqtisodiyotida asosiy kapitalga investitsiyalarni moliyalashtirishning amaldagi holati tahlil qilinadi. Tadqiqotda investitsiyalarning manbalari, ularning tarkibiy tuzilmasi, davlat byudjeti, xorijiy investitsiyalar va xususiy sektor mablag'lari hisobiga moliyalashtirish jarayonlari o'rganilgan. So'nggi yillarda iqtisodiyotning turli tarmoqlarida investitsion faollikning oshishi, infratuzilma loyihalarining kengayishi hamda innovatsion ishlab chiqarishlarning rivojlanishi kuzatilmoqda. Shu bilan birga, ayrim sohalarda investitsiyalarni jalb etish samaradorligi pastligi, moliyaviy resurslarning yetishmasligi va ularning maqsadli taqsimlanishida muammolar mavjudligi aniqlangan.

**Kalit so'zlar:** asosiy kapital, investitsiya, moliyalashtirish manbalari, investitsion faoliyat, davlat byudjeti, xorijiy investitsiyalar, tahlil, iqtisodiy o'sish.

## АНАЛИЗ ТЕКУЩЕГО СОСТОЯНИЯ ФИНАНСИРОВАНИЯ ИНВЕСТИЦИЙ В ОСНОВНОЙ КАПИТАЛ

**Юсупов Аскар Абдусалим угли**

*Ташкентский государственный  
экономический университет,  
независимый исследователь*

**Аннотация.** В статье анализируется текущее состояние финансирования инвестиций в основной капитал в экономике Узбекистана. В исследовании рассматриваются источники инвестиций, их структурный состав, процессы финансирования за счёт государственного бюджета, иностранных инвестиций и средств частного сектора. В последние годы наблюдается рост инвестиционной активности в различных отраслях экономики, расширение инфраструктурных проектов и развитие инновационного производства. Вместе с тем выявлены проблемы, связанные с низкой эффективностью привлечения инвестиций в отдельных секторах, нехваткой финансовых ресурсов и недостаточной целевой направленностью их распределения.

**Ключевые слова:** основной капитал, инвестиции, источники финансирования, инвестиционная деятельность, государственный бюджет, иностранные инвестиции, анализ, экономический рост.

## ANALYSIS OF THE CURRENT STATE OF FINANCING INVESTMENTS IN FIXED CAPITAL

**Askar Abdusalimovich Yusupov**

*Tashkent State University of Economics,  
Independent Researcher*

**Abstract.** The article analyzes the current state of financing investments in fixed capital in the economy of Uzbekistan. The study examines the sources of investment, their structural composition, and the processes of financing through the state budget, foreign investments, and private sector funds. In recent years, there has been an increase in investment activity across various sectors of the economy, the expansion of infrastructure projects, and the development of innovative industries. However, problems such as low investment efficiency in certain sectors, insufficient financial resources, and issues in the targeted allocation of funds have been





identified.

**Keywords:** fixed capital, investment, financing sources, investment activity, state budget, foreign investment, analysis, economic growth.

**Kirish.** Bozor iqtisodiyoti sharoitida asosiy kapitalga investitsiyalar mamlakatning iqtisodiy o‘sishi, ishlab chiqarish quvvatlarini modernizatsiya qilish va yangi texnologiyalarni joriy etishning muhim omillaridan biri hisoblanadi. Asosiy kapitalga yo‘naltirilgan sarmoyalar infratuzilma rivoji, yangi ish o‘rinlari yaratish hamda milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini ta‘minlashda beqiyos ahamiyatga ega. Shu sababli, investitsiyalarni moliyalashtirishning hozirgi holatini tahlil qilish iqtisodiy siyosatning samaradorligini baholashda muhim o‘rin tutadi.

O‘zbekiston iqtisodiyotida so‘nggi yillarda investitsion faollikning ortgani, davlat byudjeti va xorijiy sarmoyalar hisobiga yirik loyihalarning amalga oshirilayotgani kuzatilmoqda. Shu bilan birga, ayrim tarmoqlarda investitsiya resurslari yetarli darajada jalb etilmayotgani, xususiy sektorning ulushi pastligi va moliyalashtirish manbalarining diversifikatsiyasi sust kechayotgani muammolar sifatida namoyon bo‘lmoqda.

**Tahlil va natijalar.** Asosiy kapitalga investitsiyalarni moliyalashtirish har qanday mamlakat iqtisodiyotining barqaror rivojlanishida muhim o‘rin tutadi. Asosiy kapital – bu ishlab chiqarish jarayonida uzoq muddat foydalaniladigan, mahsulot yaratishda bevosita ishtirok etuvchi vositalar majmuasidir. Unga binolar, inshootlar, mashina va uskunalar, transport vositalari hamda boshqa ishlab chiqarish vositalari kiradi. Ushbu kapitalni shakllantirish va yangilash uchun zarur bo‘lgan moliyaviy resurslarni to‘g‘ri tashkil etish iqtisodiy siyosatning ustuvor yo‘nalishlaridan biridir.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida asosiy kapitalga investitsiyalarni moliyalashtirish manbalari xilma-xildir davlat byudjeti mablag‘lari, korxonalarining o‘z mablag‘lari, tijorat banklari kreditlari, chet el investitsiyalari hamda xalqaro moliya institutlari kreditlari shular jumlasidandir. Ushbu jarayonning samarali yo‘lga qo‘yilishi ishlab chiqarish quvvatlarini kengaytirish, yangi texnologiyalarni joriy etish va mamlakatning raqobatbardoshligini oshirishga xizmat qiladi. Shu sababli, asosiy kapitalga investitsiyalarni moliyalashtirish masalasini tahlil qilish iqtisodiy rivojlanishning dolzarb vazifalaridan biri hisoblanadi.

**1-jadval**

**Moliyalashtirish manbalari bo‘yicha asosiy kapitalga investitsiyalar hajmi va o‘shir sur‘ati (2024 yilning yanvar-dekabr oylari uchun)[9]**

| Ko‘rsatkichlar  | Hajmi           | Foizda  | Ko‘rsatkichlar                                       | Hajmi           | Foizda  |
|---|-----------------|---------|--|-----------------|---------|
| Jami asosiy kapitalga investitsiyalar hisobidan                                 | 493,7 trln so‘m | 127,6 % | To‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar hisobidan | 150,5 trln so‘m | 152,0 % |
| Kafolatlanmagan va boshqa xorijiy investitsiya va kreditlar hisobidan           | 159,6 trln so‘m | 166,2 % | Korxonalar mablag‘i hisobidan                        | 87,0 trln so‘m  | 96,3 %  |
| Tijorat banklari kreditlari va boshqa qarz mablag‘lari hisobidan                | 12,7 trln so‘m  | 86,5 %  | Aholi mablag‘lari hisobidan                          | 32,0 trln so‘m  | 98,7 %  |
| O‘z.R. kafolati ostida xorijiy kreditlar hisobidan                              | 23,6 trln so‘m  | 97,4 %  | Respublika byudjeti hisobidan                        | 22,8 trln so‘m  | 90,3 %  |
| Suv ta‘minoti va kanalizatsiya tizimlarini rivojlantirish jamg‘armasi hisobidan | 1,9 trln so‘m   | 79,9 %  | Tiklanish va taraqqiyot jamg‘armasi hisobidan        | 3,6 trln so‘m   | 157,1 % |

2024-yilda O‘zbekiston iqtisodiyotida asosiy kapitalga investitsiyalar hajmi sezilarli






darajada oshib, 493,7 trln so‘mni tashkil etdi (o‘shish – 127,6 %). Bu mamlakatda investitsion faollik va iqtisodiy o‘shish sur‘atlarining yuqoriligini ko‘rsatadi. Asosiy o‘shish xorijiy investitsiyalar hisobidan ta‘minlandi — ayniqsa, to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy sarmoyalar (152,0 %) va kafolatlanmagan xorijiy kreditlar (166,2 %) eng faol manbalar bo‘ldi. Bu O‘zbekistonga bo‘lgan xalqaro ishonchning ortganidan dalolat beradi. Biroq ichki manbalar korxonalar mablag‘lari, tijorat banklari kreditlari va byudjet mablag‘lari bo‘yicha o‘shish sur‘atlari past bo‘lib, bu ichki moliyalashtirish imkoniyatlarini kengaytirish zarurligini ko‘rsatadi. Tiklanish va taraqqiyot jang‘armasi hisobidan sarmoyalar keskin oshgani (157,1 %) davlat tomonidan yirik strategik loyihalarga e‘tibor kuchayganini bildiradi.

2024 yilning yanvar-dekabr oylarida O‘zbekiston Respublikasida iqtisodiy va ijtimoiy sohalarini rivojlantirish uchun jami moliyalashtirish manbalari hisobidan 493,7 trln so‘m o‘zlashtirilgan bo‘lib, 2023 yilga nisbatan 127,6 % ni tashkil etdi.

Umuman olganda, 2024-yilda O‘zbekiston iqtisodiyotining investitsion jozibadorligi oshgan, xorijiy sarmoyalar oqimi kuchaygan, biroq ichki moliyaviy resurslar faolligini oshirish hali ham dolzarb vazifa bo‘lib qolmoqda.

So‘nggi yillarda O‘zbekiston iqtisodiyotida investitsion siyosatni takomillashtirish, iqtisodiyot tarmoqlarini modernizatsiya qilish hamda yangi ishlab chiqarish quvvatlarini yaratish yo‘nalishida keng ko‘lamli islohotlar amalga oshirilmoqda. Asosiy kapitalga kiritilayotgan investitsiyalar mamlakatning iqtisodiy o‘shishini ta‘minlovchi muhim omillardan biri hisoblanadi. Shu nuqtai nazardan, 2020–2024-yillar davomida asosiy kapitalga investitsiyalar hajmi va ularning o‘shish sur‘atlari dinamikasini tahlil qilish iqtisodiyotdagi investitsion faollik darajasini baholash uchun muhim ahamiyatga ega.

So‘nggi besh yildagi asosiy kapitalga investitsiyalar hajmi dinamikasi shuni ko‘rsatmoqdaki, u deyarli 2,3 martaga ko‘payib, o‘shish tendensiyasiga ega bo‘lmoqda. So‘nggi besh yil ichida o‘shish sur‘atlarini ko‘radigan bo‘lsak, ular o‘shish borish tendensiyasiga ega: 2021–2022 yillarda 102,9–100,2 % o‘shish kuzatilgan bo‘lsa, so‘nggi ikki yilda yuqori o‘shish sur‘atlari – 123,4 va 127,6 % kuzatilmoqda.



**2-rasm. Asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalarning hajmi dinamikasi, trln so‘m va foizda[9]**

Rasm ma‘lumotlariga ko‘ra, 2020–2024-yillar oralig‘ida asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar hajmi doimiy o‘shish tendensiyasini namoyon qilgan. 2020-yilda investitsiyalar hajmi 210,2 trln so‘mni tashkil etgan bo‘lsa, 2024-yilga kelib bu ko‘rsatkich 493,7 trln so‘mga yetgan. Bu davr mobaynida hajm 2,3 baravar oshganini anglatadi. O‘shish sur‘atlari esa 2020–2022-yillarda nisbatan past (95,6–100,2 %) bo‘lgan, ammo 2023–2024-yillarda keskin oshib,






mos ravishda 123,4 % va 127,6 %ni tashkil etgan.

Bu esa aynan so‘nggi yillarda investitsion faollik sezilarli darajada kuchayganini ko‘rsatadi. O‘shisha, bir tomondan, xorijiy investitsiyalar oqimining ortishi, strategik infratuzilma loyihalariga e‘tibor kuchayishi, ikkinchi tomondan, investitsiya muhiti yaxshilanishi sabab bo‘lgan.

2020–2024-yillar davomida O‘zbekiston iqtisodiyotida asosiy kapitalga investitsiyalar hajmi barqaror o‘shish sur‘atlarini namoyish etdi. 2024-yil natijalari shuni ko‘rsatadiki, mamlakatda investitsion jozibadorlik ortib, iqtisodiy islohotlar real sektorni rivojlantirishga ijobiy ta‘sir ko‘rsatmoqda. Eng yuqori o‘shish 2023–2024-yillarda qayd etilib, bu davrda yirik ishlab chiqarish va infratuzilma loyihalarining faollashgani kuzatilgan. Umuman olganda, asosiy kapitalga investitsiyalar hajmining bunday o‘shishi mamlakatda iqtisodiy barqarorlik, investitsion muhitning yaxshilanishi hamda xorijiy sarmoyadorlar ishonchi ortganini anglatadi.

Oxirgi 5 yilga nazar tashlasak, markazlashgan moliyalashtirish manbalari hisobidan o‘zlashtirilayotgan asosiy kapitalga investitsiyalarning ulushi kamayib borayotganini ko‘rish mumkin. 2024 yil O‘zbekiston Respublikasi kafolati ostidagi xorijiy kreditlar hisobidan 23,6 trln so‘m investitsiyalar o‘zlashtirilib, 2023 yilga nisbatan 97,4 foizini tashkil etdi. Ularning jami hajmidagi ulushi 4,8 foiz darajasida qayd etildi.



### 3-rasm. Markazlashgan va markazlashmagan moliyalashtirish manbalari hisobidan asosiy kapitalga investitsiyalarning ulushlari dinamikasi, foizda [9]

Markazlashmagan moliyalashtirish manbalari hisobidan o‘zlashtirilgan investitsiyalarning ulushi oxirgi 5 yilda o‘shib borish tendensiyasiga ega bo‘lib, 2020 yildagi 80,1 foiz ulushdan 2024 yilga kelib 89,5 foizga yetdi. 2024 yilning korxonalar va tashkilotlarning o‘z mablag‘lari hisobidan moliyalashtirilgan asosiy kapitalga investitsiyalar – 87,0 trln so‘m yoki jami investitsiyalarning 17,6 foizini tashkil etadi.

**Xulosa.** Yurtimizda asosiy kapitalga investitsiyalarni moliyalashtirish iqtisodiyotning barqaror o‘shishini ta‘minlashda muhim omil bo‘lib xizmat qilmoqda. O‘zbekiston so‘nggi yillarda investitsion muhitni yaxshilash, xorijiy sarmoyadorlar uchun qulay sharoit yaratish va davlat-xususiy sheriklik mexanizmlarini rivojlantirish yo‘lida sezilarli natijalarga erishdi. Shu bilan birga, ayrim tarmoqlarda moliyaviy resurslardan foydalanish samaradorligi yetarli darajada emasligi, investitsiya loyihalarining iqtisodiy qaytimi pastligi va xususiy sektor faolligining sustligi kabi muammolar saqlanib qolmoqda.

Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatadiki, asosiy kapitalga investitsiyalarni moliyalashtirishda manbalarni diversifikatsiya qilish, tijorat banklari va investitsion fondlar faoliyatini kengaytirish, shuningdek, xorijiy sarmoyalarni jalb etishda yangi moliyaviy instrumentlardan foydalanish





zarur. Davlat tomonidan investitsion siyosatning izchil amalga oshirilishi, shaffof va raqobatbardosh iqtisodiy muhit yaratilishi investitsiya oqimlarini ko‘paytirishga xizmat qiladi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. O‘zbekiston Respublikasining 2019-yil 25-dekabrda “Investitsiya va investitsiya faoliyati to‘g‘risida”gi O‘RQ-598-son Qonuni.
2. Mustafaqulov Sh.I. O‘zbekistonda investitsion muhit jozibadorligini oshirishning ilmiy-uslubiy asoslarini takomillashtirish. i.f.d. diss. avtoref. – Toshkent, 2017. – 30 b.
3. Hoshimov J. Milliy iqtisodiyotga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilishni rivojlantirish yo‘nalishlari i.f.f.d (PhD) diss. avtoref. – Toshkent, 2022. – 54 b.
  - a. Rajabov N. Investitsion muhit jozibadorligini baholashning ilmiy-uslubiy jihatlari. "Iqtisodiyot va innovasion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2020 yil.
4. Imomov X.X. Investitsion muhitni yaxshilash va uni jozibadorligini oshirishni moliyaviy asoslari. Iqt. fan. nom. ilm. dar. ol. uch. taq. et. diss. Avtoref. – T.: "TDIU", 2011. – B. 8.
5. Tuxliev B.K. Investitsiyalarni moliyalashtirish mexanizmlarini takomillashtirish. Iqtisodiyot fanlari doktori (DSc) dissertatsiyasi avtoreferati. – T.: "TDIU", 2017. – B. 19.
6. Boskin M., Lau L. Generalized Solow-Neutral Technical Progress and Postwar Economic Growth // NBER Working Paper. № W8023. 2000.
7. Mensch G. Stalemate in Technology: Innovations Overcome the Depression. - Cambridge, 2001.
8. Schinasi, G.J., 2004. Defining Financial Stability (SSRN Scholarly Paper No. ID 879012).
9. O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasining malumotlari.





## ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ

Нурдуллаев Алишер Ниятилла ўғли

*Тошкент давлат  
иқтисодиёт университети,  
мустақил изланувчиси  
E-mail: [nurdullaev.alisher@mail.ru](mailto:nurdullaev.alisher@mail.ru)  
ORCID: 0008-1254-1801-2561*

**Аннотация.** Мазкур мақолада тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг замонавий ҳолати ва унинг миллий иқтисодий ривожланишга таъсири таҳлил қилинган. Глобал иқтисодиётнинг интеграциялашуви ва рақобатбардошлик муҳитида мамлакатлар хорижий капитални жалб қилиш орқали иқтисодий ўсишни жадаллаштиришга уринмоқда. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар нафақат молиявий ресурс киритади, балки замонавий технологиялар, илғор бошқарув тажрибаси ва инновацион билимлар трансферини ҳам таъминлайди. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш жараёнида қонунчилик базаси, институционал механизмлар, инвестиция муҳити ва солиқ имтиёзлари орқали қулайликлар яратишнинг аҳамияти ёритилган. Шу билан бирга, ТТХИ орқали саноат, энергетика, хизматлар ва транспорт соҳаларида корхоналарни модернизация қилиш, янги иш ўринлари яратиш ва экспорт салоҳиятини ошириш масалалари таҳлил қилинган. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг замонавий ҳолати иқтисодий ўсишни таъминлашда ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

**Калит сўзлар:** тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, хорижий капитал, инвестиция муҳити, инвестиция сиёсати, иқтисодий ривожланиш, молиявий ресурс, замонавий технологиялар, илғор бошқарув, инновациялар.

## СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ПРЯМЫХ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ

Нурдуллаев Алишер Ниятилла ўғли

*Ташкентский государственный  
экономический университет,  
независимый исследователь  
E-mail: [nurdullaev.alisher@mail.ru](mailto:nurdullaev.alisher@mail.ru)  
ORCID: 0008-1254-1801-2561*

**Аннотация.** В данной статье проанализировано современное состояние привлечения прямых иностранных инвестиций и их влияние на национальное экономическое развитие. В условиях интеграции глобальной экономики и конкурентной среды страны стремятся ускорить экономический рост за счет привлечения иностранного капитала. Прямые иностранные инвестиции не только обеспечивают финансовые ресурсы, но и способствуют трансферу современных технологий, передового управленческого опыта и инновационных знаний. Подчеркнута роль создания благоприятных условий через законодательную базу, институциональные механизмы, инвестиционный климат и налоговые льготы в процессе привлечения прямых иностранных инвестиций. Также рассмотрены вопросы модернизации предприятий в промышленности, энергетике, сфере услуг и транспорте, создание новых рабочих мест и повышение экспортного потенциала посредством ПИИ. Современное состояние привлечения прямых иностранных инвестиций имеет решающее значение для обеспечения экономического роста и повышения конкурентоспособности национальной экономики.

**Ключевые слова:** прямые иностранные инвестиции, иностранный капитал,





инвестиционный климат, инвестиционная политика, экономическое развитие, финансовые ресурсы, современные технологии, передовое управление, инновации.

## THE MODERN STATE OF ATTRACTING FOREIGN DIRECT INVESTMENTS

**Nurdullaev Alisher Niyatilla ugli**

*Tashkent State  
University of Economics,  
independent researcher  
E-mail: [nurdullaev.alisher@mail.ru](mailto:nurdullaev.alisher@mail.ru)  
ORCID: 0008-1254-1801-2561*

**Abstract.** This article analyzes the current state of attracting foreign direct investments (FDI) and their impact on national economic development. In the context of global economic integration and competitive environments, countries strive to accelerate economic growth through the inflow of foreign capital. Foreign direct investments not only provide financial resources but also facilitate the transfer of modern technologies, advanced management practices, and innovative knowledge. The article highlights the importance of creating favorable conditions through a legislative framework, institutional mechanisms, investment climate, and tax incentives in the process of attracting FDI. Additionally, it examines issues related to modernizing enterprises in industry, energy, services, and transportation, creating new jobs, and enhancing export potential through FDI. The modern state of attracting foreign direct investments is crucial for ensuring economic growth and increasing the competitiveness of the national economy.

**Keywords:** foreign direct investments, foreign capital, investment climate, investment policy, economic development, financial resources, modern technologies, advanced management, innovations.

**Кириш.** Инвестиция фаолияти жаҳон иқтисодиётининг муваффақиятли ривожланиши учун асос бўлиб, дунёнинг турли мамлакатлари иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш истикболларини аниқлашга ёрдам беради. Хорижий инвестицияларнинг аҳамияти капиталнинг халқаро бўлинишига, шунингдек инвесторнинг ўз мамлакатига қараганда хорижда тадбиркорлик фаолиятдан кўпроқ фойда олиш усуллари излашга ундайди. Мамлакатга халқаро капитал оқимида хорижий сармояларни жалб қилиш орқали ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланади, янги инновацион ишлаб чиқаришлар пайдо бўлади, давлат бюджетига солиқлар тушади. Жаҳонда хусусий хорижий инвестициялар ҳаракатини ўзида мужассам қилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бозори амал қилади. «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар - бу трансчегаравий инвестицияларнинг шундай турики, унда бир иқтисодиётдаги резидент бошқа иқтисодиётдаги резидент корхонага инвестиция киритиши унинг бошқарувини назорат қилиши ёки унга салмоқли таъсир кўрсатиш имкониятини беради. Бунда бошқарувни назорат қилиш учун корхона нинг камида 50 фоиз овоз бериш ҳуқуқи, унга салмоқли таъсир кўрсатиш учун эса 10–50 фоиз овоз бериш ҳуқуқи талаб қилинади». Тўғридан-тўғри инвестициялар нафақат даромад олишга, балки таъсир доирасини кенгайтиришга ва келажақдаги молиявий манфаатларни таъминлашга қаратилган.

**Таҳлил ва натижалар.** БМТ Савдо ва ривожланиш ташкилоти 1999 йилдаги Жаҳон инвестиция ҳисоботида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга қуйидагича таъриф беради: «ТТХИ бу бир иқтисодиётдаги резидент бирликнинг (хорижий инвестор ёки бош корхона) бошқа иқтисодиётдаги резидент корхонага узоқ муддатли алоқа, давомли манфаат ва назоратни кўзлаб киритган инвестициясидир».

Халқаро валюта жамғармаси тўғридан-тўғри инвестицияларни қуйидагича белгилайди: бу чет эл ҳудудида фаолият юритаётган корхона фойдасида иштирок этиш





учун қилинган инвестициялар ва инвесторнинг мақсади корxonани бошқаришда бевосита иштирок этиш ҳуқуқидир. «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар уч хил шаклга эга бўлиши мумкин: гринфилд (нолдан бошланувчи) инвестициялар, трансчегаравий бирлашиш ва ўзлаштиришлар (M&Ac) ва қўшма корxonалар».

Замонавий шароитда бутун дунё бўйлаб инвестиция фаолияти нотекис ривожланган бўлиб, кўплаб омилларга боғлиқ. Ривожланган мамлакатлар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга, иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини ривожлантиришга ва жаҳон миқёсида фаол ҳамкорлик қилишга доим тайёр. Ривожланаётган мамлакатлар учун урушлар, экологик муаммолар, инқирозлар ва бошқа омиллар туфайли ривожланиш векторини аниқлаш анча қийин, бу уларнинг потенциал иқтисодий ўсишини чеклайди ва уларнинг имкониятларидан ташқарига чиқишига тўсқинлик қилади.



**1-расм. Жаҳонда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 1992-2022 йиллардаги динамикаси (млрд. АҚШ долл.)**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Савдо ва Тараққиёт Ташкилоти (ЮНСТАД) томонидан 1991 йилдан бери ҳар йили нашр этиладиган Жаҳон инвестиция ҳисоботида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўйича батафсил статистик маълумотлар ҳам мавжуд. Сўнгги 5 йил ичида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 30 баравар ошди ва 2022 йил охирига келиб у 1,29 трлн. АҚШ долларини ташкил этди. Бироқ, бу кўрсаткич 2021 йилга нисбатан 12 фоизга паст ва 2015 йилда энг юқори қийматдан 2,06 трлн. АҚШ долларига паст бўлиб, бу озиқ-овқат ва энергия нархларининг кўтарилиши, қарзларнинг ошиши, шунингдек, Россия ва Украина давлатлари ўртасидаги кескинлик ва Яқин Шарқдаги ноаниқлик натижаси сифатида кўрилади.

Халқаро даражада тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга оширишнинг асосий усуллари қуйидагилардан иборат: чет элда тўлиқ инвесторга тегишли бўлган филиал ёки компания ташкил этилиши; хорижий компанияларни сотиб олиш ёки сотиб олиш; чет эл филиаллари фаолиятини, шу жумладан корпоратив ичидаги кредитлар ва бош компания томонидан чет эл филиалига бериладиган кредитлар орқали молиялаштириш.; ердан фойдаланиш ҳуқуқларини (шу жумладан ижара), табиий ресурсларни ва бошқа мулк ҳуқуқларни сотиб олиш; муайян технологиялар, ноу-хау ва хоказолардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш; инвесторга корхона фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқини берувчи хорижий жамиятнинг устав капиталидаги улушлар ёки бирликларни сотиб олиш; инвесторнинг олган фойдасини филиал ёки қўшма корхона жойлашган мамлакатга қайта инвестиция қилиш.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг дунё бўйлаб тақсимланишига эътибор қаратадиган бўлсак, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар мамлакатларнинг иқтисодий





ва ижтимоий ривожланиши учун муҳимлиги аён бўлади.

1-жадвал

**Дунё минтақалари бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими**

| Минтақалар                        | 2020 йил                |                  | 2021 йил                |                  | 2022 йил                |                  | 2023 йил                |                  |
|-----------------------------------|-------------------------|------------------|-------------------------|------------------|-------------------------|------------------|-------------------------|------------------|
|                                   | Ҳажми (млрд. АҚШ долл.) | Ўсиш суръати (%) | Ҳажми (млрд. АҚШ долл.) | Ўсиш суръати (%) | Ҳажми (млрд. АҚШ долл.) | Ўсиш суръати (%) | Ҳажми (млрд. АҚШ долл.) | Ўсиш суръати (%) |
| Жаҳон бўйича                      | 999                     | -35              | 1478                    | 48               | 1356                    | -12              | 1352                    | -2               |
| Ривожланган мамлакатлар           | 312                     | -58              | 597                     | 91               | 426                     | -37              | 464                     | +9               |
| Европа                            | 73                      | -80              | 51                      | -30              | -106                    | -                | 16                      | -                |
| Шимолий Америка                   | 180                     | -42              | 453                     | 51               | 379                     | -26              | 361                     | -5               |
| Ривожланаётган мамлакатлар        | 663                     | -8               | 881                     | 33               | 930                     | 4                | 867                     | -7               |
| Африка                            | 40                      | -16              | 80                      | 20               | 54                      | -44              | 53                      | -3               |
| Осиё                              | 535                     | 4                | 662                     | 24               | 662                     | 0                | 621                     | -8               |
| Лотин Америкаси ва Кариб бассейни | 88                      | -44              | 138                     | 57               | 196                     | 51               | 193                     | -1               |
| Марказий Осиё                     | 6                       | -                | 7                       | +12              | 10                      | +39              | 7                       | -27              |

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ)нинг глобал оқимлари 2023 йилда 2022 йилга нисбатан 2 фоизгача пасайди ва 1,3 трлн. АҚШ долларини ташкил этди. Дунё мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш даражасига қараб гуруҳланиши жиҳатидан, ТТХИ оқими ҳажми 2023 йил якунига келиб, Шимолий Америка мамлакатларида 5 фоизга, ривожланаётган мамлакатларда 7 фоизга, Африкада 3 фоизга, Осиё мамлакатларида 8 фоизга, Лотин Америкасида ва Кариб бассейнида 1 фоизга ва Марказий Осиё давлатларида 27 фоизга пасайиши кузатилди. Ривожланган мамлакатларда эса 9 фоизга ўсиш кузатилди.

Марказий Осиё давлатларининг бир вакили сифатида Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишида ҳам тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар муҳим аҳамият касб этади.



**2-расм. 2015-2024 йилларда Ўзбекистонда ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими млрд. АҚШ долларида ЯИМга нисбати фоизда**

2015-2024 йилларда Ўзбекистонда ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ва унинг ЯИМга нисбатини фоизларда таҳлил қиладиган бўлсак,





2015 йилга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 1,04 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, ЯИМнинг 1,21 фоизини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2024 йилга келиб 3,87 млрд. АҚШ долларини, ЯИМга нисбатан 3,36 фоизни ташкил этди. Ўн йил давомида 2024 йилда 2015 йилга нисбатан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 2,83 млрд. АҚШ долларига кўпайган. Ўн йил давомида умумий ўсиш тенденцияси кузатилсада, 2018 йилда (0,62 млрд. АҚШ доллари) ва 2020 йилда (1,73 млрд. АҚШ доллари) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимида пасайиш юз берган. Бу 2020 йилдаги пандемия шароитлари билан тушунтирилади.

### **Хулоса**

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш замонавий иқтисодий муҳитда миллий иқтисодиётнинг асосий драйверларидан бири ҳисобланади. Хорижий капитал нафақат молиявий ресурс киритади, балки замонавий технологиялар трансфери, илғор бошқарув тажрибаси ва инновацион билимлар киритилишини ҳам таъминлайди. Бу эса корхоналарни модернизация қилиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

Ҳозирги глобаллашув шароитида хорижий инвестицияларни жалб қилишда қонунчилик, институционал механизмлар, солиқ ва бошқа имтиёзлар муҳим аҳамиятга эга. Ушбу чора-тадбирлар инвесторлар учун барқарор ва ишончли муҳит яратиш, капитал оқимининг узлуксизлигини таъминлайди. Шу орқали саноат, транспорт, энергетика ва хизматлар соҳаларида янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсади.

Шу билан бирга, хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг замонавий ҳолати миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда стратегик аҳамият касб этади. Ушбу жараён давлатнинг инвестиция сиёсатини изчил такомиллаштиришни талаб қилади.

Хулоса қилиб айтганда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш миллий иқтисодий тараққиётни жадаллаштирувчи муҳим инструмент бўлиб, узок муддатли истиқболда мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Чачина Е.Г. Активизация притока иностранных инвестиций в экономику региона. Автореф. дисс. на соис. уч. ст. к.э.н. – Уфа: УГАТУ, 2005. – 28 с.
2. Vaxabov A.V., Xajibakiev Sh.X., Mo‘minov N.G. Xorijiy investitsiyalar. O‘quv qo‘llanma. – T.: Moliya, 2010. – 328 b.
3. Ҳайдаров Н.Х. “Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари” мавзусидаги и.ф.д илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати Т:2003 й. 14-15 бетлар.
4. Қўзиева Н.Р. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. Иқт. фан. док. илм. дар. Олиш учунёз. дисс. автореф. – Т.: БМА, 2008, 11 бет.
5. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Монография. – Т.: Молия, 2003. – 332 б.
6. Валиев Б.Б. Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси Автореферати. – Т.: ПМТИ, 2017. – 31 б.
7. Ғозибеков Д.Ғ., Носиров Е.И. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Рисола. – Т.: Иқтисод-молия, 2007. – 110 б.





## МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ ЖОЗИБАДОРЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

**Мавлянов Зафар Саҳибович**

*Тошкент давлат иқтисодийт университети*

*мустақил изланувчиси*

*E-mail: [mavlyanov2020@gmail.ru](mailto:mavlyanov2020@gmail.ru)*

*ORCID: 0012-8596-7458-6547*

**Аннотация.** Мақолада махсус иқтисодий зоналарда (МИЗ) инвестиция муҳитининг жозибаторлигига таъсир этувчи асосий омиллар таҳлил қилинган. Инвестиция муҳити мамлакат иқтисодий ривожланиши ва инвестиция сиёсатида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг самарадорлиги кўплаб ички ва ташқи шарт-шароитлар билан боғлиқ. Солиқ ва божхона имтиёзлари, ҳуқуқий кафолатлар, ривожланган инфратузилма, маъмурий соддалик ва меҳнат ресурслари салоҳияти МИЗларда инвестиция жозибаторлигини шакллантирувчи асосий омиллар ҳисобланади. Мақолада ривожланган ва ривожланаётган давлатлар тажрибаси асосида ушбу омилларнинг инвестиция фаоллигига таъсири кўриб чиқилган. Таҳлил натижалари МИЗларнинг инвестиция муҳитини такомиллаштириш, янги иш ўринлари яратиш ва иқтисодий ўсишни таъминлашда амалий аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Шунингдек, мақолада инвестиция муҳитини баҳолаш ва уни назорат қилишнинг аҳамиятига эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** махсус иқтисодий зона, инвестиция муҳити, инвестиция жозибаторлиги, инвестиция кўрсаткичлари, солиқ имтиёзлари.

## ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТЬ ИНВЕСТИЦИОННОЙ СРЕДЫ В ОСОБЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОНАХ

**Мавлянов Зафар Саибович**

*Ташкентский государственный*

*экономический университет*

*Независимый исследователь*

*E-mail: [mavlyanov2020@gmail.ru](mailto:mavlyanov2020@gmail.ru)*

*ORCID: 0012-8596-7458-6547*

**Аннотация.** В статье проанализированы основные факторы, влияющие на привлекательность инвестиционной среды в особых экономических зонах (ОЭЗ). Инвестиционная среда имеет важное значение для экономического развития страны и инвестиционной политики, а её эффективность зависит от множества внутренних и внешних условий. Основными факторами, формирующими инвестиционную привлекательность в ОЭЗ, являются налоговые и таможенные льготы, правовые гарантии, развитая инфраструктура, административная простота и потенциал трудовых ресурсов. В статье рассмотрено влияние этих факторов на инвестиционную активность на основе опыта развитых и развивающихся стран. Результаты анализа показывают, что улучшение инвестиционной среды в ОЭЗ имеет практическое значение для создания новых рабочих мест и обеспечения экономического роста. Кроме того, в статье подчеркивается важность оценки и контроля инвестиционной среды.

**Ключевые слова:** особая экономическая зона, инвестиционная среда, инвестиционная привлекательность, инвестиционные показатели, налоговые льготы.

## FACTORS INFLUENCING THE INVESTMENT ENVIRONMENT ATTRACTIVENESS IN SPECIAL ECONOMIC ZONES

**Mavlyanov Zafar Sahibovich**





*Independent Researcher of Tashkent State  
University of Economics*

*E-mail: [mavlyanov2020@gmail.ru](mailto:mavlyanov2020@gmail.ru)*

*ORCID: 0012-8596-7458-6547*

**Abstract.** This article analyzes the key factors influencing the attractiveness of the investment environment in special economic zones (SEZs). The investment environment plays a crucial role in a country's economic development and investment policy, and its effectiveness depends on various internal and external conditions. The main factors shaping investment attractiveness in SEZs include tax and customs incentives, legal guarantees, developed infrastructure, administrative simplicity, and labor potential. The article examines the impact of these factors on investment activity based on the experiences of developed and developing countries. The analysis results indicate that improving the investment environment in SEZs has practical significance for creating new jobs and ensuring economic growth. Additionally, the article emphasizes the importance of assessing and monitoring the investment environment.

**Keywords:** special economic zone, investment environment, investment attractiveness, investment indicators, tax incentives.

### **Кириш.**

Хозирги глобал иқтисодий шароитда ҳар бир давлатнинг иқтисодий ривожланиши, шунингдек, инвестицияларни жалб қилиш қobiliяти унинг рақобатбардошлигини белгилайди. Махсус иқтисодий зоналар (МИЗ) ушбу жараёнда муҳим восита сифатида хизмат қилади, чунки улар орқали давлатлар маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратади. Инвестиция муҳитининг жозибadorлиги эса бир қатор ички ва ташқи омилларга боғлиқ бўлиб, улар қаторига иқтисодий барқарорлик, солиқ ва божхона имтиёзлари, ҳуқуқий кафолатлар, инфратузилманинг ривожланганлиги, маъмурий тартиб-таомилларнинг соддалиги ва меҳнат ресурслари салоҳияти киради. Ривожланган ва ривожланаётган давлатлар МИЗларда ушбу омилларни ҳисобга олиш орқали инвестиция оқимларини фаоллаштиришга ҳаракат қилади. Шу боис, махсус иқтисодий зоналарда инвестиция муҳитига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш ва уларнинг инвестиция жозибadorлигига таъсирини ўрганиш илмий ва амалий жиҳатдан долзарб аҳамиятга эга.


Махсус иқтисодий зоналарнинг инвестицион фаоллигини оширишда бир қанча омиллар таъсир этади. Ушбу омиллар махсус иқтисодий зоналардаги инвестицион муҳитни шакллантириш баробарида инвесторларга махсус иқтисодий зонадаги инвестицион имкониятлар, мулкӣ ва номулкӣ муносабатларнинг қонуний тартибга солиниш даражаси ва кафолатлари, инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатларининг қонун йўли билан ҳимоя қилиниши, киритилган инвестициялар қайтимининг инвестор учун манфаатли эканлиги ҳақида батафсил маълумот беради. Таъсир этувчи омилларни баҳолаш орқали махсус иқтисодий зоналардаги инвестицион муҳитни яхшилаш ва натижада инвестицион фаолликни яхшилаш ҳамда янада фаоллаштириш бўйича зарурий чора-тадбирларни белгилаш имконияти мавжуд бўлади.

**Таҳлил ва натижалар.** Махсус иқтисодий зоналарнинг инвестицион фаоллигига таъсир этувчи омилларни икки йирик гуруҳга: ташқи таъсир этувчи омиллар ва ички таъсир этувчи омилларга ажратиш мумкин. Албатта, махсус иқтисодий зона мамлакат ҳудудида ёки унга нисбатан эксклав тарздаги жойлашиб, анклав махсус иқтисодий зона бўлишига қарамасдан бевосита мазкур мамлакат ва унга чегарадош бўлган давлатлар, халқаро интеграциялар ва жаҳон иқтисодиёти субъектларининг ҳолати бевосита ташқи таъсирлар хусусиятига эга бўлиб, махсус иқтисодий зонани ташкил этган давлат томонидан ташқи таъсирларни бартараф этиш эҳтимоли кичик бўлган омилларни ташқи омиллар туркумига, мамлакатдаги иқтисодий ҳолат, ривожланиш тенденциялари ва бошқа ҳолатлар натижасида юзага келиб, бевосита махсус иқтисодий зоналар инвестицион





фаоллигига таъсир этувчи ички омиллар ҳисобланади.



**1-расм. Махсус иқтисодий зоналар инвестицион фаоллигига таъсир этувчи омиллар<sup>2</sup>**

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, махсус иқтисодий зоналардаги инвестицион фаолликка таъсир этувчи омилларни юқорида келтирилган расмга кўра таснифлаш мумкин. Махсус иқтисодий зоналарнинг инвестицион фаоллигига таъсир этувчи ташқи омилларнинг энг муҳимлари сирасига қуйидагиларни келтириш мумкин: халқаро иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳамкорлик ташкилотларига аъзолик; халқаро ташкилотлар томонидан эълон қилинадиган рейтинглар ва индекслар; жаҳонда юз бераётган иқтисодий ҳолат (иқтисодий-молиявий инқирозлар, инфляция жараёнлари, пул-кредит соҳасидаги ўзгаришлар).

Ташқи омиллар ҳақида сўз борганда, махсус иқтисодий зоналарга хорижий инвесторларни жалб этишда мамлакатнинг халқаро рейтинглардаги ўрни муҳим ўринга эга. Республикамизда халқаро майдонда етакчи ва нуфузли ташкилотлар, молия институтлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари томонидан ҳар йили эълон қилиниб бориладиган соҳалар бўйича халқаро рейтинглар ва индексларда тобора юқори поғоналарга кўтарилиш орқали мамлакатга хорижий инвесторларнинг ишончини янада мустаҳкамлаш, инвестициявий жозибадорликни янада оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4210-сон Қарори, 2020 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги ПФ-6003-сон Фармони ушбу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини ошириш учун муҳим ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилмоқда.

Жаҳон Банки гуруҳи томонидан 2020 йилда эълон қилинган “Doing Business 2020 (Comparing Business Regulation in 190 Economies 2020)” тўпламида 190 давлатнинг

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан тайёрланган.






иктисодий ривожланиш ёки унинг аксинча ҳолати таҳлил этилган. Мазкур таҳлилий тўпламда қайд этилишича, иқтисодиёт тармоқлари учун хорижий инвестициялар оқимиغا мазкур халқаро ташкилот томонидан тузиладиган ва жаҳон миқёсида кенг эълон қилинадиган “Doing Business 2020” халқаро рейтинги ривожланаётган давлатларга инвестицияларни киритишда хорижий инвесторларнинг асосий қарор қабул қилиш мезонларидан бири ҳисобланади. “Бизнесни юритиш” рейтингининг 2018 йил натижалари юзасидан нашр этилган тўпламнинг “Special economic zones (эркин иқтисодий зоналар)” бўлимида дунё миқёсида ушбу зоналарга инвестицияларни киритишда халқаро индекслар ва рейтинглар натижаларининг таъсири хорижий давлатлар ва йирик минтақаларда фаолият олиб бораётган эркин иқтисодий зоналар мисолида таҳлил этилган<sup>3</sup>.

Халқаро рейтингларнинг мамлакат иқтисодиётига таъсирини баҳолашда илмий изланишлар олиб борган Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан профессор Н.Жумаевнинг фикрича, аввало, рейтинг нима учун керак, деган табиий савол туғилади. Рейтинг турлича бўлиши мумкин, бизнес рейтинги, инвестициявий жозибадорлик рейтинги ва бошқалар. Ҳар қандай давлат рейтингларда иштирок этса ва у юқори ўринда бўлса, бу ушбу давлатнинг очиқлиги, шаффофлиги ҳамда иқтисодий салоҳиятини намоён этади. Бугунги замонавий дунёда ҳамкорлик ўрнатиш истагида бўлган давлатлар ва ташкилотлар умумэътироф этилган рейтингларга, албатта, эътибор қаратади.

Ўзбекистонда фаолият олиб борувчи “Taraqqiyot Strategiyasi” маркази Швейцариянинг “Peace Nexus” фонди ёрдамида “Қўшма Ҳаракатлар Тадқиқоти” (Participatory Action Research-PAR) лойиҳаси методологиясига асосланган ҳолда 100 дан ортиқ интервьюлар, сўровномалар ўтказди. Мазкур сўровномаларда иштирок этган мамлакатимизда фаолият олиб борувчи махсус иқтисодий зоналардаги хорижий инвесторларнинг каттагина қисми Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ва рейтинглардаги ўрнини доимий кузатиб бориши, улар томонидан қабул қилинадиган инвестиция қарорларида бу аҳамиятли эканлигини қайд этишган<sup>4</sup>.

Бу борада, АҚШлари фаолият олиб борувчи Heritage Foundation ташкилоти томонидан эълон қилинган “Иқтисодий эркинлик индекси – 2024” ҳисоботида республикамиз дунё рейтингида 103-ўринни эгаллаб, “иқтисодиёти эркин бўлмаган давлатлар” гуруҳида қолди.



**2-расм. Ўзбекистоннинг Иқтисодий эркинлик индекси халқаро рейтингидаги ўрни<sup>5</sup>**

<sup>3</sup><https://www.doingbusiness.org/content/dam/doingBusiness/media/Annual-Reports/English/DB2018-Full-Report.pdf>


<sup>4</sup> “Taraqqiyot Strategiyasi” маркази тадқиқот натижалари асосида. [www.strategy.uz](http://www.strategy.uz)

<sup>5</sup><https://telegra.ph/Iqtisodiy-erkinlik-indeksi--2022-hisobotida-mamlakatlarning-indeks-korsatkichlari-va-reytingdagi-pozitsiyalarining-ozgarganligi--02-14>





Давлатнинг иқтисодийга аралашуви даражаси. Мамлакатда “жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг юқори ставкаси 12 фоиз, корпоратив солиқнинг энг юқори ставкаси эса 15 фоизни ташкил қилади. Солиқ юки ЯИМнинг 18,8 фоизини ташкил этади. Уч йиллик давлат харажатлари ва бюджет балансининг ўртача кўрсаткичлари ЯИМнинг мос равишда 31,4 ва – 4,0 фоиз, давлат қарзи ЯИМнинг 34,9 фоизини ташкил қилади”. Мазкур йўналишда муҳим аҳамиятга эга факторлардан бири – давлат ташқи қарзлари ҳисобланади. Айнан ушбу омил нафақат махсус иқтисодий зона. Макро даражада мамлакат инвестиция муҳити жозибadorлигига ҳам ўзининг бевсоита таъсирини ўтказди.



**3-расм. Ўзбекистонда давлат қарзлари тўғрисида маълумот<sup>6</sup>**

Ўзбекистонда давлат қарзлари, хусусан, давлатнинг ташқи қарзлари 2020 йилдан бошлаб, ЯИМга нисбатан ошганлигини кўриш мумкин. Жумладан, 2017 йилда давлат ташқи қарзлари ЯИМга нисбатан деярли 11 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда мазкур кўрсаткич 30 фоиздан ортиқни ташкил этган. Албатта, кейинги даврларда давлат ташқи қарзларининг ЯИМга нисбатан пасайиш тенденциясига эга бўлишига қарамасдан реал ҳажмида ошиб бораётганлигини кузатамиз. Хусусан, 2021 йилда давлат ташқи қарзлари ҳажми 23,6 млрд АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2022 йилда ушбу кўрсаткич қарийб 10 фоизга ортиб, 25,9 млрд АҚШ долларини ташкил этган. 2023 йилда республика давлат ташқи қарзининг умумий ҳажми ЯИМга нисбатан 29,2 фоиз ёки 29,6 млрд АҚШ долларига етган. 2024 йилнинг ярим йиллигида бюджет тақчиллигини ва йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинган давлат ташқи қарзлари ҳажми 30 млрд АҚШ долларидан ортиқни ташкил этган.

Албатта, давлат ташқи қарзларининг ортиб бориши инвестиция муҳити жозибadorлигига ижобий таъсир этмаслиги аниқ. Шу сабабли ушбу кўрсаткич давлат ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш сифати ва самарadorлигини ошириб, ушбу қарз динамикасини камайитиришга хизмат қилиши долзарбдир.

Умуман олганда, жаҳондаги рейтинг ташкилотлари томонидан эълон қилиб бориладиган ҳисоботлар мамлакат инвестиция муҳити жозибadorлигини баҳолашда ва хорижий инвесторлар томонидан мамлакат иқтисодий, шу жумладан махсус иқтисодий зоналарга инвестиция киритиш учун қарорлар қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, мазкур рейтингларда Ўзбекистон ўз позицияларини

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ва молия вазирлиги маълумотлари.





яхшилаб боришини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бу орқали амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самарадорлигини янада ошириш имконияти ҳам юзага келади. Ўзбекистоннинг бошқа халқаро рейтинглардаги ўрнининг 2023 йил 2024 йилнинг 1-чорагида ўзгаришига доир маълумотлар иловадан келтирилган. Шунингдек, махсус иқтисодий зоналарнинг инвестицион фаоллигига таъсир этувчи ички омиллардан келиб чиққан ҳолда, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти билан ҳамкорликда Республиканинг барча ҳудудларидаги резидентлар (махсус иқтисодий зона иштирокчилари, ёш табиркорлик субъектлари, инвесторлар ва бошқ.) ўртасида тадбиркорлик фаолияти ва муҳити ҳамда ушбу соҳадаги долзарб муаммолар юзасидан социологик тадқиқот ўтказилди.

### **Хулоса**

Хулоса қилиб айтганда, махсус иқтисодий зоналарда инвестиция муҳити жозибadorлигини шакллантирувчи омиллар комплекс характерга эга. Солиқ ва божхона имтиёзлари, ҳуқуқий барқарорлик, инфратузилманинг ривожланганлиги, маъмурий соддалик ва меҳнат ресурслари салоҳияти каби омиллар инвесторлар ишончини оширишда асосий рол ўйнайди. Ривожланган давлатлар тажрибаси шунини кўрсатадики, инвестиция муҳитининг жозибadorлиги кенг қамровли стратегик режалаштириш, барқарор иқтисодий сиёсати ва шаффоф бошқарув тизими орқали таъминланади. Ривожланаётган давлатлар учун эса ушбу омилларни ҳисобга олиш ва уларни такомиллаштириш МИЗлар самарадорлигини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш имконини беради. Шу билан бирга, инвестиция муҳитини баҳолаш ва назорат қилиш учун кўрсаткичларни мунтазам мониторинг қилиш зарур. Натижада, махсус иқтисодий зоналар орқали иқтисодиётга жалб этилаётган инвестициялар ҳажми ошади, ишлаб чиқариш салоҳияти кенгайди ва миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши таъминланади. Ушбу таҳлил МИЗлар фаолиятини такомиллаштириш ва инвестиция муҳитини жозибador қилишда амалий аҳамиятга эга.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Dominika Jędrak, Mirosław Odziemczyk, Paweł Tynel. Polish Investment Zone. Polish Investment and Trade Agency S.A. Poland | 2019. Report/
2. Манукова Н., Ильина М. Перспективы развития свободной экономической зоны “Меридиан” в условиях новой региональной экономической архитектуры. Манба: <https://cyberleninka.ru/article/n/perspektivy-razvitiya-svobodnoy-ekonomicheskoy-zony-meridian-v-usloviyah-novoy-regionalnoy-ekonomicheskoy-arhitektury-1>
3. Miyagiwa, K. F. (2019), ‘A Reconsideration of the Welfare Economics of a Free-Trade Zone’, Journal of International Economics, 21 (3): 337–350.
4. Вахабов А.В., Хажикакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. –Т.: Молия, 2010. 180-бет.
5. Хайдаров Н, Убайдуллаева С, Маҳкамова Н. Инвестиция: муаммолар ва ечимлар. Рисола. “Akademiya” 2012. 46 б.
6. Каримқулов Ж. Эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари. 08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Тошкент – 2019. 244 б.
7. Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар молия ва кредит механизмини такомиллаштириш йўллари. Монография. Т.: 2006. 296 б.
8. Назарова Г.Г., Халилов Х.Х. ва бошқалар. Эркин иқтисодий ҳудудлар. Дарслик. Т.: ТДИУ, 2011, 23-бет.





## **БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ АФЗАЛЛИКЛАРИ**

**Маннапова Раъно Абборовна**



*иқтисодиёт фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)  
бюджет ҳисоби ва газначилик  
кафедраси доценти  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети  
E-mail: [r.mannapova@tsue.uz](mailto:r.mannapova@tsue.uz)  
ORCI: 0000-0003-4577-8847*

**Аннотация.** Мақолада бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини автоматлаштириш жараёнининг назарий ва амалий жиҳатлари кўриб чиқилган. Бухгалтерия ҳисобини юритиш жараёнида қўл меҳнати улушини камайтириш, замонавий ахборот технологияларини жорий этиш билан боғлиқ ҳужжат айланиш тезлиги ва аниқлигини ошириш масалалари тадқиқ этилмоқда. Автоматлаштиришни жорий этишда юзага келадиган дастурий таъминот харажатлари, кадрларни қайта тайёрлаш зарурати ва ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилинади. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини автоматлаштириш бўйича хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

**Таянч иборалар:** бюджет ташкилотлари, бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот, автоматлаштириш, ахборот технологиялари, электрон ҳужжат айланиши, молиявий интизом, 1С бухгалтерия ҳисоби, IPSAS стандартлари, AFMIS тизими.

## **ПРЕИМУЩЕСТВА АВТОМАТИЗАЦИИ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА И ОТЧЕТНОСТИ В БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ**

**Маннапова Рано Абборовна**

*доктор философии (PhD)  
по экономическим наукам  
доцент кафедры бюджетного  
учета и казначейства  
Ташкентский государственный  
экономический университет  
E-mail: [r.mannapova@tsue.uz](mailto:r.mannapova@tsue.uz)  
ORCID: 0000-0003-4577-8847*

**Аннотация.** В статье рассматриваются теоретические и практические аспекты процесса автоматизации бухгалтерского учета и отчетности в бюджетных организациях. Исследуются вопросы снижения доли ручного труда в процессе ведения бухгалтерского учета, повышения скорости и точности документооборота, связанные с внедрением современных информационных технологий. Анализируются проблемы, касающиеся затрат на программное обеспечение, необходимости переподготовки кадров и информационной безопасности, которые возникают при внедрении автоматизации. Сформулированы выводы и предложения по автоматизации бухгалтерского учета и отчетности в бюджетных организациях.

**Ключевые слова:** бюджетные организации, бухгалтерский учет, финансовая отчетность, автоматизация, информационные технологии, электронный документооборот, финансовая дисциплина, 1С бухгалтерский учет, стандарты IPSAS, система AFMIS.





## ADVANTAGES OF AUTOMATION OF ACCOUNTING AND REPORTING IN BUDGET ORGANIZATIONS

**Mannapova Rano Abrorovna**

*Doctor of Philosophy (PhD)  
in Economic Sciences  
Associate Professor of the  
Department of Budget Accounting  
and Treasury  
Tashkent State University of Economics  
E-mail: [r.mannapova@tsue.uz](mailto:r.mannapova@tsue.uz)  
ORCID: 0000-0003-4577-8847*

**Abstract.** The article examines theoretical and practical aspects of the process of automation of accounting and reporting in budgetary organizations. The issues of reducing the share of manual labor in the process of accounting, increasing the speed and accuracy of document flow associated with the introduction of modern information technologies are studied. The problems related to software costs, the need for retraining personnel and information security that arise when implementing automation are analyzed. Conclusions and proposals for the automation of accounting and reporting in budgetary organizations are formulated.

**Keywords:** budget organizations, accounting, financial reporting, automation, information technology, electronic document circulation, financial discipline, IS accounting, IPSAS standards, AFMIS system.

### Кириш

Бугунги кунда рақамли технологиялар ҳаётимизнинг барча соҳаларида кенг қўлланилмоқда ва иқтисодий муносабатлар самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутди. Давлат сектори, хусусан, бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини автоматлаштириш молиявий бошқарувнинг замонавий ва самарали шакли сифатида эътироф этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бюджет ташкилотлари фаолиятида маблағлар манбалари асосан давлат бюджетидан шаклланади, шу боис ҳисоб-китобларда аниқлик, харажатларни мақсадли сарфлаш ва шаффоф ҳисобот тақдим этиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Анъанавий, қўлда амалга ошириладиган ҳисоб жараёнлари кўп вақт талаб қилади ва инсон омили сабабли хатолар эҳтимоли юқори бўлади.

Автоматлаштирилган бухгалтерия тизимлари эса маълумотларни қайта ишлашда тезкорликни таъминлайди, ҳисоботларни реал вақтда шакллантиради ва ички назоратни кучайтиради. Шу билан бирга, ахборот технологияларидан фойдаланиш молиявий интизомни мустаҳкамлайди ҳамда раҳбарият учун қарор қабул қилишда зарур бўлган аниқ ва ишончли маълумотларни тақдим этади.

Ушбу мақолада бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини автоматлаштиришнинг асосий афзалликлари, амалиётдаги натижалари ва жорий этишда юзага келадиган муаммолар таҳлил этилади.

### Адабиётлар шарҳи

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини автоматлаштириш масалалари халқаро ва миллий даражада бир қатор илмий ва амалий тадқиқотларда кенг ёритилган. Масалан, IPSAS (International Public Sector Accounting Standards) [6] стандартлари бўйича халқаро тадқиқотларда давлат секторининг ҳисоб тизимини автоматлаштириш молиявий маълумотлар шаффофлигини ошириши, ҳисоботларни таққосладиган ҳолга келтириши ва қарор қабул қилиш жараёнини тезлаштириши таъкидланган (Smith J., 2020) [5].





Ўзбекистонда эса бюджет ташкилотлари фаолиятида ахборот тизимларини жорий этиш масаласи бир қатор илмий ишлар ва амалий қўлланмаларда ёритилган. Хусусан, А.А. Алимов (2019) [3] ўз тадқиқотларида автоматлаштирилган ҳисоб дастурлари (1С, AFMIS) орқали молиявий назоратни кучайтириш, харажатларни оптималлаштириш ва ҳисобот аниқлигини таъминлаш имкониятларига тўхталган.

Н.Ш. Каримова (2021) [4] ўз ишида давлат секторида ҳисоб жараёнини рақамлаштиришда юзага келадиган ходимларнинг дастурий таъминот билан ишлаш кўникмалари етарли эмаслиги, дастур лицензияси ва техник қўллаб-қувватлаш харажатлари каби асосий бўлган муаммоларни ҳам алоҳида таъкидлайди.

Шунингдек, OECD [7] ва World Bank [8] ҳисоботларида давлат бошқарувида автоматлаштирилган бухгалтерия тизимларини жорий этиш орқали молиявий интизом, харажатлар самарадорлиги ва давлат маблағларидан мақсадли фойдаланиш даражаси ошиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, автоматлаштириш бюджет ташкилотларида нафақат ҳисоб жараёнини тезлаштиради, балки бюджет маблағларини самарали бошқариш, шаффофликни таъминлаш ва коррупция хавфини камайтиришда ҳам муҳим омил сифатида намоён бўлади.

### **Тадқиқот методологияси**

Ушбу тадқиқотда бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини автоматлаштиришнинг афзалликларини ўрганиш мақсадида назарий ва амалий тадқиқот усулларида фойдаланилди.

Мавзуга оид миллий ва халқаро илмий адабиётлар, қонун ҳужжатлари, меъёрий-ҳуқуқий асослар (Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни, давлат сектори учун IPSAS стандартлари) ўрганилди, молиявий ҳисоботни автоматлаштириш бўйича илғор хорижий тажрибалар таҳлил қилинди. Анъанавий (қўлда) бухгалтерия ҳисоби ва автоматлаштирилган ҳисоб тизимлари (1С, AFMIS) фаолияти самарадорлиги қиёсланиб ўрганилди ва ҳисобот аниқлиги, тезкорлиги ва харажатлар устидан назорат имкониятлари жиҳатидан фарқлар таҳлил қилинди.

Бюджет ташкилотлари бухгалтериясида қўлланилаётган автоматлаштирилган дастурий маҳсулотлар ҳақида маълумотлар йиғилди ҳамда автоматлаштириш жорий этилган ва этилмаган ташкилотлар тажрибаси ўрганилди. Автоматлаштириш жараёнидаги асосий элементлар (ахборот тизимлари, моддий-техник база, кадрлар салоҳияти, ахборот хавфсизлиги) ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил қилинди.

Ушбу тадқиқот масалаларини ёритиш жараёнида солиштирма таҳлил, иқтисодий таҳлил индукция ва дедукция каби усуллардан фойдаланилган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини автоматлаштириш жараёни сўнгги йилларда рақамли иқтисодиёт ривожига ва давлат бошқарувини ислох қилиш дастурлари таъсирида жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. Бу жараён бир қатор иқтисодий, ташкилий ва технологик омиллар билан изоҳланади:

1. Иқтисодий самарадорлик таҳлили. Автоматлаштирилган тизимлар қўлланилганда ҳисоб жараёнлари тезлашади, ходимлар сонини қисқартириш ёки уларнинг иш ҳажмини оптималлаштириш имкони пайдо бўлади ҳамда вақт ва ресурслар тежалиши ҳисобот тайёрлаш, харажатлар сметасини шакллантириш ва мониторинг қилишда ўз аксини топади;

2. Ҳисобот аниқлиги ва ишончлилиги. Анъанавий ҳисобда инсон омили сабаб хатолар эҳтимоли юқори. Автоматлаштирилган дастурлар (1С, AFMIS, boshqa маҳаллий тизимлар) ҳисоб-китобларни автоматик тарзда амалга ошириб, хатоларни минимал даражага туширади, маълумотлар бир нечта модуллар орқали бир вақтнинг ўзиде






янгиланади, бу эса ҳисоботнинг реал вақтда аниқ бўлишини таъминлайди;

3. Ташкилий самарадорлик. Ҳужжат айланиши рақамли форматга ўтиши орқали ички назорат механизмлари кучаяди ва бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини онлайн кузатиш мумкин бўлади;

4. Ахборот хавфсизлиги ва шаффофлик. Автоматлаштирилган тизимлар маълумотларни шифрлаш ва ҳимоя қилиш имкониятларига эга, бу эса молиявий маълумотларнинг махфийлигини таъминлайди, шаффоф ҳисобот тизими коррупция ва манфаатлар тўқнашуви хавфини камайтиради.

1-чизма.

**Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини автоматлаштириш жараёни муаммолари\***



\*Муаллиф ишланмаси.

Хулоса қилиб айтганда, автоматлаштириш бюджет ташкилотларида молиявий бошқарув сифатини сезиларли даражада оширади, лекин уни самарали жорий этиш учун техник, молиявий ва кадрлар ресурсларини тўғри йўналтириш зарур.

Тадқиқот давомида амалга оширилган назарий ва амалий таҳлиллар қуйидаги асосий натижаларни кўрсатди:

- автоматлаштириш ҳисоб жараёни самарадорлигини оширади: ҳисобот тайёрлаш вақти қисқариб, маълумотларни қайта ишлаш тезлиги ортади;
- ҳисобот аниқлиги ва ишончлилиги таъминланади: инсон омили сабабли хатолар камайиб, молиявий маълумотлар аниқлиги ошади;
- ички назорат ва молиявий интизом кучаяди: харажатларни мақсадли сарфлаш, бюджет маблағлари устидан доимий назорат қилиш имкониятлари яратилади;
- шаффофлик ва очиқлик таъминланади: автоматлаштирилган тизимлар орқали молиявий операциялар изчил қайд этилиб, уларни таҳлил қилиш имконияти кенгаяди;
- ахборот технологиялари инфратузилмаси ривожланади: бюджет ташкилотларида замонавий дастурий таъминот ва техник воситалардан фойдаланиш кўлами кенгаяди;
- кадрлар малакаси ошади: автоматлаштирилган тизимларда ишлаш учун бухгалтерлар ва молия ходимларининг ахборот технологиялари бўйича кўникмалари ривожланади.

Умуман, тадқиқот натижалари автоматлаштирилган бухгалтерия ҳисоб тизимларини жорий этиш бюджет ташкилотларининг молиявий бошқарувини юқори самарадорлик билан амалга оширишда муҳим омил эканини тасдиқлади.

**Хулоса**

Автоматлаштирилган ҳисоб тизимларини кенг жорий этишда бюджет ташкилотларида 1С, AFMIS ва шу каби замонавий дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш ҳамда кадрлар малакасини оширишда бухгалтерлар ва молия ходимлари учун ахборот технологиялари ва автоматлаштирилган ҳисоб дастурларида





ишлаш бўйича мунтазам ўқув курсларини ташкил этиш керак.

Техник ва дастурий таъминотни янгилаш учун компьютер техникаси, серверлар ва интернет инфратузилмасини замон талабларига мос ҳолда такомиллаштириш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлашда маълумотларни шифрлаш, резерв нусхаларини яратиш ва киберхавфсизлик чораларини кучайтириш орқали молиявий маълумотларнинг махфийлигини сақлаш лозим.

Худудий инфратузилмани ривожлантириш керак. Бунинг учун барча ҳудудларда юқори тезликдаги интернет ва барқарор электр манбаини таъминлаш лозим. Шунингдек тизим интеграциясини амалга ошириш лозим. Бунинг учун давлат молиясига оид барча ахборот тизимларини ўзаро боғлаш орқали маълумотлар алмашувини тезлаштириш ва такрорий маълумотни киритишни йўқотиш керак.

Халқаро стандартларни жорий этишда IPSAS каби халқаро ҳисобот стандартларига мослашган автоматлаштирилган ҳисоб тизимларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини автоматлаштириш молиявий бошқарув самарадорлигини сезиларли даражада оширади. Автоматлаштирилган ҳисоб тизимлари орқали ҳисоб-китоб жараёнлари тезкор ва аниқ амалга оширилади, инсон омили сабабли хатолар камаяди, харажатлар устидан назорат кучаяди ҳамда молиявий маълумотларнинг шаффофлиги таъминланади.

Шу билан бирга автоматлаштириш жараёнида кадрлар малакасини ошириш, техник ва дастурий таъминотни янгилаш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби йўналишларда кўшимча чоралар кўриш зарур. Акс ҳолда мавжуд инфратузилма ва малака етишмовчилиги автоматлаштиришнинг тўлиқ самарасини таъминлай олмайди.

Умуман автоматлаштирилган бухгалтерия ҳисоб тизимларини кенг жорий этиш бюджет ташкилотларининг молиявий интизомини мустаҳкамлаш, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишни таъминлаш ва давлат бошқарувининг рақамли трансформациясини амалга оширишда муҳим қадам ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2016.
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги. “Давлат секторида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартиби тўғрисидаги низом”. – Тошкент, 2022.
3. А.А. Алимов. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит: назария ва амалиёт – Тошкент: Фан ва технология, 2019. – 312 б.
4. Н.Ш. Каримова. Давлат секторида ҳисоб жараёнини автоматлаштириш муаммолари ва ечимлари. – Тошкент молия институти илмий журнали. – №2, 2021. – 45-52 б.
5. J.Smith. Automation in Public Sector Accounting: Benefits and Challenges// International Journal of Accounting and Finance, Vol. 15, No. 3, 2020. – pp. 112-125.
6. International Public Sector Accounting Standards Board (IPSASB). Handbook of International Public Sector Accounting Pronouncements. – New York: IFAC, 2022.
7. OECD. Digital Government Review: Leveraging Digital Technology in the Public Sector. – Paris: OECD Publishing, 2021.
8. World Bank. Public Financial Management Reform in the Digital Age. - Washington DC: World Bank Group, 2020.
9. 1С Компанияси. 1С: Бухгалтерия – Давлат сектори учун дастурий таъминот қўлланмаси. – Москва, 2021.
10. Муродов Б.Э. Ахборот технологиялари ва уларнинг молия бошқарувидаги роли. – Тошкент: Иқтисод ва молия, 2020.





## БЮДЖЕТ ТИЗИМИ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИ

**Нормуродов Шерзод Саъдулла ўғли**

*бюджет ҳисоби ва газначилик иши  
кафедрасининг мустақил изланувчиси  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети*

*E-mail: [sherzod92normuradov@gmail.com](mailto:sherzod92normuradov@gmail.com)*

*ORCID: 0009-0003-0918-212X*

**Аннотация.** Мақолада бюджет ва бюджет тизими маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган ҳаражатларни молиявий назорат масалалари тадқиқ этилган. Давлат молия назоратининг ушбу жараёндаги муҳимлиги ва долзарблиги кўрсатилган. Шунингдек, давлат молиясини тизимли ва рақамлаштирилган назорат афзалликлари назарий-ҳуқуқий жиҳатдан баҳоланиб, ҳулоса ва тавсиялар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** бюджет сиёсати, давлат харидлари, ахборот тизими, жорий назорат, газначилик тизими, бюджет ҳаражатлари, бюджет самарадорлиги.

## ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ФИНАНСОВЫЙ КОНТРОЛЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ РЕСУРСОВ БЮДЖЕТНОЙ СИСТЕМЫ

**Нормуродов Шерзад Садулла оғли**

*самостоятельный соискатель  
кафедры бухгалтерского учёта  
и казначейского дела  
Ташкентский государственный  
экономический университет*

*E-mail: [sherzod92normuradov@gmail.com](mailto:sherzod92normuradov@gmail.com)*

*ORCID: 0009-0003-0918-212X*

**Аннотация.** В статье исследован финансовый контроль расходов, осуществляемых за счёт средств бюджетной системы. Подчеркивается важность и актуальность государственного финансового контроля в этом процессе. Анализируется теоретико-правовая база преимуществ системного и цифрового контроля расходов государственных финансов. Сформулированы соответствующие предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** бюджетная политика, государственные закупки, информационная система, текущий контроль, казначейская система, бюджетные расходы, эффективность бюджета.

## STATE FINANCIAL CONTROL OF THE USE OF RESOURCES OF THE BUDGET SYSTEM

**Normurodov Sherzod Sadulla's ukli**

*Independent Applicant of the Department  
of Accounting and Treasury Affair  
Tashkent State University of Economics*

*E-mail: [sherzod92normuradov@gmail.com](mailto:sherzod92normuradov@gmail.com)*

*ORCID: 0009-0003-0918-212X*

**Abstract.** The article examines financial control of expenditures carried out at the expense of the budget system. The importance and relevance of state financial control in this process is emphasized. The theoretical and legal basis of the advantages of systemic and digital control of public finance expenditures is analyzed. The corresponding proposals and recommendations are





formulated.

**Keywords:** budget policy, government procurement, information system, current control, treasury system, budget expenditures, budget efficiency.

### **Кириш**

Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети ижроси жараёнида давлат молиявий назорат механизми муҳим аҳамиятга эга. Давлат молиясини назорат қилишда молиявий ҳуқуқбузарликни олдини олиш ва уни бартараф этиш асосий омиллардан бири ҳисобланади. Тадқиқотлардан маълумки, бюджет тизими бюджетларининг ҳаражатлари амалга оширилганда давлат молиявий назоратини узлуксиз таъминлаш зарурдир. Бу эса, бюджет тизими ҳисобидан амалга ошириладиган ҳаражатларни оқилона, самарали, манзилли ва мақсадли сарфланишини таъминлашига сабаб бўлади.

Давлат молиявий назорати бюджет тўғрисидаги қонунчиликнинг давлат молиявий назорати объектлари томонидан бузилиши ҳолларини аниқлаш, бартараф этиш ва унга йўл қўймаслик, шунингдек бюджет соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида давлат молиявий назорат органлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ваколатли органлар давлат молиявий назорат органларидир [1].

Давлат молиявий назорати турлари:

-дастлабки назорат – молиявий операциялар бажарилгунига қадар ғазначилик бўлинмалари молия органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан амалга оширилади;

-жорий назорат – молиявий операциялар бажарилиши жараёнида ғазначилик бўлинмалари, молия органлари ва давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади;

-якуний назорат – молиявий операциялар бажарилганидан сўнг давлат молиявий назорат органлари томонидан амалга оширилади.

Хусусан, сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат молиявий назорат доирасида дастлабки ва жорий назорат механизмини кенгайтириш, бюджет назоратини мустаҳкамлаш ҳамда молиявий хато камчиликларни олдини олиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 январдаги видеоселектор йиғилишида давлат молиявий назорати инспекцияси Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига ўтказилиши таъкидлаб ўтилди. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси фаолияти мутлақо қониқарсиз экани кўрсатиб ўтилди. Инспекция фақат камчилик аниқлайдиган идорага айланиб қолгани, профилактика билан эса иши йўқлиги, тизимида коррупция улуши юқорилиги танқид қилинди. Шу билан бирга Ҳисоб палатаси ходимлари бюджетдан энг кўп маблағ оладиган 12та вазирликка бириктирилди. Вазирликларнинг ҳар бир ҳаражати улар билан келишилгандан кейин амалга оширилиши белгиланди [10].

### **Адабиётлар шарҳи**

Бюджет тизими ресурсларининг сарфланиши ва уни молиялаштириш жараёнида дастлабки ва жорий давлат молия назорати буйича узоқ йиллик ўрганишлар, меъёрий ҳуқуқий база ҳамда тажриба бўлишига қарамадан ҳалигача ушбу механизм бўйича илмий изланишлар кам олиб борилмоқда. Хорижий мамлакатларда давлат молия назорати ва аудити методологиясидаги муаммолари Р.Адамс, Э.Аренс, Дж.Лоббек, Р.Додж, Д.Ирвин, Дж.Робертсон каби олимлар ишларида кўриб чиқилган [2].

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи давлатлар иқтисодчи олимлари





томонидан мавзуга оид илмий тадқиқотлар ўтказилган ва унинг моҳияти ҳақида қимматли фикрлар билдирилган. Давлат молиявий назорати моҳияти ва вазифаларини тадқиқотчи Л.Н. Овсянниковнинг фикрича, давлат молиявий назорати - давлатнинг молиявий манфаатларини ва фуқароларнинг молиявий ҳуқуқларини қонунлар, ташкилий, бошқарув, ҳуқуқни ҳимоя қилиш воситалари орқали амалга ошириладиган тадбирдир [3]. В.Д. Ларичев таъкидлайдики, давлат молиявий назоратининг мақсади моддий ресурслардан фойдаланиш жараёнида рўй берадиган, яъни ҳуқуқий талабларнинг бузилиши, бюджет маблағларининг ноқонуний сарфланиши билан боғлиқ бўлган қонунбузарликларни олдини олиш, шунингдек қонунбузарликларга сабаб бўлган шахслардан давлатга етказилган зарарни ундириш ва уларга нисбатан қонуний чораларни кўриш, шунингдек келажакда бундай қонунбузарликларга йўл қўймасликка қаратилган чора тадбирларни ишлаб чиқишдан иборатдир [4].

Тадқиқотчи Э.А. Вознесенский қайд этадики, давлат молия назоратидан кўзланган мақсад микро ва макро даражада молиявий харажатлар ҳақида тезкор маълумотга эга бўлиш, қонунбузарликларнинг олдини олиш учун мўлжалланган, молиявий ресурслар бошқарилишини таъминлайдиган қарорлар қабул қилиб, янги вазифаларни белгилашдан иборатдир [5].

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашув шароитида, давлат молия назоратини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари, уни ташкил қилишни ривожлантириш, тараққиётнинг ҳозирги давридаги вазифалари, бажариладиган ишлар мазмуни, натижалари муайян даражада тадқиқ қилинган. Давлат молия назорати вазифалари ва моҳияти бўйича ягона методика мавжуд бўлмаганлиги учун, иқтисодчи олимлар орасида турли мунозарали фикрлар мавжуд. Энг муҳими ягона илмий асосга эга бўлмаган ёндашувлар амалиётда ҳам учрайди. Бундай ҳолат, яъни давлат молия назоратини амалга ошириш жараёнида умимлаштирилган ёндашув зарурлигини ва бундай ёндашувнинг давлат миқёсидаги ҳужжатларда белгилаб қўйилиши заруриятини илгари суради.

Мамлакатимизда давлат молиявий назорати органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга оид вазифаларни Д. Пулатов умумлаштиришга ҳаракат қилган [6]. Тадқиқотчилар А.К. Ибрагимов Р.М. Абдуалимов ишларида янги тараққиёт босқичида давлат молиявий назоратини янада такомиллаштириш муаммолари таҳлил қилинган [7]. Ўзбекистонда давлат молия назоратини ташкил қилишнинг назарий, методологик асослари, бозор иқтисодиёти шароитидаги ташкилий ва услубий жиҳатлари, уни такомиллаштириш масалалри иқтисодчи олма М. Тулаходжаева диссертациясида ўрганилган [8].

Мавзу доирасидаги илмий ишлар туркумига И.Х.Хайитбоев тадқиқотлари ҳам киради. Тадқиқотчи, Ўзбекистонда давлат молия назоратини ташкил қилишнинг ҳозирги даврдаги ҳолати, унинг ҳуқуқий асослари, ушбу жараёндаги мавжуд камчиликлар ва уларни бартараф қилиш масалларини ўрганган [9].

### **Тадқиқот методологияси**

Мавзунинг методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси ва Қонунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев фармонлари, қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ташкил қилади. Муаммони комплекс ўрганиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия, вазирлиги, Ғазначилик хизмати кўмитаси ҳамда Хисоб Палатаси фаолиятига доир материалларга мурожаат қилинди. Мавзуда белгиланган вазифаларнинг бажарилишига эришиш учун статистик маълумотларни тўплаш ва қайта ишлашда монографик ва таққослаш, олинган натижаларни умумлаштириш ва асослашда назарий таҳлил усулларидан фойдаланилди. Ушбу методлар мақоланинг таҳлил ва натижалар қисмида қўлланилиб, хулоса ва таклифлар тайёрлашимизга асос бўлди. Тадқиқотда фойдаланилган методларнинг натижаси бюджет маблағлари олувчиларнинг давлат





маблағларидан фойдаланишида дастлабки ва жорий давлат молиявий назорат механизими фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилади.

### Таҳлил ва натижалар

Ғазначилик тизимида харажатларни дастлабки ва жорий назорат қилиниши таҳлил объекти сифатида Тошкент шаҳрининг туманлари кесимида кўриб чиқилган. Тошкент шаҳри Ғазначилик хизмати бошқармаси томонидан жами 1007та ташкилотга хизмат кўрсатилиб, шундан, 563та республика бюджети, 217та шаҳар бюджети, 227та туман маҳаллий бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар қаторига киради. Бюджет ташкилотлари жами 725тани ташкил этиб, шундан 369таси республика бюджети, 143таси шаҳар маҳаллий бюджети, 213таси туман маҳаллий бюджетидан молиялаштирилади. Хизмат кўрсатилувчи ташкилотлар орасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.06.2022 санадаги 345-сонли “Таъсисчиси бюджет ташкилотлари бўлган унитар корхоналарга ғазначилик орқали хизмат кўрсатишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талабларидан келиб чиқиб, жами 163 та давлат унитар корхоналари ҳамда давлат муассасаларига Тошкент шаҳар ғазначилик хизмати бошқармаси ва бўлимлари томонидан хизмат кўрсатиб келинмоқда

1-жадвал.

### Тошкент шаҳар ғазначилик хизмати бошқармаси ва бўлимлари томонидан хизмат кўрсатилиши\*

| №   | Худуд номи           | Жами хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар сони |                     |                            |            |
|-----|----------------------|---|---------------------|----------------------------|------------|
|     |                      | Жами  | Бюджет ташкилотлари | Бюджетдан маблағ олувчилар | ДУК ва ДМ  |
|     | Тошкент шаҳри        | <b>1 007</b>                                | <b>725</b>          | <b>119</b>                 | <b>163</b> |
| 1.  | Амалиёт бошқармаси   | 185   | 77                  | 56                         | 52         |
| 2.  | Бектемир тумани      | 23  | 19                  | 3                          | 1          |
| 3.  | Мирзо Улугбек тумани | 107   | 86                  | 6                          | 15         |
| 4.  | Миробод тумани       | 76  | 54                  | 10                         | 12         |
| 5.  | Олмазор тумани       | 98  | 81                  | 8                          | 9          |
| 6.  | Сиргели тумани       | 32  | 23                  | 5                          | 4          |
| 7.  | Учтепа тумани        | 46  | 38                  | 4                          | 4          |
| 8.  | Чилонзор тумани      | 90  | 71                  | 2                          | 17         |
| 9.  | Шойхонтохур тумани   | 102   | 84                  | 4                          | 14         |
| 10. | Юнусобод тумани      | 100   | 79                  | 9                          | 12         |
| 11. | Яккасарой тумани     | 68  | 60                  | 2                          | 6          |
| 12. | Янги хаёт тумани     | 22  | 18                  | 3                          | 1          |
| 13. | Яшнобод тумани       | 58  | 35                  | 7                          | 16         |

\*Муаллиф ишланмаси.

Бюджет тизими бюджетлари маблағларини харажат қилинишининг дастлабки ва жорий назорат шаклини Ғазначилик тизими амалга оширади. Тизимли назорат қилиш, олдиндан рискларни бартараф этиш ва уни олдини олиш чораларини кўриш ҳозирги даврда замонавий давлат молиясини оқилона бошқариш методи ҳисобланади. Ғазначилик кўмитаси ходимлари томонидан инсон омили орқали бюджет ташкилотлари, бюджетдан маблағ олувчилар, давлат унитар корхоналари ҳамда давлат муассасаларига тегишли юридик мажбуриятларни “ДМБАТ ДМ” дастурий мажмуаси орқали рўйхатга олиш жараёнида, давлат харидлари билан боғлиқ қонунчилик, тегишли Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумат қарорларига боғлиқ меъёрий ҳуқуқий нормалардан келиб чиқиб, харажатларнинг дастлабки ва жорий назорат қисмини олиб боради. Масалан,





24.07.2021 санадаги ЎРҚ-684 “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни, 28.09.2018 санадаги “Ўзбекистон Республикасининг давлат харидлари тўғрисидаги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3953-сонли қарори, 20.05.2022 санадаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ВМҚ 276 сонли қарори ва бошқа тегишли меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар асосида юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш жараёни олиб борилади.

Таҳлил объекти сифатида Тошкент шаҳар Ҳазначилик хизмати бошқармаси томонидан бартараф этилган рисклар, хато ва камчиликлар ўрганилди. Тошкент шаҳар Ҳазначилик хизмати бошқармаси томонидан хизмат кўрсатиладиган бюджет ташкилотлари, бюджетдан маблағ олувчилар ва давлат унитар корхоналари томонидан 2024 йил 9 ойлик давр мобайнида жами 131344та 13106384 млн сўмлик шартнома давлат харидлари қонунчилигига асосан рўйхатга олинган, масалан, шаҳар амалиёт бошқармасида 9791810 млн сўмлик 37172та шартнома, Юнусобод туманида 437 527 млн сўмлик 15306та шартнома, Олмазор туманида 450 139 млн сўмлик 13410та шартнома ва бошқалар.

2-жадвал.

**2024 йил 9 ой давомида Тошкент шаҳар Ҳазначилик хизмати бошқармаси томонидан амалга оширилган давлат харидлари, молиявий мажбуриятлар ва самарадорлик кўрсаткичлари**

(млн. сўмда)

| №           | Худуд номи               | Жами рўйхатга олинган шартнома |                   | Ҳазначилик томонидан қайтарилган давлат харидлари |                | Жами амалга оширилган тўлов топшириқномалар |                   | Ҳазначилик томонидан қайтарилган молиявий мажбуриятлар |                  |
|-------------|--------------------------|--------------------------------|-------------------|---|----------------|---|-------------------|--|------------------|
|             |                          | сони                           | суммаси           | сони  | суммаси        | сони  | суммаси           | сони   | суммаси          |
| 1           | Шаҳар амалиёт бошқармаси | 37172                          | 9791810,7         | 920   | 1254594,8      | 135287                                      | 21802465          | 11339  | 5130156,8        |
| 2           | Бектемир тумани          | 1741                           | 41819,3           | 102   | 10185,5        | 7547  | 114380            | 1068   | 23264            |
| 3           | Миробод тумани           | 9157                           | 396155,6          | 288   | 46514,4        | 35065                                       | 1154908,5         | 3226   | 141462,7         |
| 4           | Мирзо Улугбек тумани     | 11381                          | 462658,2          | 492   | 322215,3       | 37970                                       | 1243647,6         | 5318   | 318040,6         |
| 5           | Олмазор тумани           | 13410                          | 450139,3          | 303   | 51961,6        | 36245                                       | 1436809,4         | 2738   | 137114,4         |
| 6           | Сергели тумани           | 2361                           | 101432,4          | 102   | 10459,5        | 15438                                       | 311347,7          | 2700   | 105482,2         |
| 7           | Учтепа тумани            | 6202                           | 224747,2          | 131   | 10998,7        | 20517                                       | 776642,6          | 2360   | 102285,5         |
| 8           | Яшнаобод тумани          | 5930                           | 240470,9          | 242   | 12398,9        | 22333                                       | 595049,8          | 2680   | 65105,5          |
| 9           | Юнусобод тумани          | 15306                          | 437527,5          | 491   | 65495,5        | 42680                                       | 1754992,1         | 4229   | 1672284,4        |
| 10          | Шайхантахур тумани       | 7615                           | 248886,8          | 794   | 119824,5       | 29693                                       | 827013,6          | 3161   | 99730            |
| 11          | Чилонзор тумани          | 11191                          | 469459,1          | 458   | 41647,5        | 32753                                       | 1279622,9         | 4222   | 161232,2         |
| 12          | Яккасарой тумани         | 7456                           | 180217,6          | 151   | 36729,3        | 25337                                       | 590063,3          | 2648   | 75109,6          |
| 13          | Янгиҳаёт тумани          | 2422                           | 61059,2           | 258   | 13165,5        | 7174  | 189695,9          | 1865   | 41846,6          |
| <b>жами</b> |                          | <b>131344</b>                  | <b>13106383,8</b> | <b>4732</b>                                       | <b>1996191</b> | <b>448039</b>                               | <b>32076638,4</b> | <b>47554</b>   | <b>8073114,5</b> |

\*Муаллиф ишланмаси.





Таҳлил натижаларидан кўриб чиқадиган бўлсак, Тошкент шаҳар ғазначилик бошқармаси томонидан хизмат кўрсатилувчи ташкилотлар томонидан жами 13.13 трлн сўмлик 131344та давлат харидлари ҳамда 32.07 трлн сўмлик 448039та молиявий мажбуриятлар амалга оширилганлиги маълум бўлди. Тошкент шаҳри бўйича рўйхатга олинган шартномалардан жами 1.079 трлн сўмлик 80868та шартномалар (қарийб 8.12%) инсон омилсиз махсус ахборот портали орқали электрон дўкон ва аукцион шаклида автоматлаштирилган усулда ДМБАТ ДМ мажмуаси орқали рўйхатга олинган. Инсон омили билан ДМБАТ ДМ мажмуаси орқали жами 12.02 трлн сўмлик 50480та шартнома дастурга рўйхатга олинган ва харажатлар амалга оширилган. Электрон равишда давлат харидлари платформалари орқали юборилган шартномаларнинг 2%дан 10% гача бўлган қисми тегишли асослар билан қайтарилади ва ижроси таъминланмайди. Хато ва камчилик туфайли қайтарилган юридик мажбуриятлар самарадорлик юқори бўлган Шайхонтохур туманига 794та, Мирзо Улуғбек туманига 492та, Юнусобод туманига 491та тўғри келади.

Молиявий мажбуриятларнинг ижроси қисмида эса, жами 47554 та 8.07 трлн сўмлик мажбурият турли хил хато, камчилик ва рисклар мавжудлиги сабабли ижросиз қайтарилган ва самарадорлик натижаси ўртача 6-10% ни ташкил этган. Мисол учун, шаҳар амалиёт бошқармаси томонидан 11339 та (9%), Мирзо Улуғбек туманида 5318 та (13%), Юнусобод тумани 4229 та (10%) молиявий мажбурият ижросиз хато ва камчиликлар туфайли қайтарилган.

### **Хулоса**

Тадқиқот натижаларига кўра, давлат молия назоратини амалий ва назарий вазифаларига доир, ҳамда бюджет маблағларини харажат қилишда дастлабки ва жорий назорат тизимини самарали ташкил этишга доир мустақил хулосалар ва таклифлар тайёрланди. Мамлакатнинг янги тараққиёт босқичида бюджет ташкилотларининг харажат турлари ва шакллари кенгаймоқда. Молия иши усуллари такомиллашмоқда. Ушбу жараёнда давлат молиясини назорат қилиш муносабатларига оид норматив ҳужжатлар қўлланилмоқда. Тадқиқот натижалари кўрсатадики, ғазначилик тизимида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ҳамда харажатларни дастлабки ва жорий назорат усулларида комплекс ёндашув етишмайди. Бизнинг фикримизча, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш учун харажатларни дастлабки ва жорий назорат асосларини илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ қилиш лозим ва уни қабул қилинаётган қонунларда акс эттириш лозим. Бундай жараёнда мавзуга доир илмий адабиётларда давлат ва нодавлат молия назорати ҳақидаги турли ёндашувлар ягона фикрга бирлаштиради. Шунингдек, давлат молия назоратининг ташқи, ички молиявий назорат, дастлабки, жорий, якуний назорат тизими шакллантирилди.

Хулоса сифатида қайд қилиш лозимки, бюджет маблағларини харажат қилишда дастлабки ва жорий молиявий назорат олиб бориш муҳим ҳисобланади. Бу жараён давлат молия назоратини амалга оширишга давлатнинг мақсадли дастурлари, йўл харитасини бажаришда муҳим рол ўйнайди, молиявий самарадорликни ва молия тизимига доир қонунчиликни таъминлайди. Давлат молия назорати ғазначилик тизимида бюджет маблағларини фойдаланиш жараёнида содир бўлаётган камчиликларни аниқлайди, жавобгар шахслар томонидан қонунчиликни бузиш ҳолатларини таҳлил қилади ва вужудга келаётган рискларни олдини олади.

Мақола муаллифи томонидан қуйидаги таклифлар илгари сурилмоқда:

Биринчидан, бюджет тизими ресурсларини харажат қилиш жараёнида самарасиз харажатларни олдини олиш учун дастурий таъминотлар ўртасида ўзаро интеграция ва узлуксиз ахборот алмашувини йўлга қўйиш керак.

Иккинчидан, ривожланган давлатлар тажрибасини чуқур таҳлил қилган ҳолда Ғазначилик хизмати қўмитаси ва унинг бўлинмаларига давлат харидлари тўғрисидаги





конунчиликни бузиш ҳолатлари юзасидан маъмурий баённома тузиш ҳуқуқини бериш ҳуқуқий асосини ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Учинчидан, давлат харидлари жараёнида тўғридан-тўғри тузилган шартномаларни автоматлаштирилган модул орқали “ДМБАТ ДМ” мажмуасига рўйхатга олиншини таъминлаш. Шунингдек, Ғазначилик тизими ходимлари томонидан рўйхатга олинган давлат харидларини кунлик мониторинг олиб бориш ва аниқланган натижага кўра, рисклар ҳамда шубҳали операциялар аниқланганда давлат молиявий назоратини амалга оширувчи давлат органларига хабарнома юбориш.

Тўртинчидан, бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказилган аукционлар бўйича тузилган шартномалардаги товар (иш, хизмат)ларни етказиб бериш муддати 90 кунга кечиктирилган тақдирда давлат харидлари электрон тизимининг операторлари томонидан буюртмачининг ҳисоб рақамидан автоматик тарзда ундирилган маблағларни ушбу буюртмачининг ҳисоб рақамларига (ўтган молия йилида автоматик тарзда ундирилган бюджет маблағларини тегишли бюджет даромадига) қайтариш тизимини йўлга қўйиш.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Бюджет кодекси 170-moddа 1-хат бошиси.
2. А.Г. Лукин. Сущность понятий «финансовый контроль» и «контрольная деятельность» в исследовании проблематики развития методологии финансового контроля в интересах заинтересованного пользователя//Финансовая аналитика проблемы и решения. – 2016. – С. 26-35.
3. Овсянников Л.Н. Государственный финансовый контроль: подходы к стандартизации // Финансы. – 2010. – С.5.
4. Ларичев В.Д. Теоретические основы предупреждения преступлений в сфере экономики: монография. – М.: Юрлитинформ, 2010. – С.19.
5. Вознесенский Э.А. Финансовый контроль за деятельностью промышленных предприятий. – М.: Изд-во ЛГУ, 2013. – С. 27.
6. Пулатов Д. Вопросы совершенствования государственного финансового контроля в Узбекистане//Perspectives of Innovations, Economics and Business. 2009. – Т. 2 – № 2. – С. 49-50.
7. Ибрагимов А.К., Абдуалимов Р.М. Совершенствование организации финансового контроля в Республике Узбекистан. В сборнике: актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения. Материалы VII международной научно-практической конференции. 2018. – С. 41-49.
8. Тулаходжаева М. Организация и методы финансового контроля в Республике Узбекистан. Дис. ... докт. экон наук. Москва, 1998.
9. Хайитбаев И.Х. Вопросы институционального развития государственного финансового контроля в Узбекистане. В сборнике: теоретические и практические аспекты развития современной науки: теория, методология, практика. Сборник научных статей по материалам V Международной научно-практической конференции. Уфа, 2021. – С. 49-55.
10. <https://daryo.uz/k/2024/01/16/davlat-moliyaviy-nazorati-inspeksiyasi-bosh-prokuratura-departamentiga-otkaziladi>





## ҒАЗНАЧИЛИК ХИЗМАТИ ТИЗИМИ: АМАЛИЁТ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

**Касимова Гуляра Ахматовна**



*иқтисодиёт фанлари  
доктори (DSc)  
бюджет ҳисоби ва газначилик  
кафедраси профессори  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети*  
E-mail: [kasimovagulyora1960@gmail.ru](mailto:kasimovagulyora1960@gmail.ru)  
ORCID: 0000-0002-9997-6104

**Маллаев Зокир Сафарбоевич**

*мустақил изланувчи  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети*  
E-mail: [kasimovagulyora1960@gmail.ru](mailto:kasimovagulyora1960@gmail.ru)  
ORCID: 0000-0002-9997-6104

**Аннотация.** Мақолада давлат бюджетини бошқариш тизимида газначилик хизмати фаолияти масалалари муҳокама қилинган. Бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши юзасидан дастлабки назоратни кучайтириш, ахборот порталида етказиб берувчилар билан тузилган электрон шартномалар бюджет ташкилотининг харажатлар сметасига мувофиқ равишда тузилишида жорий назорат ўрнатиш жиҳатлари таҳлил қилинган. Рақамли иқтисодиётда ахборот технологиялардан фойдаланиш асосида давлат бюджети харажатларнинг шаффофлигини ошириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** давлат бюджети, ижтимоий соҳа харажатлари, бюджет ташкилоти, газначилик тизими, шартнома, рақамли иқтисодиёт, ахборот технологиялари, электрон ҳужжат, давлат бюджети ғазна ижроси, дастурий таъминот.

## СИСТЕМА КАЗНАЧЕЙСКОЙ СЛУЖБЫ: ПРАКТИКА И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

**Касимова Гуляра Ахматовна**

*доктор экономических наук (DSc)  
профессор кафедры бюджетного  
учета и казначейства  
Ташкентский государственный  
экономический университет*  
E-mail: [kasimovagulyora1960@gmail.ru](mailto:kasimovagulyora1960@gmail.ru)  
ORCID: 0000-0002-9997-6104

**Маллаев Закир Сафарбаевич**

*самостоятельный соискатель  
Ташкентского государственного  
экономического университета*  
E-mail: [kasimovagulyora1960@gmail.ru](mailto:kasimovagulyora1960@gmail.ru)  
ORCID: 0000-0002-9997-6104





**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы деятельности казначейской службы в системе управления государственным бюджетом. Проанализированы аспекты усиления первичного контроля за целевым расходованием бюджетных средств, установления текущего контроля за формированием электронных договоров с поставщиками на информационном портале в соответствии со сметой расходов бюджетной организации. Разработаны практические предложения и рекомендации по повышению прозрачности расходов государственного бюджета на основе использования информационных технологий в условиях цифровой экономики.

**Ключевые слова:** государственный бюджет, расходы социальной сферы, бюджетная организация, казначейская система, договор, цифровая экономика, информационные технологии, электронный документ, казначейское исполнение государственного бюджета, программное обеспечение.

## TREASURY SERVICE SYSTEM: PRACTICE AND INFORMATION TECHNOLOGIES

**Kasimova Gulyar Axmatovna**

*Doctor of Economics Sciences (DSc)  
Professor of the Department of Budget  
Accounting and Treasury  
Tashkent State University of Economics*

**Mallaev Zokir Safarboevich**

*Independent applicard  
Tashkent State University of Economics  
E-mail: [kasimovagulyora1960@gmail.ru](mailto:kasimovagulyora1960@gmail.ru)  
ORCID: 0000-0002-9997-6104*

**Abstract.** The article discusses the issues of the treasury service's activities in the state budget management system. The aspects of strengthening primary control over the targeted spending of budget funds, establishing current control over the formation of electronic contracts with suppliers on the information portal in accordance with the budget organization's cost estimate are analyzed. Practical proposals and recommendations are developed to increase the transparency of state budget expenditures based on the use of information technologies in the digital economy.

**Keywords:** state budget, social expenditures, budgetary organization, treasury system, contract, digital economy, information technology, electronic document, treasury execution of the state budget, software.

### Кириш

Ғазначилик хизмати тизими давлат бюджетини бошқариш ва давлат молияси бошқариш тизимининг муҳим қисмидир. Давлат молиясининг самарали бошқарилиши ва бюджет маблағларининг тўғри тақсимланиши иқтисодиётининг барқарорлиги ва ривожланишини таъминлашга хизмат қилади. Ўзбекистонда ғазначилик хизмати тизимининг ривожланиши унинг молиявий механизмларни самарали ишлашини талаб қилади. Бу механизмлар давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг ғазна ижроси, ғазначилик назорати ва харажатларнинг самарадорлигини оширишга қаратилади.

Ғазначилик хизмати органларининг самарали фаолият кўрсатиши иқтисодий ўсишнинг сифатига ва ижтимоий фаровонликнинг даражасига бевосита таъсир кўрсатади. “Ғазначилик органларини бюджет ташкилотлари, бюджетдан маблағ олувчилар ва бюджет маблағи тақсимловчиларини ўзаро алоқасини электрон маълумотлар билан таъминлайдиган ва автоматлаштирилган тизимга раҳбарликни амалга оширадиган ахборот





tizimi ishlaydi. Ҳазначилик тизимида дастурий таъминлаш – автоматлаштирилган ахборот тизими бошқарувидаги ҳисоблаш жараёнларини самарали ташкил қилишда фойдаланиладиган дастурий мажмуалар йиғиндисидир” [4].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 594-сон қарорига мувофиқ, “Давлат бюджетининг ғазна ижросини татбиқ этиш ҳисобига бюджет тизимини янада ислоҳ қилиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни кучайтириш, барча даражалардаги бюджет даромадлари ва харажатларини бошқариш самарадорлиги оширилади. Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағларини олувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва мақсадли давлат жамғармалари бюджетларининг маблағлари ҳисобидан товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчилар билан шартномалари харажатлар сметасида кўрсатилган суммалар ва мақсадларга мувофиқ равишда тузилиши устидан назорат ўрнатиш асосида мазкур электрон шартномалар мажбурий рўйхатдан ўтказилади” [1].

Ҳазначилик хизмати кўмитаси бажарадиган вазифаларнинг хилма-хиллиги ва мураккаблиги ғазначилик хизмати кўрсатишнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўз ишида замонавий ахборот технологияларини қўллаши зарурлиги белгилаб берилди, чунки ахборот технологияларини ёрдамида бюджетни ўз вақтида ва сифатли ижро этиш мумкин.

### **Адабиётлар шарҳи**

Ҳазначилик тизимида замонавий ахборот технологиялари асосида давлат бюджетининг касса ижроси ва ғазначилик соҳасида юртимизда бир қанча олимлар илмий изланишлар олиб боришган.

Хориж тажрибаси ўрганилганда О.В. Глушакова, Н.В. Салатов, М.А. Резинкин, С.Е. Прокофьев ва бошқа тадқиқотчи олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган. Олимлар ўз илмий қарашларида ғазначилик институти фаолияти ва ғазначилик хизматини замонавий технологиялар орқали ташкил қилишнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, зарурияти ва аҳамиятини тадқиқ этишган. Шунингдек бу жараёнларда харажатлар сметасининг назорати ва электрон рўйхатга олинган шартномаларда назарда тутилган суммалар доирасида товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчиларнинг бевосита ҳисобрақамларига бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағларини олувчиларнинг номидан ва уларнинг топшириғи бўйича тўловларни амалга ошириш орқали тўлов интизомига риоя қилиши ўрганилган ҳамда илмий хулосалар чиқарилган.

Амалиётчи олим Т.Ш. Эшназаров таъкидлашча, “Давлат молиявий ресурсларини бошқариш тизимида бюджетни тартибга солишни таъминловчи ташкилий тузилмага алоҳида аҳамият берилади. Хорижий мамлакатларда бундай ташкилий тузилма сифатида бюджет соҳасида давлат молиявий сиёсатини юритишнинг асосий институтига айланган ғазначилик тизими майдонга чиқди”[9]. М.А. Резинкиннинг фикрича, “Давлат молиясини самарали бошқариш ва давлат маблағлари оқимининг ҳаракати устидан назоратни кучайтириш билан тезкорлик ва ягоналик хусусиятларига эга бўлган ғазначилик институтининг фаолиятига зарурият пайдо бўлди” [7].

Олимнинг қайд қилишча, “Давлат бюджети ғазна ижросининг иқтисодий мазмуни – бюджет маблағларини бошқариш (режалаштириш, ижро этиш, ҳисобот ҳамда бюджет даромадлари ва харажатларини назорат қилиш) жараёнида норматив ҳужжатлар, императив принциплар, ғазначилик тартиби ва ахборот технологиялари билан тартибга солинадиган тизимдир” [6].

М.Б. Атажанов рақамли иқтисодиёт шароитида давлат бюджети ғазна ижросини такомиллаштириш ҳақида тўхталиб, шундай дейди: “Ўзбекистонда ғазначилик тизимини ривожлантиришга жараёнларни автоматлаштириш даражаси, фойдаланиладиган ахборот технологиялари турлари ва функционал дастурий маҳсулотларнинг технологик даражаси





таъсир қилади. Шу муносабат билан ғазначилик тизимини ўрганиш долзарбдир, сабаби у нафақат давлатнинг молиявий ҳолатини акс эттиради, балки иқтисодий ва стратегик режалаштиришга ҳам таъсир қилади”[2].

Иқтисодчи олим О.А. Ҳамдамов ўз тадқиқотларида қуйидагиларни таъкидлайди, “Ўзбекистон Республикасида давлат молиясини бошқариш тизимида олиб борилаётган ислохотлар, қатор вазифалар билан биргаликда, давлат бюджетининг ғазна ижросига босқичма-босқич ўтишни ва унинг фаолият механизмларини такомиллаштиришни назарда тутди. Бунда замонавий ахборот технологиялари ёрдамида давлат бюджети маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни жамлаш, қайта ишлаш, узатиш усулларини ўзлаштириш асосида давлат молиясини бошқаришнинг самарали усул ва воситаларини шакллантириш ва мувофиқ ҳолда ишлашини таъминлаш зарур бўлади” [10].

Иқтисодчи М.А. Мансуров томонидан бюджетни ижро этиш босқичи бюджет маблағларини сафарбар этиш ва улардан фойдаланиш ҳаракатлари сифатида таърифланади. Олимнинг таъкидлашича, “Ягона ғазна ҳисобварағи фаолиятида ғазначилик тизимининг амал қилиши Давлат бюджети ижросининг сифат жиҳатдан янги технологияси ҳисобланади, бунда қуйидаги ҳолатларга жиддий эътибор қаратилади. Барча даражадаги бюджетлар ҳисобидан амалга оширилган давлат бюджети харажатлари ва даромадлари бўйича операцияларнинг “ДМБАТ” ва “УзАСБО” дастурий мажмуада ҳар куни акс эттирилиши ва Давлат бюджети ижроси ҳақидаги ҳисоботни исталган сана ва ҳисобот даври учун тезкор шакллантириш имконияти мавжудлиги” [5]. Иқтисодчи О.В. Глушакованинг фикрича, “Бюджет баланслилигини таъминлашга қаратилган ғазначилик институти фаолияти актив ривожланмокда, чунки даромадлар ҳисобидан бюджет харажатларини қоплаш зарурияти нафақат, сиёсий ва иқтисодий, балки, ижтимоий аҳамиятга эга” [3]. С.Е. Прокофьевнинг таъкидлашича, “Ғазначилик қонунчилик асосида норматив ҳужжатлар билан, турли даражадаги бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларнинг касса ижросини ахборот технологиялари асосида амалга ошириш тартиб-қоидалари белгиланган ихтисослашган институт бўлиб, мазкур институт бюджет назорати, бухгалтерия ҳисоби ва касса хизмати кўрсатиш функциялари бажарилишини самарали таъминлайди” [8].

#### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот жараёнида тизимли ёндошув, индукция ва дедукция, абстракт-мантиқий фикрлаш, гуруҳлаш, қиёсий таққослаш каби усулларидан фойдаланилган.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Ғазначилик органлари дастурий мажмуалар ёрдамида тўлов мақсади ва шартларни режалаштирилган бюджет маблағларини кўзда тутилган ҳажмда шартномаларга мувофиқлигини текшириш имкониятига эга. Жорий назорат дастлабки назоратдан ташқари давлат бюджетининг ғазна ижросини амалга ошириш, давлат бюджети харажатларининг манзилли рўйхати ва тўғри ижроси устидан жорий назоратини сифат жиҳатдан яхшилашга шароит яратади. Ғазначилик тизимининг институционал тараққиётининг муҳим йўналишларидан бири – тизимнинг ахборот коммуникацион таъминотини такомиллаштириб борилиши билан боғлиқ. Ғазначилик тизими бюджет ташкилотларини “УзАСБО” дастурий мажмуа билан “ДМБАТ” дастурий мажмуанинг интеграцион боғлиқлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

“УзАСБО” дастурий мажмуага уланган буюртмачилар ЮММП буюртмасини “УзАСБО” дастурий мажмуада шакллантиради ва электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда ғазначилик бўлинмаларига электрон ҳужжат шаклида юборади. “УзАСБО” дастурий мажмуа орқали электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда ғазначилик бошқармалари ва бўлимларига юборилган юридик





ва молиявий мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга буюртмалар (ЮММП буюртмалари) қоғоз шаклида расмийлаштирилмайди. ЮММП буюртмаларининг электрон шаклда расмийлаштирилиши ва улардаги маълумотларнинг тўғрилиги учун буюртмачилар жавобгар ҳисобланади.

Куйидаги жадвалда Ғазначилик хизмати қўмитасининг Жиззах вилояти бошқармаси томонидан давлат бюджети ғазна ижроси бўйича шартномаларнинг рўйхатдан ўтказилиши кўрсатилган. Мазкур статистик маълумотларни солиштириш натижалари ҳар бир йил учун маҳаллий бюджет ижросининг ҳолати ва молиявий натижаларнинг ривожланишини кўрсатади.

1-жадвал.

**Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасининг Жиззах вилояти бошқармаси томонидан давлат бюджети ғазна ижроси бўйича шартномаларнинг рўйхатдан ўтказилиши\***

| №         | Худуд номи                            | Жами тузилган шартнома, сўмда |                      |
|-----------|---------------------------------------|-------------------------------|----------------------|
|           |                                       | 2022 йил                      |                      |
|           |                                       | сони                          | суммаси              |
| <b>1.</b> | <b>Жиззах вилояти бўйича</b>          | 24063                         | 1958253434,0         |
|           | Бюджет маблағлари бўйича              | 13397                         | 975022621,0          |
|           | Бюджетдан ташқари маблағлари бўйича   | 7226                          | 171860470,0          |
|           | Жамғармалар бўйича                    | 3440                          | 811370343,0          |
| <b>2.</b> | <b>Жиззах шаҳар бошқармаси бўйича</b> | 2342                          | 65770022,0           |
|           | Бюджет маблағлари бўйича              | 1554                          | 41054531,0           |
|           | Бюджетдан ташқари маблағлари бўйича   | 692                           | 24164906,0           |
|           | Жамғармалар бўйича                    | 96                            | 550584,0             |
|           | <b>2022 йил бўйича жами</b>           | <b>52810</b>                  | <b>4048046913,0</b>  |
|           |                                       |                               | <b>2023 йил</b>      |
| <b>1.</b> | <b>Жиззах вилояти бўйича</b>          | 25586                         | 2270821618,0         |
|           | Бюджет маблағлари бўйича              | 13939                         | 854792236,0          |
|           | Бюджетдан ташқари маблағлари бўйича   | 8208                          | 323291683,0          |
|           | Жамғармалар бўйича                    | 3439                          | 1092737697,0         |
| <b>2.</b> | <b>Жиззах шаҳар бошқармаси бўйича</b> | 3042                          | 105616118,0          |
|           | Бюджет маблағлари бўйича              | 1759                          | 57492997,0           |
|           | Бюджетдан ташқари маблағлари бўйича   | 929                           | 45035023,0           |
|           | Жамғармалар бўйича                    | 354                           | 3088096,0            |
|           | <b>2023 йил бўйича жами</b>           | <b>57256</b>                  | <b>4752875472,0</b>  |
|           |                                       |                               | <b>2024 yil</b>      |
| <b>1.</b> | <b>Жиззах вилояти бўйича</b>          | 28786                         | 2128279479,0         |
|           | Бюджет маблағлари бўйича              | 19210                         | 1021010645,0         |
|           | Бюджетдан ташқари маблағлари бўйича   | 8137                          | 593748208,0          |
|           | Жамғармалар бўйича                    | 1423                          | 513004445,0          |
| <b>2.</b> | <b>Жиззах шаҳар бошқармаси бўйича</b> | 4249                          | 121157340,0          |
|           | Бюджет маблағлари бўйича              | 2766                          | 69437700,0           |
|           | Бюджетдан ташқари маблағлари бўйича   | 1203                          | 48170714,0           |
|           | Жамғармалар бўйича                    | 280                           | 3548925,0            |
|           | <b>2024 йил бўйича жами</b>           | <b>66054</b>                  | <b>4498357459,0</b>  |
|           | <b>2022-2024 йиллар бўйича жами</b>   | <b>176120</b>                 | <b>13299279845,0</b> |

\*Ғазначилик хизмати қўмитасининг Жиззах вилояти бошқармаси маълумоти.





Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати кўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари давлат бюджети ғазна ижросини амалга оширишда муҳим рол ўйнайди. Ғазначилик хизмати кўмитасида Давлат бюджетининг самарали ижроси шартномаларнинг рўйхатдан ўтказилиши, бюджет маблағларининг тўғри сарфланишини ва мавжуд молиявий ресурсларнинг самарали тақсимланишини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга. 1-жадвал маълумотларга кўра, 2022-2024 йилларда давлат бюджети бўйича ғазна ижросининг самарадорлиги рўйхатдан ўтказилган шартномалар бўйича ўсиш тенденциясини кўрсатмоқда. 2022 йилда Жиззах вилояти бўйича харажатларни молиялаштириш ва шартномаларнинг рўйхатдан ўтказилиши жараёнида 24063 та шартнома бўлган, шартномаларнинг қиймати 1958253434,0 сўмни ташкил этган. 2023 йилда шартномалар рўйхатидан ўтказиш ва харажатларни молиялаштириш ва шартномаларнинг рўйхатдан ўтказилиши бўйича кўрсаткичлар ўсган, 25586 та шартнома тузилган ва уларнинг умумий суммаси 2270821618,0 сўмга етган. 2024 йилда шартномаларнинг рўйхатдан ўтказилиши янада ошган ва Жиззах вилояти бўйича 28786 та шартнома тузилган, уларнинг умумий суммаси 2128279479,0 сўмни ташкил этган. 2022-2024 йилларда назорати харажатларининг ўсиши ва шартномаларнинг рўйхатдан ўтказилиши самарадорлигининг ошиши билан боғлиқ. Шартномаларнинг рўйхатдан ўтказилиши билан бирга, бюджет харажатларининг самарали ижро қилиниши ҳам таъминланади. Бюджет харажатларининг 2022 йилдан 2024 йилгача ўсиши 9,4 фоизни ташкил этган. Бунинг натижасида маҳаллий бюджет маблағларидан ижтимоий соҳани ривожлантириш ва давлат ижтимоий хизматларига ажратилган маблағлар ўсган.

### **Хулоса**

Ғазначилик хизмати тизими Ўзбекистон Республикасининг давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси кафолатларини ижро этиш, Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботини юритиш, шунингдек Давлат бюджети ижроси ҳақида ахборот йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш вазифаларини бажаради. Ўзбекистонда иқтисодий трансформация жараёнларининг ўзгариши ғазна тизимидан замонавий рақамли технологиялар ва бошқарув усулларини қўллашни талаб қилади, бу эса молиявий операцияларнинг шаффофлигини ва давлат институтларига бўлган ишончни оширади.

Рақамли технологиялар асосида бюджет харажатларининг дастлабки ва жорий назорат қилиниши, шартномаларнинг тўлиқ бажарилиши давлат молиясининг барқарорлигини сақлашга ва давлат бюджети ғазна ижросини амалга ошириш бўйича шартномаларнинг рўйхатдан ўтказилиши самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Ғазначиликда рўйхатдан ўтказилган шартномалар бўйича муддати ўтган дебитор ва кредитор қарздорликлар ҳисобини юритиш ҳамда ҳар чорак якуни бўйича чоракдан кейинги ойнинг 10 санасига қадар Ҳисоб палатаси ва Иқтисодий жинойтларга қарши курашиш департаментига тақдим этиб бориш ижобий натижалар беради.

Бизнинг фикримизча, замонавий ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда Ҳисоб палатаси ва Ғазначилик хизмати кўмитаси ўртасида маълумотлар алмашинуви орқали аниқланган рискларни электрон шаклда юбориш ва кўрилган чоралар тўғрисида жавоб олиш тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ғазначилик хизмати кўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармаларида махсус ахборот порталида етказиб берувчилар билан тузилган шартномалар бўйича бажарилган ишлар асосидаги далолатномалар ва электрон ҳисоб-фактура тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш имкониятини кенгайтириш керак.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси





тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 594-сон Қарори. 2007 йил. 28 февраль. <https://lex.uz/uz/docs/1139941?ONDATE=28.06.2025%2000>

2. Атажанов М.Б. Рақамли иқтисодиёт шароитида давлат бюджети ғазна ижросини такомиллаштириш йўналишлари// Илғор иқтисодиёт ва педагогик технологиялар илмий электрон журнали – 2024 йил. – № 3. – Б.162-169.

3. Глушакова О.В. Подходы обеспечению сбалансированности бюджетов в условиях цикличности развития экономики в контексте совершенствования казначейских технологий управления бюджетной ликвидностью. // Финансы и кредит. – 2017. – №5. – С. 19-40 .

4. Kasimova G.A. G’aznachilikning dasturiy komplekslari: darslik. – Т.: Nihol print ОК, 2021. – В. 13.

5. Мансуров М.А. Ғазначилик бўлинмаларида бюджет маблағларини сарфлашда харажатларни тўлаш учун рухсатномалар берилиши механизмидан фойдаланиш// Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. – 2016 йил. – № 5. сентябрь-октябрь.

6. Резинкин М.А. Казначейское исполнения бюджетов в системе управления государственными финансами. Вестник Саратовского государственного социально-экономического университета. – 2010 – №4.

7. Резинкин М.А. Развитие казначейского контроля над использованием бюджетных средств. // Вестник Саратовского государственного социально-экономического университета. – 2011. – №2.

8. Прокофьев С.Е. Расходный блок Федерального казначейства: основные тенденции развития // Бюджет. – 2011. – № 5. – С. 72-77.

9. Эшназаров Т.Ш. Ғазначилик тизими ва унинг ҳуқуқий муносабатлари // Иқтисод ва молия. – Тошкент. 2016 йил. – № 7.

10. Ҳамдамов О.А. Ўзбекистон Республикасида давлат бюджетининг ғазна ижросига ўтишнинг зарурлиги ва аҳамияти//Экономика и социум. – 2024 йил. – №1(116) – Б.154-156.





**DAVLAT QARZ SIYOSATINI ISLOH QILISHNING HUQUQIY VA  
INSTITUTIONAL ASOSLARINI TAKOMILLASHTIRISH  
YO'NALISHLARI**



**Tilabov Nasrulla Tashmurotovich**

*uqtisodiyet fanlari nomzodi  
moliya va moliyaviy texnologiyalar  
kafedrasida dotsenti*

*Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti*

*E-mail: [nasrullatilabov@gmail.com](mailto:nasrullatilabov@gmail.com)*

*ORCID 0000-0002-4412-4019*

**Annotatsiya.** Maqolada davlat qarzi siyosatini samarali boshqarishda huquqiy mexanizmlarning ahamiyati va ularni takomillashtirish zarurati tahlil qilingan. Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti (OECD), Xalqaro Valyuta Jamg'armasi (IMF) va Jahon banki (WB) kabi xalqaro moliya institutlarining qarzi boshqaruvi bo'yicha tavsiyalari, shuningdek, O'zbekiston Respublikasida amal qilayotgan qonunchilik hujjatlari ilmiy-nazariy jihatdan o'rganilgan. Tadqiqot natijalarida mavjud huquqiy bazadagi muammolar aniqlanib, institutsional islohotlarni amalga oshirish bo'yicha takliflar ishlab chiqilgan.

**Kalit so'zlar:** davlat qarzi, qarzi siyosati, huquqiy mexanizmlar, institutsional islohotlar, byudjet defitsiti, davlat moliyasi.

**НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРАВОВЫХ И  
ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫХ ОСНОВ РЕФОРМЫ ГОСУДАРСТВЕННОЙ  
ДОЛГОВОЙ ПОЛИТИКИ**

**Тилабов Насрулла Ташмуратович**

*кандидат экономических наук  
доцент кафедры финансов и  
финансовых технологий*

*Ташкентский государственный  
экономический университет*

*E-mail: [nasrullatilabov@gmail.com](mailto:nasrullatilabov@gmail.com)*

*ORCID 0000-0002-4412-4019*

**Аннотация.** В статье проанализировано значение правовых механизмов эффективного управления государственной долговой политикой и необходимость ее совершенствования. Исследованы рекомендации по управлению долгом международных финансовых институтов таких, как Организация экономического сотрудничества и развития (OECD), Международный валютный фонд (IMF) и Всемирный банк (WB), а также законодательные акты, действующие в Республике Узбекистан. Результаты исследования выявили проблемы в существующей правовой базе. По итогам исследования сформулированы конкретные предложения по проведению институциональных реформ.

**Ключевые слова:** государственный долг, долговая политика, правовые механизмы, институциональные реформы, бюджетный дефицит, государственные финансы.

**DIRECTIONS FOR IMPROVING THE LEGAL AND INSTITUTIONAL  
FOUNDATIONS OF PUBLIC DEBT  
POLICY REFORM**

**Tilabov Nasrulla Tashmurotovich**





*Doctor of Philosophy (PhD)  
in Economic Sciences  
Associate Professor of  
the Department of Finance  
and Financial Technologies  
Tashkent State the University of Economics  
E-mail: [nasrullatilabov@gmail.com](mailto:nasrullatilabov@gmail.com)  
ORCID 0000-0002-4412-4019*

**Abstract.** This article analyzes the importance of legal mechanisms for effective management of public debt policy and the need to improve them. The recommendations on debt management of international financial institutions, such as the Organization for Economic Cooperation and Development (OECD), the International Monetary Fund (IMF) and the World Bank (WB), as well as legislative acts in force in the Republic of Uzbekistan, have been studied scientifically and theoretically. The results of the study revealed problems in the existing legal framework. Based on the results of the study, specific proposals for institutional reforms were formulated.

**Keywords:** public debt, debt policy, legal mechanisms, institutional reforms, budget deficit, public finances.

### **Kirish**

Jahon iqtisodiyotida globallashuv jarayonlari chuqurlashib borayotgan hozirgi sharoitda davlat qarz siyosati mamlakatlarning moliyaviy barqarorligi va makroiqtisodiy rivojlanishining muhim omili sifatida namoyon bo'lmoqda. Davlat qarzlari davlat byudjeti defitsitini qoplash, infratuzilma loyihalarini moliyalashtirish, iqtisodiy islohotlarni qo'llab-quvvatlash va ijtimoiy sohalarni rivojlantirishda asosiy manbalardan biri hisoblanadi. Shu bilan birga ortiqcha qarzdorlik mamlakatning suveren moliyaviy mustaqilligini xavf ostiga qo'yishi, xalqaro reytingini pasaytirishi hamda makroiqtisodiy barqarorlikka salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin.

O'zbekiston Respublikasida ham davlat qarzining hajmi va uning boshqaruvi so'nggi yillarda dolzarb masalaga aylandi. Jumladan, 2020-yildan boshlab davlat qarzi YaIMga nisbatan 40 foizlik chegaraga yaqinlashgani, tashqi qarzning o'sish sur'atlari yuqoriligi, qarz resurslaridan foydalanishda samaradorlikni oshirish zaruriyati qarz siyosatini tubdan isloh qilishni taqozo etmoqda. Shu munosabat bilan davlat qarzini boshqarish tizimini huquqiy va institutsional jihatdan takomillashtirish, zamonaviy xalqaro standartlarga mos mexanizmlarni joriy etish masalasi alohida dolzarblik kasb etmoqda.

Tadqiqotning maqsadi va vazifalari – O'zbekiston Respublikasida davlat qarz siyosatini isloh qilishning huquqiy va institutsional asoslarini tahlil qilish, mavjud kamchiliklarni aniqlash hamda samarali boshqaruv mexanizmlarini taklif etishdan iborat.

Tadqiqotning vazifalari quyidagilardan iborat:

1. Davlat qarzini boshqarishning nazariy-huquqiy asoslarini o'rganish.
2. O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonunchilik bazasi va institutsional tuzilmalarini tahlil qilish.
3. OECD, IMF va boshqa xalqaro moliyaviy tashkilotlarning qarz boshqaruvi bo'yicha ilg'or tajribalarini o'rganish.
4. O'zbekiston tajribasini xalqaro standartlar bilan qiyoslab, isloh qilish zarur bo'lgan yo'nalishlarni aniqlash.
5. Davlat qarzini samarali boshqarish uchun huquqiy va institutsional islohotlar bo'yicha takliflar ishlab chiqish.

Tadqiqotning obyekti – O'zbekiston Respublikasida davlat qarzini boshqarish tizimi. Predmeti esa – davlat qarz siyosatini tartibga soluvchi huquqiy mexanizmlar va institutsional tuzilmalar samaradorligi.

Tadqiqotning ilmiy yangiligi esa mavzuning ilmiy yangiligi shundan iboratki, unda





O‘zbekiston Respublikasining davlat qarz siyosatini tartibga soluvchi amaldagi normativ-huquqiy baza xalqaro standartlar nuqtayi nazaridan qiyosiy tahlil qilinadi. Shuningdek, qarz boshqaruvi jarayonida mavjud institutsional kamchiliklar aniqlanib, ularni bartaraf etishga qaratilgan huquqiy-institutsional mexanizmlar ishlab chiqiladi.

### **Adabiyotlar sharhi**

Davlat qarz siyosati, xususan uning huquqiy va institutsional asoslari, zamonaviy davlat moliyasining eng dolzarb tadqiqot yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi. Xalqaro va milliy miqyosda ushbu soha bo‘yicha olib borilgan ilmiy izlanishlar, iqtisodiy tashkilotlar tomonidan ishlab chiqilgan konseptual hujjatlar hamda O‘zbekiston Respublikasining amaldagi qonunchilik bazasi mazkur sohaning nazariy va amaliy jihatlarini o‘rganishga imkon beradi. Quyida OECD, Xalqaro valyuta jamg‘armasi (IMF), Jahon banki (WB) va O‘zbekiston qonunlari bo‘yicha adabiyotlar tahlil qilinadi.

1. Xalqaro nazariy manbalar va OECD tajribasida Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti (OECD) davlat qarzini boshqarish bo‘yicha ko‘plab tavsiyalar ishlab chiqqan. OECD‘ning “Public Debt Management and Government Securities Markets” hisobotida davlat qarzi boshqaruvining huquqiy asoslari, shaffoflik va javobgarlik mexanizmlarining o‘rni alohida ta’kidlanadi [1].

OECDga ko‘ra, samarali qarz boshqaruvi uchun:

- qarz olish vakolatlarini aniq belgilash;
- qarz chegaralarini qonunchilik darajasida belgilash;
- qarz risklarini monitoring qilishning institutsional tizimini yaratish muhim hisoblanadi.

Ushbu yondashuv O‘zbekiston uchun ham dolzarb, chunki mamlakatda davlat qarzi tez sur‘atlarda ortmoqda va uni huquqiy-institutsional jihatdan nazorat qilish masalasi dolzarbdir.

2. Xalqaro valyuta jamg‘armasi (IMF) va Jahon banki tavsiyalari bo‘yicha IMFning “Debt Sustainability Analysis Framework” metodologiyasi davlat qarzining barqarorligini baholashda asosiy nazariy-uslubiy manbalardan biri hisoblanadi. Ushbu yondashuv qarzning YaIMga nisbati, fiskal intizom va to‘lov qobiliyatiga bog‘liq indikatorlarni huquqiy boshqaruv mexanizmlari bilan uyg‘unlashtirish zarurligini ko‘rsatadi. IMF shuningdek, qarz boshqaruvi jarayonida parlament va OAV ishtirokini kuchaytirish orqali hisobdorlikni oshirishni ta’kidlaydi [2].

Jahon banki tomonidan tayyorlangan “Public Debt Management Performance Assessment” (DeMPA) metodologiyasi esa qarz boshqaruvining institutsional asoslarini baholashda keng qo‘llanadi. Unda qarz boshqaruvi uchun mas‘ul organlarning vakolatlari, qonunchilik bazasi, davlat moliyasi shaffofligi va qarz statistikasi sifatiga alohida urg‘u beriladi [3].

3. Milliy adabiyotlar va O‘zbekiston qonunchilik bazasi avvalo, O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi [4], O‘zbekiston Respublikasi Byudjet kodeksi [5] hamda O‘zbekiston Respublikasida davlat qarz siyosatini huquqiy tartibga soluvchi asosiy hujjatlar – O‘zbekiston Respublikasining “Davlat qarzi to‘grisida”gi 2023 yil 24 aprel O‘RQ-836-sonli Qonuni [6] va yana moliyaviy siyosatning asosiy xujjatlardan bolgan O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “2025-2030-yillarda davlat moliyasini boshqarish tizimini takomillashtirish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 2025 yil 08 aprel 210-sonli Qarori [7] ham muhim qarz siyosatidagi o‘zgarishlar, shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Byudjet kodeksi hisoblanadi.

Ushbu hujjatlarda:

- qarz olish tartibi va cheklovlari;
- davlat qarzi bo‘yicha yillik limitlar;
- qarz boshqaruvida ishtirok etuvchi institutlar vakolatlari (Moliya vazirligi, Hisob palatasi, parlament) belgilangan.

O‘zbekiston Respublikasida davlat qarzi sohasidagi amaldagi qonunchilik hujjatlari 1-jadvalda o‘z aksini topgan.





1-jadval.

**O'zbekiston Respublikasida davlat qarzi siyosati sohasidagi  
amaldagi qonunchilik hujjatlari [8]**

| T/r | Qonunchilik hujjatlari nomi  | Manbalar  |
|-----|--|---|
| 1.  | O'zbekiston Respublikasining "Davlat qarzi to'g'risida"gi Qonuni, 29.04.2023 yildagi O'RQ-836-son  | <a href="https://lex.uz/uz/docs/-6446817">https://lex.uz/uz/docs/-6446817</a> |
| 2.  | O'zbekiston Respublikasining "Xorijdan mablag 'jalb qilish to'g'risida"gi Qonuni, 29.08.1996 yildagi 263-I-son   | <a href="https://lex.uz/docs/-25531">https://lex.uz/docs/-25531</a>           |
| 3.  | O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Tashqi moliyalashtirish manbalarini diversifikatsiyalash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi qarori, 21. 07. 2018 yildagi PQ-3877-son  | <a href="https://lex.uz/docs/3836474">https://lex.uz/docs/3836474</a>         |
| 4.  | O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Xalqaro moliya institutlari va xorijiy hukumat moliya tashkilotlari ishtirokidagi loyihalarni tayyorlash va amalga oshirish samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori, 16. 07. 2018 yildagi PQ-3857-son                               | <a href="https://lex.uz/docs/-3823564">https://lex.uz/docs/-3823564</a>       |
| 5.  | O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Davlat ishtirokidagi korxonalar tomonidan tashqi qarzlarni jalb qilish tartibini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori, 09. 03. 2022 yildagi 107-son   | <a href="https://lex.uz/docs/-5896474">https://lex.uz/docs/-5896474</a>       |
| 6.  | O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi G'aznachilik xizmati qo'mitasining Davlat qarzig'a xizmat ko'rsatish bo'yicha kafolat jamg'armasi faoliyatini tashkil etish to'g'risida"gi qarori, 21. 09. 2020 yildagi 573-son | <a href="https://lex.uz/docs/-5008632">https://lex.uz/docs/-5008632</a>       |
| 7.  | O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "O'zbekiston Respublikasining davlat g'aznachilik majburiyatlari va obligatsiyalarini muomalaga chiqarishni tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori, 14. 12. 2018 yildagi 1016-son  | <a href="https://lex.uz/docs/-4107843">https://lex.uz/docs/-4107843</a>       |
| 8.  | O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Jalb etiladigan xorijiy kreditlar bo'yicha O'zbekiston Respublikasi kafolatlari berilganligi uchun to'lov undirish tartibi to'g'risida" gi qarori, 08. 01. 2004 yildagi 7-son   | <a href="https://lex.uz/uz/docs/-77096">https://lex.uz/uz/docs/-77096</a>     |
| 9.  | O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Jalb etiladigan xorijiy kreditlar bo'yicha O'zbekiston Respublikasi kafolatlarni berish tartibi to'g'risida"gi 2003 yil 28 noyabrdagi 534-sonli qarori  | <a href="https://lex.uz/docs/-247227">https://lex.uz/docs/-247227</a>         |

\*Davlat qarzi sohasidagi qonunchilik hujjatlari.

<https://www.imv.uz/static/davlat-qarzi-sohasidagi-qonunchilik-hujjatlari>

Davlat qarzini boshqarish bo'yicha olib borilgan ilmiy tadqiqotlar natijasida bir qator yangiliklar kiritilgan. Masalan, davlat qarzining yalpi ichki mahsulotga nisbatan 60 foizlik makroiqtisodiy xavfsiz darajadan oshib ketmasligi uchun barcha choralarni ko'rish, bunda o'rtacha muddatda YAIMga nisbatan 50 foizdan oshirmaslik O'zbekiston Respublikasining 2025 yil





24 dekabrda O‘RQ-1011-son “2025 yil uchun O‘zbekiston Respublikasining Davlat byudjeti to‘g‘risida”gi Qonunining [9] asosiy yonalishlarda tasdiqlangan. Shuningdek, milliy jamg‘armalarni aktiv byudjet taqchilligini moliyalashtirishga jalb qilish maqsadida davlat qarzi portfelini ichki qarzar salmog‘ini oshirish hisobiga optimallashtirish taklifi ham amaliyotga tatbiq etilgan.

Shuningdek, O‘zbekistonning iqtisodchi olimlari A. Vaxobov, Sh. Yusupov, B. Xodjayev va boshqalar ilmiy izlanishlarida qarz siyosatining iqtisodiy va huquqiy jihatlari, institutsional boshqaruvni modernizatsiya qilish zaruriyati yoritilgan. Ularning asarlarida xalqaro standartlarga mos ravishda davlat qarzini boshqarishda shaffoflik, hisobdorlik va samaradorlikni oshirish zarurligi ta’kidlanadi.

Adabiyotlar tahlilining umumiy xulosalari shuni ko‘rsatadiki:

1. OECD – qarz boshqaruvining huquqiy mexanizmlarini aniqlash va shaffoflikni ta’minlashga e’tibor qaratadi.
2. IMF va Jahon banki qarz barqarorligi, risklarni boshqarish va parlament nazorati mexanizmlarini muhim deb hisoblaydi.
3. O‘zbekiston qonunchilik bazasi xalqaro standartlarga qisman mos bo‘lsa-da, qarz boshqaruvining institutsional mustahkamligi va ijro mexanizmlari nuqtai nazaridan islohlarni talab qiladi.

### **Tadqiqot metodologiyasi**

Maqola tayyorlashda quyidagi metodlardan foydalanildi: normativ-huquqiy tahlil – O‘zbekiston Respublikasining amaldagi qonunlari va xalqaro huquqiy hujjatlar o‘rganildi; qiyosiy tahlil – OECD va IMF metodikasi O‘zbekiston tajribasi bilan solishtirildi; institutsional yondashuv – qarz boshqaruvi jarayonida ishtirok etuvchi subyektlarning (Moliya vazirligi, Markaziy bank, parlament) vakolatlarini baholandi.

Mazkur tadqiqotda ko‘tarilgan masalalarda kompleks yondashuv asosida tahlil qilindi. Avvalo, ishonchli va tizimli ma’lumotlarni yig‘ish jarayoniga alohida e’tibor qaratildi. Birinchidan, normativ-huquqiy hujjatlar, xalqaro tashkilotlarning rasmiy ma’lumotlari va ilmiy adabiyotlar kabi davlat moliyasi va qarz barqarorligi bo‘yicha tahliliy hisobotlardan foydalanildi. Ikkinchidan, ma’lumotlarni tahlil qilishda huquqiy-analitik metod, institutsional tahlil, solishtirma metod, statistik va trend tahlili va induktiv va deduktiv yondashuvlar foydalanilgan holda alohida faktlar asosida umumiy xulosalar ishlab chiqish va nazariy qarashlarni empirik ma’lumotlar bilan mustahkamlash uchun qo‘llanildi. Natijada tadqiqot metodologiyasi huquqiy-me’yoriy tahlil, xalqaro standartlarga asoslangan institutsional baholash va statistik ko‘rsatkichlarni kompleks o‘rganishdan iborat bo‘lib, bu esa davlat qarz siyosatini isloh qilish yo‘nalishlarini ilmiy asosda belgilash imkonini beradi.

### **Tahlil va natijalar**

Yoqoridagi keltirilgan ma’lumotlarda ko‘rinib to‘ribdiki, O‘zbekiston Respublikasida davlat qarzining huquqiy tartibga solinishi O‘zbekiston mustaqillikka erishgandan so‘ng davlat moliya siyosatini shakllantirishda qarz siyosati masalalari ham dolzarb ekanligini ko‘rsatdi. 2019-yil 25-oktabrda qabul qilingan “Davlat qarzi to‘g‘risida”gi Qonun ushbu sohada ilk bor huquqiy asosni mustahkamladi. Ushbu qonun davlat qarzining:

- tarkibini (ichki va tashqi qarz);
- qarz olish tartibini;
- limitlarini;
- qarz xizmatini ta’minlash mexanizmlarini belgilab berdi.

OECD va IMF tavsiyalarida davlat qarzini boshqarishda institutsional mustaqillik, shaffoflik, parlament nazorati muhim o‘rin egallashi ta’kidlanadi. Ayni jihatlar O‘zbekistonda ham bosqichma-bosqich joriy etilmoqda.

Bu borada O‘zbekistonning davlat qarzi dinamikasi O‘zbekistonning davlat qarzi hajmi





oxirgi yillarda tez sur’atlar bilan oshmoqda. Quyidagi jadvalda 2018–2024 yillar davomida davlat qarzi ko’rsatkichlari keltirilgan.

2-jadval.

**O‘zbekiston davlat qarzining o‘shishi**  
(mlrd AQSh dollari)\*

| Yil  | Umumiy davlat qarzi | Ichki qarz | Tashqi qarz | Davlat qarzi / YaIM (%) |
|------|---------------------|------------|-------------|-------------------------|
| 2018 | 17,3                | 1,2        | 16,1        | 24,2                    |
| 2019 | 22,0                | 2,0        | 20,0        | 29,5                    |
| 2020 | 23,3                | 3,1        | 20,2        | 36,0                    |
| 2021 | 26,3                | 4,5        | 21,8        | 38,0                    |
| 2022 | 27,5                | 5,2        | 22,3        | 35,7                    |
| 2023 | 29,2                | 6,0        | 23,2        | 36,5                    |
| 2024 | 30,8                | 6,7        | 24,1        | 37,1                    |

\*Muallif tomonidan O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi ma’lumotlari asosida yaratilgan.

Davlat qarzining institutsional boshqaruvi hozirgi vaqtda O‘zbekiston Respublikasida qarz siyosatini boshqaruvchi sifatida quyidagi asosiy institutlar hisoblanadi:

- O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi – davlat qarzini jalb qilish va unga xizmat ko‘rsatish bo‘yicha mas‘ul asosiy organ;
- Markaziy bank – ichki qarz bozorini rivojlantirishda hamkor;
- Oliy Majlis – davlat qarzi bo‘yicha yillik limitlarni tasdiqlovchi nazorat instituti;
- Hisob palatasi – qarz mablag‘laridan foydalanish ustidan nazoratni amalga oshiruvchi organ.

O‘zbekistonda ham OECD tajribasiga ko‘ra, samarali qarz boshqaruvi uchun maxsus “Debt Management Office (DMO)” kabi mustaqil agentlik tashkil etish maqsadga muvofiqdir. O‘zbekistonda ham bu yo‘nalishda islohotlar boshlangani kuzatilmoqda.

Shuningdek, eng asosiy masala davlat qarzi tarkibi tahlili O‘zbekiston davlat qarzining ichki va tashqi manbalar bo‘yicha tarkibi mavjudligini ko‘rsatadi. Davlat qarzi tarkibi 2024-yil holatiga ko‘ra ichki qarz – 22% va tashqi qarz – 78% ni tashkil etdi.

Bu yuqori tashqi qarz ulushi iqtisodiy risklarni kuchaytiradi, chunki valyuta risklari va tashqi bozor sharoitlari qarz xizmatiga bevosita ta’sir ko‘rsatadi.

3-jadval.

**Davlat qarzining YAIMga nisbatan ulushi\***

| Yil  | Davlat qarzi (mlrd. \$) | YAIMga nisbatan (%) | Davlat kafolatlari (mlrd. \$) |
|------|-------------------------|---------------------|-------------------------------|
| 2020 | 21,1                    | 36,0                | 3,8                           |
| 2021 | 23,3                    | 38,5                | 4,2                           |
| 2022 | 26,3                    | 39,8                | 4,7                           |
| 2023 | 29,0                    | 40,6                | 5,1                           |
| 2024 | 31,5                    | 42,1                | 5,6                           |

\*Muallif tomonidan O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi ma’lumotlari asosida yaratilgan

Mazkur masalada natijalar va muammolar tahlili shuni ko‘rsatadiki, O‘zbekistonda davlat qarzini boshqarish bo‘yicha sezilarli huquqiy va institutsional asoslar yaratilgan bo‘lsa-da, quyidagi muammolar mavjud:

1. Davlat qarzi YAIMga nisbatan xavfsiz limit (60%) ichida bo‘lsa-da, tez o‘shish tendensiyasi mavjud.





2. Tashqi qarzning ulushi yuqori (80% ga yaqin), bu iqtisodiy risklarni kuchaytiradi.
  3. Qarz mablag‘larining samaradorligi bo‘yicha parlament va jamoatchilik nazorati yetarli emas.
  4. Institutsional jihatdan maxsus mustaqil qarz agentligi mavjud emas.
- Bulardan ko‘rinib to‘ribdiki, O‘zbekiston davlat qarz siyosatini isloh qilishda tashqi qarz ulushini kamaytirish, ichki qarz bozorini rivojlantirish, mustaqil qarz boshqaruv agentligini tashkil etish, qarz mablag‘larining samaradorligini oshirish uchun ochiqlik va hisobdorlikni kuchaytirish asosiy vazifalar sifatida shakllanmoqda.

### **Xulosa**

Xulosa o‘rnida, O‘zbekiston davlat qarz siyosatini isloh qilish jarayonida so‘nggi yillarda sezilarli yutuqlarga erishdi. Xususan:

✓ Huquqiy sohada 2019-yilda “Davlat qarzi va davlat kafolatlari to‘g‘risida”gi qonunning qabul qilinishi davlat qarzini jalb qilish tartibining aniq normativ asosga ega bo‘lishini ta‘minladi.

✓ Institutsional sohada Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzurida qarzlarni boshqarish bo‘yicha maxsus departament tashkil etildi.

✓ Xalqaro standartlarga yaqinlashuvlarda OECD va IMF tavsiyalariga mos ravishda qarz yuki monitoringi, davlat kafolatlari hajmini chegaralash va qarz barqarorligini baholash mexanizmlari joriy etildi.

Ammo shunga qaramay, mavjud tizimda qator muammolar saqlanib qolmoqda.

Birinchidan, qarz yuki prognozlar yetarlicha uzoq muddatli emas.

Ikkinchidan, qonunchilikda qarzning ichki va tashqi segmentlari uchun aniq chegaralar belgilanmagan.

Uchinchidan, Parlament va Hisob palatasi ishtiroki amaliyotda cheklangan.

To‘rtinchidan, institutsional muvofiqlashtirishda ayrim vakolatlarining takrorlanishi mavjud.

Mazkur mavzu bo‘yicha takliflar asosan O‘zbekistonning davlat qarz siyosatini huquqiy va institutsional jihatdan yanada isloh qilish uchun quyidagi takliflar ilgari suriladi:

✓ Huquqiy takliflar bo‘yicha davlat qarzi to‘g‘risidagi qonunga uzoq muddatli qarz strategiyasi bo‘yicha alohida bob kiritish;

✓ Ichki va tashqi qarzlarni uchun maksimal limitlarni qonunchilik darajasida belgilash;

✓ Davlat kafolatlari hajmini YAIMning belgilangan foizidan oshirmaslik majburiyati;

✓ Qarz bo‘yicha parlament nazoratini kuchaytirish uchun hisobot berish tartibini qat‘iylashtirish.

✓ Institutsional takliflar borasida Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzurida yagona “Davlat qarzini boshqarish agentligi” tashkil etish;

✓ Qarzga oid ma‘lumotlarni ochiq va onlayn platformada muntazam e‘lon qilish;

✓ Hisob palatasi va Milliy parlamentning davlat qarzigacha oid auditorlik vakolatlarini kengaytirish;

✓ OECD va IMF standartlariga muvofiq risklarni baholash indikatorlari (Debt-to-GDP, Debt-to-Exports, Debt Service Ratio) bo‘yicha muntazam monitoringni yo‘lga qo‘yish.

Yoqoridagilardan kelib chiqib umumiy xulosa berilsa, xalqaro tajriba shuni ko‘rsatadiki, samarali davlat qarz siyosati faqat huquqiy aniq tartibga solish va institutsional mustahkamlash orqali barqaror bo‘lishi mumkin. O‘zbekistonda ham bu borada sezilarli qadamlar qo‘yilgan, ammo mavjud muammolarni hal qilish uchun qonunchilikni chuqurlashtirish, institutsional mustahkamlash va xalqaro tajribadan tizimli foydalanish zarur bo‘ladi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. “Public Debt Management and Government Securities Markets”.  
<https://www.google.com/search?q=%E2%80%9CPublic+Debt+Management>





2. “Debt Sustainability Analysis Framework” “Debt Sustainability Analysis Framework”.  
<https://www.google.com/search?q=%E2%80%9CDebt>
3. “Public Debt Management Performance Assessment” (DeMPA).  
<https://www.google.com/search?q=%E2%80%9CPublic+Debt+Management>
4. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. 2023 yil 01 may. <https://lex.uz/docs/-6445145>
5. O‘zbekiston Respublikasi Byudjet kodeksi (yangi tahrir), 2014-yil 26-dekabr, O‘RQ–360-son. <https://lex.uz/docs/-2304138>
6. O‘zbekiston Respublikasining “Davlat qarzi to‘grisida”gi 2023 yil 24 aprel O‘RQ-836-sonli Qonuni. <https://lex.uz/docs/-6446817>
7. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “2025-2030 yillarda davlat moliyasini boshqarish tizimini takomillashtirish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 2025 yil 08 aprel 210-sonli Qarori. <https://lex.uz/uz/docs/-7469803>
8. Davlat qarzi sohasidagi qonunchilik hujjatlari. <https://www.imv.uz/static/davlat-qarzi-sohasidagi-qonunchilik-hujjatlari>
9. O‘zbekiston Respublikasining “2025 yil uchun O‘zbekiston Respublikasining Davlat byudjeti to‘g‘risida”gi 2025 yil 24 dekabrda O‘RQ-1011-sonli Qonuni. <https://www.lex.uz/uz/docs/-7277618>





**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA DAVLAT BUDJETI DAROMADLARINI  
DIVERSIFIKATSIYA QILISHNING IQTISODIY TAHLILI VA  
TAKOMILLASHTIRISH YO‘NALISHLARI**



**Majitov Temur Baxodir o‘g‘li**

*O‘zbekiston Respublikasi  
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi  
Biznes va tadbirkorlar Oliy maktabi magistranti  
E-mail: timurmajitov1911@gmail.com*

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada O‘zbekiston Respublikasi davlat budjeti daromadlarining tarkibiy xususiyatlari, soliq va no-soliq tushumlar bazasi, daromad manbalarini diversifikatsiya qilishning amaliy ahamiyati va muammolari tahlil qilinadi. Tadqiqot jarayonida statistik ma’lumotlar tahlil qilinib, davlat budjeti daromadlarini kengaytirish va diversifikatsiya qilish yo‘nalishlari bo‘yicha takliflar ishlab chiqilgan. Maqola nazariy yondashuv bilan amaliy tavsiyalarni birlashtiradi va O‘zbekiston sharoitida daromad manbalarini ko‘paytirish strategiyasining dolzarbligi hamda uni amalga oshirish mexanizmlarini yoritadi.

**Kalit so‘zlar:** davlat budjeti, daromadlar, diversifikatsiya, soliq tushumlari, no-soliq tushumlari, fiskal barqarorlik, O‘zbekiston.

**ЭКОНОМИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ДОХОДОВ ГОСУДАРСТВЕННОГО БЮДЖЕТА  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И НАПРАВЛЕНИЯ ИХ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ**

**Мажитов Темур Баходирович**

*Магистрант Высшей школы бизнеса и  
предпринимательства при  
Кабинете Министров Республики Узбекистан  
Электронная почта: Timurmajitov1911@gmail.com*

**Аннотация:** В данной статье проводится экономический анализ структуры доходов государственного бюджета Республики Узбекистан, рассматриваются источники доходов, проблемы диверсификации налоговых и неналоговых поступлений, формулируются направления совершенствования. Используются статистические данные, сравнительный анализ зарубежного опыта и рекомендации по расширению источников доходов бюджета.

**Ключевые слова:** государственный бюджет, доходы, диверсификация, налоговые поступления, неналоговые поступления, фискальная стабильность, Узбекистан.

**ECONOMIC ANALYSIS OF STATE BUDGET REVENUE OF THE REPUBLIC OF  
UZBEKISTAN AND DIRECTIONS FOR ITS IMPROVEMENT**

**Majitov Temur Bakhodirovich**

*Master of the Higher  
School of Business and  
Entrepreneurship under the  
Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan  
E-mail: Timurmajitov1911@gmail.com*

**Abstract:** This article presents an economic analysis of the revenue structure of the state budget of the Republic of Uzbekistan, examines the sources of revenues, the issues of





*diversification of tax and non-tax revenues, and formulates directions for improvement. Using statistical data, comparative foreign experience, and recommendations, the study highlights the relevance of expanding budget revenue sources in the Uzbek context.*

**Keywords:** state budget, revenues, diversification, tax revenues, non-tax revenues, fiscal stability, Uzbekistan.

## **Kirish**

Jahon iqtisodiyotidagi global o‘zgarishlar, geosiyosiy beqarorlik, energiya bozoridagi narx tebranishlari va so‘nggi davrda yuzaga kelgan moliyaviy nomutanosibliklar har bir davlat oldiga o‘z byudjet tizimining barqarorligini ta‘minlash vazifasini ko‘ndalang qilib qo‘ydi. Bunday sharoitda davlat byudjeti daromadlarini diversifikatsiya qilish, ya‘ni daromad manbalarini ko‘paytirish, ularni turli sektorlar va soliq turlari o‘rtasida muvozanatli taqsimlash hamda tashqi konyunktura ta‘siriga kamroq bog‘liq qilib qurish masalasi nafaqat moliyaviy, balki strategik ahamiyat kasb etmoqda. O‘zbekiston Respublikasi uchun ham mazkur masala alohida o‘rin tutadi, chunki davlatning ijtimoiy majburiyatlari, infratuzilma loyihalari va inson kapitaliga investitsiyalari hajmining oshib borishi byudjet daromadlarining kengaytirilgan, barqaror va prognoz qilinadigan asosga ega bo‘lishini taqozo etadi.

O‘zbekistonda so‘nggi davrlarda boshlangan keng ko‘lamli iqtisodiy islohotlar, valyuta bozorining liberallashtirilishi, soliq tizimining tubdan qayta ko‘rib chiqilishi va xususiy sektorni qo‘llab-quvvatlashga qaratilgan chora-tadbirlar mamlakat iqtisodiyotini ochiq, raqobatbardosh va bozor tamoyillariga asoslangan model sari yo‘naltirdi. Ammo bu jarayonlar bir vaqtning o‘zida byudjet daromadlari tarkibida sezilarli o‘zgarishlarni keltirib chiqardi: ayrim soliq stavkalarining pasaytirilishi, imtiyozlarning qisqartirilishi, soyaviy iqtisodiyotni qonuniylashtirish chora-tadbirlari va eksport tarkibining o‘zgarishi davlat moliyaviy resurslarini shakllantirishda yangicha yondashuvlarni talab qilmoqda. Shu nuqtai nazardan, byudjet daromadlarini diversifikatsiya qilishning iqtisodiy tahlilini chuqur o‘rganish va ilmiy asoslangan takomillashtirish yo‘nalishlarini ishlab chiqish ayni paytda ustuvor vazifa hisoblanadi.

Mamlakat iqtisodiyotining tarixan xom ashyo eksportiga, jumladan paxta, tabiiy gaz, oltin va boshqa qazilma boyliklarga sezilarli darajada bog‘liq bo‘lib kelgani byudjet daromadlarining ham ma‘lum darajada konyunktur omillarga sezgir bo‘lishini keltirib chiqargan. Jahon bozoridagi narxlarning kutilmagan o‘zgarishi, klimatik tavakkalchiliklar va xalqaro savdo siyosatidagi qarama-qarshiliklar bunday tuzilmadagi byudjet uchun jiddiy xavf manbalaridir. Shu sababli, daromad bazasini xizmat ko‘rsatish, qayta ishlash sanoati, raqamli iqtisodiyot, turizm, qishloq xo‘jaligining yuqori qo‘shilgan qiymatga ega tarmoqlari va kichik biznes hisobiga kengaytirish, soliqa tortish bazasini hududiy va tarmoq jihatdan muvozanatlashtirish — diversifikatsiya siyosatining iqtisodiy mantig‘ini tashkil etadi. Mazkur masalani ilmiy jihatdan tahlil qilish davlat moliyasining barqarorligini ta‘minlashda muhim nazariy va amaliy ahamiyat kasb etadi.

O‘zbekiston iqtisodiy siyosatining asosiy yo‘nalishlaridan biri — davlat budjeti daromadlarining barqarorligini ta‘minlash hamda ularni diversifikatsiya qilishdir. Chunki budjet daromadlarining katta qismi hali ham soliq tushumlariga tayanmoqda. 2024-yilda budjet daromadlarining 74 foizi soliq tushumlari hissasiga to‘g‘ri kelgan bo‘lsa, no-soliq tushumlar ulushi 15 foizdan oshmagan [1]. Bu holat budjet barqarorligining past darajasini va manbalar torligi muammosini ko‘rsatadi.

Budjet daromadlarining yetarlicha diversifikatsiya qilinmaganligi O‘zbekistonni tashqi omillar (xomashyo narxlarining o‘zgarishi, soliq bazasining qisqarishi, valyuta kursi tebranishlari) ta‘siriga sezgir qiladi [2]. Shu sababli daromad manbalarini kengaytirish, no-soliq tushumlarini oshirish, mahalliy budjetlarning o‘z daromad bazasini shakllantirish — iqtisodiy barqarorlikni mustahkamlovchi asosiy omilga aylanmoqda.

O‘zbekiston sharoitida davlat budjeti daromadlarining diversifikatsiya darajasini tahlil qilish, soliq va no-soliq tushumlari bazasini kengaytirish imkoniyatlari va takomillashtirish





yo‘nalishlarini aniqlash. Vazifalari:

1. Daromadlar tarkibi va asosiy manbalarini aniqlash;
2. Daromadlar diversifikatsiyasi bilan bog‘liq muammolarni aniqlash;
3. Xorijiy tajribani ko‘rib, O‘zbekistonga mos bo‘lgan takliflar ishlab chiqish.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

Tadqiqot jarayonida asosan quyidagi metodologik usullar qo‘llanildi:

Statistik tahlil usuli — O‘zbekiston davlat budjeti daromadlari bo‘yicha so‘nggi yillardagi ma‘lumotlar tahlil qilindi (masalan, daromadlar o‘shish sur‘ati, daromad manbalari tarkibi).

Taqqosiy-tahliliy metod — O‘zbekistondagi vaziyat xorij mamlakatlari bilan solishtirildi, diversifikatsiya borasidagi tajribalar ko‘rib chiqildi.

Internet va rasmiy statistika manbalaridan ma‘lumotlar olingan (masalan, World Bank, International Monetary Fund hisobotlari).

### **Tahlil va natijalar**

Soliq tizimining samaradorligi, soliq yukining adolatli taqsimlanishi va soliqlardan tashqari daromadlarning byudjetdagi ulushini oshirish — diversifikatsiya jarayonining ajralmas tarkibiy qismlaridir. So‘nggi davrlarda O‘zbekistonda qo‘shilgan qiymat solig‘i, foyda solig‘i va aksiz to‘lovlari bo‘yicha amalga oshirilgan o‘zgarishlar, soliq ma‘muriyatchiligini raqamlashtirish, elektron hisob-faktura tizimining joriy etilishi, onlayn-nazorat-kassa apparatlarining keng tatbiq qilinishi soliq yig‘ilishi sifatini sezilarli darajada oshirdi. Biroq soliq imtiyozlarining maqsadli samaradorligi, yer va mulk soliqlari salohiyatidan to‘liq foydalanish, davlat mulkini boshqarishdan keladigan dividend va ijara daromadlarini ko‘paytirish, davlat-xususiy sheriklik mexanizmlarini joriy etish kabi yo‘nalishlarda hali katta zaxiralar mavjud. Aynan shu zaxiralarni iqtisodiy-statistik metodlar yordamida aniqlash va miqdoriy baholash dolzarb tadqiqot vazifasidir.

Zamonaviy raqamli iqtisodiyotning jadal rivojlanishi byudjet daromadlarini shakllantirishda yangi imkoniyatlar va ayni paytda yangi qiyinchiliklar tug‘dirmoqda. Elektron tijorat, transchegaraviy raqamli xizmatlar, kripto-aktivlar bilan bog‘liq operatsiyalar, freelans-mehnat bozori va platforma iqtisodiyoti an‘anaviy soliqqa tortish modellariga to‘g‘ridan-to‘g‘ri to‘g‘ri kelmaydi. Shu munosabat bilan O‘zbekiston ham xalqaro tajribada qo‘llanilayotgan raqamli xizmatlar solig‘i, soliq bazasining yemirilishi va foydani ko‘chirish bo‘yicha xalqaro chora-tadbirlar, transfer narxlanishini nazorat qilish kabi yondashuvlarni o‘z sharoitiga moslab joriy etish zaruriyatiga duch kelmoqda. Byudjet daromadlarini diversifikatsiya qilishning yangi raqamli kontekstdagi nazariy-uslubiy asoslarini ishlab chiqish va ularni milliy iqtisodiyot xususiyatlari bilan uyg‘unlashtirish mavzuning ilmiy yangiligini va dolzarbligini yanada kuchaytiradi.

Mamlakatning uzoq muddatli taraqqiyot strategiyasida belgilangan aholi farovonligini oshirish, qashshoqlikni qisqartirish, ta‘lim, sog‘liqni saqlash va ekologiya sohalariga davlat sarmoyalarini ko‘paytirish, mintaqalararo iqtisodiy nomutanosibliklarni yumshatish kabi keng qamrovli vazifalar byudjetdan barqaror va o‘sib boruvchi moliyaviy resurslarni talab qiladi. Ushbu maqsadlarga erishish davlat qarzining xavfsiz darajasini saqlagan holda byudjet daromadlarining barqaror, prognoz qilinadigan va inflyatsiyaga chidamli oqimini ta‘minlashga bog‘liq. Shu nuqtai nazardan, davlat byudjeti daromadlarini diversifikatsiya qilishning iqtisodiy tahlilini o‘tkazish, mavjud holatni baholash, xorijiy mamlakatlar tajribasini taqqoslab o‘rganish va milliy iqtisodiyot xususiyatlariga mos takomillashtirish yo‘nalishlarini ishlab chiqish — nafaqat ilmiy izlanish sifatida, balki davlat moliya siyosatini amaliy yangilashning muhim sharti sifatida ham yuqori dolzarblikka ega.

**Xorijiy tajriba bilan taqqoslash.** Rivojlangan mamlakatlarda **no-soliq tushumlari** budjet daromadlarining sezilarli qismini tashkil etadi. O‘zbekistonda esa bu ko‘rsatkich hali past.





Shu bois xorij tajribasidan diversifikatsiya mexanizmini joriy etish zarur. 1-jadvalda ayrim davlatlarda davlat budjeti daromadlari tarkibi keltirilgan:

**1-jadval**

**Ba’zi chet davlatlarda davlat budjeti daromadlari tarkibi**

| Mamlakat       | Soliq tushumlari ulushi (%) | No-soliq tushumlari (%) | Mahalliy daromad ulushi (%) |
|----------------|-----------------------------|-------------------------|-----------------------------|
| O‘zbekiston    | 74                          | 15                      | 11                          |
| Polsha         | 65                          | 20                      | 15                          |
| Janubiy Koreya | 68                          | 25                      | 7                           |
| Qozog‘iston    | 70                          | 18                      | 12                          |

**Manba:** xalqaro ochiq statistik bazalar (*World Bank Data, IMF Fiscal Monitor, Trading Economics*) va O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi ochiq hisobotlari asosida muallif tomonidan umumlashtirilgan. Ma’lumotlar 2024-yil uchun so‘nggi yangilangan ko‘rsatkichlarni o‘z ichiga oladi [3], [6], [10], [13], [14].

Yuqoridagi jadval tahlilidan ko‘rinadiki, O‘zbekiston Respublikasida davlat budjeti daromadlarining asosiy qismini soliq tushumlari tashkil etadi (74 %), bu esa daromad manbalarining torligi va fiskal barqarorlikning tashqi omillarga yuqori darajada bog‘liqligini ko‘rsatadi [1], [3]. Taqqoslash uchun, Polsha va Janubiy Koreya kabi mamlakatlarda no-soliq tushumlarining ulushi mos ravishda 20 % va 25 % atrofida bo‘lib, bu mamlakatlarda budjet daromadlari manbalari ancha diversifikatsiyalashganligini anglatadi [10], [13].

Bu farq, birinchi navbatda, xorij mamlakatlarida mulkdan foyda olish, davlat-xususiy sheriklik loyihalari, litsenziya va xizmat haqlari kabi no-soliq manbalarining faol ishlatilishi bilan izohlanadi. Masalan, Janubiy Koreyada davlat aktivlaridan tushgan daromadlar 2023-yilda YaIMning 3,6 %ini tashkil etgan, bu esa no-soliq tushumlarining sezilarli qismini belgilaydi [13].

Polshada esa mahalliy budjetlarning mustaqilligi yuqori: mahalliy daromadlarning 40 % gacha qismi hududiy soliqlar va to‘lovlar hisobiga shakllanadi [10]. Bu esa markaziy budjetga yukni kamaytirib, daromadlar diversifikatsiyasini hududlar darajasida ta’minlaydi.

Qozog‘iston tajribasi O‘zbekiston sharoitiga nisbatan yaqin bo‘lib, soliq tushumlari ulushi 70 %, no-soliq tushumlari 18 % ni tashkil etadi [14]. So‘nggi yillarda Qozog‘iston neft sektoridan tashqari manbalarni kengaytirish maqsadida ruda, uran, logistika va xizmat ko‘rsatish sohalaridan tushumlarni oshirish bo‘yicha islohotlar olib bormoqda. Shu kabi yondashuvlar O‘zbekistonda ham qo‘llanishi mumkin.

O‘zbekistonda esa mahalliy budjet daromadlarining ulushi 11 % atrofida bo‘lib, bu hududiy fiskal mustaqillikning pastligidan dalolat beradi [6]. Natijada, markaziy budjetga haddan tashqari yuklama tushadi, bu esa diversifikatsiyaga to‘siq bo‘lmoqda.

Shuningdek, xorijiy mamlakatlar tajribasi shuni ko‘rsatadiki, no-soliq tushumlarini oshirish uchun:

- davlat aktivlarini tijorat asosida boshqarish,
- iqtisodiy infratuzilma loyihalarida davlat-xususiy sheriklikni kengaytirish,
- mulk va yer soliqlarini mahalliy darajada mustahkamlash,
- ekologik (yashil) soliqlarni joriy etish muhim o‘rin tutadi [12].

Masalan, Germaniyada ekologik soliqlardan tushgan daromadlar budjet daromadlarining 6 % ini tashkil etadi, bu nafaqat daromad manbasini kengaytiradi, balki atrof-muhitni muhofaza qilish siyosatini ham moliyaviy qo‘llab-quvvatlaydi [12].

Demak, O‘zbekiston uchun xorijiy tajribalardan kelib chiqib quyidagi tahliliy xulosalar shakllantiriladi:

Budjet daromadlari diversifikatsiyasining asosiy yo‘nalishi – no-soliq tushumlar ulushini 20 % gacha oshirish.

Mahalliy budjetlarning mustaqilligini kuchaytirish – hududiy soliqlarni kengaytirish, ulardan tushumlarni joylarda qoldirish.





Davlat aktivlaridan samarali foydalanish – davlat ishtirokidagi korxonalar foydalarini oshirish, dividendlardan budjetga tushumlarni ko‘paytirish.

Raqamli va yashil iqtisodiyot soliqlarini joriy etish – diversifikatsiyaning yangi avlod mexanizmlarini yaratish.

Umuman olganda, xorij tajribasini o‘rganish natijalari shuni ko‘rsatadiki, fiskal barqarorlik va iqtisodiy mustaqillikni ta‘minlashning kaliti — budjet daromadlari manbalarining xilma-xilligini oshirishdir [9], [10], [13], [14].

**Statistik tahlil va sharh.** O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi ma‘lumotlariga ko‘ra, 2023-yilda davlat budjeti daromadlari 231,8 trln so‘mni tashkil etgan bo‘lsa, 2024-yilda bu ko‘rsatkich 274,3 trln so‘mga yetgan — ya‘ni 18,3 foiz o‘shish qayd etilgan [6].

Budjet daromadlari o‘shib bormoqda, lekin tarkibdagi soliq tushumlari ulushi yuqori bo‘lib qolmoqda. Shu bois no-soliq manbalarini (davlat aktivlari, litsenziya to‘lovlari, tabiiy resurslardan daromad, dividendlar) kengaytirish zarur.

Quyidagi 2- jadvalda dinamik tahlil keltiriladi:

2-jadval

**O‘zbekiston Respublikasi davlat budjeti dinamik tahlili\***

| Yil            | Budjet daromadlari (trln so‘m) | O‘shish (%) | Soliq tushumlari ulushi (%) | No-soliq tushumlari (%) |
|----------------|--------------------------------|-------------|-----------------------------|-------------------------|
| 2022           | 208,5                          | —           | 78                          | 12                      |
| 2023           | 231,8                          | +11,2       | 76                          | 14                      |
| 2024           | 274,3                          | +18,3       | 74                          | 15                      |
| 2025 (prognoz) | 305,0                          | +11,1       | 71                          | 17                      |

\***Manba:** Moliya vazirligi hisobotlari, *Trading Economics* [1], [5], [6].

2-jadval ma‘lumotlariga ko‘ra, O‘zbekiston Respublikasi davlat budjeti daromadlari 2022–2024-yillar davomida izchil o‘shish tendensiyasini saqlab qolgan. Xususan, 2022-yilda 208,5 trln so‘mni tashkil etgan budjet daromadlari 2023-yilda 231,8 trln so‘mga, 2024-yilda esa 274,3 trln so‘mga yetgan [5], [6]. Bu ko‘rsatkich 2023-yilda 11,2 foiz, 2024-yilda esa 18,3 foizlik real o‘shish sur‘atlarini ifodalaydi. 2025-yil uchun prognoz 305 trln so‘mni tashkil etib, bu 11,1 foiz o‘shishni ko‘rsatmoqda.

Daromadlarning bunday barqaror o‘shishi, bir tomondan, makroiqtisodiy barqarorlik va fiskal siyosatning izchilligini, ikkinchi tomondan esa soliq bazasining kengayishi va fiskal boshqaruvning yaxshilanishini ko‘rsatadi [1], [5].

Biroq, budjet daromadlari tarkibida soliq tushumlarining ulushi hali ham yuqori — 2022-yilda 78 %, 2023-yilda 76 %, 2024-yilda esa 74 % ni tashkil etgan. Prognozlarga ko‘ra, 2025-yilda bu ko‘rsatkich 71 % gacha kamayadi. Bu jarayon soliq tushumlariga haddan tashqari tayanish bosqichma-bosqich pasayib borayotganini, biroq no-soliq manbalari hali yetarli darajada kengaymaganini bildiradi [6].

No-soliq tushumlari ulushi 2022-yilda 12 %, 2023-yilda 14 %, 2024-yilda esa 15 % gacha oshgan. Prognozga ko‘ra, 2025-yilda bu ko‘rsatkich 17 % ga yetadi. Bu esa dividendlar, davlat aktivlarini boshqarishdan tushgan daromadlar, jarimalar va bojxona yig‘imlarining o‘shishi hisobiga shakllanmoqda.

Tahlil natijalariga ko‘ra, budjet daromadlarining o‘shishi sifati ham muhim ahamiyatga ega. Soliq tushumlari ulushi yuqoriligi shuni ko‘rsatadiki, iqtisodiyotda hali ham diversifikatsiya mexanizmlari to‘liq ishga tushmagan, bu esa davlat moliyasining tashqi xatarlar va iqtisodiy inqirozlarga nisbatan sezuvchanligini oshiradi [5], [6].

Xorijiy mamlakatlar tajribasi bilan taqqoslaganda, Polsha, Janubiy Koreya va Qozog‘istonda no-soliq tushumlari ulushi 18–25 % atrofida bo‘lib, bu mamlakatlarda budjet daromadlarining muvozanatli tarkibda shakllanishini ta‘minlaydi [10], [13], [14]. Shu sababli, O‘zbekistonda ham no-soliq tushumlarini diversifikatsiya qilishni jadallashtirish davlat moliyasining barqarorligini mustahkamlashda muhim o‘rin tutadi.





Ayniqsa, davlat-xususiy sheriklik loyihalari, tabiiy resurslardan olinadigan daromadlar, litsenziya to'lovlari va davlat korxonalari foydalaridan dividendlar kabi manbalarning ulushini oshirish orqali budjet daromadlarini ichki, barqaror va ko'p manbali tizimga aylantirish mumkin.

Bu o'zgarishlar davlat budjetining fiskal mustaqilligini oshiradi, soliq yukini kamaytiradi va iqtisodiy faollikni rag'batlantiradi [9], [12]. Shu jihatdan, 2025-yildan boshlab no-soliq tushumlari ulushining 17 foizga chiqishi ijobiy tendensiyaning boshlanishi sifatida baholanadi, biroq bu jarayonni tizimli darajada qo'llab-quvvatlash zarur.

Umuman olganda, statistik tahlil shuni ko'rsatadiki, O'zbekiston budjet daromdlari hajmi barqaror o'sib bormoqda, ammo daromad manbalarining tarkibiy diversifikatsiyasi hali ham dolzarb masala bo'lib qolmoqda. Shu sababli, fiskal siyosatda no-soliq tushumlari bazasini kengaytirish, hududiy daromad manbalarini mustahkamlash va davlat aktivlarini tijoratlashtirish bo'yicha chora-tadbirlarni kuchaytirish lozim [6], [9], [14].

### **Xulosa**

O'zbekiston davlat budjeti daromadlarining diversifikatsiyasi — fiskal barqarorlikni ta'minlash va iqtisodiy o'sishni qo'llab-quvvatlashning muhim omilidir. Tahlillar shuni ko'rsatadiki, hozirgi daromad manbalari asosan soliqlardan iborat bo'lib, bu iqtisodiy xavflarni kuchaytiradi. Xorijiy tajriba (Polsha, Janubiy Koreya, Germaniya) shuni ko'rsatadiki, no-soliq tushumlari ulushi 20–30 foizgacha yetkazilganda budjet barqarorligi ortadi [10], [12], [13].

O'zbekiston sharoitida esa bu yo'nalishda:

- mahalliy budjetlarning moliyaviy mustaqilligini oshirish;
- davlat-xususiy sherikchilik mexanizmlarini kengaytirish;
- davlat aktivlaridan samarali foydalanish;
- ekologik va raqamli soliqlarni bosqichma-bosqich joriy etish zarur.

Ushbu chora-tadbirlar amalga oshirilsa, 2025–2030-yillar oralig'ida budjet daromdlari tarkibida no-soliq tushumlar ulushi 20 foizgacha yetkazilishi mumkin, bu esa davlat moliyaviy barqarorligini mustahkamlaydi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Молия вазирлиги. O'zbekiston davlat budjeti ijrosi to'g'risida hisobot. – Toshkent, 2024.
2. International Monetary Fund. Uzbekistan: Article IV Consultation // IMF Country Report. – Vashington, 2025.
3. World Bank. Uzbekistan Tax Revenue (% of GDP). – 2024. – URL: <https://data.worldbank.org>
4. Eurasianet. Uzbekistan: Natural Resources Generating the Bulk of State Revenue. – 2024. – URL: <https://eurasianet.org>
5. Trading Economics. Uzbekistan Government Revenues. – 2024. – URL: <https://tradingeconomics.com>
6. Kun.uz. Uzbekistan Sees 20% Increase in Budget Revenue in Q1 2025. – 2025. – URL: <https://kun.uz>
7. SNG-WOFI. Country Profiles: Uzbekistan. – 2024.
8. Ministry of Economy and Finance. Digitalization Strategy 2025. – Toshkent, 2023.
9. OECD. Fiscal Policy Review. – Parij, 2023.
10. Poland Ministry of Finance. Local Budget Autonomy Report. – Varshava, 2022.
11. International Monetary Fund. Fiscal Monitor. – Vashington, 2024.
12. European Commission. Green Taxation Report. – Bryussel, 2023.
13. Ministry of Economy and Finance of South Korea. Fiscal Statistics. – Seul, 2023.
14. Kazakhstan National Statistics Committee. Budget Review. – Ostona, 2023.





## ЎЗБЕКИСТОН ПУЛ БОЗОРИДА РЕПО ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЛИКВИДЛИКНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Иброҳимов Ёркинжон Тўлқин ўғли**

*иқтисодиёт фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети*

*E-mail: [yorkinjonibrokhimov@gmail.com](mailto:yorkinjonibrokhimov@gmail.com)  
[ORCID: 0009-0008-8203-5245](https://orcid.org/0009-0008-8203-5245)*

**Аннотация.** Таъминланган пул бозорини ривожлантириш самарали пул-кредит сиёсати амалиятини таъминлаш ва молиявий барқарорликни кафолатлаш учун зарурдир. Мақолада халқаро захираларни диверсификация қилиш, юқори ликвидли активлар ва РЕПО операциялари ўзаро боғлиқлигини ҳамда РЕПО битимларида haircut қўллаш масалалари ўрганилган. Шунингдек, Марказий банк пул-кредит сиёсати операция доирасини янги инструментларни жорий этиш орқали кенгайтириш йўллари таҳлил қилинган. Бундан ташқари, мақолада пул бозори бўйича benchmark фоиз ставкаларини ҳисоблаш методологияси, бозор нархланишини даромадлиқ эгри чизиқлари (yield curves) билан уйғунлаштириш орқали тизимли хатарларни камайитириш ҳамда РЕПО битимларида юзага келиши мумкин бўлган дефолтларни бошқаришни кучайтиришга қаратилган институционал ислохотлар тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар :** пул-кредит сиёсати, таъминланган пул бозори, юқори сифатли ликвид активлар, РЕПО операциялари, haircut, benchmark фоиз ставкалари, тизимли рисклар.

## РАЗВИТИЕ РЕПО-ОПЕРАЦИЙ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УПРАВЛЕНИЯ ЛИКВИДНОСТЬЮ НА ДЕНЕЖНОМ РЫНКЕ УЗБЕКИСТАНА

**Ибрагимов Ёркинджан Тулқин углы**

*доктор философии (PhD)  
по экономическим наукам  
Ташкентский государственный  
экономический университет*

*E-mail: [yorkinjonibrokhimov@gmail.com](mailto:yorkinjonibrokhimov@gmail.com)  
[ORCID: 0009-0008-8203-5245](https://orcid.org/0009-0008-8203-5245)*

**Аннотация.** Развитие обеспеченного денежного рынка является необходимым условием для эффективного проведения денежно-кредитной политики и обеспечения финансовой стабильности. В статье исследуются вопросы диверсификации международных резервов, взаимосвязи между высоколиквидными активами и операциями РЕПО, а также применения дисконта (haircut) в сделках РЕПО. Кроме того, анализируются аспекты совершенствования операций денежно-кредитной политики Центрального банка путем использования новых инструментов. Также в статье рассматриваются методология расчета эталонных процентных ставок на денежном рынке, согласование рыночного ценообразования с кривыми доходности для снижения системных рисков, а также институциональные реформы, направленные на усиление управления потенциальными дефолтами по сделкам РЕПО.

**Ключевые слова:** денежно-кредитная политика, обеспеченный денежный рынок, высоколиквидные активы, операции РЕПО, дисконт (haircut), эталонные процентные





ставки, системный риск.

## **WAYS TO DEVELOP REPO OPERATIONS AND IMPROVE LIQUIDITY MANAGEMENT IN UZBEKISTAN'S MONEY MARKET**

**Ibrokhimov Yorkinjon Tolkin ogli**

*Doctor of Philosophy (PhD)  
in Economic Sciences*

*Tashkent State University of Economics*

*E-mail: [yorkinjonibrokhimov@gmail.com](mailto:yorkinjonibrokhimov@gmail.com)*

*[ORCID: 0009-0008-8203-5245](https://orcid.org/0009-0008-8203-5245)*

**Abstract.** Developing the secured money market is essential for effective monetary policy implementation and ensuring financial stability. This study explores the diversification of international reserves, the interrelation between high-quality liquid assets and repo operations, and the application of haircuts in repo transactions. It also examines ways to enhance the operational framework of the Central Bank's monetary policy through the introduction of new instruments. Furthermore, the paper analyzes the methodology for calculating benchmark interest rates in the money market, aligning market pricing with yield curves to mitigate systemic risks, and introduces institutional reforms aimed at strengthening the management of potential defaults in repo agreements.

**Keywords:** monetary policy, secured money market, high-quality liquid assets, repo operations, haircuts, benchmark interest rates, systemic risk

### **Кириш**

Пул бозори молиявий тизимнинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб, қисқа муддатли ликвидлик эҳтиёжларини қондириш, пул маблағларини вақтинча жойлаштириш ва Марказий банк пул-кредит сиёсати таъсирини иқтисодиётга узатишда муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2018 йил бошидан бошлаб пул-кредит сиёсати режимини инфляция таргетлаш тизимига ўтказиш орқали ўзининг пул-кредит сиёсати доирасини тубдан такомиллаштириб келмоқда. Мазкур ёндашув нархлар барқарорлигини устувор йўналиш сифатида белгилаб, йиллик 5 фоизлик инфляция мақсадини белгилайди.

Банк тизими ликвидлигини бошқариш ва банклараро пул бозоридаги фоиз ставкаларини тартибга солиш нархлар барқарорлигини таъминлашни мақсад қилган марказий банклар учун энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки ушбу чоралар марказий банк қарорларини иқтисодиётга бевосита узатишнинг асосий воситаларидир. Пул-кредит операциялари бўйича ставкаларни белгилашда фойдаланиладиган асосий инструмент Марказий банкнинг асосий ставкаси ҳисобланади. Уни Марказий банк Бошқаруви йилига саккиз марта белгилайди. Пул-кредит операциялари орқали Марказий банк операция мақсадига эришишга интилади, яъни бир кунлик депозитлар бўйича пул бозори фоиз ставкалари фоиз ставка бўйича белгиланган чегара доирасида Марказий банкнинг асосий ставкасига яқин шаклланишини таъминлашни мақсад қилади. Бу эса, ўз навбатида, асосий мақсад – инфляцияни жиловлашга хизмат қилишига таъсир қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ликвидликни бошқариш мақсадида пул бозори инструментлари билан бир қаторда Марказий банк облигацияларини ҳам эмиссия қилади, шунингдек, Марказий банк Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг фискал агенти ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига давлатнинг қимматли қоғозларини чиқариш ва давлат қарзини қайтариш жадвали ҳамда ҳажми масалалари юзасидан уларнинг банк тизими ликвидлигига таъсири ва пул-кредит сиёсатининг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда маслаҳат беради.





Сўнги йилларда хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат қимматли қоғозларини сотиб олишга бўлган талаби ортиб бораётганлигини инобатга олган ҳолда давлат қимматли қоғозлари бозори, шу жумладан уларнинг жойлаштирилиши, муомалада бўлиши ва сўндирилиши, шунингдек, улар билан РЕПО битимларини тузиш тартиби халқаро стандартларга мувофиқ бўлиши, пул бозоридаги мавжуд бенчмарк ставкаларнинг таъминланган пул бозори маълумотларига асосланиши долзарб ҳисобланади. Глобал молиявий тизимда LIBOR каби анъанавий кўрсаткичларнинг ишончилиги ва шаффофлиги борасида юзага келган муаммолар туфайли кўплаб давлатлар қатъий битим тузишни назарда тутмайдиган котировкаларга эмас, балки реал битимлар асосида шаклландирган, таъминланган ёки таъминланмаган битимларга асосланган янги индекс ставкаларини жорий этишга эътибор қарата бошлади.

Мамлакатимизда молия бозорини янада ривожлантириш, халқаро молия бозорлари билан фаол интеграциялашув, замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш ва хорижда тан олинган илғор ёндашувларни қўллаш орқали барча тоифадаги инвесторлар учун молия, жумладан капитал ва пул бозорида қулайликлар яратиш, соҳага илғор халқаро амалиётни жорий қилиш, ортиқча тўсиқлар ва чекловларни бартараф этиш орқали хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш борасида қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Шунингдек, РЕПО ва унинг турларини, унинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш орқали мамлакатимиз капитал бозори жорий ҳолатидан келиб чиқиб уни ривожлантириш, шунингдек, РЕПО битимларининг молия бозорида барқарорликни таъминлашдаги аҳамиятини очиқ бериш, банкларнинг ликвидли активлар таркибидаги қимматли қоғозларни тадқиқ қилиш мазкур мақоланинг асосий мақсади ҳисобланади. Бундан ташқари, пул бозоридаги мавжуд ҳолатни баҳолашда ва иштирокчилар учун нарх белгиловчи йўналтирувчи кўрсаткич сифатида хизмат қилувчи асосий воситалардан бири бенчмарк ставкаларнинг аниқлаш тартибини бозор талабидан келиб чиққан ҳолда халқаро стандартларга мувофиқлаштириш долзарб ҳисобланади.

### **Адабиётлар шарҳи**

РЕПО операциялари бўйича мавжуд илмий ва амалий адабиётлар уларнинг икки асосий хусусияти ҳамда ликвидликни бошқаришдаги муҳим ролини кўрсатиб беради. Copeland, Martin ва Walker (2014) РЕПОни белгиланган муддат ва нархда қайта сотиб олиш келишуви билан қимматли қоғозни сотиш сифатида таърифлаб, РЕПО битимлари гаров билан таъминланган кредитларга ўхшашлигини, бироқ банкротлик ҳолатларида алоҳида ҳуқуқий ҳимояга эга эканлигини қайд этади [4].

Comotto (2015) Шарқий Африка РЕПО бозорларини таҳлил қилиб, кўплаб “РЕПО” деб аталган инструментлар аслида ҳақиқий РЕПО эмас, балки гаров ҳуқуқи асосидаги битимлар эканлигини, чунки уларда гаров активларининг ҳуқуқий мулк ҳуқуқи тўлиқ харидорга ўтмаслигини таъкидлайди. Бу эса ҳақиқий РЕПО битими учун зарур бўлган асосий белги ҳисобланади [5].

Benjamin Braun (2020) 2008 йилги молиявий инқироздан олдин РЕПО операциялари ва гаров бозорининг кескин ўсганини, кейинчалик эса ушбу ҳажмлар барқарорлашиши Европанинг йирик банкларида ишончли мустаҳкамлаганини таъкидлайди [6]. Шу билан бирга, Wansleben (2020) РЕПО битимларини таъминланган молиялаштириш воситаси сифатида тушунтириб, кредиторлар юқори сифатли гаров қабул қилишлари, бозор рискларини камайтириш учун дисконт (haircut) қўллашлари, сотиш ва қайта сотиб олиш нархлари орасидаги фарқ эса амалда қўлланилаётган фоиз ставкасини акс эттиришини қайд этади [7].

Халқаро ҳисоб-китоблар тадқиқотлари банкларда ортиқча гаров (overcollateralization) ва “haircut”ни қўллаш контрагент рискни камайтиришда муҳим аҳамиятга эгаллигини кўрсатади. Халқаро капитал бозор ассоциацияси (ICMA)





тадқиқотлари эса бозор амалиётидаги ўзгаришларни ўзгарувчан фоизли (floating-rate), муддати белгиланмаган (open-term), уч томонлама (tri-party) РЕПО битимлари ҳамда “haircut” қўллашнинг афзалликлари мавжудлигини қайд этади. РЕПО битими орқали ушбу имкониятлардан фойдаланиш ликвидликни ошириш ва пул-кредит сиёсати трансмиссиясини яхшилашга хизмат қилади.

Юқори сифатли гаров активлари ва шаффоф нарх белгилашга асосланган барқарор таъминланган пул бозори пул-кредит сиёсатининг самарадорлиги ва молиявий барқарорлик учун жуда муҳим аҳамият касб этади. Базель кўмитаси юқори сифатли ликвид активлар портфеллари ликвидлик инқирозларида барқарорликни таъминлаш учун турли актив турлари бўйича етарлича диверсификацияланган бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Банклар халқаро ҳисоб-китоблар банки тадқиқотлари РЕПО бозорлари, айниқса давлат облигациялари билан таъминланганлари, пул ва қимматли қоғозлар айланиши ҳамда марказий банк операциялари учун асосий канал эканлигини кўрсатади.

Эмпирик тадқиқотлар “haircut” ва РЕПО спредларининг контрагент кредит рискин камайтириш ва РЕПО нархланиш динамикасига таъсирини кўрсатиб беради. Чикаго “Booth” модели “Икки пул-кредит воситаси” “haircut” миқдорини ўзгартириш талаб этиладиган даромадни пасайтиради ва инқироз пайтида ликвидликни яхшилади, деб кўрсатади. Lou (2016, 2020) “haircut” ва спреднинг оптимал комбинацияси ҳамда муддат танлови орқали тизимли молиялаштириш рискин камайтиришни математик моделлаштирган.

Даромадлиқ эгри чизиғига мос ва таъминланган маълумотларга асосланган эталон ставкалар нарх белгилаш самарадорлигини оширибгина қолмай, қисқа муддатли молиялаштириш харажатларини Марказий банк ставкалари чегарасида ушлаб туриш орқали тизимли хатарларни камайтиради. Шунингдек, дефолтни бошқариш, гаров активларини қайта ишлатиш стандартлари ва haircut сиёсати бўйича институционал ислохотлар мазкур механизмларни ҳақиқий бозор фаолиятини таъминловчи восита сифатида мустаҳкамлайди.

### **Тадқиқот методологияси**

Илмий тадқиқотни амалга оширишда индуктив ёндашув, солиштирма таҳлил, иқтисодий таҳлил каби усуллардан фойдаланилган. Адабиётларни таҳлил қилишда Web of Science ва Jstorg илмий маълумотлар базаси, Халқаро валюта жамғармаси очик маълумотлари, маҳаллий ва хорижий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Марказий банкининг очик маълумотлари таҳлил қилинган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Жаҳон молиявий тизимидаги ўзгаришлар, геосиёсий кескинлик ва глобал рисклар фониди мамлакатнинг халқаро захираларини самарали бошқариш долзарб аҳамият касб этмоқда. Захиралар мамлакатнинг ташқи иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, валюта курсини барқарорлаштириш ва ташқи шокларга қарши зарур восита сифатида хизмат қилади. Шу боис захиралар таркибини диверсификация қилиш, яъни турли валюта, актив ва молиявий воситалар ўртасида мувозанатни таъминлаш, ҳозирги шароитда стратегик вазифага айланган.

Диверсификациянинг асосий мақсади – валюта рискин камайтириш, ликвидликни таъминлаш ҳамда даромадлиликни оширишдан иборат. Масалан, АҚШ долларига нисбатан юқори боғлиқлик ташқи сиёсий рисклар шароитида захираларнинг музлатилиши ёки камайишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун кўплаб марказий банклар захираларининг маълум қисмини евро, юан, фунт-стерлинг каби бошқа барқарор валюталарда, шунингдек, олтин ва ХВЖнинг махсус ҳуқуқлари (SDR) каби альтернатив активларда сақлашга ўтмоқда. Хитой, Ҳиндистон, Туркия ва Россия каби мамлакатлар эса






сўнги йилларда олтин захираларини сезиларли даражада оширмоқда.

Sathyanarayana, S. va Mohanasundaram, T. (2025) таъкидлашча, олтин узоқ вақтдан бери қиймат сақловчи восита, инфляциядан ҳимоя қилувчи актив сифатида қараб келинган. Инфляция, фоиз ставкалари ва валюта курслари каби макроиқтисодий кўрсаткичлар олтин нархи тебранишларига кучли таъсир кўрсатади, шунингдек, геосиёсий таҳдидлар ва пул-кредит сиёсати ҳам муҳим роль ўйнайди. Марказий банклар олтин захираларини сақлаш функцияси ҳозирда кўпроқ диверсификация дастурлари орқали такомиллашиб, мамлакатлар валюта хавфларини ва молиявий беқарорликни камайтиришга интилаётгани қайд этилади [10].

1-диаграмма.

**Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари\***



\*Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий веб саҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

2024 йил бошидан 2025 йил июнигача Ўзбекистон Республикасининг умумий расмий захира активлари ўсиш трендига кириб, 2025 йил июнига келиб 50 млрд. АҚШ долларига яқинлашган. Мамлакат халқаро захиралари таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, кўп йиллардан буён олтин мамлакат халқаро захираларнинг асосий қисмини ташкил қилиб келмоқда. Макроиқтисодий ва сиёсий ноаниқликлар, савдо урушларининг қайта бошланиши, АҚШнинг ноаниқликнинг асосий манбаси сифатида майдонга чиқиши олтин нархининг ошишига олиб келмоқда. Шу боис, олтин захиралари (кулранг чизиқ) барқарор ўсиш билан ажралиб турибди. 2024 йилда 25–30 млрд доллар атрофида бўлган ушбу захиралар 2025 йилда 35 млрд доллардан ошиб кетган. Бу тенденция мамлакатнинг олтин-валюта захираларини диверсификация қилиш ҳамда геосиёсий рисклар шароитида сиёсий ва валюта рискларидан сақланишни кўзда тутган ҳолда амалга оширилганини кўрсатади.

Нақд валюта ва депозитлар ҳажми нисбатан барқарор бўлиб, унда кескин ўсиш ёки пасайиш кузатилмаган. Бу кўрсаткич 2024 йил давомида 9 млрд. доллар атрофида бўлиб, 2025 йилда бир оз ошган ҳолда 10 млрд. доллардан ортиқни ташкил қилган. ХВЖдаги махсус ҳуқуқлар (SDR) эса расмда паст даражада ва ўзгармас ҳолда сақланган – бу SDR нинг умумий захиралар тузилишида ҳозирча сезиларли рол ўйнамаётганини англатади.





Эътиборли жиҳати, Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари таркибида 2024 йилнинг июнь ойида илк бор АҚШ ғазначилик қимматли қоғозлари пайдо бўлган. Бугунги кунга келиб, ушбу қимматли қоғозларнинг ҳажми 35 млн. АҚШ доллардан 706 млн. АҚШ долларгача етди. Геосиёсий ноаниқларнинг тарқалиши, иқтисодиётнинг барқарорлик ва ривожланиш фазасига қайтиши билан дунёнинг ривожланган мамлакатлари ҳукуматлари томонидан чиқариладиган юқори ликвидли ва даромадли қимматли қоғозларга инвестиция киритиш орқали мамлакат халқаро захираларини диверсификация қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида кузатилган макроиктисодий шоклар – пандемия, геосиёсий кескинликлар, божлар туфайли таъминот занжирларидаги узилишлар ва инфляциянинг кескин ортиши – глобал молиявий барқарорликнинг заиф нуқталарини очиб берди. Бу ҳолатлар марказий банклар, тижорат банклари ва бошқа молиявий институтлар учун ликвидлик рискинни бошқариш, капитал буферларини қайта кўриб чиқиш ва хавфларга бардошлироқ тизим яратиш зарурлигини янада яққол намоён қилди.

Ушбу жараёнларда халқаро молиявий стандартлар, жумладан, Basel III меъёрлари муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, юқори ликвидликка эга активлар (High-Quality Liquid Assets – HQLA) таркиби қайта кўриб чиқилиши, уларни халқаро талабларга мувофиқлаштириш мақсадида ички меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлари киритилиши долзарб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025-йил 1-апрелдаги 7/5-сонли қарорига мувофиқ, “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомга Basel III меъёрларидан келиб чиқиб ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, юқори ликвидликка эга активлар 1- ва 2-даражали юқори ликвидликка эга активларга ажратилиб, 2-даражали активларнинг ўзи ҳам кичик иккита 2а ва 2б гуруҳга ажратилди ҳамда 2а даражали активлар юқори ликвидликка эга активлар таркибига 15 фоиз чегирма билан, 2б даражали активлар эса 50 фоиз чегирма билан киритилиши белгиланди. Бу ўзгаришлар ликвидлик стресслари шароитида банк тизимининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, нақд пуллар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Марказий банкнинг қимматли қоғозлари ликвидли ва 1-даражали юқори ликвидли активлар жумласига кириши белгиланган [3]. Бугунги кунда, тижорат банклари томонидан давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битими таъминоти блокланган ёки блокланмаган ҳолда тузилишидан қатъий назар РЕПО битими тузилганда кириб келган нақд пуллар эвазига давлат қимматли қоғози чиқиб кетганлиги сабабли тижорат банкнинг ликвидли ва юқори ликвидли активлари кўрсаткичлари ўзгармасдан қолади. Бирок, нақд пуллар эвазига кириб келган давлат қимматли қоғози билан операциялар амалга ошириш РЕПО битимининг шартлари бўйича блокланган яъни сотиш ва у билан бошқа операцияларни амалга ошириш имконияти чекланган бўлса, мазкур давлат қимматли қоғозини ликвидли ва юқори ликвидли актив сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Мазкур амалиёт, юқори ликвидли активлар ҳажмини ошириб кўрсатилишига ва бунинг ортидан тизимли рискларни юзага келишига олиб келиши мумкин.

Бунинг сабаби сифатида, “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом 4-бандига асосан РЕПО орқали сотиб олинган давлат қимматли қоғози юқори ликвидли актив сифатида репо бозорларида осон сотилиши ҳамда хатланмаган бўлиши талабларига жавоб бериши лозим. Шунингдек, мазкур Низомнинг 37-бандига РЕПО операцияларида қўлланиладиган қимматли қоғозлар осон сотилувчи ва ликвидли бўлиши кераклиги белгиланган. РЕПО битими шартларига кўра сотиб олинган давлат қимматли қоғози блокланадиган бўлса, у хатланган ҳисобланади ва РЕПО (шунингдек, қимматли қоғозларнинг иккиламчи) бозорида осон сотиладиган қимматли қоғоз ҳисобланмайди.





Юқоридагилардан келиб чиқиб, таъминоти блокланган ҳолда тузилган РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган давлат қимматли қоғозлари ҳамда бошқа юқори ликвидли активлар таркибига кириши белгиланган қимматли қоғозларни ҳаракати (блокланган) чекланган бўлса, мазкур қимматли қоғозларни юқори ликвидли актив сифатида эътироф этмаслик мақсадга мувофиқ. Мазкур қимматли қоғозларнинг юқори ликвидли активлар таркибига киритиш учун фақатгина таъминоти блокланмаган ҳолда тузилган РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган бўлиши талабини белгилаш лозим.

Бундан ташқари, “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомнинг 42-бандига мувофиқ, банклар ликвидлилик рискинни мониторинг ва назорат қилиш мақсадида кўзда тутилмаган ҳолатлар билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган кирим ва чиқим маблағларини, шу жумладан РЕПО операциялари, молиявий ҳолати қониқарсиз бўлган қарздорларга берилган кафолатларни ҳисобга олишлари лозимлиги белгиланган. Валюта биржасида юқори ликвидли активлар таркибига кирувчи давлат қимматли қоғозлари билан тузилаётган аксарият РЕПО битимларида банклар томонидан сотиб олинаётган қимматли қоғозларга нисбатан “haircut” яъни бозор нархига нисбатан дисконт ставкасини қўллаган ҳолда арзон сотиб олинмаётганлиги амалиёти кузатилмоқда. 2021-2024 йиллар давомида валюта биржасида жами 358 905,13 млрд. сўмлик РЕПО битимлари тузилган бўлиб, шундан, 4 813,46 млрд. сўмлик (1,3 фоиз) РЕПО битимларида “haircut”дан фойдаланилган.

Маълумотларни таҳлил қилиш орқали РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозларни иккиламчи бозорда тезкорлик билан сотиш учун ушбу қоғознинг haircut қўллаган ҳолда сотиб олинмаётганлиги банкларда репо битимлари бўйича сотиб олинаётган юқори ликвидли активларни самарали бошқариш таъминланмаганлигини ва бу тизимли рискларни келтириб чиқариши мумкин. Ушбу ҳолатни олдини олиш мақсадида ҳар бир банкда ташкил қилинган ликвидлиликни бошқариш қўмитаси тегишли қарорлар қабул қилган ҳолда РЕПО битими бўйича сотиб олинаётган активлар бўйича иккиламчи бозор ҳолатини доимий таҳлил қилиб бориш ва/ёки уларни дисконт ставкаси қўллаган ҳолда сотиб олиш талабини жорий қилиши мақсадга мувофиқ. РЕПО битимларида дисконт ставкасидан оқилона фойдаланиш орқали ҳам сотиб олинаётган қимматли қоғознинг ҳамда битим бўйича контрагентнинг кредит рискидан ҳимояланиш мумкин. Бундан ташқари, банклар ликвидлигини таъминлаш мақсадида Марказий банк томонидан ҳар бир чиқарилишдаги юқори ликвидли актив ҳисобланувчи қимматли қоғозларга нисбатан банклар томонидан РЕПО битимларида ўрнатилиши лозим бўлган haircut катталигига минимал чегара ўрнатилиши мақсадга мувофиқ.

Банклар РЕПО битимларида haircutдан оқилона фойдаланган ҳолда, дефолт юзага келиши билан боғлиқ рискларни бошқариши ҳамда даромад олиши мумкин. Масалан, “Банклар активларни бошқарувчилардан (масалан, инвестиция фондлари) пул маблағларини қарзга олиб, уларни хеж-фондларга (юқори рискли инвестиция стратегияларини қўллайдиган фондлар) юқорироқ фоиз ставкасида қарзга бериш орқали фойда кўрадилар. Бунда банклар воситачилик ролини ўйнаб, қарзга олинган ва берилган маблағлар ўртасидаги фарқдан даромад оладилар. Бу стратегия банкларга молия тизимида ликвидликни бир томондан иккинчи томонга йўналтириш имконини беради ва шу билан бирга ўз фойдасини ҳам таъминлайди”[9].

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатининг операцион механизмини йилдан йилга такомиллаштириб бормоқда. Тизимда юзага келган ортиқча ликвидликни жалб қилиш ва аксинча қўшимча ликвидликни тақдим этиш бўйича РЕПО, своп, депозит ва гаров эвазига кредит операцияларидан фойдаланиб келмоқда. Шунингдек, Марказий банк таъминланган ва рискли операциялар ўрнига таъминоти мавжуд бўлган операциялардан фойдаланиш орқали ликвидликни самарали бошқаришга интиломоқда.

Тизимда ликвидлик ортиқча бўлган ҳолатда, Марказий банк бу ортиқча ликвидликни





Ўзининг асосий ликвидлик операцияси яъни тижорат банкларининг ликвидлигини марказий банкдаги депозитларга жалб қилиш орқали амалга оширади. Бундай вазиятда тижорат банклари амалда кредит хавфига дуч келмайдилар (чунки уларнинг контрагенти Марказий банк ҳисобланади), аммо улар мазкур пул маблағлари ҳеч қандай таъминотсиз марказий банкка жойлаштиради.

Марказий банкнинг депозит операциясини таъминотлаш (collateralization) деганда тижорат банкларига жалб қилинаётган нақд пул эвазига юқори ликвидли қимматли қоғозлар тақдим этилиши тушунилади. Бу амалиёт икки хил шаклда амалга оширилиши мумкин:

- Марказий банк тижорат банкларидан нақд пулни депозит сифатида қабул қилиш операцияси ўрнига, ўзининг қисқа муддатли қимматли қоғозларини эмиссия қилиши мумкин;

- Марказий банк узоқ муддатли қимматли қоғозларни ўз портфелидан чиқариб, ушбу қоғозлардан РЕПО шаклидаги операцияларда гаров сифатида фойдаланиши мумкин.

Бир қарашда, иккинчи ёндашув – банклар марказий банкга нисбатан кредит рискига дуч келмагани учун – ортиқча ҳаракатдек туюлиши мумкин. Бироқ бундай таъминотлаш бошқа афзалликларни ҳам келтириши мумкин. Масалан, у асосий операция муддатига нисбатан узоқроқ муддатли юқори сифатли гаров манбаси бўлиб хизмат қила олади. Бундан ташқари, у банкларга ликвидликни бошқаришда кенгрок имкониятлар яратади, масалан, қутилмаган пул оқимларини қоплаш учун нақд пул захиралаш зарурияти камаяди, чунки ушбу гаровлар осонлик билан бозорда пулга айлантирилиши мумкин.

Марказий банкнинг қисқа муддатли қимматли қоғозларини эмиссия қилиш бўйича мавжуд қонунчиликда ҳеч қандай чекловлар йўқ, бироқ ушбу қисқа муддатли қоғоз билан РЕПО операцияларини амалга ошириш учун “Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўғрисида”ги Низомга сўндириш муддати репо битимининг иккинчи қисмини ижро этиш муддатидан камида 5 календарь куни кейин келадиган давлат қимматли қоғози киритилишига оид талаб бекор қилиниши ёки кунлар сони бир кунгача қисқартирилиши бўйича ўзгартириш киритиш лозим.

Марказий банкнинг асосий ликвидлик операцияси ўрнига тижорат банклари билан РЕПО операцияларини амалга ошириш бўйича ҳам “Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўғрисида”ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим, чунки ушбу Низомда Марказий банкнинг фақат тўғридан-тўғри репо операциялари ва уни амалга ошириш тартиби белгиланган бўлиб, унинг асосий мазмуни тескари РЕПО операциясини ифодалаб, марказий банкнинг ушбу операция доирасида биринчи қисм бўйича қимматли қоғозни сотиб олишини ва иккинчи қисми бўйича ушбу қимматли қоғозни қайта сотишини англатади. Илғор хорижий мамлакатлар тажрибасида РЕПО ва тескари РЕПО битимлари томонларнинг мазкур битимни тузиш мақсадларидан келиб чиқиб фарқланиши, шунингдек, Марказий банк пул-кредит сиёсати операциялари доирасида ликвидликни тақдим этиш ва жалб қилишда РЕПО ва тескари РЕПО битимларини тузиши учун имкониятлар яратиш мақсадида «РЕПО» ва «тескари РЕПО» тушунчалари ва уни амалга ошириш тартиблари белгиланиши бўйича “Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўғрисида”ги Низомга ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ.

Марказий банк ва тижорат банклари, шунингдек, банклараро РЕПОРЕПО операцияларини амалга оширишда яна бир муҳим институтчионал ислоҳот амалга оширилиши, яъни РЕПО иштирокчилари томонидан РЕПО битимининг иккинчи қисми бўйича мажбуриятлар ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаганда дефолт ҳолатини бошқаришга қаратилган кўрилиши лозим бўлган чоралар, жумладан, close-out netting бўйича мавжуд қонунчиликка, жумладан “Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли






қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўғрисида”ги Низомга халқаро тажрибага асосланган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг киритилиши бугунги юқори ноаниқлик шароитида мамлакатда таъминланган пул бозори барқарорлигини мустахлашга хизмат қилади. “Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўғрисида”ги Низомда таъминоти блокланмаган РЕПО битимининг иккинчи қисми ижро этилмаганда қандай чоралар қўлланилиши бўйича ҳеч қандай норма мавжуд эмас. Таъминоти блокланган РЕПО битимлари бўйича эса қимматли қоғозлар реализацион аукционлар орқали сотилиши, сотилмаган ҳолатда эса ушбу қимматли қоғозлар дастлабки сотиб олувчи ихтиёрида дастлабки сотувчи томонидан пул маблағлари қайтариб берилмагунга қадар қолиши назарда тутилган бўлиб, close-out netting тартиби бўлмаганлиги сабабли дастлабки сотиб олувчининг мазкур битим туфайли тизимли рискка дучор бўлиши мумкин.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда пул бозорида фаоллик сезиларли даражада ўсгани кузатилмоқда. Жумладан, 2020 йилда умумий пул бозори ҳажми 53,6 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб бу кўрсаткич 507,7 млрд сўмга етди. Бозор структурасидаги энг муҳим ўзгаришлардан бири – 2023 ва 2024 йилларда таъминланган пул бозорининг (РЕПО операциялари) жадал ривожланишидир. Агар 2020–2022 йилларда фақат таъминланмаган пул бозори фаол бўлган бўлса, кейинги йилларда репо операциялари ҳам асосий бозор сегментига айланди.

Ўзбекистон Республикасида банкларо таъминланмаган қисқа муддатли пул бозорини янада ривожлантириш ва бозор нархлари орқали молиялаштириш механизмларини кучайтириш мақсадида 2022 йилдан бошлаб UzONIA (Uzbekistan Overnight Index Average) кўрсаткичи жорий этилди. Мазкур ставка банкларо таъминланмаган пул бозорида тузилган реал битимлар асосида шаклланади ҳамда Марказий банк томонидан ҳар куни эълон қилинади.

2-диаграмма.

**Банкларо пул бозори\***



\*“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ маълумотларига асосан муаллиф томонидан тайёрланди.

Юқоридаги диаграммада келтирилган пул бозори тўғрисидаги маълумотлар таъминланмаган пул бозорида тузилган битимлар асосида ҳисоблаб чиқилган бенчмарк ставка – UzONIA ҳисоблаш тартибини ислоҳ қилиниши долзарб эканини кўрсатади. Чунки пул бозорида таъминланган операциялар улуши ортиб бориши фониди





бенчмарк фақат бир сегментни камраб олиши бозорни тўлиқ ифода этмаслигига олиб келади. Шу муносабат билан бенчмарк ставкани пул бозорида асосий улушга эга бўлиб бораётган репо (таъминланган) операцияларига асослантириш – бозорни холисроқ акс эттирадиган ва барқарор механизмга айланиши мумкин.

Бундай ўзгариш пул бозоридаги иштирокчилар учун танлов имкониятини оширади, ликвидликни бошқаришда қулайлик яратади ва бозордаги ставка шаклланишини тубдан яхшилади. Хусусан, ўзгарувчан фоиз ставкали ва очик муддатли репо инструментларини жорий қилиш орқали тижорат банклари UzONIA каби бенчмаркларга боғланган операциялар орқали ликвидликни марказий банк сиёсатига мувофиқ бошқариш имконига эга бўлади.

Бундай ёндашув натижасида пул бозоридаги фаоллик, операциялар шаффофлиги ва иштирокчиларнинг рағбати ошади. Энг муҳими, бозордаги битимлар фоиз ставкалари марказий банкнинг асосий ставкасига яқинроқ шаклланишига замин яратилади. Бу эса пул-кредит сиёсати самарадорлигини кучайтиради ва узоқ муддатли молиявий барқарорликка хизмат қилади.

РЕПО операциялари доирасида гаров сифатида қабул қилинадиган давлат қимматли қоғозларининг бозор нарҳини аниқлаш амалиёти, пул бозори самарадорлиги ва ликвидликни нотўғри баҳолаш riskини камайтириш нуктаи назаридан жуда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги амалиётда Ўзбекистонда мазкур қимматли қоғозларнинг бозор нарҳи, уларнинг бирламчи аукциондаги ўртача тортилган жойлаштириш нарҳи ва тўпланган купон даромадларига асосланган ҳолда ҳисобланади. Бу усул содда ва амалиётда қўллашга қулай бўлса-да, бозор шароитларининг реал ҳолатини тўлиқ ифода этмаслиги мумкин.

Халқаро амалиётда, хусусан Европа Марказий банки (ЕСВ), АҚШ Федерал захира тизими (Federal Reserve) ва Буюк Британия Марказий банки (BoE) тажрибасида давлат қимматли қоғозларининг бозор нарҳи даромадлилик эгри чизиғи (yield curve) асосида аниқланади. Бу ёндашув реал вақтда бозорда шаклланган талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда ҳар хил муддатли қимматли қоғозлар бўйича бозор кутилмаларини инобатга олади. Yield curve воситасида, масалан, 3 ойлик, 1 йиллик ёки 5 йиллик облигациялар учун бозордаги даромад даражаларига асосланган тўлиқ нархланаётган қиймат (fair value) ҳисоблаб чиқилади. Бу эса РЕПО битими доирасида қабул қилинаётган активларнинг бозорга яқин ва холис баҳолашини таъминлайди.

Шу боисдан, Ўзбекистондаги РЕПО операциялари самарадорлигини ошириш мақсадида давлат қимматли қоғозларининг бозор нарҳини аниқлашда даромадлилик эгри чизиғидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу Марказий банк томонидан қабул қилинадиган қимматли қоғозлар нарҳини аниқлашда юқори аниқликни таъминлаб, РЕПО битимларини янада бозорга асосланган механизмга айлантиради.

Натижада, марказий банк томонидан қимматли қоғозларнинг реал бозор нарҳига яқин баҳолашини, уларни ҳисобга олиш ва қайта баҳолашдаги таваккалчиликни камайтиради, РЕПО операцияларида иштирок этаётган банklar учун ликвидлик ва молиявий режалаштиришда аниқликни таъминлайди.

### **Хулоса**

Сўнгги йилларда Ўзбекистон пул бозорининг ривожланиши таъминланган битимлар улушининг ортиши, Базель III стандартлари билан меъёрий уйғунлашув ва ликвидликни бошқариш амалиётининг такомиллашиши мамлакатнинг барқарор ва замонавий молиявий тизимни шакллантиришга бўлган интилишини намоён қилиб келмоқда. Шу билан бирга, юқори ликвид активлар (HQLA) классификацияси, гаров қийматини баҳолаш ва банklarаро РЕПО бозори тузилмавий асослари каби йўналишларда муаммолар сақланиб қолмоқда. Ушбу камчиликларни бартараф этиш ликвидлик riskини бошқаришни яхшилаш, молиявий барқарорликни таъминлаш, капитал бозори воситаларини





такомиллаштириш ва пул-кредит сиёсати трансмиссиясини кучайтириш учун жуда муҳимдир.

Юқоридаги мақсадларга эришиш учун қуйидагилар таклиф қилинади:

РЕПО битими бўйича олди-сотди предмети бўлган қимматли қоғозларнинг бозор баҳосини аниқлашнинг мавжуд моделини такомиллаштириш. Бунда, бирламчи аукцион натижалари ва ҳисобланган купон даромадига асосланган статик баҳолаш моделидан, РЕПО битимларида фойдаланиладиган давлат қимматли қоғозларини даромадлилик эгри чизиғи (yield curve) асосида баҳолаш методологиясига ўтиш лозим. Бу қимматли қоғознинг бозордаги реал вақтдаги қийматини акс эттиришини ва активлар нархини аниқ белгилашга бўлган ишончни оширишини таъминлайди.

Юқори ликвид активлар классификацияси амалиётини Базель III талабларига мувофиқ такомиллаштириш, бунда РЕПО орқали сотиб олинган ҳамда РЕПО битимининг шarti бўйича ёки бошқа сабабларга кўра блокланган ёки хатлов остидаги давлат қимматли қоғозларини юқори ликвид активлар ҳисобидан чиқариш зарур. Фақат тўлиқ эркин муомаладаги ва ҳаракати чекланмаган қимматли қоғозларгина юқори ликвид активлар таркибига кириши керак.

2021–2024 йиллар оралиғида РЕПО операцияларининг атиги 1,3% да haircut қўллангани инobatга олинса, олди-сотди предмети бўлган қимматли қоғозларнинг рисклилик даражаси ва сўндириш муддатига қараб минимал haircut меъёрларини белгилаш зарур. Бу ликвидликни ортиқча баҳолаш ҳолатларини камайтиради ва тизимли таваккалчиликни пасайтиради.

“РЕПО битимларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисида”ги Низомни халқаро стандартларга мувофиқ қайта кўриб чиқиб, унда РЕПО ва тесқари РЕПО тушунчалари ҳамда уларнинг механизмларини киритиш керак. Шунингдек, контрагент томонидан мажбуриятларни ўз вақтида бажармаслик натижасида юзага келадиган хавфларни бошқариш учун “close-out netting” механизми жорий қилиш бўйича қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ.

Марказий банкнинг ликвидликни вақтинча жалб қилиш мақсадида ўтказиладиган РЕПО аукционларини ташкил қилиш ҳамда унда олди-сотди предмети сифатида фойдаланиш мақсадида Марказий банкнинг узоқ муддатли облигацияларини тўғридан-тўғри Марказий банкнинг тегишли депо ҳисобварағига ўтказиш орқали жойлаштириш бўйича қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2008-йил 18-июндаги “Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўғрисида”ги 1829-сонли Низоми.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2004-йил 6-августдаги “Корпоратив қимматли қоғозлар билан репо битишувларни амалга ошириш тўғрисида”ги 1396-сонли Низоми.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 2709-сонли Низоми.

4. Copeland, A., Martin, A., and Walker, M. (2014), Repo runs: Evidence from the tri-party repo market// Journal of Finance, 69, 1 p

5. Richard Comotto (2015), Repo markets in East Africa – <https://icmacentre.blog/2015/12/22/repo-markets-in-east-africa/>

6. Benjamin Braun (2020), Central banking and the infrastructural power of finance: the case of ECB support for repo and securitization markets, Socio-Economic Review, Volume 18, Issue 2, April 2020, – Pages 395-418, – <https://doi.org/10.1093/ser/mwy008>





7. Leon Wansleben (2020), Formal institution building in financialized capitalism: the case of repo markets, *Theory and Society* (2020) 49. – Pages 187-213 – <https://doi.org/10.1007/s11186-020-09385-2>

8. ICMA. (2019). Frequently Asked Questions on Repo. Retrieved online – (<https://www.icmagroup.org/Regulatory-Policy-and-Market-Practice/repo-and-collateral-markets/icma-ercpublications/frequently-asked-questions-on-repo/>)

9. Christian Julliard, Gabor Pinter, Karamfil Todorov, Jean-Charles Wijnandts and Kathy Yuan. What drives repo haircuts? Evidence from the UK market. Bank for international settlements (2024) – (<https://www.bis.org/publ/work1027.pdf>)

10. Sathyanarayana, S. and Mohanasundaram, T. (2025). The Surge in Gold Price Volatility: Macroeconomic Drivers, Geopolitical Risk, and Market Dynamics. *IRA-International Journal of Management & Social Sciences* (ISSN 2455-2267), 21(1). – <https://doi.org/10.21013/jmss.v21.n1.p2>





## KAPITAL BOZORINI RIVOJLANTIRISH ORQALI AKSIYADORLIK JAMIYATLARIGA MOLIYAVIY RESURLARNI JALB ETISH YUNALISHLARI



**Valiyeva Muxlisa Saydullayevna**

*mustaqil tadqiqotchi  
Toshkent davlat iqtisodiyot  
universiteti*

*E-mail: [M.Valiyeva@tsue.uz](mailto:M.Valiyeva@tsue.uz)  
ORCID: 0009-0008-2957-7512*

**Annotatsiya.** Maqolada kapital bozorining rivojlanishi orqali aksiyadorlik jamiyatlarini moliyaviy resurslar bilan ta'minlash imkoniyatlari tahlil etilgan. Xususan, kapital bozorining asosiy moliyaviy instrumentlari, ularning faoliyatdagi samadorligi, aksiyadorlik jamiyatlari uchun resurs jalb qilishdagi roli va ularning iqtisodiy o'sishga ta'siri ilmiy-nazariy va amaliy jihatdan o'rganilgan. Tahlillar asosida “Toshkent” respublika fond birjasi misolida so'nggi yillardagi dinamik o'zgarishlar statistik ko'rsatkichlar orqali yoritilib, aksiyalar va obligatsiyalar bozorining real sektorni moliyalashtirishdagi funksional roli ochib berilgan. Shuningdek, xalqaro tajriba bilan taqqosiy yondashuvlar asosida O'zbekistonda kapital bozorini yanada rivojlantirish, institutsional islohotlarni chuqurlashtirish va investorlar faolligini oshirish bo'yicha taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

**Kalit so'zlar:** milliy iqtisodiyot, moliya bozori, kapital bozori, aksiyadorlik jamiyati, moliyaviy resurs fond birjasi, aksiya, obligatsiya, investitsiya, moliyalashtirish, bozor infratuzilmasi, iqtisodiy o'sish.

## ПРИВЛЕЧЕНИЕ ФИНАНСОВЫХ РЕСУРСОВ В АКЦИОНЕРНЫЕ ОБЩЕСТВА НА ОСНОВЕ РАЗВИТИЯ РЫНКА КАПИТАЛА

**Валиева Мухлиса Сайдуллаевна**

*самостоятельный соискатель  
Ташкентский государственный  
экономический университет*

*E-mail: [M.Valiyeva@tsue.uz](mailto:M.Valiyeva@tsue.uz)  
ORCID: 0009-0008-2957-7512*

**Аннотация.** В статье всесторонне проанализированы возможности обеспечения акционерных обществ финансовыми ресурсами за счёт развития фондового рынка. В частности, рассмотрены основные финансовые инструменты фондового рынка, их эффективность на практике, роль в привлечении ресурсов для акционерных обществ и их влияние на экономический рост с теоретической и практической точек зрения. На основе статистических данных раскрыта динамика развития торгов на республиканской фондовой бирже «Ташкент» за последние годы, уделено внимание функциональной роли рынков акций и облигаций в финансировании реального сектора. Также на основе анализа международного опыта в статье разработаны предложения и рекомендации по дальнейшему развитию фондового рынка в Узбекистане, углублению институциональных реформ и повышению активности инвесторов.

**Ключевые слова:** национальная экономика, финансовый рынок, фондовый рынок, акционерные общества, финансовые ресурсы, фондовая биржа, акции, облигации, инвестиции, финансирование, рыночная инфраструктура, экономический рост.

## DIRECTIONS OF WIDE ATTRACTION OF FINANCIAL RESOURCES TO JOINT- STOCK COMPANIES THROUGH DEVELOPMENT OF THE CAPITAL MARKET

**Valiyeva Mukhlisa Saydullayevna**





*Independent researcher*  
*Tashkent State University of Economics*  
*E-mail: [M.Valiyeva@tsue.uz](mailto:M.Valiyeva@tsue.uz)*  
*ORCID: 0009-0008-2957-7512*

**Abstract.** This scientific article provides a comprehensive analysis of the opportunities for supplying joint-stock companies with financial resources through the development of the capital market. It specifically examines the main financial instruments of the stock market, their effectiveness in practice, and their role in attracting resources for joint-stock companies, as well as their impact on economic growth from both theoretical and practical perspectives. Based on statistical data, the paper reveals the dynamics of trading on the Republican Stock Exchange "Toshkent" in recent years, emphasizing the functional role of equity and bond markets in financing the real sector. Through comparative analysis with international experience, the article offers proposals and recommendations for further development of Uzbekistan's capital market, deepening institutional reforms, and enhancing investor participation.

**Keywords:** national economy, financial market, capital market, joint-stock companies, financial resources, stock exchange, shares, bonds, investments, financing, market infrastructure, economic growth.

### Kirish

Bugungi globallashuv sharoitida kapital bozorining samarali faoliyat yuritishi aksiyadorlik jamiyatlari uchun uzoq muddatli moliyaviy resurslar manbai sifatida muhim ahamiyat kasb etmoqda. Jahon banki ma'lumotlariga ko'ra, "Fond bozorining rivojlanish darajasi yuqori bo'lgan mamlakatlarda korxonalarining o'zini-o'zi moliyalashtirish ulushi 35–50 foizgacha yetadi" [1]. O'zbekiston kapital bozorini chuqur isloh qilish orqali xususiy sektorni moliyaviy jihatdan qo'llab-quvvatlashni strategik vazifa sifatida belgilangan bo'lib, bu yo'nalishda regulyator organlar tomonidan investorlar uchun ochiqlik va shaffoflikni ta'minlovchi mexanizmlar joriy etilmoqda. Xususan, "Toshkent" RFBda qimmatli qog'ozlar savdosining hajmi 2021–2023 yillar oralig'ida 2,5 barobarga oshgani bu bozorning real investitsiya maydoniga aylana boshlaganini ko'rsatadi [2]. Shuningdek, Osiyo taraqqiyot banki mutaxassislari (2022) ta'kidlaganidek, O'zbekistonda aksiyadorlik jamiyatlarini IPOga olib chiqish tajribasi korxonalarining bozor mexanizmlariga moslashuvini jadallashtirmoqda [3]. Demak, kapital bozorining rivoji aksiyadorlik jamiyatlariga tashqi moliyaviy manbalarni keng jalb qilish imkonini yaratib, iqtisodiy o'sishga xizmat qiladi. Kapital bozorini rivojlantirish – bu moliyaviy tizim barqarorligini ta'minlovchi muhim omildir, chunki u aksiyadorlik jamiyatlarining uzoq muddatli investitsiyalarga bo'lgan ehtiyojini qondiradi. Hozirgi kunda aksiyadorlik jamiyatlarining moliyaviy resurslarga bo'lgan talabi keskin ortib bormoqda, bu esa bozor infratuzilmasini yanada takomillashtirish zaruratini yuzaga keltiradi. Bozor mexanizmlarining erkinligi va shaffofligi sarmoyadorlar ishonchini oshirish bilan birga, ularni faol jalb qilishga xizmat qiladi. Shuningdek, fond bozori faoliyatining qonuniy asoslarda rivojlanishi kapital oqimini rasmiy sektor orqali boshqarish imkonini beradi, bu esa iqtisodiy o'sishning muhim kafolati hisoblanadi. Natijada aksiyadorlik jamiyatlari xorijiy va mahalliy investitsiyalar evaziga innovatsion loyihalarni amalga oshirish imkoniyatiga ega bo'ladilar.

Aksiyadorlik jamiyatlarining moliyaviy resurslarga bo'lgan ehtiyojini to'liq ta'minlash uchun kapital bozorining diversifikatsiyasi zarur bo'lib, bu omil iqtisodiy o'sish sur'atlarini tezlashtiradi. Shu bilan birga, fond birjalari faoliyatining avtomatlashtirilishi hamda zamonaviy texnologiyalarning joriy etilishi investorlar uchun qulay muhit yaratadi. Aholining jamg'armalarini korporativ qimmatli qog'ozlarga yo'naltirish orqali moliyaviy resurslar iqtisodiyotning real sektoriga oqib kiradi. Ushbu jarayonda davlat tomonidan rag'batlantiruvchi choralar ko'rilmasa, kapital bozorining potentsiali to'liq ishga tushmasligi mumkin. Shuning uchun, hukumat va moliya institutlari o'rtasida muvofiqlashtirilgan hamkorlik aloqalari muhim ahamiyat kasb etadi.





Aksiyadorlik jamiyatlarining barqaror moliyaviy ta'minoti uchun kapital bozorini chuqurlashtirish dolzarb strategik yo'nalish sifatida ko'rilmogda. Fitch Ratings va Moody's kabi xalqaro reyting agentliklari kapital bozori rivojlangan mamlakatlarda korxonalarining qarzi yuki kamayib, o'z moliyaviy manbalarini diversifikatsiya qilganligini qayd etadi [4]. O'zbekiston tajribasida esa aksiyadorlik jamiyatlarining qimmatli qog'ozlar chiqarish faolligi pastligi hamon asosiy muammo bo'lib qolmogda. Masalan, 2023 yilda aksiyadorlik jamiyatlarining faqat 6 foizi fond bozorida faol ishtirok etgan, bu esa moliyalashtirishda bank kreditlariga yuqori qaramlikni yuzaga keltirmogda [5]. Shu sabab kapital bozorining likvidligini oshirish, korporativ boshqaruvning shaffofligini kuchaytirish va investorlar ishonchini ta'minlash orqali jamiyatlarga investitsiya oqimini yo'naltirish mumkin. BMT Taraqqiyot dasturi (UNDP, 2022) ham rivojlanayotgan mamlakatlarda fond bozorining institutsional bazasini mustahkamlashni iqtisodiy islohotlarning markaziga qo'ygan. Kapital bozorining jadal rivoji orqali aksiyadorlik jamiyatlarining iqtisodiy erkinligi va moliyaviy barqarorligi ta'minlanadi.

Kapital bozoriga erkin kirish imkoniyatlarini yaratish orqali aksiyadorlik jamiyatlari uchun moliyalashtirish manbalarining xilma-xilligini ta'minlash mumkin. Jahon iqtisodiyotida kuzatilayotgan tendensiyalar shuni ko'rsatadiki, kapital bozorlari orqali resurs jalb qilgan kompaniyalar innovatsion rivojlanishda va raqobatbardoshlikda yuqori natijalarga erishmogda [6]. O'zbekistonda esa mazkur imkoniyatlar hali to'liq ishga solinmagan, chunki ko'plab jamiyatlar fond bozori talablariga javob bermaydi yoki muqobil moliyaviy mexanizmlarni yetarli darajada bilmaydi. Shu munosabat bilan 2022 yildan boshlab, Jahon banki va ADB ko'magida O'zbekistonda korporativ moliyalashtirish infratuzilmasini modernizatsiya qilish loyihalari amalga oshirilmogda [7]. Ayniqsa IPO va SPO jarayonlarini yengillashtiruvchi reglamentlar orqali kichik va o'rta aksiyadorlik jamiyatlarining bozorga chiqishi soddalashtirilmogda. Kapital bozorini isloh qilish nafaqat moliyaviy resurslarni jalb etishning muqobil mexanizmini yaratadi, balki iqtisodiyotda sog'lom raqobat muhitini shakllantirishga ham xizmat qiladi. Shunday qilib, fond bozorining rivoji xususiy sektorga barqaror moliyaviy tayanchni taqdim etadi. Kapital bozorini rivojlantirish nafaqat aksiyadorlik jamiyatlarining moliyaviy mustahkamligini ta'minlaydi, balki ularning raqobatbardoshligini ham oshiradi. Aksiyalarning ochiq savdosi orqali investorlar o'z mablag'larini to'g'ridan-to'g'ri kompaniyalarga yo'naltirish imkoniyatiga ega bo'ladilar, bu esa korxonalar uchun arzon va uzoq muddatli moliyalashtirish manbaini yaratadi. Mazkur jarayonda moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlarga muvofiq tayyorlanishi investorlar ishonchini oshiradi va kapital jalb qilish imkoniyatlarini kengaytiradi. Bozorda raqobatning oshishi korporativ boshqaruv sifatiga ham ijobiy ta'sir ko'rsatadi, chunki investorlar faqat ishonchli va samarali boshqarilayotgan kompaniyalarga mablag' kiritishga tayyor bo'ladilar. Shu bois, kapital bozorini izchil rivojlantirish orqali iqtisodiyotda kapital aylanishining tezligi ham ortadi.

### **Adabiyotlar sharhi**

Kapital bozori infratuzilmasining rivojlanishi aksiyadorlik jamiyatlari uchun moliyaviy resurslarni jalb etishda muhim omil sifatida e'tirof etiladi. Levine va Zervos (1998) tomonidan olib borilgan empirik tadqiqotlar kapital bozori kengligining iqtisodiy o'sish bilan ijobiy bog'liqligini isbotlaydi [8]. Ularning fikricha, fond birjalari orqali kapital harakati korxonalarining innovatsion salohiyatini kengaytiradi. Xususan, O'zbekistonda fond bozorida ishtirok etuvchi aksiyadorlik jamiyatlari sonining ko'payishi moliyaviy barqarorlikni kuchaytirishga xizmat qilmogda. Bu esa, makroiqtisodiy muvozanatni ta'minlashda kapital bozorining ahamiyatini oshiradi.

Likvid kapital bozorlari investorlar uchun ishonchli moliyaviy muhit yaratib, aksiyadorlik jamiyatlariga uzoq muddatli sarmoya jalb etish imkonini beradi. Ross, Westerfield va Jaffe (2016) ta'kidlaganidek, bozor likvidligi korporativ moliyalashtirish xarajatlarini kamaytiradi va investitsion qarorlar samaradorligini oshiradi [9]. Ayni vaqtda O'zbekistonda "Toshkent" respublika fond birjasining savdo hajmi o'sayotgani korxonalar uchun qo'shimcha moliyaviy





manbalarni yaratmoqda. Fitch Ratings va Moody's kabi agentliklar ham bozor infratuzilmasining yaxshilanishi aksiyadorlik kapitalining jozibadorligini oshirishini qayd etgan. Shu asosda kapital bozorining likvidligi iqtisodiy o'sishning katalizatoriga aylanmoqda.

AQSh va Germaniya tajribasi shuni ko'rsatadiki, kapital bozori rivoji aksiyadorlik jamiyatlarining innovatsion loyihalarini moliyalashtirishda asosiy rol o'ynaydi. F.S. Mishkin (2015) o'z tadqiqotlarida kapital bozorlarining iqtisodiy barqarorlik va investitsiya xavfini diversifikatsiyalashdagi o'rniga alohida urg'u bergan [10]. Ayniqsa IPO mexanizmlari orqali kompaniyalar ko'plab investorlarni jalb qilgan holda, ochiq aksiyalar chiqarish orqali kapital topmoqda. Yevropa Ittifoqi mamlakatlarida esa kapital bozorlarining integratsiyalashuvi iqtisodiy o'sish omili sifatida qaralmoqda. Bu holat O'zbekiston uchun ham strategik ahamiyatga ega bo'lishi mumkin.

Kapital bozori samaradorligi, avvalo, emitentlarning moliyaviy axborotni to'liq va oshkora taqdim etishiga bog'liq. R. Bushman va A. Smithlarning (2003) aniqlashicha, axborot oshkoraligi investorlarning qaror qabul qilish sifatiga bevosita ta'sir ko'rsatadi [11]. O'zbekistonda ham 2021–2023 yillarda kompaniyalarning axborot berish madaniyati yuqorilgani natijasida savdo hajmlari o'sgan. Bu esa, investorlar ishonchini oshirib, ularni kapital bozoriga jalb qilmoqda. Demak, oshkoralik – investitsion faollikning asosiy omillaridan biridir.

Kapital bozorida obligatsiyalar va aksiyalar chiqarish mexanizmlarining mavjudligi aksiyadorlik jamiyatlariga mos variantni tanlash imkonini beradi. F. J.Fabozzi (2013) obligatsiyalar orqali moliyalashtirishning kredit xavfini kamaytirishdagi ahamiyatini qayd etadi [12]. Aksiyalarning esa uzoq muddatli investorlarni jalb etishdagi ustunligi dolzarb bo'lib qolmoqda. O'zbekistonda “UzAuto Motors” va boshqa yirik kompaniyalar tomonidan chiqarilgan korporativ obligatsiyalar kapital bozorining jadal rivojlanayotganini ko'rsatmoqda. Bu holat moliyaviy manbalarni diversifikatsiyalashga xizmat qilmoqda.

Iqtisodchi olimlar qayd etganidek, kapital bozorida ishonch muhitini ta'minlashda tartibga soluvchi institutlar faoliyati muhim o'rin tutadi. Jumladan, R. La Porta va boshqalar (1997) huquqiy tizim va investor huquqlarining himoyasi o'rtasida kuchli korrelyatsiyani aniqlagan [13]. Ularning fikricha, kuchli tartibga soluvchi tizimlar kapital oqimining barqarorligini ta'minlaydi. O'zbekistonda “O'zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi” faoliyatining kuchaytirilishi va qimmatli qog'ozlar bozorining normativ-huquqiy asoslari takomillashayotganligi investorlar faolligini oshirmoqda. Bu esa moliyalashtirish imkoniyatlarini kengaytiradi.

Kapital bozori xususiylashtirish jarayonining muhim tarkibiy qismi bo'lib, davlat ulushidagi korxonalar aksiyadorlik jamiyatlariga aylantirishda samarali vosita hisoblanadi. J.E. Stiglitz (1999) ta'kidlaganidek, fond bozorlari orqali xususiylashtirish resurslar taqsimotining samaradorligini oshiradi [14]. O'zbekistonda IPO asosida aksiyalar chiqarish orqali xususiylashtirilayotgan kompaniyalarga ommaviy investorlar jalb qilinmoqda. Bu nafaqat bozor mexanizmlarini kuchaytiradi, balki korxonalarining boshqaruv samaradorligini oshiradi. Shunday qilib, kapital bozori iqtisodiy islohotlar uchun tayanch maydon bo'lib xizmat qilmoqda.

Mahalliy iqtisodchi olimlarimizdan S. Elmirzayev, O. Hamdamov, A. Karimov, S. Omonov, Sh.Otaxonovalar kapital bozorini rivojlantirish, undagi jarayonlar samaradorligini ta'minlash, aksiyadorlik jamiyatlari va institutsional investorlarning fond bozorida ishtirokini oshirish bo'yicha o'zlarining tadqiqotlarida amaliy tavsiya va takliflar ishlab chiqqanlar.

Xalqaro investorlar uchun kapital bozorining ochiqligi, ishonchliligi va transmilliy standartlarga mosligi asosiy talablardan biridir. World Bank (2020) hisobotida aytilishicha, rivojlanayotgan davlatlarda xorijiy investorlar uchun xavfsizlik kafolatlari bozor ishtirokchiligi darajasiga ta'sir ko'rsatadi [15]. O'zbekiston hukumati tomonidan chiqarilgan yirik IPO'lar, masalan, “Toshkent” RFB orqali ATB “Ipoteka-bank” aksiyalarining chet ellik investorlar uchun ochilishi kapital bozorining globallashtirish tendensiyasini namoyon qilmoqda. Bunday strategiyalar orqali transmilliy moliyaviy resurslarni jalb etish imkoniyati kengaymoqda.





Yuqoridagi iqtisodchi olimlar va nufuzli xalqaro tashkilotlarning ilmiy tadqiqot natijalaridan kelib chiqqan holda shuni qayd etish mumkin, kapital bozorini rivojlantirish orqali aksiyadorlik jamiyatlariga moliyaviy resurlarni keng jalb etish yo‘nalishlarini tahlil etish va kerakli tavsiyalar ishlab chiqish muhim ahamiyatga ega hisoblanadi.

### Tadqiqot metodologiyasi

Mazkur maqolada kapital bozorini rivojlantirish orqali aksiyadorlik jamiyatlariga moliyaviy resurlarni keng jalb etish yo‘nalishlari va fond bozori tahlilini amalga oshirishda taqqoslama tahlil, statistik tahlil, qiyoslash, ilmiy abstraksiyalash, analiz, sintez kabi tadqiqot usullaridan foydalanilgan.


### Tahlil va natijalar

Mamlakatda kapital bozorining rivojlanish darajasi va aksiyadorlik jamiyatlarining moliyaviy resurslarga kirish imkoniyatlari o‘rtasidagi bog‘liqlik bugungi kunda dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Kapital bozori – bu iqtisodiy tizimda uzoq muddatli moliyaviy resurslarning taqsimlanishi va erkin harakati ta‘minlanadigan, aksiyadorlik kapitali va qarz mablag‘larining jamlanishini ifoda etuvchi murakkab institutlar yig‘indisidir. Ushbu bozor orqali korxonalar va davlatlar investitsion loyihalarni moliyalashtirish uchun zarur bo‘lgan kapitalni aksiyalar, obligatsiyalar yoki boshqa moliyaviy vositalar chiqarish orqali jalb qiladilar. Kapital bozorining asosiy tarkibiy qismlari – birlamchi va ikkilamchi bozorlar bo‘lib, birlamchi bozorda emissiya orqali yangi qimmatli qog‘ozlar sotiladi, ikkilamchi bozorda esa investorlar o‘rtasidagi erkin savdo amalga oshiriladi. Mazkur bozorning mavjudligi moliyaviy vositalarning likvidligini ta‘minlash bilan birga, moliyaviy intizom va ochiqlikni oshiradi, bu esa korporativ boshqaruvning takomillashuviga xizmat qiladi. Kapital bozori taraqqiy etgan davlatlarda iqtisodiy o‘shishning asosiy drayverlaridan biri hisoblanadi, chunki u ishlab chiqarishning kengayishini to‘g‘ridan-to‘g‘ri moliyalashtirish imkonini beradi.

Kapital bozori mamlakat iqtisodiyotida moliyaviy vositalar orqali resurslar harakatini muvofiqlashtirish, ularni samarali tarmoqlar bo‘yicha qayta taqsimlash va investorlar ishtirokini kuchaytirish kabi fundamental vazifalarni bajaradi. Ayniqsa, aksiyadorlik jamiyatlari uchun u moliyaviy mustaqillikka erishish va uzoq muddatli rivojlanish strategiyalarini moliyalashtirishning asosiy mexanizmlaridan biri hisoblanadi. Kapital bozorining barqaror faoliyati orqali jamiyatda jamg‘armalar investitsiyaga aylantiriladi, bu esa iqtisodiy siklni faollashtiradi va yangi ish o‘rinlari yaratilishiga xizmat qiladi.

1-диаграмма.

**Global aksiyalar bozori kapitalizatsiyasi  
qiymati (trln AQSH dollari)**



\*<https://www.sifma.org/wp-content/uploads/2023/07/2024-SIFMA-Capital-Markets->





Factbook.pdf.

Yuqoridagi davr mobaynida global aksiyalar bozorining kapitalizatsiyasi 2014 yildagi 69,6 trln dollardan 2023 yilda 115,1 trln dollarga yetib, umumiy o‘shish tendensiyasini namoyon etdi. Ayniqsa, 2017 yilda kapitalizatsiya 123 foizga oshib, moliyaviy aktivlarga bo‘lgan talabning jadal o‘shishini ko‘rsatdi, bu esa investorlar ishonchi va iqtisodiy faollikning tiklanishi bilan izohlanadi. 2020 va 2021 yillar pandemiyaga qaramay yuqori o‘shish sur‘atlari bilan ajralib turdi, bu markaziy banklarning keng ko‘lamli stimulyatsiya choralari joriy etishi bilan bog‘liq bo‘ldi. Shu bilan birga, 2022 yilda o‘shish 84 foizgacha pasaygani kuzatilib, global siyosiy beqarorlik va foiz stavkalari oshirilishi aksiyalar bozorida qisqa muddatli inqirozni keltirib chiqarganini anglatadi. 2023 yildagi 114 foizlik tiklanish esa kapital bozorlarining moslashuvchanligini va investorlar tomonidan risklarga bo‘lgan barqaror munosabatni namoyish etdi.

1-jadval.

**Global aksiyalar bozori kapitalizatsiyasi**  
(umumiy ulushdan foizda)

| Yil  | Avstraliya | Kanada | Xitoy | Yevroitifoq | Gonkong | Hindiston | Yaponiya | Singapur | Buyuk Britaniya | AQSh  | Rivojlangan mamlakatlar (DM) | Rivojlanayotgan mamlakatlar (EM) |
|------|------------|--------|-------|-------------|---------|-----------|----------|----------|-----------------|-------|------------------------------|----------------------------------|
| 2009 | 2.6%       | 3.4%   | 7.3%  | 15.6%       | 4.7%    | 5.2%      | 7.0%     | 1.0%     | 5.7%            | 30.7% | 7.3%                         | 9.5%                             |
| 2010 | 2.6%       | 3.8%   | 7.1%  | 12.6%       | 4.8%    | 5.7%      | 7.2%     | 1.1%     | 6.4%            | 30.4% | 7.7%                         | 10.6%                            |
| 2011 | 2.4%       | 3.9%   | 6.9%  | 11.2%       | 5.2%    | 6.2%      | 7.1%     | 1.2%     | 6.1%            | 31.5% | 7.6%                         | 10.7%                            |
| 2012 | 2.5%       | 3.6%   | 6.6%  | 12.2%       | 5.0%    | 4.4%      | 6.6%     | 1.4%     | 6.0%            | 33.2% | 7.9%                         | 10.5%                            |
| 2013 | 2.1%       | 3.2%   | 6.0%  | 13.0%       | 4.7%    | 3.4%      | 6.7%     | 1.3%     | 6.7%            | 36.3% | 8.8%                         | 9.0%                             |
| 2014 | 1.9%       | 3.0%   | 8.6%  | 11.3%       | 4.5%    | 4.4%      | 6.3%     | 1.1%     | 5.8%            | 37.8% | 6.6%                         | 7.7%                             |
| 2015 | 1.7%       | 2.3%   | 11.9% | 11.1%       | 4.6%    | 4.4%      | 7.1%     | 0.9%     | 5.7%            | 36.6% | 7.4%                         | 6.2%                             |
| 2016 | 1.8%       | 2.9%   | 10.2% | 10.7%       | 4.5%    | 4.3%      | 7.1%     | 0.9%     | 4.8%            | 38.2% | 7.3%                         | 6.8%                             |
| 2017 | 1.7%       | 2.7%   | 9.9%  | 11.2%       | 5.0%    | 5.3%      | 7.1%     | 0.9%     | 5.1%            | 36.6% | 7.3%                         | 7.1%                             |
| 2018 | 1.6%       | 2.5%   | 8.2%  | 10.6%       | 5.0%    | 5.4%      | 6.9%     | 0.9%     | 4.7%            | 39.6% | 7.4%                         | 7.1%                             |
| 2019 | 1.7%       | 2.7%   | 9.2%  | 10.4%       | 5.0%    | 4.7%      | 6.9%     | 0.9%     | 4.0%            | 38.1% | 7.5%                         | 6.9%                             |
| 2020 | 1.6%       | 2.4%   | 11.5% | 10.5%       | 5.8%    | 2.4%      | 6.3%     | 0.6%     | 3.8%            | 39.0% | 9.0%                         | 7.1%                             |
| 2021 | 1.6%       | 2.7%   | 12.0% | 11.4%       | 4.5%    | 2.9%      | 5.4%     | 0.5%     | 3.1%            | 40.2% | 9.1%                         | 7.5%                             |
| 2022 | 1.7%       | 2.7%   | 11.3% | 10.8%       | 4.5%    | 3.6%      | 5.3%     | 0.6%     | 3.1%            | 39.7% | 9.5%                         | 7.5%                             |
| 2023 | 1.6%       | 2.7%   | 9.5%  | 11.0%       | 3.5%    | 3.8%      | 5.3%     | 0.5%     | 2.7%            | 42.6% | 9.6%                         | 7.3%                             |

\*<https://www.sifma.org/wp-content/uploads/2023/07/2024-SIFMA-Capital-Markets-Factbook.pdf>.

2009–2023 yillar oralig‘ida global aksiyalar bozori kapitalizatsiyasining hududlar va mamlakatlar bo‘yicha taqsimoti moliyaviy kuchlar muvozanatining qanday o‘zgarayotganini yaqqol ko‘rsatadi. AQSh ushbu davr mobaynida doimiy ustunlikni saqlab qolgan bo‘lib, uning bozordagi ulushi 2009 yildagi 30,7 foizdan 2023 yilda 42,6 foizga yetgan, bu esa AQSh kapital bozorining barqarorligi va texnologik gigantlar ulushining global iqtisodiyotdagi ta‘sirini kuchaytirganidan dalolat beradi. Aksincha, Yevropa Ittifoqi davlatlari ulushi 15,6 foizdan 11 foizga pasaygan, bu esa ularning moliyaviy markaz sifatidagi rolda sekinlashuv borligini anglatadi. Xitoy 2015 yilda 11,9 foiz bilan yuqori cho‘qqiga chiqqan bo‘lsa-da, 2023 yilda bu ko‘rsatkich 9,5 foizga tushgan, bu esa bozorning tartibga solinishi va geosiyosiy tavakkalchiliklar ta‘sirida yuzaga kelgan. Rivojlangan mamlakatlarning umumiy ulushi barqaror tarzda 9 foiz atrofida ushlab turilayotgan bo‘lsa, rivojlanayotgan mamlakatlar ulushi 2009 yildagi 9,5 foizdan 2023 yilda 7,3 foizga pasaygan bo‘lib, bu global investorlar ehtiyotkorligi va kapital oqimlarining AQShga qayta yo‘nalayotganidan dalolat beradi. Bunday bozorlar rivojlangan mamlakatlarda YaIMning 60-80 foizigacha moliyalashtirish manbai bo‘lib xizmat






qilsa, rivojlanayotgan davlatlarda bu ko‘rsatkich hali past bo‘lib, ulkan salohiyatni namoyon etadi. Shunday ekan, kapital bozorini institutsional jihatdan mustahkamlash va investitsion muhitni yaxshilash – iqtisodiy barqarorlik va innovatsion o‘shishni ta‘minlovchi zaruriy shartlardan biridir.

O‘zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishganidan so‘ng, bozor iqtisodiyotiga o‘tish jarayonida kapital bozorini shakllantirish davlatning asosiy iqtisodiy siyosatlaridan biri sifatida belgilandi. 1994-yilda “Toshkent” respublika fond birjasining tashkil etilishi mamlakatda kapital bozori infratuzilmasining boshlanish nuqtasini ifoda etdi. Bu orqali birlamchi va ikkilamchi fond bozorlarida aksiyalar va obligatsiyalar muomalasi yo‘lga qo‘yildi. Keyingi yillarda qimmatli qog‘ozlar savdosi, investorlarni himoya qilish tizimi va axborot oshkoraligini ta‘minlovchi normativ-huquqiy baza bosqichma-bosqich takomillashdi. Jumladan, 2018–2023-yillarda O‘zbekiston kapital bozorini institutsional rivojlantirishga qaratilgan bir qator Prezident farmonlari va qarorlar qabul qilinib, kapital bozorining ochiqligi, likvidligi hamda investorlar uchun qulay muhitni shakllantirishga erishildi. Shuningdek, chet ellik investorlarning ishtirokini kengaytirish, davlat korxonalarini IPO va SPO orqali xususiylashtirish kabi chora-tadbirlar ushbu bozorni yanada faollashtirishga xizmat qilmoqda.

2-diagramma.

**“Toshkent” RFBda savdolar hajmi, mlrd. so‘m**



\*<https://www.uzse.uz/analytics/>.

“Toshkent” fond birjasida 2020–2024 yillarda aksiyalar bozoridagi savdolar hajmi keskin o‘shib, bu davrda iqtisodiy islohotlarning samarasi yaqqol ko‘zga tashlandi. Xususan, 2020-yilda atigi 510 mlrd so‘mni tashkil etgan aksiyalar savdosi 2024-yilga kelib 19182 mlrd so‘mga yetib, 37 baravardan ortiq ko‘paygan. Bunday keskin o‘shish, avvalo, yirik aksiyadorlik jamiyatlarining IPO jarayonlarida faol ishtiroki, davlat ulushidagi kompaniyalarning ochiqlikka intilishi va xorijiy investorlar ishtirokining kengayishi bilan izohlanadi. Ayniqsa, aksiyalar muomalasi hajmidagi bu ijobiy dinamika fond bozori infratuzilmasining modernizatsiyasi, ishtirokchilar uchun axborot shaffofligi hamda moliyaviy vositalarning xilma-xilligi ortib borayotganidan dalolat beradi. Kapital bozori ishtirokchilarining ishonchi kuchaygani sari, ularning faoliyati tobora diversifikatsiyalashmoqda va bu iqtisodiyotdagi investitsiyaviy faollikni rag‘batlantirmoqda.

O‘zbekistonda kapital bozori orqali aksiyadorlik jamiyatlariga moliyaviy resurslarni jalb etish mexanizmlari so‘nggi yillarda sezilarli darajada takomillashdi. Ayniqsa, “Toshkent” fond birjasi orqali aksiyalar va obligatsiyalar chiqarish hajmi ortib borayotgani jamiyatlarining o‘z mablag‘ bazasini diversifikatsiya qilish imkoniyatlarini kengaytirdi. Aksiyadorlik jamiyatlari uchun IPO orqali ochiq bozorga chiqish nafaqat moliyalashtirish manbaini kengaytiradi, balki ularning faoliyati ustidan jamoatchilik nazoratini oshirib, korporativ boshqaruvni kuchaytirishga xizmat qiladi. Yirik korxonalar, xususan, “O‘zmetkombinat” va “O‘z sanoatqurilishbank” kabi tashkilotlar IPO jarayonlariga kirib borishi boshqa jamiyatlar uchun ham namuna sifatida xizmat





qilmoqda. Shu bilan birga, kapital bozorida ishtirok etuvchi institutsional investorlar sonining ko‘payishi va ularning faoliyatini tartibga soluvchi qonunchilikning kuchaytirilishi aksiyadorlik jamiyatlarining barqaror moliyaviy rivojlanishini ta‘minlamoqda. Bu esa, o‘z navbatida, O‘zbekiston iqtisodiy o‘rnatilish sur‘atlariga ijobiy ta‘sir ko‘rsatmoqda.

2-jadval.

**Kapital bozorini rivojlantirish orqali AJlarga moliyaviy resurslarni jalb etish yo‘nalishlari**

| <b>№</b> | <b>Yo‘nalishlar</b>   | <b>Tavsif</b>   | <b>Kutilayotgan natija</b>   | <b>Amalga oshirish mexanizmi</b>   |
|----------|---|---|--|--|
| 1.       | IPO jarayonlarini soddalashtirish                               | Aksiyadorlik jamiyatlarning fond bozoriga chiqishini yengillashtirish | Aksiyalar sonining oshishi, investorlar faolligining ortishi                 | Qonunchilikni liberallashtirish, soliq imtiyozlarini joriy etish                 |
| 2.       | Investorlarga axborot ochiqligini kuchaytirish                  | Moliyaviy hisobotlarning shaffofligini ta‘minlash                     | Ishonch darajasining ortishi, uzoq muddatli investitsiyalarning o‘rnatilishi | Xalqaro standartlar asosida axborotlarni e‘lon qilish                            |
| 3.       | Mahalliy investorlar faolligini oshirish                        | Aholi jamg‘armalarini bozorga yo‘naltirish                            | Ichki moliyaviy resurslarning safarbar etilishi                              | Moliyaviy savodxonlik dasturlarini kengaytirish                                  |
| 4.       | Elektron savdo platformalarini rivojlantirish                   | Savdo jarayonlarini raqamlashtirish orqali qulaylikni ta‘minlash      | Bitimlar sonining ko‘payishi, likvidlikning ortishi                          | Fintech kompaniyalar bilan hamkorlik, regulyator infratuzilmasini rivojlantirish |
| 5.       | Korporativ obligatsiyalar bozorini kengaytirish                 | Aksiyadorlik jamiyatlari uchun muqobil moliyalashtirish imkoniyati    | Uzoq muddatli kapital oqimini kengaytirish                                   | Regulyativ talablarni soddalashtirish, talabni subsidiyalash                     |
| 6.       | Yirik investorlar va institutlar uchun preferensiyalar yaratish | Pensiya jamg‘armalari va sug‘urta kompaniyalarini jalb qilish         | Bozorda barqarorlik va katta hajmli investitsiyalarni ta‘minlash             | Tizimli investorlar uchun maxsus aksiyalar va obligatsiyalar emissiyasi          |

\*Muallif ishlanmasi.

Kapital bozorini rivojlantirish yo‘nalishlarining har biri aksiyadorlik jamiyatlari moliyaviy imkoniyatlarini sezilarli darajada kengaytirishga xizmat qiladi. Iqtisodchi olimlar qayd etganidek, kapital bozori global iqtisodiyotda pul oqimlarini samarali boshqarish va taqsimlashda muhim ahamiyatga egadir [16]. Xususan, korporativ obligatsiyalar chiqarishni faollashtirish AJlar uchun uzoq muddatli va nisbatan arzon moliyalashtirish manbalarini yaratadi, bu esa ishlab chiqarish va innovatsion loyihalarni barqaror davom ettirish imkonini beradi. IPO va SPO jarayonlarini soddalashtirish orqali esa kichik va o‘rta biznes subyektlari ham kapital bozoriga kira oladi, bu esa moliyaviy muvozanatning xususiy sektor foydasiga o‘zgarishiga olib keladi. Elektron savdo tizimlarini modernizatsiyalash esa zamonaviy texnologiyalarning keng joriy etilishi orqali operatsion xarajatlarni kamaytiradi va real vaqtli savdolar imkoniyatini oshiradi. Davlat ishtirokidagi yirik aksiyadorlik jamiyatlarining aksiyalarini fond bozorida erkin muomalaga chiqarish ularning ochiqligini ta‘minlaydi, hamda xususiy investorlarga yirik





aktivlarga sarmoya kiritish imkoniyatini beradi. Shuningdek, soliq yengilliklari va huquqiy kafolatlarning kuchaytirilishi kapital bozorining institutsional asoslarini mustahkamlaydi va sarmoyadorlar uchun ishonchli muhitni shakllantiradi. Natijada, kapital bozorining diversifikatsiyalangan, chuqurlashtirilgan va institutsional jihatdan barqaror ekotizimi vujudga keladi.

### **Xulosa**

O‘zbekistonning aksiyadorlik jamiyatlari uchun kapital bozori orqali moliyalashtirishning ahamiyati tobora ortib bormoqda. 2020–2024 yillar oralig‘ida "Toshkent" RFBdagi savdolar hajmining 34 baravardan ortiq o‘sishi (577 mlrd so‘mdan 19,5 trln so‘mgacha) ushbu tendensiyani yaqqol namoyon etdi. Aksiyalar savdosining obligatsiyalarga nisbatan ustunligi, kompaniyalar ochiq moliyaviy resurslar jalb qilishni ustuvor deb hisoblayotganini bildiradi. Kapital bozorining rivojlanishi xususiy sektorning faollashuvi, investorlar ishonchi va moliyaviy muhitning shaffofligiga bog‘liq bo‘lib qolmoqda. Shu bois bu yo‘nalishda institutsional islohotlarni jadallashtirish muhim ahamiyatga ega.

Kapital bozorining samarali faoliyati uchun faqat savdo hajmining emas, balki ishtirokchilar soni va bozordagi instrumentlar xilma-xilligining ham o‘sishi muhimdir. Tahlillarga ko‘ra, savdo hajmi ortayotgan bo‘lsa-da, bozordagi aksiyadorlik jamiyatlari soni va emitentlar faolligi hali-hanuz yetarli darajada emas. Bozordagi qatnashchilarning aksariyati jismoniy shaxslar bo‘lib, institutsional investorlar ulushi sezilarli darajada pastligicha qolmoqda. Shu bois, qimmatli qog‘ozlar emissiyasini soddalashtirish, reyting tizimini kengaytirish va xalqaro audit amaliyotini keng joriy etish zarur. Bu esa kompaniyalar uchun investorlar ishonchini oshirib, moliyaviy resurslar oqimini ta‘minlaydi.

O‘zbekiston kapital bozorida likvidlik darajasi sezilarli o‘shishga qaramay, sektorlar bo‘yicha notekis taqsimot saqlanib qolmoqda. Ayrim sohalardagi yirik aksiyadorlik jamiyatlari fond bozoriga faol kirib borgan bo‘lsa-da, ko‘plab korxonalar haligacha yopiq yoki cheklangan mulk shaklida faoliyat yuritmoqda. Bu esa bozorning to‘laqonli raqobatbardoshligiga salbiy ta‘sir ko‘rsatadi. Shuningdek, investitsiyaviy vositalar bo‘yicha aholi orasida moliyaviy savodxonlik yetarli emasligi sababli, fond bozoriga ishonch pastligicha qolmoqda. Bunday sharoitda davlat tomonidan ommaviy aksiyalashuv va IPOlarni qo‘llab-quvvatlash zarur bo‘lib qolmoqda.

Kapital bozorini rivojlantirishda raqamli texnologiyalarni joriy etish va axborot oshkoraligi muhim strategik yo‘nalish hisoblanadi. Toshkent fond birjasi faoliyatida yagona savdo maydonchalari, onlayn platformalar va investorlar uchun ochiq axborot tizimlarining rivojlanishi moliyaviy axborotga tezkorlik bilan kirishni ta‘minlaydi. Korporativ boshqaruvning kuchaytirilishi, xususan, audit qo‘mitalari va mustaqil direktorlar institutining kengayishi, investor ishonchiga ijobiy ta‘sir ko‘rsatmoqda. Bundan tashqari, xalqaro moliya tashkilotlari bilan hamkorlikni kuchaytirish orqali bozordagi islohotlarga texnik va metodik ko‘mak olish mumkin. Bularning barchasi kapital bozorini uzoq muddatli barqaror moliyaviy manba sifatida shakllantirishga xizmat qiladi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. World Bank. Global Financial Development Report 2022: Financial Inclusion // Washington, DC: International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank. – 2022. – P. 1–152.
2. Toshkent respublika Fond birjasi. Yillik statistik hisobot – 2023 yil // Rasmiy sayt: [www.uzse.uz](http://www.uzse.uz)
3. Asian Development Bank (ADB). Uzbekistan: Capital Market Diagnostic // ADB Economics Working Paper Series. – 2022. – No. 651. – P.1–42.
4. Moody’s Investors Service. Corporate Finance Outlook – 2023: Key Trends in Global Credit Markets // Moody’s Analytics. – 2023. – P. 1–28.





5. O‘zbekiston Respublikasi Kapital bozorini rivojlantirish agentligi hisobotlari, 2023
6. Organisation for Economic Cooperation and Development (OECD). Capital Market Review of Southeast Asia – 2021 // OECD Capital Market Series. – Paris: OECD Publishing. – 2021. – P. 1–88.
7. Asian Development Bank (ADB). Financial Sector Development in Uzbekistan: Technical Assistance Report // ADB Series. – Manila: ADB. – 2022. – Report No. UZB-TA-9765. – P. 1–53.
8. Levine, R., & Zervos, S. Stock Markets, Banks, and Economic Growth // American Economic Review. – 1998. – Vol. 88(3). – P. 537–558.
9. Ross, S. A., Westerfield, R. W., & Jaffe, J. F. Corporate Finance. – McGraw-Hill, 2016. – P. 123–145.
10. Mishkin, F. S. The Economics of Money, Banking and Financial Markets. – Pearson, 2015. – P. 488–500.
11. Bushman, R., & Smith, A. Financial Accounting Information and Corporate Governance // Journal of AE. – 2003. – Vol. 37. – P. 237–333.
12. Fabozzi, F. J. Bond Markets, Analysis and Strategies. – Pearson Education, 2013. – P. 290–315.
13. La Porta, R. et al. Legal Determinants of External Finance // Journal of Finance. – 1997. – Vol. 52(3). – P. 1131–1150.
14. Stiglitz, J. E. Whither Reform? Ten Years of the Transition // Annual World Bank Conference on Development Economics. – 1999. – P. 27–56.
15. World Bank. Global Financial Development Report 2020: Bank Regulation and Supervision a Decade after the Global Financial Crisis. – Washington D.C.: World Bank, 2020. – P. 144–165.
16. Каримов А. Капитал бозорини ривожлантириш йўналишлари //Страховой рынок Узбекистана. – 2024. – Т. 1. – №. 8. – С. 34-37.



## GLOBAL KAPITAL BOZORLARINING RIVOJLANISHI VA INSTITUTSIONAL TRANSFORMATSIYASI SHAROITIDA INVESTITSİYALARNI JALB QILISHDA FOND BOZORLARINING IQTISODIY AHAMIYATI

**Xolov Sherali Axrorboyevich**

mustaqil tadqiqotchisi

E-mail: [Sherali.holov@mail.ru](mailto:Sherali.holov@mail.ru)

ORCID: 0009-0008-7343-616X

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada global kapital bozorlarining rivojlanishi va institutsional transformatsiyasi sharoitida fond bozorining milliy iqtisodiyotga investitsiyalarni jalb qilishdagi iqtisodiy ahamiyati ilmiy asosda tahlil qilindi. Tadqiqotda nufuzli tashkilotlarning 2014–2024 yillar ma’lumotlari, jumladan Jahon banki, IMF, UNCTAD va OECD statistikasi asosida empirik va nazariy yondashuvlar qo‘llanildi. Maqolada fond bozorining institutsional elementlari, korporativ boshqaruv, axborot oshkoraligi va moliyaviy instrumentlarning investitsiya jozibadorligini oshirishdagi roli batafsil yoritildi. Shu bilan birga, raqamli savdo platformalari va global integratsiya milliy iqtisodiyotning barqaror o‘shishini va chet el investitsiyalarini jalb qilishni rag‘batlantirishda muhim omil sifatida ta’kidlandi.

**Kalit so‘zlar:** fond bozori, global kapital bozorlari, investitsiyalarni jalb qilish, institutsional transformatsiya, korporativ boshqaruv, axborot oshkoraligi, moliyaviy instrumentlar, kapital oqimi, bozor likvidligi, innovatsion investitsiyalar, makroiqtisodiy barqarorlik, Industry 4.0, raqamli savdo platformalari, global integratsiya, milliy iqtisodiyot, sarmoya strategiyasi.

## ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНВЕСТИЦИЙ ИЗ ГЛОБАЛЬНЫХ ФИНАНСОВЫХ РЫНКОВ В НАЦИОНАЛЬНУЮ ЭКОНОМИКУ

**Холов Шерали Ахрорбойевич**

Самостоятельный исследователь

Email: [Sherali.holov@mail.ru](mailto:Sherali.holov@mail.ru)

ORCID: [orcid.org/0009-0008-7343-616X](https://orcid.org/0009-0008-7343-616X)

**Аннотация.** В статье научно проанализирована экономическая значимость фондового рынка для привлечения инвестиций в национальную экономику в условиях развития глобальных рынков капитала и институциональной трансформации. В исследовании использовались эмпирические и теоретические подходы на основе данных ведущих организаций за 2014–2024 годы, включая Всемирный банк, МВФ, ЮНКТАД и ОЭСР. В статье подробно рассмотрены институциональные элементы фондового рынка, корпоративное управление, прозрачность информации и роль финансовых инструментов в повышении инвестиционной привлекательности. Кроме того, подчеркивается важность цифровых торговых платформ и глобальной интеграции для устойчивого роста национальной экономики и привлечения иностранных инвестиций.

**Ключевые слова:** фондовый рынок, глобальные рынки капитала, привлечение инвестиций, институциональная трансформация, корпоративное управление, прозрачность информации, финансовые инструменты, движение капитала, ликвидность рынка, инновационные инвестиции, макроэкономическая стабильность, Индустрия 4.0, цифровые торговые платформы, глобальная интеграция, национальная экономика, инвестиционная стратегия.

## MAIN DIRECTIONS FOR ATTRACTING INVESTMENTS FROM GLOBAL FINANCIAL MARKETS INTO THE NATIONAL ECONOMY





Xolov Sherali Axrorboyevich

Independent Researcher

Email: [Sherali.holov@mail.ru](mailto:Sherali.holov@mail.ru)

ORCID:0009-0008-7343-616X

**Abstract.** *This article provides a scientific analysis of the economic significance of the stock market in attracting investments to the national economy under the conditions of global capital market development and institutional transformation. The study applied empirical and theoretical approaches based on data from leading organizations for 2014–2024, including the World Bank, IMF, UNCTAD, and OECD. The article examines in detail the institutional elements of the stock market, corporate governance, information transparency, and the role of financial instruments in enhancing investment attractiveness. Furthermore, the importance of digital trading platforms and global integration is emphasized as a key factor for sustainable growth of the national economy and attracting foreign investments.*

**Key words:** *stock market, global capital markets, investment attraction, institutional transformation, corporate governance, information transparency, financial instruments, capital flow, market liquidity, innovative investments, macroeconomic stability, Industry 4.0, digital trading platforms, global integration, national economy, investment strategy.*

### Kirish

Global kapital bozorlarining jadal rivojlanishi va institutsional transformatsiyasi sharoitida investitsiyalarni jalb qilishda fond bozorlarining iqtisodiy ahamiyati keskin ortib bormoqda. Jahon banki va UNCTAD ma’lumotlariga ko’ra, 2022–2023 yillarda global fond bozorlari orqali jalb qilingan kapital hajmi 110 trillion AQSh dollaridan oshib, dunyo YAIMining qariyb 120 foiziga teng bo’lgan, bu fond bozorlarining real sektorni moliyalashtirishdagi hal qiluvchi rolini ko’rsatadi. Xususan, rivojlanayotgan mamlakatlarda aksiyalar va obligatsiyalar bozori orqali jalb qilingan investitsiyalar umumiy investitsiya oqimining 30–35 foizini tashkil etib, bank kreditlariga nisbatan muqobil moliyalashtirish manbai sifatida mustahkamlanib bormoqda[1,2]. Fond bozorlari real sektor bilan moliya sektori o’rtasida samarali vositachilikni ta’minlab, jamg’armalarning investitsiyalarga aylanish mexanizmini chuqurlashtiradi. Jahon fond birjalari federatsiyasi (WFE) statistikalariga ko’ra, 2023 yilda global aksiyalar bozorining umumiy kapitallashuvi 105 trillion AQSh dollariga yetib, 2015 yilga nisbatan qariyb 1,8 baravar oshgan. Ushbu o’sish institutsional investorlar ulushining 70 foizdan ortiqqa yetishi bilan bog’liq bo’lib[3], bu fond bozorlarining uzoq muddatli va barqaror investitsiyalarni jalb etishdagi institutsional ahamiyatini yaqqol namoyon etadi. Ayniqsa, institutsional investorlar – pensiya fondlari, sug’urta kompaniyalari va investitsiya fondlarining faollashuvi kapitalning uzoq muddatli va barqaror oqimini shakllantiradi. Bu jarayon kapitalning narxini pasaytirish, risklarni diversifikatsiya qilish va moliyalashtirish manbalarini kengaytirish imkonini beradi. Natijada fond bozori iqtisodiy o’sishning muhim drayveriga aylanadi.

Institutsional transformatsiya fond bozorlarining tashkiliy-huquqiy, texnologik va tartibga solish infratuzilmasining sifat jihatidan yangilanishini talab etadi. Shaffoflik, axborot oshkoraligi va korporativ boshqaruv standartlarining kuchayishi investorlar ishonchini mustahkamlaydi. Global kapital bozorlarida ESG tamoyillarining keng joriy etilishi investitsiya oqimlarining sifatini oshiradi va ijtimoiy-iqtisodiy barqarorlikni qo’llab-quvvatlaydi. Raqamli savdo platformalari va fintech yechimlari tranzaksiya xarajatlarini kamaytirib, bozor likvidligini oshiradi. Bu omillar fond bozorlarining investitsiyalarni jalb etishdagi institutsional rolini kuchaytiradi.

Fond bozorlarining iqtisodiy ahamiyati, avvalo, kapitalni tarmoqlar va hududlar kesimida samarali taqsimlash qobiliyatida namoyon bo’ladi. Qimmatli qog’ozlar orqali korxonalar uchun alternativ moliyalashtirish manbalari yaratiladi, bu esa bank kreditlariga qaramlikni kamaytiradi. Xalqaro Valyuta Jamg’armasi (XVJ) hisob-kitoblariga ko’ra, rivojlangan moliya bozorlariga ega mamlakatlarda fond bozori orqali moliyalashtirilgan investitsiyalar iqtisodiy o’sish sur’atlarini





o‘rtacha 1,2–1,5 foiz bandga tezlashtirgan[4]. Shu bilan birga, OECD ma’lumotlari fond bozori chuqurligi yuqori bo‘lgan iqtisodiyotlarda xususiy investitsiyalarning YAIMga nisbati 20 foizdan yuqori ekanini ko‘rsatib[5], kapital bozorlarining iqtisodiy barqarorlikni ta’minlashdagi strategik rolini tasdiqlaydi. Bozor baholash mexanizmi resurslardan foydalanish samaradorligini oshirib, past rentabelli loyihalarni cheklaydi. Shu bilan birga, risklarni bozor orqali taqsimlash innovatsion loyihalarga sarmoya jalb qilishni osonlashtiradi. Natijada iqtisodiyotning raqobatbardoshligi va ishlab chiqarish samaradorligi yuksaladi.

Mazkur mavzuning dolzarbligi shundaki, globallasuv va geosiyosiy beqarorlik sharoitida kapital uchun raqobat kuchayib bormoqda. Milliy iqtisodiyotlar investitsiya jozibadorligini oshirishda fond bozorlarining institutsional rivojlanishiga tayanishga majbur. Xususan, rivojlanayotgan mamlakatlar uchun fond bozorlarini chuqurlashtirish xorijiy va mahalliy investitsiyalarni safarbar etishning muhim sharti hisoblanadi. Makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlashda fond bozorlarining rolini kuchaytirish strategik ahamiyat kasb etadi. Shu bois, global kapital bozorlaridagi institutsional transformatsiyalarni ilmiy asosda tahlil qilish bugungi kunning muhim ilmiy-amaliy vazifasidir.

### **Adabiyotlar sharhi.**

Bizga ma’lumki, global kapital bozorlarining rivojlanishi va institutsional transformatsiyasi sharoitida investitsiyalarni jalb qilishda fond bozorlarining iqtisodiy ahamiyatini ilmiy tadqiq etish kapital oqimlarining shakllanish mexanizmlarini chuqur nazariy va amaliy asoslash imkonini beradi. Ushbu yo‘nalishdagi tadqiqotlar moliya bozorlarining institutsional tuzilmasi, tartibga solish samaradorligi hamda investorlar xulq-atvorining o‘zaro bog‘liqligini aniqlash orqali investitsiya muhitini yaxshilashga xizmat qiladi. Shuningdek, fond bozorlarining real sektorni moliyalashtirishdagi roli va ularning iqtisodiy o‘rishga ta’sirini baholash makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlash uchun muhim ilmiy xulosalar beradi. Ilmiy tahlillar asosida kapital bozorlarini rivojlantirish strategiyalarini takomillashtirish, moliyaviy risklarni kamaytirish va resurslardan foydalanish samaradorligini oshirish bo‘yicha aniq tavsiyalar ishlab chiqiladi. Natijada, mazkur tadqiqotlar milliy iqtisodiyotning global kapital bozorlariga integratsiyalashuvi jarayonida fond bozorlarining strategik ahamiyatini ilmiy jihatdan asoslab, ularning investitsiyalarni jalb etishdagi rolini kuchaytirishga xizmat qiladi. Jumladan empirik tadqiqotlarga to‘xtaladigan bo‘lsak, Jahon bankining kapital bozorlarini rivojlantirish bo‘yicha empirik tadqiqotlariga ko‘ra, fond bozori kapitallashuvi YAIMga nisbatan 10 foizga oshgan mamlakatlarda xususiy investitsiyalar hajmi o‘rtacha 2–3 foiz bandga tezlashgan[6]. Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatadiki, institutsional investorlar ulushi yuqori bo‘lgan bozorlar real sektor uchun uzoq muddatli va arzon moliyaviy resurslarni shakllantiradi. Shu bilan birga, korporativ boshqaruv va axborot oshkoraligi kuchli bo‘lgan iqtisodiyotlarda kapital oqimlarining barqarorligi sezilarli darajada yuqori ekanligi empirik jihatdan tasdiqlangan.

Xalqaro Valyuta Jamg‘armasi tomonidan olib borilgan empirik tahlillar fond bozorlarining chuqurligi va iqtisodiy o‘rish o‘rtasida ijobiy va statistik ahamiyatga ega bog‘liqlik mavjudligini ko‘rsatadi. XVJ ma’lumotlariga ko‘ra, rivojlangan kapital bozorlariga ega mamlakatlarda investitsiyalarning YAIMga nisbati o‘rtacha 5–7 foiz bandga yuqori bo‘ladi[7]. Tadqiqotlarda, ayniqsa, obligatsiyalar bozorining rivojlanishi makroiqtisodiy shoklar sharoitida investitsiya faolligini saqlab qolishda muhim rol o‘ynashi qayd etilgan.

OECD tomonidan o‘tkazilgan empirik tadqiqotlar natijalariga ko‘ra, fond bozori infratuzilmasi rivojlangan mamlakatlarda innovatsion loyihalarga yo‘naltirilgan investitsiyalar ulushi 1,5–2 baravar yuqori ekanligi aniqlangan[8]. Tahlillar shuni ko‘rsatadiki, raqamli savdo platformalari va institutsional islohotlar joriy etilgan bozorlar kapital aylanish tezligini sezilarli darajada oshiradi. Natijada, fond bozorlarining rivojlanishi investitsiyalarni jalb qilish samaradorligini kuchaytirib, iqtisodiy barqarorlik va raqobatbardoshlikni ta’minlovchi muhim omil sifatida namoyon bo‘ladi.

Yuqoridagi ilmiy tadqiqotlar jumlasiga Osatiuk, Hbur, Vasylevska va Kucher (2024)





tomonidan olib borilgan tadqiqot kiritish mumkin, unda moliyaviy instrumentlarning kapital bozorlarini rivojlantirish hamda investitsiyalarni jalb etishdagi oʻrni kompleks yondashuv asosida tahlil qilinib, aksiyalar, obligatsiyalar va hosilaviy instrumentlar orqali real sektorni moliyalashtirish imkoniyatlari ilmiy asosda yoritilgan[9]. Mualliflar moliyaviy instrumentlar diversifikatsiyasi investitsiya resurslarini jalb etishda asosiy omil ekanini taʼkidlab, ayniqsa, iqtisodiyotning ustuvor tarmoqlarida kapital yetishmovchiligini bartaraf etishda kapital bozorlarining funksional ahamiyatini koʻrsatib beradi. Shu bilan birga, tadqiqotda institutsional va tartibga solish muhitining yetarli darajada rivojlanmaganligi investitsiya faolligini cheklovchi omil sifatida qayd etilgan.

Nikonenko, Shtets va Kalinin (2022) oʻz tadqiqotlarida Industry 4.0 elementlarini joriy etish sharoitida investitsiyalarni jalb qilish siyosatini baholab, rivojlangan moliya bozorlariga ega iqtisodiyotlarda sanoat rivoji va kapital oqimlari oʻrtasida kuchli uzviy bogʻliqlik mavjudligini ilmiy asosda koʻrsatib beradi. Mualliflar investitsiya siyosatida diversifikatsiya va sanoatlashtirish yoʻnalishlarini ustuvor deb baholab, moliyaviy bozor infratuzilmasining rivojlanishi ushbu jarayonlarning samaradorligini belgilovchi asosiy omil ekanini taʼkidlaydi. Boshqa bir tadqiqotda Hicham, Abdellatif va Karim (2024)[10] islomiy koʻchmas mulk investitsiya fondlarining moliya bozorlarini ragʻbatlantirishdagi rolini tahlil qilib, ushbu instrumentlar faol boʻlmagan jamgʻarmalarni safarbar etish orqali real sektor investitsiyalarini kengaytirishini asoslab beradi. Mualliflar islomiy REITlarning milliy iqtisodiyotga qoʻshadigan hissasi uzoq muddatli va barqaror investitsiya oqimlarini shakllantirishda muhim ekanini qayd etadi. Fikrimizcha, ushbu ikki yoʻnalishdagi ilmiy xulosalarni integratsiyalash orqali raqamli sanoatlashtirish va muqobil moliyaviy instrumentlarni uygʻun rivojlantirish investitsiyalarni jalb etish siyosatining samaradorligini sezilarli darajada oshiradi.

Mahalliy iqtisodchi olimlarimizdan Elmirezayev tomonidan olib borilgan tadqiqotda aksiyadorlik jamiyatlarining investitsion jozibadorligini taʼminlash masalalari tahlil qilinib, korporativ boshqaruv sifati, moliyaviy hisobotlarning shaffofligi va dividend siyosatining investorlarga taʼsiri ilmiy asosda yoritilgan[11]. Karimov Oʻzbekiston fond bozorida investorlarning pul mablagʻlarini jalb qilish mexanizmlarini oʻrganar ekan[12], emissiya jarayonlari, birja savdolari va institutsional investorlar faolligi kapital bozorini rivojlantirishdagi muhim omillar ekanini taʼkidlaydi. Otaxonova va Aliyeva (2019) esa moliya bozorini rivojlantirishda korporativ tuzilmalar faoliyatini qoʻllab-quvvatlash mexanizmlarini tahlil qilib[13], fond bozori infratuzilmasining rivojlanishi investitsiya oqimlarining barqarorligini taʼminlashini asoslab beradi. Ushbu tadqiqotlarda umumiy jihat sifatida investitsiya muhitini yaxshilashda institutsional islohotlarning hal qiluvchi roli alohida eʼtirof etiladi. Mazkur ilmiy xulosalarni global kapital bozorlari tajribasi bilan uygʻunlashtirish Oʻzbekiston fond bozorining investitsiyalarni jalb etish salohiyatini yanada oshirishga xizmat qiladi.

Maqolada keltirilgan adabiyotlar sharxi shuni koʻrsatadiki, fond bozorlarining iqtisodiy ahamiyati va investitsiyalarni jalb qilishdagi roli nafaqat nazariy jihatdan, balki empirik tadqiqotlar orqali ham aniq tasdiqlangan. Nufuzli tashkilotlar – Jahon banki, XVJ, OECD va UNCTAD – maʼlumotlari fond bozorlarining rivojlanishi kapital oqimlarini barqarorlashtirish, real sektorni moliyalashtirish va makroiqtisodiy barqarorlikni taʼminlashda strategik ahamiyatga ega ekanini koʻrsatadi. Shu bilan birga, ilmiy maqolalar va tadqiqotlar institutsional transformatsiyalar, korporativ boshqaruv va moliyaviy instrumentlarning diversifikatsiyasi investitsiyalarni jalb etish samaradorligini oshirishga xizmat qilishini tasdiqlaydi. Mening qarashimcha, mazkur adabiyotlar asosida fond bozorlarini rivojlantirish siyosatini shakllantirish va raqamli hamda ESG tamoyillariga yoʻnaltirilgan instrumentlarni joriy etish milliy iqtisodiyotning global kapital bozorlariga integratsiyasini mustahkamlashga xizmat qiladi. Natijada, adabiyotlar sharxi investitsiyalarni jalb etish strategiyasini ilmiy asoslash va amaliy tavsiyalar ishlab chiqish uchun mustahkam poydevor yaratadi.

### **Tadqiqot metodologiyasi**






Ushbu maqolada tadqiqot metodologiyasi sifatida komparativ tahlil, empirik ma'lumotlarni statistik qayta ishlash va nazariy iqtisodiy modellardan foydalangan holda fond bozorlarining investitsiyalarni jalb qilish samaradorligi o'rganildi. Tadqiqot jarayonida Jahon banki, IMF, UNCTAD va OECD kabi nufuzli tashkilotlarning 2014–2024 yillardagi global moliya va aksiyalar bozorlariga oid real statistik ma'lumotlari asosiy manba sifatida ishlatildi, bu esa natijalarning ilmiy ishonchliligini ta'minlaydi. Shuningdek, metodologiyada institutsional transformatsiyalar, korporativ boshqaruv va moliyaviy instrumentlar ta'siri tahlil qilinib, ularning milliy iqtisodiyotga kapital oqimlarini shakllantirishdagi roli ko'rsatildi. Natijada, qo'llangan metodik yondashuv fond bozorining iqtisodiy ahamiyatini aniqlash va investitsiyalarni jalb qilish strategiyalarini ilmiy asoslash imkonini berdi.

**Tahlil va natijalar.**

Global kapital bozorlarining rivojlanishi va institutsional transformatsiyasi sharoitida fond bozorining iqtisodiy ahamiyati birinchi navbatda uning investitsiyalarni jalb qilishdagi vositachilik funksiyasida namoyon bo'ladi, chunki u jamg'armalarni real sektor loyihalariga samarali yo'naltiradi. Tushuncha jihatidan, fond bozori – bu qimmatli qog'ozlar savdosi orqali kapitalning erkin aylanishini ta'minlovchi institutsional mexanizm bo'lib, investorlar va korxonalar o'rtasida resurslarni samarali taqsimlashni kafolatlaydi. Empirik tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, fond bozori chuqurligi yuqori bo'lgan mamlakatlarda iqtisodiy o'sish sur'atlari barqaror va sarmoyalar uzun muddatli oqim bilan ta'minlangan. Shu bilan birga, korporativ boshqaruvning shaffofligi va moliyaviy hisobotlarning ochiqligi investor ishonchini oshirib, bozor likvidligini kuchaytiradi. Ahamiyat jihatidan, fond bozorining rivojlanishi iqtisodiyotning diversifikatsiyasi va innovatsion loyihalarni moliyalashtirish imkoniyatlarini kengaytiradi, bu esa milliy iqtisodiyotning global kapital bozorlariga integratsiyalashuvini rag'batlantiradi. Shu nuqtai nazardan, fond bozorini tushunish va uning institutlararo mexanizmlarini ilmiy tahlil qilish investitsiyalarni jalb etish strategiyasini samarali shakllantirish uchun zarur hisoblanadi.



**1-rasm. Jahon YaIM va global aksiyalar savdosi, mlrd. AQSH dollari[14]**

1-rasm tahlili shuni ko'rsatadiki, 2014–2024 yillar davomida jahondagi YAİM va global aksiyalar savdosi o'rtasida sezilarli o'zaro bog'liqlik mavjud bo'lib, bu kapital bozorlarining real iqtisodiyot bilan uzviy aloqasini yaqqol namoyon etadi. Ma'lumotlarga ko'ra, 2015 va 2020–2021 yillarda global aksiyalar savdosi YAİMga nisbatan sezilarli oshgan bo'lsa-da, keyingi yillarda iqtisodiy o'sish sur'atlari bilan aksiyalar savdosining dinamikasi bir-biridan farq qilgan, bu bozor volatilligi va investor xulq-atvorining o'zgaruvchanligini aks ettiradi. 2016 va 2017 yillarda aksiyalar savdosi YAİMga nisbatan nisbatan barqaror bo'lib, global moliya bozorlarining qisqa muddatli shoklarga nisbatan chidamliligini ko'rsatadi. Shu bilan birga, 2022





va 2023 yillarda aksiyalar savdosi YAIMga nisbatan pasayib, makroiqtisodiy noaniqlik va geopolitik risklarning fond bozoriga ta'sirini empirik jihatdan tasdiqlaydi. 2024 yilda esa global aksiyalar savdosi yana oshib, kapital bozorlarining iqtisodiyotning rivojlanish sur'atlariga moslashuvchanligini va investitsiyalarni jalb qilishdagi muhim rolini namoyon qiladi. Natijada, ushbu statistik ma'lumotlar fond bozorining makroiqtisodiy barqarorlikni saqlash va real sektor loyihalarini moliyalashtirishdagi strategik ahamiyatini ilmiy jihatdan asoslash imkonini beradi.

Fond bozorining investitsiyalarni jalb qilishdagi roli faqat moliyaviy tranzaksiyalar bilan cheklanmay, balki iqtisodiy barqarorlikni ta'minlash va resurslardan samarali foydalanish nuqtai nazaridan ham katta ahamiyatga ega. Tushuncha jihatidan, u kapitalning vaqt va risk bilan bog'liq qiymatini aniqlashga xizmat qiladigan bozor mexanizmi bo'lib, investitsiya qarorlarini ma'lumotlarga asoslash imkonini beradi. Empirik tadqiqotlar OECD, Jahon banki va UNCTAD ma'lumotlariga tayangan holda fond bozorlari rivojlangan mamlakatlarda innovatsion loyihalarga yo'naltirilgan investitsiyalar ulushini sezilarli darajada oshirganini ko'rsatadi.

1-jadval.

**Fond bozorining institutsional elementlari va investitsiyalarni jalb qilish mexanizmi[15-20]**

| Tushuncha / Element         | Tavsif   | Investitsiyalarni jalb qilishdagi roli                                  | Nazariy asos / Ahamiyati   |
|-----------------------------|--|---|--|
| Korporativ boshqaruv        | Korxonalarda qaror qabul qilishning institutlararo tizimi        | Investor ishonchini oshirib, uzoq muddatli kapital oqimini ta'minlaydi  | Shleifer & Vishny (1997), korporativ boshqaruvning samaradorligi fond bozorida resurslarni samarali taqsimlashni ta'minlaydi |
| Axborot oshkoraligi         | Moliyaviy hisobotlarning shaffofligi va muntazam e'lon qilinishi | Risklarni kamaytirib, investitsiya faoliyatini rag'batlantiradi         | La Porta et al. (2000), shaffoflik yuqori bo'lgan bozorlar sarmoya oqimlarini ko'paytiradi                                   |
| Institutsional investorlar  | Pensiya fondlari, sug'urta kompaniyalari, investitsiya fondlari  | Kapitalning uzoq muddatli va barqaror oqimini yaratadi                  | World Bank (2022), institutsional investorlar bozor likvidligini oshiradi  |
| Moliyaviy instrumentlar     | Aksiyalar, obligatsiyalar, hosilaviy instrumentlar               | Diversifikatsiya va risklarni taqsimlash orqali investitsiya jalb etadi | Osatiuk va boshq. (2024), moliyaviy instrumentlar orqali real sektor moliyalashtiriladi                                      |
| Raqamli savdo platformalari | Onlayn birja va elektron tranzaksiyalar tizimi                   | Tranzaksiya xarajatlarini kamaytirib, bozor likvidligini oshiradi       | OECD (2021), raqamli savdo fond bozorini samarali qiladi   |

1-jadvalning tahlili shuni ko'rsatadiki, fond bozorining institutsional elementlari investitsiyalarni jalb qilish mexanizmini samarali tashkil etishda hal qiluvchi rol o'ynaydi. Korporativ boshqaruv va axborot oshkoraligi investor ishonchini mustahkamlab, uzoq muddatli kapital oqimlarini shakllantirishga xizmat qiladi, bu esa Shleifer & Vishny (1997) hamda La Porta va boshq. (2000) tadqiqotlari bilan ilmiy jihatdan tasdiqlangan. Institutsional investorlar va moliyaviy instrumentlarning diversifikatsiyasi bozor likvidligini oshiradi va risklarni samarali taqsimlash orqali real sektor loyihalariga sarmoya jalb qilish imkonini beradi, bu esa World Bank (2022) va Osatiuk va boshq. (2024) tadqiqotlari bilan mos keladi. Shu bilan birga, raqamli savdo platformalari tranzaksiya xarajatlarini kamaytirib, bozor samaradorligini oshiradi va fond bozorining investitsiyalarni jalb etishdagi funksiyasini kuchaytiradi, OECD (2021) ma'lumotlari buni qo'llab-quvvatlaydi. Natijada, jadvaldan ko'rinib turibdiki, institutsional va texnologik





elementlar integratsiyasi fond bozorini strategik investitsiya mexanizmi sifatida shakllantirishga imkon beradi.

2-jadval.

**Fond bozorining iqtisodiy ahamiyati va milliy iqtisodiyotga ta'siri**

| <b>Ko'rsatkich / Tushuncha</b>     | <b>Izoh</b>  | <b>Milliy iqtisodiyotga ta'siri</b>   | <b>Nazariy asos / Ahamiyati</b>  |
|------------------------------------|--|---|--|
| <b>Kapital oqimi</b>               | Bozor orqali jalb qilingan mablag'larning umumiy hajmi                               | Real sektor loyihalarini moliyalashtirish, iqtisodiy o'sishni rag'batlantirish      | IMF (2023), rivojlangan bozorlar kapital oqimini barqaror qiladi                             |
| <b>Bozor likvidligi</b>            | Qimmatli qog'ozlarni tez va oson sotib-sotish qobiliyati                             | Investitsiyalarni jalb qilish samaradorligini oshiradi                              | UNCTAD (2023), likvid bozor investor ishonchini oshiradi                                     |
| <b>Innovatsion investitsiyalar</b> | Yangi texnologiyalar va sanoat loyihalariga yo'naltirilgan sarmoyalar                | Sanoat diversifikatsiyasi va raqobatbardoshlikni kuchaytiradi                       | Nikonenko va boshq. (2022), Industry 4.0 loyihalarini moliyalashtirishni qo'llab-quvvatlaydi |
| <b>Makroiqtisodiy barqarorlik</b>  | Iqtisodiy o'sishning barqarorligi va inflyatsiya, valyuta xavflarining boshqarilishi | Uzluksiz investitsiya oqimi, xavf-xatarsiz moliyaviy muhit                          | OECD (2022), barqaror bozor iqtisodiy barqarorlikni rag'batlantiradi                         |
| <b>Integratsiya</b>                | Milliy bozorning global kapital bozorlariga ulanishi                                 | Chet el investitsiyalarini jalb etish va milliy iqtisodiyotni modernizatsiya qilish | World Bank (2022), global integratsiya investitsiya jozibadorligini oshiradi                 |

2-jadvalning tahlili shuni ko'rsatadiki, fond bozorining iqtisodiy ahamiyati milliy iqtisodiyotning barqaror rivojlanishi va investitsiyalarni jalb qilish samaradorligi bilan bevosita bog'liqdir. Kapital oqimi va bozor likvidligi indikatorlari investitsiya resurslarini real sektor loyihalariga tez va samarali yo'naltirish imkonini beradi, bu IMF (2023) va UNCTAD (2023) tadqiqotlarida ilmiy jihatdan tasdiqlangan. Innovatsion investitsiyalar orqali fond bozori sanoat diversifikatsiyasi va raqobatbardoshlikni kuchaytiradi, Nikonenko va boshq. (2022) tadqiqotlari esa Industry 4.0 loyihalarini moliyalashtirishda ushbu mexanizmning samaradorligini ko'rsatadi. Makroiqtisodiy barqarorlik va milliy bozorni global kapital bozorlariga integratsiya qilish chet el investitsiyalarini jalb qilish va iqtisodiy modernizatsiyani rag'batlantiradi, bu esa OECD (2022) va World Bank (2022) ma'lumotlari bilan mos keladi. Shu nuqtai nazardan, jadval milliy iqtisodiyot uchun fond bozorining strategik ahamiyatini va uning investitsiyalarni jalb etishdagi rolini aniq tushuntiradi, ilmiy tahlil va siyosiy tavsiyalarni shakllantirishda mustahkam asos yaratadi.

Tahlil qismi shuni ko'rsatadiki, fond bozorining institutsional elementlari, korporativ boshqaruv va axborot oshkorligi investitsiyalarni jalb qilish samaradorligini sezilarli darajada oshiradi, bu esa milliy iqtisodiyotning barqaror o'sishiga bevosita ta'sir qiladi. Empirik ma'lumotlar va Jahon banki, IMF, UNCTAD hamda OECD tadqiqotlari asosida olingan natijalar fond bozori va global kapital bozorlarining uzviy bog'liqligini tasdiqlaydi hamda bozor volatilligi va risklarni boshqarish muhimligini ko'rsatadi. Shu bilan birga, raqamli savdo platformalari va moliyaviy instrumentlar kapital oqimlarini tezlashtirib, innovatsion investitsiyalarni jalb qilish imkoniyatini kuchaytiradi, bu esa Industry 4.0 loyihalari va real sektorni moliyalashtirishda strategik rol o'ynaydi. Natijada, fond bozorini rivojlantirish va uning institutlararo mexanizmlarini mustahkamlash milliy iqtisodiyotning investitsiya jozibadorligini





o'shish va global kapital bozorlariga integratsiyasini ta'minlash uchun zarur shart-sharoit yaratadi.

**Xulosa va takliflar.**

Tahlil natijalari shuni ko'rsatadiki, global kapital bozorlarining rivojlanishi va institutsional transformatsiyasi sharoitida fond bozorining milliy iqtisodiyotga ta'siri sezilarli darajada oshgan, bu esa investitsiyalarni jalb qilish samaradorligini kuchaytiradi. Jahon banki, IMF, UNCTAD va OECD ma'lumotlariga asoslanib, kapital oqimlari va aksiyalar savdosining dinamikasi iqtisodiy barqarorlik bilan uzviy bog'liqligini tasdiqlaydi. Shu bilan birga, korporativ boshqaruvning shaffofligi va institutsional investorlar ulushi fond bozorining samaradorligini oshirishda hal qiluvchi omil ekanligi aniqlangan. Natijada, fond bozorini rivojlantirish va uni global kapital oqimlariga moslashtirish milliy iqtisodiyotning investitsiya jozibadorligini oshirishga xizmat qiladi.

Tadqiqot metodologiyasi komparativ tahlil, empirik ma'lumotlar va nazariy iqtisodiy modellardan foydalangan holda, fond bozorining iqtisodiy ahamiyatini ilmiy asoslash imkonini berdi. 2014–2024 yillar ma'lumotlari aksiyalar savdosi va YAIM o'rtasidagi uzviy bog'liqlikni ko'rsatib, bozor volatilligi va risklarni boshqarish muhimligini tasdiqlaydi. Empirik tahlillar shuni ko'rsatdiki, raqamli savdo platformalari va moliyaviy instrumentlar orqali kapitalning tez va samarali aylanishi ta'minlanadi. Shu bois, milliy iqtisodiyot uchun fond bozorini kuchaytirish strategiyasi investitsiyalarni jalb qilishni barqarorlashtirishga xizmat qilishi lozim.

Nazariy tahlil fond bozorining institutsional elementlari, xususan korporativ boshqaruv, axborot oshkorligi va institutsional investorlar ulushining investitsiya jozibadorligidagi rolini aniq ko'rsatdi. Moliyaviy instrumentlar va diversifikatsiya mexanizmlari real sektor loyihalarini moliyalashtirishda samarali vosita sifatida namoyon bo'ladi. Shuningdek, makroiqtisodiy barqarorlik va milliy bozorni global kapital bozorlariga integratsiya qilish chet el investitsiyalarini jalb qilishni rag'batlantiradi. Shu bois, strategik taklif sifatida milliy fond bozorini rivojlantirishda institutsional va texnologik omillarni birgalikda rivojlantirish tavsiya etiladi.

Empirik tahlillar asosida aniqlanishicha, global aksiyalar savdosi va YAIM o'rtasidagi bog'liqlik fond bozorining investitsiyalarni jalb qilishdagi barqaror mexanizm ekanini ko'rsatadi. Bozor volatilligi va qisqa muddatli shoklarga chidamlilik, investor ishonchini oshirish va tranzaksiya samaradorligini ta'minlash orqali investitsiyalarni jalb qilish imkoniyatini kuchaytiradi. Shu bilan birga, Industry 4.0 loyihalari va innovatsion investitsiyalarni moliyalashtirish milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshiradi. Natijada, moliyaviy siyosatni shakllantirishda fond bozorining strategik ahamiyatini hisobga olish zarur.

Xulosa sifatida, fond bozorini rivojlantirish va uning institutlararo mexanizmlarini mustahkamlash investitsiyalarni jalb qilish strategiyasini ilmiy asoslashga imkon beradi. Taklif qilinadigan choralar sifatida moliyaviy instrumentlarni diversifikatsiya qilish, korporativ boshqaruvni shaffoflashtirish va raqamli savdo platformalarini kengaytirish tavsiya etiladi. Shu bilan birga, global kapital bozorlariga integratsiya va makroiqtisodiy barqarorlikni saqlash milliy iqtisodiyotning uzoq muddatli rivojlanishiga xizmat qiladi. Natijada, ushbu tadqiqot natijalari fond bozorining iqtisodiy ahamiyati va milliy iqtisodiyotga investitsiyalarni jalb qilishdagi strategik rolini ilmiy jihatdan mustahkamlash imkonini beradi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. OECD Corporate Governance Factbook 2025
2. World Bank. Global Financial Development Report 2022: Financial Inclusion for Recovery // Finance, Competitiveness and Innovation Global Practice. – Washington, DC, 2022. – p. 1–210.
3. UNCTAD. World Investment Report 2023: Investing in Sustainable Energy for All // . – Geneva, 2023. – p. 1–180.
4. World Federation of Exchanges (WFE). Annual Statistics Guide 2023 // Market Development and Research Department. – London, 2024. – p. 1–75.





5. International Monetary Fund (IMF). Global Financial Stability Report: Safeguarding Financial Stability amid High Inflation and Geopolitical Risks // Monetary and Capital Markets Department. – Washington, DC, 2023. – p. 1–90.
6. OECD. Capital Market Review: Strengthening Capital Markets for Growth and Resilience // OECD Publishing. – Paris, 2022. – p. 1–120.
7. World Bank. Global Financial Development Report: Financial Systems for Development // Finance, Competitiveness and Innovation Global Practice. – Washington, DC, 2022. – p. 1–180.
8. International Monetary Fund (IMF). Global Financial Stability Report: Navigating Global Financial Risks // Monetary and Capital Markets Department. – Washington, DC, 2023. – p. 1–95.
9. OECD. Capital Market Review: Policies for Long-Term Investment and Sustainable Growth // OECD Publishing. – Paris, 2021. – p. 1–140.
10. Osatiuk A. et al. Financial instruments and their role in attracting investments //Multidisciplinary Reviews. – 2024. – T. 8.
11. Hicham B. et al. The Future of Islamic Real Estate Investment Trusts in Stimulating Financial Markets //Financial Markets, Institutions and Risks. – 2024. – T. 8. – №. 3. – С. 206-226.
12. Элмирзаев, С. Э. "Акциядорлик жамиятлари инвестицион жозибadorлигини таъминлашнинг айрим масалалари." "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали. № 1, 2017 йил февраль." Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали.–Тошкент 1 (2017).
13. Karimov A. O ‘zbekiston fond bozorida investorlarning pul mablag ‘larini jalb qilish mexanizmlaridan foydalanish //YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT. – 2023. – T. 1. – №. 8.
14. Otakhonova S., Aliyeva D. MAINTENANCE OF THE ACTIVITY OF CORPORATE STRUCTURES IN THE DEVELOPMENT OF THE FINANCIAL MARKET //International Finance and Accounting. – 2019. – T. 2019. – №. 5. – С. 10.
15. <https://data.worldbank.org/indicator/CM.MKT.TRAD.CD?locations=>
16. Shleifer, A., & Vishny, R. A Survey of Corporate Governance // Journal of Finance. – 1997. – Vol. 52, No. 2. – P. 737–783.
17. La Porta, R., Lopez-de-Silanes, F., Shleifer, A., & Vishny, R. Law and Finance // Journal of PE. – 2000. – Vol. 106, No. 6. – P. 1113–1155.
18. World Bank. Global Financial Development Report 2022: Financial Systems for Development // Finance, Competitiveness and Innovation Global Practice. – Washington, DC, 2022. – P. 1–180.
19. Osatiuk, A., Hbur, Z., Vasylevska, H., & Kucher, G. Financial Instruments and Their Role in Attracting Investments // MJ. – 2024. – P. 1–45.
20. OECD. Digitalisation and Capital Markets: Enhancing Market Efficiency and Liquidity // OECD Publishing. – Paris, 2021. – P. 1–120.





## **INTEGRATING SUSTAINABILITY INTO MARKETING STRATEGIES FOR ECOTOURISM IN UZBEKISTAN**

**Fayzullayev Nodirbek Baxtiyor o'gli**

*independent researcher  
Tashkent State the University  
of Economics*

*E-mail: [faynodir1995@gmail.com](mailto:faynodir1995@gmail.com)*

*ORCID: 0009-0007-0979-861X*

**Abstract.** This article analyzes the potential of eco-tourism in Uzbekistan and explores ways of developing it through sustainable marketing strategies. Based on national statistics and international sources, the paper examines tourist arrivals in 2023–2024, the share of protected areas, the establishment of new national/natural parks, and community-based tourism (CBT) practices. The marketing mix (7P: Product, Price, Place, Promotion, People, Process, Physical Evidence) is adapted to the eco-tourism context, complemented by a SWOT analysis and a roadmap (2025–2030). Findings indicate that eco-tourism in Uzbekistan requires the integration of digital marketing, collaboration platforms, eco-certifications, and performance indicators (KPIs) to ensure competitiveness and sustainability.

**Keywords:** eco-tourism, sustainable tourism, digital marketing, 7P, community-based tourism, protected areas, Ugam-Chatkal, Aralkum, Uzbekistan.

## **ИНТЕГРАЦИЯ СТАБИЛЬНОГО РАЗВИТИЯ ЭКОТУРИЗМА И МАРКЕТИНГОВЫХ СТРАТЕГИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**Файзуллаев Нодирбек Бхаттияр оглы**

*независимый исследователь  
Ташкентский государственный  
экономический университет*

*E-mail: [faynodir1995@gmail.com](mailto:faynodir1995@gmail.com)*

*ORCID: 0009-0007-0979-861X*

**Аннотация.** В статье анализируется потенциал экотуризма в Узбекистане и рассматриваются пути его развития посредством стабильных маркетинговых стратегий. На основе национальной статистики и международных источников изучаются туристические потоки 2023–2024 годов, доля охраняемых территорий, создание новых национальных и природных парков, а также практика туризма на базе сообществ (Community-Based Tourism – CBT). В контексте экотуризма применяется маркетинговый комплекс (7P: Продукт, Цена, Место, Продвижение, Люди, Процесс, Физические доказательства), проводится SWOT-анализ и предлагается перспективная дорожная карта. Результаты исследования показывают, что для развития экотуризма в Узбекистане необходимо интегрировать цифровой маркетинг, платформы сотрудничества, эко-сертификацию и показатели эффективности (KPI) для обеспечения конкурентоспособности и стабильности.

**Ключевые слова:** экотуризм, стабильный туризм, цифровой маркетинг, 7P, туризм на базе сообществ, охраняемые территории, Угам-Чаткал, Аралкум.

## **O'ZBEKISTONDA EKOTURIZMNING BARQAROR RIVOJLANTIRISH VA MARKETING STRATEGIYALARI INTEGRATSIYASI**

**Fayzullayev Nodirbek Baxtiyor o'g'li**





*mustaqil izlanuvchi  
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti  
E-mail: faynodir1995@gmail.com  
ORCID: 0009-0007-0979-861X*

**Annotatsiya.** Maqolada O‘zbekistonda ekoturizmning salohiyati tahlil qilinib, uni barqaror marketing strategiyalari orqali rivojlantirish yo‘llari o‘rganiladi. Milliy statistika va xalqaro manbalarga asoslangan holda 2023–2024 yillardagi turistlar oqimi, qo‘riqlanadigan hududlar ulushi, yangi milliy va tabiiy bog‘larning tashkil etilishi hamda jamoaga asoslangan turizm (Community-Based Tourism – CBT) amaliyotlari ko‘rib chiqiladi. Ekoturizm kontekstida marketing miksi (7P: Mahsulot, Narx, Joy, Targ‘ibot, Odamlar, Jarayon, Moddiy dalillar) qo‘llanilib, SWOT-tahlil va 2025–2030 yillarga mo‘ljallangan yo‘l xaritasi ishlab chiqiladi. Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatadiki, O‘zbekistonda ekoturizmni rivojlantirish uchun raqamli marketing, hamkorlik platformalari, eko-sertifikatlash hamda samaradorlik ko‘rsatkichlarini (KPI) joriy etish zarur.

**Kalit so‘zlar:** ekoturizm, barqaror turizm, raqamli marketing, 7P, jamoaga asoslangan turizm, qo‘riqlanadigan hududlar, Ugam-Chatqal, Aralkum.

### **Introduction**

Ecotourism is a robust and growing component of the world’s largest economic sector [1]. Ecotourism is based on principles of environmental conservation and education, cultural preservation and experience, and economic benefits. It is touted as a way for tourism to address its environmental footprint [2].

In recent years, Uzbekistan’s tourism sector has experienced rapid growth. In 2023, the country welcomed around 7 million international visitors, and by the end of 2024 this figure reached 8.2 million. Notably, in the first quarter of 2024 alone, Uzbekistan hosted 1.52 million foreign travelers. This steady increase highlights the country’s rising attractiveness as a tourist destination.

Within this broader trend, eco-friendly tourism – eco-tourism – has emerged as a highly promising segment. Uzbekistan’s unique natural landscapes, including the Ugam-Chatkal National Park, the Aralkum desert, and numerous protected areas, provide a solid foundation for the development of eco-tourism.

The objective of this study is to analyze the potential of eco-tourism in Uzbekistan and to propose sustainable marketing strategies for its systematic development. Particular attention is given to digital marketing tools, community-based initiatives, and effective management mechanisms that can strengthen the competitiveness and sustainability of the sector.

### **Literature review**

Eco-tourism has increasingly become a central focus in global tourism studies, serving as both a mechanism for environmental conservation and a driver of socio-economic development. According to the UNWTO (2022), eco-tourism represents nearly 20% of the global tourism market, highlighting its significance within the broader tourism industry. This segment is characterized by low-impact travel, nature preservation, and the integration of local communities into tourism activities [3].

International organizations also underline the importance of sustainable marketing in promoting eco-tourism. The OECD (2021) stresses that sustainable marketing strategies not only strengthen the image and brand value of destinations but also attract environmentally conscious travelers who actively seek authentic and responsible tourism experiences. In addition, scholars emphasize that eco-certifications, green labeling, and eco-branding contribute to building trust among tourists, while community participation ensures inclusive development [4].

Case studies from Costa Rica, Nepal, and Kenya demonstrate the effectiveness of combining eco-certifications, eco-branding, and local community engagement [5]. Costa Rica,





for example, has become a global leader in eco-tourism by integrating biodiversity protection with tourism services, supported by international eco-labels. Nepal has advanced eco-tourism through community-based trekking initiatives that both preserve the natural environment and generate income for local residents. Similarly, Kenya’s wildlife-based eco-tourism showcases how conservation efforts, combined with eco-friendly marketing, can enhance competitiveness on the global tourism stage [6].

In the context of Uzbekistan, academic research and applied studies on eco-tourism remain relatively limited. However, recent works point to the country’s considerable potential in this area. Protected natural sites such as Ugam-Chatkal National Park, the emerging Aralkum desert, and the Nuratau mountain ranges are frequently identified as priority destinations for eco-tourism development. These regions offer unique landscapes and biodiversity that could be effectively marketed to international eco-travelers.

Despite these opportunities, scholars underline several challenges, including limited digital presence, insufficient eco-certification systems, and the need for greater involvement of local communities in tourism planning [7]. Thus, Uzbekistan requires systematic strategies to adapt global best practices in eco-tourism and to implement sustainable marketing tools that align with both environmental preservation and economic growth objectives [8].

### **Methodology**

This research is based on a descriptive-analytical approach that integrates both statistical data and conceptual frameworks. The primary sources of secondary data include official reports from the State Committee for Tourism Development of Uzbekistan, publications of the United Nations World Tourism Organization (UNWTO), as well as international organizations such as the OECD and World Bank. In addition, academic articles and case studies on eco-tourism development in other countries were reviewed to provide comparative insights.

The methodology consists of three main components:

1. Statistical and Documentary Analysis – Official statistics on international arrivals, protected areas, and eco-tourism infrastructure in Uzbekistan were analyzed to identify current trends and growth potential. Reports from 2022–2024 were emphasized to ensure data relevance.

2. SWOT Analysis – A structured assessment of eco-tourism in Uzbekistan was conducted by categorizing strengths (e.g., unique natural reserves, cultural heritage), weaknesses (e.g., limited digital presence, lack of eco-certification), opportunities (e.g., rising global demand for sustainable tourism), and threats (e.g., environmental risks, regional competition). This tool provides a strategic overview of the sector’s internal and external environment.

3. Marketing Mix (7P) Application – The classical marketing mix (Product, Price, Place, Promotion, People, Process, and Physical Evidence) was adapted to the eco-tourism context. Each component was analyzed in relation to Uzbekistan’s eco-tourism sector, allowing for the identification of practical strategies. For example, “Product” was examined through the lens of eco-friendly destinations and services, while “Promotion” focused on digital marketing platforms, eco-branding, and sustainability certifications.

By combining these methods, the study provides both an empirical and strategic understanding of eco-tourism development in Uzbekistan. This integrative approach allows for the formulation of recommendations that are grounded in data while aligned with international best practices in sustainable tourism.

### **Analysis and results**

Opportunities for Eco-Tourism in Uzbekistan:

- Protected Areas: Uzbekistan has more than 30 protected areas, covering about 4.6% of its territory. Ugam-Chatkal National Park and Zaamin National Park are major eco-tourism sites [9].

- Natural Assets: The creation of the Aralkum desert (former Aral Sea bed) as a unique





eco-tourism destination has gained international attention.

- Cultural-Ecological Synergy: Community-based tourism in Bukhara, Samarkand, and Fergana Valley integrates traditional lifestyles with eco-friendly tourism.

Sustainable Marketing Strategies:

- Digital Marketing: Use of social media platforms, virtual tours, and eco-branding campaigns. In 2023, more than 65% of international bookings were made online.

- Green Marketing: Development of eco-certified hotels, renewable energy-based transport, and sustainable hospitality services.

- Community Involvement: Expanding CBT projects, ensuring that local communities benefit from eco-tourism [10].

- 7P Adaptation:

- Product: Eco-trails, wildlife tours, agro-tourism.

- Price: Affordable packages with value-added services.

- Place: Online booking platforms, eco-tour operators.

- Promotion: Storytelling, influencer marketing, participation in international fairs.

- People: Training programs for eco-guides.

- Process: Eco-certification and monitoring.

- Physical Evidence: Sustainable infrastructure and eco-labeling.

Challenges:

- Limited infrastructure in eco-tourism destinations.

- Low awareness of eco-tourism among local populations.

- Insufficient international promotion compared to regional competitors (Kazakhstan, Kyrgyzstan).

### **Recommendations:**

Based on the findings of this study, several strategic recommendations are proposed to ensure the sustainable development and international competitiveness of eco-tourism in Uzbekistan:

1. Develop a National Eco-Brand “Visit Uzbekistan Naturally”.

A unified eco-tourism brand should be created to promote Uzbekistan’s natural heritage, biodiversity, and cultural landscapes on the global stage. This brand could be used consistently across marketing campaigns, international fairs, and digital platforms, helping to differentiate Uzbekistan as a sustainable travel destination.

2. Introduce Eco-Certification Standards.

The government, in cooperation with international organizations, should develop eco-certification programs for hotels, guesthouses, and tour operators. Such standards would ensure compliance with environmental requirements, enhance service quality, and increase trust among eco-conscious travelers.

3. Strengthen Public-Private Partnerships (PPP) in Infrastructure Development.

Investment in eco-friendly infrastructure such as eco-lodges, green transport systems, and visitor centers should be promoted through PPP mechanisms. This would reduce the financial burden on the state while encouraging private sector participation in long-term tourism sustainability.

4. Enhance Digital Ecosystems.

A centralized digital platform integrating booking systems, eco-tourism products, and marketing tools should be established. Mobile applications and interactive websites in multiple languages would improve visibility and accessibility, while SEO and social media campaigns would strengthen Uzbekistan’s global outreach.

5. Encourage Community-Based Eco-Tourism (CBT).

Local communities should be actively involved in eco-tourism projects through training programs and access to micro-financing schemes. This approach would not only diversify income sources for rural households but also preserve traditional lifestyles and promote authentic





cultural experiences for tourists.

By implementing these recommendations, Uzbekistan can position eco-tourism as a pillar of sustainable development, attract environmentally conscious travelers, and align with global best practices in responsible tourism.

### **Conclusion**

Eco-tourism represents a strategic pathway for Uzbekistan to diversify its rapidly expanding tourism industry while simultaneously safeguarding natural resources and promoting sustainable development. Unlike mass tourism, eco-tourism prioritizes environmental protection, cultural preservation, and the active involvement of local communities, making it an essential driver of balanced socio-economic growth.

The findings of this study demonstrate that the integration of sustainable marketing strategies – particularly the use of digital platforms, eco-certification mechanisms, and community-based initiatives – can significantly enhance the visibility and competitiveness of Uzbekistan’s eco-tourism offerings in the global market. By building a strong eco-tourism brand, developing environmentally responsible infrastructure, and ensuring effective partnerships between public and private sectors, Uzbekistan can position itself as a leading eco-friendly destination in Central Asia.

Ultimately, eco-tourism in Uzbekistan is not only an economic opportunity but also a long-term commitment to sustainability, inclusiveness, and resilience. The implementation of comprehensive strategies will enable the sector to generate lasting socio-economic benefits while preserving the country’s unique biodiversity and cultural heritage for future generations.

### **References**

1. Hawkins, D. E., & Lamoureux, K. (2001). Global growth and magnitude of ecotourism. In *The encyclopedia of ecotourism* (pp. 63-72). Wallingford UK: Cabi Publishing.
2. Cobbinah, P.B. Contextualising the Meaning of Ecotourism. *Tour. Manag. Perspect.* 2015, 16, – PP.179 – 189.
3. Samal, R., & Dash, M. (2023). Ecotourism, biodiversity conservation and livelihoods: Understanding the convergence and divergence//*International Journal of Geoheritage and Parks*, 11(1), 1-20.
4. Xu, L., Ao, C., Liu, B., & Cai, Z. (2023). Ecotourism and sustainable development: a scientometric review of global research trends. *Environment, Development and Sustainability*, 25(4), 2977-3003.
5. Baloch, Q. B., Shah, S. N., Iqbal, N., Sheeraz, M., Asadullah, M., Mahar, S., & Khan, A. U. (2023). Impact of tourism development upon environmental sustainability: a suggested framework for sustainable ecotourism. *Environmental Science and Pollution Research*, 30(3), 5917-5930.
6. Dube, K., & Ezech, P. C. (2025). A Global Perspective on Ecotourism Marketing Trends: A Review. *Sustainability*, 17(13), 6035.
7. Khan, M. M., Siddique, M., Yasir, M., Qureshi, M. I., Khan, N., & Safdar, M. Z. (2022). The significance of digital marketing in shaping ecotourism behaviour through destination image. *Sustainability*, 14(12), 7395
8. Anvarovich, K. A. (2024, April). Improving the Efficiency of Using the Potential of Ecotourism in Uzbekistan. In *International Conference of Economics, Finance and Accounting Studies* (Vol. 4, – PP. 61-63).
9. Narmanov, U., Narmanov, O., & Azizakhan, M. (2023). Ecotourism Routes in Ugam-Chatkal State Natural Park and Their Organization//*Journal of Environmental Management & Tourism*, 14(1), – PP. 272-282.
10. Neger, C. (2022). Ecotourism in crisis: an analysis of the main obstacles for the sector's economic sustainability//*Journal of Ecotourism*, 21(4), – PP. 311 -333.





## **TURIZMDA KLASSTER MODELLARINI BAHOLASH MEZONLARI ASOSIDA ULARNING MOSLIK XUSUSIYATLARINI ANIQLASH**

**Umbarov Doston Murodjon o'g'li**

*turizm va marketing kafedrasining  
mustaqil tadqiqotchisi  
Qarshi davlat universiteti  
E-mail: dostondst88@gmail.com  
ORCID: 0009-0007-0847-7304*

**Annotatsiya.** Tadqiqotda turizm sohasida turli xil klaster modellari tahlil qilinib, ularning klasterga moslik xususiyatlari aniqlangan. Ayniqsa ziyorat turizmi kabi ma'naviy qadriyatlarga asoslangan turizm yo'nalishi uchun an'anaviy klaster modellarining qay darajada mos kelishi o'rganilgan. Qiyosiy tahlil asosida ziyorat turizmiga mos keladigan klasterboplik mezonlari ishlab chiqilgan. Ular orasida geografik yaqinlik, masofaviy boshqaruv, mahalliy infratuzilma, diniy-axloqiy qadriyatlarni inobatga olish, xizmatlar zanjiri, resurslarning o'zaro integratsiyasi va turizm ishtirokchilarining hamkorligi asosiy o'rin egallaydi. Tadqiqot natijalari asosida ziyorat turizmini rivojlantirishda yangi, moslashtirilgan klaster modelini yaratish bo'yicha amaliy takliflar berilgan.

**Kalit so'zlar:** turizm klasteri, klasterboplik, ziyorat turizmi, distantsion menejment, turistik model, klaster yondashuv, raqobatbardoshlik, ziyorat klasteri, turistik resurslar, klasterlash mezonlari.

## **ОПРЕДЕЛЕНИЕ СООТВЕТСТВИЙ КЛАСТЕРНЫХ МОДЕЛЕЙ В ТУРИЗМЕ НА ОСНОВЕ КРИТЕРИЕВ ИХ ОЦЕНКИ**

**Умбаров Дастан Мураджан оглы**

*независимый исследователь  
кафедры туризма и маркетинга  
Каршинский государственный  
университет  
E-mail: dostondst88@gmail.com  
ORCID: 0009-0007-0847-7304*

**Аннотация.** В статье проанализированы различные кластерные модели в сфере туризма, а также определены их характеристики соответствия кластеру. В частности, изучены уровень соответствия традиционных кластерных моделей направлениям паломнического туризма, основанных на духовных ценностях.

На основе сравнительного анализа были разработаны критерии кластерной пригодности, соответствующие паломническому туризму. Среди них важную роль играют географическая близость, дистанционное управление, местная инфраструктура, учет религиозно-культурных ценностей, сервисное обеспечение, интеграция ресурсов и сотрудничество участников туризма. По результатам исследования сформулированы практические предложения по созданию новой, адаптированной кластерной модели для развития паломнического туризма.

**Ключевые слова:** туристский кластер, кластерная эффективность, паломнический туризм, целевое управление, туристическая модель, кластерный подход, конкурентоспособность, паломнический кластер, туристические ресурсы, критерии кластеризации.

## **DETERMINATION OF CORRESPONDING CLUSTER MODELS IN TOURISM ON THE BASIS OF CRITERIA AND ASSESSMENT**





Umbarov Doston Murodjon's ukli

*Independent Researcher*  
*Department of Tourism and Marketing*  
*Qarshi State University*  
E-mail: [dostondst88@gmail.com](mailto:dostondst88@gmail.com)  
ORCID: 0009-0007-0847-7304

**Abstract.** The article analyzes various cluster models in the field of tourism and defines their cluster compliance characteristics. In particular, the level of compliance of traditional cluster models with pilgrimage tourism destinations based on spiritual values is studied. Based on the comparative analysis, cluster suitability criteria corresponding to pilgrimage tourism were developed. Among them, geographical proximity, remote management, local infrastructure, consideration of religious and cultural values, service provision, resource integration and cooperation of tourism participants play an important role. Based on the results of the study, practical proposals were formulated for the creation of a new, adapted cluster model for the development of pilgrimage tourism.

**Keywords:** tourism cluster, cluster suitability, pilgrimage tourism, destination management, tourist model, cluster approach, competitiveness, pilgrimage cluster, tourist resources, clustering criteria.

### Kirish

So‘nggi yillarda O‘zbekiston Respublikasida turizm sohasi milliy iqtisodiyotning strategik yo‘nalishlaridan biri sifatida e‘tirof etilmoqda. Davlat tomonidan turizm infratuzilmasini rivojlantirish, yangi turistik yo‘nalishlar ochish, xususan, ziyorat turizmi kabi istiqbolli tarmoqlarga e‘tiborning ortib borayotgani ushbu sohaning kompleks yondashuvlar asosida boshqarilishini talab etmoqda. Turizmning barqaror rivojlanishini ta‘minlashda zamonaviy menejment texnologiyalari, xususan, klasterlash yondashuvi alohida o‘rin tutadi.

Klasterlash – bu hududiy, iqtisodiy va ijtimoiy resurslarni bir butun tizimga birlashtirish orqali turizm xizmatlarini takomillashtirish va raqobatbardosh turistik mahsulotlar yaratishga xizmat qiluvchi zamonaviy boshqaruv usulidir. Bugungi kunda Yevropa, Osiyo va boshqa mintaqalarning turli tarmoqlarida, jumladan, turizm sohasida ham muvaffaqiyatli faoliyat yuritayotgan yuzlab klasterlar mavjud. Ular orasida raqobatbardoshlikni ta‘minlovchi, tashrif buyuruvchilar ehtiyojini to‘laqonli qondira oluvchi va mahalliy iqtisodiyotga ijobiy ta‘sir ko‘rsatuvchi klaster modellari ajralib turadi.

Biroq ziyorat turizmi o‘zining ma‘naviy-diniy xarakteri bilan klassik iqtisodiy yondashuvlarga to‘liq mos kelavermaydi. Shu bois mavjud turistik klaster modellari ziyorat turizmi sharoitida qanday ishlashi, ularning qanday klaster boplik xususiyatlarga ega ekani alohida ilmiy tahlilni talab qiladi. Chunki ziyorat turizmida faqat iqtisodiy manfaat emas, balki ma‘naviy qadriyatlar, diniy an‘analar va axloqiy-me‘yorlar ham asosiy o‘rin egallaydi.

### Adabiyotlar sharhi

Tadqiqot jarayonida chuqur ilmiy izlanishlarga asoslangan, ziyorat turistik klasterlarni shakllantirish uchun amaliy ahamiyatga ega, ishonchli ilmiy manbalari mavjud bo‘lgan konseptual turistik klaster modellarini aniqlashga harakat qildik. Ushbu klaster modeli to‘rta omilga asoslanadi: asosiy resurslar va diqqatga sazovor joylar; distantsion menejment; to‘ldiruvchi sharoitlar va talab shartlari. Modelda klaster ishtirokchilari sifatida hukumat organlari, distantsion menejment tashkilotlar, universitetlar, turizm sohasi bilan bog‘liq oddiy va transmilliy kompaniyalar ajratilgan. Klaster modelida omillar va ishtirokchilarning o‘zaro aloqadorligi va hamkorligi natijasida turizm raqobat ustunligiga ega bo‘lib, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishni ta‘minlovchi vositaga aylanishi ko‘rsatilgan.

Turistik klasterlarni shakllantirishning beshinchi qiyoslanayotgan modeli sifatida rossiyalik olimlar M.A. Morozov va T.V. Lvovanning “Turistik klasterning geografik modeli” [5] tanlangan.





Ushbu model klasterlar joylashgan hududga bog‘liq bo‘lgan "kartografik taksonomiya" yondashuvga asoslanadi. "Taksonomiya" (yunon tilidan "taxis" – o‘rnatilgan joy va "nomos" – qonun) – voqelikning murakkab sohalarini tasniflash va tizimlashtirish nazariyasidir. Bunda "kartografik taksonomiya" deganda, mualliflar turistik resurslar, xususiyatlari va turistik hududlarning rivojlanish omillari to‘g‘risidagi ma‘lumotlarni kartografik taksonomiya yordamida taqdim etish usuli deb, tushunadi. "Kartografik takson" esa o‘rganilayotgan obyektning yagona resurs (ko‘rsatkichi)ni o‘z ichiga oladigan hududiy birliklari to‘plami sifatida talqin etiladi. "Hududiy birlik" – xaritada 1x1 kilometr gorizonttal tekislikka mos keladigan, unga berilgan tartib raqami (koordinatalari) bo‘lgan hududning uchastkasi nazarda tutiladi.

Masalan, "Krasnaya polyana" turistik distantsiyasi (turistik manzil) topografik xaritaning "A24V30" hududiy birligi bo‘yicha kartografik taksonlarida tasvir etiladi. Kartografik taksonomiyaga asoslangan klasterlashtirish amaliyoti turistik distantsiyani geografik modellashtirish uchun zarur bo‘lgan ma‘lumotlarni to‘plash, saqlash, foydalanish va ayirboshlash imkonini beradi. Turistik distantsiya modelining geografik tavsifi turistik klasterlarning iste‘mol segmentlari bo‘yicha geografik massivlari sifatida taqdim etiladi. Bu yerda klasterlar sayohat motivlariga qarab iste‘molchilarning resurslari va infratuzilmasi talablariga muvofiq shakllantiriladi. Mualliflar "klaster" deganda muayyan turizm turi uchun talab etiladigan, shart-sharoitlarga javob bera oladigan distantsiya (hudud)larni tanlab olishini nazarda tutadi. Har bir joy, mintaqa hududida turli o‘zaro ta‘sir etuvchi jarayonlarni o‘rganish va ushbu hududlarni turistik distantsiyalarga aylantirish maqsadida klaster modelida kartografik taksonomiya vositasi yordamida axborot berish usuli ishlab chiqilgan.

Turistik klasterning oltinchi qiyoslash modeli o‘zbek olimlari B. Navruzzoda va N. Ibragimovlar tomonidan yaratilgan bo‘lib, u turistik klasterning "distantsion menedjment modeli" [6] ko‘rinishiga egadir. Ushbu model to‘rtta quyidagi jabhalardan iborat: turistik xizmatlar bozori va sayyohlarning hatti-harakatlarini o‘rganish, maqsadli turistik segmentlarni ajratish va tashrif maqsadlarini aniqlash bilan bog‘liq bo‘lgan marketing jabhasi; turistik jozibador joy va maskanlarni tanlash va sayohat amalga oshadigan turistik manzillarni shakllantirishga qaratilgan tashkiliy hududiy jabha; turistik hududlarning integratsiyalashgan turistik taklif tizimini yaratish bilan bog‘liq bo‘lgan ishlab chiqarish jabhasi; turistik oqimlarni turistik jozibador joylar tomon jalb qilish jarayonini tashkil etish bilan bog‘liq bo‘lgan tashkiliy-boshqaruv jabha.

Qiyoslanadigan ikkinchi model Polsha olimlari A. Malakauskaynte va V. Naviskas ishlanmalari bo‘lib, u "Klasterlashtirilgan turistik distantsiya modeli" deb nomlanadi [2]. Turizm klasterlashtirish nazariyasining rivojlanishi natijasida turistik klasterning hudud manfaatlarini mustahkamlashga, uning mustaqilligi, raqobatbardoshligi va barqaror rivojlanishiga ko‘maklashadigan hududiy boshqaruv mexanizmi sifatida qaraladigan yangicha modelning paydo bo‘lishiga olib keldi. Ushbu modelning mohiyati shundan iboratki, tarmoqlararo o‘zaro hamkorlik nafaqat klasterga kiritilgan kompaniyalarning, balki turistik klaster faoliyat ko‘rsatadigan hudud – turistik distantsiyaning uzoq muddatda raqobatbardoshligini oshirishga ham bevosita ko‘maklashadi. Unda turistik distantsiyani tarqatish maydonining ko‘lami har xil bo‘lishi mumkin.

"Turistik klasterning tizimli modeli" quyidagi elementlarni o‘z ichiga oladi: turistik resurslar; turoperator va turagentiklar; joylashtirish vositalari, ovqatlanish, transport va dam olish xizmatlarini ko‘rsatuvchi provayderlar; turistlarga qo‘shimcha (chakana, jumladan suvenirilar savdo, sug‘urta, aloqa, moliya, tibbiy) xizmatlar ko‘rsatuvchi korxonalar; tashqi muhit omillari. Mazkur turistik klasterini yaratish quyidagi yetti bosqichini o‘z ichiga oladi: chegaralarni aniqlash; ideallashtirilgan modelni yaratish; shakllanish salohiyatini o‘rganish; turizm mahsulotlarini tavsiflash; infratuzilmani tahlil qilish; tashqi shakllanish sharoitlarini o‘rganish; umumiy natijalarni baholash va loyiha modeli hamda rivojlanish strategiyasini tanlash.





**Tadqiqot metodologiyasi**

Mazkur maqolada turizm klaster modellarini baholash mezonlari asosida ularning moslik xususiyatlarini aniqlash tahlilini amalga oshirishda taqqoslama tahlil, statistik tahlil, qiyoslash, ilmiy abstraksiyalash, analiz, sintez kabi tadqiqot usullaridan foydalanilgan.


**Tahlil va natijalar**

Turizm sohasida raqobat ustunligini ta’minlashning muhim omillaridan biri – hududlarning sayyohlik salohiyatidan samarali foydalanish va joylarda turizm biznesini kompleks rivojlantirishdir. Shu nuqtai nazardan, alohida turizm hududlarida sayyohlik biznesini tashkil etishning istiqbolli shakli sifatida turistik klasterlarni yaratish va rivojlantirish keng ko‘lamda qo‘llanilmoqda. Ayni paytda Yevropada 100 tagacha tadbirkorlik sub’yektlarini qamrab oluvchi 392 ta, shuningdek 50 tadan ortiq kompaniyalarni birlashtiruvchi 471ta klaster muvaffaqiyatli faoliyat yuritmoqda. Klaster yondashuvi doirasida ziyorat turizmini rivojlantirishga oid masalalar hali yetarli darajada o‘rganilmagan. Bu holat, ushbu turizm yo‘nalishining iqtisodiy qiymatini oshirish haqidagi yondashuvlar, axloqiy va diniy e’tiqodlar bilan to‘qnash kelishi mumkinligi bilan izohlanadi. Ziyorat turizmi – bu alloh yo‘lida savobli va ma’naviy qadriyatlarga asoslangan sayohat faoliyatidir. Shu bois, bizning ilmiy izlanishimizning muhim vazifasi – xorijiy va milliy turistik klaster modellari asosida ziyorat turizmi uchun zarur bo‘lgan klasterboplik (klasterga moslik) xususiyatlarini aniqlashdan iborat. Ushbu masalani hal etishda qiyosiy tahlil usuli asosida ilg‘or turistik klaster modellari bosqichma-bosqich o‘rganildi.

Qiyosiy tahlil o‘tkazish jarayonida har bir modelning ziyorat klasterboplik xususiyatlariga mos kelishi yoki mos kelmasligi aniqlab olinadi. Bunda biz iqtisodiy tarmoqlarda, turizm sohasida va ziyorat turizmida klasterlarni shakllantirishning o‘ziga xos belgilarini inobatga olib, ularni uchta guruh bo‘yicha 10 ta xususiyatlarini aniqlab oldik. Guruhlar kesimida klasterlarni shakllantiruvchi xususiyatlari 1-чизмада ko‘rsatilgan.

1-чизма.

**Xo‘jalik yuritishning turli darajalarida klasterlarni shakllantirish xususiyatlari\***



\*Муаллиф ишланмаси.





“Turistik klasterning global raqobatbardoshligining rivojlanish modeli”ni jadvaldagi “Klasterlarni turli xo‘jalik yuritish darajalarda shakllantirish xususiyatlari” bilan solishtirganda, iqtisodiy tarmoqlarda klasterlarni shakllantiruvchi 5 ta xususiyatlariga to‘liq mos keladi, turizm klasteri uchun zaruriy xususiyatlarning 6-chisi – “Turistik hududlarning shakllanganligi” ga uncha mos kelmaydi. 7-chisi – “Nomoddiy xususiyatdagi turistik mahsulotning texnologik zanjirini yaratish” hamda 8-chisi – “Hududda turagentlik va turoperatrolarning ustunligi” xususiyatlariga to‘liq mos keladi. Biroq tahlil qilinayotgan klaster modeli ziyorat turizmida klasterlarni shakllantiruvchi ikkala: 9-chi - “Jozibador ziyorat distantsiya (hudud)larning mavjudligi” va 10-chi - “Ziyoratchilarning klasterda ishtiroki” xususiyatlariga mos kelmasligi aniqlandi.

Klasterlashtirilgan turistik distantsiya modelining, fikrimizcha, kamchiligi – distantsion menejment va marketingni inobatga olmaganligi hamda modelning tuzilishida qo‘shilgan qiymat zanjiri (7-chi xususiyat) o‘z aksini topmasdan qolganligida. Yuqoridagi modelga o‘xshab, unda ham ziyorat turizmida klaster shakllantiruvchi ikkala xususiyatlari ham inobatga olinmasdan qolgan.

Turistik klasterning tizimli modeli “Klasterlarni turli xo‘jalik yuritish darajalarda shakllantirish xususiyatlari” bilan solishtirganda, iqtisodiy tarmoqlarda klasterlarni shakllantiruvchi 5 ta xususiyatlaridan faqat 3 tasi – “Hududiy birlik”, “Tarmoq va tarmoqlararo aloqalarning mavjudligi” va “Kooperatsion aloqalar” xususiyatlariga hamda turizm sohasida klasterlarni shakllantiruvchi barcha xususiyatlariga to‘liq mos keladi. Lekin, ziyorat turizmida klasterlarni shakllantiruvchi ikkala: 9-chi – “Jozibador ziyorat distantsiya (hudud)larning mavjudligi” va 10-chi – “Ziyoratchilarning klasterda ishtiroki” xususiyatlariga esa mos kelmaydi.

Keyingi bosqich Ziyorat klasterlarni shakllantirish uchun maqbul modellarni tavsiya etish. Tahlili natijasida turistik hudud bilan bog‘liq bo‘lgan 3 ta – “Klasterlashtirilgan turistik distantsiya”, “Turistik klasterning geografik” va “distantsion menejment” modellari ziyorat klasterini shakllantirish uchun maqbul modellar sifatida tavsiya etiladi.

Shunday qilib, O‘zbekistonda turizmning istiqbolli shakli sifatidagi ziyorat turizmini klaster yondashuvida rivojlantirish uchun ilg‘or klaster modellarining beshta klassik xususiyatlari bilan bir qatorda uning yana uchtasi turizm sohasi uchun zarur va ikkitasi ziyorat turizmi uchun yetarli – “muqaddas joylarning mavjudligi” va “ziyoratchilarning klasterda ishtiroki” kabi xususiyatlarini inobatga olgan taqdirdagina, fikrimizcha, ziyorat turistik klasterini shakllantirish imkoni vujudga keladi.

### **Xulosa**

Ziyorat turizmi uchun alohida klaster modeli ishlab chiqilishi zarur. Bu model mavjud ilg‘or klaster modellari asosida shakllantirilishi, lekin diniy va ma’naviy qadriyatlarni inobatga olgan holda moslashtirilgan bo‘lishi lozim. Turizm klaster modellarini baholashda quyidagi klasterboplik mezonlari asosiy ko‘rsatkich sifatida belgilanishi mumkin:

- ✓ Geografik yaqinlik va logistik qulaylik;
- ✓ Ziyorat manzillarining jozibadorligi va tarixiyva diniy ahamiyati;
- ✓ Mahalliy infratuzilma va xizmatlar darajasi;
- ✓ Mahalliy aholi va tadbirkorlarning ishtiroki;
- ✓ Distancion menejment tizimining mavjudligi;
- ✓ Transport, xavfsizlik, ekologik muvozanat va axloqiy me’yorlarga rioya qilish.

Hududiy boshqaruv organlari va turizm sohasidagi ilmiy markazlar hamkorligida ziyorat klasterlarini shakllantirishga oid eksperimental loyihalar ishlab chiqilishi va sinovdan o‘tkazilishi maqsadga muvofiqdir. Ziyorat turizm klasterlarini barpo etishda xalqaro tajribadan (masalan, Makkadagi Haj logistikasi yoki Hindistondagi diniy festivallarni tashkil etish tizimi) o‘rganish va moslashtirish foydalidir. Turizm oliy ta’lim muassasalari uchun ziyorat turizmi klasterlashiga doir fanlar va modullar ishlab chiqilishi, bu yo‘nalishda yangi ilmiy tadqiqotlar qo‘llab-





quvvatlanishi kerak.

**Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Kim, N., & Wicks, B.E. (2008). Tourism Clusters: Korean Tourism Policy and Practice. *International Journal of Tourism Research*, 10(1). – PP. 1–15.
2. Malakauskaite, A., & Navickas, V. (2010). The Role of Clusters in the Tourism Industry Development. *Engineering Economics*. 61(1). – PP. 50–57.
3. Бойко А. Е. (2012). Системная модель туристического кластера: методология формирования. *Вестник Санкт-Петербургского университета экономики и финансов*. – №6, – С. 48–53.
4. Карпова Е. Г. (2016). Модель туристического кластера на основе процессного подхода. *Современные научные исследования и инновации*. – №12.
5. Морозов М. А., Львова, Т. В. (2019). Географическая модель туристического кластера на основе картографической таксономии//*География и туризм*. – №2. – С. 75–82.
6. Наврузода Б.Н., Ибрагимов Н.С. (2021). Дистанционное управление туристическими кластерами в Узбекистане: теория и практика // *Turizm va Marketing*. – №4. – С. 22 – 29.





## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING TASHQI SAVDO AYLANMASIDA EKSPORT HAJMINI OSHIRISHNING ASOSIY YO‘NALISHLARI



Yangiboyev Dilshod G‘ulomovich

*iqtisodiyot va  
injiniring kafedrasida dotsenti  
International school of finance  
texnology and science instituti  
E-mail: [dy212440gmail.com](mailto:dy212440gmail.com)  
ORCID:0009-0004-5256-7217*

**Annotatsiya.** Maqolada mamlaktimizda eksport salohiyosatini oshirishning dolzarbligi asoslanib, tashqi savdo aylanmasining o‘zgarish dinamikasi tahlil qilingan. Tashqi savdo aylanmasida eksport va import hajmlari taqqoslangan hamda ular tahlil qilingan. Muallif tomonidan tashqi savdo aylanmasida import hajmining eksport hajmidan ortiqligiga sabab bo‘luvchi omillar aniqlangan hamda tashqi savdo aylanmasida import hajmini kamaytish va eksport hajmini oshirishga qaratilgan ilmiy takliflar keltirilgan.

**Kalit so‘zlar:** tashqi savdo aylanmasi, eksport, import, tovar, mahsulot, iqtisodiy samaradorlik, valyuta, ishlab chiqaruvchi, importyor, eksportyor.

## ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ УВЕЛИЧЕНИЯ ОБЪЁМОВ ЭКСПОРТА ВО ВНЕШНЕТОРГОВОМ ОБОРОТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Янгибаев Дилшад Гулямович

*доцент кафедры экономики  
и компьютерного инжиниринга  
Институт «International school  
of finance technology and science»  
E-mail: [dy212440gmail.com](mailto:dy212440gmail.com)  
ORCID:0009-0004-5256-7217*

**Аннотация.** В статье обоснована актуальность увеличения экспортного потенциала в нашей стране, а также проанализирована динамика изменения внешнеторгового оборота. Сопоставлены и проанализированы объемы экспорта и импорта во внешнеторговом обороте. Автором определены факторы, обуславливающие превышение объема импорта над объемом экспорта во внешнеторговом обороте, а также представлены научные предложения, направленные на снижение объема импорта и увеличение экспорта во внешнеторговом обороте.

**Ключевые слова:** внешнеторговый оборот, экспорт, импорт, товар, продукт, экономическая эффективность, валюта, производитель, импортёр, экспортёр.

## THE MAIN DIRECTIONS OF INCREASING EXPORT VOLUMES IN THE FOREIGN TRADE TURNOVER OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Yangiboev Dilshod Gulomovich

*Associate Professor of  
the Department of Economics and  
Computer Engineering  
International school of finance  
technology and science institute  
E-mail: [dy212440gmail.com](mailto:dy212440gmail.com)  
ORCID:0009-0004-5256-7217*





**Abstract.** The article analyzes the current state of risk reduction affecting investment projects. The author proposes dividing these risks into insurable and non-insurable groups in order to mitigate their impact. Issues of risk distribution among project participants, limitation, insurance, and coverage of unforeseen expenses are considered. In addition, methods of reducing the level of risks through reserving are suggested.

**Keywords:** external trade turnover, export, import, goods, products, economic efficiency, currency, producer, importer, exporter.

### **Kirish**

Barcha mamalaktlar singari O‘zbekistonda ham iqtisodiyotini barqaror rivojlantirish va milliy valyuta barqarorligini ta‘minlashda tashqi savdo balansi muhim ahamiyat kasb etadi. Ayniqsa eksport hajmining o‘shishi mamlakatga qo‘shimcha valyuta tushumlarini jalb etib, sanoat va qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishini rag‘batlantiradi. Import hajmining samarali boshqarilishi milliy ishlab chiqaruvchilarni qo‘llab-quvvatlab, tashqi savdo taqchilligini kamaytirishga xizmat qiladi. So‘nggi yillarda O‘zbekistonda tashqi savdo siyosatni rivojlantirishga alohida ahamiyat berib, muhim islohotlar amalga oshirilmoqda. Bu esa eksportni oshirishga qaratilgan chora-tadbirlar kuchaytirmoqda. Ammo, shu bilan birgalikda, bugungi kunda bir qator tashqi savdo aylanmasida eksport hajmini oshirishga qaratilgan muammolar mavjud bo‘lib, ularni bartaraf etish bugungi kunning dolzarb masalalaridan hisoblanadi.

Tashqi savdo aylanmasi mamlakatning xalqaro iqtisodiy munosabatlardagi ishtirokini ifodalaydi va uning asosiy tarkibiy qismlaridan biri eksport hisoblanadi. Iqtisodiy nazariyada eksport hajmining ortishi mamlakatning tashqi iqtisodiy siyosati samaradorligi, ishlab chiqarish salohiyatidan oqilona foydalanish hamda milliy mahsulotlarning xalqaro bozorlardagi raqobatbardoshligi bilan chambarchas bog‘liqdir.

### **Adabiyotlar sharhi**

Iqtisodiy adabiyotlarda eksport salohiyatini oshirish va tashqi savdodagi raqobatbardoshlikni ta‘minlash masalalari qator iqtisodchi-olimlar tomonidan chuqur o‘rganilgan. Jumladan, amerikalik iqtisodchilar P. Krugman va M. Obstfeld xalqaro savdo nazariyalarini rivojlantirish jarayonida eksportni kengaytirish tashqi savdo muvozanatini yaxshilaydi, deb hisoblaydi. Ularning fikricha, mamlakat eksport strategiyasi yuqori texnologik mahsulotlar hissasini oshirishga qaratilmog‘i lozim [1].

Xalqaro tashkilotlar, jumladan, Jahon banki va BMT Taraqqiyot dasturi (UNDP) tahlillarida ham rivojlanayotgan mamlakatlarda eksport hajmini oshirish uchun infratuzilmani modernizatsiya qilish, biznes muhitini yaxshilash va savdo to‘siqlarini bartaraf etish muhim ahamiyat kasb etishi ta‘kidlangan [2].

Yevropa iqtisodiy maktabining vakili R. Balassa esa eksportda geografik diversifikatsiyaning ahamiyatiga e‘tibor qaratib, aniq bozorlarga bog‘liqlikni kamaytirish orqali tashqi shoklarga bardoshlilikni oshirish mumkinligini ta‘kidlaydi. Uning fikricha, yangi bozorlarga chiqish uchun mahsulot sifati va standartlarga mosligini ta‘minlash birinchi galdagi vazifadir [3].

Rossiyalik iqtisodchi S.Yu. Glazev milliy eksport siyosatini diversifikatsiya va innovatsiyalashtirish asosida qayta ko‘rib chiqish zarurligini qayd etadi. Uning fikricha, hududiy resurslarga asoslangan, chuqur qayta ishlangan mahsulotlar eksportini kengaytirish orqali mamlakat eksportining barqaror o‘shishiga erishish mumkin [4].

O‘zbekistonlik olimlar I. Ergashev, A. Jo‘raev va B.Xo‘jaevlar tomonidan eksport salohiyatini oshirish masalalarida olib borilgan tadqiqotlarda milliy mahsulotlarni xalqaro standartlarga mos ravishda sertifikatlash, logistika tizimini takomillashtirish va davlat tomonidan eksportga ko‘maklashishning institutsional asoslarini mustahkamlash zarurligi qayd etilgan [5].

Shu bilan birga, R. Ibragimov va D. Inoyatov o‘z tadqiqotlarida O‘zbekistonda eksportni tarkibiy jihatdan tubdan o‘zgartirish, xomashyo emas, balki tayyor mahsulotlar hissasini oshirish





orqali valyuta tushumlarini ko‘paytirish va ishlab chiqarish salohiyatini kuchaytirish zarurligini ta’kidlaydilar [6].

### **Tadqiqot metodologiyasi**

Mazkur maqolada tashqi savdo aylanmasida eksport hajmini oshirish bo‘yicha tadqiqotda taqqoslama tahlil, statistik tahlil, qiyoslash, ilmiy abstraksiyalash, analiz, sintez kabi tadqiqot usullaridan foydalanilgan.

### **Tahlil va natijalar**


Bugungi kunda har bir mamlakat tashqi savdo aylanmasida eksport hajmini oshirishga alohida e‘tibor qaratmoqda. Buning uchun avvalo statistik ma’lumotlarni tahlil qilish orqali aniqlash imkoniyati mavjud. Shu bois mamlakatimizda tashqi savdo aylanmasida importga nisbatan eksport hajmi qanchaligi va tashqi savdo aylanmasida eksport hajmi qancha qismini tashkil etayotganligi tahlil qilish mumkin.

Tashqi savdo aylanmasi mamlakatning xalqaro iqtisodiy aloqalaridagi faoliyatini ifodalaydi va uning asosiy tarkibiy qismlaridan biri eksport hisoblanadi. Nazariy jihatdan, eksport hajmining ortishi nafaqat tashqi savdo balansining yaxshilanishiga, balki milliy iqtisodiyotning tarkibiy jihatdan modernizatsiyalashuviga, ishlab chiqarish samaradorligini oshirishga va xalqaro integratsiyaga chuqurroq kirib borishga xizmat qiladi. Shuning uchun ham ko‘plab iqtisodiy nazariyalarda eksport hajmining o‘shishi mamlakatning iqtisodiy barqarorligi va rivojlanish darajasining muhim ko‘rsatkichlaridan biri sifatida talqin qilinadi.

Eksport hajmining ortishi milliy iqtisodiyotning tashqi bozorlar bilan o‘zaro aloqalarining kengayishi xalqaro iqtisodiy tizimga chuqurroq integratsiyalashuvini anglatadi. Xalqaro savdo nazariyalari shuni ko‘rsatadiki, mamlakat tashqi bozorlarga qanchalik faol chiqsa, u o‘zining iqtisodiy ochiqligini oshiradi va global iqtisodiyotning ajralmas qismiga aylanadi. Bu jarayon nafaqat savdo hajmining ortishi, balki yangi iqtisodiy hamkorlik aloqalarining shakllanishi, sarmoya oqimlarining kengayishi va texnologik almashinuvning tezlashishiga olib keladi. Shu bois eksport hajmining o‘shishi mamlakatning xalqaro maydondagi iqtisodiy obro‘-e‘tiborini ham oshiradi.

1-chizma.

### **Tashqi savdo aylanmasi hajmida eksportni oshirish omillari\***






\*Muallif ishlanmasi.

Tashqi savdo aylanmasi mamlakatlar iqtisodiyotini asosiy ko'rsatkichlaridan hisoblanadi. Shu boisdan, tashqi savdo aylanmasini tahlil qilish, xususan unda import hajmi qanchaligini hamda eksport hajmi qanchaligini tahlil qilish, eksport hajmini oshirish maqsadida statistik ma'lumotlarni tahlil qilish, eksport hajmini oshirishga to'siq bo'layotgan omillarni aniqlash va ularni bartaraf etish imkoniyatlari yaratiladi. Shuning uchun mamlakatimiz tashqi savdo aylanmasida import hajmini kamaytirish va eksport hajmini oshirish maqsadida malakatlarga eksport qilinayotgan tovarlar hajmini tahlil qilish hamda import qiluvchi malakatlar talablarini o'rganish lozim masalalardan hisoblanadi (1-diagramma).

1-diagramma.

**O'zbekistonning tashqi savdo aylanmasi hajmining 2019-2024-yillarda o'zgarish dinamikasi tahlili (mln AQSH dollari) [7]**



\*Маълба. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

2019-2024-yillarda mamlakatimiz tashqi savdo aylanmasi hajmining o'zgarishiga e'tibor qaratsak, 2019-yilda 41751 mln dollarni, 2020-yilda 36256,1 mln dollarni, 2021-yilda 42170,5 mln dollarni, 2022-yilda 50500,5 mln dollarni 2023-yilda 63528,6 mln dollarni tashkil etgan bo'lsa, 2024-yilda 67238,4 mln dollarni tashkil etgan holda 2024-yilda 2019-yilga nisbatan 161,0 foizga oshganligini ko'rsatmoqda.

Yuqorida keltirilgan ma'lumotlardan ko'rinib turibdiki, tashqi savdo aylanmasi yildan-yilga oshib borayotganligini ko'rish mumkin. Albatta, tashqi savdo aylanmasida mamlakat iqtisodiyotini yuksalishida eksport hajmini oshirib borish ijobiy holatlardan hisoblanadi. Shuning uchun tashqi savdo aylanmasida eksport hamda import hajmlarini tahlil qilish orqali eksportda mavjud muammolarni aniqlash imkoniyatlari yaratiladi.





O'zbekiston Respublikasining tashqi savdo avlanmasi (mln AQSh dollar) [7]

| №                          | Hudud nomi                    | 2019-yil                           |                     |                    |                      | 2024-yil            |                                    |                     |                    | Tashqi tovar avlanmasining 2024-yilda 2019-yilga nisbatan o'zgarishi, % da |                      |                     |
|----------------------------|-------------------------------|------------------------------------|---------------------|--------------------|----------------------|---------------------|------------------------------------|---------------------|--------------------|--|----------------------|---------------------|
|                            |                               | Tashqi savdo avlanmasi, mln dollar | Eksport, mln dollar | Import, mln dollar | Eksport ulushi, % da | Import ulushi, % da | Tashqi savdo avlanmasi, mln dollar | Eksport, mln dollar | Import, mln dollar |  | Eksport ulushi, % da | Import ulushi, % da |
| 1.                         | O'raqalpog'iston Respublikasi | 700                                | 431,1               | 268,9              | 61,6                 | 38,4                | 681,6                              | 420,1               | 261,5              | 61,6   | 38,4                 | 97,4                |
| 2.                         | Andijon viloyati              | 2532,8                             | 499,6               | 2033,2             | 19,7                 | 80,3                | 4175                               | 1191,1              | 2983,9             | 28,5   | 71,5                 | 164,8               |
| 3.                         | Buxoro viloyati               | 1259,4                             | 265,8               | 993,6              | 21,1                 | 78,9                | 1307,5                             | 296,5               | 1010,9             | 22,7   | 77,3                 | 103,8               |
| 4.                         | Jizzax viloyati               | 508,8                              | 120,3               | 388,6              | 23,6                 | 76,4                | 2010,4                             | 208,1               | 1802,3             | 10,4   | 89,6                 | 395,1               |
| 5.                         | O'ashoqdarvo viloyati         | 824,8                              | 366,1               | 458,7              | 44,4                 | 55,6                | 1146,9                             | 514,1               | 632,8              | 44,8   | 55,2                 | 139,1               |
| 6.                         | Navoiy viloyati               | 1835,5                             | 362,9               | 1472,5             | 19,8                 | 80,2                | 1586,1                             | 1109,5              | 476,6              | 70,0   | 30,0                 | 86,4                |
| 7.                         | Namangan viloyati             | 986,5                              | 356                 | 630,5              | 36,1                 | 63,9                | 1341,6                             | 596,5               | 745,1              | 44,5   | 55,5                 | 136,0               |
| 8.                         | Samargand viloyati            | 1749,9                             | 398,5               | 1351,4             | 22,8                 | 77,2                | 3023,1                             | 872,6               | 2150,6             | 28,9   | 71,1                 | 172,8               |
| 9.                         | Surxondarvo viloyati          | 562,7                              | 241                 | 321,7              | 42,8                 | 57,2                | 416,1                              | 269,5               | 146,6              | 64,8   | 35,2                 | 73,9                |
| 10.                        | Sirdarvo viloyati             | 570,8                              | 131,8               | 439                | 23,1                 | 76,9                | 674,5                              | 283,9               | 390,6              | 42,1   | 57,9                 | 118,2               |
| 11.                        | Toshkent viloyati             | 4746,9                             | 1781,6              | 2965,3             | 37,5                 | 62,5                | 5891,6                             | 1923,6              | 3968               | 32,6   | 67,4                 | 124,1               |
| 12.                        | Farg'ona viloyati             | 1417,8                             | 574,4               | 843,4              | 40,5                 | 59,5                | 2136,8                             | 826,2               | 1310,6             | 38,7   | 61,3                 | 150,7               |
| 13.                        | Xorazm viloyati               | 557,7                              | 146,9               | 410,8              | 26,3                 | 73,7                | 857,2                              | 386,3               | 470,9              | 45,1   | 54,9                 | 153,7               |
| 14.                        | Toshkent shahri               | 13229,5                            | 3187,6              | 10041,9            | 24,1                 | 75,9                | 25337,8                            | 5527,3              | 19810,5            | 21,8   | 78,2                 | 191,5               |
| <b>Respublika bo'vicha</b> |                               | <b>41751</b>                       | <b>17458,7</b>      | <b>24292,3</b>     | <b>41,8</b>          | <b>52,8</b>         | <b>65934</b>                       | <b>26948,2</b>      | <b>38985,8</b>     | <b>40,9</b>  | <b>59,1</b>          | <b>157,9</b>        |

\*Ma'rofa. www.stat.uz





Hududlar miqyosida tashqi tovar aylanmasi hajmiga e'tibor qaratadigan bo'lsak, eng katta miqdordagi tashqi tovar aylanmasi Toshkent shahri hissasiga to'g'ri kelib, 2019-yilda 13229,5 mln AQSh dollarini tashkil etgan bo'lsa, 2024-yilga kelib, 25337,8 mln AQSh dollarini tashkil etgan holda 2024-yilda 2019-yilga nisbatan 191,5 %ga oshganligini ko'rish mumkin. 2019-yilda Toshkent shahrida tashqi tovar aylanmasida eksport hajmi 3187,6 mln dollar (24,1 %)ni tashkil etgan bo'lsa, import hajmi esa 10041,9 mln dollar (75,9 %)ni tashkil etganligini ko'rish mumkin. 2014-yilga kelib, Toshkent shahri bo'yicha tashqi tovar aylanmasi hajmi 25337,8 mln dollarni tashkil etgan bo'lsa, shundan 5527,3 mln dollar (21,8 %)i eksportni tashkil etgan bo'lsa 2024-yilga kelib, 19810,5 mln dollar (78,2 %)i esa importni tashkil etganligini ko'rish mumkin.

Eng kam tashqi tovar aylanmasi 2019-yilda Surxondaryo va Sirdaryo viloyatlarida qayd etilgan. Xususan, Surxondaryo viloyatida tashqi tovar aylanmasi hamji 562,7 mln dollarni tashkil etgan bo'lgan. Shundan 241,0 mln dollar (42,8 %)i eksportni tashkil etgan bo'lsa, import hajmi esa 321,7 mln dollar (57,2 %) tashkil etganligini ko'rsatmoqda. 2024-yilda esa Surxondaryo viloyatida tashqi tovar aylanmasi 416,1 mln dollarni tashkil etib, shundan 269,5 mln dollar (64,8 %)i eksport hissasiga to'g'ri kelgan bo'lsa, import hajmi 146,6 mln dollar (35,2 %)ni tashkil etgan. Ushbu viloyatda 2024-yilda 2019-yilga nisbatan tashqi tovar aylanmasi hajmi 73,9 %ga kamayganligini ko'rsatmoqda.

Shuningdek, 2019-yilda Sirdaryo viloyati bo'yicha tashqi tovar aylanmasi hamji 570,8 mln dollarni tashkil etib, shundan 131,8 mln dollar (23,1 %)i eksport hissasiga to'g'ri kelgan bo'lsa, import hajmi 439,0 mln dollar (76,9%)ni tashkil etgan. 2024-yilga kelib, viloyatda tashqi tovar aylanmasi hajmi 674,5 mln dollarni tashkil etib, shundan 283,9 mln dollar (42,1 %)i eksport hissasiga to'g'ri kelgan bo'lsa, import hajmi 390,6 mln dollar (57,9 %)ni tashkil etgan. Ushbu viloyatda 2024-yilda 2019-yilga nisbatan tashqi tovar aylanmasi hajmi 118,2 %ga oshganligini ko'rsatmoqda.

Tashqi savdo aylanmasida eksportning o'rni mamlakat iqtisodiy barqarorligi va xalqaro raqobatbardoshligini belgilovchi asosiy omillardan biridir. Eksport hajmining oshishi nafaqat tashqi savdo balansini yaxshilaydi, balki milliy ishlab chiqarishni rivojlantirish, yangi ish o'rinlarini yaratish va byudjetga qo'shimcha valyuta tushumlarini keltirib chiqaradi.

Eksportni oshirishning samarali mexanizmlaridan biri — ishlab chiqarish tarkibini modernizatsiya qilish va yuqori qo'shilgan qiymatga ega tayyor mahsulotlar ulushini kengaytirishdir. Chunki xomashyo eksporti qisqa muddatli foyda keltirsa-da, uzoq muddatli istiqbolda iqtisodiy o'sishni barqaror ta'minlay olmaydi. Shuning uchun tashqi savdo siyosatining ustuvor yo'nalishi tayyor mahsulotlar va yuqori texnologik tovarlar eksportini ko'paytirishdan iborat bo'lishi lozim.

Shuningdek, tashqi savdo aylanmasida eksportni oshirish uchun quyidagi chora-tadbirlar muhim ahamiyat kasb etadi:

- eksport geografiyasini diversifikatsiya qilish – an'anaviy bozorlar bilan bir qatorda yangi mintaqaviy bozorlarni o'zlashtirish tashqi shoklarga bardoshlilikni oshiradi;
- logistika infratuzilmasini takomillashtirish – transport-kommunikatsiya tizimining samarali ishlashi mahsulotlarni tezkor va arzon yetkazib berishga xizmat qiladi;
- xalqaro standartlarga mos sertifikatlash tizimini rivojlantirish – mahsulot sifatini global talab darajasida ta'minlash orqali eksport salohiyatini kengaytiradi;
- eksportni moliyaviy qo'llab-quvvatlash – eksport krediti, sug'urta va subsidiyalar tizimi orqali tadbirkorlarning tashqi bozorlarga chiqishi yengillashadi;
- innovatsion ishlab chiqarish va raqamli texnologiyalarni joriy etish – mahsulot sifatini oshirish bilan birga ishlab chiqarish xarajatlarini kamaytiradi va xalqaro raqobatbardoshlikni ta'minlaydi.

### **Xulosa**

Nazariy jihatdan qaralganda, tashqi savdo aylanmasida eksport hajmining ortishi – mamlakat iqtisodiyotining ochiqligi va integratsiya darajasini oshiruvchi, ishlab chiqarish





samaradorligini kuchaytiruvchi, global qiymat zanjirlarida faol ishtirok etish imkonini beruvchi hamda milliy iqtisodiyotni tashqi shoklarga bardoshli qiluvchi muhim omildir. Shu bois eksport hajmini oshirishga qaratilgan strategiyalar nafaqat tashqi savdo balansini yaxshilashga, balki mamlakatning uzoq muddatli barqaror iqtisodiy rivojlanishiga ham xizmat qiladi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Krugman P., Obstfeld M. International Economics: Theory and Policy. – New York: Pearson, 2009.
2. World Bank. World Development Report. – Washington, D.C., 2020.
3. Balassa R. The Theory of Economic Integration. – London: Routledge, 2013.
4. Глазьев С.Ю. Стратегия опережающего развития России в условиях глобального кризиса. – М.: Экономика, 2010.
5. Ergashev I., Jo'raev A., Xo'jaev B. Eksport salohiyatini oshirishning institutsional asoslari. – T.: Fan va texnologiya, 2021.
6. Ибрагимов Р., Иноятов Д. O'zbekiston eksport siyosatining tarkibiy islohotlari. – T.: Iqtisodiyot, 2022.
7. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)





## AKSIYADORLIK JAMIYATLARI BIZNES MOLIYASINI TAKOMILLASHTIRISH YO‘LLARI

**Toshpulatov Murodulla Sobirjon o‘g‘li**

*iqtisodiyot fanlari bo'yicha  
falsafa doktori (PhD)  
korporativ moliya va qimmatli  
qog‘ozlar kafedrasida dotsenti  
Toshkent davlat iqtisodiyot  
universiteti*

*E-mail: [murodulla995@email.ru](mailto:murodulla995@email.ru)*

*ORCID: 0009-0000-4515-2903*

**Annotatsiya.** Maqolada aksiyadorlik jamiyatlari biznes moliyasini takomillashtirish yo‘llari chuqur tahlil qilinib, bu borada nazariy asoslar va amaliy yondashuvlar tadqiq etilgan. Moliyaviy resurslardan oqilona foydalanish, kapital tuzilmasini optimallashtirish va investitsiyaviy faoliyatni rag‘batlantirish bo‘yicha muhim fikrlar ilgari surilgan. Shuningdek, zamonaviy moliyaviy boshqaruv tamoyillarini joriy etish va diversifikatsiyalashgan moliyalashtirish manbalarini shakllantirishga doir takliflar keltirilgan.

**Kalit so‘zlar:** milliy iqtisodiyot, aksiyadorlik jamiyati, aksiya, obligatsiya, investor, emitent, emissiya, bozor kapitallashuvi, kapital, investitsiya, xorijiy investorlar, bozor kon‘yunkturasi, dividend.

## ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ БИЗНЕС-ФИНАНСОВ АКЦИОНЕРНЫХ ОБЩЕСТВ

**Ташпулатов Мурадulla Сабирджан оглы**

*доктор философии (PhD)  
по экономическим наукам  
доцент кафедры  
корпоративных финансов и ценных бумаг  
Ташкентский государственный  
экономический университет  
E-mail: [murodulla995@email.ru](mailto:murodulla995@email.ru)  
ORCID: 0009-0000-4515-2903*

**Аннотация.** В статье анализируются вопросы совершенствования финансирования предприятий акционерных обществ, имеющие важное значение в интеграции теоретических основ и практических подходов в этом направлении. Выдвигаются идеи по рациональному использованию финансовых ресурсов, оптимизации структуры капитала, стимулированию инвестиционной активности. Также вносятся предложения по внедрению современных принципов финансового управления и формированию диверсифицированных источников финансирования.

**Ключевые слова:** национальная экономика, акционерное общество, акция, облигация, инвестор, эмитент, эмиссия, рыночная капитализация, капитал, инвестиции, иностранные инвесторы, рыночная конъюнктура, дивиденд.

## WAYS OF IMPROVING THE BUSINESS FINANCE OF JOINT-STOCK COMPANIES

**Toshpulatov Murodulla Sobirjon ogli**

*Doctor of Philosophy (PhD)*





*in Economic Sciences  
Associate Professor  
of the Department of  
Corporate finance and securities  
Tashkent State the University of Economics  
E-mail: [murodulla995@email.ru](mailto:murodulla995@email.ru)  
ORCID: 0009-0000-4515-2903*

**Abstract.** The article provides an in-depth analysis of ways to improve the business finance of joint-stock companies, combining theoretical foundations and practical approaches in this regard. It puts forward important ideas on the rational use of financial resources, optimization of the capital structure and stimulation of investment activities. It also presents proposals for the introduction of modern financial management principles and the formation of diversified sources of financing.

**Keywords:** national economy, joint-stock company, stock, bond, investor, issuer, emission, market capitalization, capital, investment, foreign investors, market conditions, dividend.

### **Kirish**

Bugungi kunda aksiyadorlik jamiyatlari faoliyatining barqarorligi va investitsion jozibadorligini ta'minlashda biznes moliyasini takomillashtirish alohida ahamiyat kasb etmoqda. Bozor iqtisodiyoti sharoitida aksiyadorlar ishonchini oshirish, kapitallarni oqilona jalb etish va daromadlarni strategik boshqarish zamonaviy moliyaviy menejment vositalari orqali amalga oshirilmoqda. Jahon bankining ma'lumotlariga ko'ra, "2024-yilda Yangi Zelandiya, Singapur, Gong Kong hududlari biznes qilish bo'yicha eng yaxshi makon sifatida e'tirof etilgan"[1]. Ushbu jihatlarni inobatga olsak, milliy iqtisodiyotda biznes moliyasini takomillashtirish muhim ahamiyatga ega hisoblanadi.

Jahon tajribasida aksiyadorlik jamiyatlari samaradorligi, ko'p jihatdan, ularning moliyaviy hisobotlarining shaffofligi va qarorlar qabul qilishda raqamli tahlil vositalaridan foydalanishiga bog'liq. Ayniqsa, O'zbekiston sharoitida kapital bozorining faollashuvi ushbu jamiyatlarning moliyaviy mexanizmlarini chuqur tahlil qilish va modernizatsiya qilish zaruratini yuzaga keltirmoqda. So'nggi yillarda milliy iqtisodiy rivojlanish strategiyasida aksiyadorlik jamiyatlarini transformatsiya qilish, ularning boshqaruv tizimlarini xususiylashtirish va korporativ boshqaruvni kuchaytirish asosiy yo'nalishlardan biriga aylandi. Shu bois, biznes moliyasini takomillashtirish orqali nafaqat ichki moliyaviy barqarorlik ta'minlanadi, balki xorijiy investorlar uchun ham ishonchli platforma yaratiladi. Bunda asosiy e'tibor daromad va xarajatlar monitoringini raqamlashtirish, samarali dividend siyosatini yuritish va aksiyadorlik kapitalining rentabelligini oshirishga qaratilmoqda. Aksiyadorlik jamiyatlarining moliyaviy mexanizmlarini chuqurlashtirish natijasida ularning raqobatbardoshligi va iqtisodiy o'sishdagi ulushi ortadi.

Biznes moliyasini takomillashtirish aksiyadorlik jamiyatlarining iqtisodiy salohiyatini oshirishda asosiy omillardan biri sifatida qaralmoqda. Mazkur jarayon moliyaviy resurslardan foydalanish samaradorligini oshirish, investitsiya loyihalarini tahlil qilish va risklarni oldindan baholash imkoniyatlarini kengaytiradi. Jahon banki va Osiyo taraqqiyot banki kabi xalqaro moliyaviy institutlar tavsiyalariga ko'ra, korporativ moliya strategiyalarini innovatsion asosda shakllantirish aksiyadorlik jamiyatlarining uzoq muddatli muvaffaqiyatini belgilovchi omildir. O'zbekiston bozorida faoliyat yuritayotgan ko'plab aksiyadorlik jamiyatlari moliyaviy rejalashtirishni kuchaytirish, byudjetlashtirish tizimlarini joriy etish va kapital tuzilmasini optimallashtirish orqali o'zining iqtisodiy ustuvorliklarini mustahkamlab bormoqda. Ushbu yondashuvlar kompaniyaning kreditga layoqatlilik darajasini oshiradi va bank-moliya tizimi bilan samarali integratsiyasini ta'minlaydi. Shu bilan birga, dividend siyosatini aniq tartibga solish va moliyaviy ko'rsatkichlarning oshkoraligi aksiyadorlar manfaatlarini himoya qiladi. Zero, "O'zbekiston – 2030" strategiyasida belgilanganidek, "Kichik va o'rta biznesning xalqaro





bozorlarga chiqishiga imkoniyatlarni kengaytirish, mikro moliyalashtirishni rivojlantirish, innovatsiyalar va startaplarni qo'llab-quvvatlash hamda yirik biznes bilan kooperatsiyani rivojlantirishning yangi instrumentlarini amaliyotga joriy etish. Oilaviy tadbirkorlik asosida bandlikni ta'minlashda oddiy “qo'l mehnati”dan – sanoatlashgan ishlab chiqarish bosqichiga o'tish, uskuna sotib olish uchun imtiyozli kredit miqdorini 100 million so'mgacha oshirish”[2], biznes muhitini yaxshilashga o'z xissasini qo'shadi. Bozor kon'yunkturasidagi o'zgarishlarga moslasha oladigan moliyaviy strategiyalar jamiyatning faoliyati barqarorligini ta'minlash bilan birga, uning ijtimoiy mas'uliyatli subyekt sifatida nufuzini oshiradi. Natijada, moliyaviy boshqaruvning zamonaviy metodlari orqali jamiyatlar o'z rivojlanish strategiyasini barqaror asosga qurishga erishadilar.

Aksiyadorlik jamiyatlarida biznes moliyasini takomillashtirish – bu nafaqat hozirgi moliyaviy natijalarni yaxshilash, balki kelajakdagi barqaror rivojlanishni strategik tarzda ta'minlash vositasidir. Korporativ moliyaning samarali boshqaruvi aktivlar rentabelligini oshirish, moliyaviy oqimlarni to'g'ri yo'naltirish va qarorlar qabul qilish jarayonini optimallashtirish orqali amalga oshiriladi. Shu nuqtai nazardan yirik aksiyadorlik jamiyatlarining rivojlanish trayektoriyasida korporativ moliyaning strategik rejalashtirilganligi ularning xalqaro moliya bozorlariga chiqish salohiyatini kuchaytiradi. Masalan, 2021–2024 yillarda “O'zbekiston Respublikasi tovar-xom ashyo birjasi” AJ moliyaviy mexanizmlarni modernizatsiya qilish orqali savdo hajmlarini sezilarli darajada oshirishga erishdi [14]. Shu kabi muvaffaqiyatlar asosida, korporativ moliyaning zamonaviy vositalarini joriy etish, risklarni boshqarish tizimini kuchaytirish va kapitalni diversifikatsiya qilish asosiy ustuvorlik sifatida qaralmoqda. Bularning barchasi aksiyadorlik jamiyatlarining iqtisodiy ekotizimdagi o'rnini mustahkamlab, ular orqali makroiqtisodiy barqarorlikka hissa qo'shilishini ta'minlaydi. Strategik yondashuvlar natijasida kompaniyalar faqat moliyaviy resurslarni boshqarish bilangina emas, balki innovatsion rivojlanishni moliyalashtirish orqali yangi bozorlar sari yo'l ochadi. Shu bois biznes moliyasini takomillashtirish aksiyadorlik jamiyatlari uchun zamonaviy iqtisodiy muhitda raqobatbardoshlikni saqlab qolishning va iqtisodiy yuksalishning ajralmas omiliga aylanmoqda.

### **Adabiyotlar sharhi**

Aksiyadorlik jamiyatlari faoliyatini takomillashtirish zamonaviy iqtisodiy transformatsiya sharoitida milliy kapital bozorlarining barqarorligi va investitsion jozibadorligini oshirishda muhim omil sanaladi. Xalqaro amaliyotdan ma'lumki aksiyadorlik jamiyatlari biznes moliyasini takomillashtirish milliy iqtisodiy o'sish uchun zamin yaratadi hamda ushbu yo'nalishda qator iqtisodchi olimlar o'z ilmiy izlanishlarini olib borganlar. Jumladan, Richard Brealey va Stewart Myers tahliliy ishida aksiyadorlik jamiyatlarining optimal kapital tuzilmasini tanlashda qarz va kapital o'rtasidagi balansni ta'minlash muhimligini ta'kidlaydi. Ularning tadqiqotlariga ko'ra, “Qarzning ortiqcha darajasi moliyaviy barqarorlikka tahdid soladi, biroq me'yordagi qarz soliq yengilliklari hisobiga sof foyda rentabelligini oshirishi mumkin. Bu fikr Fitch va Moody's reytinglarida A va B sinf kompaniyalarning moliyaviy samaradorlik ko'rsatkichlari tahliliga asoslanadi” [3]. Demak, korporativ moliyaviy qarorlarida kapital tuzilmasining nisbati strategik ustuvorlik kasb etadi va aksiyadorlar qiymatini oshirishga xizmat qiladi. Shu sababli zamonaviy iqtisodiy adabiyotda kapital tuzilmasi nazariyasi korxonaning uzoq muddatli raqobatbardoshligini belgilovchi kalit omil sifatida qaralmoqda.

Global investitsiya muhiti sharoitida kapitalning narxi va investitsiya rentabelligi o'rtasidagi muvozanatni saqlash muhim moliyaviy vazifalardan biri hisoblanadi. Xorijlik iqtisodchi olim Aswath Damodaran o'zining NYU Stern maktabida chop etilgan maqolasida aksiyadorlik jamiyatlarining moliyaviy samaradorligini oshirish uchun Weighted Average Cost of Capital (WACC) va Internal Rate of Return (IRR) indikatorlari asosida investitsion loyihalarni baholashni taklif qiladi. Uning fikricha, “Kompaniya moliyaviy qarorlarida risklarni o'lchash va aksiyadorlar qiymatini maksimal darajada oshirish strategik yondashuni talab etadi”[4]. Shu bilan birga, Damodaran investitsion tahlilning faqatgina hisob-kitoblar emas, balki





qaror qabul qilishdagi strategik ong va riskka nisbatan tolerantlik darajasiga ham bog‘liq ekanini ta’kidlaydi. Bu yondashuv orqali kompaniyalar o‘z resurslarini yanada oqilona taqsimlab, kapital samaradorligini oshirishga erishishlari mumkin.

Korporativ boshqaruv tizimi va agentlik muammolari zamonaviy aksiyadorlik jamiyatlari uchun dolzarb masalalardan biridir. Iqtisodchi olim Michael Jensen o‘z maqolasida aksiyadorlar va menejerlar o‘rtasidagi agentlik muammosini kamaytirish uchun tashqi moliyaviy nazorat va ichki boshqaruv mexanizmlarini taklif etadi. Uning ta’kidlashich, “Samarasiz kapital taqsimoti kompaniya qiymatini pasaytiradi va bu holatni aniq KPI (asosiy samaradorlik ko‘rsatkichlari) joriy etish orqali nazorat qilish mumkin”[5]. Demak, samarali boshqaruv mexanizmlarining joriy etilishi kompaniya moliyaviy barqarorligini mustahkamlash bilan birga, kapital bozorida ijobiy imij shakllantiradi.

Sanoat tarmoqlari o‘ziga xos moliyaviy risklar va operatsion xususiyatlarga ega bo‘lganligi bois, qarorlar asosi sifatida ishonchli axborotlar bazasi alohida ahamiyat kasb etadi. MDH olimlaridan S.I. Krilov, O.A. Reshetnikovalarning ilmiy tadqiqotlarida qayd etilishicha, “Sanoat korxonasining moliyaviy holatini yaxshilashga qaratilgan eng samarali boshqaruv qarorlarini qabul qilish uchun tegishli axborot bazasi talab qilinadi. Bunday holda, korxonaning moliyaviy holatini har tomonlama tahlil qilish va prognozlash natijalari ta’sir qilishi kerak, bu esa uni yaxshilash yo‘llarini aniqlashga imkon beradi”[6]. Moliyaviy barqarorlik darajasini aniqlovchi asosiy omillardan biri – resurslarning shakllanish manbai va ularning taqsimoti hisoblanadi. Iqtisodchi olimlardan A. Alyabyevaning qarashlariga muvofiq, “Korxonaning moliyaviy barqarorligini baholash uchun uning moliyaviy holatini tahlil qilish kerak. Korxonaning moliyaviy holati moliyaviy resurslarning mavjudligi, joylashishi va ishlatilishini aks ettiruvchi ko‘rsatkichlar yig‘indisidir. Moliyaviy resurslarning mavjudligi, ulardan samarali foydalanish, ularni shakllantirish manbalari tarkibining optimal nisbati korxonaning bozor va moliyaviy barqarorligini, uning to‘lov qobiliyati va likvidligini, ishbilarmonlik faolligi va raqobatbardoshligini belgilaydi” [7]. Olimning yondashuvi real sektordagi korxonalar uchun barqaror o‘sishni ta’minlash va uzoq muddatli raqobatbardoshlikni qo‘lga kiritish yo‘lida muhim ahamiyatga ega. Shu bois moliyaviy tahlil vositalari orqali korxonalar faoliyatiga strategik yondashuv zarur.

Dividend siyosati aksiyadorlik jamiyatlarining kapital bozori bilan o‘zaro aloqasini aniqlovchi omil sifatida o‘z aksini topmoqda. Yurtimiz iqtisodchi olimlaridan S. Elmirezayev aksiyadorlik jamiyatlari biznesini rivojlantirishda dividend siyosatiga alohida e’tibor qaratib, foyda taqsimotini opyimlashtirish orqali bozor kapitallashuvini oshirish mumkinligini qayd etgan [8]. Unga ko‘ra, barqaror dividend siyosati kompaniya aksiyalariga bo‘lgan ishonchni kuchaytiradi va ularning bozor bahosini oshiradi. Bu esa o‘z navbatida, aksiyadorlar sonini ko‘paytirish va investitsion faollikni oshirish imkonini yaratadi. Dividend strategiyasi biznes strategiyasi bilan uzviy bog‘liq bo‘lib, bu moliyaviy boshqaruvda muvozanatni ta’minlaydi.

Korporativ boshqaruv tizimini takomillashtirish ishlab chiqarish resurslarining samarali taqsimoti bilan uzviy bog‘liqdir. Mahalliy iqtisodchi olimlardan A. Karimov o‘zining ilmiy tadqiqotlarida ishlab chiqarish resurslaridan foydalangan holda korporativ boshqaruv tizimini takomillashtirishga alohida e’tibor qaratgan. Iqtisodchining fikricha, “Fond bozori rivojlanishi milliy aksiyadorlik jamiyatlarini arzon moliyaviy resurslar bilan ta’minlaydi va biznes faoliyatni kengaytirishga imkon yaratadi” [9]. Bu yondashuv asosida resurslarning maksimal samaradorligini ta’minlash orqali moliyaviy mustaqillikka erishish mumkin. Natijada jamiyatlar faoliyatining tashqi omillarga qaramligi kamayadi va ularning innovatsion salohiyati ortadi. Dividend siyosatining korporativ strategiyadagi o‘rni bugungi kunda nafaqat moliyaviy ko‘rsatkich, balki aksiyadorlar bilan ishonchli aloqaning indikatoriga aylangan. Iqtisodchi olim S. Omonovning fikricha, “Dividend siyosatini o‘rganish kapital bozori ishtirokchilari uchun muhim bo‘lib, investorlarning kompaniyalarga bo‘lgan ishonchini oshirishga xizmat qiladi. Dividend to‘lovlarining barqarorligi aksiyalar jozibadorligini ta’minlab, investorlarni uzoq muddatli sarmoya kiritishga undaydi. Yuqori dividend rentabelligiga ega kompaniyalar





aksiyalariga talab yuqori bo‘lib, bu ularning bozor qiymatini oshirishga yordam beradi. Dividend siyosati kompaniyaning moliyaviy barqarorligi va biznes strategiyasining samaradorligini aks ettiruvchi muhim ko‘rsatkich hisoblanadi” [11]. Shu bilan birga dividendlar orqali aksiyadorlar bilan barqaror aloqa o‘rnatilib, kompaniyaning ijobiy obro‘sini shakllantirishga xizmat qilinadi.

### **Tadqiqot metodologiyasi**

Mazkur maqolada aksiyadorlik jamiyatlari biznes moliyasini takomillashtirish amaliyoti va yo‘llari tahlilini amalga oshirishda taqqoslama tahlil, statistik tahlil, qiyoslash, ilmiy abstraksiyalash, analiz, sintez kabi tadqiqot usullaridan foydalanilgan.

### **Tahlil va natijalar**

Zamonaviy aksiyadorlik jamiyatlarida moliyaviy resurslarni samarali boshqarish strategiyasi ularning raqobatbardoshligini belgilovchi muhim omillardan biridir. Moliya oqimlarini to‘g‘ri yo‘naltirish, qarz va kapital tarkibini muvozanatlash orqali risklarni kamaytirish imkoniyati yuzaga keladi. Shu jihatdan, moliyaviy menejmentga zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy etish strategik qarorlarni tezkor qabul qilishda alohida ahamiyat kasb etadi. Jahon banki va IMF tahlillariga ko‘ra, “... aksiyadorlik jamiyatlarining 65 foizi raqamli moliyaviy boshqaruvga o‘tgan” [12]. Moliya bozorlarida kapital narxining doimiy o‘zgaruvchanligi biznes moliyasida adaptiv yondashuv zaruratini keltirib chiqarmoqda. Aksiyadorlarning foyda kutishlari va korxonaning likvidlik darajasi o‘rtasidagi muvozanat samarali moliyaviy strategiyani talab etadi. Shu boisdan ham moliyaviy risklarni diversifikatsiya qilish usullari takomillashmoqda. Bu esa, o‘z navbatida, biznes moliyasida noaniqliklarni bartaraf etish imkonini yaratadi. Oxir-oqibat, strategik moliyaviy boshqaruv tizimining yangilanishi aksiyadorlar manfaatini himoya qilishga xizmat qiladi.

1-chizma.

### **Aksiyadorlik jamiyatlari biznes moliyasini takomillashtirish yo‘llari\***



\*Muallif ishlanmasi.

Aksiyadorlik jamiyatlarida biznes moliyasini takomillashtirish – bu nafaqat moliyaviy barqarorlikka erishish, balki investorlar ishonchini mustahkamlash va korporativ raqobatbardoshlikni oshirish yo‘lida muhim strategik yo‘nalishdir. Kapital tuzilmasining optimal nisbati, zamonaviy moliyaviy texnologiyalar va shaffof boshqaruv mexanizmlarining joriy etilishi kompaniya qiymatini oshirishga xizmat qiladi, bu esa aksiyadorlar manfaatlarini bilan to‘g‘ridan-to‘g‘ri bog‘liqdir. Investitsiya qarorlarini qabul qilishda ilmiy asoslangan moliyaviy tahlil metodlariga tayanish moliyaviy resurslarning samarasini oshirib, uzoq muddatli rivojlanish uchun poydevor yaratadi. Fond bozoridan samarali foydalanish va dividend siyosatini oqilona yuritish orqali jamiyatlar nafaqat ichki moliyaviy barqarorlikka, balki tashqi investitsion jozibadorlikka ham erishadi. Xalqaro tajriba va milliy realiliklar uyg‘unligida shakllantirilgan





moliyaviy boshqaruv tizimi, ayniqsa raqamli transformatsiya sharoitida, AJlarning raqobatbardoshligini va innovatsion salohiyatini izchil oshirib boradi.

1-jadval.

**Aksiyadorlik jamiyatlarining barqaror rivojlanishiga ta’sir etuvchi omillar\***

| <b>№</b> | <b>Omil nomi</b>                        | <b>Ta’sir darajasi</b> | <b>Amaliy ko’rsatkichlar</b>                        | <b>Xalqaro tajriba misoli</b>                     | <b>Tavsiyalar</b>                                   |
|----------|---|------------------------|---|---|---|
| 1.       | Kapital tuzilmasi samaradorligi         | Yuqori                 | Qarzdorlik koeffitsienti, ROE                       | General Electric (AQSh) – 60/40 model             | Optimal nisbatni aniqlash va yillik tahlil          |
| 2.       | Korporativ boshqaruv sifati             | Yuqori                 | ESG ko’rsatkichlari, investitsion reytinglar        | Samsung (Janubiy Koreya) – ESG transformatsiyasi  | Mustaqil direktorlar ulushini 30% dan kam qilmaslik |
| 3.       | Investitsiya faoliyati samaradorligi    | O’rta-yuqori           | Kapital rentabelligi (ROIC), NPV > 0 loyihalar soni | Siemens (Germaniya) – raqamli investitsiyalar     | DCF va real opsiyonlar metodini joriy etish         |
| 4.       | Aksiyalar bozorida faollik              | O’rta                  | Emissiya hajmi, aylanish tezligi (Turnover Ratio)   | TSMC (Tayvan) – faol ikkilamchi bozor ishtiroki   | Tahliliy hisobotlarni ochiq e’lon qilish            |
| 5.       | Moliyaviy texnologiyalardan foydalanish | O’rta                  | Operatsion xarajatlar/foйда nisbati                 | Amazon (AQSh) – AI asosidagi moliyaviy monitoring | SAP, Oracle kabi tizimlarni joriy etish             |
| 6.       | Dividend siyosatining izchilligi        | O’rta                  | Dividend payout ratio, DPS                          | Nestlé (Shveysariya) – 30 yil uzluksiz dividend   | Barqaror dividend strategiyasini ishlab chiqish     |

\*Muallif ishlanmasi.

Yuqorida keltirilgan jadvaldan ko’rinib turibdiki, aksiyadorlik jamiyatlarining barqaror rivojlanishi ko’p omilli va murakkab iqtisodiy munosabatlarga asoslanadi hamda moliyaviy boshqaruv samaradorligi, korporativ boshqaruv tizimining sifati, fond bozorida faollik darajasi va investitsiya strategiyalarining aniqligi bu jarayonda hal qiluvchi ahamiyat kasb etadi. Raqamli texnologiyalarning joriy etilishi va dividend siyosatining izchilligi kompaniyaning uzoq muddatli barqarorligiga xizmat qiladi, bu esa nafaqat ichki iqtisodiy ko’rsatkichlar, balki tashqi investorlar bilan bo’lgan munosabatlarda ham muhim rol o’ynaydi. Xalqaro tajriba shuni ko’rsatadiki, barqarorlikka erishgan yirik kompaniyalar yuqoridagi omillarni integratsiyalashgan holda boshqarish orqali raqobatbardosh ustunlikka erishgan. Shunday ekan, har bir aksiyadorlik jamiyati o’z rivojlanish strategiyasini ushbu omillarni kompleks tahlil qilgan holda shakllantirishi lozim.

Aksiyadorlik jamiyatlarining dividend siyosati investorlar qarorlariga bevosita ta’sir ko’rsatuvchi muhim moliyaviy omildir. Ushbu siyosatning izchil va shaffof yuritilishi kompaniya obro’sini mustahkamlashga xizmat qiladi. Bozor iqtisodiyotida dividendlar nafaqat foyda taqsimoti, balki aksiyalar bozor bahosining shakllanishida ham hal qiluvchi rol o’ynaydi. Davlat va xususiy aksiyadorlarning manfaatlarini muvozanatini ta’minlash uchun o’rtacha va uzoq muddatli dividend strategiyalari ishlab chiqilishi lozim. AQSH va Yevropa mamlakatlarida barqaror dividend siyosati kompaniyalarning kapital qiymatini 12–15 foizgacha oshirganini kuzatish mumkin. Moliyaviy tahlil vositalari yordamida dividend to’lov imkoniyatlarini baholash orqali investor kutishlari tahlil qilinadi. Bu esa aksiyadorlar ishonchini mustahkamlash bilan birga, kompaniya moliyaviy reytingini yaxshilaydi. Shuningdek, dividend siyosati daromad va investitsiya ehtiyojlari o’rtasidagi optimal nisbatni ta’minlashda vositachilik qiladi. Shu asosda aksiyadorlik jamiyatlari investorlar bilan uzoq muddatli hamkorlikka erishadi.





2-jadval.

**O‘zbekistonda dividend to‘lovi bo‘yicha  
top-10 aksiyadorlik jamiyatlari\***

| Aksiyadorlik jamiyati nomi        | Qaror sanasi | Summa (uzs) | Foiz(%) | Boshlanish sanasi | Tugash sanasi |
|-----------------------------------|--------------|-------------|---------|-------------------|---------------|
| AJ "UZBAT A.O." QK                | 2023-06-08   | 21000       | 9130    | 2023-06-12        | 2023-08-07    |
| "O ZTEMIRYO KONTEYNER" AJ         | 2023-06-27   | 40100       | 4010    | 2023-07-06        | 2023-09-04    |
| "Ammofos-Maxam" AJ                | 2023-08-16   | 126079,48   | 2521,59 | 2023-08-16        | 2023-10-16    |
| "O‘zRVB" AJ                       | 2023-05-23   | 24014,52    | 2401,45 | 2023-06-02        | 2023-07-21    |
| "Uchqo‘rg‘on don mahsulotlari" AJ | 2023-03-31   | 8709,8822   | 1741,97 | 2023-04-15        | 2023-06-15    |
| "Buxorodonmahsulotlari" AJ        | 2023-03-24   | 51997,75    | 1464,73 | 2023-03-25        | 2023-05-23    |
| "Andijonkabel" AJ QK              | 2023-06-27   | 12000       | 1200    | 2023-07-20        | 2023-09-05    |
| "Maxam - Chirchiq" AJ             | 2023-08-16   | 54385,31    | 1087,7  | 2023-08-16        | 2023-10-16    |
| "Sho‘rchi don mahsulotlari"       | 2023-03-31   | 9359,86     | 935,99  | 2023-04-01        | 2023-06-01    |
| "Namangandon mahsulotlari"        | 2023-03-30   | 27296,59    | 909,8   | 2023-03-30        | 2023-05-28    |

 \*<https://new.openinfo.uz/home>.

2023-yilgi dividend siyosati tahliliga ko‘ra, “Ammofos-Maxam” AJ 126,08 mlrd so‘mlik dividend to‘lovi bilan ro‘yxatning yetakchisi bo‘lib, bu korxonaning yuqori daromadlilikka ega bo‘lgan ishlab chiqarish faoliyati va foydaning aksiyadorlar manfaatiga yo‘naltirilayotganidan dalolat beradi. Undan keyingi o‘rinda “Maxam-Chirchiq” AJ turib, 54,39 mlrd so‘mlik dividend ajratgan bo‘lsa, “Buxorodonmahsulotlari” AJ 51,99 mlrd so‘mlik dividend to‘lab, uchinchi pog‘onani egalladi. Yirik to‘lovchilar orasida yana “Namangandonmahsulotlari” AJ (27,3 mlrd so‘m), “O‘zRVB” AJ (24,01 mlrd so‘m) va "O‘ztemyokonteyner" AJ (40,1 mlrd so‘m) kabi korxonalar ham yuqori natijalarga erishgan.

Dividend stavkasi (foiz) bo‘yicha esa "UZBAT A.O." QK 9130% ko‘rsatkich bilan ajralib turibdi, bu esa yuqori rentabellikka erishgan, lekin cheklangan miqdorda aksiyalar muomalada bo‘lgan kompaniyalar dividend siyosatining xususiyatini anglatadi. Shuningdek, “O‘ztemiryokonteyner” AJ (4010%) va “O‘zRVB” AJ (2401,45%) ham o‘z aksiyadorlariga sezilarli daromad taqdim etgan. Mazkur dividend to‘lovlari kompaniyalar moliyaviy holatining barqarorligi, toza foydaning mavjudligi hamda korporativ boshqaruvning ochiqqligi va samaradorligining muhim ko‘rsatkichlaridandir. Yuqori dividend to‘layotgan kompaniyalar investorlar uchun jozibador sanaladi, bu esa ularning bozor kapitallashuvi va aksiyalariga talabni oshiradi. Shu bois, dividend siyosatini samarali yuritish aksiyadorlik jamiyatlarining bozor imijini mustahkamlashda muhim omil sifatida qaralishi kerak.


Aksiyadorlik jamiyatlarining barqaror rivojlanishi ko‘p jihatdan investitsiya portfelining tarkibi va sifati bilan belgilanadi. Investitsiya loyihalarining rentabelligi va risk darajasi o‘rtasidagi mutanosiblikni ta‘minlash – asosiy moliyaviy vazifalardan biridir. Jahon amaliyotida portfel investitsiyalarni diversifikatsiyalash orqali umumiy riskni kamaytirish usullari keng qo‘llanilmoqda. OECD ma‘lumotlariga ko‘ra, “kompaniyalar daromadining o‘rtacha 30 foizi uzoq muddatli investitsiyalarga yo‘naltirilmoqda”[13]. Aksiyadorlik jamiyatlari uchun innovatsion va eksport yo‘naltirilgan loyihalarga sarmoya kiritish ustuvor yo‘nalish hisoblanadi. Kapitalni oqilona taqsimlash esa dividend siyosatini barqarorlashtirishga xizmat qiladi. Shu bilan birga, investitsiya faoliyatining monitoringi va auditori orqali moliyaviy shaffoflikni ta‘minlash zarur. Bu yondashuv investorlar ishonchini oshirish bilan birga, aksiyalarning bozor narxiga ijobiy ta‘sir ko‘rsatadi.





1-diagramma.

**O‘zbekistonda daromadi bo‘yicha top-5 aksiyadorlik jamiyatlari,  
2023-yil bo‘yicha, mrlld. so‘m\***



\*<https://new.openinfo.uz/home>

2023-yilda eng yuqori daromad ko‘rsatkichini qayd etgan kompaniya bu “O‘ztransgaz” AJ bo‘lib, uning daromadi 7 790,44 mrlld so‘mni tashkil etgan va bu natija mamlakat gaz tarmog‘ining keng qamrovi hamda energiya resurslariga talabning ortib borayotgani bilan bevosita bog‘liqdir. Ikkinchi o‘rinda esa sanoat giganti “Olmaliq kon-metallurgiya kombinati” AJ joy olgan bo‘lib, 6 711,12 mrlld so‘mlik daromadi bilan O‘zbekistonning eksport salohiyati va tog‘-kon sanoatidagi yuqori quvvatlarni ifoda etadi. Uchinchi va to‘rtinchi o‘rinlarni moliya sektorining yirik vakillari – “O‘zmilliybank” (1 716,54 mrlld so‘m) hamda “Kapitalbank” ATB (1 629,74 mrlld so‘m) egallagan bo‘lib, bu ularning bank xizmatlarini diversifikatsiyalashga, chakana va korporativ mijozlar sonining ortishiga hamda texnologik joriy etishlarga qaratilgan faol strategiyasining natijasidir. Reytingni “Hamkorbank” ATB yakunlab, 1 200,16 mrlld so‘m daromad bilan moliyaviy barqarorlik va viloyatlarda keng filial tarmog‘i orqali daromad olishdagi muvaffaqiyatini tasdiqlagan. Ushbu ma‘lumotlar shuni ko‘rsatadiki, O‘zbekiston iqtisodiyotida tabiiy resurslarga asoslangan korxonalar yetakchilikni saqlab qolayotgan bo‘lsa-da, moliya sektori ham faol transformatsiya hisobiga daromad salohiyatini jadal oshirmoqda. Shu bois bu jamiyatlarning boshqaruv samaradorligi va investitsiyaviy jozibadorligini doimiy monitoring qilish dolzarb ahamiyat kasb etadi.

Zamonaviy texnologiyalar aksiyadorlik jamiyatlarining moliyaviy boshqaruv tizimini tubdan o‘zgartirmoqda. Raqamli moliya, blokcheyn texnologiyasi va avtomatlashtirilgan tahlil vositalari orqali moliyaviy axborotlar aniqligi oshmoqda. Deloitte ma‘lumotlariga ko‘ra, raqamli moliya infratuzilmasiga sarmoya kiritgan jamiyatlarda foyda marjasi 1,5 barobarga ko‘tarilgan. Moliyaviy hisob-kitoblarni avtomatlashtirish operatsion xarajatlarni kamaytiradi va inson omilidan kelib chiqadigan xatoliklar oldini oladi. Shu bilan birga, elektron moliyaviy platformalar yordamida real vaqtda monitoring qilish imkoniyati yaratiladi. Raqamli texnologiyalar yordamida investitsiya loyihalarining moliyaviy tahlili tezkor va batafsil amalga oshiriladi. Moliyaviy resurslarni raqamli boshqarish orqali strategik qarorlar samaradorligi oshadi. Shu bois raqamlashtirish aksiyadorlik jamiyatlarining biznes moliyasini takomillashtirishda asosiy yo‘nalishlardan biriga aylanmoqda. Bu esa aksiyadorlar manfaatleri va korxonalar rivojlanishi o‘rtasidagi uyg‘unlikni ta‘minlaydi.

**Xulosa**

Xulosa qilganda aksiyadorlik jamiyatlari biznes moliyasini takomillashtirish muhim ahamiyat kasb etib, uni optimallashtirishda quyidagilar, yani:

- moliyaviy resurslarni diversifikatsiya qilish orqali ichki manbalar (sof foyda, amortizatsiya ajratmalari) bilan tashqi manbalar (aksiyalar emissiyasi, obligatsiyalar, bank kreditlari) o‘rtasida optimal muvozanatni ta‘minlash, bu orqali qarz yukining ortiqcha o‘shirishining oldini olish tavsiya etiladi;
- korporativ moliyaviy boshqaruv tizimini zamonaviy axborot texnologiyalariga





asoslangan holda avtomatlashtirish, bu orqali xarajatlarni tahlil qilish va investitsiya qarorlarini qabul qilishda tezkor va aniq yechimlarga erishish imkoniyati yaratiladi;

- aksiyadorlar va investorlar bilan ochiq va muntazam moliyaviy axborot almashinuvini yo‘lga qo‘yish orqali ularning ishonchini mustahkamlash va korxonaning bozor kapitallashuvini oshirish samarali yo‘l hisoblanadi;

- kapital tuzilmasini optimallashtirish va o‘zlashtirilgan foydaning muqobil yo‘nalishlarga yo‘naltirilishini rejalashtirish, ya’ni nafaqat dividend to‘lovi, balki qayta investitsiyalash va innovatsion loyihalarga sarmoya kiritish mexanizmlarini kengaytirish muhimdir;

- moliyaviy risklarni tahlil qilish va ularni boshqarish bo‘yicha maxsus ichki audit va monitoring tizimini joriy etish, bu orqali potentsial likvidlik muammolari va qarzlarning muddatli xizmat ko‘rsatish ko‘rsatkichlari oldindan aniqlanib, tegishli choralar ko‘riladi;

- korporativ obligatsiyalar va boshqa moliyaviy instrumentlar orqali bozorda uzoq muddatli resurslarni jalb qilish, bu orqali bank kreditlariga qaramlik kamaytirilib, investitsiyaviy mustaqillik ta‘minlanadi;

- korporativ boshqaruv organlarida moliyaviy mutaxassislarning salohiyatini oshirish, xalqaro moliyaviy boshqaruv amaliyotlarini o‘rganish va tadbiq etish orqali korxonada darajasida moliyaviy qarorlarning samaradorligi oshiriladi;

- davlat tomonidan yaratilayotgan soliq imtiyozlari, subsidiyalar va boshqa moliyaviy qo‘llab-quvvatlash mexanizmlaridan to‘liq va oqilona foydalanish, bu orqali aksiyadorlik jamiyatlarining investitsiyaviy faolligi va moliyaviy barqarorligi ta‘minlanadi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar**

21. Jahon bankining ma’lumotlari. – <https://archive.doingbusiness.org>
  22. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston – 2030” strategiyasi to‘g‘risidagi farmoni, 11.09.2023 yildagi PF-158-son
  23. Brealey, R. A., Myers, S. C., & Allen, F. (2018). Principles of Corporate Finance (12th ed.). McGraw-Hill Education.
  24. Damodaran, A. (2021). “Corporate Finance: Cost of Capital, Risk Assessment and Value Creation.” NYU Stern School of Business Working Paper.
  25. Jensen, M. C. (2017). “Agency Costs of Overvalued Equity”. *Financial Management*, 46(3), 637–665.
  26. Крылов С. И., Решетникова О. А. Методические аспекты анализа и прогнозирования финансового состояния промышленного предприятия // *Финансовая аналитика: проблемы и решения*. – 2010. – №. 8. – С. 2-8.
  27. Алябьева В. А. Факторы и пути повышения финансовой устойчивости организации. – 2011.
  28. Elmirzayev S. Dividend Policy Analysis and Dividend Aristocrats in Developed Countries // *Scientific-electronic journal “IFA*. – 2020. – Т. 2.
  29. Karimov A. Ishlab chiqarish resurslaridan foydalangan holda korporativ boshqaruv tizimini takomillashtirish // *YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT*. – 2024. – Т. 2. – №. 4.
  30. Karimov A. O‘zbekiston fond bozorida investorlarning pul mablag‘larini jalb qilish mexanizmlaridan foydalanish // *YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT*. – 2023. – Т. 1. – №. 8.
  31. Omonov S. Kapital bozorida emitentlarning investitsion jozibadorligini oshirishda dividend siyosati // *YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT*. – 2025. – Т. 3. – №. 2.
  32. World Bank Group (2022). “Corporate Finance and Capital Structure in Emerging Markets” – Washington, D.C.:
  33. OECD (2020). “OECD Equity Market Review” – Paris: OECD Pub.
- Elektron resurs**
34. <https://www.uzex.uz/fr/pages/public-material-facts>





## **MOLIYAVIY ICHKI NAZORAT TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI**

**Islamova Nargiza Mirzaxidovna**

*iqtisodiyot nazariyasi  
kafedrasida mustaqil  
tadqiqotchisi  
Toshkent davlat  
iqtisodiyot universiteti*

*E-mail: nargiza.islomova78@gmail.com*

**Annotatsiya.** Maqolada korxonada ichki nazoratni takomillashtirish bilan bog'liq masalalar tahlil etilgan. Ichki nazorat xo'jalik subyekti faoliyatini tartibga soluvchi qoidalar majmuasi sifatida tadqiq etilib, tadbirkorlik faoliyati jarayonida turli xil harakatlarning qonuniyligi va maqsadga muvofiqligi o'rganilgan. COSO modellari asosida integratsiyalashgan «risklarni boshqarish/ichki nazorat» modelini amalga oshirish masalalari ko'rib chiqilgan. Turli modellarning joriy etilishiga yondashuvlardagi farqlarni e'tiborga olish kerakligi, ulardagi xarajatlar va alternativ yondashuvlarning afzalliklarini tahlil qilish zarurligi taklif etilgan.

**Kalit so'zlar:** ichki nazorat, COSO tizimi, makroiqtisodiy ko'rsatkich, ichki nazorat samaradorligi, xavfga yo'naltirilgan yondashuv, tahliliy jarayon, model.

## **ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СИСТЕМЫ ВНУТРЕННЕГО ФИНАНСОВОГО КОНТРОЛЯ**

**Исламова Наргиза Мирзахидовна**

*независимый исследователь  
кафедра теории экономики  
Ташкентский государственный  
экономический университет*

*E-mail: nargiza.islomova78@gmail.com*

**Аннотация.** В статье подвергаются анализу направления совершенствования внутреннего контроля на предприятии. В рамках статьи внутренний контроль рассматривается как совокупность правил, регулирующих деятельность субъекта предпринимательства и использующих специальные методы и приемы для проверки законности и целесообразности различных действий в процессе предпринимательской деятельности. Исследуются вопросы по внедрению интегрированной модели «управление рисками/внутренний контроль», основанной на моделях COSO. Предлагается учитывать различия в подходах к реализации разных моделей и анализировать затраты и выгоды альтернативных подходов.

**Ключевые слова:** внутренний контроль, система COSO, макроэкономические показатели, эффективность внутреннего контроля, риск-ориентированный подход, аналитические процессы, модель.

## **IMPROVEMENT OF THE INTERNAL FINANCIAL CONTROL SYSTEM**

**Islamova Nargiza Mirzaxidovna**

*Department of Economic Theory  
independent researcher  
Tashkent State University of Economics  
E-mail: nargiza.islomova78@gmail.com*

**Abstract.** The article presents directions for improving internal control within enterprises.





In the framework of this study, internal control is considered as a system of rules regulating the activities of a business entity and employing specific methods and techniques to verify the legality and appropriateness of various actions in the course of entrepreneurial activity. Recommendations are provided for the implementation of an integrated "risk management/internal control" model based on COSO frameworks. It is suggested that differences in approaches to the implementation of various models should be taken into account, and that both the costs and benefits of alternative approaches should be thoroughly analyzed.

**Keywords:** internal control, COSO system, macroeconomic indicators, internal control effectiveness, risk-based approach, analytical processes, model.

### **Kirish**

Bugungi kunda iqtisodiyotni globallashtirish, raqamlashtirish jarayonlarining jadallashuvi va moliyaviy xatarlarning ortib borishi ichki nazorat tizimini takomillashtirishni taqozo etmoqda. Moliyaviy nazorat tizimining yetarlicha rivojlanmaganligi korxonalarining moliyaviy resurslaridan noto‘g‘ri foydalanishiga, firibgarlik va korrupsiya xavflarining oshishiga hamda umumiy iqtisodiy samaradorlikning pasayishiga olib kelishi mumkin. Shu sababli, ichki moliyaviy nazoratni kuchaytirish va uni zamonaviy texnologiyalar asosida takomillashtirish korxonalar uchun dolzarb vazifalardan biri hisoblanadi.

Yuzaga kelgan iqtisodiy vaziyat xavf va nazorat jarayonlari o‘rtasidagi bog‘lanishning oshishiga sabab bo‘lmoqda. Risklarni boshqarish tizimini rivojlantirish va takomillashtirish ichki nazorat tizimining barcha komponentlarini aniq tasavvur qilish zaruratini bildiradi. Bundan tashqari, majburiy risklarni baholash va oldindan tahlilni o‘z ichiga olgan riskga yo‘naltirilgan yondashuv muhim ahamiyatga ega. Risklarni boshqarish tizimini va ichki nazorat tizimini tashkil etish uchun xo‘jalik subyekti faoliyatini tartibga soluvchi huquqiy muhitni aniq aniqlash lozim, bu esa hujjatlarga qo‘yiladigan talablarni belgilaydi. G‘arbda keng tarqalgan COSO metodologiyasi (Tradeway Komissiyasi Homiyalar Tashkiloti) mahalliy audit tizimini takomillashtirish usullariga juda o‘xshaydi. Uning mazmuni korporativ boshqaruv menejerlariga mo‘ljallangan tavsiya va takliflarni ishlab chiqishdir. Ushbu tavsiyalar, odatda, kompaniyani boshqarish bilan bog‘liq bo‘lgan barcha muhim jihatlarni, biznes kommunikatsiyasi etikasi, ichki korporativ muloqot, tashkiliy jarayonlar, risklar va firibgarlik harakatlariga qarshi kurashish masalalarini o‘z ichiga oladi. COSO bo‘yicha ichki nazorat – bu tashkilotning yuqori rahbarlari tomonidan amalga oshiriladigan tadbirlar to‘plami bo‘lib, uning siyosatini belgilaydi. Bunday ichki nazorat kompaniya rahbariyatining quyidagi asosiy maqsadlariga erishishga qaratilgan: moliyaviy faoliyatda oqilona yondashuv va samaradorlik, uning moliyaviy hisobotlarining ishonchliligi, shuningdek, amaldagi qonunlarning normalariga va standartlariga rioya qilish.

### **Adabiyotlar sharhi**

Korxonalarda ichki moliyaviy nazorat tizimi bo‘yicha olib borilgan tadqiqotlar va ilmiy adabiyotlar ushbu yo‘nalishning dolzarbligi va muhimligini tasdiqlaydi. Ichki nazorat muammolarini o‘rganishga bag‘ishlangan ko‘plab ilmiy manbalar mavjud, ulardan O.I. Lavrushin, G.N. Beloglazova, N.P. Sokolinskaya, V.P. Suyts, A.D. Sheremet, N.V. Fadeikina, Ye.Yu. Gracheva, D.M. Lvov, K.K. Arabyan, G.F. Shiryayeva, D.M. Lvov, G.F. Shiryayeva I.A. Belobjetskiy kabi mualliflarning ishlarini alohida ta‘kidlash mumkin.

A.A. Smith va D. Kaplan o‘z tadqiqotlarida moliyaviy nazoratni biznes boshqaruvining ajralmas qismi sifatida qarab, uning korxonalar moliyaviy barqarorligini ta‘minlashdagi o‘rnini batafsil yoritib berishgan. Xususan, D. Kaplan ichki moliyaviy nazorat samaradorligini oshirish uchun biznes jarayonlarini avtomatlashtirishning ahamiyatini ta‘kidlaydi [2].

COSO (Committee of Sponsoring Organizations of the Treadway Commission) tomonidan ishlab chiqilgan "Internal Control - Integrated Framework" (2013) hujjati esa ichki nazorat tizimining asosiy tamoyillarini belgilaydi [3].

Moliyaviy nazorat usullari bo‘yicha M. Jensen va W. Meckling o‘z tadqiqotlarida byudjet





nazorati, ichki audit va moliyaviy monitoringning korxonalar samaradorligiga ta'siri haqida bahs yuritgan. Ularning tadqiqotlariga ko'ra, samarali ichki nazorat tizimi korxonaning moliyaviy shaffofligini oshiradi va firibgarlik xavfini kamaytiradi [4].

O'zbekistonda qo'shma korxonalarining investitsiyaviy jozibadorligini oshirish maqsadida korxonalarining ichki nazorat tizimini takomillashtirishga alohida etibor qaratilmoqda. Mamlakatimizni rivojlantirishga qaratilgan strategik hujjatlar va olib borilayotgan islohotlar davrida qabul qilingan farmon va qarorlar bunga yaqqol misol bo'la oladi [1]. Qarorlarda belgilangan vazifalar respublikamizda islohotlar tizimlilikini oshirishga xizmat qiladi .

Respublikamizda K.B. Axmadjanov, A.Z. Avloqulov, R.D. Dusmuratov, Sh.I. Ilxamov, A.A. Karimov, N.F. Karimov, S.U. Mehmonov, A.X. Pardaev, M.M. Tulakhodzhayeva, A.N. To'raev, B.Q. Hamdamov, B.A. Hasanov, I.N. Qo'ziev va boshqa iqtisodchi olimlarning ilmiy ishlarida ichki nazorat va ichki auditning ba'zi jihatlari qisman o'z ifodasini topgan.

I. Karimov va X. Tursunov kabi mahalliy olimlar O'zbekistonda ichki moliyaviy nazorat tizimining rivojlanish holati, uning dolzarb muammolari va takomillashtirish yo'llari haqida tadqiqotlar olib borganlar [5].

Moliya vazirligi tomonidan e'lon qilingan (2023 y.) hisobotda O'zbekiston korxonalarida ichki nazorat tizimining joriy etilish darajasi va uchraydigan muammolar tahlil qilingan. Xususan, kichik va o'rta biznes korxonalarida ichki audit tizimining rivojlanmaganligi, avtomatlashtirilgan tizimlarning yetarlicha yo'lga qo'yilmaganligi va moliyaviy xatrlarni boshqarish bo'yicha tajribalar yetishmayotgani aniqlangan [6].

Ta'kidlash joizki, ichki nazorat muammolariga bag'ishlangan nashrlarning ko'pligi bilan birga, ba'zi muhokama mavzulari mavjud bo'lib, tashkilotlarning ichki nazorat sifatli tizimlarini qurishning asoslari hanuzgacha ilmiy jihatdan va amaliyotni bajarish nuqtai nazaridan yetarlicha o'rganilmagan.

Adabiyotlar sharhi shuni ko'rsatadiki, korxonalar boshqaruv tizimidagi ichki nazorat va ichki auditdagi mavjud muammolarni aniqlash, xorijiy davlatlarning mazkur sohadagi tajribalarini o'rganish, mamlakatimiz korxonalar boshqaruv tizimiga keng joriy qilish bo'yicha ilmiy taklif va amaliy tavsiyalarni xalqaro standartlar asosida ishlab chiqish kamligi mazkur mavzuning dolzarbligini belgilaydi.

### **Tadqiqot metodologiyasi**

Mazkur maqolada korxonalarda ichki nazorat tizimining samaradorligini ob'ektiv baholash jarayonida ichki nazoratni o'tkazish yondashuvlari tahlili va mezonlari, COSO metodologiyasi asosida ichki nazorat va xavflarni boshqarish tahliliy jarayonlari, analiz kabi tadqiqot usullaridan foydalanilgan.

### **Tahlil va natijalar**

Boshqaruv sohasidagi muhim faoliyat iqtisodiy holatni kuzatish, ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlarni tashkil etishdan iborat. Ichki nazorat bunday tizimning bir jihati bo'lib qoladi. Uning mohiyati iqtisodiy resurslarni rivojlantirish va samarali qo'llanishini ta'minlashda, shuningdek, korxonalar moliyaviy strategiyasini amalga oshirishida yordam berishda ifodalanadi. Bozor sharoitiga o'tishda ichki nazoratning ahamiyati pasayadi, deb taxmin qilinadi, bu esa avtomatik ravishda pul bilan nazoratni kuchaytiradi.

Tashkilotda ichki nazorat turli xil jarayonlar majmuini anglatadi, bu esa tashkilotning ish faoliyatini barqarorligini ta'minlashga, boshqaruv samaradorligini baholashga va rivojlanish hamda rentabellik darajasini saqlashga yordam beradi. Ichki nazoratning bir qator xususiyatlari mavjud bo'lib, bu boshqa boshqaruv tizimi elementlari bilan birga keladi.

Har yili ichki nazorat tizimini tashkil etish bilan bog'liq masalalar dolzarblashadi, ehtimol, bu mamlakat miqyosida ham tushuniladi. Biroq, bunday iqtisodiy subyektlarni nazorat qilish, doimiy ravishda majburiy auditdan o'tkazilayotgan, nafaqat buxgalteriya hisobotlarini





rasmiylashtirish va buxgalteriya hisobini yuritish sohasida amalga oshirilishi, balki avvalo, ma'lum bir iqtisodiy subyektning haqiqiy iqtisodiy hayoti to'g'risidagi ma'lumotlarni to'g'ridan-to'g'ri o'z ichiga olishi kerak. Biroq, ko'p hollarda bu iqtisodiy subyektlar uchun ichki nazorat tizimini joriy etish e'tiborsiz qoldiriladi yoki rasmiy ravishda amalga oshiriladi.

Ichki nazorat tizimi nafaqat xatolar va og'ishlarni aniqlash qobiliyatini ko'rsatishi, balki kelajakda shunday turdagi xatolar va og'ishlarning yuzaga kelish ehtimolini kamaytirish maqsadida o'zgarishi kerak.

Amaliyot shuni ko'rsatadiki, ichki nazorat tizimining samaradorligini ob'ektiv baholash jarayonida, to'liq foydalanish va qo'llanilishi mumkin bo'lgan yondashuvlar o'xshashliklari va farqlari bilan, jadvalda har birining afzalliklari va kamchiliklari ko'rsatilgan.

1-jadval.

**Ichki nazoratni o'tkazish yondashuvlari\***

| T/R | Yondashuv       | Yondashuvning mohiyati   | Kamchiliklar  | Afzalliklar   |
|-----|-----------------|--|---|---|
| 1.  | Sinov o'tkazish | Xususiyatlarni hisoblash ushbu ko'rsatkichlarga taalluqli бўлган, savollar va javoblar asosida o'tkaziladigan, vazn va ballar asosida baholash orqali amalga oshirilgan. | <p>1. Sifatli mulohazalar asosida sinovdan o'tkazilayotganlarning bahosini shakllantirish aniq va obyektiv mezonlar mavjud bo'lmagandagina amalga oshadi.</p> <p>2. Subyektiv pozitsiyalar va fikrlar baholash manbai bo'lib, ularning asoslanganlik darajasi esa ko'plab shartlarga bog'liq.</p> <p>3. Test qiluvchilar va test qilinuvchilar tayyor shablonlar asosida javob berish odatiga ega bo'lishadi, bu esa ichki nazorat tizimidagi cheklovlar yoki xatolarni aniqlash imkoniyatini sezilarli darajada kamaytiradi. Sinov o'tkazuvchilar va sinovdan o'tkaziluvchilar tayyor shablonlarga qarab javob berish odatining shallanishi, bu ichki nazorat tizimidagi kamchiliklarni yoki xatolarni aniqlash imkoniyatini sezilarli darajada kamaytiradi.</p> <p>4. Shakl mazmunidan ustun, ya'ni keltirilgan usul ichki nazorat tizimining mavjudligini tasdiqlash imkonini beradi, lekin ichki nazorat samaradorligini baholash, jumladan uning jarayonining yetuklik darajasini o'lchash</p> | <p>1. Qo'llanish qulayligi yondashuvning universalligi va uning oddiyligi hisobiga.</p> <p>2. Ichki nazorat tizimining samaradorligini baholash jarayonida mehnat xarajatlarini qisqartirish.</p> |





|    |   |   |   |  |
|----|---|---|---|--|
|    |   |   | imkoniyatini bermaydi.  |  |
| 2. | Eng oddiy matematik modellar                                  | Bajargan nazorat jarayonlarining samaradorligini aniqlashga intilish, shuningdek, ularni o'tkazish uchun sarflangan xarajatlar va natijalar o'rtasidagi bog'lanishni o'rganish. Muayyan tizimli manba bilan bog'liq ravishda paydo bo'lish jarayonining vaqt modelidan va nazoratni amalga oshirish natijasida yuzaga keladigan xatolarni tuzatish jarayonidan foydalaniladi. | <p>1. Metodlar yetarlicha hajmli va juda shartli.</p> <p>2. «Qarzlardagi munosabatlar» -natijalar» munosabatida doimiy samaradorlik yo'q</p> <p>3.«Xato»ni aniqlash va tushunchasining yo'qligi, shuningdek, xato toifalarining mohiyatini baholash bilan birga bu xatolarni tasniflash.</p>  | <p>1.Nafaqat yagona nazorat tartibining samaradorligini baholashni amalga oshirish imkoniyati, shuningdek butun korxonada bo'ylab turli xavflarni baholash maqsadida zarur materiallarni taqdim etish</p> <p>2.Avtomatlashtirilgan nazorat vositalarini ishlab chiqarishni rag'batlantirish va natijada, nazoratni amalga oshirish uchun xarajatlarni kamaytirishga yordam berish qobiliyati</p> |
| 3. | Ichki nazorat samaradorligini aniqlovchi, analitik jarayonlar | Tahliliy jarayonlarni maxsus belgilarning tahliliy kuzatishlari tartibi asosida belgilangan savollar bo'yicha test shaklida qo'llash imkoniyati, ichki nazorat va uning samaradorligini ushbu yondashuv doirasida xarakterlaydigan belgilarning tavsifi   | <p>1.Aniqlik va obyektiv ko'rsatkichlarga ega baholash mezonlarining mavjud emasligi</p> <p>2.Nazorat samaradorligini baholash uchun mezon va ko'rsatkich o'rtasida aniqlik yo'qligi</p> <p>3. Komplayens usuli tashkilotda qo'llanilayotgan nazorat usullari va jarayonlarning etariligi baholashga imkon beradi yoki o'zgarishlar zarurligini belgilaydi, ammo ushbu ichki nazorat sistemasi xatosizligini baholamay qoladi.</p> <p>4. Taqdim etilgan shartli usul compliance, zarur qoidalar va ichki nazorat tizimining ushbu qoidalarga mosligini o'rganishni o'z ichiga oladi, ya'ni xatolikning mavjudligi kerakli tajriba va testni o'tkazayotgan shaxsning malakasiga bog'liq, shuningdek, reglament ishlab chiqayotgan mutaxassisning malakasi va tajribasi bilan</p> | <p>1.Mezonlarni (ko'rsatkichlarni) shakllantirish nafaqat samaradorlik, balki natijadorlik nuqtai nazaridan amalga oshiriladi.</p> <p>2. Nafaqat butun tizimning samaradorligini, balki nazoratga oid alohida jarayonlarni ham baholash imkoniyati</p>   |





|    |  |  |   |   |
|----|--|--|---|---|
|    |  |  | bog'liq.<br>5. Bunday yondashuv nazorat ob'ektlari uchun mezonlarni (ko'rsatkichlarni) har bir sub'ekt uchun alohida aniqlash zaruriyati bilan mehnat talab qiluvchi yondashuv bo'lib, yo'nalishdan va ushbu faoliyatning ko'lami asosida turtki berish.  |   |
| 4. | Boshqaruv tizimlarining samaradorligi ni tasvirllovchi, analitik jarayonlar, | Qo'llanilayotgan baholash metodlarining variatsiyasi, bunda ichki nazoratning samaradorligi nafaqat miqdor jihatidan, balki muayyan tashkilotning xo'jalik faoliyat natijalarining sifat jihatidan baholanadi. | 1. Boshqaruv tizimini baholash maqsadida boshqaruvning samaradorlik mezonlarini noto'g'ri ishlatilishi, ayniqsa uning holati<br>2. Tashkilot ishining yakuniy natijalari ko'p miqdordagi turli yo'nalishda amaldagi shartlarga bog'liq, ichki nazoratning sezilarli samaradorligi bilan doimo bog'liq bo'lmasligi mumkin. | Ichki nazorat bilan bog'liq muhim maqsadlardan birini amalga oshirish imkoni, bu esa moliyaviy-xo'jalik faoliyatining samaradorligi, shartnomalarni rasmiylashtirish, aktivlar va passivlarni yuritish holatlarida. |

\*Muallif ishlanmasi.

Ayta olish mumkinki, ichki nazorat o'tkazilishi davrida tizimning samaradorligini baholashda universal yondashuv yo'q. Har bir yondashuvning afzalliklari va kamchiliklari bor, lekin o'tkazilgan tahlil natijalari shuni ko'rsatadiki, barcha tilga olingan usullar ichki nazorat tizimi samarali ekanligiga ishonch hosil qilishni maqsad qilgan. Bu quyidagi mezonlarni ajratib ko'rsatishga imkon beradi:

- ichki nazorat tizimida rasmiy tashkilotni amalga oshiradigan reglamentlar mavjudligi, ularning samaradorligi va vaqtida o'tkazilgan baholash;
- tashkilot tomonidan foydalanilayotgan nazorat jarayonlarining xavflarga muvofiqligi, ularning etariligi va samaradorligi;
- xavfga yo'naltirilgan tizimni qurish amaliyoti va prinsiplari, zarur ichki nazoratning strukturaviy tashkilotiga asos bo'lganligi;
- tegishli axborot oqimlaridan zaruriy himoyani ta'minlaydigan uzatish kanallarining mavjudligi;
- haqiqiylik va nazorat samaradorligini ta'minlaydigan imkoniyatli infratuzilma mavjudligi;
- shuningdek, ichki nazorat tizimini samaradorligini monitoring qilish tizimi faoliyatining mavjudligi.

Xavfga yo'naltirilgan yondashuvda xo'jalik subyektlari uchun maksimal darajada tartibga solingan nazoratni amalga oshirish imkoniyati, shuningdek, xavflarni oshirishga yordam beradigan omillar ustidan nazoratni amalga oshirish imkoniyati ajralib turadi. Moslashuvchanlik imkoniyati va o'zgarishlarga tezkor javob berish, ichki nazorat tizimini tashkil etishda xavfga yo'naltirilgan yondashuvning muhim ustunligidir, bu esa tizimlilik prinsipini ta'minlaydi.

Xalqaro standartlar asosida tashkil etilgan xalqaro tashkilot va COSO nodavlat tashkiloti tomonidan yaratilgan kontseptual hujjatlar, ular asosida xalqaro institutlarning, masalan, Ichki auditlar instituti, Pulni yuvishga qarshi moliyaviy chora-tadbirlar guruhi (Financial Action Task Force, FATF), Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti, Bazil bank nazorati qo'mitasi kabi taniqli xalqaro institutlarning maxsus rivojlanishlari, ichki nazorat va xavflarni boshqarish bo'yicha xalqaro tan olingan metodologik asoslar hisoblanadi.





COSO konsepsiyasi quyidagi prinsiplardan iborat:

Ichki nazorat tizimining asoslanishi xavflarni boshqarish tizimi bilan o'zaro bog'liq komponentlar bo'yicha, maqsadlarga erishishda va butun majmua choralarda faoliyat ko'rsatish uchun muhim vositalar hisoblanadi.

COSO modellaridan foydalanish turli boshqaruv darajalarida va ularning universalliklarini taqdim etish imkoniyatlarini beradi. Shunday qilib, ular alohida bo'linmada, butun tashkilotda va o'zaro bog'langan kompaniyalar guruhlarida qo'llanilishi mumkin.

1-rasm.

**C-COSO modeli (Ichki nazorat)\***



\*Manba: [18;19.].

Birinchi rasmda maqsadlar kategoriyalari kubning yuqori yuzasida aks ettirilgan (tashkilotning erishmoqchi bo'lgan maqsadi). Gorizontalar zarur komponentlar (maqsadga erishishni ta'minlovchi harakatlar) ko'rsatilgan. Vertikal qatorlarda esa tashkilotning tuzilishi joylashgan.

2-rasm.

**ERM-COSO modeli (Xavfli boshqarish)**



\*Manba: [18;19.].

Ikkinchi rasmda maqsadlar toifalari kubning yuqori yuzida aks etgan (tashkilotning erishmoqchi bo'lgan maqsadi). Ko'rinib turibdiki, gorizontalar zarur komponentlar (maqsadga erishishga imkon beradigan harakatlar) ko'rsatilgan. Vertikal qatlamlarda tashkilot





tuzilishi joylashgan.

COSO tomonidan implementasiya tariqasida tasvirlangan kubiklarda tashkilot faoliyatida amalga joriy etishda korxonalar qay darajada tadqiqot o'tkaza olishi, tashkilotlarning ichki nazorat bilan birgalikda xavflarni boshqarishni har tomonlama o'rganish qobiliyati, shuningdek yuqorida keltirilgan kategoriyalar bilan bir qatorda, komponentlar, maqsadlar va bo'limlar kirishi ko'rsatilgan.

COSO konsepsiyasiga ko'ra, ichki nazorat va xavflarni boshqarish bir-biriga bog'liq bo'lgan holda, chiziqli jarayonlar emas, balki integrasiyalashgan jarayonlardir. U shundaki, unda har qanday komponent bir-biriga ta'sir qilish va bevosita ta'sir o'tkazish imkoniyatiga ega bo'linishi bilan ajralib turadi.

Shunday qilib, masalan, xavflarni baholash nazorat muhitiga ham, shunga o'xshash jarayonlarga ham ta'sir qilishi mumkin. Bundan tashqari, u tashkilotning kommunikatsiyalar va ma'lumotlar yoki monitoring bilan bog'liq ichki jarayonlarga bo'lgan talablarini qayta baholash zaruratini belgilab berishi mumkin.

Ichki nazorat tizimining yagona tarkibiy qismlariga, shuningdek, xavflarni boshqarish tizimlariga ham quyidagilarni kiritamiz:

- tekshirilayotgan tashkilotning nazorat muhitini;
- nazorat jarayonlari, nazorat muhitining elementlarini to'ldiruvchi;
- korxonadagi xavflarni baholash;
- monitoring tizimining jarayonlari;
- ma'lumotlar va samarali aloqa.

COSO ning asosiy konsepsiyasi rahbariyat tomonidan zaruriy harakatlar bilan shakllanadigan korporativ madaniyatdir, ya'ni:

- korporativ boshqaruvda «umumiy ohang»ni belgilash qobiliyati;
- tashkiliy struktura va ichki kommunikatsiyalarni barqarorlashtirishda xavfga yo'naltirilgan yondashuvni joriy etishdagi faoliyat;
- etika standartlari va korporativ xulq-atvor prinsiplari targ'ib qilish istagi;
- kadrlar siyosatini eng samarali ravishda olib borish.

Tashkilotning xavflarni boshqarishidagi tarkibiy qismi ichki nazorat bo'lib, xavflarni boshqarish esa tashkilotni boshqarish jarayonining kengroq qismida namoyon etiladi.

Xavflarni boshqarish jarayonini ko'rib chiqish ko'proq kelajak bilan bog'liq. Bu topilish darajasida sodir bo'ladi, birinchidan, mumkin bo'lgan xavflar aniqlanganda, tashkilotning qabul qilishga tayyor bo'lishi, ikkinchidan, turli xavflarning shakllanishi, ularni strategik maqsadlarga erishishda kamaytirish xususiyatlari va uchinchidan, paydo bo'layotgan xavflar va ularning tashkilotga ta'siri o'rtasidagi nisbatni topishda.

Ichki nazorat esa tashkilotning qanday qilib xatarlarga ta'sir o'tkazishini va ushbu faoliyat bosqichida o'z maqsadlariga erishishini ta'kidlaydi.

Taqdim etilgan COSO modellarini birgalikda amalga oshirish korxonaning keng ko'lamlil faoliyati bilan bog'liqdir.

COSO hujjatlarida kichik tashkilotlar ma'lumotlarini va ularning xavflarini boshqarish hamda ichki nazorat modeli samarali shakllantirishdagi qiyinchiliklari ko'rinadi.

Turli modellarning joriy etilishiga yondashuvlardagi farqlarni e'tiborga olish kerak, shuning uchun ulardagi xarajatlar va alternativ yondashuvlarning afzalliklarini tahlil qilish zarur.

Demak, har qanday boshqaruv tizimining ajralmas va muhim qismi ichki nazoratdir, bu esa aks aloqaning bir shakli hisoblanadi. Uning yordamida boshqaruv tizimi boshqarilayotgan tizimning real holati haqida ma'lumot olish imkoniyatiga ega.

Yuqoridagilarni umumlashtiradigan bo'lsak, ta'kidlab o'tish joizki, ichki nazorat usullarining barcha turlarida ko'rinib turibdiki, qanday qilib ular:

- ichki nazorat tizimida va uning tashkilotida muayyan baholarni shakllantirishga ko'proq yo'naltirilganligi;
- ichki nazorat tizimining yangi imkoniyatlarini rivojlantirishga o'z-o'zini takomillashtirish





uchun yordam bermasligi;

- o'tgan nazoratdan ko'ra keyingi nazorat usuli sifatida ko'proq ishlashligi.

Ichki nazoratni ta'minlash sohasiga belgilangan normativlar va xo'jalik shartlarini bajarish, boshqaruv bo'yicha amalga oshirilgan qarorlarni tekshirish kiritilgan. Ichki nazorat tizimiga aniq jarayonlar va nazorat harakatlaridan tortib ichki nazoratni tashkil etishning elementlari va prinsiplari, shuningdek uning shakllari, turlari va sohalari kiritilgan.

### **Xulosa**

Ichki moliyaviy nazorat har qanday korxonaning barqarorligi va muvaffaqiyatini ta'minlovchi muhim mexanizmdir. Samarali nazorat tizimi moliyaviy shaffoflikni oshirish, firibgarlik va moliyaviy xatolarni kamaytirish hamda mablag'lardan oqilona foydalanishga xizmat qiladi. Bugungi kunda raqamli iqtisodiyot va texnologik taraqqiyot ichki moliyaviy nazorat tizimini takomillashtirish uchun yangi imkoniyatlar yaratmoqda. Tadqiqot davomida aniqlangan asosiy muammolar shundan iboratki, ko'plab korxonalarda ichki moliyaviy nazorat tizimi to'liq joriy etilmagan yoki u faqat formal tarzda ishlaydi. Bunga malakali mutaxassislarning yetishmovchiligi, zamonaviy texnologiyalarning joriy etilmagani va ichki audit tizimining zaifligi sabab bo'lmoqda. Shuningdek, moliyaviy xavflarni boshqarish strategiyalarining yo'qligi korxonalarni kutilmagan moliyaviy yo'qotishlarga olib kelmoqda.

COSO modellariga asoslangan ichki nazorat tizimini to'g'ri o'rnatganda, korxonalarining xavflarni boshqarishidan kelib chiqadigan foydalar xarajatlarni sezilarli darajada oshiradi va korxonalariga kelajakni boshqarish qobiliyatiga bo'lgan ishonch beradi.

Korxonada turli xavf turlarini boshqarish bo'yicha integratsiyalashgan modelni / ichki nazoratni COSO modellari (Asosiy standart) asosida joriy etishdan oldin keng qamrovli tayyorgarlik o'tkazilishi kerak:

- turli xil xavflarni aniqlash va tasniflash;
- ushbu xavflarni baholashni o'tkazish;
- tashkilotning ichki tuzilmasida xavflarni tezkor boshqarish va nazorat qilish bo'yicha samarali tizim yaratish;
- har bir mumkin bo'lgan xavf turini boshqarish usullarini aniqlash va ularga cheklovlar qo'yish.

Ichki moliyaviy nazorat tizimi nafaqat hujjatlar va hisobotlar yuritish bilan cheklanmasligi, balki korxonada faoliyatining ajralmas qismiga aylanishi lozim. Faqat shundagina korxonalar moliyaviy xavfsizlikni ta'minlab, uzoq muddatli barqaror rivojlanishga erishishlari mumkin.

Shunday ekan, moliyaviy ichki nazorat tizimini takomillashtirish nafaqat biznesning bugungi kun talabiga javob berishi, balki kelajakda barqaror va muvaffaqiyatli faoliyat yuritishiga mustahkam asos bo'lib xizmat qiladi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023 yil 11 sentyabrdagi PF-158-son “O'zbekiston – 2030” strategiyasi to'g'risida”gi farmoni; O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024 yil 10 iyuldagi PF-100-son “Budjet mablag'laridan foydalanish ustidan moliyaviy nazoratni kuchaytirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”gi farmoni; O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 29-aprel kunidagi VM-279-son “Davlat moliyasi sohasida xavflarni boshqarish tizimini samarali tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida”gi qarori; O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025 yil 16 iyuldagi VM-446-son “2025 – 2027-yillarda respublika va mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlarida ichki nazorat tizimini yanada takomillashtirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida”gi qarori.

2. Kaplan, D. Corporate Financial Control and Governance. New York: Wiley, 2018.

3. Committee of Sponsoring Organizations of the Treadway Commission (COSO). Internal Control – Integrated Framework. COSO Press, 2013.

4. Jensen, M., & Meckling, W. Theory of the Firm: Managerial Behavior, Agency Costs,





and Ownership Structure//Journal of Financial Economics – 3(4), 2019. – PP. 305-360.

5. Karimov I. O‘zbekiston iqtisodiyotida ichki auditning o‘rni. O‘zbekiston iqtisodiyot jurnali, .12(2), 2022. – B. 45-63; Tursunov, X. Moliyaviy Xatarlarni Baholash va Boshqarish Usullari – Toshkent:O‘zbekiston Milliy Universiteti Nashriyoti, 2023.

6. O‘zbekiston Respublikasi Moliya Vazirligi. Korxonalarda ichki moliyaviy nazoratni takomillashtirish strategiyasi. – Toshkent, 2023.





## ХАЛҚАРО ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДА АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ИШТИРОКИ ТАҲЛИЛИ

**Раҳмонқулов Илҳомжон Ўқтамқул ўғли**

*мустақил тадқиқотчи*

*Гулистон давлат университети*

*E-mail: developer.uzb@gmail.com*

*ORCID: 0009-0006-0422-9648*

**Аннотация.** Мақолада халқаро қимматли қоғозлар бозорида акциядорлик жамиятлари иштирокининг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган. Глобал молия тизимида капитални жалб этишнинг энг муҳим воситаларидан бири сифатида қимматли қоғозлар бозори акциядорлик жамиятлари учун барқарор ривожланиш, инвестиция оқимларини кенгайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (IFRS), Корпоратив бошқарув кодекслари ҳамда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи халқаро институтларнинг (IOSCO, OECD) тавсиялари асосида акциядорлик жамиятларининг фаолият механизмлари тадқиқ этилган. Шунингдек, ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва ривожланаётган иқтисодиётларда кузатилаётган ўзига хос хусусиятлар қиёсий ўрганилиб, халқаро капитал бозорига чиқишда корхоналар дуч келадиган институционал, ҳуқуқий ва молиявий чекловлар аниқланган. Мақола натижалари акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлар бозоридаги иштирокини янада фаоллаштириш, корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш ҳамда инвесторлар ишончини мустаҳкамлаш бўйича илмий-амалий хулосалар ва тавсияларни ўз ичига олади.

**Калит сўзлар:** халқаро қимматли қоғозлар бозори, акциядорлик жамияти, инвестиция, корпоратив бошқарув, халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (IFRS), (IOSCO, OECD).

## АНАЛИЗ УЧАСТИЯ АКЦИОНЕРНЫХ ОБЩЕСТВ В МЕЖДУНАРОДНОМ РЫНКЕ ЦЕННЫХ БУМАГ

**Раҳманқулов Илҳамджан Уқтамқул оғли**

*независимый исследователь*

*Гулистанский государственный*

*университет*

*E-mail: developer.uzb@gmail.com*

*ORCID: 0009-0006-0422-9648*

**Аннотация.** В статье анализируются теоретические и практические аспекты участия акционерных обществ на международном рынке ценных бумаг. Как один из важнейших инструментов привлечения капитала в глобальной финансовой системе, рынок ценных бумаг предоставляет акционерным обществам возможность устойчивого развития, расширения инвестиционных потоков и повышения конкурентоспособности. В исследовании на основе Международных стандартов финансовой отчетности (IFRS), кодексов корпоративного управления, а также рекомендаций международных институтов, регулирующих рынок ценных бумаг (IOSCO, OECD), проанализированы механизмы деятельности акционерных обществ. Изучен опыт развитых стран и специфические особенности, наблюдаемые в развивающихся экономиках, а также выявлены институциональные, правовые и финансовые ограничения, с которыми сталкиваются предприятия при выходе на международный рынок капитала. Результаты статьи включают научно-практические выводы и рекомендации по активизации участия акционерных обществ на рынке ценных бумаг, повышению эффективности корпоративного управления и укреплению доверия инвесторов.





**Ключевые слова:** международный рынок ценных бумаг, акционерное общество, инвестиции, корпоративное управление, Международные стандарты финансовой отчетности (IFRS), IOSCO, OECD.

## **ANALYSIS OF THE PARTICIPATION OF JOINT-STOCK COMPANIES IN THE INTERNATIONAL SECURITIES MARKET**

**Rakhmonqulov Ilkhomjon Uktamkul ugli**

*Independent Researcher of  
Gulistan State University  
E-mail: developer.uzb@gmail.com  
ORCID: 0009-0006-0422-9648*

**Abstract.** This article analyzes the theoretical and practical aspects of the participation of joint-stock companies in the international securities market. As one of the most important tools for attracting capital in the global financial system, the securities market provides joint-stock companies with opportunities for sustainable development, expansion of investment flows, and increasing competitiveness. In the study, based on International Financial Reporting Standards (IFRS), corporate governance codes, as well as the recommendations of international institutions regulating the securities market (IOSCO, OECD), the mechanisms of joint-stock companies' activities are deeply analyzed. In addition, the experience of developed countries and the specific features observed in developing economies are comparatively studied, and the institutional, legal, and financial constraints faced by enterprises when entering the international capital market are identified. The results of the article include scientific and practical conclusions and recommendations aimed at enhancing the participation of joint-stock companies in the securities market, improving the efficiency of corporate governance, and strengthening investor confidence.

**Keywords:** international securities market, joint-stock company, investment, corporate governance, International Financial Reporting Standards (IFRS), IOSCO, OECD.

### **Кириш**

Бугунги кунда акциядорлик жамиятлари (АЖ) халқаро қимматли қоғозлар бозорида акция ва облигациялар чиқариш ва жойлаштириш, инвестор сифатида эса бошқа эмитентларнинг қимматли қоғозларини сотиб олишда иштирок этади. Бу жараёнда улар хорижий биржаларда листинг процедурасидан ўтиши, турли мамлакатлар қонунчилигига риоя қилиши ва қимматли қоғозлар бозорининг брокер ва дилерлар каби профессионал иштирокчиларини жалб қилиши керак. Халқаро бозорда иштирок этиш катта капитални жалб қилиш, бизнес географиясини кенгайтириш ва компаниянинг тан олинишини ошириш имконини беради, лекин у қўшимча риск ва харажатлар билан ҳам боғлиқ.

Халқаро қимматли қоғозлар бозорининг назарий асослари ва акциядорлик жамиятлари иштирокининг методологик ёндашувлари, халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (ИФРС), корпоратив бошқарув тамойиллари ва халқаро тартибга солувчи институтларнинг меъёрий ҳужжатлари бозор муносабатлари талабига мос келиши долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ривожланаётган иқтисодиётларда кузатилаётган хусусиятларини, акциядорлик жамиятларининг халқаро капитал бозорига чиқишида учрайдиган институционал, ҳуқуқий ва молиявий муаммоларни аниқлаш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва инвесторлар ишончини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

### **Адабиётлар шарҳи**

Сўнги ўн йилликларда халқаро қимматли қоғозлар бозори глобал молия тизимининг ажралмас қисми сифатида шаклланиб, акциядорлик жамиятлари учун капитал жалб





этишнинг асосий манбаларидан бирига айланди. Ушбу жараён нафақат корпоратив молиялаштиришнинг самарадорлигини ошириш, балки иқтисодий диверсификация қилиш, инвестицион оқимларни қўпайтириш ва рақобатбардошликни таъминлашда ҳам ҳал қилувчи рол ўйнайди. Акциядорлик жамиятлари халқаро молия бозорларига чиқиш жараёнида қатор институционал ва ҳуқуқий талабларга дуч келади. Хусусан, халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (ИФРС)нинг жорий этилиши, корпоратив бошқарувнинг замонавий тамойилларини қўллаш, шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлаш инвесторларнинг ишончини мустаҳкамлашнинг зарурий шarti ҳисобланади.

Шу билан бирга, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи халқаро институтлар – ИОССО, ОЕСД ва бошқа ташкилотларнинг меъёрий ҳужжатлари ҳам акциядорлик жамиятлари фаолиятининг барқарорлигини белгиловчи муҳим омиллар сифатида намоён бўлмоқда.

Қимматли қоғозлар замонавий молия тизимининг асосий инструментларидан бири бўлиб, улар капитални эркин ҳаракатини таъминлайди, инвестиция оқимларини жалб қилади ва акциядорлик жамиятлари учун барқарор молиявий манба вазифасини бажаради. Шу боис қимматли қоғозлар бозорининг самарали фаолияти нафақат корхоналар молиявий барқарорлигига, балки мамлакат иқтисодийнинг глобал интеграциясига ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

Сўнгги йилларда бу борада халқаро ҳамжамиятда ҳам, Ўзбекистон илмий доираларида ҳам қатор муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда. Масалан, 2025 йилда Чэнг Хуанг ва ҳамкорлари томонидан ишлаб чиқилган ИФД бенчмарк орқали 2002-2025 йиллар оралиғидаги бир миллиондан ортиқ инсайдер филинг транзакциялари таҳлил қилиниб, 99,47 фоизлик аниқликка эга “МаБоост” модели таклиф этилди [1].

2024 йилда Аделе Равагани гуруҳи эса Италия фонд бозоридаги “takeover бид” жараёнларини таҳлил қилиб, “инсайдер традингни” аниқлашда ўлчамларни қисқартириш методлари (ПСА ва аутоенсодер) самарали натижа беришини исботлади.

Тадқиқотчи Д. Мухитдинова Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозоридаги реал кўрсаткичларни ўрганди: 2023 йилда учта ИПО амалга оширилгани, савдо ҳажми беш баравар ошгани ва бозор капиталлашуви ЯИМнинг 21 фоизига етгани қайд этилди. Бироқ ЎзАуто Моторс компанияси кутилган 90 млн доллардан атиги 5 млн доллар жалб қилгани институционал заифликларни кўрсатди. Ушбу тадқиқотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, хорижий олимлар асосан сунъий интелект ва илғор алгоритмлар ёрдамида қимматли қоғозлар бозорида шаффофлик ва назоратни кучайтиришга қаратилган бўлса, маҳаллий изланишлар бозорнинг амалий ривожланиш жараёнлари ва реал статистик натижаларини ўрганишга йўналтирилган. Демак, самарали интеграция учун регулятив механизмларни кучайтириш билан бир қаторда, инвесторлар ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи институционал ислохотлар зарур [2].

### **Тадқиқот методологияси**

Ушбу мақолада қуйидаги методологик ёндашувлар қўлланилди: таҳлилий метод ёрдамида Ўзбекистон биржа ва фонд бозори орқали фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларининг молиявий кўрсаткичлари, инвестицион рейтинглари ва йиллик ҳисоботлари таҳлил қилинди; солиштирма метод асосида Ўзбекистон АЖлари фаолияти хорижий корхоналарнинг амалий тажрибаси билан солиштирилди; эмпирик метод инвесторлар, молиявий экспертлар ва бошқарувчилардан олинган интервью ва сўровномалар асосида асосий муаммолар ва ечимлар аниқлаштиришда қўлланилди. Шунингдек, норматив-ҳуқуқий таҳлил акциядорлик кодекси, акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонун ва бошқа тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинишида қўлланилди. Акциядорлик жамиятлари инвестицион жозибadorлигини ошириш йўллари ва иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотлар, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилишда, мантиқий





фикрлаш, илмий абстракция, маълумотларни гуруҳлаш, индукция ва дедукция усулларидан кенг фойдаланилган.


**Таҳлил ва натижалар**

2024–2025 йилларда халқаро қимматли қоғозлар бозорида акциядорлик жамиятлари (АЖ) иштироки янада институционал тус олди: WFE маълумотларига кўра, 2024 йил якунида глобал акциялар бозор капиталлашуви 2023 йилга нисбатан 13,4% га ошиб, 125,71 трлн АҚШ долларига етди. IPOлар сони паст бўлган бўлса-да, улкан ҳажмли ( $\geq 1$  млрд долларлик) эмиссиялар сони икки баравар кўпайди ва ўртача ҳажм 7,6% га катталашди, бу эса йирик корпорациялар учун капитал нархини пасайтиришга хизмат қилди. Осиёда 2024 йилда рўйхатдаги компаниялар сони қарийб 29 мингга, бозор капиталлашуви эса 34,4 трлн долларга етиб, минтақанинг глобал рўйхатдаги компаниялар сонидаги улуши 55%, капиталлашувдаги улуши 27% бўлди, бу интеграциялашув ва ликвидликнинг минтақавий оғирлик марказини шарққа силжиётганини кўрсатади [3].

Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларининг халқаро бозорлар орқали ресурслар жалб этиши босқичма-босқич кенгаймоқда. 2024 йилда Ипотека банк 1,4 трлн сўмлик 3 йиллик сўмли евробондларни Вена фонд биржасида жойлаштирди. 2025 йилда “Ўзбекистон нефт-газ” АЖ (Ўзбекнефтегаз) Лондон фонд биржасида 850 млн долларлик 5 йиллик евробондлар эмиссиясини амалга ошириб, мамлакат миқёсида энг йирик якка-трансли корпоратив жойлаштиришни рўйхатдан ўтказди. “ЎзAvtoMotors” АЖнинг 2021 йилда қабул қилинган 2026 йилда муддатли евробондлари эса иккиламчи халқаро муомалада қолмоқда [4].

1-диаграмма.

**Ўзбекистондаги акциядорлик жамиятларининг халқаро облигация эмиссиялари (млн доллар)\***



\*Тошкент” республика фонд биржаси УРЛ: <https://uzse.uz/analytics?> маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Шунингдек, 2025 йил февралда Ўзбекистон суверен евробондлари 1,5 млрд долларгача бўлган ҳажмда LSEда навбатдаги эмиссияни амалга оширди. Бу 2019 йилдан бери халқаро бозорлар орқали мунтазам маблағ жалб этиш амалиётининг барқарорлашганини кўрсатади. Ички бозордаги фаоллик ҳам кескин ошди [5].

“Тошкент” РФБда 2024 йилда савдолар ҳажми 21,95 трлн сўмга ( $\approx 1,71$  млрд \$) етиб, ўтган йилга нисбатан 659% ўсиш қайд етилди. 2024 йил 2-чорақда биржа кунлик рекорд






кўрсаткичи 60,38 млрд сўмни ташкил этди, бу ликвидлик индекси ва инвестор базасининг кенгайишига мосдир.

Мазкур тенденциялар Ўзбекистон АЖларининг халқаро капитал бозорларига чиқиши бўйича илмий ишларда қайд этилаётган назарий хулосаларни (капиталнинг арзонлашуви, риск-премия ва агентлик харажатларининг пасайиши ҳисобига қиймат яратилиши) амалий далиллар билан мустаҳкамлайди.

Масалан, ўзбек олимлари томонидан ишлаб чиқилган интеграция моделлари Ўзбекистон фонд бозорини глобал бозорлар билан боғлаш учун листинг, рейтинг ва эътироф этилган юрисдикцияларда (LSE, VSE) RegS/144A форматидаги эмиссияларни тизимлаштириш зарурлигини таъкидлайди. Капитал бозорини ривожлантириш бўйича маҳаллий тадқиқотлар эса АЖлар иштирокини кучайтириш учун институционал инвесторлар улушини кенгайтириш, корпоратив бошқарув ва ахборот ошқоралигини кучайтириш, давлат иштирокидаги АЖлар трансформацияси ҳамда халқаро аудит/рейтинг талабларига мослашувни марказий шарт сифатида кўрсатади.

2-диаграмма.

**“Тошкент” республика фонд биржаси  
савдо ҳажми (трлн сўм)\***



\*“Тошкент” республика фонд биржаси УРЛ: <https://uzse.uz/analytics?> маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

Кўришимиз мумкинки, 2024 йилда савдолар 2023 йилга нисбатан кескин ўсиб, 21,95 трлн сўмга етган. Бир йил ичида ҳажмнинг қарийб 7,5 баробарга ошиши капитал бозорида амалга оширилаётган ислохотлар, маҳаллий ва хорижий инвесторлар фаоллигининг ортиши ҳамда қимматли қоғозлар бозорига бўлган қизиқишнинг кучайиши билан изоҳланади. Бу ҳолат фонд бозорини кредит бозорига рақобатчи сифатида шакллантириб, иқтисодиётда инвестицияларни жалб қилиш имкониятларини кенгайтираётганини кўрсатади [6].

Шу билан бирга, UNSTAD 2024–2025 ҳисоботлари глобал инвестициялардаги (хусусан, ривожланаётган давлатларда) пасайиш тенденциясини қайд этар экан, АЖлар учун суверен ва квази-суверенга боғлиқ “бенчмарк” эмиссияларининг мавжудлиги ҳамда миллий биржанинг ҳажм/ликвидлик кўрсаткичлари халқаро жойлаштириш нархларида муҳим детерминант бўлиб қолаётганини кўрсатади. Бу Ўзбекистон эмитентлари учун ҳам





мос риск-премия ва “price discovery”ни белгилайди.

2024–2025 йилларда Ўзбекистон АЖларининг халқаро қимматли қоғозлар бозоридаги иштироки реал статистик кўрсаткичлар (йирик корпоратив евробонд эмиссиялари, суверен бенчмарклар, ички биржа айланмасининг кескин ўсиши) билан тасдиқланиб, ўзбек олимларининг капитал бозорини глобаллашувга мос модернизация қилиш ҳақидаги илмий тавсиялари билан уйғунлашмоқда.


Халқаро Валюта Фонди (IMF) ва Жаҳон банкининг 2023–2024 йиллардаги маълумотларига кўра, ривожланаётган мамлакатларнинг капитал бозорларида муомалада бўлган қимматли қоғозларнинг қарийб 58–60 фоизи айнан акциядорлик жамиятлари томонидан эмиссия қилинган бўлиб, бу кўрсаткич ушбу тузилмаларнинг молиявий ресурсларни сафарбар этишдаги устувор мавқеини яққол кўрсатади. Шунингдек, OESD тадқиқотларига биноан, акциядорлик жамиятлари томонидан халқаро бозорга чиқарилаётган акциялар ҳажми сўнгги уч йил давомида йилига ўртача 12 фоизга ошгани кузатилган, бу эса корпоратив бошқарувнинг шаффофлашуви ва инвесторлар ишончининг ортиши билан бевосита боғлиқ [7].

Ўзбекистон мисолида ҳам бу жараёнлар ўзининг амалий натижаларини бермоқда, хусусан, 2020–2025-йилларга мўлжалланган капитал бозорини ривожлантириш миллий стратегияси асосида акциядорлик жамиятлари фаолиятининг халқаро интеграцияси босқичма-босқич кенгайтирилмоқда ва Тошкент республика фонд биржаси статистик маълумотларига қараганда, 2023 йилда акциядорлик жамиятлари томонидан чиқарилган акциялар ва облигациялар ҳажми 18 фоизга ўсиб, умумий эмиссия бозорида уларнинг улуши 65 фоизга етган, бу эса нафақат халқаро инвесторлар оқимини кўпайтиришга, балки мамлакат ички иқтисодийнинг инвестицион жозибadorлигини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

Натижада халқаро қимматли қоғозлар бозорида акциядорлик жамиятлари фаолияти глобал молиявий интеграцияни чуқурлаштириш, капиталнинг самарали тақсимланишини таъминлаш ва иқтисодий ўсишни жадаллаштиришнинг муҳим омилларидан бири сифатида қаралмоқда (3-диаграмма).

3-диаграмма.

**Халқаро қимматли қоғозлар бозорида акциядорлик жамиятлари фаолиятининг динамикаси (2023-2025)\***



\*Маълумотлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Халқаро қимматли қоғозлар бозорида акциядорлик жамиятларининг роли ва





уларнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар (2023–2025-йиллар). Жадвалда сўнги йиллардаги инвестиция ҳажми, акциялар муомаласи ва молиявий натижалар динамикасини умумлаштирган бўлиб, тадқиқот мавзуси бўйича асосий хулосаларни тез ва аниқ англаш имконини беради.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, акциядорлик жамиятлари фаолияти ва уларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги иштироқи сўнгги йилларда изчил ўсиш тенденциясига эга. Жумладан, 2020 йилда акциядорлар умумий сони 14,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб бу кўрсаткич 18 фоизга етди ва йилига ўртача 0,8-1 фоизлик барқарор ўсиш кузатилди. Хорижий инвестициялар ҳажми ҳам ижобий динамикани намоён этиб, 2020 йилдаги 12,3 фоизлик улушдан 2024 йилда 17,5 фоизгача ўсди, бу эса 4 йил давомида қарийб 42 фоизлик нисбий ўсишни билдиради. Акциядорлик жамиятларининг соф фойдаси ҳажми эса 2020 йилда 2,1 трлн сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йил якунида 3,4 трлн сўмга етди ва ўртача йиллик ўсиш суръати 11-13 фоизни ташкил этди.

Қимматли қоғозлар бозоридаги савдо ҳажмлари ҳам сезиларли даражада кенгайди. Мисол учун 2020 йилда акциялар бўйича умумий савдо ҳажми 1,8 трлн сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 3,2 трлн сўмга етди ва 4 йил ичида қарийб 78 фоизлик ўсиш қайд этилди. Бу жараён аҳолининг молиявий бозор фаолиятига бўлган иштиёқи ортиб бораётганини ва миллий иқтисодиётнинг капитал бозорига интеграцияси кучаяётганини кўрсатади.

Умуман олганда, тадқиқот натижалари акциядорлик жамиятларининг иқтисодиётда тутган ўрни тобора ортиб бораётганини, халқаро капитал бозорларига чиқиш имкониятлари кенгайганини ва хорижий инвесторларга бўлган жозибадорлик даражаси йилдан-йилга ошиб бораётганини исботлади [8,9].

### **Хулоса**

Ўтказилган изланишлар натижаларига кўра, иқтисодий ўсиш жараёнида акциядорлик жамиятлари ва уларнинг халқаро капитал бозоридаги фаолияти тобора муҳим аҳамият касб этаётгани кузатилди. 2020-2025-йиллар оралиғида акциядорлик жамиятлари томонидан жалб қилинган инвестициялар ҳажми босқичма-босқич ўсиб, 2020 йилда 11,4 млрд АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2022 йилда 14,7 млрд доллар (+28,9%) ва 2024 йилда 17,8 млрд долларгача (+21%) кўтарилди. Прогнозларга кўра, 2025 йил якунида бу кўрсаткич 20,1 млрд доллардан ошиши кутилмоқда.

Шунингдек, халқаро молия бозорларида акциялар савдоси ҳажми 2020 йилдан 2025 йилгача қарийб 32% га кенгайди, бу эса акциядорлик жамиятларининг молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятини кенгайтираётганини кўрсатади.

Бироқ тадқиқотлар жараёнида қатор муаммолар ҳам аниқланди. Биринчидан, акциядорлик жамиятларининг катта қисми халқаро молиявий ҳисобот стандартларига (IFRS) тўлиқ мослашмаганлиги сабабли хорижий инвесторлар учун етарли даражада ошқора ахборот тақдим этилмапти.

Иккинчидан, капитал бозорида давлат томонидан тартибга солиш механизмларининг турлича қўлланилиши инвесторлар ишончини сусайтирувчи омил бўлиб қолмоқда.

Учинчидан, корхоналарда корпоратив бошқарув маданиятининг сустиги ва мустақил кузатув кенгашиларининг етарли даражада фаолият юритмаслиги ҳам акциядорлар манфаатларининг тўлиқ ҳимоя қилинишини чекламоқда.

Таклиф сифатида халқаро қимматли қоғозлар бозорида акциядорлик жамиятлари фаолиятини янада самарали ташкил этиш учун, биринчидан, 2025-2030 йилларда корпоратив бошқарувнинг OESD ва IOSSO тавсиялари асосидаги илғор халқаро стандартларини тўлиқ жорий этиш зарур бўлиб, бу орқали 2024 йилда қайд этилган 18 фоизлик акциядорлар иштироқи кўрсаткичини 2030 йилга келиб камида 28-30 фоизга етказиш мумкин.





Иккинчидан, инвесторларга мўлжалланган очиклик ва шаффофлик даражасини ошириш орқали 2024 йилда 17,5 фоизни ташкил этган хорижий инвестиция оқимини 2030 йилга келиб 25 фоиздан ортиқ даражага олиб чиқиш имконияти мавжуд.

Учинчидан, халқаро рейтинг агентликлари ва молиявий институтлар билан ҳамкорликни кучайтириш натижасида акциядорлик жамиятларининг кредит рейтингини яхшилаш, шу орқали капитал жалб қилиш харажатларини 10-12 фоизга қисқартириш мумкин.

Тўртинчидан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш орқали қимматли қоғозлар савдоси тезлигини ошириш, хавфсизликни таъминлаш ва электрон савдо тизимлари орқали 2024 йилга нисбатан 2030 йилга келиб савдо ҳажминини икки баравар кўпайтириш мумкин.

Бешинчидан, миллий ва халқаро капитал бозорларининг интеграциясини жадаллаштириш орқали минтақавий ва глобал молия марказлари билан ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда акциядорлик жамиятлари учун рақобатбардош муҳит яратиш талаб этилади.

Олтинчидан, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш ва аҳолининг жамғармаларини капитал бозорларига йўналтириш орқали ички инвестиция манбаларини кучайтириш ҳамда акциядорлик жамиятлари орқали иқтисодийнинг барқарор ўсишини таъминлаш мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. “Тошкент” республика фонд биржаси УРЛ: <https://uzse.uz/analytics?> маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

2. Мухитдинова Д. Ўзбекистон ва хорижий давлатларда акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлар орқали капитал йиғиш стратегиялари//Яшил иқтисодиёт ва тараққиёт журнали. – 2025. – 3(6), DOI: 10.5281/zenodo.15710988 [yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz](http://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz)

3. Мухторов С. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори ва капитал жалб қилиш истиқболлари//Новий Ренаиссанс. – 2024. – 1(8). – УРЛ: [ojs.renaissance.com.uz/article/view/927](http://ojs.renaissance.com.uz/article/view/927) [ojs.renaissance.com.uz](http://ojs.renaissance.com.uz)

4. Элмирзаев С. Корпоратив бошқарув: дарслик. – Тошкент: Иқтисод-молия, 2021.

5. Элмирзаев С., Омонов С. Ривожланган мамлакатларда дивиденд сиёсати таҳлили ва дивиденд аристократлари//Халқаро молия ва ҳисоб илмий электрон журнали. – 2020. – 2-сон.

6. Субҳонова С. Қимматли қоғозлар бозорида техник таҳлил амалиётини ривожлантириш истиқболлари// Неш Ренаиссанс. – 2024. – 1(9), УРЛ: [ojs.renaissance.com.uz/article/view/1185](http://ojs.renaissance.com.uz/article/view/1185) [ojs.renaissance.com.uz](http://ojs.renaissance.com.uz)

7. Хожиев Ж. Республикамизда қимматли қоғозлар бозорини рақамлаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари// Яшил Иқтисодиёт ва Тараққиёт. – 2023. – 1(10). – DOI: 10.55439/ГЕД/вол1\_исс10/а378 [yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz](http://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz)

8. Рахмонов Д. Қимматли қоғозлар бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг хориж тажрибасидан фойдаланиш//Ссиенсе анд Сосиетй. – 2024. – 2(8). – УРЛ: [journals.uznauka.uz/article/view/630](http://journals.uznauka.uz/article/view/630) [journals.uznauka.uz](http://journals.uznauka.uz)

9. Сайдахмедова М. Ўзбекистон молия бозорининг ривожланиш ҳолати: муаммолар ва истиқболлар. Лучшие интеллектуальне исследования. – 2025. – 47(1), УРЛ: [scientific-jl.com/article/view/21544](http://scientific-jl.com/article/view/21544) [scientific-jl.com](http://scientific-jl.com)





## AKSIYADORLIK JAMIYATLARI UCHUN DIVIDEND SIYOSATINING AHAMIYATI



**Alikulov Azamat Tuygunovich**

*“Iqtisodiyot” kafedrasini mudiri, PhD, dotsent  
Axborot texnologiyalari va menejment universiteti*

*E-mail: [azamat1441@mail.ru](mailto:azamat1441@mail.ru)*

*ORCID-ID: 0000-0001-7717-3274*

**Annotatsiya.** Ushbu ilmiy maqolada dividend siyosatining korxonalar kapital tuzilmasi, moliyaviy samaradorligi va aksiyalar bozor qiymatiga ta'siri kompleks tahlil qilinadi. Tadqiqot Kamerun, Iordaniya va Indoneziya bozorlarida o'tkazilgan empirik tadqiqotlar hamda xalqaro kompaniyalar asosidagi qiyosiy tahlillarga tayangan holda olib borildi. Maqolada dividend siyosatining nazariy asoslari, dividendlar va qarz moliyalashtirish o'rtasidagi o'zaro bog'liqlik, dividendlarning moliyaviy ko'rsatkichlar va bozor bahosiga ta'siri, shuningdek, kompaniya hajmining moderatsion roli yoritiladi. Tadqiqot natijalari dividend siyosati universal yondashuvga ega emasligini, balki kompaniya hajmi, bozor rivojlanish darajasi va moliyaviy strategiyaga bog'liq holda shakllanishini ko'rsatadi.

**Kalit so'zlar:** dividend siyosati, kapital tuzilmasi, moliyaviy samaradorlik, aksiyalar narxi, kompaniya hajmi, rivojlanayotgan bozorlar, risk, kapital tuzilmasi, likvidlik, daromad, soliq siyosati, foiz stavkalari.

## РОЛЬ ДИВИДЕНДНОЙ ПОЛИТИКИ ДЛЯ АКЦИОНЕРНЫХ ОБЩЕСТВ

**Аликулов Азамат Туйгунович**

*доктор философии (PhD)*

*по экономическим наукам*

*заведующий кафедры Экономики*

*Университет информационных технологий и  
менеджмента*

*E-mail: [azamat1441@mail.ru](mailto:azamat1441@mail.ru)*

*ORCID-ID: 0000-0001-7717-3274*

**Аннотация.** В данной научной статье проводится комплексный анализ влияния дивидендной политики на структуру капитала предприятий, их финансовую эффективность и рыночную стоимость акций. Исследование основано на эмпирических данных, полученных на рынках Камеруна, Иордании и Индонезии, а также на сравнительном анализе международных компаний. В статье раскрываются теоретические основы дивидендной политики, взаимосвязь между дивидендами и долговым финансированием, влияние дивидендов на финансовые показатели и рыночную оценку, а также модерационная роль размера компании. Результаты исследования показывают, что дивидендная политика не носит универсального характера, а формируется в зависимости от размера компании, уровня развития рынка и финансовой стратегии.

**Ключевые слова:** дивидендная политика, структура капитала, финансовая эффективность, цена акций, размер компании, развивающиеся рынки, риск, структура капитала, ликвидность, доход, налоговая политика, процентные ставки.

## THE ROLE OF DIVIDEND POLICY FOR JOINT-STOCK COMPANIES

**Alikulov Azamat Tuygunovich**

*Doctor of Philosophy (PhD) in Economic Sciences*

*Associate Professor, head of*

*Department of Economics*





University of Information  
Technologies and Management  
E-mail: [azamat1441@mail.ru](mailto:azamat1441@mail.ru)  
ORCID-ID: 0000-0001-7717-3274

**Abstract.** This scientific article provides a comprehensive analysis of the impact of dividend policy on corporate capital structure, financial performance, and stock market value. The study is based on empirical research conducted in the markets of Cameroon, Jordan, and Indonesia, as well as comparative analyses of international companies. The article discusses the theoretical foundations of dividend policy, the relationship between dividends and debt financing, the effect of dividends on financial indicators and market valuation, and the moderating role of firm size. The research findings indicate that dividend policy does not follow a universal approach but is shaped by firm size, the level of market development, and financial strategy.

**Keywords:** dividend policy, capital structure, financial performance, stock price, firm size, emerging markets, risk, capital structure, liquidity, income, tax policy, interest rates.

### Kirish.

Dividend siyosati kompaniyaning strategik moliyaviy qarorlaridan biri bo‘lib, u investorlar bilan munosabatlar, kapital tuzilmasi va uzoq muddatli rivojlanish istiqbollari bevosita ta‘sir ko‘rsatadi. Dividend to‘lash yoki foydani reinvestitsiya qilish haqidagi qarorlar nafaqat joriy daromad taqsimotini, balki kompaniyaning kelajakdagi o‘shir sur‘atlarini ham belgilaydi. Shu sababli dividend siyosati moliyaviy menejmentda eng ko‘p bahs-munozaralarga sabab bo‘ladigan masalalardan biri hisoblanadi.

Klassik moliyaviy nazariyalarda dividend siyosatining kompaniya qiymatiga ta‘siri bo‘yicha qarama-qarshi yondashuvlar mavjud. Modilyani va Miller dividendlarning kompaniya qiymatiga ta‘sir qilmasligini ta‘kidlasalar [5], Gordon va Lintner dividendlarni investorlar uchun muhim signal sifatida baholaydilar [6], [7]. Zamonaviy tadqiqotlar esa dividend siyosatining ta‘siri bozor sharoitlari, kompaniya hajmi va moliyaviy leverage darajasiga bog‘liq ekanini ko‘rsatmoqda [1], [4].

### Adabiyotlar sharhi.

Modilyani–Miller nazariyasiga ko‘ra, mukammal bozorlarda dividend siyosati kompaniya qiymatiga ta‘sir ko‘rsatmaydi, chunki investorlar dividend va kapital o‘shir o‘rtasida befarq bo‘ladilar [5]. Ushbu yondashuv soliq, tranzaksiya xarajatlari va axborot asimmetriyasi mavjud bo‘lmagan sharoitlarga asoslanadi.

Gordon dividendlarni kelajakdagi noma‘lum kapital daromadlariga nisbatan ishonchliroq daromad manbai sifatida baholaydi [6]. Ushbu nazariyaga ko‘ra, yuqori dividend to‘lovlari investorlar uchun xavfni kamaytiradi va kompaniya qiymatini oshiradi.

Dividendlar menejerlar va aksiyadorlar o‘rtasidagi manfaatlar to‘qnashuvini kamaytiruvchi vosita sifatida qaraladi. Yuqori dividendlar ortiqcha pul oqimlarining samarasiz ishlatilishini cheklaydi va kompaniya moliyaviy holati haqida ijobiy signal beradi [8].

Kamerun kompaniyalari bo‘yicha o‘tkazilgan empirik tadqiqot dividend siyosati va kapital tuzilmasi o‘rtasida ikki tomonlama bog‘liqlik mavjudligini aniqladi. Dividendlar oshgan sari qarz ulushi kamayadi, biroq qarzdand foydalanish dividend to‘lovlari rag‘batlantirishi mumkin [1]. Ushbu natijalar agentlik nazariyasini tasdiqlaydi.

Iordaniya bozorida olib borilgan tadqiqotlar dividendlarning ROA ko‘rsatkichiga salbiy, taqsimlanmagan foydaning esa ijobiy ta‘sirini aniqladi [2]. Bu holat reinvestitsiya siyosati uzoq muddatli qiymat yaratishda muhim ekanini ko‘rsatadi.

Xalqaro kompaniyalar asosida olib borilgan qiyosiy tadqiqotlar dividend siyosati bozor turiga bog‘liq ekanini ko‘rsatadi. Rivojlangan bozorlarda reinvestitsiya ustuvor bo‘lsa, rivojlanayotgan bozorlarda dividendlar ishonch signali sifatida qaraladi [3].





Indoneziya bozorida olib borilgan so‘nggi tadqiqot kompaniya hajmi dividend siyosati va aksiyalar narxi o‘rtasidagi bog‘liqlikni kuchaytirishini ko‘rsatdi. Yirik kompaniyalarda dividend va ROE bozor tomonidan kuchliroq signal sifatida qabul qilinadi [4].

**Tadqiqot metodologiyasi.**

Mazkur maqola ikkilamchi ma’lumotlarga asoslangan tahliliy va qiyosiy yondashuvdan foydalanadi. Turli mamlakatlarda olib borilgan empirik tadqiqotlar natijalari solishtirilib, dividend siyosatining umumiy tendensiyalari va farqlari aniqlanadi.

**Tahlil va natijalar.**

Dividend siyosati kompaniya moliyaviy boshqaruvining muhim tarkibiy qismi bo‘lib, bozor iqtisodiyoti sharoitida uning ilmiy va amaliy dolzarbligi yuqori hisoblanadi. Puxta ishlab chiqilgan dividend siyosati foydani taqsimlash va uni qayta investitsiyalash o‘rtasidagi optimal nisbatni belgilash orqali kompaniyaning moliyaviy barqarorligini ta’minlash, aksiyadorlar manfaatlarini himoya qilish hamda korxonaning bozor qiymatini maksimal darajada oshirishga xizmat qiladi. Shu bilan birga, dividend siyosatining mavjudligi kompaniyalar uchun zarur bo‘lib, u investorlarga aniq signal berish, kapital jalb etish imkoniyatlarini kengaytirish, moliyaviy risklarni boshqarish hamda uzoq muddatli strategik rivojlanish samaradorligini oshirishda muhim vosita sifatida namoyon bo‘ladi.

**1-jadval.**

**Dividend siyosatining SWOT tahlili**


| Kuchli jihatlar (Strengths)                   | Zaif jihatlar (Weaknesses)                        |
|---|---|
| Investorlar uchun ishonch signali             | Reinvestitsiya imkoniyatlarining cheklanishi      |
| Kompaniya reputatsiyasining oshishi           | Likvidlikka bosim kuchayishi                      |
| Agentlik muammolarining kamayishi             | Qarz hisobidan dividend to‘lash xavfi             |
| Yirik kompaniyalarda barqarorlik belgisi      | Kichik firmalar uchun barqaror dividend qiyinligi |
| Imkoniyatlar (Opportunities)                  | Xavf-xatarlar (Threats)                           |
| Investor bazasini kengaytirish                | Makroiqtisodiy beqarorlik                         |
| Kapital jalb qilish xarajatlarini kamaytirish | Foiz stavkalarining oshishi                       |
| Aksiyalar likvidligini oshirish               | Soliq siyosatidagi o‘zgarishlar                   |
| Bozorda ijobiy signal yaratish                | Yuqori moliyaviy leverage                         |

Mazkur SWOT tahlil natijalari dividend siyosatining kompaniya moliyaviy strategiyasida muhim, biroq murakkab vosita ekanini ko‘rsatadi. Jadvalda keltirilgan kuchli jihatlar, xususan investorlar uchun ishonch signali, kompaniya reputatsiyasining oshishi hamda agentlik muammolarining kamayishi dividend siyosatining bozor qiymatini va aksiyadorlar ishonchini mustahkamlashdagi ahamiyatini tasdiqlaydi. Shu bilan birga, zaif jihatlar — reinvestitsiya imkoniyatlarining cheklanishi va likvidlikka bosimning kuchayishi — ayniqsa kichik va o‘shish bosqichidagi korxonalar uchun dividend to‘lash qarorini ehtiyotkorlik bilan qabul qilish zarurligini ko‘rsatadi. Imkoniyatlar bo‘limida investor bazasini kengaytirish, kapital jalb qilish xarajatlarini kamaytirish va aksiyalar likvidligini oshirish orqali dividend siyosati kompaniyaning bozor pozitsiyasini mustahkamlashi mumkinligi qayd etilgan bo‘lsa, xavf-xatarlar sifatida makroiqtisodiy beqarorlik, foiz stavkalarining oshishi va soliq siyosatidagi o‘zgarishlar dividend siyosatining barqarorligiga salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin. Umuman





olganda, SWOT tahlil dividend siyosati kompaniya moliyaviy barqarorligi, investitsion jozibadorligi va strategik rivojlanishi o‘rtasidagi muvozanatni ta’minlashni talab etishini ilmiy jihatdan asoslab beradi.



**1-rasm. Dividend siyosatiga ta’sir etuvchi omillar.**

Yuqoridagi rasm ma’lumotlarini tahlil qilar ekanmiz har bir omilning ta’sir darajasi, sohasi hamda jarayonlarini alohida ko‘rib chiqish zarurati yuzaga keladi. Foyda miqdori va barqarorligi qanchalik yuqori bo‘lsa dividend to‘lash imkoniyati shuncha katta bo‘ladi. Notekis foyda dividend siyosatini ehtiyotkor olib borishga majbur qiladi. Pul oqimlari-hisobdagi real pul mablag‘lari (likvidlik) mavjud bo‘lmasa, hatto foyda bo‘lsa ham dividend to‘lash qiyin. Likvidlik past bo‘lsa, dividendlar kamaytiriladi yoki kechiktiriladi. Investitsiya ehtiyojlari qanchaligi esa yangi loyihalar, modernizatsiya va kengayish uchun zaruriy mablag‘ miqdoridan kelib chiqqan holda foydani dividend o‘rniga reinvestitsiya qilishni talab etish ehtimolini yuzaga keltiradi.

Kapital tuzilmasi dividend siyosatini shakllantirishda muhim rol o‘ynaydi. Yuqori leverage darajasi dividend to‘lovlarini cheklashi mumkin, biroq ayrim hollarda qarz dividendlarni moliyalashtirish vositasi sifatida ishlatiladi [2]. Bundan tashqari kredit shartnomalarida dividend bo‘yicha cheklavlar bo‘lishi mumkin. Kompaniya rivojlanish bosqichida bo‘lganda odatda kam dividend to‘laydi. Barqaror va yetuk kompaniyalar yuqori dividend siyosatini yuritadi. [1], [4]. Rahbariyatning dividendga bo‘lgan munosabati (barqaror dividend, o‘zgaruvchan dividend yoki umuman to‘lamaslik) bo‘yicha qarashlari kompaniya dividend siyosatiga ta’sir ko‘rsatadi.

Tashqi omillardan mamalakatdagi soliq siyosati dividendlarga soliq stavkasi yuqoriligi hisobidan kompaniyalar dividend to‘lashdan ko‘ra foydani qayta investitsiya qilishni afzal ko‘rishi olib kelishi mumkin. Shuningdek Qonunchilik va normativ hujjatlar dividend to‘lash tartibini belgilaydi (masalan, minimal ustav kapitali talablari).

Yuqori inflyatsiya sharoitida foydaning real qiymati pasayadi, dividend siyosati ehtiyotkor bo‘ladi. Shuningdek, xorijiy kompaniyalar (yoki eksportyor/importyor) uchun valyuta kurslarining o‘zgarishi Kapital bozorlarida mablag‘ jalb qilish oson bo‘lsa, dividendlar yuqori bo‘lishi mumkin. Bozor inqiroz holatida dividendlar qisqartirilishi kuchayadi. Daromadga yo‘naltirilgan aksiyadorlar yuqori dividend talab qiladi. Strategik investorlar uzoq muddatli o‘rishni afzal ko‘radi.

Bundan tashqari zahira to‘plash zaruratidan kelib chiqqan holda kompaniyalar faoliyatining (yoki tarmoqning) risklilik darajasi hamda kompaniya imijining yuqori yoki pastligi ham kompaniyalarda dividend siyosatiga ta’sir etishi mumkin.

**Xulosa.** Tadqiqot natijalari dividend siyosatining kompaniya qiymatiga ta’siri murakkab va ko‘p omilli ekanini tasdiqlaydi. Dividendlar moliyaviy ko‘rsatkichlar, investorlar ishonchi va





bozor signallari orqali kompaniya qiymatiga ta'sir ko'rsatadi. Shuning uchun dividend siyosati kompaniya hajmi, bozor rivojlanish darajasi va moliyaviy strategiyaga mos holda ishlab chiqilishi zarur.

#### **Adabiyotlar ro'yxati**

1. Eloundou, E. F., & Chi, P. C. (2024). The effects of dividend policy on capital structure of companies in Cameroon. *IJAFAME*, 5(4), 106–123.
2. Al-Oshaibat, S. D. (2025). Impact of dividend policy on the financial performance of economic institutions listed on the Amman Financial Market. *Risk Governance & Control*, 15(3), 84–93.
3. Singh, A. R., Suganthiya, M. S., & Sharma, B. (2024). Evaluating the impact of dividend policy on shareholder value: A comparative analysis. *SSRN*.
4. Mulyawan, A., Mubarak, F., & Damayanti, P. (2026). Profitability and dividend policy analysis with firm size as a moderating variable. *Jurnal Locus*, 5(1), 498–510.
5. Modigliani, F., & Miller, M. (1961). Dividend policy, growth, and the valuation of shares. *Journal of Business*, 34(4), 411–433.
6. Gordon, M. J. (1963). Optimal investment and financing policy. *Journal of Finance*, 18(2), 264–272.
7. Lintner, J. (1956). Distribution of incomes of corporations among dividends, retained earnings, and taxes. *American Economic Review*, 46(2), 97–113.
8. Jensen, M. C. (1986). Agency costs of free cash flow. *American Economic Review*, 76(2), 323–329.
9. Fama, E. F., & French, K. R. (2001). Disappearing dividends. *Journal of Financial Economics*, 60(1), 3–43.
10. Brigham, E. F., & Ehrhardt, M. C. (2019). *Financial Management: Theory and Practice*. Cengage Learning.





## ДАРОМАД ВА ҲАРАЖАТ ҲИСОБЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Хасанова Нодира Марифжонова**



*мустақил изланувчи  
Тошкент Кимё*

*халқаро университети*

*E-mail: nodira12qw@gmail.com*

*ORCID: 0009-0006-4249-9673*

**Аннотация.** Мақолада корхоналарда бошқа даромадлар, молиявий фаолиятдан олинган даромадлар, бошқа операциялардан олинган даромад, фаолият тўхталиган вақтдаги фойда каби маълумотлар учун тегишли счётларни киритиш масалалари тадқиқ этилган. Шунингдек, “Ўзбекэнерго” АЖ томонидан маънавий жиҳатдан эскирган натижада сотилган активлар бўйича олинган фойданинг бухгалтерия ўтказмалари жаҳатлари таҳлил этилган. Олиб борилган тадқиқотлар асосида операция фаолият бўйича харажатлар, бошқа операция зарарлар ва тўхтатилган фаолият билан боғлиқ зарарлар каби счётларни очиш масалалари тадқиқ этилиб, амалий таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** фойда, зарар, молиявий натижа, даромад, харажат, молиявий ҳисобот, халқаро стандартлар, операция даромад ва харажатлар.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА ДОХОДОВ И РАСХОДОВ

**Хасанова Нодира Марифджановна**

*самостоятельный соискатель  
Ташкентский международный  
университет Кимё*

*E-mail: nodira12qw@gmail.com*

*ORCID: 0009-0006-4249-9673*

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы учета доходов на предприятиях, доходов от финансовой деятельности, доходов от прочих операций и прибыли от прекращенной деятельности. Проанализированы особенности отражения в бухгалтерском учете АО «Узбекэнерго» прибыли, полученной от реализации активов в результате их морального старения. На основе проведенного исследования рассмотрены вопросы открытия счетов учета операционных расходов, прочих операционных убытков и убытков от прекращенной деятельности, а также даны практические рекомендации и предложения.

**Ключевые слова:** прибыль, убыток, финансовый результат, доход, расход, финансовая отчетность, международные стандарты, операционные доходы и расходы.

## IMPROVING INCOME AND EXPENSE ACCOUNTING

**Khasanova Nodira Marifjonovna**

*Researcher*

*Kimyo International*

*University in Tashkent*

*E-mail: nodira12qw@gmail.com*

*ORCID: 0009-0006-4249-9673*

**Abstract.** The article examines the issues of accounting for income at enterprises, income from financial activities, income from other operations and profit from discontinued operations. The features of reflecting in the accounting of JSC "Uzbekenergo" profit received from the sale





of assets as a result of their obsolescence are analyzed. Based on the conducted research, the issues of opening accounts for recording operating expenses, other operating losses and losses from discontinued operations are considered, and practical recommendations and proposals are given.

**Keywords:** profit, loss, financial result, income, expense, financial statements, international standards, operating income and expenses.

### **Кириш**

Глобаллашув жараёнида корхоналарда молиявий натижалар ҳисоби тўғри ва тизимли йўлга қўйишнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Натижада молиявий натижаларни аниқ ҳисобга олиш корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, инвестициявий жозибаторлигини ошириш ҳамда даромадлар ва харажатлар бўйича ўз вақтида ва аниқ ҳисоботлар тақдим этиш орқали халқаро молия бозорларида ишончли кучайтириш имконини беради. Шу билан бирга, фойда ва зарарлар ҳисобининг шаффофлиги ва халқаро стандартларга мослиги корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш, рискларни бошқариш ва стратегик қарорлар қабул қилишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Дунёда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида шакллантирилаётган фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш ва эълон қилишнинг аҳамияти йилдан-йилга ошиб бормоқда. Инвесторлар ва кредиторларнинг талаблари асосида молиявий натижалар ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш зарурати юзага келмоқда.

Бугунги иқтисодий рақамлаштириш шароитида ҳар қандай корхонанинг бош мақсади фойда олишга қаратилади. Бу эса, асосан, молиявий ҳолатини белгилаб берувчи молиявий натижасига боғлиқ бўлади. Корхона хўжалик фаолиятининг якуний кўрсаткичи молиявий натижалар билан белгиланади. Демак, ишлаб чиқарувчи корхона бўладими ёки хизматлар (ишлар)ни бажарувчи корхона бўлишидан қатъий назар у юқори фойда олишга ҳаракат қилади.

### **Адабиётлар шарҳи**

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида молиявий ҳисоботларнинг ўзига алоҳида ёндашилади: “Умумий мақсаддаги молиявий ҳисобот (“молиявий ҳисобот” деб аталади) – бу ташкилотдан ўзларининг муайян ахборот эҳтиёжларига жавоб берадиган ҳисобот тайёрлашини талаб этиш имкониятига эга бўлмаган фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган молиявий ҳисоботдир” [9].

Молиявий натижаларни ҳисобга олиш, корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, инвестициявий жозибаторлигини ошириш ҳамда даромад ва харажатлар бўйича ўз вақтида ва аниқ ҳисоботлар тақдим этиш масалалари мамлакат олимлари И. Очилов, А. Пардаев, Ж. Қурбанбаев, С. Жуманазаров, Р. Пардаева, С. Ташназаров, Н. Ризаев, М. Калоновлар томонидан тадқиқ этилган.

Фойда ёки зарар – бу бошқа умумлашган даромаднинг таркибий қисмларини ҳисобга олмаганда, харажатлар чегирилган даромаднинг умумий суммасидир.

Жами умумлашган даромад – бу давр мобайнидаги операциялар ва бошқа фаолият натижасида хусусий капиталда юзага келадиган ижобий ўзгаришдир. Бундан мулкдорлар билан уларнинг мулкдор сифатида амал қилишидаги операциялардан юзага келадиган ўзгаришлар мустасно.

А. Каримовнинг ёндашувига асосан: “Ялпи даромад – бу корхонанинг асосий фаолиятдан оладиган даромади бўлиб, ушбу ялпи даромад атамаси айланма ва даромад атамаларининг синоними ҳисобланади. Ялпи даромад фақат маҳсулот сотиш эмас, балки корхона учун бошқа корхоналар томонидан тўланган фоизлар, дивидендлар ёки роялти кўринишида ялпи даромад олишлари мумкин” [4].





Молиявий натижа ўзи нима деган савол туғилиши табиий. Бизнинг фикримизча, молиявий натижа – бу корхонанинг маълум бир давридаги фаолиятдан олинган фойда (зарар)дир. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, фойда олиш ҳар қандай корхонанинг асосий мақсади ва мавжудлигининг маъноси ҳисобланади. Молиявий натижа корхонанинг маълум бир вақтдаги ҳолатини ифодалаб, мулкдорлар, молиявий ҳисоботдан потенциал фойдаланувчилар ҳамда инвесторларга бизнес самарадорлигини баҳолаш ва ундан ўз даромадларини ҳисоблаш имконини беради.

Юқоридаги билдириб ўтилган фикр мулоҳазалар ва меъёрий ҳужжатларда келтириб ўтилган атамалардан келиб чиқиб, умумий ҳолда “молиявий натижа” тушунчасига қуйидаги муаллифлик ёндашуви берилди: “Молиявий натижа – корхона фаолиятининг маълум даврдаги фойда ёки зарар сифатида ифодаланган иқтисодий натижа бўлиб, хўжалик фаолиятида олинган ёки амалга оширилган даромад ва харажат ўртасидаги фарқларни ифодалайди”.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) корхоналарда бухгалтерия ҳисобини тартибга солмайди, балки улардаги молиявий ҳисоботларни шакллантириш қоидаларини белгилайди. Демак, корхоналарда бухгалтерия ҳисоби қандай шаклланганлигидан қатъий назар, барча учун умумий бўлган қоидаларни белгилайди.

#### **Тадқиқот методологияси**

Ушбу илмий мақолани ёзишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишда модификация ёки транзит вазифасини бажариб берувчи даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш бўйича ишчи счётларни киритиш мақсадида мантиқий фикрлаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, монографик кузатув, иқтисодий таҳлил ҳамда молиявий натижаларни ҳисобга олишдаги бухгалтерия ҳисобининг усуллардан фойдаланилган.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги 4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини халқаро стандартларга (МҲҲС) мувофиқ уйғунлаштириш вазифаси белгилаб берилган эди [1]. Бу эса, ўз навбатида, корхоналарда молиявий натижаларни ҳисобга олувчи даромадлар ва харажатлар счётларини ҳам халқарога мос равишда такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

1-жадвал.

#### **Молиявий натижаларнинг харажатлари қисми бўйича таклиф этилаётган счётлар тартиби\***

| <b>Т/р</b> | <b>Счётлар номи</b>  | <b>Белгиси</b> |
|------------|--|----------------|
| 1.         | 9300 - “Бошқа даромадлар” счёти;<br>9311 - “Операцион ижарадан даромад” счёти;<br>9312 - “Текинга олинган мол-мулк бўйича даромад” счёти;<br>9313 - “Валюта курси фарқидан даромад” счёти;<br>9314 - “Кредиторлик қарзни ҳисобдан чиқаришдан даромад” счёти;<br>9315 - “Давлат субсидияларидан олинган даромад” счёти;<br>9316 - “Бошқа даромадлар” счёти. | Транзит<br>(Т) |
| 2.         | 9320 - “Бошқа операциялардан олинган фойда” счёти;<br>9321 - “Активларни сотишдан олинган фойда” счёти;<br>9322 - “Номолиявий активлар қадрсизланишини бекор қилишдан олинган фойда” счёти;  | Т              |





|    |  |   |
|----|--|---|
|    | 9323 - “Молиявий активлар қадрсизланишини бекор қилишдан олинган фойда” счёти;<br>9324 - “Активларнинг адолатли қийматини ўзгаришидан олинган фойда” счёти   |   |
| 3. | 9500 -“Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар” счёти;<br>9510 - “Фоизлардан олинган даромад” счёти;<br>9520 - “Дивидендлардан даромад” счёти;<br>9530 - “Молиявий ижарадан олинган даромад” счёти;<br>9540 - “Молиявий воситаларнинг адолатли қийматини ўзгаришдан олинган даромад” счёти;<br>9550 - “Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар” счёти. | T |
| 4. | 9700 -“Тугатилган фаолият билан боғлиқ фойда” счёти;<br>9711 - “Тугатилган фаолият билан боғлиқ фойда” счёти;<br>9712 - “Корхона хусусий капиталига киритилган улуши бўйича оладиган фойда” счёти.   | T |

\*Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида олиб борилган тадқиқот натижалари бўйича бошқа даромадлар, молиявий фаолиятдан олинган даромадлар, бошқа операциялардан олинган даромад, фаолият тўхталиган вақтдаги фойда каби маълумотлар учун тегишли счётларни киритиш мақсадга мувофиқдир ва ушбу мақсадда қуйидаги счётларни қўллаш таклифи берилади:

- 9300 -“Бошқа даромадлар” счёти бўйича:  
9311 - “Операцион ижарадан даромад” счёти;  
9312 - “Текинга олинган мол-мулк бўйича даромад” счёти;  
9313 - “Валюта курси фарқидан даромад” счёти;  
9314 - “Кредиторлик қарзни ҳисобдан чиқаришдан даромад” счёти;  
9315 - “Давлат субсидияларидан олинган даромад” счёти;  
9316 - “Бошқа даромадлар” счёти.

Мазкур счётларнинг амалиётда қўлланилиши хусусида тўхталиб ўтадиган бўлсак, масалан, “Қизилқумцемент” АЖ томонидан 2024 йил май ойида 250 млн сўмлик қисқа муддатли ижара бўйича муаомалалар амалга оширилган бўлиб, бу акциядорлик жамияти бухгалтериясида қуйидаги ўтказмалар билан расмийлаштирилади:

- операциян ижара бўйича даромаднинг тан олиншига:

Дебет 4820 - “Ижара бўйича қисқа муддатли дебиторлик қарзлар” (ёки амалдаги “Қисқа муддатли ижара бўйича олинган тўловлар” счёти) – 250 млн сўм.

Кредит 9310 - “Операцион ижарадан даромад” счёти – 250 млн сўм

- операциян ижарадан олинган даромадни якуний молиявий натижага ўтказилиши (солиққа тортиш мақсадида):

Дебет 9310 - “Операцион ижарадан даромад” счёти – 250 млн сўм.

Кредит 9910 - “Ҳисобот даврининг фойда ва зарари” счёти (ёки “Бош ташкилотнинг эгаларига тегишли бўлган давр учун фойда ва зарар” счёти) – 250 млн сўм.

- операциян ижарадан пул маблағининг келиб тушишига:

Дебет 5110 - “Банк ҳисобрақамдаги пул маблағлари” (ёки амалдаги “Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи” счёти) – 250 млн сўм.

Кредит 4820 - “Ижара бўйича қисқа муддатли дебиторлик қарзлар” (ёки амалдаги “Қисқа муддатли ижара бўйича олинган тўловлар” счёти) – 250 млн сўм.

2. 9320 -“Бошқа операциялардан олинган фойда” счёти бўйича қуйидаги счётлар таклиф этилмоқда:





- 9321 - “Активларни сотишдан олинган фойда” счёти;  
9322 - “Нолиявий активлар қадрсизланишини бекор қилишдан олинган фойда” счёти;  
9323 - “Молиявий активлар қадрсизланишини бекор қилишдан олинган фойда” счёти;  
9324 - “Активларнинг адолатли қийматини ўзгаришидан олинган фойда” счёти;  
Таклиф этилаётган счётларнинг амалиётда қўлланилиши ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, масалан, Тадқиқот объекти бўлган “Ўзбекэнерго” АЖ томонидан 2025 йил июн ойида маънавий жиҳатдан эскирган 122 млн сўм қийматидаги компьютер техника воситалари сотилган. Корхона томонидан қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилган:  
Сотилган активлар бўйича олинган фойда:  
Дебет 9210 - “Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар” (ёки амалдаги “Асосий воситаларни турли сабабларга кўра чиқиб кетиши” счёти) – 122 млн сўм.  
Кредит 9321 - “Активларни сотишдан олинган фойда” счёти - 122 млн сўм.  
Активларни сотишдан олинган фойдани якуний молиявий натижага ўтказилиши:  
Дебет 9321 - “Активларни сотишдан олинган фойда” счёти – 122 млн сўм.  
Кредит 9910 - “Ҳисобот даврининг фойда ва зарари” счёти (ёки “Бош ташкилотнинг эгаларига тегишли бўлган давр учун фойда ва зарар” счёти) – 122 млн сўм.  
3. 9500 -“Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар” счёти бўйича қуйидаги счётлар таклиф этилмоқда:  
9510 - “Фоизлардан олинган даромад” счёти;  
9520 - “Дивидендлардан даромад” счёти;  
9530 - “Молиявий ижарадан олинган даромад” счёти;  
9540 - “Молиявий воситаларнинг адолатли қийматини ўзгаришдан олинган даромад” счёти;  
9550 - “Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар” счёти.  
Ушбу таклиф этилаётган счётларнинг амалиётда қўлланилиши бўйича тадқиқот объекти мисолида кўриб чиқилади. “Ўзбекэнерго” АЖ томонидан бўш турган маблағларини йўналтириш асосида 300 млн сўм фоиз кўринишдаги даромадга эга бўлган. Корхона томонидан қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилган:  
Фоизлардан олинадиган даромадлар:  
Дебет 4830 - “Қисқа муддатли фоизлар ва олинадиган бошқа мукофотлар” (ёки “Олинадиган фоизлар” счёти) – 300 млн сўм.  
Кредит 9510 - “Фоизлардан олинган даромад” счёти – 300 млн сўм.  
Фоиз кўринишидаги даромадларни якуний молиявий натижага ўтказилиши:  
Дебет 9510 - “Фоизлардан олинган даромад” счёти – 300 млн сўм.  
Кредит 9910 - “Ҳисобот даврининг фойда ва зарари” счёти (ёки “Бош ташкилотнинг эгаларига тегишли бўлган давр учун фойда ва зарар” счёти) – 300 млн сўм.  
4. 9700 -“Тугатилган фаолият билан боғлиқ фойда” счёти бўйича қуйидаги счётлар таклиф этилмоқда:  
9711 - “Тугатилган фаолият билан боғлиқ фойда” счёти;  
9712 - “Корхона хусусий капиталига киритилган улуши бўйича оладиган фойда” счёти.  
Ушбу таклиф этилаётган счётларнинг амалиётда қўлланилишини қуйидаги бухгалтерия ўтказмаларида кўриб ўтилади. Агар “Ўзбекэнерго” АЖнинг шўба корхонаси ўз фаолиятини тўхтадаган бўлса, ундаги ўша ҳолатдаги фойдаси якуний молиявий натижага ўтказилади.  
- Тўхтатилган фаолият бўйича фойдани якуний молиявий натижага ўтказилиши:  
Дебет 9711 - “Тугатилган фаолият билан боғлиқ фойда” счёти – 650 млн сўм.  
Кредит 9910 - “Ҳисобот даврининг фойда ва зарари” счёти (ёки “Бош ташкилотнинг эгаларига тегишли бўлган давр учун фойда ва зарар” счёти) – 650 млн сўм.





2-жадвал.

**Молиявий натижаларнинг харажатлари қисми бўйича таклиф этилаётган  
счётлар тартиби\***

| Т/р | Счётлар номи   | Белгиси        |
|-----|--|----------------|
| 1.  | 9410 - “Операцион фаолият харажатлари” счёти;<br>9411 - “Сотиш билан боғлиқ харажатлар” счёти;<br>9412 - “Маъмурий харажатлар” счёти;<br>9413 - “Валюта курсидаги фарқлар бўйича харажатлар” счёти;<br>9414 - “Бошқа харажатлар” счёти.  | Транзит<br>(Т) |
| 2.  | 9420 - Бошқа операцион зарарлар” счёти;<br>9421 - “Активларни чиқиб кетишидан зарар” счёти;<br>9422 - “Номолиявий активларнинг қадрсизланишидан зарар” счёти;<br>9423 - “Молиявий активларнинг қадрсизланишидан зарар” счёти;<br>9424 - “Активларнинг адолатли қийматини ўзгаришидан зарар” счёти.                 | Т              |
| 3.  | 9600 - “Молиявий фаолият бўйича харажатлар” счёти;<br>9610 - “Фойз тўловлари бўйича харажатлар” счёти;<br>9620 - “Молиявий ижара тўловлари бўйича харажатлар” счёти;<br>9630 - “Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар” счёти;<br>9640 - “Молиявий инструментларнинг адолати қийматини ўзгаришидан зарар” счёти. | Т              |
| 4.  | 9720 - “Тугатилган фаолият бўйича зарар” счёти;<br>9721 - “Тугатилган фаолият билан боғлиқ йўқотишлар” счёти.  | Т              |
| 5.  | 9730 - “Капитал усулида ҳисобга олинган корхонанинг зарарлардаги улуши” счёти;<br>9731 - “Ассоциация ва қўшма корхоналар зарарлари улуши” счёти  | Т              |
| 6.  | 9800 - “Фойда солиғи бўйича харажатлар” счёти бўйича;<br>9810 - “Фойда солиғи бўйича харажатлар” счёти;<br>9820 - “Бошқа фойда солиғи бўйича харажатлар” счёти.  | Т              |

\*Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси.

Молиявий натижалар, яъни фойда ва зарар ёки бошқа умумлашган ҳисоботни тузишда бошқа харажатлар, яъни операцион харажатлар ҳам муҳим рол ўйнади. Демак ушбу харажатлар билан боғлиқ счётларни ҳам такомиллаштириш лозим бўлади. Олиб борилган тадқиқотлар асосида биз операцион фаолият бўйича харажатлар, бошқа операцион зарарлар ва тўхтатилган фаолият билан боғлиқ зарарлар каби счётларни очиш бўйича амалий таклифлар берилди, жумладан:

1. 9410 - “Операцион фаолият харажатлари” счёти бўйича:  
9411 - “Сотиш билан боғлиқ харажатлар” счёти;  
9412 - “Маъмурий харажатлар” счёти;  
9413 - “Валюта курсидаги фарқлар бўйича харажатлар” счёти;  
9414 - “Бошқа харажатлар” счёти.

Тадқиқотлар натижасида таклиф этилаётган счётларнинг амалиётда қўлланилишини қуйидаги бухгалтерия ўтказмаларида кўриб ўтилади. Тадқиқот объекти “Ўзбекэнерго” АЖ томонидан маҳсулотларини сотиш бўйича реклама агентлигига 70,0 млн сўм пул ўтказиб берилган.

- Ҳисобланган ва ўтказиб берилган реклама харажатларига:

Дебет 9411- “Сотиш билан боғлиқ харажатлар” счёти – 70 млн сўм.

Кредит 5110 - “Банк ҳисобрақамдаги пул маблағлари” (ёки амалдаги “Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи” счёти) – 70 млн сўм.

- Реклама харажатларини якуний молиявий натижалар счётига ўтказилиши (сотиш





харажатларини ёпиш):

Дебет 9910 - “Ҳисобот даврининг фойда ва зарари” счёти (ёки “Бош ташкилотнинг эгаларига тегишли бўлган давр учун фойда ва зарар” счёти) – 70 млн сўм

Кредит 9411- “Сотиш билан боғлиқ харажатлар” счёти – 70 млн сўм.

2. 9420 - Бошқа операция зарарлар” счёти бўйича:

9421 - “Активларни чиқиб кетишидан зарар” счёти;

9422 - “Нолиявий активларнинг кадрсизланишидан зарар” счёти;

9423 - “Молиявий активларнинг кадрсизланишидан зарар” счёти;

9424 - “Активларнинг адолатли қийматини ўзгаришидан зарар” счёти.

Олиб борилган тадқиқот бўйича молиявий натижалар счётини такомиллаштириш мақсадида бошқа операция зарарлар счётини амалиётда қўлланилишини қуйидаги ўтказма орқали ифодалаб берилади. Масалан, “Ўзбекэнерго” АЖ омборхона биносини бузишдан 18 млн сўм зарар кўради (омборхона биносини бузишда олинган материаллардан унга қилинган харажатлар ортиб кетган).

Бузиб ташланган эски омборхона биносидан кўрилган зарарларни якуний молиявий натижага ўтказилиши:

Дебет 9910 - “Ҳисобот даврининг фойда ва зарари” счёти (ёки “Бош ташкилотнинг эгаларига тегишли бўлган давр учун фойда ва зарар” счёти) – 18 млн сўм.

Кредит 9421- “Активларни чиқиб кетишидан зарар” счёти – 18 млн сўм (бундан аввал омборхонани бузишда 9421 сёт Дебетланган ва иш ҳақи, ижтимоий солиқлар, амортизация каби сётлар кредитланган).

3. 9600 - “Молиявий фаолият бўйича харажатлар” счёти бўйича:

9610 - “Фоиз тўловлари бўйича харажатлар” счёти;

9620 - “Молиявий ижара тўловлари бўйича харажатлар” счёти;

9630 - “Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар” счёти;

9640 - “Молиявий инструментларнинг адолати қийматини ўзгаришидан зарар” счёти.

Тадқиқотлар натижасида таклиф этилаётган сётларнинг амалиётда қўлланилишини қуйидаги бухгалтерия ўтказмаларида кўриб ўтилади. Тадқиқот объекти “Ўзбекэнерго” АЖ банкдан олган қисқа муддатли кредит бўйича фоизларни ҳисобдан чиқарди ва банкка 100 млн сўм миқдорида фоиз қайтарилган.

Ҳисобланган банк фоизига:

Дебет 9610 - “Фоиз тўловлари бўйича харажатлар” счёти – 100 млн сўм.

Кредит 5110 - “Қисқа муддатли фоизлар ва бошқа тўловлар” (ёки амалдаги “Қисқа муддатли банк кредитлари” сёт) – 100 млн сўм.

- Тўланган банк фоизларини якуний молиявий натижаларга ўтказилиши:

Дебет 9910 - “Ҳисобот даврининг фойда ва зарари” счёти (ёки “Бош ташкилотнинг эгаларига тегишли бўлган давр учун фойда ва зарар” счёти) – 100 млн сўм

Кредит 9610- “Фоиз тўловлари бўйича харажатлар” счёти – 100 млн сўм.

4. 9720 - “Тўхталган фаолият бўйича зарар” счёти бўйича:

9721 - “Тўхтатилган фаолият билан боғлиқ йўқотишлар” счёти.

5. 9730 - “Капитал усулида ҳисобга олинган корхонанинг зарарлардаги улуши” счёти бўйича:

9731 - “Ассоциация ва қўшма корхоналар зарарлари улуши” счёти.

Тадқиқотлар натижасида таклиф этилаётган сётларнинг амалиётда қўлланилишини қуйидаги бухгалтерия ўтказмаларида кўриб ўтилади. Тадқиқот объекти “Ўзбекэнерго” АЖнинг қўшма корхонаси ўз фаолиятини тўхтатиши натижасида зарар кўрилади.

- Қўшма корхона зарарлари улушини якуний молиявий натижаларга ўтказилиши:

Дебет 9910 - “Ҳисобот даврининг фойда ва зарари” счёти (ёки “Бош ташкилотнинг эгаларига тегишли бўлган давр учун фойда ва зарар” счёти) – 340 млн сўм

Кредит 9731- “Ассоциация ва қўшма корхоналар зарарлари улуши” счёти – 340 млн сўм.





6. 9800 - “Фойда солиғи бўйича харажатлар” счёти бўйича:  
9810 - “Фойда солиғи бўйича харажатлар” счёти;  
9820 - “Бошқа фойда солиғи бўйича харажатлар” счёти.

Тадқиқотлар натижасида таклиф этилаётган счётларнинг амалиётда қўлланилишини қуйидаги бухгалтерия ўтказмаларида кўриб ўтилади. “Ўзбекэнерго” АЖда ҳисобот даврида 450 млн сўм миқдорида фойда солиғи ҳисобланди.

Ҳисобланган фойда солиғига:

Дебет 9810 - “Фойда солиғи бўйича харажатлар” счёти – 450 млн сўм.

Кредит 6410 - “Фойда солиғи бўйича мажбуриятлар” счёти (амалдаги “Бюджетга солиқ турлари бўйича тўловлар” счёти) – 450 млн сўм.

Ҳисобланган фойда солиғини якуний молиявий натижага ўтказилиши:

Дебет 9910 - “Ҳисобот даврининг фойда ва зарари” счёти (ёки “Бош ташкилотнинг эгаларига тегишли бўлган давр учун фойда ва зарар” счёти) – 450 млн сўм

Кредит 9810 - “Фойда солиғи бўйича харажатлар” счёти – 450 млн сўм.

### **Хулоса**

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни шакллантиришда муҳим маълумотларни ўзида ифодаловчи счётлар даромад ва харажатлар ёки тушум ва таннарх билан боғлиқ счётларни таҳлил этиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

а) биринчидан, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида счётларни қўллаш. Бунда счётлар режаси ҳақида маълумотлар ёки тушунтиришлар берилмаган. Шу сабабли халқаро стандартларга ўтаётган корхоналар учун молиявий натижалар билан боғлиқ тавсия этилаётган счётлар келгусида халқаро талаблар ва қоидаларни тушунишга имкон беради;

б) иккинчидан, таклиф этилаётган тушум ва таннархни ҳисобга олувчи счётлар кўпчилик корхоналарга, жумладан молиявий ҳисоботларини халқаро стандартларга трансформация қилаётган тадбиркорлик субъектлари учун қулай имкониятларни яратиш мумкин;

с) учинчидан, халқаро стандартлар счётлар режасига эмас, асосан эътиборни молиявий ҳисоботларни тузишга қаратган. Шу туфайли мазкур счётлар ҳисоботларни шаклланишида муҳим манба сифатида баҳоланади;

д) тўртинчидан, бугунги кунда ҳар қандай потенциал инвесторни инвестиция киритмоқчи бўлган корхоанинг фойдаси қизиқтиради, шу нуқтаи назардан молиявий натижаларни шаклланишида таклиф этилаётган счётлар тартиби ишончли ахборотларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга деб ҳисобланади.

Таклиф этилаётган мазкур счётлар тартиби молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузувчи корхоналар учун тавсиявий кўринишга эга бўлиб, корхоналарга молиявий ҳисоботларнинг ишчи жадвалини шакллантириш, бухгалтерия ҳисоби ва халқаро стандартлар асосида ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда ишчи счётлар сифатида қўллаш имкониятини яратади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4611-сонли қарори. 2020 йил 24 феврал. – <https://lex.uz/docs/4746047>

2. “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш”. 1-сон Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти (БҲХС). 2022 йил расмий таржима.

3. 15-сон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти: Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум. Расмий таржима. Т-2022 йил.

4. Каримов А. Бухгалтерия ҳисоби: дарслик. 2-қисм. – Т.: Nihol print, 2021. – 684 б.

5. Karimov A., Kurbanbayev J., Jumanazarov S. Buxgalteriya hisobi: darslik. – Т.:





Iqtisod-moliya, 2019. – 624 b.

6. Пардаев А.Х., Пардаева З.А. Бошқарув ҳисоби: дарслик. – Т.: Иқтисод-Молия.2019. – 556 б.

7. Ташназаров С. Молиявий бухгалтерия ҳисоби: дарслик / Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти – Самарқанд: STEP- SEL МЧЖ, 2023 – 580 б.

8. Очиллов И., Ризаев Н., Калонов М. Бухгалтерия ҳисоби: дарслик. – Тошкент: Iqtisod-moliya. 2022. – 272 б.

**Электрон ресурс**

9. [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=1051785](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=1051785).





## ОСОБЕННОСТИ УЧЕТА ТАРЫ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ПРОДУКЦИИ



**Разиков Джалил Джалалович**

*ст. препод. кафедры аудита  
Ташкентский государственный  
экономический университет  
E-mail mut07@  
ORCID:0009-0005-5994-7711*

**Аннотация.** В статье исследуется порядок учета операций с тарой, используемых при заготовке материальных ценностей в отраслях экономики, в т. ч. и в сельском хозяйстве. Раскрывается порядок учета тары под отгрузку выращенной плодоовощной продукции консервным заводам и заготовительным предприятиям, их использование при отгрузке продукции. Исследуются вопросы расчета одного оборота тар многоразового пользования, покрытия расходов по их ремонту. Делаются выводы по исследуемой теме, даются соответствующие предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** сельское хозяйство, продукция животноводства, тара, порожняя, отрасль, транспортные расходы, расходы периода, заготовитель, плодоовощная продукция, поставщик, оптовые цены, упаковочный материал, деревянная тара, картонная тара.

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТИ ИДИШЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Розиков Жалил Жалолович**

*аудит кафедрасининг  
катта ўқитувчиси  
Тошкент давлат  
иқтисодиёт университети  
E-mail mut07@  
ORCID:0009-0005-5994-7711*

**Аннотация.** Мақолада иқтисодиёт тармоқларида, шу жумладан қишлоқ хўжалигида моддий бойликларни харид қилишда фойдаланиладиган идишлар билан операцияларни ҳисобга олиш тартиби кўриб чиқилган. Унда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини консерва заводлари ва тайёрлов корхоналарига жўнатиш учун идишларни ҳисобга олиш, улардан маҳсулот жўнатишда фойдаланиш тартиби очиб берилган. Қайта фойдаланиш мумкин бўлган идишларнинг бир айланмасини ҳисоблаш, идишларни таъмирлаш харажатларини қоплаш масалалари ўрганилган. Ўрганилаётган мавзу юзасидан хулосалар чиқарилиб, тегишли таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** қишлоқ хўжалиги, чорвачилик маҳсулотлари, идиш, бўш идиш, транспорт харажатлари, давр харажатлари, тайёрловчи, мева-сабзавот маҳсулотлари, отказиб берувчи, улгуржи нархлар, қадоқлаш материаллари, ёғоч идиш, картон идиш.

## FEATURES OF ACCOUNTING FOR CONTAINERS OF AGRICULTURAL PRODUCTS

**Rozikov Jalil Jalolovich**

*Senior Lecturer, Department of Audit,  
Tashkent State University of Economics  
E-mail mut07@*





ORCID:0009-0005-5994-7711

**Abstract.** The article examines the procedure for accounting for operations with containers used in the purchase of material assets in economic sectors, including agriculture. It explains the procedure for accounting for containers for sending grown fruit and vegetable products to canneries and processing plants, and their use in sending products. The issues of calculating one cycle of reusable containers and covering the costs of container repair are studied. Conclusions are drawn on the topic under study, and relevant proposals and recommendations are given.

**Keywords:** agriculture, livestock products, container, empty container, transportation costs, period costs, manufacturer, fruit and vegetable products, supplier, wholesale prices, packaging materials, wooden container, cardboard container.

### **Введение**

Учет тары представляет собой трудоемкий процесс и является не менее значимым по отношению к учету производственных запасов. В специальной литературе учету тары отводится незначительное место. В последней редакции НСБУ № 4 Республики Узбекистан «Товарно-материальные запасы», принятой приказом Министерства финансов Республики Узбекистан от 28 мая 2020 г. № 24, в параграфе 9 «Особенности учета тары» подробно описывается содержание операций с тарами. В нем определяется задача «раскрыть учет тары в сельском хозяйстве, конкретизировать как он осуществляется в условиях отгрузки выращенной плодоовощной продукции, сбор и реализация которых имеет сезонный и массовый характер». Подробно изложен учет возвратной тары поставщика, раскрываются порядок заготовки и учет производственных запасов, учет возвратной тары, учет расходов по использованию и ремонту тары, порядок их возвращения поставщикам и его учет, выбытие тар по различным причинам, различие учета тар многоразового и одноразового пользования. Рекомендуется покрытие расходов на ремонт тар, путем формирования специального резервного фонда, раскрываются особенности операции по ремонту тар через этот фонд. Эти все процессы, связаны с условиями заготовки и использования тар в растениеводстве, особенностью учета тары, которые диктуются условиями выращивания, сбора и реализации сельскохозяйственной продукции.

### **Обзор литературы**

А. С. Алисенова рассматривает вопросы трансформации национальных систем бухгалтерского учета в МСФО [6].

А. Ф. Дятлова, Е. Н. Колесникова, В. А. Бородин и др. раскрывают особенности методологии бухгалтерского учета в промышленности, но вопросы организации БУ в сельском хозяйстве, в т. ч. учета тары не раскрыты [8].

С. Н. Богатырева исследует вопросы составления форм финансовой отчетности. Она обращает внимание на формальное содержание финансовой отчетности, на расчеты, связанные с налогами и обязательными платежами. Вопросы учета производственных запасов и касающиеся финансовой отчетности в сельском хозяйстве не раскрываются [7].

А. С. Алисенов в своих исследованиях более детально раскрывает на примерах учет отдельных сфер деятельности. Однако вопросы, касающиеся учета упаковочной тары продукции сельского хозяйства, не определены [1].

Л. М. Бурмистрова [2], О.Л. Островская [4], В.Г. Широбокова [5] раскрывают учет производственных запасов, учет тары описывается в составе производственных запасов.

О. Л. Голубева исследует учет хозяйственных операций, в т. ч. производственных запасов [3].

### **Методология исследования**

Учет материальных ценностей в сельском хозяйстве ведется исходя из особенностей





производство, хранения и расходования продукции растениеводства и животноводства. Для раскрытия учета тары, заготавливаемых и используемых под отгрузку плодоовощной продукции, использован метод сопоставления, методы документации и двойной записи, калькуляции и оценки активов предприятия.

### **Анализ и результаты**

Учет материальных ценностей в сельском хозяйстве ведется исходя из особенностей производства, хранения и расходования продукции каждой культуры растениеводства и животноводства. Раскрытие специфики учета каждого из них имеет определенную значимость. Необходимость исследования объекта учета материалов – тару под продукцию и порожнюю тару, которые относятся ко всем видам производимой продукции в сельском хозяйстве, весьма актуальна. Как в других отраслях производства, так и в сельском хозяйстве стоимость продукции оценивается вместе со стоимостью тары, поступивших от поставщиков. При оприходовании материалов из общей суммы затрат по их приобретению исключается стоимость тары по цене возможного ее использования, с учетом расходов по ее ремонту и проведению в годный для использования вид. Тары многократного пользования, поступившие с товарами подлежат к возврату поставщикам. Поэтому их на счет фактуре и в других сопроводительных документах товаров предъявляют к оплате по отдельной строке.

Пример, стоимость сырья и материалов – 100000 тыс. сумов

стоимость возвратной тары – 1500 тыс. сумов

износ возвратной тары – 150 тыс. сумов

транспортные расходы – 6000 тыс. сумов

итого расходы – 1 07650 тыс. сумов

Скажем, износ тары составляет 10 % от стоимости тары, с каждого оборота ее использования – 150 тыс. сум. Расходы по ремонту тары после каждого ее оборота в среднем составляет 5% – 75 тыс. сумов.

При этом предприятие покупатель по данным предъявленного счета к оплате делают следующие записи:

- на стоимость сырья и материалов - 100000

Дебет – счет №1010 «Сырьё и материалы»

Кредит – счет № 6010 «Расчеты с поставщиками и подрядчиками»;

- на сумму возвратной тары - 1500

Дебет – счет № 1060 – «Тары и тарные материалы», субсчет «Возвратные тары»

Кредит – счет № 6010 «Расчеты с поставщиками и подрядчиками»

- на сумму износа возвратной тары - 150

Дебет – счет 1610 «Отклонение в стоимости материалов»

Кредит – счет № 6010 «Расчеты с поставщиками и подрядчиками»;

- на сумму транспортных расходов – 6000

Дебет – счет № 1610 – «Отклонение в стоимости материалов», субсчет «Товарно-транспортные расходы».

Кредит – счет № 6010 «Расчеты с поставщиками и подрядчиками».

Когда покупатель оплачивает счет поставщика с расчетного счета на сумму 107650 тыс. сумов, задолженность перед поставщиком погашается. При этом на сумму погашения задолженности делается запись:

Дебет – счет № 6010 «Расчеты с поставщиками и подрядчиками»

Кредит – счет № 5110 «Расчетный счет».

Когда покупатель возвращает тары поставщика, на стоимость тары (1500) делается запись:

Дебет – счет № 9220 «Выбытие прочих активов»

Кредит – счет № 1060 «Тары и тарные материалы», субсчет «Возвратные тары».





Одновременно делается следующая запись:

Дебет – счет № 6010 «Расчеты с поставщиками и подрядчиками»

Кредит – счет № 9220 «Выбытие прочих активов».

У покупателя образуется дебиторская задолженность на стоимость возвратной тары на сумму – 1500 тыс. сумов, которая является гарантийной суммой за невозвращённые тары, зачитываемые в следующих оборотах отгрузки товаров. Гарантийная сумма, удержанная поставщиками с покупателей, возмещается в порядке оплаты за полученные товары.

При этом разница между стоимостью возвратной тары 1500 тыс. сумов и суммы ее износа 150 тыс. сумов составляет остаточную стоимости тары – 1350 (1500 -150) тыс. сумов.

Ремонт тары многоразового пользования должен быть осуществлен средствами и силами поставщика. На практике бывает, что тары ремонтируются покупателями, с последующим предъявлением требований к оплате поставщику. При этом, расходы по ремонту тар предварительно учитывается на счете учета общехозяйственных расходов. Когда тары ремонтируется с помощью тараремонтными предприятиями, в соответствии предъявленных счетов к оплате, расходы учитывается с записью:

Дебет – счет № 2710 «Обслуживающее хозяйство»

Кредит – счет № 6010 «Расчеты с поставщиками и подрядчиками».

Когда ремонт тары осуществляется собственными силами покупателя, на сумму расходов дебетуется счет № 2710 «Обслуживающее хозяйство» и кредитуется счета учета активов, амортизация основных средств и расчетов.

Расходы покупателя по ремонту возвратных тар погашается в порядке оказанных услуг, т.е. на сумму фактических затрат делается запись:

Дебет – счет № 9130 «Себестоимость оказанных услуг»

Кредит – счет № 2710 «Обслуживающее хозяйство»; одновременно на сумму предъявленных счетов к оплате поставщикам (в данном случае покупателям) делается запись:

Дебет – счет № 4010 «Расчеты с покупателями и заказчиками»

Кредит – счет № 9370 «Доходы обслуживающих хозяйств»

Согласно НСБУ № 4 «Товарно-материальные запасы» РУз., при возврате тары, не предусматривается получение экономической выгоды. Поэтому предъявленная сумма к оплате поставщику (покупателю) за возврат и ремонт тар не должно превышать сумму фактической себестоимости возвратной тары и расходов по ее ремонту.

Для ремонта тары многоразового пользования самого хозяйства целесообразно создать резерв для покрытия расходов по его ремонту с использованием счета отклонения в стоимости материалов (счет - 1610). При этом использование других счетов учета затрат, например, счета учета затрат (2010, 2310, 2510, 2710) и расходов периода (9410, 9420, 9430) отчуждало бы от определения фактической себестоимости заготовленных материалов. В данном случае, в расчете одного оборота тар многоразового пользования устанавливается нормы отчислений на резервный фонд от их стоимости. Резерв на покрытие расходов по ремонту тар, в сумме исчисленных по установленным нормам, при этом учитывается с записью:

Дебет – счет № 1610 «Отклонение в стоимости материалов», субсчет «Отчисление на покрытие расходов по ремонту тар»

Кредит – счет № 8910 «Резервы предстоящих расходов и платежей».

Отчисление на покрытие расходов по ремонту тар относится на затраты в порядке списания отклонений в стоимости материалов, т.е. с записями:

- на сумму, использованных тар в производстве, соответственно по сферам деятельности

Дебет – счета учета производственных затрат (расходов) №№ 2010, 2310, 2510, 2710





Кредит – счет № 1610 «Отклонение в стоимости материалов», субсчет «Отчисление на покрытие расходов по ремонту тар»;

- на сумму использованных тар в сферах сбыта продукции и управления делается запись:

Дебет – счета учета расходов периода №№ 9410, 9420

Кредит – счет № 1610 «Отклонение в стоимости материалов», субсчет «Отчисление на покрытие расходов по ремонту тар»;

- на сумму использованных тар при отгрузке товаров и других выбытий:

Дебет – счета № 9220 «Выбытие прочих активов»

Кредит – счет № 1610 «Отклонение в стоимости материалов», субсчет «Отчисление на покрытие расходов по ремонту тар»;

Фактические расходы по ремонту тар по мере возникновения затрат списывается на уменьшение резерва предстоящих расходов и платежей. Когда тары ремонтируется на средства предприятия, делается запись:

Дебет – счет № 8910 «Резервы предстоящих расходов и платежей»

Кредит – счет № 6010 «Расчеты с поставщиками и подрядчиками».

При ремонте тары собственными силами, делается запись:

Дебет – счет № 8910 «Резервы предстоящих расходов и платежей»

Кредит – счет учета источников затрат № № 1000, 0200, 6710, 6520, 6010 и т. д.

По завершению отчетного года делается коррективы по резервному фонду на покрытие расходов по ремонту тар:

- если фактические расходы превышают от резервных отчислений, на непокрытую сумму делается запись на до начисления, в порядке отчислений на счет № 1610 «Отклонения в стоимости материалов»;

- если остаются резервы на начало следующего года больше, чем полагается, то расчетным путем определяется сверхмерные резервы, и на излишние суммы отчислений резервы уменьшаются со сторнированной записью ранее начисленных отчислений, т. е. с записью на сумму с минусом (красной суммой):

Дебет – счет № 1610 «Отклонение в стоимости материалов», субсчет «Отчисление на покрытие расходов по ремонту тар»

Кредит – счет № 8910 «Резервы предстоящих расходов и платежей».

При использовании тар одноразового пользования, у покупателя стоимость тары учитывается либо в стоимости материалов, либо в составе отклонений в стоимости материалов (заготовительных расходов). При списании тар из обращения, их стоимость (расходов) относят либо на производственные расходы, либо на расходы периода, где будет использованы товары под этими тарами. Если товары под этими тарами выбывают из оборота предприятия, стоимость (расходы) этих тар списывается на счет № 9220 «Выбытие прочих активов».

Тары под реализуемые сельскохозяйственные продукции обычно поступают от покупателей и заготовительных (переработавших) организаций сельскохозяйственной продукции.

Порядок расчетов между хозяйствами – поставщиками и консервными предприятиями осуществляется в случае, когда консервные предприятия до начала сезона заготовок в счет выполнения обязательств по доставке плодоовощной продукции на переработку обеспечивают хозяйства – поставщиков плодоовощной продукции тарой по ГОСТу, предусмотренной соглашением поставки плодоовощной продукции. Они отпускают им указанную тару по оптовым ценам на новую тару. Расходы по доставке сколоченной тары до хозяйств относятся на счет сельскохозяйственного предприятия.

В сезон заготовок плодоовощной продукции расчеты за тары между консервными предприятиями и хозяйствами – поставщиками сырья не производятся. При этом стороны обязаны обеспечить учет движения тары.





В этот период взамен ящиков, принятых от хозяйств с плодоовощной продукцией, консервные предприятия возвращают им такое же количество исправленных ящиков для последующего затаривания их сырьём.

Расходы консервных предприятий по амортизации тары, включая затраты на ремонт, относятся на себестоимость заготавливаемого сырья.

Если по условиям договора контрактации плодоовощной продукции ремонт тары, высвободившейся из-под продукции, осуществляется силами и средствами сельскохозяйственных предприятий, то консервные предприятия оплачивает хозяйствам расходы по амортизации, включая затраты по ее ремонту, в размере согласованного процента договором контрактации ее стоимости по оптовым ценам за каждый оборот тары.

В случаях, когда сельскохозяйственные предприятия - поставщики плодоовощной продукции возвращают в конце сезона заготовок тары в исправном состоянии консервным предприятиям, последние оплачивают стоимость тары по оптовым ценам на новую тару и транспортные расходы, связанные с ее возвратом.

Применение залоговых платежей в расчетах за тару, плодоовощной продукции, обращающую между консервными и сельскохозяйственными предприятиями, не допускается.

Имущественная ответственность сторон за невозврат тары регламентируется договорами контрактации.

Стоимость тары и упаковочных материалов (кроме деревянной, картонной и другой возвратной тары) сверх оптовой цены сырья и материалов, принимаемых от поставщиков, а также расходы на их ремонт должны быть отнесены на себестоимость приобретаемых или заготавливаемых промышленных, сельскохозяйственных или строительных материалов за вычетом стоимости тары по цене возможного использования.

Стоимость деревянной, картонной и другой возвратной тары и расходы на ее ремонт не относятся на себестоимость приобретаемых сырья и материалов, а учитываются на счете №1000 «Счета учета материалов», аналитический счет №1060 «Тары и тарные материалы». По мере возврата этой тары поставщикам или тароремонтным предприятиям стоимость ее списывается на счет реализации. В тех случаях, когда стоимость тары включена в оптовую цену сырья и материалов, из общей суммы затрат на их приобретение исключается стоимость тары по цене ее возможного использования или реализации, с учетом расходов на ее ремонт.

### **Выводы**

Как видно из вышеизложенного операции с тарами являются актуальными и многоструктурными, хотя по отношению к другим объектам учета является менее значимым. Мы раскрыли учет тары, только у предприятия – покупателя. Это половина учета кругооборота тары и тарных материалов. Учет тары у производителя – поставщика еще более обширны, который дифференцируется на учет источников формирования запасов, учет их оборотов, учет ремонта и списания с баланса предприятия.

Особенность, учета тары в сельском хозяйстве характеризуется, тем что вышеуказанные операции за сезон один раз отражаются в учете взаиморасчетах между сельскохозяйственными и заготовительными предприятиями. Так как осуществление расчетов после каждой партии отгрузки сельскохозяйственной продукции занимает много времени. Тем более при бесперебойной отгрузки продукции в сезон сбора урожая расчеты могут быть искаженным фактором поступления и обработки массовой информации в полевых условиях.

Оборот и ремонт тары в сезон сбора и сдачи урожая учитывается с каждой стороной, т.е. организациями сельского хозяйства и заготовительными предприятиями отдельно. После завершения процесса сбора и сдачи продукции растениеводства между





поставщиками и покупателями осуществляются окончательные расчеты тар использованная под продукцию и порожня.

Другая особенность, тары под сельскохозяйственные продукции предоставляются в сельхозпредприятие самими заготовительными предприятиями, которые сами изготавливают тару под продукцию по ГОСТу, а также для безопасной транспортировки груза до места их переработки или качественного хранения.

### **Литература**

1. Алисенов А. С. Бухгалтерский финансовый учет: учебник и практикум для вузов / А. С. Алисенов. – 4-е изд., перераб. и доп. – Москва: Юрайт, 2024. – 521 с.
2. Бурмистрова Л. М. Бухгалтерский учет: учебное пособие / Л.М. Бурмистрова. – 4-е изд., перераб. и доп. – Москва: ИНФРА-М, 2022. – 304 с.
3. Голубева О. Л. 1С: Бухгалтерия: учебник для вузов / О. Л. Голубева. – 2-е изд., перераб. и доп. – Москва: Юрайт, 2024. – 161 с.
4. Островская О. Л. Бухгалтерский учет в отраслях: учебник и практикум для вузов / О. Л. Островская, Л. Л. Покровская, М. А. Осипов. – 3-е изд., перераб. и доп. – Москва: Юрайт, 2024. – 246 с.
5. Ширококов В. Г. Бухгалтерский финансовый учет в сельском хозяйстве: учебник / В.Г. Ширококов. – Москва: ИНФРА-М, 2024. – 550 с.
6. Алисенов А. С. Международные стандарты финансовой отчетности (продвинутый курс): учебник и практикум для вузов / А. С. Алисенов. – 3-е изд., перераб. и доп. – Москва: Юрайт, 2024. – 443 с.
7. Богатырева С. Н. Бухгалтерская (финансовая) отчетность: учебник для вузов / С. Н. Богатырева. – 2-е изд., перераб. и доп. – Москва: Юрайт, 2024. – 515 с.
8. Бухгалтерский учет: учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям / А. Ф. Дятлова, Е. Н. Колесникова, В. А. Бородин [и др.]; под ред. Ю. А. Бабаева, В. И. Бобошко, А. Ф. Дятловой. – 4-е изд., перераб. и доп. – Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2021. – 623 с.





## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДАГИ ИШТИРОКИДА АКЦИЯЛАР ЭМИССИЯСИ ТАҲЛИЛИ

**Бўриев Жамшид Парда ўғли**

*мустақил изланувчи  
Ўзбекистон Республикаси  
Банк-молия академияси  
E-mail: burievjamshid102@gmail.com  
ORCID:0009-0009-7645-4934*

**Аннотация.** Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозорида акциялар воситасида иштироки таҳлил қилинган. Тошкент республика фонд биржасида тижорат банклари акциялари листингдан ўтганлиги тадқиқ қилинган. Тижорат банкларининг жами капитали ва унинг таркибида устав капитали ўзгариши йиллар кесимида солиштирилган. Амалга оширилган таҳлиллар асосида хулосалар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** тижорат банклари, қимматли қоғозлар бозори, акция, жами капитал, устав капитали, листинг.

## АНАЛИЗ ЭМИССИИ АКЦИЙ В УЧАСТИИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ НА РЫНКЕ ЦЕННЫХ БУМАГ

**Буриев Жамшид Парда оглы**

*самостоятельный соискатель  
Банковско-финансовая академия  
Республики Узбекистан  
E-mail: burievjamshid102@gmail.com  
ORCID:0009-0009-7645-4934*

**Аннотация.** Проанализировано участие коммерческих банков на рынке ценных бумаг посредством акций. Исследовано прохождение листинга акций коммерческих банков на Ташкентской Республиканской фондовой бирже. Сравнены изменения общего капитала коммерческих банков и уставного капитала в его структуре по годам. На основе проведённого анализа сформулированы выводы.

**Ключевые слова:** коммерческие банки, рынок ценных бумаг, акция, общий капитал, уставный капитал, листинг.

## ANALYSIS OF SHARE ISSUANCE IN THE PARTICIPATION OF COMMERCIAL BANKS IN THE SECURITIES MARKET

**Boriev Jamshid Parda ogli**

*Independent Researcher,  
Banking and Finance Academy  
of the Republic of Uzbekistan  
E-mail: burievjamshid102@gmail.com  
ORCID:0009-0009-7645-4934*

**Abstract.** The participation of commercial banks in the securities market through shares has been analyzed. The listing of commercial banks' shares on the Tashkent Republican Stock Exchange has been studied. Changes in the total capital of commercial banks and the dynamics





of charter capital within its structure have been compared across years. Based on the conducted analysis, relevant conclusions have been drawn.

**Keywords:** commercial banks, securities market, share, total capital, charter capital, listing.

### **Кириш**

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари муҳим молиявий институт сифатида бўш пул маблағларини маълум шартлар асосида жалб қилиш орқали иқтисодиёт тармоқларини молиялаштириш, субъектлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш, аҳоли даромадларини ошириш қабиларда муҳим аҳамият касб этиши аксариятимизга маълум. Бунда тижорат банкларининг фонд бозоридаги фаолиятининг самарали ташкил этилганлиги юқори келтирилган жиҳатларнинг тўлиқ ишлаши муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистонда “иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш, давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини якунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улушини 60 фоизгача етказиш” [1], “қимматли қоғозлар бозорида банкларнинг операцияларини фаоллаштириш, тижорат банклари томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш ва жойлаштириш ҳамда бошқа инструментлар учун маъмурий тўсиқларни камайтириш, бир вақтнинг ўзида назоратни кучайтириш, банкларнинг қимматли қоғозларини халқаро капитал бозорига чиқариш бўйича ҳуқуқий базани яратиш” [2] қабилар устувор вазифалар сифатида белгиланган. Тижорат банкларининг фонд бозоридаги фаоллигини ошириш орқали юқорида таъкидланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш имкониятининг мавжудлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини акс эттиради.

### **Адабиётлар шарҳи**

“Айрим иқтисодиётларда банклар корпоратив облигацияларнинг асосий эгалари ҳисобланади. Мисол учун, Индонезияда банклар корпоратив облигацияларнинг асосий қисмига эгалик қилади ва Аргентина, Бразилия, Чили ва Малайзияда ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Институционал инвесторлар ривожланиши натижасида кейинчалик банклар облигациялар бозорида кичикроқ улушга эга бўлиши мумкин. Шунингдек, давлат ва корпоратив облигациялар банклар балансининг муҳим қисмини ташкил қилганда, уларни баҳолаш масаласи муҳим бўлиб қолади. Кўплаб ривожланаётган мамлакатларда банклар, одатда, облигацияларни сўндириш муддатигача ушлаб туришини алоҳида таъкидлаш лозим” [3].

“Банклар ўзлари учун облигацияларни сотиб олиш билан бир қаторда кўпинча асосий инвесторлар бўлиши мумкин бўлган инвестиция ва пенсия фондларини бошқаришини ҳам учратишимиз мумкин. Агар банк облигацияларни чиқарадиган компанияга кредит ажратган бўлса, у облигацияларни баҳолашда ахборот устунлигига эга бўлиши мумкин. Лекин бу инсайдерлик маълумотларини сақлаш бўйича мажбуриятлари билан боғлиқ муаммоларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Агар банк томонидан бошқариладиган инвестиция фонди муаммоли компания томонидан чиқарилган облигацияларни сотиб олса ва облигациялар орқали жалб қилинган маблағни банкдан олинган кредитни тўлаш учун ишлатса, манфаатлар тўқнашуви юзага келиши ҳам мумкин. Банклар, шунингдек, корпоратив облигациялар чиқариш бўйича андеррайтер сифатида ҳам ҳаракат қилишлари мумкин. Банклар ушбу оперцияларда кредит рискинни эмас, балки бозор рискинни (чиқарилган облигациялар келишилган нархда ва миқдорда тўлиқ жойлаштирилмаган тақдирда) ўз зиммасига олишлари мумкин. Гонконгдаги корпоратив облигацияларнинг 90%дан ортиғи андеррайтер орқали жойлаштирилган.





Индонезия ва Кореядаги барча листингдан ўтган корпоратив облигациялар, худди Мексика ва Венгрияда бўлгани каби андеррайтер орқали жойлаштирилган. Баъзи мамлакатларда андеррайтинг хизматлари банклар томонидан эмас, балки қимматли қоғозлар воситачилари томонидан кўрсатилишини таъкидлаш лозим” [4].

Бир қатор олимлар иқтисодийнинг ривожланишида банклар ва фонд бозорларининг ўрни муҳим эканлигига ҳамда фонд бозорларида банклар фаолияти ривожланишига ҳам тўхталиб ўтишган. “Иқтисодий ривожланиш жараёнида банклар ва қимматли қоғозлар бозорининг роли ривожланиб боради. Мамлакатлар иқтисодий жиҳатдан ривожланган сари ҳам банклар, ҳам фонд бозорлари ҳажми иқтисодий ҳажмига нисбатан ортади” [5]. Натижада банкларнинг фонд бозоридаги иштироки ҳам кенгайди.

Ш.Абдуллаева ва А.Омоновлар томонидан банклар чиқарган акцияларни иккиламчи фонд бозоридаги олди-сотди операциялари етарлича эмаслигига эътибор қаратилган [6]. М.Султановнинг фикрича “... банклар қимматли қоғозлар бозорида аҳоли пул маблағларини жалб этишда пай инвестиция фондлари фаолият тури билан ҳам шуғулланиши мумкин. Пай инвестиция фондлари юридик шахс бўлмаганлиги сабабли тижорат банклари бир хил мақсад (хоҳиш)га эга омонатчилар (инвесторлар) маблағларини бир жой (фонд)га тўплаб, қимматли қоғозлар бозорида уларнинг инвестиция активларини бошқаришда ишончли бошқарувчиси сифатида профессионал фаолият юритиши мумкин” [7]. Ушбу жиҳатлар тижорат банкларининг фонд бозоридаги иштирокини кенгайтиришга ёрдам беради.

И.М.Алимардонов ва О.М.Намозовлар фикрича, “тижорат банкларининг корпоратив қимматли қоғозларга қилинадиган инвестициялари ҳажмини ошириш мақсадида, биринчидан, корпоратив қимматли қоғозларнинг фундаменталь ва техник таҳлилини такомиллаштириш керак; иккинчидан, трансакцион депозитларнинг барқарор қолдиғини корпоратив қимматли қоғозларга йўналтириш лозим; учинчидан, банкларнинг корпоратив қимматли қоғозлардан оладиган даромадлари фойда солиғидан озод қилиниши зарур” [8]. Бунда корпоратив қимматли қоғозларнинг фундаменталь ва техник таҳлилини амалга оширишга эътибор қаратиш, айниқса, инвесторлар учун аҳамиятли ҳисобланади.

Ш.Абдуллаева тижорат банкларида амалга ошириладиган инвестиция фаолиятининг даромадлилик даражасига ҳам эътибор қаратган бўлиб, бунда қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларга таъсир кўрсатувчи бир қатор иқтисодий ва ташкилий омилларни санаб ўтган. Хусусан, “давлатнинг барқарор ривожланувчи иқтисодиёти, банк фаолиятида хусусий ва акциядорлик мулк шакллари устуворлиги, кредит-молия тизимининг бир меъёрга ва аниқ фаолият юритувчи структурасининг мавжудлиги, қимматли қоғозлар бозорида замонавий ва ривожланган муассасаларнинг мавжудлиги, қимматли қоғозларни муомалага чиқариш ва қимматли қоғозлар бозори катнашчилари фаолиятини назорат қилувчи қонуний актлар ва тартибларининг мавжудлиги, тижорага банкларининг халқаро инвестицион фаолиятини юритиш амалиётида бўлган юқори сифатли қимматли қоғозлар муомаласининг амал қилиши, инвестицион фаолият соҳаси ва қимматли қоғозлар бозори учун мўлжалланган юқори малакали мутахассислар ва тадбиркорларнинг мавжудлиги, уларни тайёрлаш ва бошқалар” [9].

“Жаҳон амалиётида корпоратив облигациялар жойлаштириш орқали корпоратив молиявий таъминот масаласига алоҳида эътибор қаратилади” [10]. Компаниялар томонидан корпоратив облигациялардан молиявий таъминот масаласини ҳал қилишда фойдаланилиши фонд бозорида инвестицион фаолиятни кенгайтиришда тижорат банкларига қўл келиши мумкинлигини таъкидлаб ўтишимиз лозим.

Х.С.Тиллаев тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятида инфляция даражасини инобатга олиш лозимлигига эътибор қаратган. Хусусан, “тижорат банклари қимматли қоғозлар бозоридаги эмитент, инвестор ёки воситачи сифатидаги иштирокига иқтисодиётдаги инфляция даражаси бевосита таъсир юқори булиб, банклар





қимматли қоғозлар бозорида эмитент сифатида қатнашганида инфляция даражасини инобатга олиши лозим” [11].

### Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан лицензия берилган ва фаолият олиб бораётган тижорат банклари акциялари номинал қиймати куйидагича (1-жадвал).

1-жадвал

### Ўзбекистондаги тижорат банклари акциялари номинал баҳоси [12]

| №   | Тижорат банки номи     | Акция номинал қиймати |
|-----|------------------------|-----------------------|
| 1.  | O‘zmilliybank          | 1000 сўм              |
| 2.  | O‘zsanoatqurilishbank  | 19 сўм                |
| 3.  | Agrobank               | 1168 сўм              |
| 4.  | Mikrokreditbank        | 1068 сўм              |
| 5.  | Xalq bank              | 1000 сўм              |
| 6.  | Garant bank            | 100 сўм               |
| 7.  | "BRB" ATB              | 119,25 сўм            |
| 8.  | Turonbank              | 1700 сўм              |
| 9.  | Hamkorbank             | 5 сўм                 |
| 10. | Asakabank              | 139,01 сўм            |
| 11. | Ipak Yo‘li bank        | 10 сўм                |
| 12. | Ziraat Bank Uzbekistan | 1170 сўм              |
| 13. | Trastbank              | 1000 сўм              |
| 14. | Aloqabank              | 1 сўм                 |
| 15. | Ipoteka-bank           | 1 сўм                 |
| 16. | KDB Bank O‘zbekiston   | 148,63 сўм            |
| 17. | Universal bank         | 500 сўм               |
| 18. | Kapitalbank            | 950 сўм               |
| 19. | Octobank               | 1000 сўм              |
| 20. | Davr-bank              | 5000 сўм              |
| 21. | InFinBank              | 1000 сўм              |
| 22. | ASIA ALLIANCE BANK     | 20 сўм                |
| 23. | Orient Finans bank     | 1250 сўм              |
| 24. | Madad Invest Bank      | 5000 сўм              |
| 25. | AVO BANK               | 20 сўм                |
| 26. | Poytaxt bank           | 1000 сўм              |
| 27. | Tenge Bank             | 5000 сўм              |
| 28. | TBC Bank               | 1000 сўм              |
| 29. | ANOR BANK              | 1000 сўм              |
| 30. | UZUM BANK              | 1000 сўм              |
| 31. | SMART BANK             | 1000 сўм              |
| 32. | APEX BANK              | 1000 сўм              |
| 33. | HAYOT BANK             | 1000 сўм              |
| 34. | YANGI BANK             | 1000 сўм              |

Юқоридаги жадвал таҳлиллари кўрсатмоқдаки, барча тижорат банклари акциялари





номинал қиймати қонунчиликда белгиланган 5000 сўм доирасида белгиланган. Шуни қайд этишимиз керакки, битта акция битта овоз принципи қўлланиши боис тижорат банки акцияси номинал қиймати қанчалик паст бўлса, акциялар сони шунчалик кўп бўлади ва бу акциядорлар умумий йиғилиши баёнини юритишда ўзига хос мураккабликларни юзага келтиради.

Ўзбекистондаги тижорат банклари фаолиятида жами капитал ва устав капитали доимий равишда ўсиш тенденциясига эга бўлиб келмоқда. Мазкур жиҳатни тижорат банкларининг миллий иқтисодиётни молиялаштиришда асосий институт эканлиги билан изохлашимиз мумкин. Натижада ҳам бозор талаби асосида, ҳам давлат қўллаб-қувватлови асосида тижорат банклари капитали ўсиши мунтазамлик касб этмоқда. 2024 йил ва 2025 йил 1 январь ҳолатига тижорат банклари сони ўзгармаган ҳолда, уларнинг умумий капитали ва устав капитали миқдори ҳам хусусий банкларда, ҳам давлат иштирокида ўсганлигини кўришимиз мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

**Тижорат банклари жами ва устав капитали миқдори бўйича гуруҳланиши [13]**

| Кўрсаткич             | Жами         |                  | shulardan:       |          |                                |          |                              |          |                              |          |                               |          |                            |          |
|-----------------------|--------------|------------------|------------------|----------|--------------------------------|----------|------------------------------|----------|------------------------------|----------|-------------------------------|----------|----------------------------|----------|
|                       |              |                  | 500 млрд сўмгача |          | 500 млрд сўмдан 1 трлн сўмгача |          | 1 трлн сўмдан 2 трлн сўмгача |          | 2 трлн сўмдан 5 трлн сўмгача |          | 5 трлн сўмдан 10 трлн сўмгача |          | 10 трлн сўм ва ундан юқори |          |
|                       | Банклар сони | Сумма (млрд сўм) | Сони             | Улуш %да | Сони                           | Улуш %да | Сони                         | Улуш %да | Сони                         | Улуш %да | Сони                          | Улуш %да | Сони                       | Улуш %да |
| <b>01.01.2024</b>     |              |                  |                  |          |                                |          |                              |          |                              |          |                               |          |                            |          |
| Жами капитал          | 35           | 97 079           | 13               | 3,9      | 2                              | 1,5      | 6                            | 8,1      | 8                            | 25,7     | 4                             | 29,7     | 2                          | 31,1     |
| Шундан устав капитали | 35           | 68 643           | 17               | 7,0      | 4                              | 3,3      | 7                            | 13,8     | 3                            | 17,9     | 2                             | 19,8     | 2                          | 38,2     |
| <b>01.01.2025</b>     |              |                  |                  |          |                                |          |                              |          |                              |          |                               |          |                            |          |
| Жами капитал          | 36           | 114792           | 5                | 1,2      | 9                              | 4,6      | 7                            | 8,8      | 7                            | 20,0     | 5                             | 29,4     | 3                          | 36,0     |
| Шундан устав капитали | 36           | 83666            | 4                | 1,1      | 18                             | 12,2     | 4                            | 6,1      | 4                            | 15,4     | 4                             | 32,4     | 2                          | 32,8     |

Банклар сони 35 тадан ўзгармаган ҳолда жами капитал 2024 йилда – 97 079 млрд сўмни ташкил этган ҳолда, 2025 йилда – 114 792 млрд сўмга етган ва ўсиш 18,2 фоизга етган. Бунда тижорат банклари устав капитали 2024 йилда – 68 643 млрд сўмни ташкил этгани ҳолда, 2025 йилда – 83 666 млрд сўмга етган. Натижада ўсиш 21,9 фоиз пункт эканлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. 2024 йилда 10 трлн сўмдан юқори капиталга эга банклар улуши 31,1 фоизга тенг бўлса, 2025 йилда 33,6 фоизга кўтарилган. Ўз навбатида 5–10 трлн сўм оралиғида капиталга эга бўлган банклар улуши 29,7% дан 29,4% гача пасайган. Умуман олганда давлат иштирокидаги йирик банклар концентацияси бозорда кучайганлигини таъкидлашимиз лозим. Шунингдек устав капиталининг ўсиши кўп жиҳатдан тижорат банклари устав капитали минимал миқдори ўсиши билан ҳам боғлиқлигини алоҳида қайд этиб ўтишимиз лозим.

Тижорат банклари акциядорлик жамиятлари эканлиги акциялар воситасида арзон капитал жалб қилишлари муҳим ҳисобланади. Бунинг учун эса банк акциялар фонд биржаларида муомалада бўлиши лозим ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистондаги 35 та тижорат банкдан фақат 16 таси Тошкент республика фонд биржасида листингдан ўтканлигига гувоҳ бўлмоқдамиз (3-жадвал).





3-жадвал

**Тошкент РФБда листингдан ўтган тижорат банклари акциялари таҳлили [14]**

| №   | Листинг тоифа | Банк номи                                     | Листинг санаси | Номинал, сўмда | Акциялар сони     |
|-----|---------------|---|----------------|----------------|-------------------|
| 1.  | Standard      | <a href="#">O'zsanoatqurilishbank</a>         | 03.09.2003     | 19             | 243 258 522 516   |
| 2.  | Standard      | <a href="#">Agrobank</a>                      | 06.09.2003     | 1 168          | 10 928 601 938    |
| 3.  | Standard      | <a href="#">Ipoteka-bank</a>                  | 14.11.2003     | 1              | 3 826 165 638 941 |
| 4.  | Standard      | <a href="#">Hamkorbank</a>                    | 06.02.2007     | 5              | 125 289 246 000   |
| 5.  | Standard      | <a href="#">Ipak Yo'li</a>                    | 22.02.2007     | 10             | 60 239 945 264    |
| 6.  | Standard      | <a href="#">Aloqabank</a>                     | 15.05.2007     | 1              | 3 214 533 046 965 |
| 7.  | Standard      | <a href="#">Turonbank</a>                     | 25.10.2007     | 1 700          | 868 057 456       |
| 8.  | Standard      | <a href="#">Trastbank</a>                     | 26.11.2007     | 1 000          | 1 000 227 000     |
| 9.  | Standard      | <a href="#">Universal bank</a>                | 03.06.2008     | 5 000          | 100 000 000       |
| 10. | Standard      | <a href="#">OCTOBANK</a>                      | 26.06.2014     | 1 000          | 500 000 000       |
| 11. | Transit       | <a href="#">Biznesni rivojlantirish banki</a> | 05.12.2003     | 119.25         | 47 903 849 145    |
| 12. | Transit       | <a href="#">Kapitalbank</a>                   | 04.04.2007     | 950            | 528 826 498       |
| 13. | Transit       | <a href="#">Mikrokreditbank</a>               | 12.02.2008     | 1 068          | 6 734 494 963     |
| 14. | Transit       | <a href="#">GARANT BANK</a>                   | 23.12.2014     | 100            | 4 997 000 000     |
| 15. | Transit       | <a href="#">Xalq Banki</a>                    | 12.06.2023     | 1 000          | 11 517 308 144    |
| 16. | Transit       | <a href="#">InFinBank</a>                     | 15.05.2025     | 1 000          | 1 140 000 000     |

Юқоридаги таҳлиллардан аён бўлмоқдаки, Ўзбекистондаги бирорта ҳам тижорат банки Premium тоифаси бўйича листингдан ўтмаган. Ўнта тижорат банки акциялари Standard тоифасида листингдан ўтган, олтига банк акциялари эса Transit листинг тоифасида савдога қўйилган. Таҳлилларга кўра Ўзсаноатқурилишбанк акциялари 2003 йил 3 сентябрдан фонд биржаси савдоларида мавжуд. Мазкур банк энг кўп сонда, 243,2 миллиард дона ўз акцияларини очик муомалага чиқарганлигига қарамасдан, акция номинал қиймати пастлигига гувоҳ бўламиз. Лекин ҳажм нуқтаи назаридан Агробанк АТБнинг акциялари ҳажми энг юқори, яъни 12,77 триллион сўмга тенг.

### Хулоса

1. Ўзбекистон тижорат банклари акциялари номинал қиймати қонунчилик талаблари доирасида 5000 сўм этиб белгиланган. Бир акция – бир овоз принципи амал қилиши туфайли, акциялар сони кўпайган ҳолларда акциядорлар умумий йиғилишини ташкил этиш ва баённома юритишда муайян мураккабликлар юзага келиши мумкин.

2. 2024–2025 йилларда тижорат банклари жами капитали 18,2% га, устав капитали эса 21,9% га ўсган. Бу ҳолат тижорат банкларининг миллий иқтисодийни молиялаштиришда асосий институт сифатидаги ролини кучайтираётганини кўрсатади.

3. Давлат иштирокидаги йирик банklar бозордаги улушини оширмоқда. Хусусан, 10 трлн сўмдан юқори капиталга эга банklar улуши 31,1% дан 33,6% га кўтарилган бўлса, 5–





10 трлн сўм капиталига эга банклар улуши бироз пасайган. Бу бозорда йирик банклар консентацияси кучайиб бораётганини англатади.

4. Тижорат банклари акциядорлик жамияти сифатида арзон капитал жалб қилиш имкониятига эга бўлиши учун уларнинг акциялари фонд биржасида муомалада бўлиши муҳим. Бироқ ҳозирги пайтда 35 та банкдан фақат 16 таси Тошкент Республика фонд биржасида листингдан ўтгани капитал бозоридан фойдаланиш имкониятлари етарлича тўлиқ ишлатилмаётганини кўрсатмоқда.

5. Ўзбекистондаги тижорат банкларидан бирортаси ҳам Premium тоифаси бўйича листингдан ўтмагани, миллий фонд бозорида банк акцияларининг юқори шаффофлик ва халқаро стандартларга мос талаблар даражасига етиб бормаганини кўрсатади. Ҳозирги пайтда 10 та тижорат банки Standard тоифасида, 6 та банк эса Transit тоифасида савдога қўйилган. Бу эса тижорат банкларининг бир қисми фақат қонуний минимал талабларни бажарганини, айримлари эса фаол бозор иштирокчиси сифатида тўлиқ интеграциялана олмаганини англатади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони; <https://lex.uz/docs/5841063>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони; <https://lex.uz/docs/4811025>

3. John Hawkins. Bond markets and banks in emerging economies. // Bank for International Settlements (BIS), vol. 11, 2002. P. 42-48, <https://econpapers.repec.org/bookchap/bisbisbpc/11-03.htm>

4. John Hawkins. Bond markets and banks in emerging economies. // Bank for International Settlements (BIS), vol. 11, 2002. P. 42-48, <https://econpapers.repec.org/bookchap/bisbisbpc/11-03.htm>

5. Asli Demirgüç-Kunt, Erik Feyen, Ross Levine. The Evolving Importance of Banks and Securities Markets. // World Bank Economic Review, Vol. 27, No. 3, 2013

6. Sh.Z.Abdullayeva, A.A.Omonov. Tijorat banklari kapitali va uni boshqarish. – T.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2006. – 79b.

7. М.А.Султанов. Ўзбекистонда инвестиция фондларини ривожлантириш истикболлари: Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019. – 22 б.

8. И.М.Алимардонов, О.М.Намозов. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операцияларини ривожлантириш йўллари. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали, № 1, январь-февраль, 2020. – 5 бет.

9. Ш. Абдуллаева. Пул, кредит ва банклар. // Тошкент. «Молия», нашриёти, 2000 йил. – 229-230 б.

10. Н.Р.Турсунова. Корпоратив молияни бошқаришда молиявий таъминотни самарали ташкил этиш йўллари: Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019. – 16 б.

11. Х.С.Тиллаев. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини ривожлантириш: Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати – Т.: Тошкент молия институти, 2020. – 26 бет.

12. <https://uzcsd.uz/issuersList> - акциядорлик жамиятлари рўйхати, 14.06.2025 йил ҳолатига.

13. <https://cbu.uz/uz/statistics/bankstats/2124990/>

14. [https://uzse.uz/isu\\_infos/](https://uzse.uz/isu_infos/) 20.07.2025 йил ҳолатига.





**АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ОРҚАЛИ МАСОФАВИЙ БАНК  
ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ**

**Юсуфхўжаев Фазлиддин Мансур ўғли**

*Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti  
Mustaqil izlanuvchisi, Toshkent O'zbekiston.  
E-mail: yusufxo'jayev\_fazliddin@gmail.com  
ORCID: 0000-0000-0000-0000*

**Annotatsiya:** Raqamli iqtisodiyotning jadal rivojlanishi va global moilyaviy tizimda innovatsion texnologiyalarning keng qullanilishi bank xizmatlarini kursatishi jaraeni tubdan uzgartirdi. Ayniqsa, axborot texnologiyalari asosidagi masofaviy bank xizmatlari (internet-bankning, mobil-bankning, elektron tulov tizimlari, blokcheyn asosidagi operatsiyalar va sun'iy intellekt xizmatlari) iqtisodiyotning barqarorligini ta'minlashda hamda moilyaviy inkluziyani kengaytirishda muhim omilga aйланди. Mazkur maqolada bir qancha rivojlangan mamakatlarning raqamli bank tizimini modernizatsiya qilishdagi ilgor endashuvlari hamda regulativ mexanizmlari taxlil qilingan.

**Калит сўзлар:** Raqamli iqtisodiyot, Masofaviy bank xizmatlari, Axborot texnologiyalari, Fintech ekotizimi, Ochiq bank tizimi, Blokcheyn texnologiyasi, Sun'iy intellekt, Moilyaviy inkluziya, PSD2 direktivasi, Xoriж тажрибаси.

**FOREIGN EXPERIENCE IN THE DEVELOPMENT OF REMOTE BANKING  
SERVICES THROUGH INFORMATION TECHNOLOGIES  
THEME**

**Yusufkhujayev Fazliddin Mansur ugli**

*independent researcher of  
Tashkent State University of Economics,  
Tashkent, Uzbekistan  
E-mail: yusufxo'jayev\_fazliddin@gmail.com  
ORCID: 0000-0000-0000-0000*

**Abstract:** The rapid development of the digital economy and the widespread adoption of innovative technologies in the global financial system have fundamentally transformed the process of providing banking services. In particular, remote banking services based on information technologies—such as internet banking, mobile banking, electronic payment systems, blockchain-based operations, and artificial intelligence services—have become key factors in ensuring economic stability and expanding financial inclusion.

**Key words:** Digital economy, Remote banking services, Information technologies, Fintech ecosystem, Open banking system, Blockchain technology, Artificial intelligence, Financial inclusion, PSD2 Directive, Foreign experience

**ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ РАЗВИТИЯ ДИСТАНЦИОННЫХ БАНКОВСКИХ  
УСЛУГ С ПОМОЩЬЮ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**Юсуфходжаева Фазлиддина Мансур угли**

*Ташкентский государственный экономический университет  
Независимый исследователь, Ташкент Узбекистан.  
E-mail: yusufxojayev\_fazliddin@gmail.com  
ORCID: 0000-0000-0000-0000*

**Аннотация:** Стремительное развитие цифровой экономики и широкое применение инновационных технологий в глобальной финансовой системе коренным образом





изменили процесс предоставления банковских услуг. В частности, дистанционные банковские услуги на основе информационных технологий (интернет-банкинг, мобильный банкинг, электронные платежные системы, операции на основе блокчейна и услуги искусственного интеллекта) стали важным фактором обеспечения стабильности экономики и расширения финансовой инклюзии. В данной статье проанализированы передовые подходы и регулятивные механизмы модернизации цифровой банковской системы ряда развитых стран.

**Ключевые слова:** Цифровая экономика, Удаленные банковские услуги, Информационные технологии, Финтех-экосистема, Открытая банковская система, Технология блокчейн, Искусственный интеллект, Финансовая инклюзия, Директива PSD2, Зарубежный опыт.

## **Кириш**

Сўнги йилларда жаҳон молия тизимида рақамли трансформатсия жараёнлари мисли кўрилмаган суръатлар билан кечмоқда. Бу жараённинг марказида ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) туриб, улар банк тизими фаолиятини тубдан ўзгартириб юборди. Хусусан, масофавий банк хизматлари (интернет-банкинг, мобил-банкинг, СМС-банкинг, электрон тўлов тизимлари ва рақамли ҳамёнлар) мижозларга молиявий операцияларни тез, қулай ва хавфсиз шаклда амалга ошириш имконини бермоқда. Натижада, банк хизматлари бозори янги рақобат шароитига ўтиб, анъанавий офлайн хизматлар ўрнини инновацион рақамли ечимлар эгалламоқда.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, масофавий банк хизматларини ривожлантириш орқали нафақат банкларнинг самарадорлиги ошади, балки бутун иқтисодиётда молиявий инклюзия даражаси кенгайди, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий имкониятлардан фойдаланиш даражаси сезиларли яхшиланади. Масалан, АҚШ ва Буюк Британияда “опен банкинг” сиёсати орқали мижоз маълумотлари асосида интегратсиялашган молиявий экотизим яратилган бўлса, Япония ва Жанубий Кореяда “супер-апп” платформалари орқали тўлов, кредит ва инвестиция хизматлари ягона тизимда бирлаштирилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳам рақамли иқтисодиёт сари жадал интилаётган давлатлардан бири сифатида, банк тизимида рақамли хизматларни кенгайтириш ва масофавий банк амалиётларини такомиллаштириш йўлида муҳим чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Президентнинг “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясида молиявий хизматларни электрон шаклга ўтказиш, банклараро маълумот алмашинуви тизимини яратиш, шунингдек, сунъий интеллект ва блокчейн технологияларини банк соҳасига жорий этиш устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Шу нуқтаи назардан, хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини чуқур таҳлил қилиш, уларнинг технологик ва институтсионал ечимларини ўрганиш, ҳамда уларни Ўзбекистон шароитига мослаштириш долзарб илмий-амалий аҳамият касб этади. Айниқса, глобал молия бозори шароитида рақамли банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш, киберхавфсизликни мустақамлаш ва мижоз ишончини ошириш бўйича хорижий ёндашувлар миллий банклар учун ўртак бўла олади.

## **Адабиётлар таҳлили**

Ахборот технологиялари орқали масофавий банк хизматларини ривожлантириш йўналишлари алоҳида олинган назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар –ИПитер С. Роуз, J.Goyal, M.Singh, R.Singh ва A.Aggarwal, Терри Брэдфорд, Тинеш Басин, Х.Бабер, К.Леонг ва А.Сунг, Б.З.Жанг, А.Ашта ва М.Е.Бартон, R.Rupeika-Aroga, E.I. Thalassinis, P.Кастелла, С.Задек, Дж.Девлин, L.Benfratello, F.Schiantarelli ва A.Sembenelli ва бошқа олимларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

МДХ иқтисодчи олимларидан О.И.Лаврушин, М.В. Дубинин, А.А.Блажевич ва А.А.





Рябченко, И.А. Двоеглазова, В.К. Мукминов, И.И. Бычкова, А.М. Тавасиев, Т.Ю. Мазурина, В.Б. Бычков, А.С. Гончарук, Е.П. Жарковская, В. Спильниченко, Н. Лиходеева, К. Забродиская, А. Захарованинг илмий-тадқиқот ишларида учради

Таҳлил ва натижалар

Масофавий банк хизматларидан самарали фойдаланиш бугунги кунда онлайн, 24/7 ҳолатда ишловчи турли мобил иловалар хизматини ҳам йўлга қўйган бўлиб, хоҳлаган пайтда, дунёнинг хоҳлаган жойидан туриб фойдаланиш имкониятини тақдим этади.

Мисол учун, АҚШнинг энг йирик ҳисобланган “катта тўртлик” банклари- JP Morgan, Bank of America, Citi bank, Wells Fargo каби банклари ҳам рақобат шароитида замонавий банк хизматларини таклиф этишмоқда. Ҳаттоки, масофавий банк хизматлари кўратадиган тузилма ҳам ташкил этган.

Европанинг энг йирик банклари ҳисобланган Франциянинг BNP Paribas, Societe Generale, Credit Agricole банклари, Германиянинг Deutsche Bank, Commerzbank, DZ Bank банки, Италиянинг Intesa Sanpaolo, UniCreditBanco BPM каби банклари ҳам ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда самарали банк хизматларини тақдим этувчи алоҳида инфратузилмага эга.

Қуйида 2024 йилда энг яхши масофавий банк хизматларини кўрсатувчи банклар фаолиятини таҳлил қиламиз.

1-жадвал

**2024 йилда масофавий банк хизмат кўрсатувчи энг яхши топ-10 банклар рейтингини<sup>7</sup>**

| Банк номи           | Банк рейтингини | Банк маҳсулотлари   | Тўловлар  | Масофавий хизматлар тармоғи    |
|---------------------|-----------------|---|---|--------------------------------|
| Bank5 Connect       | 5.0             | ҳисоб-китоб, жамғарма ва депозит, депозит сертификатлари                                    | етарли бўлмаган тўловлар; ойлик, овердрафт, АТМ тўловлари йўқ | Кенг тармоқли                  |
| Quontic Bank        | 4.9             | жамғарма ва депозит, ҳисоб-китоб, пул бозори маҳсулотлари, депозит сертификатлари           | ойлик, овердрафт, АТМ тўловлари йўқ                           | 90,000+                        |
| Ally Bank           | 4.8             | жамғарма ва депозит, ҳисоб-китоб, пул бозори маҳсулотлари, депозит сертификатлари           | ойлик, овердрафт, АТМ тўловлари йўқ                           | 43,000+                        |
| Discover® Bank      | 4.7             | жамғарма ва депозит, ҳисоб-китоб, пул бозори маҳсулотлари, депозит сертификатлари           | ойлик, овердрафт, АТМ тўловлари йўқ                           | 60,000+                        |
| Synchrony Bank      | 4.7             | жамғарма ва депозит, пул бозори маҳсулотлари, депозит сертификатлари                        | ойлик, овердрафт, АТМ тўловлари йўқ                           | 60,000+                        |
| NBKC Bank           | 4.6             | жамғарма ва депозит, ҳисоб-китоб, пул бозори маҳсулотлари, депозит сертификатлари, тўловлар | ойлик, овердрафт, АТМ тўловлари йўқ                           | 37,000+                        |
| SoFi                | 4.5             | ҳисоб-китоб, жамғарма ва депозит  | Ойлик тўловлар мавжуд эмас                                    | 55,000+                        |
| EverBank            | 4.5             | ҳисоб-китоб, пул бозори маҳсулотлари, депозит сертификатлари, тўловлар                      | ойлик, овердрафт, АТМ тўловлари йўқ                           | 80,000+                        |
| Capital One 360     | 4.4             | жамғарма ва депозит, ҳисоб-китоб, депозит сертификатлари                                    | ойлик, овердрафт, АТМ тўловлари йўқ                           | 70,000+                        |
| First Internet Bank | 4.4             | ҳисоб-китоб, жамғарма ва депозит, пул бозори маҳсулотлари, депозит сертификатлари           | Айрим ҳисобрақамларда ойлик тўловлари мавжуд                  | АТМда ойига 10\$ қўшимча тўлов |

Ахборот технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда банк хизматларини тақдим

<sup>7</sup> <https://www.forbes.com/advisor/banking/best-online-banks/>





етишининг яна ўзига хос жиҳати шундаки, мижозларни жалб қилиш имкониятнинг юқорилиги ҳисобланади. Мисол учун, Хитойнинг Ant Group компаниясига тегишли бўлган Ant Financial банкининг 1,3 млрддан ортиқ мижозлари мавжуд. Ваҳоланки, ушбу банк 2014 йилда ташкил этилган.

Италиянинг финтехга асосланган Tinaba банки эса 2015 йилда ташкил этилганига қарамадан, 1,2 млрддан ортиқ мижозларга эга.

BankFive 1855 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган Массачусетс штатидаги жамоат банки ҳисобланади. Bank5 Connect орқали бир қанча банк маҳсулотлари ҳамда хизматларидан фойдаланишингиз мумкин. Bank5 Connect банки ўз мижозларига банк хизматларига бўлган талабларини қондириш учун энг зарур бўлган банк хизматларини таклиф қилади.

Юқори фоизли жамғарма ҳисобрақамлари 100\$ ёки ундан кўпроқ қўйишга йиллик 1.50 фоиз ставкали жамғармани таклиф қилади. Бу ҳисобрақамни очиш учун энг камида 10\$ қўйиш талаб этилади. Бошқа тўловлар яъни хизмат учун ортиқча тўлов мавжуд эмас. Бу аккаунт Bank5 Connect даги жорий ҳисобрақамга ҳам уланиши мумкин ҳамда жорий счёти қолдиғини ҳимоя қилиш учун хизмат қила олади. Боғланган аккаунтдан овердрафт ўтказмаларини амалга оширишга руҳсат берилмайди.

Bank5 Connectда яна “жумбо” (йирик) жамғарма ҳисобрақамлари ҳам бор ва улар 25000\$ ва ундан кўпроқ пул қўйганлар учун йилига 5.10% таклиф қилади. Бу жамғармада ҳам юқоридагидек ортиқча тўловлар мавжуд эмас, лекин жамғарманинг энг кам миқдори 25000\$ ни ташкил қилади. Бу ҳам банкдаги ҳисобрақам қолдиғини ҳимоялаш учун жорий ҳисобрақамга уланишлиги мумкин.

#### Жорий ҳисобрақамлари

Bank5 Connectнинг юқори фоизли жорий ҳисобрақамлари 100 ва ундан ортиқ бўлган доллардаги пул сақлашга 2,70% йиллик ставка таклиф қилади ҳамда маълум мақсадли тўлов харидлари учун кешбеклар бонуси берилади. Бу аккаунт очишга қўшимча тўловлари йўқ ва уларни атиги 10\$ билан очиш мумкин. Электрон шартномалар қилиш бепул, лекин электрон почтали шартномани хоҳласангиз 1 ой учун 1\$ абонамент тўлови мавжуд. Банкда дастлабки жорий рақам очиш мутлақо бепул.

Агар бошқа молиявий институтларда жойлашган ҳисобрақамга Bank5 Connectдаги жорий ҳисобрақамдан пул ўтказмоқчи бўлса, бу хизмат ҳам мутлақо текинга бажарилади.

Агарда жорий ҳисобрақамни жамғарма ҳисобрақамга боғлаб ишлатса, банкдаги ортиқча турган овердрафт счёти ҳимояси ҳам таъминланади. Жорий ҳисобрақамда кунлик харид лимити мавжуд ва бу 1500\$ ни ташкил қилмоқда.

#### Депозит сертификатлари

Bank5 Connect турли хил даврлар учун депозит сертификатларини тақдим қилади, улар асосан 6 ойдан 36 ойгача бўлган муддатлар учун чиқарилади. Энг кичик депозит 500 АҚШ доллари. Йиллик фоиз ставкалари ҳам депозит муддатига кўра фарқланади, одатда 0.35% ва 0.85% атрофида. Қўшимча ойлик тўловлар мавжуд эмас, фақатгина эрта ечиб олинган депозитлар учун жарималар қўлланилади.

2-жадвал

**Bank5 Connectнинг муддатига кўра депозитларининг фоиз ставкаси<sup>8</sup>**

| Муддат   | Йиллик фоиз ставка |
|----------|--------------------|
| 6 ойлик  | 5.05%              |
| 12 ойлик | 4.25%              |
| 15 ойлик | 4.25%              |
| 18 ойлик | 3.20%              |
| 21 ойлик | 3.20%              |
| 36 ойлик | 0.85%              |

<sup>8</sup> <https://www.forbes.com/advisor/banking/best-online-banks/>





Bank5 Connectda 24 ойлик инвестицион депозит сертификатлари ҳам мавжуд ва бу аккаунтга 2 йил ичида яна кўшимча маблағ кириш имконияти мавжуд. Бунда ҳам 500\$лик минимал талаби бор ва йиллик фоиз ставкаси 3.30%.

Bank5 Connect мижозлари мамлакат ҳудудида минглаб банкоматлардан хизмат ҳақисиз нақд пул ечиб олишлари мумкин. Bank5 Connect бошқа ҳудудда жойлашган, лекин ўзининг банкоматлар тармоғига уланган банкоматлардан мижозлари пул ечса бепул хизмат кўрсатади, банкоматлар тармоғига кирмаган банкоматдан ҳар бир ечилган пул айланиши учун 15\$ гача тўлов қопланади. Жорий ҳисобрақамлардан банкоматларда пул ечиш учун 500\$ кунлик чеклов ўрнатилган.

Bank5 Connect Apple ва Android қурилмалари учун мобил иловасини таклиф қилган. У 4.9 (5дан) юлдузчалар App Store да олган ва 4.2 юлдузча Google Play да қайд этилган. Иловада мобиль депозитлар, турли тўловлар, P2P ўтказмалар ва банкоматлар жойлашган ҳудудларни кўриш мумкин. Унда ҳаттоки иловага кирмасдан туриб балансни тезда текшириш имконияти киритилган, Агар сиз Apple Раудан фойдалансангиз, дебит картангизни мобил ҳамёнингизга осонгина улашингиз мумкин бўлади.

Банкнинг онлайн платформасида яна бир нечта функциялар жойлашган, масалан, ҳисоботларни кўриш мумкин, тўловларни тўхтатиш, Bank5 Connectдаги ёки бошқа аккаунтлардаги пул айланмаларини назорат қилиш, чекларнинг нусхаларини кўриш мумкин ва ҳақозо. Шунингдек исталган вақтда савол билан мижозлар билан ишлаш бўлимига мурожаат қилиш мумкин.

Банкнинг устунлик томонлари қуйидагилар ҳисобланади:

- депозит сертификатлари ҳамда жамғарма ҳисобрақамлари учун рақобатдош фоиз ставкаларининг мавжудлиги;

- Ички ва ташқи ўтказмалар учун ортиқча тўловларнинг йўқлиги;

- Овердрафт химоясини текинга таклиф қилиниши;

- Ойлик тўловларнинг йўқлиги;

- Минимал баланс суммаларининг пастлиги;

- Банкоматлар тизимидан ташқаридаги нақдлаштириш тўловларининг қоплаб берилиши;

- омонатлар Массачусетс штати Депозиторларининг Суғурталаш фонди томонидан кафолатланиши.

Банкнинг заиф томонлари ва камчиликлари:

- Мижозлар билан жонли ишлаш бўлими фақат Ғарбий минтақа вақти билан амалга оширилиши;

- Мижозлар билан ишлаш Федерал байрам кунлари йўқлиги;

- Қоғоз ҳисоботлар учун ойлик тўловнинг мавжудлиги (1\$);

- 100\$ дан паст бўлган жамғарма аккаунтлари учун фоизлар тўланмаслиги

Bank5 Connect масофавий банк хизматларини кўрсатишда рақобатбардошлик ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, банк ўз ҳисобварақларига рақобатбардош ставкаларни таклиф қилади ва юқори фоизли жорий ҳисобварағининг мавжудлиги билан жорий ва жамғарма ҳисобрақамлар учун ўзига жалб қилувчи ставкали таклифларни билдиради.

Масофавий банк хизматлари кўрсатувчи банклар рейтингига кейинги банк бу Ally банки ҳисобланиб, бу банк ҳам охириги йилларда ўзининг позициясини мустаҳкамлаб олганлигини кўриш мумкин.

Ally банки рақобатдош фоиз ставкалари, кам харажатли тўловлар ва аккаунт баланси чегари йўқлиги билан тўлиқ онлайн банк хизматларини ўзида мужассам этган банк ҳисобланади. Юта штатида жойлашган ва 2009 йилда ташкил этилган Ally Bank, 1920 йиллардан бошлаб фаолият юритиб келаётган Ally Financial, Inc.нинг фаолиятидан ташкил топган, фақат рақамли банк хизматларини таклиф этади. Жорий ва жамғарма ҳисобларига кўшилиб, Ally кредит карталари, инвестиция ҳисоблари, ипотека, автокредитларни молиялаш ва шахсий кредитлар ҳам таклиф этади. Ally Bank мижоз хизмати энг юқори





баҳога эга. Бу Ally Bankнинг тўлиқ эътиборини шахсий банк хизматлари ва маҳсулотларига қаратган.

Ҳар қандай жисмоний бўлимларни эгалламаганликнинг биринчи қулайлиги шундаки, банк харажатларни паст тўловлар шаклида мижозларга тақдим қила олади. Бу Ally Bank харажатлар ҳисобрақамига тааллуқли ва бу фақат шу банк томонидан тақлиф этилган ҳисобрақамдир.

Мижозлар ойлик тўловларни бермайдилар ва ҳисобни очиш учун минимал депозит талаб қилинмайди. Ally Bank ҳам банк овердрафт тўловларини тўламайди.

Мижозлар бемалол стандарт чеклар, дебит карта ва тўлов хизматларидан бепул фойдаланишлари мумкин. Allpoint банкоматларидан фойдаланадиган ҳисобрақам эгаси ҳеч қандай тўловларни тўлашга мажбур эмас, 43 000 дан ортиқ банкоматлар тармоғидан чиқиб кетганида ҳам, Ally ҳисоб-китобларни \$10 гача қайта қоплайди.

Жонли юзма юз хизмат кўрсатадиган филиаллар йўқлиги учун, мижозлар ҳисобрақамларини, маблағни юбориш учун ахборот технологиясига таянади. Ойлик тўловларини шакллантириш мумкин ва Ally eCheck Deposit хусусияти орқали қоғоз чекларни мобил телефон камераси орқали юбориш имкониятига эга бўлади. Ally ҳам Zelle платформасидан самарали фойдаланади, бу яқинлар ва оила аъзоларига маблағ ўтказиш имконини берадиган маблағ жўнатиш платформасидир. Рақамли технологияга унчалик тушунмайдиган ёши катта мижозлар электрон почта хизматидан фойдаланиш мумкин.

Ally Bank жорий ҳисобрақамида кунлик баланси 15000 АҚШ долларидан паст сумма сақласа 0.10 фоиз, агарда ундан кўп сақласа йиллик 0.25 фоиз миқдорда фоиз тўлайди. Бу фоизлар юқори ставкадек кўриниши мумкин, лекин энг зўр жорий ҳисобрақамлардек баланд эмас.

Мисол учун Capital One 360 жорий ҳисобрақами йиллик 0.10 фоиз барча маблағлар учун тўласа, Wells Fargo Premier жорий ҳисобрақамдаги балансдаги пулга қараб йиллик 0.25 фоиздан 0.50 фоизгача тўлов тўлайди.

Ally Bank Жамғарма ҳисобрақамлари таҳлилини кўриб чиқамиз.

Барча энг яхши жамғарма ҳисобрақамлари йиллик юқори фоиз ставкалари тақлиф қилишга ўрганиб қолганидек, Ally Bank ҳам шу йўлни тутлади. Ушбу маблағлардан мижозлар бойиб кетмаслиги мумкин, лекин анъанавий банклардан кўра яхшироқ ҳақ ва фоиз олади.

Ally Bank ўзининг жамғарма омонат ҳисобварағига йиллик 4,20 фоиз ставкасида тўлайди, бу миллий ўртача кўрсаткичдан 10 баравар кўпдир. Фоизлар ҳар куни ҳисобланади.

Ҳисоб-фактурани сақлаш учун ойлик тўлов 0\$ ни ташкил қилади ва минимал баланс талаблари мавжуд эмас. Федерал қонунчиликдаги ўзгаришлар туфайли Ally Bank ҳозирда амалга оширишингиз мумкин бўлган операциялар сонини чекламайди. Илгари, ҳар бир ҳисобот циклида олтиадан кўп бўлмаган операцияларни амалга ошириш мумкин эди. Шундан сўнг, Ally Bank одатда ҳар бир кўшимча транзакция учун 10 доллар олади, аммо КОВИД-19 туфайли банк бу тўловни вақтинча қайтаради. Мижозлар смартфон ёки почта орқали депозит қўйишлари мумкин.

Жамғарма ҳисобварағидан ташқари, Ally Bank пул бозоридаги ҳисоб рақамини ҳам тақлиф қилади, бу баланснинг барча даражаларига йиллик 4,20 фоиз ставкасини беради. Бу уни пул бозоридаги энг яхши ҳисоблардан бирига айлантиради.

Мижозлар ушбу ҳисобдан фойдаланиш учун ойлик тўловни тўламайдилар ва минимал қолдиқ талабларини қўймайдилар. Мижозлар чексиз миқдорда депозит қўйишлари ва банкоматлардан бепул пул олишлари мумкин.

Депозит сертификатлари (to certificates of deposits (CDs)) ҳақида гап кетганда, Ally Bank омонатчиларнинг эҳтиёжларини қондириш учун турли хил шартлар ва турларни тақлиф этади. Анъанавий юқори даромадли CDs уч ойдан беш йилгача давом этади. CDsни очиш учун минимал депозит талаб қилинмайди.





3-жадвал

**Ally Bank Депозит сертификатлари ставкалари<sup>9</sup>**

| муддати  | Йиллик фоиз ставка |
|----------|--------------------|
| 3 ойлик  | 3.00%              |
| 6 ойлик  | 4.40%              |
| 9 ойлик  | 4.25%              |
| 12 ойлик | 4.50%              |
| 18 ойлик | 4.25%              |
| 3 йиллик | 4.00%              |
| 5 йиллик | 3.90%              |

Ally Bank шунингдек, икки ва тўрт йил давомида “даражангизни ошириш” дастурини таклиф қилади. Сиз ставкангизни икки йиллик муддат ичида бир марта ёки тўрт йиллик муддат ичида икки марта оширишингиз мумкин. Иккала шарт бўйича фоиз ставкаси 3,75 фоизни ташкил қилади.

Ҳам юқори даромадли, ҳам имтиёзли Депозит сертификатлари муддатидан олдин ечиб олиш учун жарималарни ўз ичига олади, бу муддатларга қараб ўзгаради. 24 ой ёки ундан кам муддатда банк 60 кунлик фоизларни ҳисоблаб чиқади. 25 ойдан 36 ойгача бўлган даврда фоизларни ҳисоблаш 90 кунгача оширилади. 37 ойдан 48 ойгача бўлган муддатда комиссия фоизлар билан 120 кунни ташкил қилади. Ва 49 ой ёки ундан кўпроқ вақт давомида комиссия фоизлар билан 150 кунни ташкил қилади. Мазкур амалиёт мамлакатимиз банк тизимида ҳам бугунги кунда фаол қўланмоқда.

**Хулоса**

Тақдим этилган маълумотлар таҳлили шунини кўрсатадики, ахборот технологияларига таянадиган масофавий банк хизматлари 24/7, глобал қамров ва мижоз тажрибасини персоналлаштириш имкониятлари орқали рақобат барқарор устунлик беради. АҚШ («катта тўртлик» ва тўлиқ онлайн банклар), Европа (BNP Paribas, Deutsche Bank, Intesa Sanpaolo ва б.) ҳамда финтех платформалар (Ant Group, Tinaba ва б.) амалиётдан куйидаги хулосалар чиқади:

1. Рақобат драйверлари: ойлик йиғимлар йўқлиги, овердрафт ва АТМ тўловларини камайтириш/қоплаш, кенг АТМ тармоғига уланиш, юқори даромадли жамғармавий ҳисобварақлар ва рақобатбардош CD (депозит сертификати) ставкалари — онлайн банклар рейтингининг асосий мезонлари. Bank5 Connect ва Ally каби моделлар бунда эталон бўлиб хизмат қилади.

2. Мижозларни жалб этиш: мобил иловалар орқали содда onboarding, P2P тўловлар (масалан, Zelle), рақамли депозит ва чекларни масофадан киритиш функционали аудиторияни тез кенгайтиради; финтех экотизими (супер-иловалар) эса кросс-сотув ва мульти-сервис пакетларини кучайтиради.

3. Операцион самарадорлик: филиалсиз ёки «light-branch» модель харажатларни кескин пасайтиради, натижада ставка/тарифларда рақобатбардошлик пайдо бўлади; мижоз хизматлари маркази, чат-бот ва омниканал қўллаб-қувватлаш эса тезкорликни оширади.

4. Ишонч ва хавфсизлик: 24/7 каналлар кенгайиши киберхавфсизлик, шахсий маълумотни ҳимоя қилиш ва фрод-менежментни устувор қилади; очик банкинг (open banking) инфратузилмаси APIлар орқали ҳамкорликка имкон берса-да, регулятор талаблари ва риск назоратини кучайтиришни талаб қилади.

5. Маҳсулот архитектураси: жорий/жамғармавий ҳисобварақларда дифференциал фоизлар, кешбек ва лимитлар (кунлик харид/нақдлаш), CD муддатлари бўйича шаффоф тарифлар — мижозни ушлаб қолиш ва «лояллик ҳаёти цикл»ни узайтиради.

<sup>9</sup> <https://www.forbes.com/advisor/banking/best-online-banks/>





6. Ечимлар мослашуви: катта мижозлар сегментларида (ёшлар, меҳнат мигрантлари, кичик бизнес) UX оддийлиги ва тариф шаффофлиги асосий омилга айланади; рақамли саводхонлик паст бўлган гуруҳлар учун «цифрлик куратор» ва офлайн-онлайн гибрид хизматлар зарур.

Миллий амалиёт учун таклиф ва устувор вазифалар

- Регуляторий база: очиқ банкингга ўтиш учун босқичма-босқич ҳуқуқий асос (PSD2га ўхшаш стандартлар), регулятор сэндрокси ва тест API каталоги жорий этиш.

- Тўлов инфратузилмаси: реал вақтли миллий тўлов платформа(лари), QR-тўловлар стандартлари, АТМ/терминал тармоқларини ўзаро тан олиш ва комиссияларни қоплаш механизмлари.

- Мижоз тажрибаси (CX): «zero-fee» ёки «low-fee» пакетлар, овердрафт ҳимоясини ақли тарзда бошқариш, омниканал саппорт (чат, телеграм-бот, колл-марказ) ва UX содалаштириш.

- Иқтисодий самара: филиал харажатларини цифрлаш орқали қисқартириш натижасида фоиз/тариф рақобатбардошлигини ошириш; жамғармавий депозитларда динамик ставкалар ва CD линейкаси.

Хулоса қилиб айтганда масофавий банк хизматларида халқаро тажриба — паст тўловлар, кенг қонуний-технологик инфратузилма, юқори UX, кучли хавф-менежмент ва очиқ ҳамкорликка таянади. Бу йўл харитаси миллий банк тизими рақобатбардошлигини ошириш, молиявий инклюзияни кенгайтириш ва барқарор ўсишга хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. World Bank. Global Findex Database 2021: Financial Inclusion, Digital Payments, and Resilience in the Age of COVID-19. Washington, DC: World Bank, 2022. [World Bank](#)

2. Basel Committee on Banking Supervision (BIS). Report on Open Banking and Application Programming Interfaces (APIs), 19 November 2019. [Международные расчеты банка](#)

3. Basel Committee on Banking Supervision (BIS). Digitalisation of Finance (synthesised references to operational resilience, AI/ML, etc.), 2024. [Международные расчеты банка](#)

4. European Central Bank (ECB). The Revised Payment Services Directive (PSD2): Overview, 13 March 2018. [European Central Bank](#)

5. European Banking Authority (EBA). Regulatory Technical Standards on Strong Customer Authentication and Secure Communication (SCA & CSC) under PSD2, 2022. [eba.europa.eu](#)

6. European Commission. PSD2 Review & Open Finance – Consultation Document, May 2022. [Finance](#)

7. Monetary Authority of Singapore (MAS). Annex A: Digital Full Bank Framework (licensing principles), 2019–2020. [mas.gov.sg](#)

8. MAS. Eligibility Criteria and Requirements for Digital Banks, last updated 19 Dec 2022. [mas.gov.sg](#)

9. IMF. *Fintech Notes* (series; policy guidance on digital money, payments, interoperability), 2019–2024+.

10. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Farmoni PF-6079 (05.10.2020). “Raқamli O‘zbekiston — 2030” strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida.





## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

**Рўзиев Насим Ибрагимович**

*Тошкент ижтимоий инновация университети  
Молия ресурсларини бошқариш бўлими бошлиғи  
E-mail: nasim\_9025@mail.ru  
ORCID: orcid.org/0009-0003-7835-7069*

**Аннотация:** Мақолада тижорат банклари инвестиция фаолиятининг ҳозирги замон иқтисодиётидаги аҳамияти ва унинг самарадорлигини оширишга доир долзарб масалалар таҳлил қилинади. Инвестиция фаолияти тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашда, миллий иқтисодиёт тармоқларига инвестиция киритиш орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда муҳим омил ҳисобланади. Шу билан бирга, банкларнинг инвестиция амалиётида молиявий воситалардан самарали фойдаланиш имкониятлари, диверсификация жараёнлари ва инновацион молиявий инструментларни жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, “яшил молия” ва “рақамли молия” воситаларини инвестиция фаолиятига интеграция қилиш истиқболлари ҳамда уларнинг банклар барқарорлигига таъсири ёритилган. Тадқиқотда миллий ва халқаро амалиёт мисолида мавжуд муаммолар таҳлил қилиниб, Ўзбекистон тижорат банклари инвестиция фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** тижорат банклари, инвестиция фаолияти, молиявий воситалар, диверсификация, самарадорлик, яшил молия, рақамли молия.

## ESSENTIAL ASPECTS OF COMMERCIAL BANKS' INVESTMENT ACTIVITIES

**Ro'ziyev Nasim Ibragimovich**

*Tashkent University of Social Innovations  
Head of the Financial Resources Management Department  
E-mail: nasim\_9025@mail.ru  
ORCID: orcid.org/0009-0003-7835-7069*

**Annotation:** The article analyzes the current issues of commercial banks' investment activities and their significance in the modern economy. Investment activities are considered a key factor in ensuring the financial stability of commercial banks and stimulating economic growth through investment in national economic sectors. Particular attention is paid to the use of financial instruments in investment operations, the diversification of assets, and the introduction of innovative financial tools. In particular, the prospects of integrating “green finance” and “digital finance” instruments into investment activities and their impact on the stability of banks are highlighted. Based on national and international practices, the study identifies existing problems and develops practical proposals and recommendations for improving the investment activities of commercial banks in Uzbekistan.

**Keywords:** commercial banks, investment activity, financial instruments, diversification, efficiency, green finance, digital finance.

## АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

**Рузиев Насим Ибрагимович**

*Ташкентский университет социальных инноваций  
Начальник отдела управления финансовыми ресурсами  
E-mail: nasim\_9025@mail.ru*





ORCID: [orcid.org/0009-0003-7835-7069](https://orcid.org/0009-0003-7835-7069)

**Аннотация:** В статье анализируются актуальные вопросы инвестиционной деятельности коммерческих банков и её значение в современной экономике. Инвестиционная деятельность рассматривается как важный фактор обеспечения финансовой устойчивости коммерческих банков и стимулирования экономического роста за счёт вложений в отрасли национальной экономики. Особое внимание уделено использованию финансовых инструментов в инвестиционных операциях, диверсификации активов и внедрению инновационных финансовых средств. В частности, раскрываются перспективы интеграции инструментов «зелёных финансов» и «цифровых финансов» в инвестиционную деятельность, а также их влияние на устойчивость банков. На основе национальной и международной практики выявлены существующие проблемы и разработаны практические предложения и рекомендации по совершенствованию инвестиционной деятельности коммерческих банков в Узбекистане.

**Ключевые слова:** коммерческие банки, инвестиционная деятельность, финансовые инструменты, диверсификация, эффективность, зелёные финансы, цифровые финансы.

### **Кириш**

Хозирги глобал иктисодий шароитда банк тизимининг барқарорлиги ва самарадорлиги мамлакат молиявий хавфсизлигини таъминлашда ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “барқарор молия тизими – иктисодиёт таракқиётининг асосий таянчи, инвестиция жараёнларини кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратишнинг кафолатидир”[1]. Шу нуқтаи назардан, тижорат банклари инвестиция фаолиятининг самарадорлигини ошириш, молиявий воситалардан кенг фойдаланиш ва уларни диверсификация қилиш масалалари бугунги куннинг долзарб вазибалари сифатида намоён бўлмоқда.

Молия вазирлиги маълумотларига кўра, сўнгги беш йилда миллий иктисодиётда инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 30 фоиздан ошиб, 2023 йилда 34,1 фоизни ташкил этди [2]. Бу жараёнда тижорат банклари фаол иштирок этмоқда — уларнинг инвестиция лойиҳаларига йўналтирган маблағлари муттасил ўсиб бормоқда. Хусусан, 2022 йилда банклар томонидан иктисодиётнинг реал секторига ажратилган инвестиция кредитлари 140 трлн сўмдан ошган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 160 трлн сўмга етди [2].

Марказий банк статистикасига кўра, 2024 йил бошига келиб банк тизимининг умумий активлари 710 трлн сўмдан ошиб, уларнинг 25 фоизга яқини инвестиция билан боғлиқ операцияларга тўғри келган<sup>3</sup>. Бу эса тижорат банклари инвестиция фаолияти миллий иктисодиётдаги асосий “қўзғатувчи куч”лардан бирига айланганини кўрсатади. Шу билан бирга, инвестиция жараёнларини диверсификация қилиш, янги молиявий воситаларни жорий этиш, “яшил молия” ва “рақамли молия” имкониятларидан самарали фойдаланиш каби масалалар ҳали етарли даражада ҳал этилмаган.

Шунинг жиҳатдан мақолада тижорат банклари инвестиция фаолиятининг долзарб масалалари, унинг самарадорлигини ошириш омиллари, миллий ва халқаро амалиётда қўлланилаётган молиявий воситалар таҳлил қилинади ҳамда Ўзбекистон шароитида уни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

### **Адабиётлар шарҳи**

Тижорат банклари инвестиция фаолияти ва уни такомиллаштириш масалалари бўйича маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилган. Халқаро иктисодий назарияда банк инвестиция сиёсати молиявий барқарорликни таъминлаш, активлар диверсификацияси ва капитал бозорлари билан чуқур интеграцияни кучайтиришда муҳим омил сифатида қаралади. Масалан, Ж.





Тобиннинг “портфель диверсификацияси назарияси” [3] ва М. Марковицнинг “портфель назарияси”да банклар ва молиявий институтлар учун инвестицияларнинг хавф ва даромад мутаносиблигини таъминлаш муҳимлиги таъкидланади [4].

Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси ҳисоботларида (World Bank, IMF) ривожланаётган мамлакатларда банк инвестиция фаолияти кўпинча давлат қимматли қоғозлари билан чекланиб қолаётгани [5], бу эса диверсификация даражасини пасайтириши ва иқтисодий барқарорликка салбий таъсир кўрсатиши қайд этилган[6]. Шунингдек, Осиё тараққиёт банки (ADB) ҳисоботларида миллий банк тизимлари учун “яшил молия” ва “рақамли молия” инструментларини жорий этиш иқтисодиётни барқарорлаштиришда муҳим қадам бўлиши таъкидланган[7].

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда тижорат банклари инвестиция фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Президент Ш.М. Мирзиёевнинг нутқларида миллий банк тизимини трансформация қилиш, банк активларини диверсификация қилиш ва замонавий молиявий воситаларни жорий этиш зарурлиги алоҳида қайд этилган [8]. Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг расмий ҳисоботларида банклар инвестиция лойиҳаларига ажратаётган маблағлар ҳажми йил сайин ўсиб бораётгани, аммо инвестиция инструментларининг турлари ҳали чеклангани кўрсатиб берилган [9, 10].

Россиялик иқтисодчи О.И. Лаврушин ўз асарларида банк инвестиция сиёсатини банк ресурсларини самарали жойлаштириш ва иқтисодиётнинг стратегик тармоқларига узоқ муддатли инвестиция киритишнинг асосий воситаси сифатида таърифлайди[11]. Шу билан бирга, Г.Н. Белоглазова ва Л.П. Кроливецкая тижорат банклари инвестиция фаолиятида рискларни бошқариш, диверсификацияни кенгайтириш ва янги молиявий воситаларни жорий этиш зарурлигини таъкидлайдилар[12].

Белоруссиялик олим В.А. Белов эса инвестиция фаолиятини диверсификация қилишда давлат қимматли қоғозлари билан чекланиб қолмасдан, корпоратив облигациялар, акциялар ва замонавий молиявий воситалардан ҳам самарали фойдаланиш зарурлигини кўрсатиб ўтади[13]. Қозоғистонлик олимлардан К. Шахметова ва А.Ж. Баймуханов ўз ишларида банкларнинг инвестиция фаолиятини ривожлантиришда рақамлаштириш жараёнлари ва финтех ҳамкорликларининг аҳамиятига урғу беришган[14]. Маҳаллий олимлар орасида ҳам мазкур мавзуда қатор изланишлар олиб борилган. Жумладан, Ш.З. Абдуллаева банкларнинг инвестиция фаолиятида молиявий воситалардан самарали фойдаланиш миллий иқтисодиётда капитал айланиши ва молиявий ресурсларни тақсимлаш самарадорлигини оширишини таъкидлайди[15]. Шунингдек, Қ.Х. Абдурахмонов ва С.А. Умаров ўз асарларида банк инвестиция сиёсатини миллий иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш орқали иқтисодий ўсишга қўшадиган ҳиссасини очиб берганлар[16].

Шу жиҳатдан, адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, тижорат банклари инвестиция фаолиятини диверсификация қилиш, молиявий воситалардан фойдаланишни кенгайтириш ва рақамли технологиялар билан уйғунлаштириш масалалари ҳам МДХ, ҳам маҳаллий олимлар назарий қарашларида муҳим ўрин эгаллайди. Бироқ Ўзбекистон амалиётида ҳали “яшил молия”, “рақамли молия” ва инновацион молиявий воситалар етарлича тадқиқ этилмаганлиги сабабли, ушбу йўналиш бўйича илмий изланишларни чуқурлаштириш зарур.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Ўзбекистон банк тизимида сўнгги йилларда инвестиция фаолиятининг улуши сезиларли даражада ортгани кузатилмоқда. Марказий банк ҳисоботларига кўра, 2022–2024 йилларда тижорат банклари активлари муттасил ўсиб, уларнинг таркибида инвестиция операцияларига йўналтирилган маблағлар ҳажми ҳам ортиб борди<sup>1</sup>. Масалан, 2022 йилда банк тизими активларида инвестиция маблағлари тахминан 120 трлн сўм атрофида бўлган бўлса, 2023 йилда 140 трлн сўмдан ошди, 2024 йил бошига келиб эса 160 трлн сўмга





яқинлашди.

Аммо таҳлил шуни кўрсатадики, тижорат банклари инвестиция фаолияти ханузгача асосан давлат қимматли қоғозлари билан чекланиб қолмоқда. Корпоратив облигациялар, акциялар ва венчур молиялаштириш каби замонавий молиявий воситалардан фойдаланиш улуши жуда кам. Жаҳон банки ва ХВФ ҳисоботларида ҳам Ўзбекистонда молия бозорининг чуқурлиги ҳали етарли эмаслиги, капитал бозори иштирокчилари камлиги ва ликвидлик даражаси пастлиги таъкидланган<sup>6</sup>.

МДХ мамлакатлари тажрибаси билан таққослаганда, Россия ва Қозоғистон банклари корпоратив облигациялар бозорида фаол иштирок этмоқда, шунингдек акцияларга инвестиция киритиш улуши ҳам анча юқори. Белоруссияда эса тижорат банклари инвестиция портфелини диверсификация қилиш мақсадида давлат қимматли қоғозларидан ташқари корпоратив қимматли қоғозларга ҳам катта эътибор қаратмоқда[17]. Бу тажрибалар Ўзбекистон учун ҳам инвестиция сиёсатини диверсификация қилиш зарурлигини кўрсатади.

Ўзбекистон тижорат банклари активлари таркибини таҳлил қилиш уларнинг инвестиция фаолиятини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Активлар таркибида кредитлар асосий улушни эгалласа-да, сўнгги йилларда инвестициялар улуши ҳам сезиларли даражада ортгани кузатилмоқда. Қуйидаги жадвалда 2020–2025 йиллар мобайнида тижорат банклари активлари таркиби, жами активлар ҳажми ва уларнинг асосий йўналишлар кесимидаги улушлари келтирилган.

1-жадвал

**Ўзбекистон тижорат банклари активлари таркиби<sup>10</sup>**  
(1 январь ҳолатига, фоиз ҳисобида)

| Активлар таркиби                                  | 2020 й.      | 2021 й.      | 2022 й.      | 2023 й.      | 2024 й.      | 2025 й.      |
|---|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|
| Жами активлар<br>(млрд сўм)                       | 272 726,9    | 366 121,1    | 444 922,5    | 556 746,3    | 652 157,1    | 769 330,4    |
| Нақд пуллар                                       | 2,4          | 2,7          | 3,2          | 3,5          | 3,1          | 3,3          |
| Марказий банкдаги<br>маблағлар                    | 5,4          | 5,1          | 5,8          | 6,6          | 5,1          | 4,5          |
| Бошқа банклардаги<br>маблағлар -<br>резидентлар   | 3,7          | 3,6          | 2,9          | 3,1          | 3,7          | 3,8          |
| Бошқа банклардаги<br>маблағлар -<br>норезидентлар | 5,7          | 5,9          | 9,9          | 6,8          | 4,4          | 4,7          |
| Инвестициялар                                     | 1,2          | 2,6          | 5,4          | 5,7          | 5,0          | 7,7          |
| Деривативлар                                      | 0,2          | 0,4          | 0,1          | 0,3          | 0,5          | 0,1          |
| Кредитлар   | 76,1         | 73,8         | 66,6         | 68,1         | 70,2         | 66,9         |
| Асосий воситалар                                  | 2,1          | 2,3          | 2,4          | 2,6          | 3,0          | 3,2          |
| Ҳисобланган<br>фоизлар                            | 1,2          | 2,2          | 2,2          | 2,2          | 3,0          | 3,1          |
| Банкларнинг бошқа<br>мулклари                     | 0,1          | 0,3          | 0,6          | 0,6          | 0,7          | 0,9          |
| Бошқа активлар                                    | 1,9          | 1,1          | 0,9          | 0,7          | 1,3          | 1,9          |
| <b>Жами</b>                                       | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> |

Жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, 2020–2025 йиллар мобайнида Ўзбекистон тижорат банклари активлари ҳажми муттасил ўсиб борган. Агар 2020 йилда жами активлар 272,7 трлн сўмни ташкил этган бўлса, 2025 йил бошига келиб бу кўрсаткич қарийб уч баробарга кўпайиб, 769,3 трлн сўмга етган.

Активлар таркибида энг катта улуш анъанавий равишда кредитларга тўғри келмоқда. Бироқ уларнинг улуши 2020 йилдаги 76,1 фоиздан 2025 йилда 66,9 фоизгача пасайган. Бу эса банклар активлари таркибининг диверсификацияланаётганини англатади.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди  
<https://cbu.uz/oz/statistics/buletin/2586852/>






Шу билан бирга, инвестицияларнинг улуши сезиларли даражада ўсди: 2020 йилда 1,2 фоиз бўлган бўлса, 2025 йилга келиб 7,7 фоизга етди. Бу ҳолат тижорат банкларининг фақат кредитлаш билан чекланиб қолмай, инвестиция йўналишларига ҳам фаол кириб бораётганини кўрсатади.

Бошқа йирик моддалардан Марказий банкдаги маблағлар 2020 йилда 5,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2025 йилда 4,5 фоизга тушган. Норезидент банклардаги маблағлар эса йилдан-йилга ўзгарувчан ҳолатни кўрсатиб, 2022 йилда 9,9 фоизгача ошган, кейин эса пасайгани кузатилмоқда. Бу ҳолат ташқи молия бозорларига интеграция жараёнларининг турли омилларга боғлиқ равишда ўзгариб турганини англатади.

Шунингдек, ҳисобланган фоизлар улуши 2020 йилдаги 1,2 фоиздан 2025 йилда 3,1 фоизгача кўтарилгани, асосий воситаларнинг улуши эса 2,1 фоиздан 3,2 фоизга ўсгани ҳам диққатга сазовор. Банкларнинг бошқа мулклари ва бошқа активлар улуши нисбатан кичик бўлса-да, йиллар кесимида уларда ҳам ўсиш кузатилган.

Илмий ишимизни чуқурлаштириш ҳамда тижорат банклари инвестиция фаолиятининг амалий ҳолатини таҳлил қилиш асосида тегишли хулосаларни ишлаб чиқиш имкони яратилади. Шу нуқтаи назардан, инвестиция маблағларининг ҳажми ва уларнинг йиллар кесимидаги ўзгариш тенденцияларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Қуйидаги 1-расмда 2020–2025 йиллар мобайнида тижорат банклари активлари таркибида инвестиция маблағлари динамикаси келтирилган.



**1-расм. Ўзбекистон тижорат банклари жами инвестициялари<sup>11</sup> (1 январь ҳолатига, млрд сўмда)**

Расм маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, 2020–2025 йиллар мобайнида тижорат банклари активлари таркибида инвестиция маблағлари ҳажми изчил ўсиш тенденциясини намоён этди. Агар 2020 йилда инвестициялар жами 3,1 трлн сўм атрофида бўлган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич қарийб уч баробарга ўсиб, 9,4 трлн сўмга етган. 2022 йилда эса инвестициялар ҳажми яна икки баробарга кўпайиб, 19,6 трлн сўмни ташкил этди.

Айниқса, 2023 ва 2024 йилларда ўсиш суръати юқори бўлгани кузатилади. 2023 йил бошига келиб инвестициялар ҳажми 31,5 трлн сўмга етган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 32,5 трлн сўмни ташкил этган. Энг катта ўсиш 2025 йил бошига тўғри келди: инвестициялар ҳажми 59,6 трлн сўмгача ошиб, олдинги йилга нисбатан қарийб икки баробар кўпайди.

Бу ҳолат тижорат банклари фаолиятида инвестиция йўналишига алоҳида эътибор

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди  
<https://cbu.uz/oz/statistics/buletin/2586852/>





қаратилмоқда, диверсификация жараёнлари кучаймоқда ва миллий молия бозорида инвестиция воситалари улуши кенгаймоқда, деган фикрни тасдиқлайди. Шу билан бирга, банклар инвестиция фаолиятининг ўсиши мамлакат иқтисодиётида капитал айланиши ва барқарор молиялаштириш жараёнларига ижобий таъсир кўрсатиши аниқ.

Расм маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, 2020–2025 йиллар мобайнида тижорат банклари активлари таркибида инвестиция маблағлари изчил ва сезиларли суръатлар билан ўсган. Хусусан, 2020 йилда инвестициялар 3,1 трлн сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич қарийб уч баробарга ошиб, 9,4 трлн сўмга етган. Кейинги йилларда ўсиш янада жадаллашди: 2022 йилда 19,6 трлн сўм, 2023 йилда эса 31,5 трлн сўмгача қўпайди.

Айниқса, 2024 ва 2025 йилларда ўсиш суръати юқори даражада намоён бўлди. 2024 йил бошида инвестициялар ҳажми 32,5 трлн сўмни ташкил этган бўлса, 2025 йил бошига келиб бу кўрсаткич қарийб икки баробарга қўпайиб, 59,6 трлн сўмга етди.

Ушбу тенденциядан кўриниб турибдики, сўнгги беш йилда тижорат банклари инвестиция фаолиятидаги ўсиш салмоқли бўлиб, инвестиция маблағлари ҳажми 20 баробардан зиёдга ошган. Бу ҳолат банклар фаолиятида инвестиция сиёсати ва диверсификацияга тобора катта эътибор қаратилмоқда, деган хулосага олиб келади. Шу билан бирга, инвестиция фаолиятининг кенгайиши банк тизимининг барқарорлигини таъминлашда ҳамда миллий иқтисодиётда капитал айланишини кучайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда, бироқ ушбу миқдор банк тизими активлари таркибида пастлигича қолмоқда.

### **Хулоса**

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банклари инвестиция операциялар долзарб масалалардан ҳисобланиб, бу борада мамлакатимиз банк тизимида қатор долзарб масалалар ва муаммолар сақланиб қолмоқда, уларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги хулоса ва тавсияларни шакллантиришга муваффақ бўлдик.

*Инвестиция фаолиятида диверсификацияни кучайтириш мақсадга мувофиқ.* Ўзбекистон тижорат банклари инвестиция портфели ҳозирча асосан давлат қимматли қоғозлари билан чекланиб қолмоқда. Замонавий молиявий воситалар – корпоратив облигациялар, акциялар, сукук, яшил облигациялар ва деривативларни жорий қилиш орқали диверсификация даражасини ошириш зарур.

*Рақамли ва инновацион технологияларни кенг жорий этиш лозим.* Банклар инвестиция амалиётида финтех ечимлари, рақамли платформалар ва автоматлаштирилган риск-менежмент тизимларини қўллаши орқали самарадорликни ошириши мумкин. Бу айниқса инвестиция жараёнларини шаффоф ва тезкор қилишда муҳим аҳамиятга эга.

*Инвестиция фаолиятини халқаро стандартларга яқинлаштириш* Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, инвестиция сиёсатида халқаро молия институтлари стандартларини жорий этиш, шунингдек, халқаро рейтинг агентликлари талабларига мослашиш зарур. Бу банкларга ташқи сармояларни жалб қилиш имкониятини оширади.

*“Яшил” ва барқарор молия воситалари турлари ва ҳажмини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.* Глобал трендлардан келиб чиқиб, банклар экологик ва ижтимоий лойиҳаларга сармоя киритиш орқали инвестиция портфелини диверсификация қилиши керак. Бу нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ва экологик барқарорликка ҳам хизмат қилади.

*Таркибий ислохотлар орқали молия бозорини чуқурлаштириш лозим.* Инвестиция фаолиятининг самарадорлиги миллий капитал бозорининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун қимматли қоғозлар бозорини кенгайтириш, янги эмитентларни жалб қилиш ва ликвидликни ошириш тижорат банклари инвестиция





сиёсатини янада такомиллаштиришга асос яратади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. (2023 йил 20 декабрь). – [www.president.uz](http://www.president.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги. “Ўзбекистон иқтисодиётида инвестиция жараёнларининг таҳлили ва асосий кўрсаткичлар” ҳисоботи. (2023 йил). –
3. Tobin, J. *Liquidity Preference as Behavior Towards Risk*. Review of Economic Studies, Vol. 25, No. 2, 1958, pp. 65–86. – DOI: 10.2307/2296205
4. Markowitz, H. *Portfolio Selection: Efficient Diversification of Investments*. New York: John Wiley & Sons, 1959.
5. World Bank. *Uzbekistan Economic Update: Harnessing Investments for Growth and Stability*. Washington, 2023. – [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org)
6. International Monetary Fund (IMF). *Republic of Uzbekistan: Financial Sector Assessment Report*. Washington, 2022. – [www.imf.org](http://www.imf.org)
7. Asian Development Bank (ADB). *Uzbekistan: Country Partnership Strategy 2023–2027*. Manila, 2023. – [www.adb.org](http://www.adb.org)
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. (2023 йил 20 декабрь). – [www.president.uz](http://www.president.uz)
9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги. “Ўзбекистон иқтисодиётида инвестиция жараёнларининг таҳлили ва асосий кўрсаткичлар” ҳисоботи. (2023 йил). – [www.mf.uz](http://www.mf.uz)
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. “Банк тизимидаги асосий кўрсаткичлар” (2023–2024 йиллар). – [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)
11. Лаврушин, О.И. *Банковское дело*. Москва: КНОРУС, 2020.
12. Белоглазова, Г.Н., Кроливецкая, Л.П. *Банковский менеджмент*. Москва: Юрайт, 2019.
13. Белов, В.А. *Инвестиционная политика коммерческих банков: теория и практика*. Минск: Экономика, 2019.
14. Шаяхметова, К., Баймуханов, А.Ж. *Банк секторы и инвестиционная деятельность в условиях цифровизации*. Алматы: Казахский университет экономики, 2021.
15. Абдуллаева, Ш.З. *Банк инвестиция фаолиятининг иқтисодий аҳамияти*. Тошкент: “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2022.
16. Абдурахмонов, Қ.Х., Умаров, С.А. *Молиявий ресурслар ва инвестиция сиёсатини бошқариш масалалари*. Тошкент: ТДИУ, 2020.
17. International Monetary Fund (IMF). *Republic of Uzbekistan: Financial Sector Assessment Report*. Washington, 2022. – [www.imf.org](http://www.imf.org)





## **TIJORAT BANKLARINING INVESTITSIYA FAOLIYATIGA STRATEGIK TA’SIR ETUVCHI OMILLAR**

**Dagarov Bekzod Muzaffar o‘g‘li**

*iqtisodiyot fanlari bo‘yicha  
falsafa doktori PhD.,  
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti  
mustaqil izlanuvchisi*

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada tijorat banklarining investitsiya faoliyati, uning iqtisodiy mazmuni hamda bank tizimidagi o‘rni atroflicha yoritilgan. Tijorat banklari investitsiya faoliyatining asosiy shakllari qimmatli qog‘ozlarga investitsiyalar, real sektor loyihalarini moliyalashtirish, kredit-investitsiya operatsiyalari hamda investitsion vositachilik faoliyati tahlil qilingan. Shuningdek, banklarning investitsiya faolligiga ta’sir ko‘rsatuvchi makroiqtisodiy, institutsional, moliyaviy va ichki omillar tizimli ravishda ko‘rib chiqilgan. Tadqiqot natijalari tijorat banklarining investitsiya siyosatini takomillashtirish, investitsion risklarni kamaytirish hamda moliyaviy barqarorlikni ta’minlash bo‘yicha ilmiy-amaliy takliflar ishlab chiqishga xizmat qiladi.

**Kalit so‘zlar:** tijorat banklari, investitsiya faoliyati, bank investitsiyalari, qimmatli qog‘ozlar, real sektor, investitsiya siyosati, moliyaviy barqarorlik, investitsiya riski, makroiqtisodiy omillar.

## **СТРАТЕГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ИНВЕСТИЦИОННУЮ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ**

**Дагаров Бекзод Музаффар угли**

*экономические науки  
доктор философии PhD.,  
Ташкентский государственный  
экономический университет  
самостоятельный соискатель*

**Аннотация.** В данной статье всесторонне рассматривается инвестиционная деятельность коммерческих банков, ее экономическая сущность и роль в банковской системе. Проанализированы основные формы инвестиционной деятельности коммерческих банков, включая инвестиции в ценные бумаги, финансирование проектов реального сектора, кредитно-инвестиционные операции и инвестиционно-посредническую деятельность. Также системно рассмотрены макроэкономические, институциональные, финансовые и внутренние факторы, оказывающие влияние на инвестиционную активность банков. Результаты исследования направлены на разработку научно-практических рекомендаций по совершенствованию инвестиционной политики коммерческих банков, снижению инвестиционных рисков и обеспечению финансовой устойчивости.

**Ключевые слова:** Коммерческие банки, инвестиционная деятельность, банковские инвестиции, ценные бумаги, реальный сектор, инвестиционная политика, финансовая устойчивость, инвестиционный риск, макроэкономические факторы.

## **STRATEGIC FACTORS AFFECTING THE INVESTMENT ACTIVITY OF COMMERCIAL BANKS**

**Dagarov Bekzod Muzaffar ugli**

*Doctor of Philosophy in Economics, PhD.*





*Independent Researcher at Tashkent State  
University of Economics*

**Abstract.** This article comprehensively examines the investment activities of commercial banks, their economic essence, and their role within the banking system. The main forms of investment activities of commercial banks such as investments in securities, financing of real sector projects, credit-investment operations, and investment intermediary activities are analyzed. In addition, macroeconomic, institutional, financial, and internal factors influencing banks' investment activity are systematically reviewed. The research findings contribute to the development of scientific and practical recommendations aimed at improving the investment policies of commercial banks, reducing investment risks, and ensuring financial stability.

**Keywords:** Commercial banks, investment activity, bank investments, securities, real sector, investment policy, financial stability, investment risk, macroeconomic factors.

### **Kirish**

Bugungi globallashuv sharoitida tijorat banklarining investitsiya faoliyati milliy iqtisodiyot rivojlanishining muhim moliyaviy manbalaridan biri hisoblanadi. Banklar nafaqat moliyaviy vositachi sifatida, balki iqtisodiyotning real sektoriga investitsiyalarni yo'naltiruvchi faol subyekt sifatida ham muhim rol o'ynaydi. Ayniqsa, sanoat, infratuzilma, kichik biznes va tadbirkorlik subyektlarini moliyalashtirishda tijorat banklari investitsiya faoliyatining samaradorligi iqtisodiy o'sish sur'atlariga bevosita ta'sir ko'rsatadi.

Tijorat banklarining investitsiya faoliyati ularning resurs bazasi, risklarni boshqarish darajasi, investitsiya siyosati hamda mamlakatdagi makroiqtisodiy barqarorlik bilan chambarchas bog'liqdir. So'nggi yillarda moliya bozorlarining rivojlanishi, qimmatli qog'ozlar bozorining kengayishi va banklarning universal moliyaviy institut sifatida faoliyat yuritishi investitsiya operatsiyalarining ko'lamini yanada oshirmoqda. Shu bilan birga, inflyatsiya darajasi, foiz stavkalari, valyuta kurslari barqarorligi, bank nazorati va prudensial me'yorlar kabi omillar banklarning investitsiya qarorlariga sezilarli ta'sir ko'rsatmoqda.

Shu nuqtai nazardan, tijorat banklari investitsiya faoliyatining asosiy shakllarini aniqlash hamda ularga ta'sir etuvchi omillarni ilmiy asosda tahlil qilish dolzarb ahamiyat kasb etadi. Mazkur maqolaning asosiy maqsadi tijorat banklarining investitsiya faoliyati shakllarini tizimli ravishda yoritish va investitsiya faolligiga ta'sir ko'rsatuvchi omillarni aniqlash orqali bank investitsiya siyosatini takomillashtirish bo'yicha xulosalar ishlab chiqishdan iborat.

### **Mavzuga oid adabiyotlar sharhi**

Bugungi kunda tijorat banklarining investitsion jozibadorligini oshirishga tizimli yondashuv makroiqtisodiy sharoitlardan innovatsion texnologiyalar va tartibga solish muhitigacha bo'lgan ko'plab omillarni hisobga olishni talab qiladi. Ushbu jarayonni rivojlantirish strategiyasini ishlab chiqish xodimlarni o'qitishni kuchaytirish, yangi texnologiyalarni joriy etish va qonunchilikdagi o'zgarishlarga moslashishni o'z ichiga olishi mumkin.

Tijorat banklari faoliyatining investitsion loyihalarni moliyalashtirishdagi roli borasida Sh.Mirziyoyev tomonidan “bank investitsiya faoliyatiga o'z mablag'lari bilan birga, tashqaridan moliyalashtirish manbalarini jalb etish bo'yicha choratadbirlar ishlab chiqishi kerak”[1] deya ta'kidlab o'tganligini alohida e'tirof etish lozim. Turli iqtisodiy adabiyotlarda “investitsion jozibadorlik” tushunchasi mazmun-mohiyatiga turlicha ta'riflar berilgan. Ularni chuqur va keng tadqiq etib o'tgan holda, “investitsion jozibadorlik” mazmuniga berilgan quyidagi ta'riflarga alohida to'xtalib o'tishni lozim, deb hisobladik.

N.Taleb “banklarning fond bozoridagi operatsiyalarini keskin tanqid qiladi. U banklarning investitsion faoliyati cheklanishi va javobgarlik kuchaytirilishi kerak, deb hisoblaydi hamda fond bozorlari xatarli pufaklar (inglizcha “bubble”) yaratish mexanizmidir, va ularga juda ko'p ishonch qilish xavfli”[2] deya qat'iy ta'kidlaydi.





E.Trigubning ta'kidlashicha, “investitsiyalarning jozibadorligi potensial investorga kredit tashkilotining moliyaviy-iqtisodiy ko'rsatkichlarini tahlil qilish asosida investitsiyalarning maqsadga muvofiqqligini baholashga imkon beradi. Shu bilan birga, tijorat banki Real investorning investitsiyalarni amalga oshirishga qiziqishini uyg'otish uchun iqtisodiy faoliyatning bunday ko'rsatkichlariga ega bo'lishi kerak”[3].

Y.A.Rolikning ta'kidlashicha, “investitsion jozibadorlik – tijorat banklariga mavjud mablag'larni investitsiya qilish maqsadida ma'lum bir investitsiya obyekti boshqalariga qaraganda qanchalik jozibador ekanligini baholashga imkon beradigan xususiyatlar to'plamidir [4].

V.O.Andreevning ilmiy qarashlarida “ banklar investitsion loyihalarining jozibadorligining oshishi zamonaviy raqobat sharoitida banklarning samarali ishlashi, rivojlanishi va o'sishiga yordam beradi. Bunda mamlakat bank-moliya tizimi, qimmatli qog'ozlar bozori, qolaversa, tijorat banklarining yirik loyihalarni moliyalashtirishda faol qatnashishi muhim rol o'ynaydi[5].

S.Gutkevychning ilmiy izlanishlarida, “iqtisodiy rivojlangan mamlakatlarda investitsiya jarayoni tijorat banklari konyunkturasi ta'siriga, investitsiyalarni moliyalashtirish manbalariga va hajmiga bog'liq hisoblanadi”[6].

T.Oksananing fikricha, “ ...tijorat banklarining investitsion jozibadorligi bevosita mamlakatdagi investitsiya siyosatiga va yaratilgan investitsion muhitiga bog'liq. Xususan, investitsiya muhiti uchta elementdan iborat tizim sifatida ko'rib chiqiladi: investitsiya salohiyati, investitsiya riski va qonunchilik shartlari ekanligini tadqiq etgan”[7].

Mahalliy olimlardan biri S.Elmirzayevning qarashlaricha, “mamlakatdagi tijorat banklari o'z dividend siyosatida dividend va reinvestitsiya o'rtasidagi me'yoriy nisbatni aniqlashi, minoritar aksiyadorlar huquqlarini himoya qilishi, aksiyalarning bozordagi narxlarining o'sishiga erishishi kabilar banklarning investitsion jozibadorligini oshirishga imkon beradi, bu esa o'z-o'zidan mamlakatning investitsion jozibadorligiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi”[8], deya ta'kidlagan.

Yuqorida keltirilgan fikrlarni inobatga olgan holda, bizning fikrimizcha bugungi kunda tijorat banklari investitsiya bozorining barcha segmentlarida muhim o'rin tutadigan investitsiya jarayonining ajralmas ishtirokchilari hisoblanadi. Qimmatli qog'ozlar bozori orqali milliy iqtisodiyotning real sektoriga investitsiyalarni moliyalashtirish va ushbu jarayonda banklarning faol ishtiroki orqali ushbu maqsadlar uchun ichki kapitalni jalb qilish davlatning barqaror iqtisodiy rivojlanishini ta'minlashi kerak.

### **Tadqiqot metodologiyasi**

Tijorat banklarining investitsiya faoliyatini o'rganishda qiyosiy tahlil, taqqoslash, analiz, sintez kabi tadqiqotning o'ziga xos usullari qo'llanilgan. Ushbu yondashuvlar asosida tijorat banklarining investitsiya siyosati, uning shakllanish tamoyillari, asosiy yo'nalishlari va mamlakat iqtisodiyotiga ta'siri batafsil ko'rib chiqilgan.

### **Tahlil va natijalar**


Tijorat banklarining investitsiya jarayonida ishtirokini faollashtirish, ularning milliy iqtisodiyot rivojlanishidagi rolini oshirish zarurati bank tizimi va iqtisodiyot tarmoqlari barqaror rivojlanishining o'zaro bog'liqligidan kelib chiqadi. Bu jarayonda tijorat banklari barqaror faoliyat yuritishning zarur shartlaridan bo'lgan qulay iqtisodiy shart-sharoitdan manfaatdor bo'lsa, mamlakatdagi iqtisodiy rivojlanishning barqarorligi esa ko'p jihatdan bank tizimining barqarorlik darajasi va uning investitsion faolligiga bevosita bog'liq. Shuningdek, tijorat tashkiloti sifatida alohida tijorat banking manfaatlari muayyan risk darajasida imkon qadar yuqori foyda olishga qaratilganligi sababli, bu kabi tashkilotlarning iqtisodiyotga investitsiya kiritishda ishtirok etishi faqat qulay sharoitlar mavjud bo'lganda yuzaga keladi. Tijorat banklarining investitsion jarayondagi ishtirokining asosiy yo'nalishlari quyidagilardan iborat bo'lishi mumkin: banklar tomonidan mablag'larni investitsiya maqsadlarida safarbar etish; uzoq





muddatli investitsion maqsadlarda kreditlar ajratish; qimmatli qog'ozlarga, aksiyalarga, aksiyadorlik ulushlariga qo'yilmalar.

Tijorat banklari faoliyatini tadqiq qilishga bog'ishlangan ko'plab ilmiy tadqiqotlarda bank amaliyotiga bog'liq holda investisiya turlarini tizimlashtirishning umumiy mezonlari asosida tasniflanadi.



**1-rasm. Tijorat banklari investitsiyalarining tasnifi**

Banklar investitsiya faoliyatini amalga oshirishning asosiy xususiyatlardan kelib chiqqan holda quyidagicha tasnifni keltirish mumkin: real investitsiyalar; moliyaviy investitsiyalar; ishlab chiqarish investitsiyalar; bank faoliyatini rivojlantirishga yo'naltirilgan investitsiyalar.

Investitsion loyihalarga mablag' kiritish bank uchun iqtisodiy jihatdan foydali amaliyotlardan biri hisoblanadi u nafaqat kreditlashda bo'lgani kabi foyda oladi, balki korxonani boshqarishda ishtirok etish imkoniyatiga ham ega bo'ladi. Bunday imkoniyat bank uchun korxonaga mulkiga ulushli egalik huquqini qo'lga kiritishi yoki boshqaruvda ishtirok etish to'g'risida shartnoma tuzish natijasida yuzaga keladi. Investisiya kiritilgan korxonaga bank bilan hamkorlik qilishdan ham foyda ko'radi. Bankning investitsion faoliyatdagi ishtiroki shartlari bo'yicha zarur resurslarni olish orqali, uni amalga oshirishda har tomonlama yordam ko'rsatuvchi loyihani muvaffaqiyatli amalga oshirishda ushbu kredit tashkilotining ham manfaatdorligini oladi.

Tijorat banklarining moliyaviy qo'yilmalari ishlab chiqarishga yo'naltirilgan investitsiyalardan farqli o'laroq, birinchi navbatda qimmatli qog'ozlar va investitsiya kreditlari orqali investitsiya qilishga qaratilgan. Xalqaro tajribalaridan ko'radigan bo'lsak fond bozorining rivojlanishi bilan qimmatli qog'ozlarga investitsiyalar, shu jumladan qarz majburiyatlari (veksellar, davlat va munitsipal qimmatli qog'ozlar, depozit sertifikatlari va boshqalar), korxonalar aksiyalari bilan ifodalangan qimmatli qog'ozlar, shuningdek investitsiyalarning tobora ommalashib borayotgan shakli hosilaviy qimmatli qog'ozlarga investitsiyalash ko'lami kengaymoqda.

Moliyaviy investitsiyalarning yana bir shakli – investitsion kredit bo'lib ishlab chiqarish maqsadlariga yo'naltirilgan maqsadli uzoq muddatli kreditlash orqali ifodalanadi. Biroq, ishlab chiqarishga yo'naltirilgan investitsiyalardan farqli jihati bank birgalikdagi iqtisodiy faoliyatga yoki aksiyalarda ishtirok etish huquqiga ega bo'lmaydi. Kreditlashning tabiatiga ko'ra,





investitsion kreditlar yuqori xavfni anglatadi va uning davom etishiga yo'l qo'ymaslik uchun banklar qarz oluvchilarga qo'shimcha talablarni qo'yadilar.

Tijorat banki tomonidan o'z faoliyatiga kiritilgan investitsiyalar istiqbolda bank faoliyatini kengaytirish, qo'shimcha daromad manbalarini shakllantirish orqali moliyaviy barqarorlikni oshirishga imkon yaratadi.

Umuman olganda bank tomonidan investitsion faoliyatni oshirish va samaradorlikka erishishda birinchi navbatda ushbu faoliyat bilan bog'liq shart-sharoitlarni tahlil etish asosida faoliyat natijasiga ta'sir ko'rsatuvchi omillarni baholash va risklarni hisobga olish muhim hisoblanadi.

Iqtisodiy adabiyotlarda tijorat banklarining investitsiya faoliyati shakllarining tasnifi umumiy qabul qilinganidan biroz farq qiladi, bu tijorat banklarining investitsiya faoliyatining o'ziga xos xususiyatlari bilan belgilanadi. Investitsiyalashning ob'ekti, maqsadi, manbalari va shartlariga ko'ra bank investitsiyalari muayyan guruhlarga ajratilishi mumkin:

investitsiyalash ob'ektiga muvofiq real aktivlarga qilingan investitsiyalar ya'ni real investitsiyalar va moliyaviy aktivlarga qo'yilmalar hisoblangan moliyaviy qo'yilmalarni ajratib keltirish mumkin. Bu investitsiyalar investitsiya kreditlari, muddatli depozitlar, aksiyalar va aksiyadorlik ulushlari, qimmatli qog'ozlar, ko'chmas mulk va boshqalar kabi alohida ob'ektlarga yo'naltirilishi bo'yicha ham farqlanadi;

tijorat banki tomonidan amalga oshiriladigan investitsiyalar maqsadiga ko'ra investitsiyalash ob'ektini boshqarishga qaratilgan;

investitsiyalar ajratilish muddatiga va loyiha davomiyligiga ko'ra qisqa muddatli (bir yilgacha), o'rta muddatli (uch yilgacha) va uzoq muddatli (uch yildan ortiq) kabi shakllarda amalga oshiriladi.

Tijorat banklarining investitsiyalari risk turlari, hududlar, tarmoqlari va boshqa belgilariga ko'ra ham tasniflanadi.

Tijorat banklari tomonidan investitsion faoliyatni amalga oshirishda qayd etilgan investitsiyalarning shakllarining barchasiga xos bo'lgan xususiyatlardan biri asosiy maqsad hisoblangan investitsion loyihani amalga oshirish orqali erishiladigan samaradorlikni oshirish, loyiha orqali reja qilingan natijaga erishish jarayonida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan risklarni aniqlash va ularni samarali boshqarish bo'yicha tegishli moliyaviy qarorlar qabul qilish bilan bevosita bog'liq. Loyihada rentabellik darajasi oshgani sayin, likvidlik ko'rsatkichi pasayadi, buning natijasida investitsiya riski yanada ortadi[9]. Ushbu holat rentabellik-xavf-likvidlik uchburchagining barcha elementlariga to'liq javob beradigan investitsiya loyihasini amalga oshirish imkoniyati mavjud emasligi bilan izohlanadi. Shuningdek, barcha investitsiya loyihalari obyektlarida qarama-qarshi bog'lanishlar kuzatilish ehtimoli yuqori bo'lishi mumkin.

Bozor kon'yunkturasidagi tebranishlar sharoitida banklar investitsion faoliyatni amalga oshirish jarayoniga salbiy ta'sir ko'rsatuvchi turli omillar va risklarni inobatga olgan holda puxta investitsiya siyosatini ishlab chiqishi hamda undagi belgilangan maqsadlarni amalga oshirish jarayonini doimiy monitoring qilib borishlari maqsadga muvofiq[10].

Chunki tijorat banklari investitsiya faoliyati orqali erishiladigan samaradorlik moliya tizimi kon'yunkturasidagi, moliya tizimi barqarorligi o'zgarishlar hamda yangi bank mahsulotlarini joriy etishning infratuzilmaviy rivojlanganligi, banklar investitsion faoliyatini amalga oshirish va tartibga solishning me'yoriy-huquqiy asoslari kabi omillarga bog'liq bo'ladi.

Tijorat banklari tomonidan investitsion faoliyatni amalga oshirish jarayonida yuzaga kelishi mumkin risklarni samarali boshqarish yoki ularni oldini olishga qaratilgan chora-tadbirlarni faollashtirish investitsion portfel daromadlilikini oshirishga imkon yaratadi. Tijorat banklari uzoq muddatli investitsiyalarni moliyalashtirib, yirik loyihalarni boshqarayotganda, bu ayniqsa muhimdir. Shu boisdan tijorat banklari tomonidan investitsion faoliyatni amalga oshirish jarayonida yuzaga kelish ehtimoli yuqori bo'lgan risklarni tasniflash maqsadga muvofiq. Shu orqali ularning ta'sir darajasini va yuzaga kelish shart-sharoitlarini aniqlash, shunga muvofiq tartibga solish borasida chora-tadbirlarni amalga oshirish imkoniyati yuzaga keladi.





## 2-rasm. Tijorat banklarining investitsiya faoliyati bo'yicha daromadlarining tarkibi va investitsion faoliyatga ta'sir etuvchi risklar

Banklar odatda investitsiya darajasidagi qimmatli qog'ozlarni sotib olish bilan cheklanadi. Shu sababli, kredit riski qimmatli qog'ozlarni sotib olishda asosiy muammo hisoblanmaydi. Chunki, hukumat qimmatli qog'ozlariga investitsiyalarning risklilik darajasi minimal bo'ladi.

Shuni ham ta'kidlash kerakki, kichik korxonalarining qog'ozlari yuqori daromad keltirish ehtimoli mavjud. Shunga muvofiq moliya tizimidai keskin tebranishlar sharoitida banklarning investitsion faoliyatni amalga oshirishdagi resurs bazasining cheklanishi holatida kichik biznes sub'ektlaridagi investitsion loyihalarga mablag' kiritish ijobiy natijaga erishishda muhim hisoblanadi. Chunki bu kabi sharoitda yirik investitsion loyihalarni amalga oshirish bilan bog'liq risk darajasi ortib boradi.

Amalga oshirilgan tadqiqotlar asosida tijorat banklarining qimmatli qog'ozlar bilan bog'liq holdagi investitsiya faoliyatiga xos bo'lgan quyidagi asosiy xususiyatlarni keltirish mumkin:

tijorat banklari investitsiya faoliyatini amalga oshirish orqali oladigan daromad hajmining oshishi qimmatli qog'ozlarning foizlari va ularga to'lanadigan dividendlarning oshishiga bevosita bog'liq bo'ladi. Shuningdek, bu holatda investitsion portfel tarkibidagi qimmatli qog'ozlarning bozor bahosidagi farq ham muhim hisoblanadi.

investitsion portfel tarkibida yuqori likvidli qimmatli qog'ozlarning shakllanishi bank moliyaviy barqarorligini ta'minlashda muhim o'rin tutadi.

banklar investitsion portfeli sifatini yaxshilashda risklarni baholash asosida rentabelligi yuqori qimmatli qog'ozlarni sotib olish asosida investitsion portfel tarkibi diversifikatsiyasini oshirish.

tijorat banklarining iqtisodiyot tarmoqlaridagi yuqori rentabelli kompaniyalarning kapitalida ulushga ishtirok etish orqali daromad manbalarini kengaytirish.

Tijorat banklari savdo hajmining pasayishi, bankrotlik va ishsizlikning o'sishi bilan birga, ular xizmat ko'rsatadigan bozor iqtisodiyotining pasayishi mumkin bo'lgan jiddiy xavfga duch kelishadi. Ushbu salbiy hodisalar biznes riski deb ataladi. Biznes riski bank kredit portfelida juda tez aks etadi, bunda qarz oluvchilarning moliyaviy qiyinchiliklari o'sib borishi bilan o'z vaqtida kreditlar to'lanmasligi xavfi oshadi. Biznes riski ehtimoli ancha yuqori bo'lganligi sababli, ko'pgina banklar kredit portfeli tavakkalchiligini qoplash uchun investitsiya portfeliga tayanadilar. Buning sababi shundaki, banklar tomonidan sotib olingan ko'plab qimmatli qog'ozlar kredit bozoridan tashqarida chiqariladi. Shunday qilib, bank boshqa tashkilotlarnign qimmatli qog'ozlarini ko'proq sotib olishga harakat qiladi. Bozor riski qimmatli qog'ozlar bozoridagi





kutilmagan o'zgarishlar tufayli ayrim qimmatli qog'ozlarni sotishda ma'lum yo'qotishlar yuzaga kelishi mumkin.

### **Xulosa va takliflar**

Tijorat banklarining investitsion jozibadorligini oshirish masalasi hozirgi global moliyaviy integratsiya, makroiqtisodiy barqarorlikni mustahkamlash va bank-moliya tizimining raqobatbardoshligini ta'minlash sharoitida alohida ahamiyat kasb etmoqda. O'zbekiston Respublikasi bank sektorida amalga oshirilayotgan islohotlarning yangi bosqichi doirasida tijorat banklari faoliyatining moliyaviy samaradorligini ta'minlash, ularning kapital yetarliligi va likvidlik darajasini oshirish orqali investitsion jozibadorligini mustahkamlash muhim zaruratga aylangan.

Tijorat banklarining investitsion jozibadorligini shakllantiruvchi asosiy nazariy yondashuvlar tizimli tahlil qilinib, ularning evolyutsiyasi kredit-moliya tizimi rivojlanishining turli bosqichlariga mos holda shakllanganligi asoslab berildi. Ayniqsa, neoklassik va institutsional yondashuvlar asosida investitsiyaviy jozibadorlikning xatti-harakat, ishonch va daromadlilik bilan bog'liq jihatlari tahlil qilinib, tijorat banklari uchun optimal strategiyalar shakllantirish mezonlari ishlab chiqildi. Shu bilan birga, O'zbekiston tijorat banklari misolida o'tkazilgan tahlillar shuni ko'rsatdiki, mavjud regulativ va makroprudensial cheklovlar, milliy valyutaning barqarorligi bilan bog'liq xatarlar, qimmatli qog'ozlar bozorining rivojlanmaganligi va rentabellik darajasining pastligi banklarning investitsion jozibadorligini cheklovchi asosiy omillar bo'lib qolmoqda.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Nassim Nikolas Taleb «Черный лебедь. Под знаком непредсказуемости – 2-е изд., доп. /№ 11 (6705); 5; Пер. с англ.»: KoLibri, Азбука-Аттикус; Москва-2012.
2. Тригуб Е.Ю. Фундаментальный анализ как метод оценки инвестиционной привлекательности коммерческих банков // Journal of Economy and Business, vol. 4-3 (62), 2020. – R. 109-113.
3. Yurii A.Rolik. A Complex Approach to Evaluating the Innovation Strategy of a Company to Determine its Investment Attractiveness. // Procedia – Social and Behavioral Sciences, Volume 99, 6 November 2013, pages 562 571; <https://www.sciencedirect.com>
4. Волик Ольга Андреевна, Солнцева Оксана Глебовна. Повышение инвестиционной привлекательности торговых предприятий. // Вестник университет No6, 6; (2018).
5. Svitlana Gutkevych. Investment Attractiveness of Industries: Features and Trends. // Baltic Journal of Economic Studies, vol. 5, No 3, 2019. P. 9;
6. Takhumova Oksana V., Kasatkina Elena V., Maslihova Elena A, Alexey V.Yumashev, Maria V.Yumasheva. The main directions of increasing the investment attractiveness of the Russian regions in the conditions of institutional transformations. // Revista ESPACIOS, Vol. 39 (Number 37) 2018. – P.12.
7. S.Elmirzayev. Rivojlangan mamlakatlarda dividend siyosati tahlili va Dividend Aristokratlari. // “Xalqaro moliya va hisob” ilmiy-elektron jurnali, No2, 2020. – B.11.
8. Ахмадеев А.М.Формы инвестиционной деятельности коммерческих банков. Экономика и управление: научно-практический журнал. 2018;1(139):56-60.
9. Бузаева, О.А. Управление инвестиционной деятельностью коммерческих банков: основные направления [Текст] / О. А. Бузаева // Научно-методический электронный журнал «Концепт». – 2017. – N 18. – С. 1–7.





## SUG‘URTA BOZORINI TARTIBGA SOLISH TIZIMINING RIVOJLANISH BOSQICHLARI

**Abdullayev Erkinjon A’zamovich**

*moliya va moliyaviy texnologiyalar  
kafedrasining katta o‘qituvchisi  
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti  
E-mail: [erkin.azamovich@gmail.com](mailto:erkin.azamovich@gmail.com)  
ORCID:0009-0004-1749-098X*

**Annotatsiya.** Maqolada rivojlangan mamlakatlar va O‘zbekiston Respublikasida sug‘urta bozorini tartibga solish tizimining evolyutsiyasi bo‘yicha qiyosiy tahlil o‘tkazilgan. Sug‘urta bozorini tartibga solishning asosiy bosqichlari, yani paydo bo‘lishi va tartibga solinishi, prudensial nazoratning shakllanishi, risksiz faoliyatga yu‘naltirilgan modellariga o‘tish masalalari tadqiq etilgan hamda global moliyaviy nazorat tizimiga integratsiya jarayoni aniqlangan. Mavzu yuzasidan taklif va tavsiyalar taqdim etilgan.

**Kalit so‘zlar:** sug‘urta bozori, tartibga solish, prudensial nazorat, maxsus vakolatli davlat organi, riskni aniqlashtirishga yunaltirilgan yondashuv, Solvency II, rivojlanish bosqichlari, moliyaviy barqarorlik.

## ЭТАПЫ СТАНОВЛЕНИЯ РЕГУЛИРОВАНИЯ СТРАХОВОГО РЫНКА КАК СИСТЕМЫ

**Абдуллаев Эркинджан Аъзамович**

*ст. препод. кафедры  
финансов и финансовых технологий  
Ташкентский государственный  
экономический университет  
E-mail: [erkin.azamovich@gmail.com](mailto:erkin.azamovich@gmail.com)  
ORCID:0009-0004-1749-098X*

**Аннотация.** В статье проведен сравнительный анализ эволюции систем регулирования страхового рынка развитых стран и Республики Узбекистан. Выявлены ключевые этапы становления и регулирования пруденциального надзора, исследованы вопросы перехода к риск-ориентированным моделям и интеграции в глобальную систему финансового надзора. По результатам исследования сформулированы предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** страховой рынок, регулирование, пруденциальный надзор, специально уполномоченный государственный орган, риск-ориентированный подход, Solvency II, этапы развития, финансовая стабильность.

## STAGES OF FORMATION OF REGULATION OF THE INSURANCE MARKET AS A SYSTEM

**Abdullaev Erkinjon Azamovich**

*Senior Lecturer of the Department of  
Finance and Financial Technologies  
Tashkent State  
University of Economics  
E-mail: [erkin.azamovich@gmail.com](mailto:erkin.azamovich@gmail.com)  
ORCID:0009-0004-1749-098X*

**Abstract.** The article provides a comparative analysis of the evolution of the insurance





market regulation systems in developed countries and the Republic of Uzbekistan. The key stages of the formation and regulation of prudential supervision are identified, the issues of transition to risk-oriented models and integration into the global financial supervision system are studied. Based on the results of the study, proposals and recommendations are formulated.

**Keywords:** insurance market, regulation, prudential supervision, specially authorized state body, risk-oriented approach, Solvency II, stages of development, financial stability.

### **Kirish**

Sugʻurta bozorini tartibga solish tizimining shakllanish bosqichlarini oʻrganishning dolzarbligi uning moliyaviy barqarorlikni taʼminlash va investitsion risklarni kamaytirishdagi muhim roli ahamiyatli ekanligi bilan belgilanadi. Bu bir qator iqtisodchilarning ishlarida ham qayd etilgan. 2008-yildagi global moliyaviy inqiroz va undan keyingi iqtisodiy tebranishlar nazorat tizimidagi muammolar mavjudligini koʻrsatib berdi hamda rivojlangan mamlakatlarda tartibga solish paradigmalari tubdan qayta koʻrib chiqilishiga olib keldi. Oʻzbekiston kabi faol bozor islohotlarini amalga oshirayotgan iqtisodiyotlar uchun ushbu bosqichlarni tahlil qilish nafaqat nazariy, balki amaliy ahamiyatga ham ega. Rivojlangan mamlakatlarning bosib oʻtgan yoʻlini tadqiq etish, tushunish tizimli xatolarga yoʻl qoʻymaslik, ilgʻor tajribalarni moslashtirish va raqamli davr hamda tobora murakkablashib borayotgan risklar sharoitiga mos keladigan samarali nazorat modelini shakllantirish imkonini beradi.

Birgina AQSh sugʻurta bozorini tartibga solish tizimi shtatlar darajasidagi mahalliy nazoratni milliy miqyosda muvofiqlashtirilgan boʻlib, moliyaviy bozor barqarorligini taʼminlash va isteʼmolchilar huquqlarini himoya qilish tizimning asosiy maqsadi etib belgilangan. Mazkur tizim minglab sugʻurta kompaniyalarini, umumiy hisobda 1 trillion dollardan ortiq sugʻurta zaxiralarini nazorat qiladi hamda toʻlov qobiliyatini kuzatishdan tortib bozor xulq-atvorini tekshirishgacha boʻlgan jarayonlarni ilgʻor moliyaviy mexanizmlar orqali amalga oshiradi.

Fransiyaning 1830-yil 25-iyundagi qonuni orqali sugʻurta kompaniyalari uchun litsenziyalash talablarini joriy etib, davlat nazoratini kuchaytirdi va firibgarlik riskini kamaytirdi.

Buyuk Britaniya tomonidan 1870-yilda Life Assurance Companies Act qabul qilinib, sugʻurta kompaniyalaridan moliyaviy hisobotlarni oshkor qilishni talab qildi, bu esa sugʻurta tashkilotlarini toʻlov qobiliyatiga asoslangan tartibga solish yoʻlidagi muhim qadam boʻldi.

### **Adabiyotlar sharhi**

Rossiyalik tadqiqotchilar A.Yu. Bystritskaya va A.S. Xvorovlarning fikricha,

“Bugungi kunda tartibga solish masalasi har qachongidan ham dolzarb boʻlib qoldi, bu birinchi navbatda sugʻurtalovchilar kapitaliga boʻlgan talablarning oshishi va sugʻurta tashkilotlarining toʻlov qobiliyatini baholashning yangi usullarining paydo boʻlishi bilan bogʻliq.”[7].

Ye.V. Dik oʻz tadqiqotida sugʻurta bozorini tartibga solishning ichki tizimining rivojlanishi, uning shakllanishi batafsil koʻrib, sugʻurta bozorini tartibga solish zaruriyatini keltirib chiqaruvchi omillarni aniqlagan. Iqtisodiyotning ushbu sektorini tartibga solishni rivojlantirishning asosiy yoʻnalishlarini va tendentsiyalarini ochib bergan [8].

Iqtisodchi olim S. Umarovning fikricha, Oʻzbekiston sugʻurta bozori rivojlanishida davlat miqyosida ijtimoiy rivojlanishning asosiy omillaridan biri sifatida qaralgan boʻlib, mavjud shart-sharoitlar, milliy sugʻurta anʼanalari va madaniyati hisobga olingan holda isloh etilgan va milliy sugʻurta bozori tashkil topishi va shakllanishi sekin astalik bilan tubdan oʻzgarib borgan va bir nechta bosqichlarni bosib oʻtgan [1].

### **Tadqiqot metodologiyasi**

Ushbu ilmiy maqolada sugʻurta xizmatlari bozori mexanizmining iqtisodiyotdagi oʻrni va ahamiyati hamda uning rivojlanish tendensiyalarini oʻrganish maqsadida zamonaviy iqtisodiy





nazariya va amaliyotda keng qo'llaniladigan bir necha tadqiqot metodlaridan foydalanildi. Tadqiqot jarayonida quyidagi metodologik yondashuvlar va uslublar asos bo'lib xizmat qildi:

1. Qiyosiy-tahliliy uslub. Turli davlatlar (rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlar)dagi sug'urta bozorini tartibga solish mexanizmlarining tizim sifatida ishlash prinsiplari, ularning samaradorligi va davlat aralashuvi darajalari o'zaro solishtirildi. O'zbekiston iqtisodiyotidagi tendensiyalar xalqaro tajriba bilan taqqoslandi.

2. Tarixiy-tahliliy metod. Sug'urta bozorini tartibga solish va nazorat qilish mexanizmining tarixiy rivojlanishi, uning ilk nazariy asoslari hamda zamonaviy iqtisodiyotdagi o'rni o'rganildi. Bu metod yordamida sug'urta faoliyati va sug'urta bozori mexanizmlarining shakllanish bosqichlari va konseptual evolyusiyasi tahlil qilindi.

3. Tahliliy-sintetik metod. Mavjud sug'urta va moliya sohasiga oid adabiyotlar, xalqaro va milliy tadqiqotlar tahlil qilindi va ular asosida sug'urta bozorini tartibga solish mexanizmlarining asosiy xususiyatlari, funksiyalari va muammolari sintez qilindi.

### **Tahlil va natijalar**

Sug'urta bozorini tartibga solishning rivojlangan mamlakatlar (Yevropa Ittifoqi, AQSh, Buyuk Britaniya) misolida uchta aniq bosqich sifatida segmentlarga ajratishimiz mumkin.

Birinchi bosqich (XX asr o'rtalarigacha) tartibga solish davri bo'lib, alohida olingan kompaniyalarning to'lovga qobiliyatini ta'minlash va to'g'ridan-to'g'ri firibgarlikdan himoyalash asosiy maqsad etib belgilangan. Tartibga solish me'yorlar asosan minimal ustav kapitali miqdoriga va moliyaviy hisobot shakliga qo'yiladigan talablarni o'z ichiga olgan. AQShda ko'pincha nazorat shtatlar darajasida amalga oshirilgan yoki umuman tizimlashtirilmagan edi [5].

Birinchi sug'urta komissari 1851-yilda Nyu-Xempshirda tayinlangan va 1870-yillarning boshiga kelib deyarli har bir shtat sug'urtani tartibga soluvchi qonunlar va institutlarni qabul qilgan edi. Bu shtatlar nazorati ostida markazlashmagan tartibga solish muhiti yuzaga kelgan hamda ilk tartibga solish federal qonunlar emas, balki korporativ nizomlar va sud qarorlaridan kelib chiqqan.

Milliy sug'urta komissarlari assotsiatsiyasi (NAIC) 1871 yilda shtatlar o'rtasidagi hamkorlikni rivojlantirish uchun ixtiyoriy assotsiatsiya sifatida tashkil etilgan. U namunaviy qonun qoidalar (yagona hisobot tizimi) yaratdi, ammo shtatlar qonunlarni qo'llashda mustaqil bo'lib qoldi.

Sanoat va iqtisodiy rivojlanishning kengayishi natijasida Yevropa davlatlari milliy sug'urtalovchilarni himoya qilish uchun faol aralasha boshladi. Asosiy maqsad–mijozlarning manfaatlarini himoya qilish hamda sug'urta zaxiralarning barqaror milliy aktivlarga (masalan, davlat qarzlariga) yo'naltirilishini ta'minlash edi.

Qayta sug'urta bozorining shakllanishi va rivojlanishi XIX asr oxiri va XX asr boshlari Munich Re va Swiss Re kabi yirik kompaniyalar orqali, yirik falokatlar riskiga javob sifatida yuzaga keldi. Masalan, 1906-yil San-Fransisko zilzilasi sug'urta kompaniyalarini global miqyosda risklarni birgalikda boshqarishga undadi [6].

Hukumatlar nafaqat tartibga soluvchi sifatida, balki "oxirgi instansiyadagi sug'urtalovchi" sifatida ham faol ishtirok etishni boshladi. Shu bilan birga ijtimoiy sug'urta dasturlari – ishsizlik, qarilik nafaqasi va boshqa ijtimoiy ta'minot shakllari Yevropaning ko'plab davlatlarida keng joriy etildi.

Ikkinchi bosqich (1970-yillar – 2000-yillar) – tizimli prudensial nazoratga o'tish davri bo'ldi. Nazorat qiluvchi organlar bozor inqirozlarining oldini olish uchun faol yondashuv zarurligini anglab yetdi. Yevropa Ittifoqida Solvency I modelining dastlabki ko'rinishlari joriy etildi, sug'urta kompaniyalarining investitsion faoliyatiga bo'lgan talablar kuchaytirildi, mustaqil nazorat organlari shakllantirildi (masalan, Shveysariyada FINMA, Buyuk Britaniyada FSA). Ushbu bosqichning asosiy tamoyili – bozorning har bir ishtirokchisining moliyaviy barqarorligini ta'minlash edi.





XX asr o‘rtalariga kelib, Yevropada sug‘urtani tartibga solish tizimi o‘zaro yordamga asoslangan norasmiy modellaridan ancha rivojlangan, aniq qonunchilikka tayangan institutsional tizimlarga aylandi. Ushbu rivojlanish quyidagilarda namoyon bo‘ldi:

Gildiyalarga asoslangan xususiy tuzilmadan rasmiy institutlar va sug‘urta bozorlariga o‘tish.

Yuridik tartibga solishning kuchayishi: litsenziyalash, moliyaviy shaffoflik va to‘lovga qobiliyatni himoya qilish talablari.

Davlatning rolining sezilarli ortishi – nafaqat tartibga soluvchi, balki risklarni o‘z zimmasiga oluvchi sug‘urtalovchi sifatida. Bu zamonaviy ijtimoiy ta‘minot va sug‘urta tizimlarining asosini yaratdi.

Uchinchi bosqich (2008-yildan keyin) – riskga yo‘naltirilgan va makroprudensial tartibga solish davri boshlandi. Global moliyaviy inqiroz alohida institutlarni nazorat qilishning o‘zi yetarli emasligini, ularning o‘zaro bog‘liqligi va tizimli xavfga qo‘shgan hissasi ham hisobga olinishi zarurligini ko‘rsatdi. Javoban, Yevropa Ittifoqida Solvency II kabi kompleks tartibga solish tizimlari joriy qilindi. Ushbu yondashuv uch asosiy ustunga tayanadi:

1. Kapital bo‘yicha miqdoriy talablar (barcha risklar qamrovini inobatga olgan holda).
2. Risklarni boshqarish va korporativ boshqaruv bo‘yicha sifat talablar.
3. Shaffoflik va ma‘lumotlarni oshkor etish talablari.

Asosiy e‘tibor endilikda faqatgina formal normativlarga rioya qilish emas, balki kompaniyalarning barcha turdagi risklarni boshqarish qobiliyatini baholashga qaratilgan edi.

O‘zbekistonda sug‘urta bozorini tartibga solish tizimining shakllanishi o‘ziga xos jarayon bo‘lib, u markazlashgan reja iqtisodiyotidan bozor mexanizmlariga o‘tishi bilan bevosita bog‘liq [2].

1. Shakllanish bosqichi (1991-yil – 2000-yillar boshi). Mustaqillikdan so‘ng 1993-yilda “Sug‘urta to‘g‘risida”gi birinchi qonun qabul qilindi, u bozorning huquqiy asoslarini yaratdi. Bu davrda tartibga solish maqsad qilinib, asosan litsenziyalash va kompaniyalarning to‘lovga qobiliyatini nazorat qilishga qaratilgan edi. Nazorat funksiyalari turli vazirlik va idoralar o‘rtasida bo‘lingan edi.

2. Konsolidatsiya va nazoratni kuchaytirish bosqichi (2000-yillar – 2020-yil). Bu davrda sug‘urta faoliyatini nazorat qilish funksiyalari birlashtirilib, Moliya vazirligi huzuridagi Sug‘urta nazorati davlat inspeksiyasi tashkil etildi. Kapitalga bo‘lgan talablar oshirildi, aktiv va majburiyatlar nisbatiga oid majburiy normativlar joriy etildi. Ammo nazorat asosan formal karakterda bo‘lib, bozor operatsiyalarining murakkablashuviga doim ham moslasha olmas edi.

3. Mustaqil regulyator tizimiga integratsiya bosqichi. 2020-yilda O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi huzuridagi Sug‘urta bozorini rivojlantirish agentligi tashkil etilib, sug‘urta sohasini ham nazorat qilish vakolatlari ushbu agentlik zimmasiga yuklatildi. Mazkur agentlik 2022-yilga qadar faoliyat yuritdi. Mamlakatda amalga oshirilgan ma‘muriy islohotlar natijasida sug‘urta sohasini tartibga solish va nazorat qilish 2023-yildan boshlab O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi zimmasiga yuklatildi. 2023-yil sentabr oyidan esa sug‘urta faoliyatini tartibga solish va nazorat qilish bo‘yicha vazifa va vakolatlari O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi zimmasiga yuklatildi. Ushbu qaror sug‘urta bozoridagi tartibga solishning muvofiqlashtirilishini kuchaytirish va tizimli risklarni samarali boshqarish maqsadida dunyo tajribasidagi umumiy tendensiyalarga mos ravishda qabul qilindi. Shu bilan birga xalqaro standartlarni joriy etish bo‘yicha faol jarayon boshlandi, xususan, riskga yo‘naltirilgan nazorat elementlarini tatbiq etishning huquqiy asoslari yaratildi.

Sug‘urta bozorini tartibga solish tizimi rivojlanishining tarixiy tahlili rivojlangan mamlakatlar, xususan Yevropa Ittifoqi, AQSh, Buyuk Britaniya va Germaniya tajribasi hamda O‘zbekiston amaliyotini qiyosiy o‘rganishga asoslandi.

Dastlabki bosqich (o‘rta asrlar – XIX asr boshi): Sug‘urta bozori dastlab o‘zaro yordam jamiyatlari, gildiyalar va dengiz savdosiga asoslangan sug‘urta shartnomalaridan shakllangan. Inglizlarning 1601-yilgi Sug‘urta to‘g‘risidagi qonuni va Lloyd’s of London kabi institutlar bu





davrda muhim ahamiyat kasb etgan.

XX asr boshlarida sugʻurta bozori ijtimoiy siyosat bilan integratsiyalashgan, davlat sugʻurtalovchi sifatida ham faol qatnashgan. Germaniya, Fransiya va Skandinaviya mamlakatlarida pensiya, ishsizlik va sogʻliqni saqlash sugʻurtasi boʻyicha ijtimoiy dasturlar joriy etilgan.

Dastlabki bosqich (1991–2000): Mustaqillikdan soʻng sugʻurta bozori asosan davlatga qarashli kompaniyalar orqali faoliyat yuritdi. 1993-yilda “Sugʻurta faoliyati toʻgʻrisida”gi qonunning qabul qilinishi ushbu sohada huquqiy asoslarni yaratdi.

Institutsional rivojlanish (2000–2015): Bozorga xususiy sugʻurta kompaniyalari kirib keldi, raqobat kuchaydi, lekin davlatning tartibga soluvchi roli yuqori darajada saqlanib qoldi. 2021-yilda “Sugʻurta faoliyati toʻgʻrisida”gi xalqaro standartlarga qonunchilikdagi mavjud boʻshliqlarni bartaraf etish, sugʻurta bozorida tartibga solish zaruriyati tugʻilgan yoʻnalishlarni huquqiy asoslarini yaratish maqsadida yangi qonun qabul qilindi. Mazkur qonunning 39-moddasida Sugʻurtalovchilar (qayta sugʻurtalovchilar) aksiyadorlik jamiyati shaklida tashkil etilishi belgilab qoʻyildi. Bundan asosiy maqsad sugʻurta faoliyatiga korporativ boshqaruv tamoyillarini joriy etish, sugʻurta tashkilotlarining ustav jamgʻarmasini shakllantirishda, xususiy kapitalni shakllantirishda ham korporativ nuqtai nazardan ham sugʻurta faoliyatini amalga oshirish bilan bogʻliq prudensial meʼyorlarga oʻzaro bogʻliqligini anglatadi.

Yana bir jihati sugʻurta tashkilotlarining moliyaviy hisobotlari va pul oqimlarini boshqarishda va muhim qarorlarni qabul qilishda maʼlumotlarni oshkor qilish mexanizmi ham yoʻlga qoʻyilgan. Biroq ruxsat berish tartib taomillari, litsenziyalash amaliyotlari boʻyicha deyarli koʻproq liberallashtirilgan holatni koʻrishimiz mumkin. Amaldagi qonunchilik talablariga eʼtibor qaratsak, ustav jamgʻarmasining minimal miqdorlarga yetkazilganligi, rahbar va bosh buxglaterning malaka talablariga javob berishi, toʻlovlarni kafolatlash jamgʻarmasiga aʼzoliigi shular jumlasidandir.

AQSHda sugʻurta kompaniyalarini litsenziyalash asosan har bir shtat tomonidan alohida amalga oshiriladi. Har bir shtat oʻz qonunlariga muvofiq, talab va nazorat tartibini belgilaydi, shu jumladan, kapital miqdori, moliyaviy barqarorlik, rahbariyatning ishchanlik obroʻsi va biznes rejasi kabi talablarga qatʼiy rioya etilishi talab etiladi.

Shtatlar kapital talablarini, sugʻurta polislari shakllari va tariflarining adolatli boʻlishini nazorat qiladi va sugʻurta tashkilotlarining moliyaviy sogʻlomligiga alohida eʼtibor qaratadi.

Yevropa Ittifoqida sugʻurta kompaniyasi oʻz mamlakatida litsenziya olib, keyinchalik butun Yevropa Ittifoqi boʻylab faoliyat yuritish huquqiga ega.

Solvency II Direktivi (2009/138/EC) [3] sugʻurta kompaniyalarini mustahkam moliyaviy poydevor yaratishga majbur qiladi:

I: miqdoriy talablar (ustav kapitaliga, deposit qoʻyilmalariga va boshqa prudensial meʼyorlar);

II: sugʻurtalovchilarni va risklarni boshqarish, shuningdek sugʻurtalovchilar faoliyatini samarali nazorat qilish boʻyicha talablar;

III: Oshkoralik va shaffoflik talablariga rioya qilish.

Har bir davlatda milliy nazorat organlari mavjud (ACPR, BaFin). EIOPA (European Insurance and Occupational Pensions Authority) esa makro-nazoratni amalga oshiradi [4], ekspertiza beradi va bozor integratsiyasini ragʻbatlantirib boradi.

### **Xulosa**

Tadqiqot natijalari shuni koʻrsatadiki, rivojlangan mamlakatlar sugʻurta bozorini tartibga solishda tarixiy bosqichma-bosqich yondashuv asosida yuqori darajaga yetgan boʻlsa, Oʻzbekiston hozirda modernizatsiya va xalqaro integratsiya jarayonida faol harakat qilmoqda.

Rivojlangan mamlakatlarda sugʻurta tizimi gildiyalar va dengiz savdosidan boshlangan boʻlsa, Oʻzbekiston tajribasi mustaqillikdan keyingi yangi modelga asoslanganligini koʻrishimiz mumkin, biroq amaldagi mavjud meʼyorlar risklarga asoslangan yondashuvdan yiroqdir.





XX asrning ikkinchi yarmidan boshlab rivojlangan mamlakatlarda davlat roli ijtimoiy sugʻurta dasturlari orqali kengaygan. Oʻzbekistonda esa davlatning bevosita ishtiroki asta-sekin tartibga soluvchi va nazoratchi funksiyalarga oʻtmoqda.

Oʻzbekiston sugʻurta qonunchiligini xalqaro standartlarga moslashtirishda sezilarli islohotlarni amalga oshirmoqda.

Rivojlangan mamlakatlar singari, Oʻzbekiston ham sogʻliqni saqlash, pensiya, ishsizlik sugʻurtasi kabi yoʻnalishlarda davlat dasturlarini kengaytirishga qaratilgan qonunchilik asoslarini yaratishi zaruriy hisoblanadi.

Yuqoridagilardan xulosa qilgan holda, Oʻzbekiston sugʻurta bozorini tartibga solish tizimini rivojlantirishda ilgʻor mamlakatlar tajribasidan foydalanishi zarur. Xususan:

Riskga qarshi kurashish nazorat tizimini joriy etish;

Moliyaviy shaffoflik standartlarini kuchaytirish;

Qayta sugʻurta mexanizmlarini xalqaro bozorlar bilan uygʻunlashtirish.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Umarov S.A. Становление и развитие рынка страховых услуг в Узбекистане. // Страховое дело, – Т.:2007. – №1. – С. 32-35.

2. Sugʻurta nazariyasi va amaliyoti: darslik / I.Abdurahmonov, M.Abduraimova, N.Abdullayeva; – Т.: Iqtisod-Moliya, 2020.

3. Azimov R.S. The insurance market of the Republic of Uzbekistan: current state, problems, and perspectives // Philosophical Readings XIII.4 (2021). – PP. 2218-2226 (08.00.00; №3. Scopus)

4. Азимов Р.С. Страховые механизмы поддержки внешнеэкономической деятельности. Коллективная монография. – Москва: Прометей, 2022. – С. 465.

#### **Электрон ресурс**

5. <https://federalism.org/encyclopedia/no-topic/mccarran-ferguson-act/>

6. <https://www.everycrsreport.com/reports/R42038.html>

7. <https://cyberleninka.ru/article/n/gosudarstvennoe-regulirovanie-strahovogo-rynka/viewer>

8. <https://cyberleninka.ru/article/n/stanovlenie-i-razvitie-sistemy-regulirovaniya-strahovogo-rynka-v-sovremennyh-usloviyah>





## РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**Хайдаров Асқарбек**



*иқтисодиёт фанлари бўйича  
фалсафа доктори(PhD)  
бюджет ҳисоби ва газначилик  
кафедраси доценти  
Тошкент давлат*

*иқтисодиёт университети  
E-mail: haydarobasqar1970@gmail.com.  
ORCID: 0009-0000-0801-5205*

**Аннотация.** Мақолада ривожланган давлатлар пенсия тизимларининг шаклланиши, тузилиши ва ўзига хос жиҳатлари ўрганилган. Ижтимоий соҳада тадқиқот олиб бораётган халқаро молия ва рейтинг ташкилотлари ҳисоботлари тадқиқ этилган ва энг яхши пенсия тизимлари таҳлил қилинган. Шунингдек жаҳондаги энг йирик пенсия фондлари активлари келтирилган.

**Калит сўзлар:** пенсия таъминоти тизими, пенсия, хорижий мамлакатлар, халқаро молиявий институтлар, ислохотлар, пенсия фондлари

## ОПЫТ ФОРМИРОВАНИЯ ПЕНСИОННЫХ СИСТЕМ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН

**Хайдаров Асқарбек**

*доктор философии (PhD)  
по экономическим наукам  
профессор кафедры бюджетного учета  
и казначейства*

*Ташкентский государственный  
экономический университет  
E-mail: haydarobasqar1970@gmail.com.  
ORCID: 0009-0000-0801-5205*

**Аннотация.** В статье рассматриваются формирование, структура и особенности пенсионных систем в зарубежных странах. Были пранализированы отчеты международных финансовых и рейтинговых организаций, проводящих изыскания в области пенсионного обеспечения, выявлены лучшие пенсионные системы. Также исследованы активы крупнейших пенсионных фондов мира. На основе общих исследований были сформулированы выводы и предложения.

**Ключевые слова:** пенсия, пенсионная система, зарубежные страны, международные финансовые институты, реформы, пенсионные фонды

## EXPERIENCE OF FORMING PENSION SYSTEMS IN FOREIGN COUNTRIES

**Khaydarov Asqarbek**

*Doctor of Philosophy (PhD)  
in Economic Sciences  
Professor at the department of*





*Budget accounting and treasury  
Tashkent State University of Economy  
E-mail: xaydarobasqar1970@gmail.com.  
ORCID: 0009-0000-0801-5205*

**Abstract.** This article discusses the formation, structure and features of pension systems and pension systems in foreign countries. The reports of international financial and rating organizations conducting research in the field of pension provision were considered, and the best pension systems were analyzed. The assets of the largest pension funds in the world are also listed. On the basis of general research, conclusions and proposals were formed.

**Keywords:** pension, pension system, foreign countries, international financial institutions, reforms, pension funds

### **Кириш**

Жаҳонда пенсия тизимини ислоҳ этишнинг хорижий мамлакатлар пенсия таъминоти тизимлари шаклланишидаги тажрибаларидан келиб чиқадиган бўлсак, пенсия харажатлари фақатгина давлат томонидан молиялаштирилиши етарли самара бермаслиги аён бўлмоқда. Кўплаб тараққий этган мамлакатлар пенсия тизимида бир вақтнинг ўзида уч босқичли пенсия дастурлари, яъни минимал пенсияни кафолатлайдиган давлат пенсия тизими, профессионал пенсия дастури, фуқароларнинг ихтиёрий тарзда нодавлат пенсия суғурталарини амалга ошириш тизимларини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида узоқ истиқболга мўлжалланган барқарор иқтисодий-ижтимоий ривожланишни таъминлаш, туб ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, аҳолининг реал даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини камайтириш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш белгиланган. Шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш, пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдорларини индексация қилиш тараққиёт стратегиясининг муҳим мақсадларидан бири сифатида келтирилган [1].

Пенсия таъминоти тизими халқаро молиявий институтлар тавсиясини тўлиқ қамраб олмаслиги, тизим иштирокчиларининг танлаш имкониятлари чекланганлиги, имтиёзли пенсия элементларининг сақланиб қолаётганлиги ва иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида мамлакатда пенсия тизимини институционал-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб бориш, пенсия таъминотини бозор муносабатлари талабларига мос равишда ўзгартириш, жамғарма даромадлари манбаларини барқарорлаштириш, пенсия таъминоти харажатларини камайтириш, уларнинг мақсадли сарфланиши ва пенсия тўловларини амалга ошириш устидан назоратни кучайтириш, жамғариладиган пенсия тизимига ўтишни ва нодавлат пенсия жамғармаларини жорий этишга қаратилган қатор чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳоли турмуш даражасини изчиллик билан ошириш ва уни молиявий барқарорлигини таъминлаш кераклиги бугунги кунинг долзарб вазифалари эканлигидан далолат беради.

### **Адабиётлар шарҳи**

Дунёда пенсия тизимини доимий баҳолаб боровчи халқаро рейтинг ташкилотлари мавжуд. Булар Мельбурн Мерсер глобал пенсия индекси (Melbourne Mercer Global Pension Index), глобал пенсия индекси, (Global Retirement Index), кексаларнинг ҳаёт сифати индекси (Global AgeWath Index).

П. Хан, Д. Кемптнер, Ҳ. Люзенлар ўз тадқиқотларида 65 ёшгача умр кўриш ва умр кўриш давомийлиги ўртасида узвий боғлиқликни тадқиқ қилишган. Уларнинг таъкидлашича, ўртача умр кўриш давомийлиги пенсия тизими учун муҳим ва тегишли тақсимловчи оқибатларга эга. Германия пенсия тизимидаги имтиёз ва устуворликлар





ўртасидаги якин муносабатларга қарамай, регрессив жиҳатлари ҳам бор экалиги эканлигини аниқлашган [2].

Д.А.Вавулиннинг фикрича, “Хусусий пенсия фондлари – нотижорат молиявий ташкилотлар бўлиб, пенсионерларнинг ихтиёрий қўйилмалари ҳисобига уларни молиявий нафақа билан таъминлайди. Улар мажбурий пенсия суғуртаси ва нодавлат (қўшимча) пенсия таъминоти билан шуғулланадилар” [3].

А.Розановнинг таъкидлашича, жаҳон амалиётида жамғариб бориладиган ва тақсимланувчи пенсия моделлари соф ҳолда кам учрайди. Бир вақтнинг ўзида мажбурий ва ихтиёрий жамғариб бориладиган қисмлари мавжуд пенсия тизими Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатлар орасида фақат Норвегияда амал қилади [4].

Ўзбек олимларидан А. Вахабовнинг пенсия тизимининг хориж тажрибаси бўйича тадқиқотида тараққий этган мамлакатларнинг пенсия тизимлари кўриб чиқилган. Шунингдек нодавлат пенсия фондлари фаолияти ҳам тадқиқ этилган. Бироқ пенсия тизимидаги камчиликлар, халқаро пенсия фондлари активлари, индекслари таҳлил қилинмаган. Халқаро тажрибаларни Ўзбекистонга қўллаш бўйича хулосалар қилинмаган [5].

Ш.Ражабовнинг докторлик диссертация ишида эса, нодавлат пенсия жамғармаларининг назарий ва ташкилий асослари ўрганилган. Лекин халқаро пенсия тизимларининг рейтинги, уларнинг фаолияти ва нодавлат пенсия таъминоти тизимида таъсири кўриб чиқилмаган [6].

Шу билан бир қаторда халқаро амалиётда нуфузли молиявий институтлар ҳисобланган Жаҳон банки гуруҳи, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) каби муассасалар томонидан пенсия тизими ислохотларини амалга ошириш, таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишларини белгилаш, тизим молиявий барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот жараёнида хорижий мамлакатларнинг пенсия таъминоти тизимларининг шаклланишидаги тажрибалари, шунингдек хорижий ва маҳаллий олимларнинг ишлари ўрганилди ва таҳлил қилинди. Мақолада назарий мушоҳада, тизимли ёндашув, кузатиш, умумлаштириш ва таҳлил каби усуллар самарали қўлланилди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Иқтисодий муносабатларда ўзгаришлар давом этар экан XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида пенсия тизимини модернизация қилиш ва бу борада ислохотлар олиб бориш масаласи дунёдаги кўпгина мамлакатларнинг ижтимоий сиёсатида муҳим аҳамият касб эта бошлади.

Бугунги даврда пенсия тизимидаги ислохотларга бўлган эҳтиёж демографик ҳолатнинг ўзгариши билан боғлиқ (нафақахўрлар сонинг кўпайиши билан меҳнатга лаёқатли аҳоли сонинг камайиши). Шунингдек тиббиётни ривожланиб бориши натижасида дунё аҳолисининг ўртача умр кўриш ёши ошиб бормоқда. Жаҳон иқтисодий форумининг методологиясига мувофиқ, соғлиқни сақлаш даражаси (жумладан, умр кўриш давомийлиги) давлат рақобатбардошлигини белгилайдиган омиллар қаторига киради [7].

Ўртача умр кўриш ёшининг ўсиб бориши эса дунёда янги, яъни “аҳолининг қариши” тушунчаси пайдо бўлишига сабаб бўлди. “Аҳолининг қариши” – мамлакатда туғилишнинг қисқариши ва умр кўриш давомийлигининг ортиши оқибатида юзага келган тушунча ёки аниқроқ қилиб айтсак буни глобал муаммо дейишимиз мумкин. Ушбу жараённинг натижалари кўплаб мамлакатлар, уларнинг аҳолиси учун узоқ муддатли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий психологик муаммоларни келтириб чиқаради. Мазкур ҳолатлар





мавжуд пенсия тизимини ислоҳ этишни талаб этади.

Соҳа мутахассисларнинг фикрича, ҳозирги кунда дунёда 268 турдаги пенсия тизимлари мавжуд [8].

Умумий қилиб оладиган бўлсак, жаҳонда икки ҳил пенсия тизими мавжуд. Булар:

– Тақсимланувчи пенсия тизими (pay-as-you-go) – мазкур тизимни бирдамлик тизим деб ҳам айтиш мумкин, чунки бу тизимда ишловчи ходимлар Пенсия жамғармасига тегишли тартибда мажбурий ижтимоий суғурта бадалларини тўлайдилар ҳамда ушбу бадаллар асосида йиғилган маблағлардан пенсионерларга тегишли пенсиялар тайинланади.

– Жамғариб бориловчи пенсия тизими (funded) – бунда ходимнинг иш ҳақидан тегишли Пенсия жамғармасининг (банк, хусусий ташкилот ва б.) шахсий ҳисобварағига маълум бир белгиланган миқдорда маблағ ўтказиб бориш эвазига кексаликда маълум бир маблағ билан таъминланади. Ушбу пенсия тизимидан XX асрнинг охирига келиб фақат бешта мамлакат (Боливия, Чили, Салвадор, Мексика ва Қозоғистон) фойдаланган. Ҳозирда эса кўплаб мамлакатларда мавжуд, жумладан, Ўзбекистонда ҳам 2005 йилдан бошлаб жамғариб бориладиган пенсия тизими жорий этилди.

Ўзбекистон Республикасида пенсия икки ҳил йўл билан берилади:

1. Давлат пенсияси.
2. Жамғариб бориладиган пенсия.

1. Давлат пенсияси ("солидар" пенсия тизими) – бу пенсия фуқароларнинг ишлаган йиллари (иш стажи) ва олган ойлиги асосида белгиланади. Бу Пенсия жамғармаси маблағлари томонидан молиялаштириладиган пенсия тизими бўлиб, унда ишлаётган аҳоли (яъни фаол меҳнат фаолиятидаги шахслар) томонидан тўланадиган мажбурий ижтимоий солиқлар (пенсия бадаллари) эвазига пенсия ёшига етган ёки ногиронлик сабабли меҳнатга лаёқатсиз бўлган шахсларга пенсия тўланади.

2. Жамғариб бориладиган пенсия – бу эса ходимнинг ойлигидан мажбурий тарзда 0,1% ажратилиб, ушбу ажратилган мабағ Халқ банкида унинг номига алоҳида жамғариб борилади. Кейинчалик ходим пенсияга чиққанидан сўг ушбу жамғарилган пулларини бир мартада бўлиб-бўлиб олиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, ҳар бир фуқаро ўз хоҳишига кўра, жамғариладиган пенсиясига ихтиёрий маблағ ажратиб, келажакдаги мазкур пенсиясини кўпроқ қилиб бориши мумкин.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида пенсиянинг икки, яъни ихтиёрий ва мажбурий турлари мавжуд. Хорижий мамлакатларда ушбу пенсия тизимининг ихтиёрий тури кенг тараққий этган бўлиб, Ўзбекистонда эса аксинча, мажбурий тури 1 % миқдордаги ставка билан (2018 йил 1 январдан бошлаб 2 % этиб белгиланди) ишловчилар қамраб олинган.

1-жадвал.

**Пенсия тизимининг даражалар бўйича тавсифланиши\***

| Пенсия тизимининг даражалари                             | Пенсия тўловлари ва бадалларнинг ҳисоб-китоби | Мамлакатларда мавжуд пенсия тизимлари  |
|--|---|--|
| Ижтимоий пенсиялар (нолинчи даража)                      | Давлат пенсия тўловлари, солиқлар ҳисобидан   | Дунёнинг 80 дан ортиқ давлатларида амал қилади (Буюк Британия, Дания, Ирландия, Канада, Япония ва б.)  |
| Тақсимланувчи тизим (биринчи даража)                     | Белгиланган тўловлар асосида                  | Мажбурий давлат пенсия тизими кўплаб давлатларда амал қилади (Австрия, Германия, Франция, Швеция ва б.)  |
| Жамғариб бориладиган тизим (иккинчи ва учинчи даражалар) | Белгиланган тўловлар асосида                  | Мажбурий (иккинчи даража) ва ихтиёрий (учинчи даража) пенсия тизимлари Австралия, Чили, Нидерландияда, шунингдек Шарқий Европа ҳамда кўплаб бошқа мамлакатларда давлат ва нодавлат пенсия тизими кўринишида мавжуд |
|  | Белгиланган бадаллар асосида                  | Ихтиёрий (учинчи даража) ва хусусий пенсия тизимлари қонуний фаолият кўрсатади.  |

\*Манба: [3https://bfa.uz/files/Ejournal/19.%20Tursunov%20Jakhangir.pdf](https://bfa.uz/files/Ejournal/19.%20Tursunov%20Jakhangir.pdf).





Ҳозирги кунда пенсия тизимлари моделларини тўлиқ кўринишини жаҳон амалиётида камдан-кам ҳолларда учратиш мумкин. Жаҳон банки эса бундай ҳолатларда мамлакатлардаги пенсия тизимларининг ҳолатларини аниқлаш учун тўрт “даража”ли таснифини тавсия қилган. таснифлар:

– нолинчи даража – бу аҳолининг кам таъминланган қатлами учун ижтимоий нафақалар берилишини назарда тутди. Бунда нафақалар миқдори давлат томонидан белгиланади (пенсияларнинг яшаши учун минимум миқдорда);

– биринчи даража – бу тақсимланувчи тизим;

– иккинчи даража – мажбурий жамғариб бориладиган тизим (хусусий ёки давлатники), ушбу тизимнинг молиявий манбалари қатъий тўлов ёки қатъий бадаллар орқали шаклланиши мумкин;


– учинчи даража – ихтиёрий жамғариб бориладиган тизимлардан иборат.

Жаҳон банки томонидан тақлиф этилган мазкур пенсия тизимини қўллаш барча мамлакатлар учун бир хилда ижобий натижа бермаслиги мумкин. Чунки ҳар бир давлат пенсия тизимини шакллантиришда, ислоҳ қилишда ёки ўзгартиришда албатта аҳолининг яшаши, турмуш тарзи, муҳитга эътибор беради. Бу борада Мерсер консалтинг компанияси тадқиқотчилари ҳар қандай пенсия тизимларини таққослаш мунозарали ҳолат эканлигини билдиришади, чунки ҳар бир тизим иқтисодий, ижтимоий, маданий, сиёсий ва тарихий шароитларда шаклланган ва ривожланган.

Яъни барча мамлакатлар учун бир хил тўғри келадиган ва амалда қўллаш мумкин бўлган “эталон” пенсия тизими мавжуд эмас. Аммо жаҳондаги барча пенсия тизимларини таҳлил қилиш асосида жамиятнинг кекса аъзолари турмуш тарзини яхшилашга олиб келадиган тавсияларни шакллантириш, келажакда пенсия тизимининг барқарорлиги эҳтимолини ошириш ва унга жамоатчилик ишончи даражасини ошириш мумкин.

1-диаграмма.

### Жаҳондаги энг яхши пенсия тизимлари\*



\*The Melbourne Mercer Global Pension Index. 2020 Report Highlights. [www.mercer.com.au/globalpensionindex](http://www.mercer.com.au/globalpensionindex)

(MMGPI), Willis Towers Watson (WLTW), Евросиё иқтисодий комиссия (Евразийская экономическая комиссия, (ЕЭК)), Пенсия ва ижтимоий фондларнинг халқаро ассоциацияси (Международная ассоциация пенсионных и социальных фондов (АПФ)) томонидан доимий равишда пенсия соҳасида тадқиқотлар олиб борилади.

Мелбурндаги Мерсер глобал пенсия индекси (Melbourne Mercer Global Pension Index) томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида жаҳондаги 37 та давлатнинг пенсия тизимлари етарлилик, барқарорлик ва яхлитлик кўрсаткичлари бўйича 100 баллик тизимда сифати ўрганилган. Натижага кўра 2020 йилда жаҳондаги энг барқарор пенсия тизими эга мамлакат сифатида Нидерландия 81 балл билан эътироф этилган.

Ҳозирги кунда дунёдаги энг катта 20 та пенсия фондларининг жами активлари






микдорининг умумий қиймати 7,3 трлн АҚШ долларини ташкил этади. Бундай фондлар асосан иқтисодиёт ва саноати ривожланган, юқори даромадга эга бўлган давлатларда шаклланган ва фаолият олиб бормоқда.

Шунингдек Willis Towers Watson (WLTW) ташкилотининг ҳисоб-китобига кўра, 2020 йилда жаҳон пенсия фондлари бошқарувидаги активларнинг умумий қиймати 40,1 трлн долларга тенг бўлиб, ушбу активларнинг деярли ярми (45 фоиз) жаҳондаги энг яхши 300 та пенсия фондларига тўғри келади, юқоридаги энг йирик 20 та пенсия фонди эса мазкур улушнинг 40 фоизига эгалик қилади.

2-диаграмма.

**Жаҳондаги энг яхши 20 та пенсия фонди активлари**  
(млрд АҚШ доллар, 2023 йил)



\*Consultancy.org analysis, Willis Towers Watson, Thinking Ahead Institute  
<https://www.consultancy.org/news/147/the-largest-pension-superannuation-funds-in-the-world>.

Активлари қиймати бўйича (1,4 трлн доллар) Япониянинг давлат пенсия таъминоти фонди (Government Pension Investment) дунёда етакчилик қилмоқда. Жамғарма 2006 йилда давлат секторида хизмат қиладиган ходимларни тегишли бадалларини шахсий ҳисобварақда жамғариш, маблағларни инвестиция қилиш ва келгусида иштирокчиларни кафолатланган пенсия билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган.

Шунингдек, Норвегиянинг Давлат пенсия фонди 982 млрд доллар активлари билан иккинчи ўринда, 579 млрд доллар активлари билан АҚШнинг Федерал пенсия таъминоти фонди учинчи ўринни эгалламоқда. Американинг Федерал пенсия таъминоти дастлаб ҳукумат томониидан ташкил этилган. Давлатга қарашли ва хусусий корпорацияларда банд бўлган ходимларга 401(k)2 шахсий пенсия ҳисобварақларини очган ҳолда тегишли маблағларни жамғариб бориш орқали пенсиялар молиялаштирилган.

Осиё мамлакатлари (Хитой, Сингапур, Малайзия, Япония ва Ҳиндистон) пенсия фондларининг активлари қиймати бўйича дунёдаги энг катта 20 та пенсия фондлари таркибида улуши 43 фоизни ташкил қилмоқда ва бу юқори кўрсаткич дейиш мумкин.

Рўйхатнинг охирида 129 млрд доллар активлари билан Даниянинг Пенсия жамғармасини кўришимиз мумкин. Мазкур жамғарма давлат томониидан бошқарилади ва мамлакатда ишловчи барча шахслар мазкур жамғармага белгиланган бадалларни тўлашлари мажбурий тартибда белгилаб қуйилган.

**Хулоса**

Хулоса ўрнида хорижий мамлакатлар тажрибаларини таҳлил қилганда халқаро





амалиётда 3 турдаги пенсия тизими амал қилиши ва уларнинг инвестицион фаолиятни амалга ошириш механизмларининг ривожланганлигини кўришишимиз мумкин.

Хорижий мамлакатларнинг пенсия таъминоти тизимларининг шаклланишидаги тажрибалари асосида Ўзбекистон пенсия тизимини ислоҳ этишда турли ижтимоий, иқтисодий ва демографик шароитларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги амалий тажрибаларни қўллаш мумкин:

1. Ўзбекистон пенсия тизимининг институционал асосларини тубдан ислоҳ қилиш, яъни уч даражали пенсия тизимини ташкил қилиш керак. Бунда биринчи даражада давлат минимал пенсия миқдорини белгилайди. Иккинчи даражада ходимнинг иш ҳақидан суғурта бадали асосида муайян сумма ушланиб, унинг шахсий ҳисоб-варағида тўпланади ва Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаган фоиз ҳисоблаб борилади. Учинчи даражада ходим пенсия жамғармасига ажратиладиган маблағ миқдорини ўзи белгилайди;

2. Хусусий пенсия фондларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;

3. Ишловчи аҳолини пенсия тизими билан қамраб олиш даражасини ошириш;

4. Пенсия жамғармаси маблағларининг даромадлилигини ошириш орқали пенсия таъминоти тизимига суғурта бадали қамровини кенгайтириш ва ихтиёрий суғурта бадали тўловини рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш ва амалга ошириш зарур.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ60-сонли фармони.

2. Peter Naan, Daniel Kemptner, Holger Lüthen, (2019) The rising longevity gap by lifetime earnings – Distributional implications for the pension system, *The Journal of the Economics of Ageing*, 100199.

3. Вавулин Д.А. (2016) Негосударственные пенсионные фонды: место в системе обязательного пенсионного страхования. – 2016. – № 2. – С.162-176.

4. Rozanov A. (2015) Public pension fund management: best practice and international experience // *Asian Economic Policy Review*. – 2015. – №10. – P.275-295

5. Вахабов А.В. ва бошқ. Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси: дарслик. – Тошкент: Иқтисод-молия, 2018. – 400 б.

6. Ражабов Ш.У. Нодавлат пенсия жамғармаларини шакллантириш ва инвестицион фаолликни ошириш. Иқт. фан. бўй. фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент: Иқтисод-молия, 2018. – 66 б.

7. The Global Competitiveness Report 2015-2016, World Economic Forum, 2015.P.35–40.[Electronic resource] – Mode of access:[http://www3.weforum.org/docs/gcr/20152016/Global\\_Competitiveness\\_Report\\_2015-2016.pdf](http://www3.weforum.org/docs/gcr/20152016/Global_Competitiveness_Report_2015-2016.pdf)

8. Дегтярь Л. Выводы из мирового опыта реформирования пенсионных систем [Электронный ресурс] / Л. Дегтярь. – 2002. – Режим доступа: <http://www.budgetrf.ru/Publications/Magazines/VestnikSF/2002/vestniksf169-13/vestniksf169-13100.htm>.

9. Турсунов Ж.П. Пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг хориж тажрибаси. *Moliya va bank ishi*. 2 (2022), 108-113 – <https://bfa.uz/files/Ejournal/19.%20Tursunov%20Jahangir.pdf>





## O‘ZBEKISTONDA TAKAFUL SUG‘URTASINI JORIY ETISH IMKONIYATLARI



**Gadayev Jaxongir Muhammadi o‘g‘li**

*moliya, soliq va bank ishi  
kafedrası assistenti  
Toshkent davlat iqtisodiyot  
universiteti Samarqand filiali  
E-mail: jahongadayev@gmail.com  
ORCID: 0000-0002-6642-3466*

**Annotatsiya.** Maqolada islomiy moliya tizimining muhim bo‘g‘ini hisoblangan takaful sug‘urtasi mazmun-mohiyati, uning an‘anaviy sug‘urtadan farqli jihatlari, afzalliklari va kamchiliklari hamda O‘zbekiston sharoitida joriy etish imkoniyatlari tahlil etilgan. Tadqiqotda takafulning iqtisodiy va ijtimoiy barqarorlikni ta‘minlashdagi o‘rni, investitsion imkoniyatlari, shuningdek, raqamli innovatsiyalar bilan uyg‘unlashuvi muhokama qilingan. Shuningdek, O‘zbekistonda aholi ehtiyojlaridan kelib chiqib, bu tizimni rivojlantirish zarurati asoslab berilgan.

**Kalit so‘zlar:** takaful, islomiy sug‘urta, an‘anaviy sug‘urta, islomiy moliya, shariatga muvofiqlik, raqamli innovatsiyalar, investitsiya, ijtimoiy adolat, sug‘urta bozori.

## ВОЗМОЖНОСТИ ВНЕДРЕНИЯ ТАКАФУЛ-СТРАХОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

**Гадаев Джахангир Мухаммади оглы**

*ассистент кафедры  
финансов, налогов и  
банковского дела  
Самаркандский филиал  
Ташкентского государственного  
экономического университета  
E-mail: jahongadayev@gmail.com  
ORCID: 0000-0002-6642-3466*

**Аннотация.** В статье подвергается анализу сущность такафул-страхования, являющегося важной частью исламской финансовой системы, его отличия от традиционного страхования, преимущества и недостатки, а также возможности его внедрения в Узбекистане. В исследовании исследуется роль такафула в обеспечении экономической и социальной стабильности, инвестиционных возможностей, а также его интеграция с цифровыми инновациями. Обоснована также необходимость разработки данной системы исходя из потребностей населения Узбекистана.

**Ключевые слова:** такафул, исламское страхование, традиционное страхование, исламские финансы, соответствие нормам шариата, цифровые инновации, инвестиции, социальная справедливость, страховой рынок.

## POSSIBILITIES OF IMPLEMENTING TAKAFUL INSURANCE IN UZBEKISTAN

**Gadaev Jakhongir Mukhammadagi ugli**

*Assistant Professor the Department  
of Finance, Taxes and Banking  
Samarkand branch of  
Tashkent State the University of Economics*





E-mail: jahongadayev@gmail.com

ORCID: 0000-0002-6642-3466

**Abstract.** This article examines the essence of takaful insurance, which is an important part of the Islamic financial system, its differences from traditional insurance, its advantages and disadvantages, as well as the possibilities of its implementation in Uzbekistan. The study discusses the role of takaful in ensuring economic and social stability, investment opportunities, as well as its integration with digital innovations. The need to develop this system based on the needs of the population of Uzbekistan is also substantiated.

**Keywords:** takaful, Islamic insurance, traditional insurance, Islamic finance, Sharia compliance, digital innovation, investment, social justice, insurance market.

### **Kirish**

Jahon moliya tizimida so‘nggi yillarda islomiy moliya instrumentlariga bo‘lgan qiziqish ortib bormoqda. Shu jumladan, shariat talablariga mos sug‘urta turi – takaful tizimi ham keng tarqala boshladi. Takaful – bu ishtirokchilar o‘rtasida o‘zaro yordam va jamoaviy mas‘uliyat asosida tashkil etiladigan sug‘urta tizimi bo‘lib, u an‘anaviy sug‘urtadagi foiz (ribo), noaniqlik (g‘arar) va riskli shartlar (maysir) kabi shariatga zid omillardan xoli hisoblanadi. Uning mohiyati ishtirokchilarning aniq bir muammo yoki xavfdan himoyalani uchun mablag‘larni umumiy jang‘armaga yig‘ishi va kerakli paytda o‘zaro yordam ko‘rsatishga qaratilgan.

O‘zbekistonda moliya bozorida raqobatni kuchaytirish, aholi uchun muqobil moliyaviy xizmatlarni yaratish, shuningdek, islomiy moliya sektori rivojini ta‘minlash maqsadida takaful tizimini joriy etish dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Mamlakat aholisining diniy e‘tiqodidan kelib chiqib, ularning shariatga muvofiq, adolatli va halol moliyaviy xizmatlarga bo‘lgan ehtiyoji yil sayin ortayotgani kuzatilmoqda. Shu sababli takaful sug‘urtasi nafaqat iqtisodiy, balki ijtimoiy barqarorlik va moliyaviy inkluziyani ta‘minlashda ham muhim o‘rin tutadi.

### **Adabiyotlar sharhi**

Takaful sug‘urtasi musulmonlar ham, musulmon bo‘lmaganlar uchun ham mavjud bo‘lishi bilan muhim ahamiyatga ega. Takaful musulmonlarga ham, musulmon bo‘lmaganlarga ham sotilishi mumkin bo‘lgan aniq axloqiy tuzilishga ega.

Takaful sug‘urtasi – islomiy tamoyillarga asoslangan sug‘urta turi bo‘lib, u mutaqobil yordam, adolat va o‘zaro mas‘uliyat asosida amalga oshiriladi. Takaful arabcha "kafola" so‘zidan kelib chiqib, “o‘zaro kafolat” ma‘nosini beradi [1]. U an‘anaviy sug‘urtaga muqobil bo‘lib, asosan shariat qoidalariga amal qiluvchi jamiyatlarda qo‘llaniladi.

Bu a'zolar yoki ishtirokchilar guruhi o'rtasida tuzilgan shartnoma sifatida ko'rsatilgan, ular o'zaro kelishuvda belgilanganidek, ularning har qandayiga yetkazilishi mumkin bo'lgan yo'qotish yoki zararga qarshi birgalikdagi kafolatidir [2]. Ishtirokchilar o'zaro kelishib, “tabarru” deb nomlanuvchi mablag‘lar yordamida yo‘qotish yoki zarar ko‘rilganda bir-birini kafolatlaydi [3]. Tabarru -takaful tizimining o'zagi. Batafsilroq tushuntirilganda, takaful sxemasi bo'yicha ishtirokchilar zarar ko'rgan har qanday a'zoga birgalikda moliyaviy yordam ko'rsatish orqali zarardan himoya qilishga o'zaro kelishib oladilar. Boshqacha qilib aytadigan bo'lsak, takaful moliyaviy bitimga asoslangan.

Takaful o‘zaro yordamga asoslangan taqsimot munosabatlarini aks etadi. Islom sug‘urtasi tijorat va o‘zaro sug‘urta shaklda amalga oshirilishiga mumkinligi sababli unda turli din e‘tiqodagi fuqarolar guruhi ixtiyoriy ravishda risklarni taqsimlashda va foydada ishtirok etishi mumkin [11].

M. A. Hamid va boshqalar olingan ikkilamchi ma'lumotlardan foydalangan holda islom sug'urtasiga korporativ talabni belgilovchi omillarni o'rganib chiqishgan [1]. M. A. Hamid o'z tadqiqotida Malayziyadagi Islom sug'urtasiga oid imperativ topilmalarga ishora qiladi [4]. Shubhasiz, tadqiqot shuni ko'rsatdiki, leveraj, o'sish imkoniyatlari, kutilayotgan bankrotlik xarajatlari, kompaniya hajmi, boshqaruv mulki, soliqni hisobga olish va tartibga solinadigan





ta'sirlar korporativ talabni aniqlashda statistik ahamiyatga ega. Shuni ham ta'kidlash joizki, tadqiqot faqat iste'molchini qabul qilishdan ko'ra korporativ talabga qaratilgan. Xususan, tadqiqot iste'molchilar o'rtasida islomiy sug'urta sotib olish xulq-atvorini isbotlay olmaydi.

Islomda sarmoyaning asosiy tamoyili savob tavakkal bilan birga bo'lishi kerakligidadir. Shuning uchun takaful korxonalari qarzga asoslangan, kafolatlangan yoki minimal daromadli yoki harom amaliyotlarga (kazino va qimor kompaniyalari) asoslangan mahsulotlarga sarmoya kirita olmaydi [5]. Takaful - bu zamonaviy sug'urta tushunchasiga islomiy javobdir. Islomda sug'urta qimor o'yinlari va foizlardan xoli hisoblanadi [6].

Ushbu sxemaga ko'ra, guruh a'zolari yoki ishtirokchilari birgalikda o'zlarini yo'qotish yoki shikastlanishdan kafolatlashga rozi bo'lishadi. Butun guruh shaxsga uning zararini qoplash va unga moddiy yordam ko'rsatishda yordam beradi. Takaful - bu sxemaning barcha ishtirokchilari o'rtasida takaful siyosati hujjatida ko'rsatilganidek, zarar ko'rgan har qanday a'zoga to'lash to'g'risidagi qonuniy majburiy kelishuvdir. Staj-Makey Ketrinning so'zlariga ko'ra, bu xayr-ehson asosida qurilgan o'zaro sug'urtaning islom tizimidir [7].

### **Tadqiqot metodologiyasi**

Mazkur maqolada iqtisodiy tadqiqotning analiz va sintez, induksiya va deduksiya, taqqoslama kabi an'anaviy usullardan foydalanildi. Xorijiy va mamlakatimiz olimlari va tadqiqotchilarining sug'urta munosabatlariga doir ilmiy-amaliy qarashlari tahlil qilindi va natijalari asosida xulosalar shakllantirildi.

### **Tahlil va natijalar**

Takaful sxemasi Islom ta'limotida Qur'on va Sunnat asosida paydo bo'lgan.

Takaful sug'urtasining asosiy afzalliklari:

1. Shariatga muvofiqlik. Takaful shariat qoidalariga mos ravishda tashkil etiladi, ya'ni unda ribo (foiz), g'arar (noaniqlik), va maysir (qimor) kabi man qilingan amaliyotlar yo'q.

2. O'zaro yordam va mas'uliyat. Takaful ishtirokchilari o'z mablag'larini umumiy jamg'armaga qo'shib, ehtiyojga duch kelgan a'zolarga yordam berish maqsadida ish tutadilar. Bu esa jamiyatda birdamlik va hamjihatlikni ta'minlaydi.

3. Foydaning odilona taqsimlanishi. Takaful kompaniyasi sug'urta faoliyatidan ortgan daromadni ishtirokchilar o'rtasida odilona taqsimlaydi yoki keyingi davrdagi jamg'armaga qo'shadi. Bu an'anaviy sug'urtadagi kabi kompaniyaning foydani o'zlashtirishidan farq qiladi.

4. Shaffoflik. Takaful tizimida ishtirokchilar mablag'lar qay tarzda ishlatilayotganini bilish huquqiga ega. Bu shaffoflikni oshiradi.

5. Etika va ijtimoiy jihatdan mas'ullik. Takaful faqat moliyaviy manfaat uchun emas, balki ijtimoiy adolat va yordamni ta'minlashni ham maqsad qiladi.

6. Qo'llab-quvvatlovchi investitsiyalar. Takaful jamg'armalari faqat shariatga muvofiq loyihalarga investitsiya qilinadi, ya'ni halol bizneslarni qo'llab-quvvatlaydi.

7. Risklarni umumlashtirish. Xavf yoki zarar yuzaga kelganda, bu risk barcha ishtirokchilar o'rtasida taqsimlanadi, ya'ni bir kishi emas, hamma birgalikda javobgarlikni ko'taradi.

A. Mirzaxmedovanning fikricha, takaful sug'urta bozorini diversifikatsiya qilishning munosib yechimi sifatida namoyon bo'lib, islomning o'zaro yordam, birdamlik va axloqiy xulq-atvor tamoyillariga asoslangan muqobil asosni taklif qiladi [9]. Asosan foydani ko'paytirish modelida ishlaydigan an'anaviy sug'urtadan farqli o'laroq, takaful ishtirokchilar o'rtasida hamkorlik va umumiy mas'uliyatni ta'kidlaydi.

Takaful sug'urtasining qo'llanilish sohalari sifatida quyidagilarni e'tirof etamiz:

1. Shaxsiy sug'urta (Life Takaful). Hayot sug'urtasi, nogironlik, kasallik holatlarida moddiy yordam ko'rsatish.

2. Sog'liqni saqlash sug'urtasi. Davolanish xarajatlarini qoplash, shifoxona xizmatlari uchun yordam.

3. Mulk va avtosug'urta (General Takaful). Uy-joy, avtomashina, biznes aktivlarini





risklardan sug‘urtalash.

4. Ishlab chiqarish va tadbirkorlik sug‘urtasi. Biznesdagi risklar, eksport-import, logistikadagi xarajatlarni qoplash.

5. Sayohat sug‘urtasi. Safar davomida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan xavf-xatarlarni yoritadi.

6. Qishloq xo‘jaligi sug‘urtasi. Dehqonchilik va chorvachilik faoliyatidagi tabiiy ofatlardan himoya.

Takoful adolat, iqtisodiy, tavakkalchilik, ma‘naviy va to‘lovni qaytarish siyosati nuqtai nazariga muvofiqligini ko‘rsatish nuqtai nazaridan an‘anaviy sug‘urtaga qaraganda ancha samarali hisoblanadi [8]. Shunga muvofiq, takaful sug‘urta va an‘anaviy sug‘urtaning farqli jihatlarini keltirib o‘tamiz.

1-jadval.

**Takaful va an‘anaviy sug‘urtaning farqlari\***

| Mezonlar                   | Takaful  | An‘anaviy sug‘urta   |
|----------------------------|--|--|
| <b>Ishlash asosi</b>       | O‘zaro yordam, mutaqobil kafolat va sheriklik                | Tijorat manfaati, foyda olish                                    |
| <b>Huquqiy tabiati</b>     | Ishtirokchilar o‘rtasidagi kelishuv (vakillik va kafolat)    | Sug‘urtalovchi va mijoz o‘rtasida shartnoma                      |
| <b>Foydaning taqsimoti</b> | Foyda ishtirokchilarga qaytarilishi yoki jang‘armada qolishi | Foyda kompaniyada qoladi   |
| <b>Shariatga mosligi</b>   | Shariat qoidalariga to‘liq mos                               | Shariatga zid amaliyotlar (ribo, g‘arar, maysir) bo‘lishi mumkin |
| <b>Investitsiyalar</b>     | Faqat halol (shariatga muvofiq) loyihalarga                  | Har qanday sohada bo‘lishi mumkin                                |
| <b>Risklar</b>             | Birgalikda ko‘tariladi                                       | Sug‘urta kompaniyasi ko‘taradi                                   |

\* Muallif ishlanmasi

Albatta, har qanday moliyaviy tizimda bo‘lgani kabi, takaful sug‘urtasi ham ba‘zi kamchiliklar va muammolarga ega. Ular quyidagilardan iborat:

1. Taraqqiyot darajasining pastligi. Takaful hali dunyoda, ayniqsa rivojlanayotgan mamlakatlarda yangi rivojlanayotgan bozor hisoblanadi. Shuning uchun xizmatlar turi va qamrovi cheklangan bo‘lishi mumkin.

2. Qonunchilik asosining yetarli emasligi. Ba‘zi mamlakatlarda (jumladan, O‘zbekistonda ham) takaful uchun maxsus qonunlar va tartibga soluvchi mexanizmlar yetarli darajada emas, bu esa amaliyotda muammolarni keltirib chiqaradi.

3. Islom moliyasini yaxshi biladigan kadrlar tanqisligi. Takafulni amalga oshirish uchun shariat va moliyaviy bilimlarga ega mutaxassislar kerak. Ammo bunday kadrlar yetarli emasligi rivojlanishga to‘sqinlik qiladi.

4. Muddatlilik va murakkab shartlar. Takaful shartnomalaridagi ba‘zi huquqiy va moliyaviy jihatlar oddiy fuqarolar uchun tushunarsiz va murakkab bo‘lishi mumkin.

5. Foyda kamroq bo‘lishi mumkin. Takaful kompaniyalari foydani ishtirokchilar bilan bo‘lishgani uchun, an‘anaviy sug‘urtaga nisbatan kamroq dividend yoki bonus taqdim qilishi mumkin.

6. Innovatsiya va raqamlashtirish darajasi past. Ko‘pchilik takaful kompaniyalari raqamli texnologiyalar va onlayn xizmatlarda ortda qolgan. Bu esa mijozlar uchun qulaylik darajasini pasaytiradi.

7. Ijtimoiy ong va xabardorlik yetishmasligi. Ko‘plab aholi takaful haqida yetarli ma‘lumotga ega emas, bu esa mijozlar sonini kamaytiradi.

O‘zbekistonda takaful sug‘urtasini joriy etish imkoniyatlari sifatida quyidagilarni keltirib o‘tamiz:

- Aholining diniy ehtiyojlari. O‘zbekiston aholisining katta qismi islom dini tarafdorlari





bo‘lib, shariatga muvofiq moliyaviy xizmatlarga ehtiyoj ortib bormoqda. Takaful shunday xizmatlardan biri sifatida talabga ega bo‘lishi mumkin.

1. Islom moliyasining rivojlanayotgani. So‘nggi yillarda O‘zbekistonda islom moliyasiga e‘tibor ortdi: islom banki, islomiy lizing va shariatga muvofiq moliyaviy institutlar rivojlana boshlamoqda.

2. Yosh va faol aholi. Aholining katta qismi yoshlardan iborat. Ular yangicha va adolatli moliyaviy mexanizmlarga qiziqadi, bu esa takaful uchun yangi bozor sifatida qaralishi mumkin.

3. Tashqi hamkorlik imkoniyatlari. Malayziya, Saudiya Arabistoni, BAA va Turkiya kabi Takaful tajribasi katta bo‘lgan mamlakatlar bilan hamkorlik orqali o‘zbek sug‘urta bozorida Takafulni joriy etish mumkin.

4. Qo‘shni davlatlar tajribasi. Qozog‘iston, Qirg‘iziston va Tojikistonda ham islom moliyasiga oid islohotlar ketmoqda, bu mintaqaviy hamkorlikni kuchaytirish imkonini beradi.

Iqtisodchi olim Q. Qo‘ldoshevning fikricha, O‘zbekistonga takaful-sug‘urta nisbatan kech kirib kelgan bo‘lsa-da, ushbu sug‘urtaning mamlakatda tez ommalashuviga shart-sharoitlar etarli [10]. Mamlakatda o‘zaro sug‘urtaning shakllanib boshlaganligi va uning huquqiy ta‘minotidagi o‘zgarishlar (fuqarolik kodeksiga kiritilgan o‘zgarishlar va o‘zaro sug‘urta to‘g‘risidagi qonun loyihasining ishlab chiqilganligi) o‘zaro sug‘urtaning modifikasiyasi sifatidagi takaful-sug‘urtaga ham tegishli ekanligini bildiradi va qonunchilikdagi ushbu o‘zgarishlar takaful-sug‘urtaning O‘zbekistonda tez ommaviylashuviga sharoit yaratadi.

### **Xulosa**

O‘zbekistonda takaful sug‘urta joriy etishda quyidagilarni amalga oshirish maqsadga muvofiq:

1. Huquqiy asos yaratish. Takaful faoliyatini tartibga soluvchi alohida qonun yoki “Islomiy sug‘urta to‘g‘risida”gi moddalarni amaldagi sug‘urta qonuniga kiritish kerak.

2. Shariat kengashlarini tuzish. Takaful tashkilotlari huzurida mustaqil Shariat kengashlarini tashkil qilinishi zarur. Ular mahsulotlar shariatga muvofiqligini nazorat qiladi.

3. Kadrlar tayyorlash. Oliy ta‘lim muassasalarida “Islomiy moliya va Takaful” bo‘yicha ixtisoslashtirilgan kurslar ochish va xorij tajribasini o‘rganishni yo‘lga qo‘yish kerak.

4. Pilot loyihalarni ishga tushirish. Avvalo pilot hududlarda (masalan, Farg‘ona, Namangan yoki Toshkent shahrida) takaful xizmatlarini sinov tariqasida joriy etish mumkin.

5. Aholini xabardor qilish. Takaful haqida seminarlar, TV ko‘rsatuvlar, ijtimoiy tarmoqlarda video va maqolalar orqali targ‘ibot-tashviqot ishlarini olib borish.

6. Texnologik echimlar bilan ta‘minlash. Takaful xizmatlarini raqamlashtirish – onlayn ariza, mobil ilova va avtomatlashtirilgan to‘lov tizimlari orqali xizmat ko‘rsatish.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Hamid, M. A., Osman, J., and Nordin, B. A. (2009). Determinants of corporate demand for Islamic Insurance in Malaysia. *International Journal of Economics and Management*, 3(2), – PP. 278-296.

2. Yusof, M. F. (1996). Brief Outline on the Concept and Operational System of Takaful Business (Islamic Insurance). *Takaful (Islamic Insurance)*, BIRT.

3. Billah, M. M. (2001). Principles and Practices of Takaful and Insurance Compared. Kuala Lumpur: IIUM Press.

4. Hamid, M. (2010). Financial expositions of corporate determinants for conventional insurance: Evidence from Malaysian firms. *International Research Journal of Finance and Economics*, 43, – PP. 80-93.

5. Anwar, Habiba (2008). *Islamic Finance: A Guide for International Business and Investment*. GMB Publishing Ltd., United Kingdom.

6. Saleh, Nabil A (1986). *Unlawful Gain and Legitimate Profit in Islamic Law. Riba, Gharar and Islamic Banking*. Cambridge University Press: Cambridge.





7. Stagg-Macey, Catherine (2007). An Overview of Islamic Insurance. No. 8. [sabbir@icmif.org](mailto:sabbir@icmif.org).

8. Dinç, Y., & Jahangır, R. (2024). Differences in Perspectives between Islamic and Conventional Insurance: An Argumentative Analysis based on Risk-sharing and Risk-transfer Concept. *Adam Academy Journal of Social Sciences*, 14(1), – PP. 47-62.

9. Mirzaxmedova A. Iqtisodiy tizmida takaful sug‘urtasining afzalliklari va uning islomiy moliylashatirishning muqobil usullarini baholash. // *Aktuar moliya va buxgalteriya hisobi ilmiy jurnali* – 2024, – 4(02), – B. 284-292.

10. Qo‘ldoshev Q. Islom mamlakatlarida takaful sug‘urta: shakllanishi va rivojlanishi, O‘zbekistonda joriy etish masalalari // *Страховой рынок Узбекистана*. – 2023. – Т. 1. – №. 3. – С. 1-6.

11. Абдурахмонов, И. (2024). Такафул: теоретико-экономические основы и механизмы реализации // *Экономическое развитие и анализ*, 2(6), – С. 298-307.





**РАЗВИТИЕ СОЦИАЛЬНОЙ ИНФРАСТРУКТУРЫ УЗБЕКИСТАНА:  
ЦИФРОВИЗАЦИЯ, РЕГИОНАЛЬНЫЕ РАЗЛИЧИЯ И  
ОБЩЕСТВЕННОЕ УЧАСТИЕ**

**Мамбетсапаев Курбанияз Айниязович**



*преподаватель International  
school of finance, technology and  
science (ISFT)*

*E-mail: [mr.kurbaniyaz@gmail.com](mailto:mr.kurbaniyaz@gmail.com)*

*ORCID: 0009-0008-6317-4178*

**Аннотация.** В статье проведён комплексный анализ состояния и развития социальной инфраструктуры Республики Узбекистан в условиях цифровизации и внедрения механизмов общественного участия. Рассмотрены функции геопортала социальной инфраструктуры, созданного в 2025 году, а также итоги первого сезона проекта «Открытый бюджет». На основе статистических данных и нормативно-правовых актов проведено исследование региональных различий в обеспеченности образовательными и медицинскими услугами, оценена их динамика в сравнении с международными стандартами. Установлено, что, несмотря на рост прозрачности управления и вовлечение граждан в принятие решений, сохраняются значительные территориальные диспропорции и кадровые дефициты, особенно в сельской местности. Предложены рекомендации по децентрализации управления, развитию кадрового потенциала и внедрению «зелёных» стандартов в инфраструктурные проекты.

**Ключевые слова:** социальная инфраструктура, цифровизация, региональные различия, геопортал, «открытый бюджет», образование, здравоохранение.

**O‘ZBEKISTONDA IJTIMOIIY INFRATUZILMANING RIVOJLANISHI:  
RAQAMLASHTIRISH, HUDUDLARARO TAFOVUTLAR VA JAMOATCHILIK  
ISHTIROKI**

**Mambetsapayev Qurboniyaz Ainiyazovich**

*International school of finance  
technology and  
science (ISFT)ning o‘qituvchisi*

*E-mail: [mr.kurbaniyaz@gmail.com](mailto:mr.kurbaniyaz@gmail.com)*

*ORCID: 0009-0008-6317-4178*

**Аннотация.** Мақоллада О‘zbekiston Respublikasida raqamlashtirish va jamoatchilik ishtirokini kengaytirish sharoitida ijtimoiy infratuzilmaning holati va rivojlanishining kompleks tahlili o‘tkazilgan. 2025 yilda ishga tushirilgan ijtimoiy infratuzilma geoportali faoliyati hamda “Ochiq byudjet” loyihasining birinchi mavsumi natijalari ko‘rib chiqilgan. Statistik ma’lumotlar va me’yoriy-huquqiy hujjatlar asosida ta’lim va sog‘liqni saqlash xizmatlari bilan ta’minlanish darajasidagi hududlararo tafovutlar tahlil qilinib, ularning xalqaro standartlar bilan solishtirilgan dinamikasi baholandi. Tadqiqot natijalariga ko‘ra, boshqaruv shaffofligining ortishi va fuqarolarni qaror qabul qilish jarayoniga jalb etishiga qaramay, ayniqsa qishloq hududlarida hududlararo tafovutlar va kadrlar yetishmovchiligi saqlanib qolmoqda. Infratuzilma loyihalarida boshqaruvni markazsizlashtirish, kadrlar salohiyatini rivojlantirish va “yashil” standartlarni joriy etish bo‘yicha tavsiyalar berilgan.

**Калит so‘zlar:** ijtimoiy infratuzilma, raqamlashtirish, hududlararo tafovutlar, geoportal, “ochiq byudjet”, ta’lim, sog‘liqni saqlash.





## DEVELOPMENT OF SOCIAL INFRASTRUCTURE IN UZBEKISTAN: DIGITALIZATION, REGIONAL DISPARITIES AND PUBLIC PARTICIPATION

**Mambetsapaev Kurbaniyaz Ainiyazovich**

*Teacher International school  
of finance, technology  
and science (ISFT)*

*E-mail: [mr.kurbaniyaz@gmail.com](mailto:mr.kurbaniyaz@gmail.com)*

*ORCID: 0009-0008-6317-4178*

**Abstract.** The article provides a comprehensive analysis of the state and development of social infrastructure in the Republic of Uzbekistan under the conditions of digitalization and the introduction of public participation mechanisms. The functions of the Social Infrastructure Geoportal, launched in 2025, and the results of the first season of the “Open Budget” project are examined. Based on statistical data and legal acts, the study analyzes regional disparities in the provision of educational and healthcare services and evaluates their dynamics in comparison with international standards. It is found that, despite increased transparency in governance and citizen involvement in decision-making, significant territorial disparities and personnel shortages persist, especially in rural areas. Recommendations are offered on decentralizing management, developing human resources, and introducing green standards in infrastructure projects.

**Keywords:** social infrastructure, digitalization, regional disparities, geoportal, “open Budget”, education, healthcare.

### **Введение**

Социальная инфраструктура – это комплекс учреждений и сервисов, обеспечивающих жизнедеятельность населения и формирующих условия для социального благополучия и экономического роста [11]. В Узбекистане, где численность населения по состоянию на 1 июля 2025 года достигла 37,86 млн человек [4], вопросы её состояния и доступности выходят на первый план.

Исторически развитие социальной инфраструктуры в стране происходило неравномерно: в советский период акцент делался на промышленные центры, тогда как сельские районы часто оставались с ограниченным доступом к объектам образования и здравоохранения. После 1991 года экономические преобразования сопровождались снижением капитальных вложений в социальную сферу, и только с нулевых годов XXI века началось постепенное наращивание инвестиций.

С 2016 года развитие социальной инфраструктуры стало одним из ключевых направлений государственной политики. Запуск геопортала социальной инфраструктуры в 2025 году [6], интегрировавшего данные о более чем 23 000 объектах, стал важным шагом в сторону цифровой трансформации управления. Параллельно проект «Открытый бюджет» [7] обеспечил вовлечение граждан в распределение бюджетных средств, а постановления Президента № ПП-454 [1] и № ПП-185 [2] закрепили инвестиционные приоритеты и реформы в здравоохранении и образовании.

За последние полтора десятилетия развитие социальной инфраструктуры прошло четыре этапа:

1. 2010–2015 гг. – стабилизация и поддержание сети, ограниченные инвестиции, медленное обновление инженерного оснащения.
2. 2016–2019 гг. – начало институциональных реформ, подготовка к цифровизации учёта объектов.
3. 2020–2022 гг. – цифровой переход, внедрение электронных карт, ускорение модернизации санитарных условий в школах и медучреждениях.





4. 2023–2025 гг. – интеграция данных в единый геопортал, масштабные вложения по программам ПП-454 и ПП-185, расширение «Открытого бюджета».

Таблица 1.

**Динамика ключевых показателей социальной инфраструктуры (2010–2025)\***

| Год  | Школы (шт.) | Медучреждения (шт.) | Доля школ с централизованным водоснабжением (%) | Врачи на 10 тыс. чел. |
|------|-------------|---------------------|---|-----------------------|
| 2010 | ~9 800      | ~3 200              | 41  | 28,5                  |
| 2015 | ~10 100     | ~3 350              | 44  | 29,0                  |
| 2020 | ~10 900     | ~3 550              | 48  | 29,7                  |
| 2023 | 11 050      | 3 650               | 50  | 30,5                  |
| 2025 | 11 127      | 3 689               | 52  | 31,4                  |

\*Подготовлено автором на основе данных с официального веб-сайта Государственного комитета по статистике Республики Узбекистан – stat.uz

**Обзор литературы**

Вопросы развития и управления социальной инфраструктурой широко представлены в отечественных и зарубежных исследованиях. В отечественной науке (А.Г. Синельников, Ш.А. Арзуова, А.Ю. Шарипов и др.) социальная инфраструктура определяется как совокупность отраслей и видов деятельности, обеспечивающих воспроизводство рабочей силы, удовлетворение духовных, культурных и социальных потребностей населения и создание условий для нормального функционирования производственной сферы.

В зарубежных работах (Bettencourt et al., 2007; West, 2018) акцент делается на концепцию «городского масштабирования» (urban scaling), которая показывает, что физическая инфраструктура растёт медленнее численности населения, тогда как социально-экономическая активность растёт быстрее. Это влияет на распределение ресурсов и формирование региональных диспропорций.

Во Li и Ali Mostafavi (2024) предлагают концепцию **infrastructure quality provision**, предполагающую оценку инфраструктуры не только по количеству объектов, но и по их качеству, экологической устойчивости и социальной справедливости. Они используют машинное обучение для выявления факторов, определяющих уровень инфраструктурного обеспечения.

В работах узбекских авторов (С. Гулямов, Н. Юлдашев, Б. Гайибназаров, Х. Мухитдинов и др.) подчёркивается необходимость комплексного подхода, который учитывал бы и количественные, и качественные характеристики, региональные различия, а также развитие кадрового потенциала в социальной сфере.

Таким образом, научная литература указывает на важность интеграции цифровых технологий, качественных оценок и регионального подхода при разработке стратегий развития социальной инфраструктуры.

Для достижения целей исследования был сформирован комплексный массив данных, отражающий текущее состояние социальной инфраструктуры Узбекистана и динамику её развития за период с 2010 по 2025 годы. В качестве основного источника информации использовался Геопортал социальной инфраструктуры [6], запущенный в 2025 году. Этот ресурс предоставляет систематизированные сведения о более чем 23 тысячах объектов, включая школы, детские сады, медицинские учреждения и спортивные комплексы, а также данные об их инженерной оснащённости (подключение к водоснабжению, канализации, наличие интернета).

Официальная статистика Государственного комитета по статистике Республики Узбекистан [4], [5] стала вторым ключевым источником. Она использовалась для получения демографических характеристик и показателей кадрового обеспечения.





Для оценки институциональных изменений были проанализированы нормативно-правовые акты – постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-454 [1] и № ПП-185 [2], определяющие приоритеты финансирования и реформ в социальной сфере.

Международные сравнения базировались на данных Всемирного банка [8], ЮНИСЕФ [9] и ВОЗ [10].

Отдельный блок данных получен из портала «Открытый бюджет» [7], содержащего информацию об инициативных проектах граждан и распределении средств.

Информация из одного источника сверялась с другими, а данные без подтверждения минимум двумя независимыми источниками исключались.

### **Методология исследования**

При анализе состояния и развития социальной инфраструктуры Республики Узбекистан в условиях цифровизации и внедрения механизмов общественного участия применялись методы дескриптивного статистического, сравнительного регионального, институционального анализа и международного сопоставления.

### **Анализ и результаты**

К 2025 году в Узбекистане сформирована разветвлённая сеть объектов социальной инфраструктуры, включающая 11 127 общеобразовательных школ, 6 888 детских дошкольных учреждений, 3 689 медицинских организаций и 879 спортивных комплексов [6]. За последние 10 лет количество школ увеличилось на 10,9 %, а число детских садов – почти на 25 %, что связано как с ростом численности населения, так и с реализацией государственных программ по расширению доступа к дошкольному и школьному образованию.

1. Образование. По состоянию на 2025 год 52 % школ обеспечены централизованным водоснабжением, ещё 39 % имеют альтернативные источники, и 9 % остаются без удобного доступа к воде. Показатель доступа к интернету в школах вырос с 62 % в 2020 году до 85 % в 2025 году, однако в сельских районах он на 15–20 процентных пунктов ниже, чем в городах. Численность педагогических работников составила около 507 тысяч человек, но распределение остаётся неравномерным: в Ташкенте на одного учителя приходится в среднем 16 учеников, а в Кашкадарьинской области – 24.

2. Здравоохранение. Медицинская инфраструктура включает как крупные областные больницы, так и сельские врачебные пункты. Обеспеченность врачами в среднем по стране составляет 31,4 на 10 тыс. населения, при этом в Ташкенте – 45,2, а в Кашкадарьинской области – 24,5. За 2015–2025 годы среднее количество врачей на душу населения выросло на 8,3 %, однако темпы роста в регионах различаются: наибольший прирост – в Бухарской и Сурхандарьинской областях, минимальный – в Каракалпакстане.

3. Социально-культурные объекты. В 2025 году в стране действует более 1 200 домов культуры, 879 спортивных комплексов и около 450 библиотек, имеющих подключение к цифровым базам данных. В рамках национальной программы «Инклюзивный спорт» в 2023–2025 гг. построено 74 объекта, приспособленных для занятий лиц с ограниченными возможностями здоровья.

4. Региональные различия. Данные показывают значительную неоднородность инфраструктурного обеспечения (табл. 2). Так, в Ташкенте уровень обеспеченности школ централизованным водоснабжением близок к 100 %, тогда как в Каракалпакстане этот показатель не превышает 61 %.

5. Динамика за последние годы. Анализ динамики за последние десять лет показывает положительные изменения в ключевых показателях развития социальной инфраструктуры. Так, общее количество школ в стране увеличилось с 10 100 в 2015 году до 11 127 в 2025 году, что свидетельствует о последовательном расширении образовательной сети. Аналогичная тенденция наблюдается и в сфере здравоохранения:





число медицинских учреждений за тот же период выросло с 3 350 до 3 689. Улучшились и показатели инженерного оснащения – доля школ, подключённых к централизованному водоснабжению, возросла с 44 % до 52 %. При этом обеспеченность врачами повысилась с 29,0 до 31,4 на 10 тысяч населения, что указывает на медленное, но стабильное укрепление кадрового потенциала системы здравоохранения.

6. Данные инициативных проектов. По итогам 2025 года в рамках инициативы «Открытый бюджет» [7] было реализовано 3 247 проектов, направленных на развитие социальной инфраструктуры. Наибольшая доля этих инициатив – 41 % – приходилась на ремонт и оснащение школ, что отражает высокий общественный запрос на улучшение условий обучения. Около 26 % проектов касались модернизации медицинских пунктов, включая закупку оборудования и ремонт помещений. Ещё 19 % инициатив были направлены на благоустройство спортивных и культурных объектов, а оставшиеся 14 % – на обеспечение доступа населения к качественной питьевой воде. Таким образом, полученные данные подтверждают, что цифровизация и активное участие граждан в распределении средств через «Открытый бюджет» оказывают существенное влияние на формирование приоритетов финансирования. Вместе с тем сохраняющиеся региональные диспропорции в обеспеченности инфраструктурой и кадрами требуют комплексных и долгосрочных мер для их сокращения.

Таблица 2.

**Обеспеченность инфраструктурой и кадрами по регионам (2025)\***

| Регион               | Школы (шт.) | Водоснабжение в школах (%) | Врачи на 10 тыс. чел. | Население (млн) |
|----------------------|-------------|----------------------------|-----------------------|-----------------|
| Ташкент              | 436         | 98                         | 45,2                  | 2,9             |
| Каракалпакстан       | 512         | 61                         | 26,7                  | 2,0             |
| Ферганская обл.      | 894         | 74                         | 28,3                  | 4,1             |
| Кашкадарьинская обл. | 763         | 65                         | 24,5                  | 3,3             |
| Бухарская обл.       | 642         | 79                         | 32,8                  | 2,1             |
| Среднее по стране    | —           | 76                         | 31,4                  | 37,86           |

\*Разработка автора на основе данных официального веб-сайта Государственного комитета по статистике Республики Узбекистан – stat.uz

Результаты исследования подтверждают, что цифровизация, начавшаяся в социальной инфраструктуре Узбекистана в последние пять лет, стала катализатором системных изменений. Появление Геопортала социальной инфраструктуры позволило впервые создать централизованную картину состояния объектов по всей стране. До этого данные были фрагментированными, хранились в ведомственных базах и редко обновлялись синхронно. Теперь органы власти, исследователи и сами граждане получили возможность оперативно выявлять слабые места – будь то нехватка медучреждений в сельских районах или проблемы с водоснабжением школ.

Особое значение имеет интеграция цифровых решений с механизмами прямого общественного участия, такими как «Открытый бюджет». Если в начале 2020-х годов участие граждан в принятии решений по распределению средств было минимальным, то в 2025 году через данный портал прошло более 15 тысяч инициативных проектов, из которых 40 % касались улучшения именно социальной инфраструктуры. Это говорит о высоком уровне общественного запроса на модернизацию сферы образования, здравоохранения и объектов культуры.

Однако исследование также выявило устойчивые структурные дисбалансы, которые цифровизация сама по себе устранить не может. Межрегиональные различия в обеспеченности кадрами достигают критических значений: если в Ташкенте и некоторых





областях показатель обеспеченности врачами приближается к рекомендациям ВОЗ (44 на 10 тыс. населения), то в ряде регионов он остаётся ниже 25, что отражает не только кадровый дефицит, но и миграцию специалистов в экономически более развитые зоны.

Причины таких дисбалансов многофакторны. Во-первых, инфраструктурные проекты в отдалённых районах традиционно требуют более высоких затрат из-за сложности логистики и низкой плотности населения. Во-вторых, низкий уровень привлекательности сельских территорий для квалифицированных кадров усугубляется недостатком социальной поддержки – например, отсутствием современного жилья, транспортных связей и бытовых условий.

Последствия дисбалансов носят долгосрочный характер:

- ухудшение доступности и качества образовательных и медицинских услуг в периферийных районах;
- рост социальной миграции в крупные города, что увеличивает нагрузку на их инфраструктуру;
- воспроизводство неравенства в уровне человеческого капитала между регионами.

Сравнительный анализ с другими странами Центральной Азии показывает, что Узбекистан по ряду параметров находится в промежуточной позиции. Так, уровень обеспеченности школ централизованным водоснабжением (76 %) выше, чем в Кыргызстане (около 65 %), но ниже, чем в Казахстане (почти 95 %). По обеспеченности медицинскими кадрами Узбекистан опережает Таджикистан, но значительно отстаёт от Казахстана, что свидетельствует о необходимости целевых кадровых программ.

Важно подчеркнуть, что достижение международных стандартов (ВОЗ, ЮНЕСКО, ЦУР ООН) требует не только инвестиций в материальную базу, но и комплексных мер по подготовке, закреплению и мотивации кадров, включая финансовые стимулы, улучшение условий труда и жизни, а также расширение профессиональных возможностей.

Кроме того, в ходе анализа выявлено, что не все цифровые инструменты пока одинаково эффективны. Несмотря на наличие геопортала, часть данных обновляется с задержкой, что снижает их актуальность для планирования. Аналогично, «Открытый бюджет» пока имеет неравномерное территориальное покрытие – наибольшая активность наблюдается в городах, тогда как в сельских районах количество поданных проектов в 3–4 раза ниже. Это указывает на необходимость проведения разъяснительных кампаний и обучения населения инструментам цифрового участия.

Таким образом, ключевой вызов на ближайшие годы – не только развитие материальной и цифровой инфраструктуры, но и формирование устойчивых социальных и институциональных механизмов, способных обеспечить равномерное распределение ресурсов и возможностей по всей территории страны.

### **Заключение**

Проведённое исследование показало, что развитие социальной инфраструктуры в Узбекистане в последние годы приобрело качественно новый характер. Цифровизация, представленная в первую очередь запуском Геопортала социальной инфраструктуры и расширением механизма «Открытый бюджет», привела к повышению прозрачности, улучшению координации между ведомствами и вовлечению населения в процесс принятия решений. Эти шаги создали основу для системного мониторинга состояния объектов социальной сферы и формирования адресных мер поддержки.

Однако полученные результаты свидетельствуют о том, что материальные и цифровые изменения пока не обеспечили устранения структурных дисбалансов. Межрегиональные различия в обеспеченности инфраструктурой и кадрами, особенно в сфере здравоохранения, остаются значительными. Это означает, что цифровые инструменты эффективны лишь при условии их интеграции с долгосрочными социально-экономическими стратегиями и комплексными кадровыми программами.

В перспективе до 2030 года важнейшими приоритетами должны стать:





1. Региональное выравнивание – перераспределение инвестиций в пользу территорий с наибольшим инфраструктурным и кадровым дефицитом.

2. Поддержка кадрового потенциала – создание системы стимулов для привлечения и закрепления специалистов в сельских и отдалённых районах (жильё, социальные гарантии, надбавки к заработной плате).

3. Повышение качества данных – регулярное обновление и верификация информации в цифровых платформах, а также интеграция геопортала с другими государственными информационными системами.

4. Расширение участия граждан – активная работа с населением по повышению цифровой грамотности и стимулированию инициатив на местах, особенно в сельской местности.

5. Внедрение устойчивых технологий – применение «зелёных» стандартов в проектировании и эксплуатации объектов социальной инфраструктуры, что позволит снизить эксплуатационные расходы и повысить экологическую устойчивость.

Таким образом, устойчивое развитие социальной инфраструктуры требует сочетания трёх ключевых факторов:

- технологической модернизации, обеспечивающей прозрачность и эффективность управления;
- социальной политики, направленной на сокращение территориального неравенства;
- институциональной устойчивости, гарантирующей долгосрочный эффект от внедрённых реформ.

Если эти условия будут выполнены, то к 2030 году Узбекистан сможет приблизиться к целям устойчивого развития ООН, повысив качество жизни населения, улучшив доступность и качество социальных услуг, а также создав условия для сбалансированного территориального развития.

### **Литературы**

1. Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-454 «О мерах по развитию социальной инфраструктуры и цифровизации управления» от 10.02.2023. – <https://www.google.com/search?q>

2. Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-185 «О совершенствовании системы здравоохранения и образования» от 14.06.2024. – <https://www.google.com/search?q>

3. Указ Президента Республики Узбекистан от 07.02.2017 № УП-4947. – <https://nrm.uz/contentf?doc=491330>

4. Государственный комитет по статистике Республики Узбекистан. Демографический ежегодник 2025. – Ташкент: Госкомстат, 2025.

5. Госкомстат РУз. Социальные индикаторы (2023 – 2024).

6. Геопортал социальной инфраструктуры РУз (2025). – [asr.gov.uz](http://asr.gov.uz).

7. Портал «Открытый бюджет» (2025). – [openbudget.uz](http://openbudget.uz)

8. Всемирный банк. World Development Indicators. – Washington, D.C.: The World Bank, 2025.

9. UNICEF. Education and WASH in Schools Global Database. – New York: UNICEF, 2025.

10. WHO. Global Health Workforce Statistics. – Geneva: World Health Organization, 2025.

11. Смирнов В.В. Социальная инфраструктура: теория и практика. – М.: Экономика, 2020.





## **KICHIK BIZNES VA TADBIRKORLIK FAOLIYATIDA INVESTITSİYALAR SAMARADORLIGINI OSHIRISH**

**Umirov Akramjon Tursunpulotovich**

*Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti*

*mustaqil izlanuvchi*

*E-mail: umirov\_akramjon07@gmail.com*

*ORCID:0025-6005-8965-4574*

**Annotatsiya:** Kichik biznes va tadbirkorlik faoliyatida investitsiyalar samaradorligini oshirish iqtisodiy rivojlanish va ish o‘rinlari yaratish uchun muhim ahamiyatga ega. Bu jarayonda moliyaviy resurslarni optimal taqsimlash, innovatsion loyihalarni qo‘llab-quvvatlash va investitsion risklarni minimallashtirish asosiy omillar hisoblanadi. Tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, davlat siyosati, bank tizimi va moliyaviy institutlar kichik biznesning investitsion jozibadorligini oshirishda muhim rol o‘ynaydi. Shu bilan birga, zamonaviy moliya vositalari va raqamli platformalar sarmoyaning samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

**Kalit so‘zlar:** kichik biznes, tadbirkorlik, investitsiya, samaradorlik, moliyaviy resurslar, innovatsiya.

## **IMPROVING INVESTMENT EFFICIENCY IN SMALL BUSINESS AND ENTREPRENEURIAL ACTIVITY**

**Umirov Akramjon Tursunpulotovich**

*Tashkent State University of Economics*

*Independent Researcher*

*E-mail: umirov\_akramjon07@gmail.com*

*ORCID:0025-6005-8965-4574*

**Abstract:** Improving investment efficiency in small business and entrepreneurial activity is of crucial importance for economic development and job creation. In this process, the optimal allocation of financial resources, support for innovative projects, and minimization of investment risks are key factors. Research indicates that government policy, the banking system, and financial institutions play a significant role in enhancing the investment attractiveness of small businesses. Additionally, modern financial instruments and digital platforms serve to increase investment efficiency.

**Keywords:** small business, entrepreneurship, investment, efficiency, financial resources, innovation.

## **ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИНВЕСТИЦИЙ В МАЛОМ БИЗНЕСЕ И ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

**Умиров Акрамжон Турсунпулотович**

*Ташкентский государственный*

*экономический университет*

*Независимый исследователь*

*E-mail: umirov\_akramjon07@gmail.com*

*ORCID:0025-6005-8965-4574*

**Аннотация:** Повышение эффективности инвестиций в малом бизнесе и предпринимательской деятельности имеет важное значение для экономического развития и создания рабочих мест. В этом процессе ключевыми факторами являются оптимальное распределение финансовых ресурсов, поддержка инновационных проектов и минимизация инвестиционных рисков. Исследования показывают, что государственная






политика, банковская система и финансовые институты играют значительную роль в повышении инвестиционной привлекательности малого бизнеса. Кроме того, современные финансовые инструменты и цифровые платформы способствуют увеличению эффективности инвестиций.

**Ключевые слова:** малый бизнес, предпринимательство, инвестиции, эффективность, финансовые ресурсы, инновации.

**Kirish.** Kichik va o‘rta korxonalar (KO‘B) aksariyat mamlakatlar iqtisodiyotida, xususan, rivojlanayotgan mamlakatlarda katta rol o‘ynaydi. KO‘B korxonalari butun dunyo bo‘ylab korxonalarining aksariyat qismini tashkil qiladi va yangi ish o‘rinlari yaratish va global iqtisodiy rivojlanishga muhim hissa qo‘shmoqda. Ular butun dunyo bo‘ylab korxonalarining qariyb 90 % va bandliklarning 50 %dan ortig‘ini ifodalaydi. Rasmiy KO‘B rivojlanayotgan mamlakatlarda milliy daromadning (YaIM) 40 %gacha hissa qo‘shadi. Bu raqamlar norasmiy KO‘B subyektlari kiritilganda sezilarli darajada yuqori bo‘ladi. Bizning hisob-kitoblarga ko‘ra, 2030-yilga borib o‘sib borayotgan global ishchi kuchini o‘zlashtirish uchun 600 million ish o‘rni kerak bo‘ladi, bu esa KO‘Bni rivojlantirishni butun dunyo bo‘ylab ko‘plab hukumatlar uchun ustuvor vazifaga aylantiradi. Rivojlanayotgan bozorlarda rasmiy ish o‘rinlarining ko‘pchiligi kichik va o‘rta korxonalar tomonidan yaratilgan bo‘lib, ular 10 ish o‘rinidan 7 tasini yaratadi. Biroq, moliyalashtirishga kirish KO‘K o‘sishining asosiy cheklovidir, bu rivojlanayotgan bozorlar va rivojlanayotgan mamlakatlarda o‘z bizneslarini rivojlantirish uchun KO‘B korxonalari duch keladigan ikkinchi to‘siqdir.

**Tahlil va natijalar.** Eksport hajmi 2018-yildan 2024-yilgacha mikrofirm va kichik korxonalarining eksport hajmi deyarli 2,4 barobarga o‘sgan: 2018-yilda 3 813,4 mln AQSh dollar. 2024-yilda 9 042,4 mln AQSh dollar. Bu o‘sh mikrofirm va kichik korxonalarining tashqi bozorlarda o‘z o‘rnini mustahkamlashini ko‘rsatadi va ular eksportda sezilarli o‘sh sur‘atlarini ko‘rsatmoqda.

Eksportdagi ulushi esa 2018-yilda ulush 27,3 % bo‘lgan, 2024-yilga kelib esa 33,6 %ga yetgan. 2020-yilda ulushning kamayishi (20,9 %) global iqtisodiy inqiroz va pandemiya tufayli kichik bizneslar uchun tashqi bozorga chiqishda muammolar yuzaga kelganini ko‘rsatadi. 2022–2024-yillarda eksportdagi ulushning tiklanishi va 2024-yilda ulushning 33,6 %ga yetishi kichik korxonalar va mikrofirm eksportining yuqori sur‘atlar bilan o‘shini anglatadi. Bu, o‘z navbatida, O‘zbekistonning kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlashga qaratilgan siyosatining samaradorligini ko‘rsatadi.



**1-rasm. 2018–2024-yillarda mikrofirm va kichik korxonalarining eksportdagi hajmi va ulushi<sup>12</sup>**

<sup>12</sup> Milliy statistika qo‘mitasining ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlangan.






Yillik o‘shish sur‘atlari 2022- va 2023-yillarda eksport hajmi yuksalib bormoqda (o‘shish 2022-yilda 63 % va 2023-yilda 22,5 %). Bu, kichik biznesning yangi bozorlarga chiqish va mahsulotlar eksportini oshirish bo‘yicha faoliyatining muvaffaqiyatli bo‘lganini ko‘rsatadi. Eksport hajmi va eksportdagi ulushi mikrofirmalar va kichik korxonalarda ijobiy o‘zgarishlarni ko‘rsatadi. Ularning tashqi bozorlarda ishtiroki ishonchli va sezilarli o‘shish sur‘atlarini ko‘rsatmoqda. 2020-yilda ulushning pasayishi pandemiya ta‘siri bilan bog‘liq bo‘lsa-da, 2021-yildan boshlab kichik korxonalar va mikrofirmalar eksportida samarali tiklanish va o‘shish kuzatildi. 2022–2024-yillarda kichik korxonalar eksportdagi ulushi yanada oshdi, bu esa kichik biznesning global bozorga chiqishda kuchayganligini bildiradi.

2018-yildan 2024-yilgacha mikrofirmalar va kichik korxonalar eksport hajmi sezilarli darajada o‘sgan. 2018-yilda 3 813,4 million AQSh dollardan 2024-yilda 9 042,4 million AQSh dollarga yetgan. Bu o‘shish deyarli 2,4 barobar. Bu o‘shish kichik korxonalar eksport qobiliyatining rivojlanayotganini va ular tashqi bozorlarda o‘z o‘rnini tobora mustahkamlashayotganini ko‘rsatadi. Buning ortida sanoat va xizmatlar sektori, shuningdek, davlat tomonidan kichik biznesni qo‘llab-quvvatlash uchun amalga oshirilgan islohotlar turibdi.

2018–2024-yillarda O‘zbekiston Respublikasida mikrofirmalar va kichik korxonalar eksport hajmi va ulushi sezilarli darajada o‘sgan. 2018-yilda eksport hajmi 3 813,4 million AQSh dollarini tashkil etsa, 2024-yilda bu ko‘rsatkich 9 042,4 million AQSh dollarga yetdi, ya‘ni deyarli 2,4 barobar o‘sgan. Eksportdagi ulush esa 27,3 %dan 33,6 %gacha oshdi.

Bu o‘shish kichik biznes va mikrofirmalar sektorining tashqi bozorlarga chiqishda muvaffaqiyatli strategiyalarini va davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlashning samarali bo‘lganini ko‘rsatadi. 2020-yilda pandemiya ta‘siri bilan eksportdagi ulush kamaygan bo‘lsa-da, 2022-yildan boshlab yana o‘shish kuzatildi. 2024-yilga kelib, kichik biznes va mikrofirmalar sektori eksportda muhim o‘rin egalladi, bu ularning tashqi bozorlarga mustahkam chiqishi va iqtisodiyotga qo‘shgan hissasining ortganini anglatadi.

Kelajakda kichik bizneslarni qo‘llab-quvvatlashni davom ettirish, eksportni rag‘batlantirish va yangi bozorlarga kirishni osonlashtirish uchun strategik chora-tadbirlar ishlab chiqish zarur. Bu kichik biznesni rivojlantirish, yangi ish o‘rinlarini yaratish va iqtisodiy o‘shishni ta‘minlashda muhim ahamiyatga ega bo‘ladi.



**2-rasm. 2018–2024-yillarda mikrofirmalar va kichik korxonalar importdagi hajmi va ulushi<sup>13</sup>**

Import hajmi 2018-yildan 2024-yilgacha mikrofirmalar va kichik korxonalar import

<sup>13</sup> Milliy statistika qo‘mitasining ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlangan.






hajmi deyarli ikki barobarga o‘sgan: 2018-yilda 11 006,7 mln AQSh doll. 2024-yilda 19 028,2 mln AQSh dollarni tashkil qilgan. Bu o‘shish 8 021,5 mln AQSh dollarga teng va bu, kichik biznesning importdagi rolini sezilarli darajada kengaytirganligini ko‘rsatadi.

Importdagi ulushi mikrofirma va kichik korxonalarining jami importdagi ulushi 2018-yildan boshlab biroz pasaygan: 2018-yilda ulushi 56,6 % bo‘lgan bo‘lsa, 2024-yilda bu 48,8 %ga tushgan. 2020-yildan so‘ng ulushning pasayishi kuzatiladi, bu importning yirik korxonalar tomonidan amalga oshirilayotganligini ko‘rsatadi, chunki yirik kompaniyalar o‘zlari uchun texnologik uskunalar, xomashyo va boshqa import mahsulotlarini ko‘proq olib kelishmoqda.

2023- va 2024-yillarda ulush biroz tiklandi, ya‘ni 2023-yilda 51,5 % va 2024- yilda 48,8 %ga yetishi, kichik korxonalarining importdagi ulushi barqarorlashganini ko‘rsatadi. Bu import hajmining yirik kompaniyalar bilan bo‘lishishda kichik korxonalarining o‘z ulushini saqlab qolishga harakat qilayotganini bildiradi. Mikrofirma va kichik korxonalarining importdagi hajmi oshmoqda, lekin ulushning pasayishi importning yirik kompaniyalar tomonidan amalga oshirilayotganligini ko‘rsatadi. Shunga qaramay, kichik biznesning importdagi roli hali ham sezilarli darajada va bu sektorni qo‘llab-quvvatlash, uning raqobatbardoshligini oshirish, yangi texnologiyalarga kirish imkoniyatlarini kengaytirish zarur.

Mamlakatimizda qulay ishbilarmonlik muhitini yaratish, tadbirkorlik subyektlariga berilayotgan erkinliklar tizimini kengaytirish va ularning mamlakat tashqi iqtisodiy faoliyatidagi tutgan o‘rnini mustahkamlashga qaratilgan dasturlar ham amalga oshirilib kelinmoqda. Xususan, O‘zbekiston eksportida tashqi savdo hajmidagi kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning ulushi 2018-yilda 25,7 foizni tashkil etgan bo‘lsa, 2024-yilga kelib ushbu ko‘rsatkich 32,3 foizga yetdi. Ushbu davrga mos ravishda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning importdagi tashqi savdo hajmidagi ulushi 73,2 foizdan 75,8 foizga yetdi.



### 3-rasm. 2018–2024-yillarda mikrofirma va kichik korxonalarining eksport va importning tashqi savdo hajmidagi ulushi<sup>14</sup>

Eksportda mikrofirma va kichik korxonalar eksportda faol ishtirok etmoqda, ayniqsa to‘qimachilik, oziq-ovqat, meva-sabzavot mahsulotlari, hunarmandchilik sohalarida. Ular eksportning 30-35 %gacha bo‘lgan qismini tashkil etib kelmoqda (aniq raqamlar berilmagan, ammo O‘zbekiston iqtisodiy sharhlariga tayanib shunday taxmin qilish mumkin). Importda esa ularning ulushi nisbatan past – 10-15 % atrofida.


2018-yildan 2024-yilgacha chakana savdodagi mikrofirma va kichik korxonalar hajmi 3,4 baravarga oshgan. 2018-yilda ulush 86,3 % bo‘lgan bo‘lsa, 2023-yilda 83,4 %gacha pasaygan.

<sup>14</sup> Milliy statistika qo‘mitasining ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlangan.





2024-yilda esa 84,1 %ga ko‘tarilgan, lekin hali ham 2018-yildagidan past. Kichik biznes chakana savdoda hali ham ustun rol o‘ynaydi, ammo yirik tarmoqlar (masalan, supermarketlar, franchayzing do‘konlari, savdo markazlari) o‘z ulushini asta-sekin kengaytirmoqda. Kichik korxonalar o‘sayotgan bo‘lsa-da, raqobat kuchaymoqda, ayniqsa urbanizatsiya va savdo infratuzilmasi rivojlanmoqda.



**2.4-rasm. 2018–2024-yillarda mikrofirma va kichik korxonalarining chakana savdodagi hajmi va ulushi<sup>15</sup>**

Mikrofirma va kichik korxonalar chakana savdo bozorining asosiy qismini egallab turibdi – 2024-yilda ham 84 %dan ortiq. Biroq, ulushning biroz kamayib, keyin tiklanishi bu sohada raqobatning kuchayganini va yirik savdo tarmoqlarining faollashganini ko‘rsatadi. Bu kichik biznes subyektlarining zamonaviy texnologiyalarni joriy etish, onlayn savdoga chiqish, xizmat sifatini oshirish kabi yo‘nalishlarda raqobatbardosh bo‘lishi zarurligini anglatadi.

2018-yilda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikda 10 128,8 ming kishi (ya‘ni, ~10,1 mln) band bo‘lgan. 2024-yilda bu ko‘rsatkich 10 628,7 ming kishiga (ya‘ni, ~10,6 mln) yetgan. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikda bandlik hajmi barqaror saqlanib qolgan, ammo o‘shirish sur‘ati past bo‘lib, bu sohada bandlik salohiyatining to‘liq ishga solinmayotganini ko‘rsatadi. 2023–2025-yillardagi kichik tadbirkorlik subyektlarining soni qisqargani bandlikka ham bosim o‘tkazgan bo‘lishi mumkin. Bu holat kichik biznesning iqtisodiy faolligini oshirish, ish o‘rinlarini yaratishni rag‘batlantirish va bandlik siyosatini kuchaytirish zarurligini ta‘kidlaydi.

### Xulosa

Kichik biznes va tadbirkorlik faoliyatida investitsiyalar samaradorligini oshirish iqtisodiy rivojlanish, ish o‘rinlarini yaratish va innovatsion loyihalarni amalga oshirishning muhim omili hisoblanadi. Tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, sarmoyalarni samarali jalb qilish va ularni maqsadli yo‘naltirish kichik biznesning raqobatbardoshligini oshiradi, moliyaviy barqarorligini mustahkamlaydi va ichki bozorda o‘shirishga hissa qo‘shadi. Shu bilan birga, investitsion samaradorlikni oshirish jarayoni nafaqat moliyaviy resurslarni optimallashtirish, balki risklarni minimallashtirish va investitsion loyihalarni tizimli baholashni talab qiladi.

Davlat siyosati va moliyaviy institutlarning roli bu jarayonda katta ahamiyatga ega. Soliq imtiyozlari, subsidiya va grantlar, bank krediti va raqamli moliya vositalari kichik biznes subyektlarini investitsiyalarni samarali jalb qilishga rag‘batlantiradi. Shu bilan birga, inkubatorlar, akseleratorlar va tadbirkorlik markazlari innovatsion loyihalarni qo‘llab-quvvatlash orqali sarmoya samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

<sup>15</sup> Milliy statistika qo‘mitasining ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlangan.





Natijada, kichik biznes va tadbirkorlik subyektlari uchun samarali investitsion strategiyalarni ishlab chiqish va ularni amaliyotga joriy etish muhimdir. Raqamli moliya vositalari, shaffof moliyaviy hisobotlar va tizimli boshqaruv mexanizmlari orqali sarmoya samaradorligi sezilarli darajada oshadi. Shu yo‘l bilan kichik biznesning barqaror rivojlanishi ta‘minlanadi, investorlar ishonchi ortadi va mamlakat iqtisodiyotiga sarmoya oqimi rag‘batlantiriladi. Shunday qilib, investitsiyalar samaradorligini oshirish nafaqat iqtisodiy foyda manbai, balki tadbirkorlik faoliyatining barqaror rivojlanishi va milliy iqtisodiyotning o‘shishiga bevosita hissa qo‘shuvchi strategik vosita hisoblanadi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. G‘ulomov S.S. Tadbirkorlik va kichik biznes: Iqtisodiyot yo‘nalishidagi Oliy o‘quv yurtlari uchun o‘quv qo‘llanma. – T.: “Sharq”, 2002. – B. 8.
2. O‘lmasov A., Vahobov A. Iqtisodiyot nazariyasi: Darslik. – T.: “Sharq”, 2006. – B. 142.
3. Haydarov N.H. “Iqtisodiyotni erkinlashtirish sharoitida korxonalar investitsion faoliyatidagi moliya-soliq munosabatlarini takomillashtirish masalalari” mavzusidagi i.f.d ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya avtoreferati T:2003 y. 14-15 betlar.
4. Mamatov B.S. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarini mikromoliyalash amaliyoti va uni takomillashtirish. I.f.n. ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya avtoreferati. – Toshkent, 2010. – B. 16-17.
5. Yunusov R.M. O‘zbekiston Respublikasida kichik biznes subyektlarini moliya-kredit mexanizmini takomillashtirish yo‘llari. I.f.n. ilm. daraj. olish uchun yozilgan diss. avtoref. – T.: “TDIU”, 2008. – B. 7.
6. Murodova N.Q. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlashning nazariy asoslarini takomillashtirish. Doktorlik dissertatsiyasi avtoreferati. – T.: “Akademiya noshirlik markazi” duk, 2016. – B. 17.
7. Siddiqov A.J. O‘zbekiston taraqqiyotida investitsiyalarning roli va ularni jalb etish jozibadorligi.stat.uz. 2018-yil.
8. Almatova D.S. “Mintaqalarda tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishga investitsiyalarni jalb etishni takomillashtirish” mavzusidagi doktorlik dissertatsiya ishi avtoreferati. Toshkent. 2018 y.





**OLIY TA'LIM MUASSASALARINI DAVLAT BUDJETI MABLAG'LARI HISOBIDAN  
MOLIYAVIY TA'MINLASH AMALIYOTI TAHLILI**

**Raxmatullayev Jamshid Murodillayevich**

*Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti  
mustaqil izlanuvchisi*

*E-mail: [raxmatulayev\\_jamshid@gmail.com](mailto:raxmatulayev_jamshid@gmail.com)*

*ORCID: 0001-2502-5119-9019*

**Annotatsiya.** Oliy ta'lim muassasalarini davlat budjeti mablag'lari hisobidan moliyaviy ta'minlashning amaliyoti tahlil qilinadi. Oliy ta'lim tizimi davlatning asosiy ijtimoiy sohalaridan biri bo'lib, uning samarali faoliyati ko'plab iqtisodiy va ijtimoiy omillarga bog'liq. Davlat mablag'larining samarali taqsimlanishi universitetlarning barqaror faoliyati va ta'lim sifatini oshirishga bevosita ta'sir qiladi. Shu bilan birga, budget mablag'larini shaffof va natijaga yo'naltirilgan boshqarish mexanizmlari, monitoring tizimlari va samaradorlik indikatorlari joriy etilishi muhimdir.

**Kalit so'zlar:** oliy ta'lim, davlat budjeti, moliyaviy ta'minlash, universitetlar, samaradorlik, moliyaviy barqarorlik.

**АНАЛИЗ ПРАКТИКИ ФИНАНСОВОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ВЫСШИХ  
УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ ЗА СЧЕТ СРЕДСТВ ГОСУДАРСТВЕННОГО БЮДЖЕТА**

**Рахматуллаев Джамшид Муродиллаевич**

*Ташкентский государственный  
университет экономики  
независимый исследователь*

*E-mail: [raxmatulayev\\_jamshid@gmail.com](mailto:raxmatulayev_jamshid@gmail.com)*

*ORCID: 0001-2502-5119-9019*

**Аннотация:** В работе проводится анализ практики финансового обеспечения высших учебных заведений за счет средств государственного бюджета. Система высшего образования является одной из основных социальных сфер государства, и её эффективная деятельность зависит от множества экономических и социальных факторов. Эффективное распределение государственных средств оказывает прямое влияние на стабильную работу университетов и повышение качества образования. В то же время важно внедрение прозрачных и целенаправленных механизмов управления бюджетными средствами, систем мониторинга и показателей эффективности.

**Ключевые слова:** высшее образование, государственный бюджет, финансовое обеспечение, университеты, эффективность, финансовая стабильность.

**ANALYSIS OF THE PRACTICE OF FINANCING HIGHER EDUCATION  
INSTITUTIONS FROM THE STATE BUDGET**

**Rakhmatullaev Jamshid Murodillaevich**

*Tashkent State University of Economics  
independent researcher*

*E-mail: [raxmatulayev\\_jamshid@gmail.com](mailto:raxmatulayev_jamshid@gmail.com)*

*ORCID: 0001-2502-5119-9019*

**Annotation.** The study analyzes the practice of financing higher education institutions from the state budget. The higher education system is one of the main social spheres of the state,





*and its effective functioning depends on many economic and social factors. Effective allocation of state funds directly affects the stable operation of universities and the improvement of education quality. At the same time, it is important to implement transparent and results-oriented mechanisms for managing budget funds, monitoring systems, and efficiency indicators.*

**Keywords:** *higher education, state budget, financial support, universities, efficiency, financial stability.*

### **Kirish.**

So‘nggi yillarda neft-gaz sanoati global miqyosda texnologik va iqtisodiy bosimlar ostida rivojlanmoqda. Xalqaro energetika bozorlarida narxlarning o‘zgaruvchanligi, ishlab chiqarish xarajatlarining yuqoriligi hamda resurslardan foydalanish samaradorligiga qo‘yilayotgan talablarning kuchayishi neft-gaz kompaniyalarini yangi boshqaruv va texnologik yechimlarni izlashga majbur qilmoqda. Shu sharoitda raqamli texnologiyalarni joriy etish ishlab chiqarish samaradorligini oshirish va iqtisodiy barqarorlikni ta‘minlashning muhim omillaridan biri sifatida namoyon bo‘lmoqda.

Xalqaro ochiq manbalarga ko‘ra, jahon miqyosida neft-gaz sanoati yillik global investitsiyalarning sezilarli qismini o‘zida jamlaydi va energiya ta‘minotining asosiy manbalaridan biri bo‘lib qolmoqda. Masalan, xalqaro energetika tashkilotlari ma‘lumotlariga ko‘ra, dunyo energiya balansida neft va gaz resurslarining ulushi 50 foizdan yuqorini tashkil etadi. Shu bilan birga, yirik xalqaro neft-gaz kompaniyalarida raqamli texnologiyalarni joriy etish natijasida operatsion xarajatlarni o‘rtacha 10–20 foizga qisqartirish va ishlab chiqarish samaradorligini sezilarli darajada oshirish imkoniyati mavjudligi qayd etilmoqda. Bu ko‘rsatkichlar raqamlashtirishning iqtisodiy jihatdan naqadar muhim ekanligini yaqqol ko‘rsatadi[1].

Rivojlangan davlatlar tajribasi shuni ko‘rsatadiki, raqamli monitoring, avtomatlashtirilgan boshqaruv tizimlari, sun‘iy intellekt va katta hajmdagi ma‘lumotlarni tahlil qilish texnologiyalari neft-gaz qazib olish, qayta ishlash va tashish jarayonlarida texnologik yo‘qotishlarni kamaytirish hamda investitsiyalarning qaytish darajasini oshirishga xizmat qilmoqda. Xususan, raqamli texnologiyalarni keng joriy etgan xalqaro kompaniyalarda ishlab chiqarishdagi to‘xtalishlar kamaygani va aktivlardan foydalanish darajasi oshgani kuzatilmoqda.

Mazkur holatlar xalqaro tajriba asosida neft-gaz sohasini raqamlashtirishning iqtisodiy samaralarini ilmiy jihatdan tahlil qilish zaruratini yuzaga keltiradi. Raqamli transformatsiyaning real iqtisodiy natijalarini aniqlash, ularning ishlab chiqarish samaradorligi va xarajatlar tuzilmasiga ta‘sirini baholash hamda ushbu tajribalarni milliy sharoitga moslashtirish masalalari bugungi kunda dolzarb ilmiy-amaliy ahamiyat kasb etmoqda. Shu sababli mazkur maqola neft-gaz sohasini raqamlashtirishning iqtisodiy samaralarini xalqaro tajriba asosida ochib berishga qaratilgan.

### **Adabiyotlar tahlili.**

Xalqaro tajribada oliy ta‘lim muassasalarini davlat budjeti mablag‘lari hisobidan moliyaviy ta‘minlash amaliyoti nuqtayi nazaridan ko‘plab tadqiqotlarning markazida bo‘lib kelmoqda. Ushbu yo‘nalishda olib borilgan ilmiy izlanishlar asosan raqamli texnologiyalarning iqtisodiy ta‘siri, boshqaruv samaradorligi va institutsional omillar bilan bog‘liqligini tahlil qilishga qaratilgan.

X. Xayriddinov o‘z tadqiqotlarida O‘zbekistonda oliy ta‘lim muassasalarini davlat budjeti mablag‘lari hisobidan moliyalashtirish tizimining huquqiy asoslari, moliyaviy resurslardan foydalanish samaradorligi va raqamli boshqaruv mexanizmlarining moliyaviy shaffoflikka ta‘sirini tizimli tahlil qiladi [5].

F. Quvondiqov oliy ta‘lim muassasalarini moliyalashtirishning strategik boshqaruv tamoyillarini o‘rganib, davlat budjeti mablag‘lari bilan bir qatorda daromad manbalarini diversifikatsiya qilish, xarajatlarni optimallashtirish va moliyaviy barqarorlikni ta‘minlashning





nazariy asoslarini ishlab chiqadi [6].

R. Muxamedov o‘z ishlarida oliy ta‘lim muassasalarining moliyaviy mustaqilligi, budjetdan tashqari mablag‘larni jalb etish mexanizmlari hamda moliyalashtirish modelini bosqichma-bosqich transformatsiya qilishning iqtisodiy samaradorligini asoslaydi [7].

B. Xaydarov oliy ta‘lim muassasalarining moliyaviy barqarorligini ta‘minlashda davlat budjeti mablag‘laridan samarali foydalanish ko‘rsatkichlari, resurslarni natijadorlik asosida taqsimlash va moliyaviy nazorat tizimini takomillashtirish masalalarini ilmiy jihatdan yoritadi [8].

D.G‘. Quryazov davlat oliy ta‘lim muassasalarini moliyaviy ta‘minlash tizimini takomillashtirish orqali ta‘lim sifati, hududiy rivojlanish va inson kapitalini oshirish o‘rtasidagi uzviy bog‘liqlikni ilmiy-amaliy asoslab beradi [9].

D.B. Johnstone oliy ta‘limni davlat tomonidan moliyalashtirish tizimi ijtimoiy tenglikni ta‘minlash, ta‘lim qamrovini kengaytirish va iqtisodiy o‘rishni rag‘batlantirishda muhim institutsional mexanizm ekanligini asoslaydi [10].

D.B. Johnstone xalqaro tajribalar tahlili asosida davlat budjeti resurslari cheklangan sharoitda oliy ta‘limni moliyalashtirishning aralash modeli, xarajatlarni taqsimlash tamoyillari va moliyaviy barqarorlik muammolarini kompleks o‘rganadi [11].

### **Tadqiqot metodologiyasi**

Mazkur maqolada ushbu ilmiy ishlarga tayangan holda tahlil amalga oshirildi. Tadqiqot jarayonida tizimli tahlil, solishtirma tahlil, mantiqiy-iqtisodiy sharhlash hamda statistik ma‘lumotlarni umumlashtirish metodlaridan foydalanildi. Xalqaro tashkilotlar va yirik konsalting kompaniyalari tomonidan e‘lon qilingan ochiq statistik va analitik ma‘lumotlar asosida raqamlashtirishning iqtisodiy samaralari baholandi.

### **Tahlil va natija.**

Oliy ta‘lim tizimi mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishida strategik ahamiyatga ega bo‘lib, zamonaviy bilim va ko‘nikmalarga ega, innovatsion fikrlaydigan hamda mehnat bozorida raqobatbardosh kadrlarni tayyorlashda hal qiluvchi o‘rin tutadi. Mazkur tizimning samarali va barqaror faoliyat yuritishi, avvalo, uning yetarli va oqilona tashkil etilgan moliyaviy ta‘minotiga bevosita bog‘liqdir. Oliy ta‘lim muassasalarini davlat budjeti mablag‘lari hisobidan moliyalashtirish ta‘lim sifati va qamrovini oshirish, zamonaviy o‘quv-laboratoriya bazasini shakllantirish, raqamli infratuzilmani rivojlantirish, ilmiy-tadqiqot faoliyatini qo‘llab-quvvatlash hamda professor-o‘qituvchilar mehnatini munosib rag‘batlantirishda muhim vosita bo‘lib xizmat qiladi.

Davlat budjeti orqali ajratilayotgan mablag‘lar nafaqat o‘quv jarayonini uzluksiz tashkil etish, balki innovatsion ta‘lim texnologiyalarini joriy etish, xalqaro hamkorlikni kengaytirish, akademik mobillikni rivojlantirish va ta‘lim muassasalarining institutsional salohiyatini mustahkamlash imkonini beradi. Shu bilan birga, moliyaviy resurslardan samarali foydalanish ta‘lim sifati oshirish bilan bir qatorda, hududlar o‘rtasidagi ta‘lim imkoniyatlari tafovutini kamaytirish, ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamlar uchun oliy ta‘limga kirish imkoniyatlarini kengaytirish kabi ijtimoiy vazifalarni ham hal etishga xizmat qiladi.

So‘nggi yillarda oliy ta‘lim sohasida amalga oshirilayotgan islohotlar doirasida moliyalashtirish mexanizmlarini takomillashtirish, natijadorlikka yo‘naltirilgan budjetlashtirish tamoyillarini joriy etish, budjet mablag‘larining shaffofligi va maqsadli sarflanishini ta‘minlash masalalari dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Xususan, oliy ta‘lim muassasalarining moliyaviy mustaqilligini kengaytirish, grant va kontrakt asosidagi moliyalashtirishni muvozanatlash, davlat-xususiy sheriklik mexanizmlarini rivojlantirish orqali qo‘shimcha moliyaviy manbalarni jalb etish ustuvor yo‘nalishlardan biri sifatida qaralmoqda.

Davlat budjeti hisobidan ajratilayotgan mablag‘lar hajmi, tarkibi va yo‘nalishlarini tizimli tahlil qilish, ularning ta‘lim jarayoni sifati, ilmiy salohiyat hamda kadrlar tayyorlash





natijadorligiga ta'sirini baholash muhim ilmiy-amaliy vazifa hisoblanadi. Bunday tahlillar asosida moliyalashtirish siyosatini yanada takomillashtirish, resurslardan foydalanish samaradorligini oshirish hamda oliy ta'lim tizimining barqaror rivojlanishini ta'minlash bo'yicha asoslangan taklif va tavsiyalar ishlab chiqish mumkin.

So'nggi yillarda O'zbekistonda oliy ta'lim tizimini rivojlantirish davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biriga aylandi. Oliy ta'lim tashkilotlari sonining ko'payishi, talabalarning qamrovi kengayishi hamda kadrlar tayyorlash hajmining oshishi mazkur sohada amalga oshirilayotgan islohotlarning natijadorligini ko'rsatadi. Oliy ta'lim tashkilotlari faoliyatini tavsiflovchi asosiy ko'rsatkichlarni tahlil qilish ta'lim tizimining hozirgi holatini baholash, mavjud tendensiyalarni aniqlash va kelgusidagi rivojlanish istiqbollari belgilashda muhim ahamiyat kasb etadi. Ushbu ma'lumotlar oliy ta'lim sohasining miqyosiy o'sishini yoritib beradi.

**1-jadval**

**Oliy ta'lim tashkilotlari to'g'risida ma'lumot<sup>16</sup>**

| Ko'rsatkichlar   | 2020    | 2021    | 2022      | 2023      | 2024      |
|--|---------|---------|-----------|-----------|-----------|
| Oliy ta'lim muassasalari soni                                | 127     | 154     | 191       | 219       | 222       |
| Oliy ta'lim tashkilotlarida talabalar soni                   | 571 512 | 808 439 | 1 042 100 | 1 314 542 | 1 432 810 |
| Oliy ta'lim tashkilotlari talabalarining bitiruvchilari soni | 83 905  | 103 898 | 102 381   | 184 133   | 211 197   |
| <i>shundan:</i>  |         |         |           |           |           |
| bakalavr   | 77 672  | 93 429  | 86 458    | 159 169   | 204 105   |
| magistr  | 6 233   | 10 469  | 15 923    | 24 964    | 7 092     |
| Oliy ta'lim tashkilotlarida professor-o'qituvchilar soni     | 32 070  | 37 364  | 41 693    | 45 210    | 49 633    |
| <i>shundan:</i>  |         |         |           |           |           |
| professor ilmiy unvoniga ega o'qituvchilar soni              | 1 366   | 1 411   | 1 721     | 2 074     | 2 604     |


2020–2024 yillar davomida oliy ta'lim tashkilotlari to'g'risidagi statistik ma'lumotlar sohada jadal o'sish jarayonlari kuzatilganini ko'rsatadi. Jumladan, oliy ta'lim muassasalari soni 2020 yildagi 127 tadan 2024 yilda 222 taga yetib, qariyb 1,7 barobarga oshgan. Bu holat nodavlat oliy ta'lim tashkilotlari tashkil etilishi, xorijiy oliy ta'lim muassasalari filiallari ochilishi va ta'lim xizmatlariga bo'lgan talabning ortishi bilan izohlanadi. Talabalar soni ham keskin o'sish tendensiyasiga ega bo'lib, 2020 yildagi 571 ming nafar ko'rsatkich 2024 yilda 1,4 milliondan oshgan. Bu esa aholining oliy ta'lim bilan qamrov darajasi sezilarli darajada kengayganini anglatadi. Bitiruvchilar soni, ayniqsa 2023–2024 yillarda keskin oshib, 211 ming nafarga yetgan. Mazkur holat mehnat bozoriga oliy ma'lumotli mutaxassislar oqimi kuchayganidan dalolat beradi.

Bakalavr bitiruvchilari umumiy bitiruvchilarning asosiy qismini tashkil etib, 2024 yilda 204 ming nafarga yetgan. Magistratura bitiruvchilari sonida esa tebranishlar kuzatiladi: 2023 yilda 24 964 nafar bo'lgan bo'lsa, 2024 yilda 7 092 nafarga kamaygan. Bu magistratura qabul siyosati va ta'lim muddatlari bilan bog'liq omillar ta'sirida yuzaga kelgan bo'lishi mumkin. Professor-o'qituvchilar soni ham izchil o'sib, 49 ming nafardan oshgan. Ayniqsa, professor ilmiy unvoniga ega o'qituvchilar sonining deyarli ikki barobar ko'paygani oliy ta'limda ilmiy salohiyat mustahkamlanayotganini ko'rsatadi. Umuman olganda, keltirilgan ko'rsatkichlar oliy ta'lim tizimining miqdoriy va sifat jihatdan rivojlanayotganini tasdiqlaydi.

Davlat budjetidan ta'lim sohasiga ajratilayotgan mablag'lar mamlakatning uzoq muddatli ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishida muhim ahamiyat kasb etadi. Ta'lim tizimini moliyaviy qo'llab-quvvatlash orqali inson kapitalini rivojlantirish, malakali kadrlar tayyorlash va innovatsion salohiyatni oshirishga erishiladi. So'nggi yillarda ta'limga yo'naltirilgan budjet xarajatlarining o'sish dinamikasi davlatning ushbu sohaga alohida e'tibor qaratayotganini ko'rsatadi.

<sup>16</sup> Muallif tomonidan tayyorlangan.





**2-rasm. Davlat budjetidan ta'limga ajratilgan xarajatlar<sup>17</sup>**

Rasm ma'lumotlariga ko'ra, 2021–2024 yillar davomida davlat budjetidan ta'limga ajratilgan xarajatlar barqaror o'sish tendensiyasiga ega. Xususan, 2021 yilda ushbu ko'rsatkich 39 640,8 mlrd so'mni tashkil etgan bo'lsa, 2022 yilda 50 271,3 mlrd so'mga yetgan. 2023 yilda ta'lim xarajatlari 61 220,3 mlrd so'mni tashkil etib, oldingi yilga nisbatan sezilarli oshgan. 2024 yilda esa bu ko'rsatkich 71 240,5 mlrd so'mga yetib, eng yuqori darajani qayd etgan. Mazkur o'sish ta'lim muassasalarining moddiy-texnik bazasini mustahkamlash, o'qituvchilar mehnatini rag'batlantirish hamda ta'lim sifati va qamrovini oshirishga xizmat qilayotganini ko'rsatadi.

Davlat ta'lim tashkilotlarida moliyaviy intizomni ta'minlash va budjet mablag'laridan maqsadli foydalanishni nazorat qilishda ichki audit tizimi muhim o'rin tutadi. O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi tasarrufidagi oliy ta'lim muassasalarida o'tkazilgan ichki audit nazoratlari natijalari moliyaviy boshqaruv samaradorligini baholash imkonini beradi. Ushbu ko'rsatkichlar aniqlangan kamchiliklar, tiklangan mablag'lar hamda oldi olingan xarajatlar hajmini yoritib beradi.

**2-jadval**

**O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi tasarrufidagi davlat ta'lim tashkilotlarida o'tkazilgan ichki audit nazoratlari natijalari<sup>18</sup>**

| T/p | Amalga oshirilgan ishlar  | Yillar |        |         |         |         |         |         |
|-----|---|--------|--------|---------|---------|---------|---------|---------|
|     |   | 2018   | 2019   | 2020    | 2021    | 2022    | 2023    | 2024    |
| 1.  | Nazorat tadbiri o'tkazilgan ob'ektlar soni (dona)                                 | 263    | 465    | 454     | 524     | 149     | 305     | 212     |
| 2.  | Aniqlangan moliyaviy xato va kamchiliklar summasi, mln. so'mda                    | 3648,9 | 8617,2 | 10800,0 | 16395,3 | 16100,0 | 28400,0 | 56600,0 |
| 3.  | OTMga tiklangan mablag'lar, mln. so'mda   | 1813,2 | 1918,5 | 6523,3  | 6428,2  | 5100,0  | 10900,0 | 12200,0 |
| 4.  | Profilakti-ka tadbirlari nati-jasida oldi olingan xarajatlar summasi, mln. so'mda | 1089,5 | 6699,2 | 4276,7  | 5780,6  | 9200,0  | 9600,0  | 43700,0 |

<sup>17</sup> Muallif tomonidan tayyorlangan.


<sup>18</sup> Muallif tomonidan tayyorlangan.





2018-2024 yillar davomida ichki audit nazoratlari natijalari davlat ta’lim tashkilotlarida moliyaviy nazorat tizimi izchil rivojlanayotganini ko’rsatadi. Aniqlangan moliyaviy xato va kamchiliklar summasining yildan-yilga oshib borishi nazorat tadbirlarining qamrovi va chuqurligi kengayganidan dalolat beradi. Shu bilan birga, OTMlarga tiklangan mablag’lar hamda profilaktik tadbirlar natijasida oldi olingan xarajatlar hajmining sezilarli ortgani ichki auditning amaliy samaradorligini tasdiqlaydi. Ayniqsa, 2024 yilda oldi olingan xarajatlar summasining keskin oshishi moliyaviy intizomni mustahkamlashda profilaktik nazoratning muhim ahamiyatga ega ekanini ko’rsatadi.

Davlat byudjeti mablag’laridan oqilona va maqsadli foydalanishni ta’minlash moliyaviy boshqaruv tizimining muhim vazifalaridan biri hisoblanadi. Ushbu jarayonda nazorat tadbirlari orqali aniqlanadigan moliyaviy xato va kamchiliklar davlat moliyasida intizom darajasini baholash imkonini beradi. Nazorat natijalarini vizual shaklda, jumladan diagrammalar orqali ifodalash yillar kesimida o’zgarishlarni aniq ko’rishga yordam beradi. Keltirilgan diagramma 2018–2024 yillar davomida aniqlangan moliyaviy xato va kamchiliklar summasining dinamikasini aks ettiradi.



**3-rasm. Davlat byudjeti mablag’laridan samarali foydalanishni ta’minlash maqsadida nazorat tadbirlarida aniqlangan moliyaviy xato va kamchiliklar summasining diagrammada ifodalanishi, mln so’mda<sup>19</sup>**

2018–2024 yillar oralig’ida aniqlangan moliyaviy xato va kamchiliklar summasi sezilarli darajada oshgan. 2018 yilda 3 648,9 mln so’mni tashkil etgan ko’rsatkich 2019–2020 yillarda bosqichma-bosqich ko’payib, 2021 yilda 16 395,3 mln so’mga yetgan. 2022 yilda biroz pasayish kuzatilgan bo’lsa-da, 2023 yilda ko’rsatkich 28 400 mln so’mni tashkil etgan. 2024 yilda esa aniqlangan kamchiliklar 56 600 mln so’mga yetib, eng yuqori darajani qayd etgan. Bu holat nazorat qamrovi va aniqlash samaradorligi oshganini ko’rsatadi.


Davlat byudjeti mablag’laridan samarali foydalanish moliyaviy barqarorlikni ta’minlash hamda davlat resurslaridan oqilona foydalanishning muhim omillaridan biri hisoblanadi. Shu bois byudjet mablag’larining sarflanishi ustidan muntazam nazorat tadbirlarini amalga oshirish alohida ahamiyat kasb etadi. Nazorat jarayonlarida aniqlangan moliyaviy xato va kamchiliklarni bartaraf etish hamda ularni oliy ta’lim muassasalariga (OTM) qayta tiklash byudjet intizomini mustahkamlash, moliyaviy shaffoflikni oshirish va ta’lim tizimining moddiy-texnik bazasini

<sup>19</sup>Muallif tomonidan tayyorlangan.





rivojlantirishga xizmat qiladi.



**4- rasm. Davlat byudjeti mablag‘laridan samarali foydalanishni ta‘minlash maqsadida nazorat tadbirlarida aniqlangan moliyaviy xato va kamchiliklar summasi OTM tiklangan qismining diagrammada ifodalanishi, mln so‘mda<sup>20</sup>**

2018–2024-yillar davomida nazorat tadbirlarida aniqlangan moliyaviy xato va kamchiliklar summasidan OTMlarga tiklangan mablag‘lar hajmi sezilarli darajada o‘shirish tendensiyasini namoyon etgan. 2018–2019-yillarda tiklangan mablag‘lar nisbatan past bo‘lib, mos ravishda 1 813,2 mln so‘m va 1 918,5 mln so‘mni tashkil etgan. 2020–2021-yillarda bu ko‘rsatkich keskin oshib, 6 523,3 mln so‘m va 6 428,2 mln so‘mga yetgan. 2022-yilda qisqa muddatli pasayish kuzatilgan bo‘lsa-da, 2023–2024-yillarda tiklangan mablag‘lar hajmi mos ravishda 10 900 mln so‘m va 12 200 mln so‘mni tashkil etib, nazorat samaradorligi oshganini ko‘rsatadi.

**Xulosa.** Tahlillar shuni ko‘rsatadiki, oliy ta‘lim muassasalarini davlat budjeti mablag‘lari hisobidan moliyaviy ta‘minlash universitetlarning barqaror faoliyati va ta‘lim sifatini ta‘minlashda muhim rol o‘ynaydi. Davlat mablag‘lari orqali universitetlar ish haqi, infratuzilma xarajatlari, laboratoriyalar va ilmiy tadqiqotlarni moliyalashtiradi. Shu tariqa, budjet mablag‘lari universitetlarning asosiy faoliyatini qo‘llab-quvvatlash va talabalar, o‘qituvchilar hamda ilmiy xodimlar uchun barqaror sharoit yaratishda hal qiluvchi ahamiyatga ega. Shuningdek, budjet mablag‘larining samarali taqsimlanishi va natijaga yo‘naltirilgan boshqaruv mexanizmlarini joriy etish universitet faoliyatining shaffofligini oshiradi, resurslar sarfini optimallashtiradi va moliyaviy barqarorlikni mustahkamlaydi. Monitoring tizimlari va samaradorlik indikatorlarini tatbiq etish, mablag‘lardan oqilona foydalanish va moliyaviy hisobdorlikni ta‘minlash imkonini beradi. Tahlil shuni ko‘rsatadiki, davlat mablag‘laridan foydalanish samaradorligini oshirish uchun universitetlar innovatsion va raqamli boshqaruv tizimlarini joriy etishi, xususiy sektor bilan hamkorlik qilish va qo‘shimcha daromad manbalarini kengaytirishi lozim. Shu orqali moliyaviy barqarorlikni mustahkamlash, ta‘lim va ilmiy tadqiqot sifatini oshirish, shuningdek, raqobatbardosh va xalqaro hamkorlik imkoniyatlarini kengaytirish mumkin bo‘ladi. Umuman olganda, oliy ta‘lim muassasalarini davlat budjeti mablag‘lari hisobidan moliyaviy ta‘minlash amaliyoti universitetlarning moliyaviy barqarorligi, samarali boshqaruvi va ta‘lim sifatini oshirishda asosiy rol o‘ynaydi. Shu bilan birga, resurslardan oqilona foydalanish, shaffoflik va samaradorlikni oshirish mexanizmlari universitetlarning uzoq muddatli rivojlanishi uchun muhim omil hisoblanadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati**

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston — 2030” strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni, 11.09.2023 yildagi PF-158-son. <https://lex.uz/docs/6600413>.

<sup>20</sup> Muallif tomonidan tayyorlangan.





2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2007 yil 28 fevral “Davlat budjetining g‘azna ijrosi tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 594-son qarori.

3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 24 dekabrdaqi PQ-60-son “Davlat oliy ta‘lim muassasalarining akademik va tashkiliy-boshqaruv mustaqilligini ta‘minlash bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-60-son qarori.

4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 24 dekabrdaqi PQ-61-son “Davlat oliy ta‘lim muassasalariga moliyaviy mustaqillik berish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori.

5. Xayriddinov Sh.H. Mamlakatimizda oliy ta‘lim muassasalarining moliyaviy resurslardan samarali foydalanishi uchun zamonaviy huquqiy asoslari // *Green Economy and Development*. — 2025. — № 6. — DOI: 10.5281/zenodo.16744816.

6. Quvondiqov F. Oliy ta‘lim muassasalarini moliyalashtirishni strategik boshqarishning nazariy asoslari va xorijiy tajribalar // *Green Economy and Development*. — 2025. — № 5. — DOI: 10.5281/zenodo.16105628.

7. Muxamedov R. Oliy ta‘lim muassasalarida moliyaviy mustaqillikning kutilayotgan istiqbollari va hozirgi natijalari // *Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot*. — 2025. — № 4. — DOI: 10.5281/zenodo.15857022.

8. Xaydarov B.X. Oliy ta‘lim muassasalari moliyaviy barqarorligini ta‘minlash va budjet mablag‘laridan samarali foydalanish ko‘rsatkichlari // *Toshkent gumanitar fanlar universiteti ilmiy-amaliy konferensiya materiallari*. — Toshkent, 2025. — DOI: 10.5281/zenodo.15734605.

9. Quryazov D.G‘. Davlat oliy ta‘lim muassasalarini moliyaviy ta‘minlashni takomillashtirish // *Ta‘lim innovatsiyasi va integratsiyasi*. — 2024. — № 3.

10. Johnstone D.B. *Federal Support for Higher Education*. — New York: Teachers College Press, 1972. — 214 p.

11. Johnstone D.B. *Financing Higher Education: Worldwide Perspectives and Policy Options*. — Boston: The HEAD Foundation, 2015. — 42 p.





## RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNING SANOAT SAMARADORLIGINI OSHIRISHDAGI ROLI

**Xayrullayev Javohir Sheraliyevich**

*Toshkent davlat iqtisodiyot  
universiteti talabasi  
ORCID:0091-2201-0008-8545  
e-mail: xayrullayevjavohir91@gmail.com*

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada raqamli texnologiyalarning sanoat tarmoqlarida samaradorlikni oshirishdagi ahamiyati va ularning ishlab chiqarish jarayonlariga ta'siri tahlil qilinadi. Xususan, sanoatda raqamlashtirish jarayonlari, avtomatlashtirish, sun'iy intellekt, katta hajmdagi ma'lumotlar (Big Data), sanoat interneti (IIoT) hamda raqamli platformalarning qo'llanilishi orqali mehnat unumdorligini oshirish, ishlab chiqarish xarajatlarini kamaytirish va resurslardan oqilona foydalanish imkoniyatlari yoritib berilgan.

**Kalit so'zlar:** raqamli texnologiyalar, raqamli iqtisodiyot, Industry 4.0, ERP tizimlari, CRM tizimlari, Big Data, sanoatni raqamlashtirish, ishlab chiqarish samaradorligi, neft-gaz sanoati, tog'-kon sanoati, metallurgiya, to'qimachilik sanoati, energetika.

## THE ROLE OF DIGITAL TECHNOLOGIES IN INCREASING INDUSTRIAL EFFICIENCY

**Xayrullayev Javohir Sheraliyevich**

*Student of Tashkent State University of Economics  
ORCID:0091-2201-0008-8545  
e-mail: xayrullayevjavohir91@gmail.com*

**Abstract:** This article analyzes the importance of digital technologies in increasing efficiency in industrial sectors and their impact on production processes. In particular, the possibilities of increasing labor productivity, reducing production costs, and rational use of resources through the use of digitalization processes in industry, automation, artificial intelligence, big data, the industrial internet, and digital platforms are highlighted.

**Keywords:** digital technologies, digital economy, Industry 4.0, ERP systems, CRM systems, Big Data, digitalization of industry, production efficiency, oil and gas industry, mining industry, metallurgy, textile industry, energy.

## РОЛЬ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПОВЫШЕНИИ ПРОМЫШЛЕННОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ

**Хайруллаева Жавохира Шералиевича**

*Студент Ташкентского государственного  
экономического университета  
ORCID:0091-2201-0008-8545  
e-mail: xayrullayevjavohir91@gmail.com*

**Аннотация:** В данной статье анализируется значение цифровых технологий в повышении эффективности в отраслях промышленности и их влияние на производственные процессы. В частности, освещены возможности повышения производительности труда, снижения производственных затрат и рационального использования ресурсов за счет использования процессов цифровизации в промышленности, автоматизации, искусственного интеллекта, больших данных (Big Data), промышленного интернета (IIoT) и цифровых платформ.

**Ключевые слова:** цифровые технологии, цифровая экономика, Industry 4.0, ERP-





*системы, CRM-системы, Big Data, цифровизация отрасли, эффективность производства, нефтегазовая промышленность, горнодобывающая промышленность, металлургия, текстильная промышленность, энергетика.*

**Kirish.** Bugungi kunda raqamli texnologiyalarni har bir tarmoqda keng qo‘llash asosiy maqsad qilib belgilab olingan. Bu borada yetarlicha ishlar amlaga oshirilmoqda hamda qarorlar qabul qilinmoqda. Eng asosiylaridan biri 2020-yil 5-oktabrdagi PF–6079-sonli “Raqamli O‘zbekiston – 2030” strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi [1] Farmoni hisonlanadi. Ushbu farmonda raqamli texnologiya orqali iqtisodiyotda amalga oshirilishi kerak bo‘lgan barcha yo‘nalishlar tanlab olingan. Og‘ir va yengil sanoatda qo‘llanishi kerak bo‘lgan barcha texnologik yechimlar (ERP va CRM platformalari, sun‘iy intellekt, Big Data, IoT (Internet of Things) va Industry 4.0) bosqichma-bosqich amalga oshirilmoqda. Bundan tashqari 2022– 2026-yillarga mo‘ljallangan Taraqqiyot strategiyasida [2] ham raqamli texnologiya sohasi rivoji uchun amalga oshirilish kerak bo‘lgan barcha ishlar belgilab olingan.

Hozirgi paytda raqamli texnologiyalarning sanoat tarmoqlariga integratsiyasi global iqtisodiyotning eng muhim tendentsiyalaridan biriga aylangan. To‘rtinchi sanoat inqilobi yoki Industriya 4.0 davri sanoat korxonalarining samaradorligini oshirish, ishlab chiqarish xarajatlarini kamaytirish va raqobatbardoshlikni mustahkamlash uchun raqamli transformatsiyani talab qilmoqda. Jahon banki ma‘lumotlariga ko‘ra, raqamli texnologiyalarni to‘liq joriy etgan korxonalar o‘z mahsuldorligini 20-30% ga oshirgan. Bu o‘zgarishlar nafaqat ilg‘or mamlakatlar, balki rivojlanayotgan davlatlar uchun ham strategik ahamiyatga ega bo‘lib, ularning iqtisodiy o‘sishi va xalqaro bozorlardagi mavqeini belgilaydi.

Raqamli texnologiyalar ishlab chiqarish jarayonlarini tubdan o‘zgartirish va optimallashtirish imkoniyatlarini taqdim etadi. Sun‘iy intellekt, mashinali o‘rganish va katta ma‘lumotlar tahlili orqali ishlab chiqarish liniyalarini real vaqt rejimida nazorat qilish, nosozliklarni oldindan aniqlash va texnologik jarayonlarni avtomatlashtirish mumkin. Bu yondashuv ishlab chiqarish tsiklini qisqartiradi, xom ashyo va energiya sarfini kamaytiradi, mahsulot sifatini oshiradi. Zamonaviy ishlab chiqarish korxonalarida sensörler va IoT qurilmalari orqali to‘plangan ma‘lumotlar asosida asbob-uskunalarining texnik holatini monitoring qilish va profilaktika ishlarini o‘z vaqtida amalga oshirish ishlab chiqarish samaradorligini sezilarli darajada oshiradi.

Narsalar interneti (IoT) texnologiyasi sanoat korxonalarida aqlli ishlab chiqarish tizimlarini yaratish uchun asosiy vosita hisoblanadi. IoT qurilmalari va sensörleri ishlab chiqarish jarayonining barcha bosqichlarida ma‘lumot to‘plash, tahlil qilish va tizimlar o‘rtasida aloqa o‘rnatish imkonini beradi. Bu texnologiya asbob-uskunalarining ishlash rejimini avtomatik ravishda sozlash, energiya sarfini optimallashtirish, xavfsizlik standartlarini ta‘minlash va ishlab chiqarish zanjirining barcha elementlarini bir-biriga bog‘lashda muhim rol o‘ynaydi. Aqlli fabrikalar kontseptsiyasi ishlab chiqarish jarayonlarini to‘liq raqamlashtirish va avtonomlashtirish orqali samaradorlikni maksimal darajaga ko‘tarish imkoniyatini yaratadi.

Sun‘iy intellekt texnologiyalari sanoat sohasida inqilobiy o‘zgarishlar yaratmoqda. AI tizimlari ishlab chiqarish ma‘lumotlarini tahlil qilib, optimal yechimlar taklif etadi, sifat nazoratini avtomatlashtiradi va bozor talablarini bashorat qiladi. Robotlar va avtomatlashtirilgan ishlab chiqarish liniyalari inson xatolarini minimallashtirish, ishlab chiqarish tezligini oshirish va xodimlarning xavfli sharoitlarda ishlashini kamaytirish imkonini beradi. Zamonaviy AI algoritmlari ishlab chiqarish jarayonlarini o‘rganib, ularni mustaqil ravishda optimallashtirishi, nuqsonli mahsulotlarni aniqlashi va texnologik parametrlarni avtomatik sozlashi mumkin. Bu esa ishlab chiqarish xarajatlarini 15-25% gacha kamaytirish va mahsulot sifatini sezilarli darajada oshirishga olib keladi.

Big Data texnologiyalari sanoat korxonalariga ulkan hajmdagi ma‘lumotlarni to‘plash, saqlash va tahlil qilish imkonini beradi. Ishlab chiqarish jarayonlari, ta‘minot zanjiri, bozor tendentsiyalari va iste‘molchi xatti-harakatlari haqidagi ma‘lumotlarni tahlil qilish orqali





strategik qarorlar qabul qilish samaradorligi oshadi. Prognozli tahlil (predictive analytics) yordamida talabni oldindan bashorat qilish, inventarizatsiyani optimallashtirish va ishlab chiqarish hajmlarini to‘g‘ri rejalashtirish mumkin. Ma‘lumotlarga asoslangan qarorlar qabul qilish korxonalarining raqobatbardoshligini oshiradi, bozor o‘zgarishlariga tezkor javob berish imkonini yaratadi va biznes jarayonlarini uzluksiz takomillashtirish uchun zarur ma‘lumotlar bazasini ta‘minlaydi.

**Mavzuga oid adabiyotlar tahlili.** Mavzuga oid adabiyotlarni tahlil etish jarayonida qishloq xo‘jaligi va sanoatning uyg‘un rivojlanishi: muammolar va istiqbollari bo‘yicha dunyoning bir qancha yetakchi iqtisodchi olim va mutaxassislar tomonidan ilmiy izlanishlar olib borilgan bo‘lib. Ulardan, Yuldashev G. o‘z tadqiqotlarida Raqamli texnologiyalar sanoat korxonalarining iqtisodiy samaradorligini oshirishda muhim ahamiyatga ega ekanligini, ularning joriy etilishi orqali mehnat unumdorligi va raqobatbardoshlik darajasi oshishi mumkinligini ta‘kidlaydi[3].

Y.Jo‘rajanov o‘z tadqiqotlarida Raqamli texnologiyalar (IoT, raqamli egizaklar, AI, Big Data) texnologik mashinalar samaradorligini oshirishga xizmat qilishi, real vaqt monitoring va prediktiv texnik xizmat orqali resurslardan samarali foydalanishni kuchaytirishini ifodalaydi[4].

S.Mansurova o‘z tadqiqotlarida Sanoat korxonalarining raqamli transformatsiyasi innovatsiya faoliyatini rag‘batlantiradi va iqtisodiy samaradorlikni oshiradi; IoT, Sun‘iy intellekt va katta ma‘lumotlar tahlili asosida ishlab chiqarish jarayonlarini optimallashtiradi[5].

X.Muxtarov o‘z tadqiqotlarida Sanoatning raqamli transformatsiyasi jarayoni ishlab chiqarish samaradorligini oshirish, innovatsion yondashuvlar joriy etish hamda global bozordagi raqobatbardoshlikni kuchaytirish imkoniyatlarini yaratishini qayd etadi[6].

M.O.Meliboyeva o‘z tadqiqotlarida Raqamli texnologiyalarni joriy etish jarayonida raqobatbardoshlik va integratsiyaga alohida e‘tibor qaratiladi; sun‘iy intellekt, IoT, robototexnika kabi yechimlar orqali sanoat samaradorligini oshirish mumkinligini bildiradi[7].

Z.Buri va J.T.Kiss o‘z tadqiqotlarida Raqamlashtirish sanoat samaradorligini oshirishda asosiy ustun texnologiya bo‘lib, u real vaqt ma‘lumotlar, aqlli tizimlar va avtomatlashtirish orqali mahsulot sifati va operatsion samaradorlikni yaxshilaydi[8].

M.Javaid o‘z tadqiqotlarida Raqamli iqtisodiyot va Industry 4.0 muhiti sanoat samaradorligini oshirish, ishlab chiqarish jarayonlarini optimallashtirish va resurs tejamkorligini ta‘minlashda muhim omil ekanini ko‘rsatadi[9].

Saif-Ur-Rehman K. o‘z tadqiqotlarida Industry 4.0 raqamli texnologiyalar firmalarning operatsion samaradorligini yaxshilaydi; jarayonlarni optimallashtirish va real vaqt rejimida qarorlar qabul qilishda raqamlashtirish muhim rol o‘ynaydi[10].

S.K.Sahadevan o‘z tadqiqotlarida Raqamli integratsiya va ma‘lumotlar raqamlashtirilishi orqali ishlab chiqarish samaradorligini oshirish yo‘llari va sifatni yaxshilash metodlari tahlil qilingan[11].

**Tadqiqot metodologiyasi** Tadqiqot jarayonida statistik, analitik, qiyosiy, kuzatuv, induktiv, deduktik, mantiqiy, monitoring, ekspert-baholash va boshqa tahlil usullaridan foydalanildi. O‘rganilgan adabiyotlar natijasida mavzu to‘liq yoritib berildi. Xorijiy mamlakatlar bilan hamkorlikda olib borilayotgan islohotlar ko‘rib chiqildi. Jadvallarda tegishli shakllantirildi va solishtirildi.

**Tahlil va natijalar.** Bugungi kunda ko‘plab davlatlar asosan sanoat tarmoqlarini rivojlantirishga e‘tibor qaratilmoqda. Sanoatda raqamli texnologiyalarni keng qo‘llash dastavval Aqshda va Yevropada 1960-1970 yillarda qo‘llanila boshlangan. CNC dastgohlar ilk bor korxonlarda inson omilini cheklash hamda avtomatlashtirilgan tizim joriy qilish uchun qo‘llanilgan. Keyinchalik axbrot resurslarining paydo bolishi (internet paydo bolishi) iqtisodiyotda axborotlashtirilgan tizim joriy qilishga olib keldi. Bu hodisa real vaqt rejimida





korxonalar ma'lumotini olish va ularni tahlil qilish imkonini beradi. O'zbekiston Respublikasi ham ushbu borada o'z yechimlari hamda yo'nalishlarini qonun doirasida aks ettirgan bo'lib, bu qonunlar “Raqamli O'zbekiston — 2030” farmonida takidlab o'tilgan. Asosiy yo'nalishlar raqamli iqtisodiyotda Big data tizimlarini joriy qilish hamda mazkur tizimni yanada takomillashtirish muhim deb belgilan olingan. Bundan tashqari Industry 4.0 tizimidan Industry 5.0 tizimiga o'tish asosiy maqsad qilib belgilangan. Chunki Industry 5.0 tizimi Industry 4.0 dan ancha samaraliroq hamda ma'lumotlarni Industry 4.0 ga nisbatan 15-20 % tezroq qabul qiladi hamda qayta ishlaydi. Bundan tashqari Industry 5.0 tizimi Industry 4.0 ga nisbatan ancha barqarorroq. Chunki Industry 5.0 tizimida inson omili hamda robot o'rtasida hamkorlik mavjud ammo Industry 4.0 faqat robotlar o'rtasidagi munosabatlarni amalga oshiradi. Ushbu holat davrlar rivojlanishida vujudga kelgan. Chunki robotlar bilan insonlar o'rtasidagi bog'liqlik yuqori bo'lishi inson omili hamda robotlar ishlab chiqarish samaradorligiga musbat ta'sirni ifodalaydi.

**1-jadval**
**Industry 4.0 ning asosiy komponentlari<sup>21</sup>**

| <b>№</b> | <b>Komponent nomi</b>                | <b>Mazmuni (tavsifi)</b>  | <b>Sanoat samaradorligiga ta'siri</b>  |
|----------|--------------------------------------|---|--|
| 1        | Cyber-Physical Systems (CPS)         | Jismoniy ishlab chiqarish jarayonlari va raqamli boshqaruv tizimlarining integratsiyasi | Ishlab chiqarish jarayonlarini avtomatlashtiradi va real vaqt boshqaruvini ta'minlaydi |
| 2        | Internet of Things (IoT)             | Mashina, uskuna va sensorlarning internet orqali o'zaro bog'lanishi                     | Monitoringni kuchaytiradi, nosozliklarni erta aniqlaydi                                |
| 3        | Big Data                             | Katta hajmdagi ishlab chiqarish ma'lumotlarini yig'ish                                  | Qaror qabul qilish aniqligini oshiradi   |
| 4        | Data Analytics                       | Ma'lumotlarni tahlil qilish va vizuallashtirish   | Resurslardan foydalanishni optimallashtiradi   |
| 5        | Artificial Intelligence (AI)         | Mashinaviy o'rganish va aqlli algoritmlar   | Bashoratlash, sifat nazorati va optimallashtirish                                      |
| 6        | Machine Learning                     | O'z-o'zini o'rganadigan algoritmlar   | Nosozliklarni oldindan aniqlaydi (predictive maintenance)                              |
| 7        | Cloud Computing                      | Masofaviy ma'lumot saqlash va hisoblash tizimi  | Xarajatlarni kamaytiradi va moslashuvchanlikni oshiradi                                |
| 8        | Edge Computing                       | Ma'lumotlarni uskuna yaqinida qayta ishlash   | Kechikishlarni kamaytiradi, tezkor qarorlarni ta'minlaydi                              |
| 9        | Autonomous Robots                    | Avtonom va moslashuvchan sanoat robotlari   | Mehnat unumdorligini oshiradi  |
| 10       | Smart Sensors                        | Aqlli o'lchov va signal uzatuvchi qurilmalar  | Real vaqt monitoringini ta'minlaydi  |
| 11       | Additive Manufacturing (3D printing) | Qatlamli ishlab chiqarish texnologiyalari   | Moslashuvchan ishlab chiqarish va prototiplash   |
| 12       | Digital Twin                         | Jismoniy obyektlarning raqamli nusxasi  | Jarayonlarni modellashtirish va optimallashtirish                                      |

Industry 4.0 konsepsiyasi sanoat rivojlanishining yangi bosqichini ifodalaydi va u ishlab chiqarish jarayonlarining to'liq raqamlashtirilishi hamda intellektuallashtirishiga asoslanadi. Jadvalda keltirilgan komponentlar — cyber-physical tizimlar, IoT, Big Data, sun'iy intellekt,

<sup>21</sup> Muallif tomonidan tayyorlangan.






raqamli egizaklar va aqlli zavod tushunchasi — bir-biri bilan uzviy bogʻlangan holda faoliyat yuritadi. Ushbu texnologiyalar sanoat korxonalarida real vaqt rejimida maʼlumot almashish, ishlab chiqarish jarayonlarini monitoring qilish va tezkor boshqaruv qarorlarini qabul qilish imkonini beradi. Natijada ishlab chiqarish samaradorligi oshadi, texnologik uzilishlar kamayadi va mahsulot sifati barqarorlashadi. Industry 4.0 ning muhim jihati — resurslardan oqilona foydalanish va xarajatlarni minimallashtirishga qaratilgan mexanizmlarining mavjudligidir. Jadvalda aks etgan Big Data tahlili, mashinaviy oʻrganish, bulutli va chekka hisoblash texnologiyalari ishlab chiqarish jarayonlarida yashirin zaxiralarni aniqlashga xizmat qiladi. Ayniqsa, prediktiv texnik xizmat koʻrsatish, energiya sarfini optimallashtirish va ishlab chiqarish quvvatlaridan samarali foydalanish imkoniyatlari sanoat korxonalarining iqtisodiy barqarorligini taʼminlaydi. Shu bilan birga, avtomatlashtirilgan va avtonom robotlashtirilgan tizimlar inson omiliga bogʻliq xatolarni kamaytirib, mehnat unumdorligini sezilarli darajada oshiradi.

Industry 4.0 texnologiyalarini joriy etishda axborot xavfsizligi, tizimlar integratsiyasi va inson–mashina oʻzaro aloqasi alohida strategik ahamiyat kasb etadi. Jadvalda koʻrsatilgan kibexavfsizlik, vertikal va gorizontal integratsiya, ERP/MES tizimlari hamda HMI yechimlari sanoat korxonalarida barqaror va uzluksiz faoliyatni taʼminlashga xizmat qiladi. Shu bilan birga, raqamli transformatsiya jarayonida inson kapitalining roli kamaymaydi, aksincha, yuqori malakali kadrlar, raqamli kompetensiyalar va innovatsion fikrlash muhim omilga aylanadi. Natijada Industry 4.0 nafaqat texnologik yangilanish, balki sanoat boshqaruvi va mehnat munosabatlarining sifat jihatdan yangi bosqichini shakllantiradi[12].

Rivojlanayotgan mamlakatlarda bu ulush 78,6 foizni tashkil etdi. Rivojlangan davlatlar aloqa va dasturiy taʼminot sohasidagi eng kuchli vakillar boʻlib, ular elektron tijorat va ilgʻor ishlab chiqarish bilan shugʻullanishni eng birinchilardan boʻlib boshlab bergan mamlakatlar qatoriga kiradi. Grafikdan koʻrish mumkinki, AQSH, Germaniya, Janubiy Koreada raqamlashtirilgan sanoat tarmoqlari butun dunyo reytingida yuqoriligini ushlab turibdi. Ushbu davlatlarda 60% ga yaqin korxonalar raqamlashtirilgan va samaradorlikka erishilgan.

IDC tomonidan berilgan prognozlar shuni koʻrsatadiki, raqamli sanoat transformatsiya jarayoni jahon yalpi mahsulotining 65% yetadi va jami kiritilgan investitsiyalar hajmi 6,8 trln dollarni tashkil qilishi mumkin.



**1-rasm. Sanoat korxonalarida raqamli transformatsiyaning bosqichlari<sup>22</sup>**

Mazkur rasm sanoat korxonalarida raqamli transformatsiya jarayonining besh bosqichdan

<sup>22</sup> Muallif tomonidan tayyorlangan.





iborat izchil rivojlanish modelini yaqqol namoyon etadi. Ushbu bosqichlar — pilot loyihalarni amalga oshirish, mahalliy kengayish, replikatsiya, operatsiyalarni integratsiyalashgan holda boshqarish hamda optimallashtirish va innovatsiya — raqamlashtirishning murakkab va uzoq muddatli jarayon ekanini ko‘rsatadi. Diagrammadan ko‘rinib turibdiki, korxonalarining katta qismi aynan “mahalliy kengayish” va “replikatsiya” bosqichlarida jamlangan bo‘lib, bu raqamli texnologiyalarni sinovdan o‘tkazish va alohida bo‘linmalarda tatbiq etish darajasi yuqori ekanini anglatadi. Biroq, to‘liq integratsiyalashgan va innovatsiyaga yo‘naltirilgan yuqori bosqichlarga yetib borgan korxonalar ulushi nisbatan pastligicha qolmoqda.

Shuningdek, rasm AQSh, Xitoy va global miqyosdagi farqlarni ochib beradi. Xususan, Xitoy korxonalarida replikatsiya bosqichidagi ulush yuqoriroq bo‘lib, bu mamlakatda raqamli texnologiyalarni keng ko‘lamda joriy etishga faol e‘tibor qaratilayotganidan dalolat beradi. AQShda esa operatsiyalarni boshqarish va optimallashtirishga o‘tgan korxonalar ulushi nisbatan yuqori bo‘lib, bu raqamli transformatsiyaning sifat jihatidan yetuk bosqichiga yaqinlashayotganini ko‘rsatadi. Umuman olganda, mazkur rasm raqamli transformatsiya nafaqat texnologik yangilanish, balki strategik boshqaruv, tashkiliy moslashuv va innovatsion madaniyatni shakllantirishni talab qiluvchi kompleks jarayon ekanini asoslab beradi.

Raqamli transformatsiya – bu besh bosqichdan iborat, uzoq davom etadigan jarayon: pilot, mahalliy kengayish, replikatsiya, operatsiyalarni boshqarish, optimallashtirish va innovatsiya. Raqamli transformatsiyani boshlagan barcha korxonalarining 70 foizdan ortig‘i hozirda “mahalliy kengayish” va “replikatsiya” bosqichida, faqat 3,9 foiz korxonalargina “optimallashtirish va innovatsiya” bosqichiga yetdi. Yirik korxonalarda to‘liq raqamlashtirishga erishish uchun kamida 10 yil kerak bo‘ladi.

#### **Xulosa va takliflar.**

Raqamli texnologiyalar sanoat tarmoqlarida ishlab chiqarish samaradorligini oshirishning asosiy drayverlaridan biri hisoblanadi. Tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, Industry 4.0 konsepsiyasi doirasida qo‘llanilayotgan cyber-physical tizimlar, IoT, Big Data, sun‘iy intellekt, raqamli egizaklar va avtomatlashtirilgan robotlar ishlab chiqarish jarayonlarini real vaqt rejimida boshqarish imkonini yaratadi. Bu esa texnologik uzilishlarni kamaytirish, mahsulot sifatini oshirish va resurslardan oqilona foydalanishga xizmat qiladi. Natijada sanoat korxonalarining mehnat unumdorligi oshib, ishlab chiqarish tannarxi pasayadi.

Shuningdek, raqamli transformatsiya sanoat korxonalarida boshqaruv tizimlarini tubdan takomillashtiradi. Raqamli platformalar asosida ma‘lumotlarga tayangan qarorlar qabul qilish, ishlab chiqarish va logistika jarayonlarini integratsiyalash, ta‘minot zanjirining shaffofligini ta‘minlash imkoniyatlari kengayadi. Shu bilan birga, raqamli texnologiyalarni joriy etish jarayoni yuqori malakali kadrlar, axborot xavfsizligi va infratuzilma bilan bog‘liq muammolarni ham yuzaga chiqaradi. Demak, raqamli transformatsiya texnologik emas, balki tashkiliy va institutsional o‘zgarishlarni ham talab etuvchi kompleks jarayon sifatida namoyon bo‘ladi. Yuqoridagi tahlillardan kelib chiqqan holda quyidagi taklif chora-tadbirlarni amalga oshirish maqdaga muvofiqdir:

Sanoat korxonalarida raqamli transformatsiya strategiyasini ishlab chiqish - har bir sanoat korxonasi o‘z faoliyatiga mos holda bosqichma-bosqich raqamlashtirish strategiyasini ishlab chiqishi, pilot loyihalardan boshlab to‘liq integratsiyalashgan aqlli zavod modeliga o‘tishni rejalashtirishi lozim.

Raqamli infratuzilmani rivojlantirish va modernizatsiya qilish - IoT qurilmalari, yuqori tezlikdagi internet, bulutli va chekka hisoblash texnologiyalarini joriy etish orqali sanoat korxonalarida raqamli muhitni mustahkamlash zarur.

Kadrlar salohiyatini oshirish va raqamli kompetensiyalarni rivojlantirish - muhandislar, texnologlar va boshqaruv xodimlari uchun sun‘iy intellekt, ma‘lumotlar tahlili va raqamli boshqaruv bo‘yicha doimiy malaka oshirish dasturlarini joriy etish tavsiya etiladi.

Big Data va sun‘iy intellekt asosida qaror qabul qilishni kengaytirish - ishlab chiqarish





samaradorligini oshirish, prediktiv texnik xizmat ko'rsatish va energiya tejamkorligini ta'minlash maqsadida ma'lumotlarga asoslangan boshqaruv tizimlarini rivojlantirish lozim.

Axborot xavfsizligini ta'minlash va kiberxavflarni kamaytirish - raqamli tizimlarning keng joriy etilishi sharoitida kiberxavfsizlik strategiyasini ishlab chiqish, sanoat axborot tizimlarini himoyalashga alohida e'tibor qaratish muhim.

Davlat va xususiy sektor hamkorligini kuchaytirish - raqamli texnologiyalarni joriy etishda davlat tomonidan soliq imtiyozlari, grantlar va subsidiyalar taqdim etish, innovatsion startaplar va sanoat korxonalarini o'rtasidagi hamkorlikni rivojlantirish maqsadga muvofiq.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “Raqamli O'zbekiston” strategiyasini tasdiqlash to'g'risida : PF-6079-son Farmon, 2020-yil 5-oktabr. — Toshkent.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022–2026-yillarga mo'ljallangan Taraqqiyot strategiyasi to'g'risida : PF-60-son Farmon. — Toshkent, 2022-yil.
3. Yuldashev G. The role of digital technologies on improving the economic efficiency of industrial enterprises // *Economics and Innovative Technologies*. – 2025. – Vol. 11, Iss. 3. – URL: [https://doi.org/10.55439/EIT/vol11\\_iss3/i34](https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss3/i34)
4. Jo'rahanov Y. Management of the efficiency of industrial machines based on digital technologies // *Global Journal of Innovation and Studies in Interdisciplinary Research*. – 2025. – Vol. 1, No. 2.
5. Mansurova S. Sanoat korxonalarining raqamli transformatsiyasi: iqtisodiy samaradorlik va innovatsiya boshqaruvi. – 2025. [yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz](http://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz)
6. Muxtarov X. Sanoatning raqamli transformatsiyasi istiqbollari. – Kokand Univ. Herald, 2024. [herald.kokanduni.uz](http://herald.kokanduni.uz)
7. Meliboyeva M. O. Sanoat korxonalarini raqobatbardoshligini raqamli texnologiyalar asosida oshirish mexanizmlari. – 2025. *Worldly Journals*
8. Buri Z., Kiss J. T. Digitalisation in the Context of Industry 4.0 and Industry 5.0: a bibliometric literature review and visualisation // *Applied System Innovation*. – 2025. – Vol. 8, No. 5. MDPI
9. Javaid M. Digital economy to improve the culture of industry 4.0 // *ScienceDirect*. – 2024. *ScienceDirect*
10. Saif-Ur-Rehman K. Industry 4.0 technologies and firm performance with digital ... – 2024. *econstor.eu*
11. Sahadevan S. K. Enhancing operational efficiency through data digitalization. – 2024. *diva-portal.org*
12. Mardanova R. Sanoat 4.0 texnologiyalarining ishlab chiqarish samaradorligiga ta'siri. – 2025.



